

84/54/7  
K 52

ҒЕМУРИЙЛАР  
ЭПОПЕЯСИ

# НУРАЛИ ҚОБУЛ

ТАРИХИЙ РОМАН

# ↑↑↑ АЙТОН Ш АМШИРИ

XIII

Нурали ҚОБУЛ

ШАЙТОН  
АМШИРИ

XIII



*Тарихий роман*

Тошкент  
“IJOD-PRESS”  
2019

УЎК: 821.512.133-311.6  
КБК: 84(5Ў)6  
Қ 52

**Тақризчилар:**  
**Поён РАВШАНОВ –**  
Филология фанлари доктори, профессор.  
**Акром ҲАБИБУЛЛАЕВ –**  
Индиана университети, Блумингтон профессори,  
тарих фанлари доктори  
**Қаҳҳор ЙЎЛЧИЕВ –**  
Филология бўйича фалсафа доктори

Қобул, Нурали

Шайтон шамшири: тарихий роман / Н. Қобул. – Тошкент : «IJOD-PRESS», 2018. – 400 б.

**ISBN: 978-9943-5235-1-7**

*Уфқлар султони, хоқон Шоҳруҳ тўнғич ўғли, валиаҳд мирзо Улуғбекка Туркистону Мовароуннаҳр мамлакати ва давлатининг увол-савобини топшириб қўяди. Не қадар тинчлик ва осойишталик сиёсатини юргизишга уринмасин, эски ғанимлар жўчи ва мўғул хавф-хатари халқ бошида кескир қилич каби пайдо бўлаверади. Сув уяр, душман уймас. Бунинг учун ухласанг-да ҳушёр бўлишинг, яғий шохингни синдирмоқчи бўлса, сен унинг илдизини қўпормоққа ҳозир туришинг керак. Бир энгиб, бир энгилган султон Улуғбекнинг фикру хаёли эса бобо бошкенти Самарқандда қад кўтаражак расадхонада...*

**УЎК: 821.512.133-311.6**  
**КБК: 84(5Ў)6**

ISBN: 978-9943-5235-1-7

**Abdulla Qodiriy nomidagi**  
**viloyat AKM**

INV № 168599-201905

© «IJOD-PRESS» нашриёти, 2019

## БИРИНЧИ БОБ

*Ўрик ўрикни кўриб ола бўлади,  
одам одамни кўриб бало бўлади.*

**Отасўзи**

Отасининг Хуросон юришидан қайтгани хабарини олган султон Улуғбек Ҳирот сафарига ҳозирлик кўришни буюрди. Асил шойи ва адраслар, йигирмата зотли от ва Самарқанднинг қуритилган анжирию қовунқэқидан тортиб барча қуруқ мева турларидан тайёрланган совғасаломлар ҳачиру туяларга ортилиб йўлга тушганларида ҳаво совуб, Қорадарёдан қишнинг совуқ шамоли эсиб қолган эди.

Самарқанд султонининг ичига чироқ ёқса ёришмас, Ўзганд ҳукмдори Амирак мирзо билан бўлиб ўтган жанг ва уч улуг амирнинг Ўш яқинида қатл этилишидан отасининг астойдил хафа бўлиб изтироб чекканини хос чопар айтиб келганди. Шундан бери амирзоданинг егани ичига тушмас, қиблагоҳи билан бўлажак учрашувини ўйлаб, ичини ит тирнарди.

Самарқанд карвони ўн кун деганда Ҳиротга етиб борди. Хоқони саиднинг султон ўғлини хуш кайфиятда қаршилаши, онаси маҳди улё Гавҳаршодбегим бошлиқ маликаларнинг бошидан сочқи сочишлари кўнглидаги ғуборни бир оз эса-да тарқатгандек бўлди.

Иниси Бойсунқур мирзо билан ҳар куни меҳри муҳаббат, ихлосу эътиқод-ла қиблагоҳлари ҳузурига эрталабки саломга киришар, пояси фарқад юлдузига суркалган тахт мулозиматини бажо келтиришарди.

Қилич каби икки шаҳзоданинг ота хизматига сидку



садоқат-ла бел боғлаб тургани уфқлар шаҳаншоҳи Шохруҳ Кўрагон кўнглини болалиги кечган Туркистон тоғлари каби кўтарган, орадаги гина-кудурат гарди ҳам кўтарилиб кетгандек эди.

Мароқли суҳбатлару шоҳона базму зиёфатлар билан кўз очиб-юмганча бир ой ўтиб кетди. Бироқ отаси Фарғона воқеаси ва амирзоданинг қайтиши ҳақида гап очмас, Улуғбек салтанат амирлари каби саройга кириб-чиқиб юрарди.

Ўзининг Ҳиротда ушлаб турилаётганини англаб етган амирзода совуқ ва қоронғу қиш кечаларининг биринда отаси ҳар қандай ишга аралашмоққа ваколат берган онаси Гавҳаршодбегимнинг ҳарамдаги хонасига борди.

Вақт алламаҳал бўлса-да, волидаси ухламаган, Надимаси Меҳринисо билан суҳбатлашиб ўтирарди.

– Жигарим, жону жаҳоним! Хуш келдингиз! Бу қоронғу кечада Самарқанд султонини қай шамол волидаси кулбасига етаклади? – дея ўғлини кучоқ очиб қарши олди малика Гавҳаршодбегим.

– Қай бир шамол учириб келганини яхши биласиз, волидам! Ҳар замон оёғимиз бир этикка тикилса, сиз азиз маслаҳатгўйимиз ҳузурларига чопамиз. Ҳиротга келганимизга бир ойдан ошди. Қиблагоҳ ҳазратларидан кетмоғу қолмоққа имо-ишорат йўқ. Оғиз очиб бу ҳақда сўраб бўлмаса. Ҳайронман. Бошим қотди. Шу хусусда олдингиздан ўтиб, йўл-йўриғингизни олай, деб келдим, – деди онаси қаршисига тиз чўқаркан мирзо Улуғбек.

– Мен ҳам онҳазратдан ваколат олмаганим учун Амирак Аҳмад мирзо ила ораларингизда бўлиб ўтган тўқнашув ҳақида сиздан сўраб-суриштирадим, олийшаън амирзодам. Зоти олийлари бу воқеани жуда оғир қабул қилгандилар. Бунинг устига чопар Искандар мир-

зо билан муносабатлар таранглашган бир пайтда етиб борган. Бандасидан яширганни тангридан яшириб бўлмас. Сизнинг Андижонга қиблагоҳингиз рухсатларисиз юрганингиз янглишдир. Бу сафар оқибатида улуғ бобонгизнинг узангиларида юрган уч салтанат амири ҳалок бўлган. Уларнинг оилалари, бола-чақа ва хешу ақраболари бор. Орқасида эл-улуси турибди. Шуларни ўйламоғингиз керак эди. Аълоҳазрат шундан астойдил хафа бўлдилар. Мабодо шу мавзуда гап қўзғалиб қолса, биздан хатолиғ ўтган, дея узр тилангим, қиблагоҳингиз кўнгиллари юмшасин. Самарқандга қайтмоқ ҳақида ўзлари оғиз очмагунларича индаманг. Бир эмас, балки йкки-уч ой Ҳиротда қоларсиз. Шаҳаншоҳ оталар шоҳ ўғиллари попугини пасайтирмоқ учун бундай тадбирларни қўллайдилар. Сабр-тоқат-ла падари бузрукворингизга хизмат қилмоқда давом этинг ва не десалар, шунга кўра давранинг. Атрофингиздаги ҳукмдорлар билан тирлашиб, тўқнашмоққа эса шошилманг. Бу каби ишлар бир оз тажриба орттирилгач, дўсту душманни таниб билгач, ўйлаб кўрилади. Ҳар қандай шароитда қиблагоҳингиздан сўрамасдан катта-кичик юришларга қарор берманг. Падари бузрукворингиз яқин кунларда Сарахс тўқайзорларига овга чиқмоқчилар. Сиз ила қардошингиз Бойсунқур мирзони ҳам олиб кетсалар керак. Шунда гап очсангиз бўлар балким, – жон куйдириб маслаҳат берарди малика.

– Англадим, волидам. Оллоҳ сиздан рози бўлсин! Ҳар замон бошимизнинг ою қуёши бўлиб юринг! – деди амирзода онасининг элини силаб ўпаркан. – Дуода бўлинг!

– Сизга Оллоҳ ёр, пирлару улуғ бобонгизнинг руҳлари мададкор бўлсин, болам! Қасд қилганлар паст бўлсин!

Эгамиз ҳеч қачон тўғри йўлдан адаштирмасин! – дуо қилди малика тўнғич ўғлини меҳр тўла оҳангда.

Волидасининг ҳузуридан чиққан мирзо Улуғбек сарой ҳовлисида ўй сурганча бир оз кезди. Амирак Аҳмад муаммосини ҳал этмас экан, теварак-атрофида унинг каби қош қайирувчилар сони ортаверади. Қўйиб берсангиз, бу жоҳилият замонасида дуч келган вилояту шаҳар ҳокими ҳам дастингиз калталигини сезган он ўзини хон, кўланкасини майдон санайди. Овга чиқар экан, исёнчи мирзо ҳақида отасига гап очади.

– Андижон иши ва Ўш фожиаси яхши бўлмади, авлодим, – деди хоқон овда ўғли билан яккама-якка қолганида бу мавзуни муҳокама этмоқни истамагандек. – Усиз ҳам ички ва ташқи яғийларимиз етарли қадардир. Эҳтиёт бўлиб ҳаракат этилмаса, ўздан чиққан ўт ёмондир. Биз шу пайтгача кучимизни фақат исёнчи амирзодалар исёнини бартараф этишга сарфладик, – дея мавзу муҳокамасини узатмади подшоҳ ота.

Улуғбек мирзо ҳам қайтиб бу хусусда оғиз очмади.

Ўзбошимча ўғилни ҳовуридан тушуриш жараёни уч ярим ойга чўзилди.

Илк баҳор кунлари бошланиб, сўнги қорлар эриб, бойчечаклар бўй чўзиб, ўтлоқлар кўзи тишига илинади-ган бўлганда Самарқандга қайтишга изн берилди.

Хайр-хушлашар экан, ҳам ота ўғлига Фарғона хусусида оғиз очмади. Амирак Аҳмад ишини ҳал этинг ёки этманг демади. Сукут – ризо аломатимикан, ҳамон боши қотган эди амирзоданинг.

Мирзо кўзини ярим юмганча от устида тебраниб борар, ақлидан минг бир ўй-фикр кечарди.

Форсу Мозандарон забтидан сўнг Туркистон, Мовароуннаҳр, Қобул, Ғазнин, Ҳиндистон, Хуросон,

Хоразм, Табаристон ва бошқа ўлкаларга фатҳномалар юборилган эди.

Бу фатҳномалар етти иқлим мамлакатларига етиб борган, чексиз ҳудудларда худди Султон соҳибқирон замоналаридаги каби дамлар қайтаётганини муждаларди.

Бу фатҳу зафар шу пайтгача хоқони саидга нисбатан масофа сақлаб юрган Ажам Ироқининг қадимий улуғ умаропаридан саналмиш, ўз хайлу ҳашамлари, қуллари ва хизматчилари билан Султония ва Ардабилдан то Гилон, Аррону Муғон чегараларига қадар яйлоқ ҳамда қишлоқ қилиб юрган амир Бистом Жогирдан бошлаб, теурийларни ҳаётининг бош душмани деб билган улуғ амир Қора Юсуф туркмангача ҳушёр торттирган, ўзларини бу ўлкаларнинг абадий эгаси ҳисоблаган ҳар икки номдор бек ҳам нигоҳини доруссалтанат Ҳиротга тиккан, уфқлар шаҳаншоҳи Шохруҳ Кўрагон билан яқинлашмоқ талошига тушган эдилар.

Азалий ва ашаддий рақиби амир Қора Юсуфга қарши энг кудратли давлатпаноҳ фақат султон Шохруҳ эканлигига ишонч ҳосил қилган амир Бистом Жогир муҳташам карвон, канизагу қулларини ҳозирлаб, Ҳирот йўлини тутди ва хизматкорлик узангисига ихлос-ла оёқ қўйди.

Амир Қаюмарс Рустамдорийнинг қардоши Тожиуд-давла Рустамдордан, Насруллоҳ Саҳроий Совадан, Султон товачининг ўғли Шох Увайс Ғазнадан олий тахт пойига итоату садоқат изҳори учун етиб келдилар.

Доруссалтанат Ҳирот учун бекланмаган қўноқ – улуғ амир Қора Юсуфнинг элчиси эди. Қорақўйинлилар буюк бегининг чопари Ўғузбей Асилтуркман етиб келганида хоқон амакиси Нуширвон Барлос билан янги ҳудудлар мулку мамлакатларини амирзода Бойсунқурга топширишни муҳокама этарди.

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Амир Қора Юсуфнинг бу муносабатини қандай изоҳлайсиз, амаки? – элчи ташрифидан ҳайрон эди султон.

– Улуғ амир жаноблари зоти олийларининг шаҳаншоҳлик даргоҳларига хайрихоҳлик йўлини тутган кўринади. Аломати хайрдир! Не деймиз, онҳазрат? – елкасини қисганча жавоб берди амир Нуширвон Барлос.

– Илк бор ундан чопар келиши. Буни самимий муносабатлар муждаси, дея қабул этмоқ керакми ёки Ҳирот иқлиму ҳавосини ҳидлаб келмоқ дея англамоқ лозимми. тушунмадим?

– Ҳар иккиси, дея фикр эта билурсиз, онҳазрат. Шу пайтгача улуғ амир жанобларидан чопару элчи мақомида бўлсин, кимса Ҳирот саройи дарвозасини қоқмаган эди. Ўнпаб мамлакат, вилояту шаҳарлар яна қайтиб бошкент Ҳирот атрофида бирлашгани уларнинг юрагига ғулғула солганлиги аниқ. Одам аталмиш яратикнинг феъли-хўйи шундай. Кучли ва отда бўлсангиз, яқинлашмоқ йўллари-ни излаб, патаки пайтава, оёғингиз тойиб, қўлингиз калталашганда думини тугиб, сувга тушган тош каби ғойиб бўладилар. Амир Юсуф эскию янги рақиблардан амир Худойдод Ҳусайний, Шайх Нуриддину Султон Аҳмад Жалойирларнинг жойи солинди. Энди навбат менга келган бўлса керак дея ўйлаб, сел келмасидан арнаю сойларни тўғрилаб қўймоқ ниятидадир балки, султоним. Бу ўжар қавми туркман фақат ҳайиқиб кўрққанида ва сиздан томиб турганидагина йўригингизга юриб, сўзингизни тинглайди.

– Биз ҳам амир Юсуфга яғийлик мақомида турмоқ ниятидан йироқмиз. Қолаверса, унинг қўлида бир авлодимиз бор. Тирлашсак-да тирлашмасак-да борар жойимиз маълум. Эски душман дўст бўлмаса-да, маълум муддат



бетараф туриши ва тинч юриши биз учун дўстлик каби-  
дир. Ҳар кимга саломига қараб алиқ қилинади.

– Яна қабулда кимлар бор? – сўради хоқон эшик  
оғасини ёнига чорлаб.

– Маккайи муаззама ҳокимининг мактуби ила Саййид  
Абдулкаҳф келдилар, султоним, – жавоб қилди қопучи.

– Иккиларини бирга чорлай билурсиз.

Макка ҳокими ва амир Қора Юсуфнинг элчилари-  
га подшоҳона инъомлар улашиб, хусравона иззат-ик-  
ромлар кўрсатган хоқон ҳурматли мусофирлар шара-  
фига Боғи зоғонда кечки зиёфат тартиб этишни буюрди.

Дўстона муносабатларни ўрнатиш мақсадида амир  
Ҳасанко элчи Ўғизбей Асилтуркманга қўшилиб, амир  
Қора Юсуф ҳузурига жўнатилди.

Эртаси куни Ҳирот саройига йиғилган давлати аркон  
хоқоннинг янги фармонини бекларди. Вазиру амирлар  
жойларини эгаллагач, иккинчи ўғли Бойсунқур мирзони  
ўнг тарафига ўтқазган султон мулозимларига мурожаат  
этди:

– Азиз ва муҳтарам аҳли сарой! Муқаддас ҳақ тао-  
ло саодат эшикларини давлату салтанатимиз юзига  
қарата очиб, олам аҳлининг ихтиёр жиловини қудратли  
қўлимизга тутқазганлигидан ўзига ададсиз шукроналар  
келтиргаймиз! Биз оқиллик нигоҳи ила боқиб, “Сен бу  
дунёда ўз насибангни унутмагин” оятига амал қилиб,  
“Оллоҳ сенга яхшилик қилиб турганидек, сен ҳам киши-  
ларга яхшилик қилгин” ҳукмидан ташқарига чиқмаймиз  
ва бизнинг ҳар бир амри фармонимизу илму амали-  
мизга кўз тикиб турган барча элу элатларни ўз меҳри  
шафқатимиздан баҳраманд этгаймиз! Улуғ қиблагоҳ тў-  
раю тузукларига кўра ҳумоюн хутба ва қутли пул зарби  
билан безанган ҳар бир шаҳару мамлакатни ақл асарла-

рига амал қилувчи ва адолат нурларига эътиқоди юксак бўлган бир давлатманд авлодимизу бекларимиз илкига топширмақдамиз!

Мавжуд тартибу қоидага биноан оламини интизом доирасида идора этгувчи устун ақлу фикрига таяниб, Эрону Турон, Мозандарону Хуросон мамлакатада хоқон Шоҳруҳ сўзимиз шул туруп! Лаёқатли азиз фарзандимиз, салтанат тожининг қимматбаҳо дури, мамлакат маржонининг боғичи, дунё ва диннинг шуҳрати, ғайб раҳмати ёмғиридан вужудга келган халифалик тожиги безак берувчи бир гавҳари ва салтанат узугига жило бахш этгувчи давлат осмонидаги ёрқин юлдуз бўлмиш мирзо Бойсунқур баҳодирга янги бир инъом ато этамиз ва чексиз бир ўлкани унинг ихтиёрига топшираамиз. Шаҳзодамиз девонига шижоатли шерсифат бекларни, камолот эгаси саналмиш, Низомулмулк сифатини ташиган вазирларни жам қиламиз. Олам уламоларию одамзод фузалолари, мулоҳазакор ҳозиржавоблару санъаткор шоир ва ёзарларни мулозимлари қаторига терамиз. Ана шу эътиқодимизга биноан Тус, Машҳади муқаддас, Абивард, Самалқон, Жармағон, Хабушон, Нисо ва Ёзир вилояти, бутун Мозандарон, Астробод, Шосмон, Кабуджома ҳамда Журжонга тегишли барча ҳудудларни амирзода Бойсунқурга тақдим этдик. Кечмишда Аргуншоҳ фарзандлари бўлмиш Жоний Қурбоний ҳокимлари – подшоҳ Тоғайтемур ва ундан кейин амир Валининг тасарруфи остида бўлган мулклар, билхосса Тус, Машҳад, Абивард, Самалқон, Ёзирларнинг ҳамда Астрободу Кабуджома ва уларга тобе ерларнинг молу муомалаларини мирзо Бойсунқурнинг хос девони учун тайин этдик.

Эҳтиёж нигоҳларини кўкка тикиб, ўз тирикчиликларига равнақ тиловчи, осмон эса экинлари устига ҳаёт том-

чиларини ёғдирувчи ва ер ўзининг пароканда уруғларига парвариш бериб умидларини кўкартирувчи зироатчилар билан бўлган муносабатида инсоф йўлидан юрсин. Токи солиқ йиғувчи ва амалдорларнинг зулми рақами дудидан шоҳ хирмонига ўт тушмасин.

Мазкур вилоятларнинг умаро ва кубаролари, саййидлар ва қозилари, имомлар ва қавмлари, хизматкорлар ва саройга яқин кишилари, оддий раиятлар ва барча бариятларнинг фарзандимизга нисбатан тутган йўллари эрса шундай бўлмоғи лозимдир.

Улар бизнинг фарзандимизни ўзларининг подшоҳ ва фармонбардорлари деб билсинлар. У мамлакатларнинг барчасини авлодимиз ҳукмига тобе деб танисинлар. Вилоятларга саодат бағишлаб турган унинг иқболу давлатини улуғ бир ғанимат ва улкан бир ҳадя ҳисоблаб, илоҳий эҳсон шукрию султоний мадҳу санони бажо келтирсинлар. Ўн саккизинчи йил бошланишидан тортиб, вилоят муаммолари бўйича унинг ноиб ва гумашталарига жавобу ҳисоб берсинлар. Парвардигорнинг хоҳиши билан, унинг адолат ва марҳамати ортиб боришига сабаб бўлсин учун бошларини итоат бўйинтуруғидан ва гарданларини итоат бўйинбоғидан товламасинлар!

Бойсунқур мирзони олиб Сарахс сафарига чиққан хоқон ўғлини ҳоким этиб тайинлаган мамлакатга қўйиб, ов овлаб яна бошкентга қайтди.

Шаҳарда анчадан бери тайёргарлик кўрилган Ҳирот қалъаси қурилиши бошланиб кетган, бу ишга етмиш минг киши жалб этилган эди.

– Амирак Аҳмад мирзо муаммосини ҳал этмасак, бу ишни бошлаган икки доно авлодимиз яна жиққамушт бўладилар, – деди хоқон амир Нуширвон Барлосга тикланаётган қалъа деворининг Ихтиёриддин кўрғонига тутах буржини кўздан кечирав экан.

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Шаҳзода Улуғбекка бу хусусда бирор-бир амри фармон бердингизми, аълоҳазрат? – сўради ота-бола ўртасидаги бўлиб ўтган гап-сўздан беҳабар бек. – Мен ҳам Улуғбек мирзо билан бу хусусда суҳбатлашмадим. Бир неча бор иззат-ҳурматларини жойига қўйиб чорласалар-да, Амирак мирзо Самарқандга келмабдилар.

– Авлодимизга аниқ бир сўз демадим. Айни дамда Қашқарда турган Амирак Аҳмад мирзога бир юпанчнома мактуби ёзиб, ҳузуримизга чорламоқчи эдим. Назаримда, бу можарони икки мирзонинг ўзларига ташлаб қўйиб бўлмайди. Модомики, Улуғбек мирзо бизнинг Туркистонуну Мовароуннаҳрдаги ноибимиз экан, ёши улуғ бўлишига қарамай мирзо Амирак Аҳмад унинг ҳузурига келиши лозим эди.

– Тўғри, аълоҳазрат. Ҳар қандай шароиту турумда ҳам икки мирзомиз муаммони шамшир кучи ила ҳал этмасликлари керак. Турон қалби саналмиш Туркистонда бундан буён ҳеч қачон саваш ўти аланга олмаслиги лозим. Нотинчлик бошландими, тамом. Амирак Аҳмад мўғул хонига ёрдам сўраб мурожаат этганидек, тарафлар учинчи бир кучни ғавғага жалб этади. Бу кучнинг кимлар эканлиги эса зоти олийларига маълумдир. Улар бундай имкониятни ўлжа пойлаган қашқир каби кутадилар.

– Амирак мирзога нисбатан не чора кўрмоқни тавсия этасиз?

– Урмайсизу сўкмайсиз, тўнини ечасиз, онҳазрат.

– Унда саройга боргач, юпанчнома матнини ҳозирлайлик, – деди султон жиловдорнинг қўлидан оти тизгинини оларкан.

Хоқон мунший қўлига тутган мактубга кўз югуртирди.

*“Оллоҳга ҳамд ва миннатдорликлар бўлсинки,*

ушбу нома доруссалтана Ҳиротдан рабъ-ал-аввалнинг ўн олтинчисида (25 май, 1415) илоҳий кўмаклар учун шукр баён этилиши лозим бўлган бир пайтда жўнатилмоқда.

Бизга етиб келган хабарга кўра сиз ила мирзо Улуғбек орасида фисқу фасодчиларнинг номўътабар сўзларига эътиборан шаҳарлар ва фуқароларнинг нотинчлигию ташвишларини орттирувчи кечмиш юз берибди. Бу ҳол биз учун бағоят маслаҳатдан йироқ ва ғалат туюлди. Чунки биродарлар ва фарзандларга нисбатан бизнинг бешикдан тобутгача ғамхўр эканлигимиз сизга маълумдир.

Ота-болалик биноти кўзгалмай турувчи тоғлар каби собит бўлмоғи учун ул фарзанд бизнинг ҳузуримизга ҳомийлик паноҳини сўраб келишига ишончимиз комил ва эътиқодимиз кучлидир.

Бу сўзлар қон-қардош, туғишганлик вазифаларини адо этиш, мусулмонлигу инсонлик, инсону мусулмонларга ғамхўрлик қилиш юзасидан сўйланмоқда. Сохта тақаллуфу носамимият, кек сақлаб кибрга берилмоқ, барчамиз учун уятдир.

Эҳтимолки, ёнингизда юрган бир гуруҳ мулозимларингиз юз берган номақбул ҳаракатлар улар томонидан содир этилганлиги туфайли ваҳимага тушиб, сиз фарзандимизнинг ҳузуримизга келишга монелик қиларлар. Сиз уларни шунга ишонтирингки, биз атрофингиздаги барча кишилар гуноҳларининг устига афв чизиғини тортдик.

Ҳақ устига ҳақдирки, уларнинг ҳамласига раҳм-шафқатимиз паноҳидан бошпана бергумиздир. Кўмак бергувчи даргоҳи кенг тангридир. Умринг ақл-идрок натижасидек боқий бўлсин.



## Нурали ҚОБУЛ

---

Азон-ла бошланиб, сало ила битажак қисқа умрда бир-биримизнинг кўнглимизга озор бериб, дилимизни ранжитмайлик. Ўз ўрнимиз ва йўлимизни билмай ҳаракат этишимиз бизни сўзсиз тасаввур ҳам этиб кўрмаганимиз жарликка элтади. Гап тамом, вассалом”.

Ҳоқоннинг Фарғона ҳокими Амирак Аҳмад мирзога ёзган юпанчнома мактубини қўйнига солган ҳорғин амир Нуширвон Барлос сарой ҳовлисига чиққанида кеч кириб қоронғу чўккан, шаҳар кўчаларида одамлар сийраклашиб, шовқин-сурон сиёвсиб қолган эди.

Сарой жиловдори етаклаб келган отига ўтирганча элчи ва чопарлар карвонсаройи томон йўл олди.

Синглиси етаклаган ўша кўр ашулачи эски бир айтувни айтганча уйи томон қайтарди:

*Ўғил зоти қутурса, ўрга чопар этана,  
Қиз деганинг қутурса, қирга чопар бўтана.  
Дўсти нодон қутурса, дурга чопар бегона,  
Бевафо ёр қутурса, зўрга чопар шайтона.*

## ИККИНЧИ БОБ

*Тупурганинг юзга боқма,  
боқажанинг юзга тупурма.*

**Отасўзи**

Улуғ амир Қўра Юсуф туркманнинг маълум ва машҳур беги, сўзамолликда манман деган воизларни ортда қолдиргувчи амир Мардоншоҳнинг Ироқ дарвозасига етиб келганлиги хабари етганда ҳоқон амакиси Нуширвон Барлос билан Рай мамлакатининг подшоҳи амирзода Ийжал ибн амирзода Мироншоҳ Кўрагоннинг

ҳалокатли касаллик оқибатида вафот этганлигидан қайғуриб ўтиришарди.

– Ийжал мирзонинг ўрнига иниси амирзода Алангирни тайинласак? – деди хоқон сўров маъносида амир амакисига боқиб. – Узангисига амирларимиздан Юсуфхўжа Қаноширин ва Ажабшерларни боғласак?

– Алангир мирзо ҳам йигирмага кириб қолди. Ишониб бирор юртни топширса бўлади, – подшоҳ фикрига қўшилди амир Барлос.

– Амир Мардоншоҳ не нияту мақсадда келди экан?

– Назаримда, амир Юсуф зоти олийларидан нимадир сўрайдиган кўринади. Балки бирор-бир қалъани рижо этар. Яна билмадим.

Подшоҳ эшик оғасига амир Мардоншоҳни чорлашни буюрди.

Амир Мардоншоҳ ҳар елкаси замбил каби солланиб келиб палос ўпди.

– Олам шоҳи хоқони саид саройларининг нафасини туймоқ биз учун чексиз бир шарафдир! – деди пешонасига оққан салласини тўғрилаб.

У оғзини тўлдириб гапирар, олд жағ ва ияк тишлари тушганлигидан сўзидаги “с” ҳарфи “ш”га айланиб чиқарди.

– Хуш келдингиз, муҳтарам амир жаноблари. Қардошимиз улуғ амир жаноблари сиҳат-саломатдирлар, иншооллоҳ! – деди бекни илиқ қаршилаб хоқон.

– Сизга чексиз дуои саломлар йўллаб, ушбу мактубни етказмоғимни буюрдилар, – дея қўйнидан олтин боғичли зарфни чиқариб хоқонга узатди.

Хатни очган хоқон қошини чимирганча диққат билан ўқиди.

– Амир ҳазратлари биздан Султония қалъасини

сўрабдилар? – ҳайрон бўлиб амир Нуширвонга Барлосга қаради султон.

– Ул кишимга шунча шаҳару қалъалар етмаётган эканми? – амир ҳам ҳайрон эди. – Яхши хотин жун сўраб чиқар, ёмон хотин ун сўраб чиқар деганларидек, амир Юсуф жаноблари уну жун сўровчилар хилидан эмаслар!

– Агар биз қалъани ул кишимга ато этсак, давлатхоҳлик вазифаси нени ижоб этса бажо келтириб, фармони-мизга мувофиқ итоаткорлик расм-русмларини ўринлар тар эмишлар.

– Ўғлини султон эълон этиб, салтанат даъвосини қилиб турган Қора Юсуфдек одам бир қалъа учун тобе-ликни бўйнига олармикан? Кутилмаган бу таклифнинг орқасида бирор-бир ўйин йўқми, амир Мардоншоҳ? – деди қўноқ бекка зимдан боқиб амир Барлос.

– Улуғ амир ҳазратларининг амир соҳибқирон авлодларига нисбатан муносабатлари ижобий томонга ўзгарганлиги, бундай ёшда шаҳаншоҳ Шоҳруҳ зоти олийларига мухолифатда турмоқ фикридан йироқ эканликларини қайд этмоғим жоиздир, – жавоб қилди амир Мардоншоҳ Нуширвон Барлоснинг фавқулодда сўз зарбасидан қора терга тушиб.

– Менинг ожиз фикримга кўра, муҳтарам амир Юсуф жаноблари Султонияни ўзларининг ота мулклари ўлароқ ҳисоб этиб, ҳе йўқ, бе йўқ талаб этмоқдалар. Акс ҳолда қорақўйинли қардошимизнинг Султонияда итлари адашмаган бўлса керак? – амир Мардоншоҳга босимда давом этди амир Барлос.

– Майли, амир жаноблари. Бу каби гапларни бир четга қўя турайлик. Бу қалъаю шаҳарлар улуғ амир ҳазратларининг-да, бизнинг-да ота-боболаримиздан

қолган. Биздан-да қолажак. Модомики, қардошимизга Султония керак экан, лозим бўлса, унинг ёнига Қумни ҳам қўшиб берамиз. Бироқ бу каби ишларни амалга оширмақнинг таомили, шу пайтгача амал қилиб келинган қонун-қоидаси бордир, – дея амир Нуширвон Барлоснинг сўзини кесди султон. – Улуғ амир ҳазратлари буни яхши биладилар. Шунга кўра давраниб, садоқату самимиятларини исботласинлар, биз Султонияни бермоққа розимиз.

– Шартингизни сўйланг, шаҳаншоҳ зоти олийлари? Амри фармон хоқон ҳазрати олийларинингдир! – деди амир Мардоншоҳ бош эгиб таъзим этаркан.

– Амир ҳазратларининг ниятлари тўғри ва самимий экан, садоқат нишони шул эрурки, орамизда худди мана шундай элчилар бориб-келиб туришсин. Ўз ўғилларидан бирини бизнинг ҳузуримизга юборсинларким, сўзларига ишонайлик. Шунда биз Султония ва у диёр атрофини ул кишимга ато этайлик. Талабимиз бу қадар баситдир, амир жаноблари, – Ҳирот саройи шартини сўйлади хоқон.

– Шаҳаншоҳ зоти олийларининг сўзларини самимият-ла улуғ амир ҳазратларига етказажакман, – жавоб қилди амир Мардоншоҳ таъзим-ла.

– Фурсати келганда яна бир нарсани сўрсам, Мардоншоҳбек қардошим. Қулоғимизга улуғ амир ҳазратларининг мирзо Искандар билан тўқнашуви улуғ амир ҳазратларининг хасталиклари сабабли юз бермаган деган гап етиб келганди. Шу гап тўғрими? Амир жаноблари ҳам, ўғиллари, Боғдод ҳокими Шоҳ Муҳаммад ҳам атрофларидаги ерларни босиб олмоқда давом этмоқдалар деган хабарларни туймоқдамиз. Шу масалаларга бир аниқлик киритсангиз мамнун бўлардик, амир жаноблари?

– Бош устига, хоқони саид зоти олийлари. Улуғ амир ҳазратларининг Искандар мирзо билан савашмоқ ни-  
ятлари бўлмаганлигидан хабарингиз бордир, албатта. Оллоҳнинг хоҳиш-иродаси билан юз бермаган Неҳованд  
тўқнашуви амирзодамизнинг тезобликлари оқибатида  
бошланган бўлиб, улуғ амир ҳазратларининг бетоб-  
ликлари туфайли содир бўлмади. Шундан сўнг амир  
Юсуф ҳазратлари Неҳованддан ортга қайтаркан, Говруд  
қалъасига етдилар. Зоти олийларига маълум бўлса  
керак, бу кўрғонни эгаллаб олган Бобо Ҳожи анчадан  
бери бизга қарши муҳолифатчиликдан дам уриб келар-  
ди. Амир қўшини Ҳаштрудга етганда у мувофиқатчилик  
йўлига кириб, қўш-қўш туҳфа ва ҳадялар билан амир  
қароргоҳида ҳозир бўлди. Амир ҳазратлари ҳам унга  
иноят, иззат-икром кўрсатиб, Говруд ва теграсидаги ви-  
лоятларни суюрғол қилиб бердилар. Ўғиллари, Боғдод  
ҳукмдори Шоҳ Муҳаммад эса ўзига бўйин товлаб юр-  
ган Шаҳрзур ҳокими Муҳаммад Сору туркманга қарши  
қўшин тортгани рост. Муҳаммад Сорунини тўқнашувда  
синдирган амирзода Шоҳ Муҳаммад уни Ҳайт қалъасига  
қамаб қўйгандир, зоти олийлари, – дея хоқон саволини  
жавоблантирди амир Мардоншоҳ.

– Бу қавму турк туркманнинг қонида бор экан-да,  
меҳмон. Турк туркнинг, туркман туркманнинг, барлос  
барлоснинг тагига сув қуймаса уйқуси келмайди, –  
деди хоқон амирни тинглагач.

– Ҳақсиз, хоқони саид ҳазратлари. Турку барлосни  
ўзингиз биласиз. Бир ота-онадан тараган оққўйинлию  
қорақўйинли туркманлар орасидаги низою адоватни  
айтмайсизми? Бир-биримизнинг этимизни егандан кўра  
бирлашиб, бизни одам ўрнида кўрмагувчи димоғдор  
арабу қирриғ форсларга қарши курашайлик дейдиган



одам зоти йўқ! Барчаси ёввойи кўппак каби бир парча луқма пешида! – хоқоннинг сўзи маъқул келганди қорақўйинли амирга.

– Унда сиздан Оллоҳ рози бўлсин ва улуғ амир ҳазратларига бизнинг дуою саломларимизни еткуринг. Иншооллоҳ, аҳди паймонлар бир ердан чиқиб қолса баробар чалишмоқ ва янада батафсилроқ суҳбатлашмоқ насиб этар, – дея амир Юсуфнинг элчисига изн берди султон.

– Туркман деган қардошимизнинг бугунги гапи эртага тўғри келмайди, онҳазрат. Амир Юсуф бежизга Султонияни сўрамаган. Талабдан шу маъно келиб чиқадики, у шу шаҳарга кўз тиккан. Кўрасиз, Ҳирот саройига ўғлини ҳам юбормайди. Бу отадушман қари бўрини яхши биламан, – деди амир Мардоншоҳ чиқиб кетгач Нуширвон Барлос.

Шоҳруҳ султон оғзида тухуми бор амакисига тикилганча қараб қолди. Амир Юсуфдек катта яғий бизга етишмай турганди деган фикр хоқоннинг нигоҳида қотиб қолгандек эди.

Амир Мардоншоҳ қайтиб кетганидан кўп ўтмади. Ҳиротга амир Қора Юсуфнинг Султония томон юрганлиги хабари етди.

Хоқон фармониغا кўра амир Илёсхўжа катта лашкар билан Мозандарон сари юрди. Сўнгра Иброҳим Жаҳоншоҳ Барлос йигирма минг қўшин билан Султония томон йўлланди. Уларга фақат амир Юсуф ҳужум қилса жавоб бермоқ амри берилди. Чегарадаги бекларга амир Иброҳимга кўмак этмоқ вазифаси юклатилди.

Қумдан, амирзода Саъд Ваққос Пирмуҳаммад Жаҳонгирдан келган мактубни ўқиган хоқон тутақиб кетди. *“Амир Бистом Жогир амир Қора Юсуфнинг Сул-*

*тония томон юрганлигини туйиб, ўз ўғлини қалъада қолдириб, менинг хузуримга келди. Мен эса уни қўлга олдим. Хоқон ҳазратларидан неки ҳукм бўлса, шунга кўра иш тутгаймиз”* дея ёзганди мирзо Саъд Ваққос.

– Мана бизга яна йўқ ердаги ғавго. Ахир, у қушмия авлодимиз Бистом Жогирни Султонияга биз юборган-лигимизни, қиблагоҳ ҳазратларига ҳам садоқат сақлаб келган бир ҳукмдору шахсият эканлигининг наҳотки фарқига бормаса? – қизишди хоқон.

– Иқтидору фаросат отадан, қалбу назокат онадан, онҳазрат! Ўзида йўқ кимсага фаҳму фаросатдан не қадар сабоқу тарбият берманг, бефойдадир. Сўйлаганингиз каби умримиз ўзимиздан чиққан нобакорлар тизгинини тортишу жазоламоқ билан ўтадиганга ўхшайди.

– Амир Бистом Жогир хузурига паноҳ истаб келган бўлса, уни ҳибсга олмоқ ерига кўмак этмоғи керак эди. Ҳозироқ Ардашер тавочини Қум сари йўллаб, бу жоҳарони бартараф этмасак бўлмас, – асабийлашганча хона бўйлаб юра бешлади хоқон. – Соҳибхабар Қулмон Қиётни ҳам бу ишга жалб этинг! Одамлари амирзода Саъд Ваққоснинг ҳар бир хатти-ҳаракати, гап-сўзини таъқиб этсун! Улардан бундан-да катта ахмоқгарчиликларни кутмоқ мумкиндир, – ҳовури босилмасди ҳукмдорнинг.

Қумга етиб борган Ардашер тавочи ҳокимият жиловини қўлга олиб, шаҳарда сокинлик ўрнатган бўлди. Бироқ Қулмон Қиётнинг Ҳиротга шамолдан-да тез етиб келган чопари етказган хабар илгаригисидан-да нохуш эди.

*“Хоқони саид ҳазрати олийларига арз этамен. Амирзода атрофидаги нобакорлар маслаҳатига амал қилиб, соддалик ила ақл бовар қилмас хатога йўл қўйдилар. Фитначилар унга “Сен амир Бистом Жогирдек Қора Юсуфнинг ашаддий ғаними бўлган киши-*

ни ушлаб турибсан. Амир Юсуф учун бундан муҳим ва катта пешкаш бўлиши мумкин эрмас. Уни олиб ҳамон амир Юсуф ҳузурига отланинг ва ишончу мамнуният-ни қозонинг” дея маслаҳат берадилар. Соддадил мирзо бу ифвогарона ташвиққа учадилар. Йўлдан оздирувчилар сўзини тинглаган амирзода амир Қутлуқхожани ўғруқ бошига қолдириб, уч юз суворий қуршовида амир Бистомни олиб исёнкорлик биёбонию хатокорлик даштида гумроҳ бўлиб, амир Юсуф қароргоҳи томон йўл жўнайди. Амирзода таширфини хайри аломат дея тушунган амир Юсуф уни азиз тутиб, муносиб қаршилайти ва Ажам Ироқини даъво этаётганини яширмайти. Амир Бистомга ҳам жабр қилмай, озодлик бахш этади. Мирзо амир Юсуф қошида яшамоқни таржих этадилар. Улуғ амир Қора Юсуф эса Бистом Жогирнинг ўгли Ахий Фаражга Қум назоратини топширади. Қумда эканман, амир Ахий Фаражнинг амирзода Саъд Ваққос ҳарамини олиб кетмоқ учун бу ерга келаётганини эшитдим. Воқеалар тафсилотини янги чопар орқали билдиргум. Содиқ қуллингиз”.

– Ана сизга текин у хойнона томоша, – деди бу хабардан лол бўлган хоқон қаршисида ўтирган амир Нуширвон Барлосга қараб бошини маъноли ирғаркан.

– Не деймиз, онҳазрат, – жавоб қилди ўйга толган амир қошларини чимириб калта кесилган соқолини силаркан. – Баттарнинг баттари бор деганларидек, эгасидан сўраймизки, нохуш хабарнинг энг сўнггиси шу бўлсин. Амирзода уч юз суворий билан Қора Юсуф ҳузурига кетган. Демак, қўшин унга эргашмаган. Шунинг ўзи катта гап. Бу ҳаракати билан мирзомиз қисмату қадарининг устига қора чизиқ тортибдилар. Тангри ўттиз қилганда, ўзлари тўққиз қилибдилар. Сиқилманг, аълоҳазрат.

Яратган мушкулимизни осон этар, – ўзича хоқон кўнглига таскин бермоқчи бўларди амир Нуширвон Барлос. – Бу нобакорлар ила мужодала янглиш ҳисоб Боғдоддан эмас, эндиликда Ҳиротдан дўнажагига ақллари етгунига қадар давом этадиган кўринади.

### УЧИНЧИ БОБ

*Кўрнинг созига қар ўйнайди.*

**Отасўзи**

Амирзода Саъд Ваққоснинг ҳарами Ағо бегим мирзо Мироншоҳнинг қизи, оқила, олийҳиммат ва мард бир малика эди.

Ўзини амир Қора Юсуф остонасини ўпиб, улуғ бобо-сию амакилари Мироншоҳ мирзо ва Шоҳруҳ султонлар шаъни шавкатини ер-ла баробар этган жуфти ҳалоли олдига олиб кетиш учун келаётан Ахий Фаражнинг хабарини эшитиб, тепа сочи тик бўлди.

---

Боши қотган малика чодирига энг ишончли кишиси, кўрима бошлиғи Турсун Муҳаммад полвонни чақирди.

– Қанча одамимиз бор? – сўради малика чодир ўрта-сида тик турганча тасбеҳ ўғирар экан.

– Эллик чоғлик, маликам. Буюринг, не хизмат? – икки букилиб таъзим қилди кўрима юзбошиси.

– Етарли. Бизни мирзомиз ҳузурларига олиб кетмоқ учун амир Бистом Жогирнинг ўғли Ахий Фараж келаётган эмиш...

– Не қилмоғимиз даркор, олийнасаб маликам? Биз ҳам уларга ўхшаб хиёнат остонасига қадам қўйиб, ўша Қора Юсуф туркманнинг ҳузурига борамизми? – кўзлари олайиб сўради Турсун полвон.

– Борамиз, полвон қардошим. Бироқ таслимия-

---

ту хоинлик руҳи билан эмас, сотқинлардан ўч олиб, аларни жазоламоқ учун борамиз! – саси титраб кетди Ағо бегимнинг. – Қонимда улуғ атам амир соҳибқирон ҳазратларининг тоза қонлари оқаркан, бу хиёнат у но-муссизликни ҳазм эта олмайман! Бошим кетиб, танамни тилка-пора этсалар-да, бу шарафсизлик саҳросига оёқ қўйганларнинг таъзирини бераман! Бу қасос ишига бош бўласиз, полвон!

– Бош устига, маликам! Биз ҳам йигитлар билан эртаю кеч шу ҳақда қўнишамиз. Бизни шу мақомларга етказган амирзодага Қум каби шаҳару мамлакатни топшириб қўйган амакинги, хоқони саид назарларида ким деган одам бўлди. Ундан кўра бирор-бир жангда савашиб, шаҳид кетганимиз маъқул эмасми? – ҳаяжони бўғзига келган эди қўрима сардорининг.

– Шунинг учун биз у тарафга боришимиз, режамиз ҳақида иккимиздан бошқа ҳеч ким билмаслиги керак, полвон. Уч киши билган сирни, албатта тўртинчи одам билади. Синимизни бузмай, Ахий Фараж билан гаплашамиз. Унинг ўзи Қумда қолиб, бизни ишончли одамлари билан амирзода ёнига жўнатса керак. Хос навкарим Шерзод сизга тегишли гапларни етказиб туради ва бир-галикда ҳаракат этасиз! Оллоҳ ёру ёрдамчингиз бўлсин! – дея полвонни Ахий Фаражни қаршилашга юборди ма-лика.

– Кимнинг тегирмонига сув ташиётганини билмаган аҳмоқ амирзода! Сен каби эрга текканимдан кўра ерга кирсам бўлмасмиди? Сенинг нодонлигу хоинлигинг ҳеч бир ақли идрок доирасига сиғмайди, чодирини бўйлаб оҳиста юрганча фикр қиларди Ағо бегим. Одам қуриб қолгандай бобою ота душманнинг оёғига бош уриб борасанми? Ахир, менинг падари бузрукворим Мироншоҳ Кўрагон ўша, бобоғаним билан бўлган жангда шаҳид



кетган бўлса? Сен калтабин майхўр буларни яхши билар эдинг-ку! Бизга шу мулки давлатни суюрғол қилиб бериб қўйган амакимиз Шоҳруҳ султоннинг фариштали, тақводор юзларига энди қай кўз билан қараймиз?

– Канизак ва хожасароларига сафар ҳозирлигини кўришни буюрган малика шоҳона албисаларини сандиқларга жойлаб, ҳарам тўридаги хос хонага қулфлаб қўйишни тайинлади. Ўзи эса дугоналари билан чавгон ўйнаб от мингандаги суворийлар либосини кийди. Бобосидан ҳадя сифатида ардоқлаб сақлаб келадиган дарбанд ханжарини муъжазгина этиги қўнжига тикди.

Амир Ахий Фараж ғолибона руҳда малика чодирини қаршисига етиб келганда Ағо бегим ўзи каби кийинган ўн чоғли канизаклари билан сафар ашёларини бўғчаларга тугиб, сафарга тахт туришарди.

– Амирзода Ахий Фаражни ҳузуримизга чорланг! – деди малика тахтсифат ўриндиқда ястаниб ўтираркан.

Ахий Фараж маликага тиз чўкиб, ўз эҳтиромини билдирди.

– Буюринг, амирзода жаноблари. Бизга не хизмат? – сўради малика мусофирнинг совуқ юзига қарамай.

– Амирзода Саъд Ваққос ҳазратлари ўғруқларини ёнларига келтирмоқни буюрдилар, маликам, – жавоб қилди амир таъзим-ла.

– Маъқулдир. Зотан, Қумда биз қилажак иш қолмаганга ўхшайдир. Мирзомиз беклаётган бўлсалар борамиз. Эр – ярим пир, дейдилар. Ул кишимнинг сўзларига қулоқ солмоқ бўйнимизнинг бурчидир, – деди малика босиқ оҳангда бурро-бурро қилиб.

– Улуғ амир Қора Юсуф ҳазратларининг амрларига кўра менинг Қумда қолмоғим ижоб этадир. Еткили ки-

шиларимиз зоти олияларини эмну амниятда, соғ-салим мирзомиз қароргоҳларига элтадилар.

– Зотан, бизнинг қўрима ва навкарларимиз етарли қадардир. Йўл кўрсатмоқ учун бирорта қуловуз бера билурсиз. Одамлар бу ерда сизга позим бўлиши мумкин, – амирнинг кўнглига кўра сўйларди Ағо бегим.

– Олийшаън маликамизнинг амрлари бошимизу кўзимиз устигадир! – деди масаланинг осон ҳал бўлганидан енгил тортиб амир. – Сизни кузатиб қўйгаймиз.

– Кузатмоққа ҳам лузум йўқдир. Аросатда қолган шаҳар аҳлини тинчитиб, яшамоқларига халақит бермасликнинг ўзи бир хайри савобдир, – деди малика хайрлашув оҳангида.

Ағо бегимнинг карвони бир ҳафта деганда Султония қўриғида саропарда тиклаган мирзо Саъд Ваққос қароргоҳига етди.

Амирзода турган манзилга ярим фарсах қолганда малика навкар ва канизакларни олдинга ўтказиб, ўзи орқароқда қолди. Ёнига Турсун полвон билан Шерзод навкарни чақирди.

– Ишни бугундан эртага ўтказмаймиз, – деди икки ёнида кетаётган қўрима ва навкарга. – Ҳадафимизда тўрт киши бор. Темур Шайх, Қутлуқхожа, Шайх Али Зинда ва бу хоинларнинг қутқусига учиб, ўз аждоду авлодини сотган ўша кимса. Тушундингизми?

– Амирзодамизни ҳамми? – кўз косаси каттарди Турсун полвоннинг.

– У шарафсизнинг оти ва унвонини оғизга олманг! У энди бир сотқин. Хоинларнинг жазоси эса қай бир давлату мамлакатда бўлмасин, маълумдир! – қатъий оҳангда кўнишарди Ағо бегим. – Бироқ унга тиғ теккизманг! – сўнгги дамда фикридан қайтди малика. Сизга ҳужум қилиб қилич чопса-да, яралангу ўлдирманг!

Султония қофиласи мирзо Саъд Ваққос қароргоҳига етиб келганда атрофда кимса кўринмасди. Уларни чорак фарсах масофада турган ёлғиз суворий қоровул қаршилади.

– Амирзодамиз қайдалар? – сўради малика отдан тушиб таъзим бажо этган суворийдан.

– Саропардада бўлсалар керак. Бироқ бир неча кундирки, кўринмадилар. Беклари билан чоғир базмидалар, – жавоб қилди қоровул.

– Навкарлари кўринмайди?

– Султониядан уч юз суворий чиққан эдик. Кўпчилиги қочиб кетди. Ўттиз чоғли киши қолдик. Улар ҳам ўтин териш, бозор-ўчар каби ишлар билан тарқалиб кетишди. Қароргоҳда беш-олти кишимиз.

Малика навкарларига жуда вақти замони экан дегандек қаради.

– Мирзомизнинг ёнларида кимлар бор?

– Шайх Али Зинда, Қутлукхожа ва Темур Шайхлар, маликам.

– Сиз бориб мирзомизга бизнинг етиб келганлигимизни сўйланг, – деди малика икки навкарга ишни бошланг дегандек ишорат қиларкан. – Биз қоровулбек кўмагида шу атрофдан яхши бир жой танлаб, чодиримизни тиклаймиз. Қани суворийбек, бизга кунботишга қараган бир тепалик ёнбағрини кўрсат-чи. Чодирни кун юришига тескари қилиб тикамиз.

Ҳозирланган ўн суворий Шерзод ва Турсун полвоннинг ортидан эргашди. Мулозимларини қоровул билан юкларни туширишга юборган малика оти жоловини бўш қўйганча навкарлари ҳаракатини кузатиб саропарда томон борарди. Қурулланган қирқ суворий отлари жоловини тортганча малика ортидан боришарди.

Саропардага етган ўн икки суворийдан еттитаси қиличини яланғочлаганча саропардага кирди.

Амирзода қароргоҳида қий-чув, тўс-тўполон бошланди. Ярим-яланғоч беш канизак ва тўрт чухра бақириб-чақирганча саропардадан отилиб чиқди.

Малика саропардага етиши билан Турсун полвон ва Шерзод навкар югуриб чиқишди.

– Амрингиз ерига келтирилди, маликам! Бироқ мирзомиз йўқ эканлар! – деди Турсун полвон белбоғи билан қиличининг қонини артаркан.

– Шерзод! Учаласининг ҳам калласини узиб тузла ва хужунга солиб Ҳиротга, амаким хоқони саид ҳазратлари саройига элтиб, оёқлари остига ташла! – буюрди малика. – Бўлиб ўтган воқеалар шарҳини зоти олийларига етказ ва амри фармонларини бизга олиб қайт!

Барчани ҳайратга солган бу ҳодисадан дўсту душман карахт эди.

Қатл тафсилотини навкар Шерзод Ҳошимдан эшитган хоқон Шоҳруҳ ҳам бу журъату жасорат олдида лол эди.

– Ҳаётимда, билхосса теурий маликалар орасида бундай мардона бир хонимни учратмагандим. Бу ҳақли жазо аёл кишичалик ақли идрокка эга бўлмаган амирзодаларимизу уларни йўлдан уриб фитнага тарғиб этгувчи беклар учун сабоқ бўлмоғи лозимдир, – дея навкар Шерзодни хуш қаршилади хоқон. – Бизнинг юпанч мактубимизни авлодимиз Ағо бегимга еткуринг. Маликамиз Қумга қайтиб, фароғат-ла яшасинлар. Биз сенга қўшиб мирзо Рустамнинг навқари Шер Алини ҳам маликамиз ҳузурларига юборамизки, сизларга неки ёрдам лозим бўлса ёнларингизда туриб ҳал этгай! – дея Ағо бегимнинг навқари Шерзод Ҳошимга Қумга қайтишга ижозат берди хоқон.

## ТҮРТИНЧИ БОБ

*Уришганга бир ўлим,  
Аралашганга икки ўлим.*

**Отасўзи**

Мирзо Рустамнинг ўз акаси амирзода Искандарнинг кўзига мил торттиришидан норози бўлган Шоҳруҳ кўр қардошининг жонига қасд қилишдан хавфсираб, Искандарни кичик қардоши, Хамадон ва Луристон ҳукмдори мирзо Бойқаро ҳузурига юбориш амрини берди.

Саъд Ваққос мирзонинг қорақўйинлилар тарафига ўтиб кетиши эндигина тинчиган Қум ва Кошон мамлакатидан тортиб Хамадонгача бўлган ҳудудларни яна фитнаю фужур ўчоғига айлантирган эди.

Акаси Искандарнинг Хамадонга келиши мирзо Бойқаронинг тинчини бузди. Амакиси Шоҳруҳ султондан буйруқ бўлганлиги боис эътироз эта олмади. Акс ҳолда уни икки дунёда Хамадонга йўлатмасди. Табиатан фитнага мойил акасининг инжиқликларини яхши билган Бойқаро у билан анчадан бери гаплашмас эди. Буюк қардоши билан азалдан каклиги сайрашмас, қардош душманлар каби эдилар.

– Ўз акасининг кўзига мил торттирган инимни ҳеч қачон кечирмайман ва мисли билан жазосини бераман, – деди Хамадонга етиб келиши билан озиб-тўзиб кетган мирзо Искандар асабий оҳангда. – Унинг бу разил ишини сен кечира оласанми, Бойқаро? – оғзидан туфик сачрарди кўр амирзоданинг.

– Бир янглиш ҳаракату хато иш иккинчисини туғдиради, ака, – жавоб қилди Бойқаро норози кайфиятда. – Масалани муҳокама этиб, чуқурлаштирмайлик.

Исёнингиз учун ўлим жазосига ҳукм этмаганларига шуқр қилмайсизми? – акасининг тажанглигидан ҳайрон эди Бойқаро. – Бошингизга яна бир балони сотиб олиб ўтирманг, тагин.

– Бу аҳволда яшагандан ўлиб кетган маъқул, қардошим. Энди тирик бўлиб сонда, ўлик бўлиб гўрда йўқман. Ҳарамимдан тортиб хешу ақраболаримга қадар барча-барчага тирик товонман, – дея ҳўнграб йиғлаб юборди мирзо Искандар.

Амирзода Бойқаро ҳам кўзига ёш олди.

Искандар мирзо аянчли қисматга кўниккандек кўринар, бироқ ичини ёндираётган алам ва қасос ўти аъзойи баданини қовурарди.

Бу орада амакиваччаси Саъд Ваққоснинг Қумни ташлаб амир Қора Юсуфнинг ҳузурига қочиб борганини эшитган мирзонинг ичига ўт тушди.

– Энди сен бу мамлакатда ҳеч қачон тинч-омон, роҳат-ла салтанат суролмайсан. Қорақўйинли султўнлар билан тил бириктирган Саъд Ваққос истаган замони босиб келади ва қочишга ҳам улгурмайсан, – деди бу хабардан ҳаяжонланган мирзо Искандар.

– Сиз сувдан ҳам, ойнадан ҳам исёну босқин аксини изламанг, ака. Саъд Ваққос мен билан ҳисоблашмасанда амаким, хоқони саид ҳазратларидан ҳайиқиб ул кишимнинг мамлакатига бостириб келмас, – эътироз билдирди мирзо Бойқаро.

– Амакиси мамлакатига босиб келиш нияти бўлмаганида, азизу муҳтарам, қиблагоҳи ўрнидаги кишини сотиб, отаю бободушман амир Юсуф томонга този қувган тулкидек қочиб кетмаган бўлур эди, жигарим, – укасига босим ўтказарди Искандар.

– Шундай қилади деб ўйлайсизми? – ишонқирамай сўради мирзо Бойқаро.

– Менинг бир ёлғонимга ишонинг, амирзодам. Бу мамлакатларнинг ягона султони Рустам ҳам, Саъд Ваққос ҳам эмас, сиз бўлишингиз керак. Жон-жигарининг кўзини кўр қилган одам инсон каби оёқ узатиб жон бермайди. Аввал худди мен каби кўр бўлиб, азоб-уқубатда ўлади. Фалокат етиб келмасидан бурун чора-тадбирни кўрмоқ лозим. Сўнгра кеч бўлади. Ҳиротдан йўлга чиққан амакингиз етиб келгунига қадар нафақат Хамадон, Шерозу Табриз ҳам қўлдан кетади. Намозхон амакингиз эса Андижонда қовун туширган тўнғичи Улуғбекнинг хатосини тўғрилайдими, мўғул кўшинини Фарғонага бошлаб келадиган Амирак Аҳмад муаммосини ҳал этадими ёки бизга ёрдамга келадими? Ўйлаб кўринг! Кечиксак, ҳамма нарсадан қуруқ қоламиз. Мен бу иш учун бор-йўғимни тикаман.

– Не қилмоқни маслаҳат берасиз унда? – сўради Бойқаро акасининг ишончли оҳангдаги мулоҳазасидан таъсирланиб.

– Отни қамчилаш керак. Катта ҳоқимият катта жасорату ҳаракат ва катта маблағ сарфи билан қўлга киритилади. Ишни Шероз сари юриб, Форс мамлакатини қўлга киритишдан бошлаш керак.

– Шерозда амакимнинг учинчи ўғиллари амирзода Иброҳим Султон ўтирибди-ку? Унга қарши борамизми?

– Мен Шерозга уч баҳодир аскаримни юборганман. Улар бир иложини қилиб Иброҳим Султонни тинчитишлари керак. Бироқ бу иш чўзилмоқда. Балки биз етиб борганимизга қадар Шероз тахти ҳам бўшаб, сиз амирзодамизга насиб этар. Менинг шу аҳволга туширган амакимиздан қасос олмоқ элимдан келмас. Бироқ эпланганим одамидан қасосимни оламан! Улар Искандарнинг совунига бир маротаба бўлсин қўл ювиб кўрадилар.

– Амирларимиз бу юришга рози бўлишармикан?

– Кераклилари билан гаплашиб қўйганман. Фурсатни бой бермай йўлга чиқайлик. Иккиланганларга Ҳиротдан Шероз томонга юрмоққа фармон келди деймиз, – укасини иқно этди Искандар мирзо.

Вақт соатининг юриши, чархи фалакнинг айланиши, худди шу дамларда содир бўлган, саратондаги икки наҳс юлдузининг бир-бирига яқинлашувининг оқибати форс мамлакати ишларининг тескари кетишини тақозо этгач, мирзо Бойқаро тадбирсиз ёшлик ғурурию фасод ёрилишининг тезлиги, балки азалий қазою қадар ёзмишига бўйсуниб, мирзо Искандар қутқусига учиб, Шероз сари от сурди.

Бу юришнинг оқибатидан ташвишга тушган айрим бек, қўмондон ва навкарларнинг ташвишли нигоҳидан шу маънони уқса бўлар эди. Агар тангри бир қавмнинг қўлидан мулки давлат кетишини истаса, уни сақлаб қолмоққа қаратилган барча тадбиру такбирлар хато кетажак.

Искандар мирзо ва амирзода Бойқаронинг бирлашган лашкари Хамадондан чиқиб, шитоб-ла Шероз йўлига тушди.

– Мурод телба энг яхши отлардан бирини миниб Исфаҳонга қараб қочди! – деди ҳовлиққанча етиб келган қоровуллардан бири икки амирзодага.

Мурод телба Искандар мирзонинг ишонган навкарларидан эди.

Амирзода беихтиёр акасига қаради.

– Ҳа, итдан тараган сотқин! – сўкинди Искандар мирзо. – Энди у тўппа-тўғри Рустам қотилнинг олдига боради. Рустам эса йўлимизни тўсиши мумкин, – деди Искандар қора терга тушиб. – Жадал юришимизга тўғри келади.

– Тўсишнинг иложи бўлмаса ортимиздан қувиб келиш-



лари ҳам мумкин! – деди овози титраб, хаёли қочган мирзо Бойқаро. – Айри-айри йўлда давом этмоғимиз керак. Шунда тезроқ Шерозга етамиз. Катта қўшин билан илдам юрмоқ қийиндир, – қўрқиб кетганди ёш амирзода.

– Хамадон лашкари Жўрбодоқонга етай деб қолган эди. Орқаларидаги чанг-тўзон орасидан таъқиб этаётган суворийлар қораси кўринар, отларнинг пишқириб чопаётгани эшитиларди.

Кўр акасини амирларига топширган Бойқаро сараланган суворийларини ёнига олганча отига қамчи босди.

Шу от қўйганича Гандумонга етиб келди. Буюк қардоши Искандар мирзо ортда қолиб кетди.

Искандар мирзо черигига етиб олган Исфаҳон лашкари уни қуршовга олди.

Бахтиқаро ва толеи наҳс амирзода Искандар мирзо Рустамнинг лашкарбошилари Улуғбек ва Аслибеклар қўлига тушган эди.

Кўр амирзодани банди ҳолда Исфаҳонга, мирзо Рустам ҳузурига элтдилар.

Не қиларини билмай боши қотган маслаҳатчисидан айрилган мирзо Рустам Гандумонда туриб қолди.

Мирзо Бойқаронинг Шерозтомон келаётганлигини туйган Иброҳим Султон беклари билан маслаҳатлашиб, Искандар мирзонинг Шерозда турган ва давлатпаноҳлари етиб келишини кутаётган уч навқари Севинчхожа, Урдувон ва Мазидларни тутиб, бир ўнлик қуршовида Ҳиротга, олий тахт поясига юборди.

Бироқ уч банди навқар Абаркўҳ ва Машҳади Модари Сулаймон орасидаги Хонҳабаш манзилида Иброҳим Султоннинг одамани қатлга етказиб, Гандумонга, амирзода Бойқаро ҳузурига қочиб бордилар. Уни сусткашлиқда айблаб, койидилар ва тезроқ Шерозга юришга ундадилар.

Навкарлар қутқусига учган мирзо Бойқаро адашиб кирган йўлда юрмоқда давом этди.

Иброҳим Султоннинг Шероз қўшини шаҳардан чиқиб, Байзо манзилига етганида қаршисида Хамадон чериги саф тортиб турарди.

Иброҳим Султон ва Бойқаро қўшинлари Байзо самоларини ларзага келтириб, бир-бирларига ташланди.

Карнайларнинг кулоқни қоматга келтиргувчи наъраси, ноғораларнинг бетиним гумбурлаши янги биродаркушлик саваши бонгини чалиб, юракларга ғулғула солар эди.

Иброҳим Султон қўшинининг илғорида турган Шайх чухра, Масъудшоҳ Шул бошлиқ мулозимлар чериклари билан рақибга қарши ҳужумга ўтди.

Аммо кутилмаганда орқага ўгирилиб, Иброҳим Султон турган тепаликка от қўйиб, ўз валинеъматлари қароргоҳини ўққа тута бошладилар. Хоин ўқлардан бири амирзоданинг юзига санчилишига оз қолди. Бу сотқинларга ироқликлардан иборат черик ҳам қўшилганини кўрган мирзо бу бемаъни жангни бой берганини англади.

Энг яқин навкарлари билан хавфсизроқ жойга чекинган амирзода оти жоловини Абаркўҳ томон буриб, тун бўйи юрганча Шерозга етиб келди. Волидаси Тўти оғони ва хазинадан бир миқдор нақд маблағни олиб, яна Абаркўҳга қайтди.

Дорулимора Шероз ҳукмдорсиз қолган, унинг тарихий дарвозаларини қўриқлаётган бекчилар кимнинг амри фармонига бўйсунини билмай лолу ҳайрон эдилар.

Жума куни тонг саҳарда шаҳарнинг Истаҳр дарвозасига етиб келган мирзо Бойқаро яна боши қотганча чошгоҳгача от устида юрди.

Шаҳар бу тарзда подшоҳсиз турмаслиги лозимлиги-

ни мулоҳаза этган саййидлар, қозилар, акобиру кулулар Истаҳр дарвозасидан чиқиб, мирзо Бойқарони Шерозга олиб кирдилар.

Жанг оқибатию Шерознинг ўзига пиширилган ош каби тақдим этилишидан ақли шошган мирзо Бойқаро ҳали-ҳануз ўзига келмас, Шероз саройида ҳар томонга ҳадик-ла боққанча кезарди.

Амирзода Бойқаронинг Иброҳим Султонни қувиб, Шерозни эгаллаганини эшитган мирзо Рустам бу исёну ғавғонинг бош меъмори, акаси амирзода Искандарни қатл этмоқ амрини берди. Шаҳзодалар қонини тўкмаслик тузугига амал қилиб, уни бўғиб ўлдирдилар.

Тоғу тахт, мулки давлат дея қону қардош, ёту бегонани танимаган, бойлигу шон-шухрат васвасасига дучор бўлган яна бир теурийзода шаҳодат шаробини сипқарароқ тана тупроғини она тупроққа топширганди.

Мирзо Бойқаронинг Шероз забти Ҳирот саройида момоқалди роқ эткиси яратди. Отағаним мулозимларнинг Иброҳим Султон лашкарини тарк этиб қарши тарафга ўтишлари ва Шероз акобирларининг мирзо Бойқарони шаҳарга олиб киришлари исённинг жиддийлигидан далолат берар, бу юртлардаги нотинчликлар ҳали-бери тинчимайдигандек эди.

Давлат арконини шошилинич равишда саройга тўплаган хоқоннинг ташвишли қиёфасидан муаммонинг бор бўйи басти сезилар, барча бирдек яна форс сафари муқаррарлигини англаб турарди.

– Ҳамадону Луристондек бир шаҳару мамлакатни инъом этганимиз Бойқаронинг қардоши Искандарнинг бузуқ фикри билан қўл урган ишдан хабарингиз бор, албатта. Фурсат ва вазият исёнчи мирзо кучайиб кетмасидан бурун шошилинич чора ва тадбирлар кўрмоқликни тақозо этади, муҳтарам жамоа, – дея амиру вазирлари-

га юзланди хоқон. — Исён алангаси ўзга шаҳар ва ўлкаларга тарқамасидан бурун ўчиришимиз лозимлиги кун каби равшандир. Шул мақсадда баҳодир амирларимиз Жалололиддин Ферузшоҳни жанговор сипоҳ билан Язд биёбони йўли орқали юриб, Абарқўҳда турган мирзо Иброҳим Султон чериги билан қўшилиб ҳаракат этишларини маъқул кўрдик. Шунингдек, Хоразмга етиб улгурмаган улуғ амиримиз Гиёсиддин Шоҳмалик ҳам қўшини ила Рай томон дўниб, амир Қора Юсуф хавфига қарши турмоққа кетган бекларимизга етиб, қўшилсинлар! Амир Шайх Луқмон Барлос! — дея сўл тарафда қўл қовуштириб турган амирга нигоҳини қадади подшоҳ. — Сиз бугуноқ йўлга чиқиб, Хутталон, Қундуз, Бақлон ва ўша тарафдаги барча лашкарни олий ўрдуга етказиш вазифасини адо этасиз! Ҳар бир қайб этилган даму дақиқа бизнинг зараримизга ишляяжакдир!

Ҳирот атрофини тўлдирган сон-саноқсиз лашкар саккизинчи ойнинг йигирма тўртинчисида йўлга тушди.

Тонг отар-отмас чалинган ноғоралар сасидан хўрозлар ҳам не замон қичқиршини унутган, сабоҳ намозидан қалққан мулозиму аскар оёқ усти бир неча луқма емак тановул қилганча отлари жиловини тутганди.

Бир кунда бир ярим манзил йўл юрган қўшин шайхулислом Аҳмади Жом мақбарасига етиб борган эди. Қулмон Қиётнинг одамлари амир Қора Юсуфнинг бир жосусини тутиб, хоқон ҳузурига юбордилар.

Тутқунга самимий муносабатда бўлган султон амир Юсуфнинг Бойқаро исёнига алоқаси йўқлиги ва кўмак этмаслигини, ўзи билан ўзи овора эканлигини ўрганди.

Мирзо Улуғбекнинг Самарқанддан етиб келган навқари етказган хабари ҳам муҳим эди. Мўғулистон подшоҳи ҳақ раҳматига қовушган, унинг ўрнига Шамъи

## Нурали ҚОБУЛ

---

Жаҳоннинг ўғли Хизрхожа ўғлоннинг набираси Нақши Жаҳон тахтга ўтирганди.

Қўшин сони юрган сари ортиб борар, Нишопурдан ўтиб Бистом чегараларига етганда унга Омул ва Сорий чериги, Ферузқўҳ қалъасидан етиб келган амир Ҳасанкиё лашкари қўшилганди.

Амир Бистом Жогирнинг қардоши Масъум Ардабилдан етиб келиб, амир Қора Юсуфнинг Табриз яқинида турганлиги ҳақида арз этди.

– Рай чегараларида турган амирларимиз Илёсхожа ва Шоҳмалик қўшинлари Шероз сари юзлансинлар! Жаллоддин Ферузшоҳ ва мирзо Иброҳим Султон бирга-лиқда Кўшки Зард томон юрсинлар! – дея олий фармон матнини муншийга сўйлади хоқон. – Биз амирзода ва амир Ферузшоҳнинг лашкари билан Қасри Зардда бирлашиб, илгарилаймиз!

Шероздаги салтанат саройида бир пайтлар буюк бобоси ўтирган садаф қопламали тахтда омонатгина чўккан мирзо Бойқаронинг олдига кирган Иброҳим Султоннинг собиқ мулозими Шайх чухранинг қони қочган юзига кўзи тушган ҳукмдор қошларини чимирганча унга тикилиб қолди.

– Не ҳаводислар? Нечун ранги рўйингиз бу қадар оқарган? – ҳайрон бўлиб сўради амирзода.

– Хуросон тарафдан Шероз бозорига келган тужжорлар хоқон Шоҳруҳнинг йўлга чиққани ҳақида миш-миш тарқатаётган эмиш, шаҳзодам. Кўчанинг гапи бўлса-да, сиз зоти олийларига етказайин дедим, – зўрға тили айланди Шайх чухра юзу бўйин терини белбоғи билан артаркан.

– Бозордаги миш-миш денг? – сўзлари бўғзига тиқилди мирзонинг.

– Бозорнинг гапи-да, султоним! Кимса хабарнинг

ростлигини тасдиқлаётгани йўқ. Куни кеча бу ўлкалардан кетган хоқон кўз очиб-юмгунча қайтиб келармиди? – каловланарди чухра.

– Ҳақиқат бозору мазорда бўлади, чухрабек. Кишилар кун кечирмоқ учун бозорга борадилар. Бозорлик ишлари битгач, сўнгги ҳақиқат манзили саналмиш мазор йўлини тутадилар. Бизда аниқ билгини олмоқнинг икки манзили бор. Булар масжиду бозорлардир, – деди хаёли қочиб амирзода Бойқаро.

– Бизни қўрқитиш учун жосуслар тарафидан тарқатилган гап бўлиши ҳам мумкин, султоним.

– Шундай деб ўйлайсизми?

– Шундай фикрдаман, – рост бўлса-да, бу хабарни ёлғон бўлиб чиқишини истарди Шайх чухра.

– Бозорингни ўзинг қилу тегирмонингни ўзинг торт деганларидек, тортмоқчи бўлаётган тегирмонимизнинг дўлига ўзимиз тушиб кетмасак бўлгани эди, биродар, – деди шаҳзода безовталанганча ўрnidан туриб хона бўйлаб одимларкан.

– Иншооллоҳ, ундай бўлмас, султоним. Биз кимса ила қақшатқич жангга кириб, раиятнинг қонини тўкканимиз йўқ. Кимса биздан қону хун талабида бўлунмас, – ўз ҳаракатларини оқламоқчи бўларди Шайх чухра.

– Сиз ила мен истаймизми, истамаймизми, қарши тараф ҳаракатимизни хоинлик, дея баҳолайди ва ҳеч қачон кечирмайди. Тарозининг тошини шунга қараб қўймоққа тўғри келади, қардош. Бу иш етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган эди. Охир-оқибат боши кундага етган буюк қардошим Искандар мени чалғитди. Мен аҳмоқ ҳам унинг сўзига кирибман.

– Шероз мамлакати зоти олийларининг отамерос мулкларидир, султоним. Шоҳруҳ мирзо авлодларининг эмас. Бу шаҳарда буюк қардошингиз жаҳон

шаҳзодаси шаҳид подшоҳ Пирмуҳаммад Шерозий салтанат сурганлар. Бу тахтнинг қонуний ворисисиз. Шунинг учун ҳам шаҳар оқсоқоллари сизни ҳурмат ва эҳтиром ила ота саройингизга чорладилар, – ҳамон қилмишларини оқлашга уринарди Шайх чухра.

– Отамерос отамерос, ворислик ворислик йўлидадир. Бироқ тепамизда буюк бобомизнинг тўғридан-тўғри ворислари турибди. Ақли калталиқ қилиб, бизга шунча мамлакатни суюрғол қилиб бериб қўйган давлатпаноҳимизга қарши бордик. Энди бу хатони тузатиб бўлмас. Сиз Ҳирот қўшини йўлга чиққан-чиқмаганлигини аниқлаш жаддида бўлинг. Чекина билурсиз, – деди чухранинг ташрифидан таъби тирриқ бўлган подшоҳ.

Мирзо Саъд Ваққос хотини Ағо бегимнинг энг ишончли уч амирини қатлга етказганини эшитиб, қўрқув ва ҳайратдан ёқа ушлаган эди. Улар ёнида бўлсам мени ҳам маҳв этармиди деган хаёлга борди. Ҳар қандай суворий билан баҳслашиб, қилич сермаб от чопадиган маликадан буни кутиш мумкин эди. Амирзода Искандар Мироншоҳ мирзонинг Хонзода бегимдан бўлган қизи Бекиси султонга уйланган, Саъд Ваққос эса амакисининг учинчи маликасидан бўлган Ағо бегимни никоҳига киритган эди. Божа бўлганларидан бери ораларидан тинимсиз ола мушук ўтар, бир-бирларини кўрса-кўрмаса кетлари қичирди.

Яқин қариндош – уруғ никоҳи хайрли келса хушу хуш. Мавқею мартаба, тожу тахт даъвоси қон-қариндошларни қону жон душманига айлантиради. Улар етти ёт бегоналардан баттар ёвлашардилар.

Акасининг тузоғига илиниб тос тепаси билан тушиб турган амирзода Бойқаронинг аҳволига ҳавас қилиб бўлмас, қисмату қадари бугундан эрта не кечажаги ёлғиз тангрига аён эди.

– Бизга яқинлашаётган лашкар хоқон Шоҳруҳники эмас, амирзода Иброҳим Султон билан амир Ферузшоҳники экан, султоним. Айтдим-ку, қисқа фурсатда Ҳиротдан Шерозга етиб келмоқнинг ўзи бўлмайди. Бир томчи қон тўкмай эришганимиз отамерос Шероз тахти зоти олийларига оналарининг оқ сути каби ҳалолдир.

– Хайрият, – деди кун бўйи боши қотганча аросатда еган-ичгани ичига тушмаган амирзода сергак тортиб. – Иншооллоҳ, яратган эгамиз бундан сўнгра-да мушқулимизни осон этгай, – юзида хотиржамлик аломати зоҳир бўлди мирзонинг.

Амирзода Иброҳим Султон вазиятни ўрганмоқ ва зарурий чора-тадбирларни кўрмоқ ниятида Шерозга яқинлашди. Мирзо Бойқаро Шероз Ҳисорининг мустаҳкам деворлари панасига яширинди.

Амирлари маслаҳатига қулоқ тутган Иброҳим Султон қиблагоҳи, хоқони саиднинг амрисииз савашга кирмасликка қарор қилди.

Мирзо Рустам лашкари қўшилган Ҳирот ўрдуси Маҳёр даштидан илғор тарзида юриб, ўн кун деганда Шерознинг Саодат дарвозаси қаршисига етиб келди.

Уфқларга туташган қўшин Оллоҳуакбар мавзесига чодире чайлаларини тикмоққа киришди.

Қалъа буржидан туриб Шероз атрофига тўпланган сон-саноксиз лашкарга кўзи тушган мирзо Бойқаронинг юраги орқага тортиб кетди.

– Энди нима қиламиз? – дея сўради шаҳзода қаршисида турган Масъудшоҳ билан Шайх чухрага бир-бир боқаркан. – Хоқон қўшини йўлга чиқмаган дегандингиз, чухрабек? Подшоҳ зотини ёлғон ва сохта маълумот хароб этади. Тўғри билгиларни ўз вақтида олиб, вазиятни аниқ-тиниқ баҳолай олган ҳукмдор кўз-



лаган мақсадига эришади. Олма пиш, оғзимга туш деб ўтирган эса бизнинг аҳволимизга тушади. Сўйлангиз? Не маслаҳат берасиз? – овозини баландлатди шаҳзода.

– Бундай катта лашкар билан савашиб бўлмайди, султоним. Таслимият байроғини кўтариб, сулҳ сўрамоқ жоиз, – деди тили бўғзига тиқилиб Масъудшоҳ.

– Демак, ғалаба ҳақида оғиз кўпиртирилганда мағлубияту таслимият байроғини шармандаларча кўтариш мумкинлигини ҳам эсдан чиқармаслик керак эканда, – деди шу пайтгача қўйинини пуч ёнғоққа тўлдириб келган Шайх чухрага зимдан боқиб.

Тилига сўз келмаган Шайх чухра бошини қуйи эгиб, ер чизиб қолганди.

Лашкар денгизига тикилганча ҳайкалдек қотиб қолган мирзо Бойқаро беихтиёр ўнг қўлини кўтарди. Ишоратни англаган хос навқари Қишлоқ югуриб келди.

– Қардошимиз Ғиёсиддин Бойсунқур мирзони яхши биласан-а, Қишлоқ? – сўради амирзода бош эгиб турган навқаридан.

– Яхши танийман, амирзодам! Буюринг, не хизмат?

– Ул олийшаън шаҳзодамиз ҳузурига бор-да, бизнинг савашмоқ ниятимиз йўқлигини, Искандар мирзо тўқиган тўрга лаққа балиқ каби тушганимизни сўйла! Бизга ҳомийлик қилиб, онҳазрат амакимиздан гуноҳимиздан ўтишларини сўрасинлар! Ҳеч қандай шарт ва талабимиз йўқ! Хоқони саид амакимизга илгари қандай тобелик ва қуллик мақомида эрсак, шундай қолгаймиз! Биз томондан ақлга сиғмас қабиҳ иш содир бўлди. Тиғу кафанимни бўйнимга илиб, амаким ҳазратларининг ҳузурларига бормоққа ҳозирмен! Бориб айтганларимни Бойсунқур мирзога сўйла! – деди амирзода йиғига ўхшаган тушқун ва ўксик овозда. – Ортидан кетажак бўлсам, худди унинг

каби бошим кундага етар экан, – деди қардоши Искандарни назарда тутиб. – Ёзиқлар ўлсин!

Амирзода Бойқаро мунгли қиёфада қалъа девори устида наридан бери юрганча Қишлоқ навкарнинг Саодат дарвозасидан чиқиб, чумоли каби ер юзини қоплаган лашкар орасига сингиб кетишини кузатиб турди.

Искандар мирзонинг икки мулозими, бош ўйинбузуқилар Масъудшоҳ билан Шайх чухра қўл қовуштирганча қалъа деворининг ўқчиларини ҳимоя қилувчи сипарига орқасини қилиб турар, бошларига келажак фалокатни англагандек юзлари деворга айланган эди.

– Улуғ бобом ҳазратлари яқинларига бир ривоятни кўп такрорлар эканлар, – деди у серрайишиб турган мулозимлар қаршисига тўхтаб. – Бир дарёнинг соҳилида икки қавм яшар экан. Ўнг соҳилдагиларнинг икки кўзи, сўл қирғоқдагиларнинг эса бир кўзлари кўр экан. Кўрлар вақти-вақти билан султонларидан хайри садақа олиб турарканлар. Хазина амири рамазон байрами арафасида яна кўзи ожизлар қасабасига ташриф буюрибди. “Сизларнинг ҳар бирингизга шунча миқдордан маблағ берамиз. Султонимизнинг амри фармонлари шундай”, – дебди амир бир кўзи кўрларга. “Икки кўзи кўрларга ҳам берасизми”? дея сўрабди бир кўзи ожизлар улар олажак ақчанинг миқдорига қизиқиб. “Ҳа, уларга ҳам берамиз. Икки кўзи ожизлар сизлар олган маблағнинг икки мислини олади”, дебди хазина амири. Бир кўзи кўрлар бекка мурожаат этиб дермишлар: “Султонимизга бориб сўйланг. Бизнинг иккинчи кўзимизга ҳам мил тортсинлар...”

Ҳикоясини тугатган мирзо қалъа буржига бориб қайтди.

– Биз, икки кўзи очиқ махлуқлар бир эмас, икки кўзига ҳам мил тортилган ношукур қардошимизнинг аянчли қисмати қадаридан ҳам сабоқ чиқармадик. Кўр ҳамманинг кўр бўлишини, кал эса барчанинг кал бўлишини орзулаганидек, сен ҳаромиларнинг кўзинг очиқ эди-ку? Искандар мирзонинг сен фитначиларни Шерозга юборганини недан Қумда менга айтмадиларинг? Наҳотки, кимсан Шоҳруҳ султоннинг ўғли Иброҳим Султон каби шаҳодани маҳв этиб, Шероз тахтини эгаллаш мумкин, деб ўйладиларинг? Илгари ҳам соғ бўлмаган Искандар кўзига мил тортилгандан сўнг ақлини еб қўйганлигини билар эдинглар! Шу тақдир ҳам унга кўплик қилибди! Мирзо Рустам бошини кундага етказибди! Энди эса бизнинг навбатимиз келди. Калима қайтариб, шаҳодат шарбатини ичмоққа ҳозирлик кўраверинглар! – деди амирзода қўлини орқасига қилиб узоқлашаркан.

Навкар Қишлоқ Бойсунқур мирзо ҳузуридан ижобий жавоб билан қайтди. Хоқон ўғлининг воситачилигини қабул қилди.

Бўйнига кафанлик бўз ва эски шамширини илган мирзо Бойқаро рамазоннинг бешинчи, шанба куни шармандаю шармисор бир ҳолу аҳволда хоқон саропардаси қаршисида пайдо бўлди.

Йиғилганлар Эфиофия ва араб султонлари ҳадяси – турли-туман маймунларни томоша қилгандек исёнчи амирзодага боқар, қаҳри нафратли нигоҳлар ўқи этидан ўтиб суягига қадаларди.

Амирзодага бир зум диққат-ла тикилиб турган хоқоннинг фармон кучидаги сўзини халойиқ сассиз тингларди.

– Бу исёну бузуқликнинг бош айбдори Исфаҳонда жазосини олганлигини эшитган чиқарсиз, мирзом. Халқнинг хайр-дуоси, Оллоҳнинг ризоси йўлида қи-

линмаган ҳар қандай ишнинг оқибати хусрон ила бита-жақдир. Ҳеч қачон кечирилмас жиноятга қўл урдингиз-ким, бу кўнгил кирини қирқ дарёнинг суви ила ювсак-да кетмагай. Биз улуғ қиблагоҳ, темурийлар салтанати тўра ва тузугига амал қилиб, не қадар буюк жиноятга қўл ур-масин, мирзомиз гуноҳи устига афв чизигини тортдик! Хатою жиноятларни афв этаги ила ёпмоқ, ўтган ишларга саловат демоқ бизнинг мақсаду матлабимиздир! Мам-лакат ва шаҳар халқига иноят назари билан қараб, айб-дорлик аломатини уларнинг тириклиги чехрасидан ҳам ўчираемиз! Йўқ болага йўрға бешик ҳозирлаб, мирзони Шероз тахтига ўтқазिश васвасасига тушганлар бундан буён кўзларини очиброқ ҳаракат этадилар деган умид-да Искандар мирзонинг бу фитнада ташаббус кўрсатган мулозимлари Шайх чухра ва Масъудшоҳ сўқир кўзлар ибрат учун ёсога етказилсин!

Навкарлар амирзоданинг орқасида турган икки муло-зимни тутиб оғзиларини боғлаганча дор майдони томон судрадилар.

– Амирзода Бойқарони эса олий раъй мирзомиз Қайду Пирмуҳаммад Жаҳонгир қардошлари билан суҳбатлашиб, фикри мулоҳазаларини даври даврон суз-гичидан ўтказмоқлари учун Қандаҳор сари йўллаймиз! – сўнг амри янгради хоқоннинг. – Олий мавкаб Шеро-зи шарифга кирсун! Черик шаҳарга кирар экан, кимса-нинг бурнини қонатмасин ва қилига зарар етказмасин! Бекларимизнинг тумон ва мингликлари ўз яйлоқларига дўна билурлар! Улуғ амирлармиз Нуширвон Барлос ва Ёдгоршоҳ Арлотнинг буранғор туманлари Қалъайи Сафед ва Шулистонга, амир Шоҳмаликнинг жувонғор тумани эса Даробгирга йўналсин! Асил авлодимиз, са-одатманд шаҳзодамиз Рустам лашкари билан ҳудудлар хавфсизлигини ҳисобга олиб, Исфаҳонга қайтсинлар!

Шероз халқи хоқони саидни яна хуш қаршилади.

Самарқандлик дарвешлар эса сафойилларини тақиллатганча Масти Қаландарнинг сўнги айтувларидан бирини айтишарди:

Нобоп авлод,  
Етмишда ҳам ёш бўлар.  
Меҳрсизнинг,  
Юрак бағри тош бўлар.

Заҳн этарки,  
Доим иши беш бўлар.  
Мулки давлат,  
Мудом унга эш бўлар.

Югурдаклар,  
Кун-тун кўзу қош бўлар.  
Дунё дўнар,  
Оёқ тояри иш бўлар.

Олқишбозлар,  
Бир зумда олқиш бўлар.  
Даври даврон,  
Кечмиш рўё, туш бўлар.

Ўтқир қилич,  
Синган қозиқ тиш бўлар.  
Қочар жойи,  
Боботоғу Кеш бўлар.

Абдал бошлар,  
Кўз очилмай лош бўлар.  
Бошсиз элга,  
Бошсиз кимса бош бўлар.

*Олажак бургут каби  
Тўрт тараф чанг солганда.  
Кўрмаганга косов мулк,  
Минг қўйли бой бўлганда.*

*Асил тулпор билинар,  
Шамолдайин елганда.  
Яхши инсоннинг қадри,  
Шон-шараф-ла ўлганда.*

*Сўнгда қай дўстинг қолар,  
Ғаним оёқ чалганда.  
Итлар этакдан олар,  
Ёв ёқадан олганда.*

*Сўқир кўзлар очилмас,  
Ҳаттоки хун тўлганда.  
Азроилбек бўйинга,  
Дор ҳалқасин илганда.*

## **БЕШИНЧИ БОБ**

*Яқинларнинг энг яқини (қариндошлар)  
чаёнларнинг чаёнидир.*

**Араб мақоли**

Бир муддат Шерозда қолган хоқон рамазон байрамини ўтказиб, шаҳар ва мамлакат ишларини йўлга қўйгач, Кермон орқали Ҳиротга қайтишга қарор қилди.

Кермон вилояти ҳокимлигига тайинланган марҳум Идику Барлоснинг ўғли Султон Увайс Ҳирот саройига юборган элчию мактубларга жавоб бермай гарданкашлик йўлини тутарди.

Сўнги элчи ҳам Кермондан натижасиз қайтди. Султон Увайсининг олий тахт поясига келмоқ нияти йўқлигини айтди.

Бу муносабатдан қаҳрланган хоқон таомил бўйича хизматга келган Султон Увайсининг онаси ва навкарларини ҳибс этмоққа буюрди.

Сиржонга етганда қиблагоҳининг дўсти ва авлодларини Амир Темурга омонат этиб қолдирган Шоҳ Шужъонинг қабрини зиёрат этди. Сўнгра Сиржон қалъасини фатҳ этиш учун чапар, манжаниқ ва аррода каби муҳосара асбобларини ҳозирлашга буюрди.

Худди шу пайт Кермондан ҳазрат Али авлодларидан муртазойи аъзам, улуғ шайхулислом амир Саййид Шамсиддин Бумий хоқон қароргоҳига етиб келди.

Олийнасаб мусофирни подшоҳ иззат-икром-ла қарши олди.

– Муқаддас китобимиз таълим берганидек “Агар сен уларни жазоласанг – улар сенинг қулларинг-ку” ояти шафоати ила сўз очурман, хоқони саидим, – дея сўз бошлади шайхулисломларнинг узун оқ кўйлагияю яктагини кийиб, катта оқ салла ўраган Саййид Шамсиддин. – Бундай катта лашкарнинг Кермон сари юзланиши юртга харобалик ва миллату умматга сарсоналик келтиргай, онҳазрат! Зотан, яратган эгамиз сизга бўйин товлаган бир кишини аслида сизга қул қилиб яратган. Отаси отангизнинг қули эрди. Ўзи ўзингизнинг қулингиздир. Боласи болангизнинг қули бўлажақдир. Шу бенаво қулни жазолаб не қилардингиз? Тобелиқдан бош тортганининг ўзи унга тангрининг буюк жазосидир. Боиси улус бундайларни ношукуру нонкўр дегай. Отаси ва ўзи отангизу сиз туфайли шу унвону мартабага етишганлигини Кермондаги каламушга қадар билгувчидир. Шу бир бевафо

нобакор учун муқаддас Кермон тупроғини суворийлар отининг туёғи ила топтатманг, давлатпаноҳим! Отангиз қону жон чекиб давлатга қозонтирган бу азиз тупроқ ва бу меҳр-оқибатли, соддаю самимий одамлар бир ша- рафсиз ҳукмдор дея хору зор бўлмасинлар! Мен ул кишининг ичидаги қўрқув ҳиссини ўлдириб, истаса-да, истамаса-да палосингизни ўпмоқ учун доруссалтанат Ҳиротга олиб боргумдир, – дея султонни иқно этди шай- хулислом Қумий.

– Мен Султон Увайс Идику Барлос ўғлини сиз – шай- хулислом ҳазратлари каби улуғ зотнинг ҳимоясига арзи- маяжак бир кишилиқ эканини яхши биламан. Инсон сўзу ваъдаси билан инсондир. Ана шу инсонлик шартига терс иш қилдимиз, демак, у ҳар замонун маконда кипри- ги қилт этмай инсонликка қарши иш қилаверади. Ул кимса сиз-ла баробар бошкентга келса-келмаса-да биз Кермон устига юрмаймиз. Сизнинг бир оғиз сўзингиз ва сидқидил дуонгиз биз учун сон-саноқсиз Султон Увайс каби иккиюзламушлардан азиз ва муқаддасдир! Зотан, ўлмаяжак дуога омин дейилмаяжани сиз – олийзот барчамиздин яхши билгайсиз! – дея шайхулислом қўн- гилини тинчитди султон.

– Қуллуқ, онҳазрат! Сиз зоти олийларининг афву сулҳ, ярашу яхшилиқ султони эканлигингизни билганимиз учун тахтингиз поясига бош уриб келдик! Яратганинг шайхулислом марҳамати ҳар замон узарингизда бўлсин! – қўзлари ёшга тўлиб дуо қилди Қумий. – Салтанатингизу саодатингиз боқий бўлсин!

– Унда ҳамон фармонимизни еткуринг! Жируфт ва Гармсерот босқини учун кетган бекларимиз зудлик-ла ортга қайтсинлар! Лашкар Кермон мамлақати ерларига оёқ босмасин! – ўнг тарафда ўтирган муншийга фармон матнини сўйлади хоқон.



Самарқанд султони Улуғбекнинг амакиваччаси Амирак Аҳмад мирзонинг хатти-ҳаракати бир ўйлантирса, амирзода Кошғарга ноиб этиб тайинланган амир Шайх Алининг тутуми икки бор мулоҳаза юритмоққа мажбур этарди.

Амир Шайх Али Улуғбек мирзонинг отаси тенги, улуғ хоқон Амир Темурнинг узангисида юрган эътиборли бир киши эди. Недан у бирдан ўзгариб, Амирак Аҳмаднинг фитнасига қулоқ тутиб хоқон Шоҳруҳу Улуғбек мирзога қарши қилич кўтарди. Амир Шайх Алининг одамлари ёрдами билан мирзо Амирак Аҳмад уч темурий амирни қатлга етказиб, Самарқанд чериги устига тун босқиси уюштирди.

Бу жангда ўзи иштирок этиб, қўмондонлик қилмаган бўлса-да, халойиқ мирзо Улуғбекнинг қўшини ўшда Амирак Аҳмад черигидан енгилди демоқда.

Бу тасодифий мағлубият кимсан, улуғ бобоси Кўктошини банд этиб ўтирган набирага ярашадими?

Сарахс тўқайида ов қилиб юраркан, Ўзганд вилояти ва Андижон ҳақида гап очилганда отаси у тарафга қараб юриш қилманг, демади. Вазиятга қараб иш тутмоқ керак. Енгмоғингизга ишончингиз комил бўлсагина ҳаракатга кечинг! Акс ҳолда соп ила сомонни қориштирасиз деган эди. Узоқ ўйлаб ўтирмай, Амирак Аҳмад масаласини бир ёқлик қилмоқ керак. Аксинча ўш мағлубияти ва уч улуғ амирнинг ҳалол қони ерда қолиб кетади. Бу эса бобо бошкенти ҳукмдорининг шаъни шавкатига тўғри келмайди.

Андижон юриши хусусида ўзича бир тўхтама келган султон Улуғбек эшик оғасига энг яқин маслаҳатчиси мавлоно Шамсиддинни чорлашни буюрди.

Мавлонони тик туриб эҳтиром-ла қаршилаган Улуғбек ўнг тарафидан ўтирмоққа жой кўрсатди.

– Андижонга юрмоқ ниятидамиз, мавлоно ҳазратлари. Шу ҳақда фикр олиш-беришда бўлмоқ учун сизни роҳатсиз этдим, – деди мирзо хизматчига мусофирга шарбат келтиришни буюрар экан.

– Қиблагоҳингиз, хоқони саид ҳазрати олийларининг бу ниятингиздан хабарлари борми, султоним? – кутилмаган саволдан ҳайрон бўлгандек сўради мавлоно Шамсиддин.

– Бу ҳақда сўз очган эрдим. Эътироз билдирмагандилар. Ушда юз берган қонли воқеа салтанатимиз шаънига тушган қора доғ эканлигини барча бир оғиздан эътироф этмоқда. Шундай экан, бу ишга томошабин бўлиб турмоқ бизга ярашмас деган фикрдамен, устоз?

– Ҳақсиз, султоним. Мирзо Амирак Аҳмад даъватингизга бўйин товлаб Самарқандга келмай катта хатога йўл қўйдилар. Бу билан билиб-билмай асл ниятларини ошкор этдилар ва можаро шундан бошланди. Ва барчамизнинг дилимизни хуфтон қилган воқеа содир бўлди. Падари бузрукворингиз, хоқони саид Шохруҳ ҳазратлари ҳам ул мирзога мурожаат этиб, бирор мактуб битсалар керак деган ўйдаман. Сиз азиз шаҳзодамиз ила ҳисоблашмасалар-да, онҳазрат зоти олийларининг сўзларини ерда қолдирмаяжаклар деган умиддамен, – фикрини баён этди мавлоно Шамсиддин.

– Қиблагоҳ суҳбатларида шундай бир юпанчнома мактубини битажакларини сўйлаган эрдилар. Биз эса ҳаракатга кечмоғимиз керакдир, мавлоно ҳазратлари, – фикри қатъий эди Улуғбек мирзонинг.

– Амри фармон султонимизнингдир! Буюринг, биздан не хизмат?

– Қўшиннинг йўлга чиқмоғига фармон ҳозирлай билурсиз. Биз Самарқанддан чиқиб Мулунғур, Бедана Барлос, Қорақишлоқ орқали Илонўтди дарасидан кечиб,

Дизакнинг кун юриш томонидан ўтиб Равот, Пишағар ва Зомин этагидан юриб, Ўратепа орқали Хўжанд сувига етиб бориб чодиру боргоҳларимизни тикамиз. Салтанатга боғлиқ Васманд, Шероз, Кеш, Ургут, Дизак ва Ўратепа ноҳияларининг чериклари ана шу йўналиш бўйича жадал юриб бизга қўшилишларини чопар ва товачилар ҳоким ва доруғаларга етказсинлар! – мавлонога фармон матнини изоҳ этди султон.

Юришга қарор берганидан бошлаб ўзини елкасидан оғир тош босиб тургандек ҳис этаётган Улуғбек мирзо суҳбатдоши билан бирга даҳлизга чиқди. Мавлоно фармон матнини ёзмоқ учун хонасига йўналди.

Юраги сиқилаётган шаҳзода хаёл сурганча Кўксарой ҳовлисига чиқди.

Сарой қопусининг ўнг томонида уни қўл қовуштирганча ясовулбоши Ражаб Турдиқора, Бобоҳусайн Туркистоний ва Али Қушчи кутиб туришарди.

– Андижонга, ундан Уйғуристонга юрамиз! Сизлар ҳам ҳарбий юриш ва савашларни кўриб, кўзларингиз пишмоғи керак, қардошларим, – дея Али Қушчи ва Бобоҳусайннинг елкасига уриб қўйди шаҳзода. – Ясовулбек жаноблари эса бундай жангу жадалларни кўравериш кўзлари пишиб кетган.

Тўртовлон оҳиста юрганча улкан садақайрағоч остидаги сўрига бориб ўтирдилар.

Шаҳарда илк баҳор эпкинлари эса бошлаган, терак, тол ва қайрағочлар куртаклаб, кўнгилларга кўклам ҳавосини ҳис эттирарди.

– Муҳтарам ясовулбек, бизга бир ибратли ёки кулдирувчи ҳикоя сўйлангким, сизнинг кучли хотирангиз ва теран законгизга яна бир қойил қолайлик! – деди Улуғбек мирзо Ражаб Турдиқорага мурожаат этиб.

– Бир оғиз сўзлари, – дея ўрнидан турди ясовулбоши

ўйга толганча ривоят айтмоққа тутинаркан. – Бир ғоят ақлли бўри тўдаси бор экан, шаҳзодам, – дея ҳикоясини бошлади Турдиқора. – Илгари зоти олийларига сўзлаб берганимдек, қўриқчи итларни авраб, қўйларни бирга боқамиз, дея сурувни эгасининг яйловидан ҳайдаб кетибди. Етти қир ошгандан сўнг итларни тинчитиб, қўйларга мурожаат этибди. “Биз сизларни тушингизда ҳам кўрмаган ўтлоғу сувлоқларга олиб борамиз. Роҳат-фароғатда, тўқчилигу омонликда яшайсизлар, – дебди устоз бўрибоши қўйларга меҳрибончилик қилиб. – Бироқ йўлда қийинчиликларга дуч келамиз. Шунга чидасаларингиз, албатта ўша жаннатмакон яйловларга етиб оласизлар”, дея одаммижоз қўйларни ишонтирибди. Қўйлар қўй-да, рози бўлишибди. Улар йўлга тушибдилар. Йўллар ҳам серсув ва серўт экан. Қўйлар ҳузур қилиб ўтлашиб сув ичишар эмиш. “Сизлар ўт еб сув ичасиз. Биз эса хашак ея олмаймиз. Бўриларни худо эт ейдиган қилиб яратган. Ғўшт емасак очликдан ўлиб кетамиз. Энди рухсаларингиз билан бир-иккитангизни еймиз”, дебди устоз бошбўри. Чорасиз қолган қўйлар рози бўлишибди. Шу тариқа йўл юраверибдилар. Бироқ ҳеч ўша, жаннатмакон яйлоқларга ета олмабдилар. Жондорлар сўнги совлиқни ҳам еб бўлибдилар. “Энди нима қиламиз, бошбўри устоз?” – дея сўрашибди бўлажак бошбўри-ваччалар. “Қайғурманглар, авлодларим. Худо қашқир деган жондорни бино этган экан, албатта қўй деган жониворни ҳам қўшиб яратган. Бироқ жаннатмакон яйлову сувлоқлар деган афсонани мен, бошбўри устозларинг яратдим. Шундай афсоналар бор экан, сурувларнинг оғзига ип ўлчаб, истаган дараю сойга ҳайдаб бораверимиз. Бунинг учун эса қўймижоз одамлар ва одаммижоз қўйлар омон бўлсин, шонли бўриларим”, – дея жинсдошларига ҳайқирибди устоз бошбўри.

## **Нурали ҚОБУЛ**

---

Али Қушчи ва Бобоҳусайн оғзи очилганча ясовулбегини тинглашар, бошини маъноли соллаган шаҳзода эса мийиғида кулиб турарди.

Турдиқора ҳикоясини тугатар тугатмас, ҳовлига кириш дарвозаси олдида ўн чоғли дарвеш Улуғбекнинг айлангани чиққанини кўриб хайри садақа баҳонасида яқинлашган, сафойилларини оҳишта шилдиратиб бўйинларини чўзганча боқишарди.

– Мана бу ақчаларни дарвешларга элтиб бер, Бобоҳусайн, – деди шаҳзода ёнчиғидан бир неча дона кўппакий чиқариб шогирдига узатаркан. – Масти Қаландарнинг янги битигидан бўлса айтишсин, эшита-миз.

Ақчаларни олган Бобоҳусайн дарвоза томон йўналди. Қаландарлар жўр бўлиб шаҳзодани дуо этишди.

Дуо, зикри санодан сўнг улардан бири юксак сасда айтув айтди:

*Ҳар касни инсон билиб,  
Одам айириб теклама.  
Инсофу адолатга,  
Фисқу фасодни эклама.*

*Ҳақу ҳуқуқ танигин,  
Киши эркини чеклама.  
Улусдан душман ясаб,  
Зуғум тўпини ўқлама.*

*Миллатнинг ёнида тур,  
Фақир ёнчиғин қоқлама.  
Ҳар неки жуфт яралган,  
Учар қушни ҳам тоқлама.*

Оқиллар этагин тут,  
Нодон, нокасни ёқлама.  
Қўлию виждони қон,  
Жоҳил, қотилни оқлама.

Қаландар шарафинг тут,  
Ўнгу сўлни қўқлама.  
Насибанг ҳақдан сўра,  
Итдан суяк беклама.

Кўзинг очиб, кўрдинг очун,  
Билсанг асли ор майдони.  
Кимга улус, ватан дарди,  
Кимга эса кор майдони.

Зангин оёқ узатолмас,  
Фақир учун ор майдони.  
Бир илиқ сўз, меҳрли кўз,  
Шоҳу гадо зор майдони.

Олам ташвишларин унут,  
Бир маҳлиқо, ёр майдони.  
Ёринг, диёринг ҳам гўзал,  
Ғанимларга тор майдони.

Хоин қон, оқар кундага,  
Бу кенгликлар эр майдони.  
Эрликдан айро тушганга,  
Икки дунё тор майдони.

Улус ўнгин кўролмасанг,  
Босдигинг ер кўр майдони.  
Тупроқ Ватан ўлсун десанг,  
Эр йигитга бер майдонни.

– Қаландар қардошларимизнинг айтганларига амал қиламиз. Эр йигитларимизни майдонга тушириб, бизга майдон ўқиган, ўзаги ўзимиздан чиққан анѓиту алафни юлиб ташлаймиз! – деди битик маъкул келган мирзо Улуѓбек. – Индин йўлга чиқамиз. Ясовулбошимиз рахбарлигида ҳозирлик кўра билурсиз!

Султон Улуѓбек ўрдусининг Хўжанд сувидан ўтиб, қўш ташлаб, саропарда тиклаганини эшитган мирзо Амирак Аҳмад Андижон хазинасини қоқиштириб яна Кошѓар томон жуфтакни ростлади.

Дарё соҳилига етганларининг учинчи куни отабеги амир Шоҳмалиқдан чопар келди.

Хоразмда Жаҳонгир Муҳаммад Пирмуҳаммад ўгли салтанат тахтида ўтирар, амир Шоҳмалик эса амир улумаро ўлароқ ҳокимият тизгинини элда тутарди.

Амир Шоҳмалик мактубида Дашти Қипчоқ мамлакатига ҳокимият ўзгарганини, Тўхтамишхоннинг ўгли Жабборберди Чингиз ўғлонни ҳайдаб, Ўзбак улусини бўйсундирганини ёзганди.

Султон Улуѓбек яна Самарқандга қайтишга чоғланиб, Сайхунга кўприк боғлашни буюрди.

Кошѓар ҳоким амир Шайх Алининг чопари Улуѓбекка Амирак Аҳмад мирзонинг хоқон Шоҳрух ҳазратларидан доруссалтанат Ҳиротга даъват мактуби олганлари ва ўғруку ҳарами билан Хуросон йўлини тутмоқ ниятида эканлигини айтиб келди.

Амир Шайх Али Таѓойининг мактубида шундай жумлалар бор эди.

*“Улуѓ хоқон, султонлар султони амир соҳибқирон ҳазратларининг руҳи покларини шафе келтириб айтаманки, сиз, олийшаън шаҳзодам олдиларида гуноҳларим чексиздир. Қиблагоҳингиз, хоқон ҳазратларининг*

*асил ва азиз фарзанди сифатида мен ноқис банданинг гуноҳларини афв этгайсиз! Лозим топган кишингизни Кошғарга юборсангиз, мамлакатни унга топшириб, Кўксарой остонасини ўпмоқ учун ҳузурингизга ошиққайман ва садоқату хизматда қусур этмагайман”.*

Бошкентга етиб келган султон Улуғбек нуфузли амирларидан Сиддиқ ва Али Тикратийни ҳукуматни қабул қилиб олмоқ учун Уйғуристонга юборди.

Мулки давлат ишини Улуғбек мирзонинг ишончли кишиларига таслим этган Шайх Али Тағойи дастлаб ўғлини Самарқандга юборди. Сўнгра ўзи етиб келди. Кўксаройнинг улуғ беклари сафидан жой олиб, амирлик рутбасига эришди.

Йигирма икки ёшли султон Улуғбек бир томчи қон тўкмай Фарғона ва Кошғарни қайтадан Турон давлати тасарруфига киритган эди.

Бу ҳолат Мўғулистоннинг янги подшоҳи Нақши Жаҳоннинг совға-саломлар, уйғур турклари юртининг тансиқ ноз-неъматлар билан Ҳиротга элчи юбориб, итоаткорлик изҳор этиши билан ниҳоясига етди.

Энди Мўғулистон ҳам теурийлар салтанатига тобе эди.

Мирзо Улуғбек ота ва она қўлини ўпмоқ учун Ҳирот зиёратини мўлжаллар экан, Ўзбак вилояти томондан исёну ғалаён хабарлари кела бошлади.

Амир Хожалоқнинг Самарқандга қочиб кетган ўғиллари бу воқеаларни тасдиқлаб, вилоятларнинг деярли барча ноҳияларида ғалаёнлар кўтарилганлигини, элу улус сўзини тинглаб, ҳукмига амал қиладиган муқим бир подшоҳ йўқлигини, мамлакат халқи бошқарувсиз қолганлигидан тарқаб кетаётганлиги, қолганлар эса заҳмату ташвишда кун кечираётганлигини султон Улуғбекка батафсил сўйладилар.



## ОЛТИНЧИ БОБ

Ўрмалаш учун яралган учолмас.  
Отасўзи

Шерозда хоқон амакиси оёғига йиқилиб жонини сақлаб қолган мирзо Бойқарога бир замонлар амирзода Халил Султон ва малика Шод Мулк яшаган, кечмишда дорга осилиб кетган амир ул-умаро Саййидхожанинг қаср каби уйини таъсис этдилар.

Хоқон амри ва амир Нуширвон Барлос таълимоти билан мирзо Бойқаронинг хавфсизлиги, емак-ичмаги мингбоши Қулмон Қиётга топширилди.

– Бу кечмишда кимнинг уйи эди? – сўради меҳмонхона бўйлаб айланаркан мирзо Бойқаро Қулмон Қиётдан.

– Собиқ вазири аъзам Саййидхожага тегишли бўлган, амирзодам, – жавоб қилди мингбоши.

– Сўнгра кимлар яшаган?

– Амирзода Халил Султон ҳарамлари билан бир муддат истиқомат этганлар.

– Саййидхожа деганингиз бу ўша, хоқон ҳазратларига суиқасд қилмоқликка киришган бош вазирми?

– Ўшадир, амирзодам.

– Дорга осилганмиди ёки боши кундага етганмиди? – сўроқда давом этди мирзо Бойқаро.

– Дорга осилганди, амирзодам.

– Дорга осилган денг, – дея такрорлади хона бўйлаб юра бошлаган мирзо. – Сўнгра Халил Султон билан ана у манжалақи яшаган. Шундайми?

– Шундайдир, амирзодам.

– Кўп муҳим маълумотлар бердингиз, мингбоши жа-

ноблари. Энди бизга бир оздан бода, мусаллас, арроқ ва шарбати муадлардан келтиринг. Емак-ичмакни ҳам шунга яраша ҳозирлашларини тайинланг. Оқшом зиё-фатига амирзода Илангир ташриф буюрадилар. Чоғир куймоқ, пиширмоқ ва хизмат этмоқ учун канизаклар бор. Зарур маҳсулотларни келтириб берсангиз бас, – буюрди мирзо Бойқаро.

– Барча ичкилардан келтирайми, амирзодам, ёки...

– Ҳаммасидан. Ичмасак-да кўзаларда кўзни кувонтириб турсин. Емаган-ичмаган ернинг остида, мингбошибек. Сўри сўрмасдан амримизни бажаринг! – жеркиганга ўхшаш оҳангда буюрарди амирзода.

Кулмон Қиёт индамай чиқиб кетди. Хизматчиларга тегишли йўриқларни берган мингбоши ўн чоғли кўрима қоровулига сергак туришни, амирзодани ўзининг изнисиз кўчага чиқармасликни уқтирди.

Шу тариқа амирзодалар Бойқаро ва Илангирнинг ҳар кунги сабоҳга қадар давом этажак кайфи сафо кечалари бошланди.

Вазифаси тақозосига кўра у амирзодалар кўзига ташланмасликка ҳаракат этар, ўзлари сўрагандагина ҳузурларига кирарди.

Мирзо Бойқаронинг Саййидхожа қароргоҳига келганининг йигирманчи куни эди. Амирзодалар суҳбатини тинглаш топшириғи берилган махфий кўчада турган мингбошининг олдига чолиб келди.

– Сизга айтмаган эдим! Ўзингиз бориб эшитинг, мингбошибек! Улар ғалати гапларни сўйламоқдалар! Кўрқиб кетдим! – деди қоровул кўз косаси каттариб.

Тун ярмидан оққан, сархуш амирзодалар пешоналарини бир-бирларига тираганча очиқ-ойдин суҳбатлашардилар. Уларнинг шаробхўрлиги авваллари

пешиндан сўнг бошланса энди эрталабдан, сабухийдан бошланар ва бирортаси учиб қолгунга қадар давом этарди.

– Менинг отам Абу Бакр мирзо ҳам шулар зулмидан ҳалок бўлди. Энди навбат сизу менга келди, амирзодам! – деди Илангир мирзо мастликдан зўрға тили айланиб. – Ярим маҳбус, ярим қул мақомида яшайверамизми? Булар менга ҳам ишонмайдилар! Сизнинг турумнингиз ҳам маълум. Бир йўлини қилиб бу бандилиқдан қочишимиз ва ота мулкларимизни эгалламоқ чорасини кўрмоғимиз керак. Ўнлаб навкарларим менга дастак бўлмоққа сўз бердилар, – ҳаяжони бўғзига тикилганди Илангир мирзонинг.

– Мен ҳам шу фикрдамен, – лаб-лунжини зўрға йиғиштириб жавоб қилди мирзо Бойқаро. – Булар бизни худди Халил Султон каби заҳарлаб-нетиб ўлдирадилар.

– Халил Султонни заҳарлаб ўлдиришганми? – ҳайрон бўлиб сўради Илангир.

– Мен ўша тарафларда эдим. Ҳаммининг оғзида шу гап эди. Соппа-соғ, ўқдек юрган одам Ҳиротдан кетди-ю, ҳалок бўлди. Бизни ҳам гап-сўз бўлмасин дея бу шаҳарда эмас, бирор-бир вилоятга сургун этиб, ўша ёқда жойимизни соладилар.

– Юзда-юз ҳақсиз, амирзодам. Бизнинг орқамиздан қўйилган ана у мингбоши илгари Халил Султоннинг ясовулбошиси эди. Шунинг қўли билан қилган бўлсалар керак. Бу қавми Чингиз Халил Султон каби бизнинг ҳам ишимизни битирмаса эди, – капалаги учиб кетганди Илангир мирзонинг.

– Бу аҳволда мамлакат нари турсин, ҳатто оталаримизга тааллуқли бирор ноҳия ҳам тегмайди. Ҳаракатга кечмасак, ҳамма нарсадан қуруқ қоламиз ва оқибат-

натижада бизни маҳв этадилар, – сергаклашганди Илангир мирзо.

– Тўғри. Заҳар-пахар бермасларидан йўлини қилиб қочмоқ керак. Менинг одамларим ҳам бунга рози. Бироқ тадбирни пухта ўйлаб амалга оширмак керакки, режа бузилиб, ишнинг пачаваси чиқса, кечиришмайди. Бошимизга Ироқ дарвозаси ўнгида калласи кундага етган Султон Ҳусайннинг куни тушади, – жонланганди мирзо Бойқаро.

– Секинроқ қўнишинг. Деворда ҳам қулоқ, шамолда тил бор, – овозини пастлатди Илангир.

– Тўғри. Куннинг кўзи, туннинг қулоғи бор. Майли истироҳат этинг. Эртага суҳбатни давом эттирамиз, – деди ўрnidан қўзғалиб мирзо Бойқаро. – Ҳар қандай ҳолатда ҳушёрликни элдан бермаслигимиз керак.

Икки сархуш шаҳзода аранг ўрnilаридан туришди. Хона афюн ва ички қўқисига тўлган, бир-бирига сузилганча тикилишиб турган сархуш мирзолар ҳозиргина ораларида бўлиб ўтган суҳбат мазмунидан чўчиб, ўзларига келгандек атрофга аланг-жаланг боқишарди.

– Қиблагоҳингиз Абу Бакр мирзою шаҳидни хотирладик. Оллоҳ ул зоти олийга фирдавс жаннатини насиб этган бўлсин, – деди мирзо Бойқаро ҳамон ён-верига шубҳа билан боқаркан суҳбат мавзусини ўзгартириб. – Бизнинг Шерозу Табриз томонларда ул шарафли шоҳ аждодимизнинг шеърини битиклари кўп машҳурдир.

– Волидамнинг элларида қиблагоҳ тузган девон бордир. Бироқ ҳеч кимсага ишонмай, кўрсатмадилар. Ҳатто бизга ҳам, – жавоб қилди Илангир мирзо.

– Бирорта шеърларини ўқимадингизми?

– Йўқ, шаҳзодам. Насиб этмади.

– Эшитинг, мен ул табаррук зотнинг шерозлигу

## Нурали ҚОБУЛ

---

табризлик шоирлар такрорлаб юрадиган бир тўртликларини айтиб берайин, – деди мирзо Бойқаро фикрини жамлашга уриниб.

– Сўйланг, шаҳзодам!

*– Эр керак ўртанса ёнса ёлина,  
Ёраниб ётса отининг ёлина.  
Ит ўлими била ўлса яхшироқ,  
Эр отаниб душманига ёлина.*

– Не қадар гўзал ва пурмаъно сатрлар! Эртагаёқ волидамдан қиблагоҳим девонларини беришларини талаб қиламан. Бир неча нусха кўчиртираман! – ҳаяжонга тушган эди мирзо Илангир.

– Шундай қилинг, амирзодам. Бу ишни сиз амалга оширмасангиз, кимса машғул бўлмағай. Натижаи оқибатда шундай гўзал бир шоирнинг ижоди улусга етиб бормади, – дея суҳбатдоши билан эшик томон юрди мирзо Бойқаро. – Турумимиз ҳавас қилгулик эрмас, қардошим. Сиёҳ кийма сўз ўлур, беяз кийма бузур деганларидек, бизнинг оқ ишимиз ҳам, қора ишимиз ҳам буюк хоқон амакимизу сарой аъёнларига маъқул келмайди. Улар кечаю кундуз биздан қандай қилиб хакирдан қил суғургандек қутулмоқ кўнусида бош қотирмоқдалар. Биз эса истифода этаётганимиз замон зарфи ичида ишни битирмоғимиз лозим ўлур. Кечиксак ҳар нарсадан қуруқ қоламиз.

Сархуш шаҳзодалар ҳовли саҳнига чиқиши билан навкарлари етиб келиб элларида тутишди.

Икки навкар Илангир мирзони суяб, аравага ўтиришди. Қулмон Қиёт ўзини дарахт панасига олди.

Илангир мирзони кузатган Қулмон Қиёт қоровулларга кўримани кучайтиришни тайинлаб, сарой томон юрди.

Сабоҳ азониға ҳам оз қолган, тонг ёришиб келарди.

Мингбоши эрталабки намозни ҳам ўқимай, сарой дарвозаси олдида амир Нуширвон Барлосни бекларди.

Чарчоқдан кўзи илинганда қоровуллар уни туртишди. Амир Нуширвон Барлос икки кўриқчиси билан келарди. Қулмон Қиётни кўриб сергак тортди.

– Хайриятлиғ, мингбоши? Нега бу қадар каллайи сахарлаб? – сўради Қулмонни эргаштириб ҳовлиға кираркан.

Мингбоши нотинч кечган тун тафсилотини батафсил сўзлади.

Ўйга толган амир қошини чимирганча лабларини чўч-чайтириб, мингбошини хоқон даргоҳи томон етаклади.

– Кўрган ва эшитганларингни онҳазратга оқизмай-томизмай сўйла. Эшитган бошқа шоҳидларни сўрасалар, чақирасан, – уқтирди амир Нуширвон Барлос.

Қулмон Қиётни тинглаган хоқон юмшоқ тахтига чўкиб кетгандек бўлди. Шу ҳам бормиди дегандек беихтиёр амир амакисига қаради.

– Бу шарафсизлар хафа бўлиб изтироб чекмо-фингизга-да арзимайдилар, онҳазрат! Менга қолса иккисини ҳам олий қози ҳукми билан исёнчилигини бўйнига қўйиб, ёсога етказмоқ лозим деган фикрдамен, – фитначи мирзоларни қаттиқ жазолаш тарафдори эди амир Барлос.

– Бирдан икки амирзодани? Бўлмас! – эътироз билдирди хоқон. – Уларни сўроқлаш учун ярғучию қозиларга топширсак, орқамиз очилиб, бутун элу юрт олдида шарманда бўламиз-ку, амаки? Фаниму рақиблар ҳам бизнинг шу аҳволга тушишимизни орзулайдилар. Вужудимизга чиққан чипқонни ўзимиз даволашимиз керак, амаки. Қиблагоҳ ҳазратларининг таълимотлари ҳам шундай. Усиз ҳам аҳмоқона ҳаракату оқибатлар туфайли ҳалок

бўлган мирзоларимиз етарли қадардир. Бу қайғули рўйхатни орттирмайлик! – боши қотган эди подшоҳнинг.

– Мен фикримни сўйладим, онҳазрат! Сўнг қарорни бермоқ зоти олийларинингдир! – сўздан қайтмади амир Нуширвон Барлос.

– Бу авлодларнинг худди шу каби гап-сўзлари ҳақида узунқулоқларимиз илгарироқ ҳам етказган эдилар. Мен бу нонкўрлар муҳофизоти топширилган мингбошидан ушбу гапларнинг тасдиғини кутаётган эдим. Қасд қилгандек уларнинг фитналари зиёди ила тасдиқланди. Қабих феъл-атворли кишилар мудом ор-номуссиз ишларга қўл урадилар. Улар ҳадди ҳисоб чегарасидан ўтдилар. Қўлларидан зиғирча иш келмаса-да, фитна кўзғатмоқ ниятидан воз кечмабдилар. Мабодо уларнинг разил ишларидан кутилмаганда салтанат ишига зиён-заҳмат етгудек бўлса, унинг тадорикини кўрмоқ мушкул бўлгувсидир. Зотан уларга эътимодимиз қолмади. Шундай таъзир бермоғимиз лозимки, зийрак, адли адолатни фарқлай билгувчи киши ҳайратга тушсин. Неъматга куфр келтириш ва тарбиятни унутиш ҳаёт қасрининг вайрон бўлишига, сабот лашкарининг енгилишига боисдир. – босиқлик билан мулоҳаза этарди султон. – Уларни маҳв этмоқ оний бир ишдир. Султон Ҳусайн қатлга буюрилганда ҳам узоқ муддат изтироб чеккандим.

– Бироқ уларни ҳар қандай шароитда мамлакат ҳудудида қолдириб бўлмайди, онҳазрат. Унда қайтиб дўнмаяжак тарзда юртдан ташқарига бадарға этмоқ керак! Бу нокасу сотқинлардан кимсага хайр келмас! Қони бузуқлар шу кунгача бизга бир ёвлашган бўлсалар, бундан сўнг икки бор йағийга айланадилар, аълоҳазрат!

– Мен ҳам шундай фикрдамен. Амирак Аҳмадни Каъба зиёратига йўлчи этсак. Бориб яратганнинг уйида хато-ю қилмишларини мушоҳада этиб, гуноҳлари учун

тавба қилар балким! Мирзо Бойқарони эса амирзода Қайду Пирмуҳаммад ҳузурига жўнатамиз. Қайдубек уни Ҳинд мамлакатларидан қай бирини лозим кўрса, ўтказиб юборсин ва ўша ёқда истиқомат қилсин! Амирзода Илангир мирзо Абу Бақр ўғлини эса Синд дарёсида кемага ўтқазсинлар ва шу кема уммон тарафда қайси манзилга борса, бахту толени ўша ердан изласин! Улар лозим бўлган йўл ашё ва масрафлари билан таъминлансинлар! Ҳар бирига ўнтадан навқар берилсин! Мен улар ила қайтиб юз кўришмагайман, амаки! Бу ишга ўзингиз бош бўлинг ва давлату салтанатни бу зирапчалардан халос этинг, – дея шаҳд билан ўрнидан турди султон. – Бу иш эртадан қолмасин! Кимсага ишончу эътимодимиз қолмади. Маъқул десангиз аъло девонни бошқаришни мирзо Бойсунғурга топширсак? – дея ўғлини садри аъзам вазифасига тайин этди. – Девон амири Саййид Фахриддиннинг қилмишлари ҳақида гап сўзлар шу қадар кўпайиб кетдики, буни аниқлаб очиқликка қовуштирмасак бўлмас. Мирзо иккинги бу иш ила илгиланинг ва менга билги беринг.

– Маъқулдир, онҳазрат. Бироз фозила ички ичишларини ҳисобга олмасак, бу масъулиятли вазифани олиб кета биладилар, – подшоҳнинг фикрига қўшилди амир.

– Унда ишга киришинг ва эртага кечга менга ҳисоб беринг!

– Икки хоин амирзоданинг ҳарамларини нетайлик, онҳазрат?

– Истаган ҳарами бирга кетсин, истамагани қолсин! Қолганларини ҳам маҳди улё Гавҳаршодбегим билан маслаҳатлашиб, саройдан узоқлаштиринг!

Амир Нуширвон Барлоснинг хоқон фармонини бажариб, уч амирзодани Ҳиротни тарк этишга кўндиргунча она сути оғзига келди.



Амирак Аҳмад индамай ҳаж зиёратига кетмоққа рози бўлди. Фақат у тарафда яшаб қолмоғи учун амирдан қўшимча маблағ сўради.

Бойқаро ва Илангир мирзолар гуноҳларини билиб, сезиб турсалар-да, бирор вилоят илнжида сургун қисматини бўйинга олишни исташмас эди.

– Менинг ҳеч бир гуноҳим йўқ. Мана бу иккисига ўхшаб хоқони саид ҳазратларига қарши исён кўтармаган бўлсам? – деди ниҳоят ҳамтовоқларини сотиб Илангир мирзо.

– Отанг кўтарган исёну шарафсизлик сен ва яна етти авлодинга етиб ортади! Тушундингми, нобакор? – амирзодага қараб ўшқирди Нуширвон Барлос. – Ёки сургун ҳам насиб қилмай, Ироқ дарвозаси олдида Султон Ҳусайннинг қисматига шерик бўлмоқчимисан? Агар шу ниятда бўлсанг, кетма, қолавер! Жаллод! Оёқ-қўлини боғла бу нонкўр исёнчининг! – навкарбошига қараб ҳайқирди амир Барлос. – Ўз обрўйини билмаган нобакор! Бошинг омон қолганига шукур қилмайсанми!

Навкарлар амирзода Илангирга ташланди.

– Бораман, амаки! Айтинг менга қўл теккизишмасин! – ранги қути ўчиб илтижо этди амирзода.

Амир ўнг қўлини кўтарди. Навкарлар қиличларини қинига солиб сафга чекинишди.

– Менга қара, мингбоши! – Қулмон Қиётни имо билан ёнига чорлади амир. – Икки юзлик суворийни оласан-да, икки ҳурматли амирзодамизни Қайду мирзо мамлақати чегарасида ул кишининг вакилларига топшириб қайтасан! Йўлда бирор кори ҳол бўлиб қочиб нетиб кетсалар, калланг билан жавоб берасан! – бу можароли ишдан астойдил асабийлашган эди амир. – Бу энаси байталларга шоҳлик камлик қилади! Шаҳаншоҳлик

керак! Энди нариги дунёда эришасанлар бу рутбага, ношукурлар! Сенларнинг кўр кўзларинг ҳеч қачон очилмайди.

Мирзо Бойқаро ғудраниб паст овозда сўкинар, амирзода Илангир бўлса, бола каби йиғлай бошлаганди.

Амир Нуширвон Барлос сургун қилинган мирзолар карвонини ярим фарсаҳ масофага қадар кузатиб бориб, ортга қайтди.

– Ишқилиб бу фитначилар мирзо Қайдуни ҳам йўлдан урмасалар бўлгани эди, – деди хоқон Шоҳруҳ амикисининг ҳисоботини тингларкан.

– Йўлдан урилмоққа имкон берса, ўзи ҳам булардан беш баттар аҳволга тушишига ақли етса керак, султоним. Бироқ бу амирзодаларнинг авлиёси ҳам кетига жир битгач, ўзидан кетиши ҳеч гап бўлмай қолди. Гумонингизда жон бор, онҳазрат, – эътироз билдирмади амир.

– Унда мингбоши Қулмон Қиётни одамлари билан у ёққа юборинг ва вазият ҳақида бизга билги бериб турсин!

– Мингбошини юбормайлик. Бадарға этилган икки амирзода бошларига тушган бу мусибатни Қулмон Қиётдан келганлигини биладилар ва унга нисбатан суиқасд уюштирмоқликлари ҳеч гап эмас. Унинг яхши одамлари бор, аълоҳазрат.

– Унда бу масалани ўзингиз ҳал этинг, – буюрди султон. – Балки Эсиргап Найманни жалб этарсиз?

– Мирзо Қайду ул тарафларга подшоҳ ўлароқ тайин этилганда устоз исёнчи амир Шайх Нуриддиннинг ҳамтовоғи Баҳлул Барлосни унга ноиб, мулозим ва ҳамсуҳбат этиб тайинланганидан барча бирдек роҳатсиз бўлган эди, онҳазрат. Афв ва кечирим эшигини доимо очик тутганимиз бизга кордан кўпроқ зарар келтирмоқда.

Ўз жамоатимиз амир Баҳлул Барлосни ҳам яхши биламан. Атворида кибр ва фисқу фасодга мойиллиги юксак бир киши. Қайду мирзонинг ёшлиги ва тажрибасизлигидан фойдаланиб, собиқ шаҳид иттифоқдош дўсти Шайх Нуриддиннинг фаолияту ҳаракатларини такрорлаши мумкин, – шубҳасини очиқ сўйлади Нуширвон Барлос.

– Маълум кишилар билан, ким бўлмасин, маълум масофага қадар юрилади, амаки. Шундай шахсиятлар борки, улар билан сўнги манзилгача борилади. Амир Баҳлул Барлосга нисбатан менда ҳам гумон йўқ эмас. Бироқ ўша дамда йағийларни кўпайтириб, уни жазолаб ёки бошини бўш қўйиб бўлмас эди. Дўстларингни ёнингда, йағийларни ундан-да яқин тут нақлига амал қилиб, дўстми, душманми назоратимизда, бизга яқин турмоғи лозим эди. Модомики собиқ иттифоқчиси йўлидан юрмоқни афзал кўрса, демак, у билан Қандаҳоргача бирга борилажаги маълум бўлади. Деҳлига қадар эмас. Қилмишидан келиб чиқиб, тақдиргами, жазогами лойиқ, бунни вақти замон кўрсатгай. Менинг нафақат амир Баҳлул Барлосга, авлодимиз Қайду мирзога ҳам ишончим том эмас. Унинг руҳиятида ҳам мустақиллик мухолифатига оғиш унсурлари жунбушга келиб қолиши мумкин. Бир сўз ила изоҳ этганда ётлардан бир хавфи хатар бекласак, ўз-ўзимиздан икки баробарини кутмоққа тўғри келади, амаки. Нимасини айтасиз?

– Сиз зоти олийлари воқеаларнинг биз кўрмаган қабариқ қирраларини ҳам кўрасиз. Шунинг учун яратган эгамиз толе юлдузингизни барчанинг боши узра порлатгандир. Ғоят тўғри сўйладингиз. Берилажак унвону рутбага муносибу моҳир, ҳар ишга қодир мулозиму маъмурлар анқонинг уруғи эканлигини ҳам яхши биламан. Нуқсону қусурларини кўзда тутган ҳолда қочган томон-

ларига қараб қувиб, улардан фойдаланмоқ мажбуриятидамиз.

– Амир Баҳлул Барлосни қиблагоҳ ҳазратлари ҳам ўзларига яқин тутардилар. Қолаверса, у Қайду мирзонинг отаси, валиаҳд Пирмуҳаммаднинг хос мулозими эди. Мен шуларни ҳисобга олиб уни садри аъзамликка тайин этгандим. Шунинг учун ҳам гуноҳидан ўтиб, амирзоданинг ёнига ноиб этиб қўйгандик. Теурийларни, қавми барлосни бундан буён сотмас деган ўйда шундай рутбага лойиқ кўрган эдик, – ҳар ишнинг ёруғлик томонига боқарди хоқон.

– Масаланинг ғалати томони шунда эканки, онҳазрат, амир соҳибқирон ҳазратлари меҳр-шафқат кўрсатиб яқин тутган одам борки, ўзини улуғ хоқондан кам санамас экан. Хом сут эмган боши юмалоқ бути айриларнинг фожиавий нуқсони ҳам шундалигини кўравериб кўзимиз пишиб кетди. Эсиргап Найманнинг одамлари етказган хабарга қараганда амирнинг бойлиги мирзо Қайдуникидан-да ошиб кетган. Зангинлиги подшоҳникига етган ва ўтган амиру вазир бою боён борки, давлатталабу тахтгалаб бўлиб қолади. Шундан бироз безовталигимни зоти олийларига айтиб қўймасам ёрилиб ўлажагимни биласиз, аълоҳазрат! – ҳар галгидек хоқонга кимса журъат этиб сўйламаяжак гапларни айтарди Нуширвон Барлос.

Хоқон ва амир шом ибодати учун қўзғалар экан, эшик оғаси Ироқ дарвозасига усмонли турклари султони Меҳмет Челабийнинг элчиси амир Шайх Рамазон етиб келганини айтди.

– Бомдод намозига таъқибан шиқовуллар амир Шайх Рамазонни қабулимизга келтирсинлар. Усмонли бейига муносиб мусофирхона таъсис этилиб, неки лозим бўлса муҳайё қилсинлар! – буюрди султон.

Амакиси билан бирга ибодат қилган хоқон яна хонасига қайтди.

– Икки йилдан ошди чамаси, Меҳмет Челабий исёнчи қардошларини бартараф этиб, отаси султон Йилдирим Боязиднинг тахтига ўтирган чоғи? – амир Барлосдан сўради султон.

– Усмонўғилларининг тожу тахт можарою мужодаласи оғир кечган, хоқоним. Султон Йилдирим Боязид Оқшаҳарда вафот этгач, шу ерга дафн этилган эди. Султон соҳибқирон ҳазратлари билан унинг жаноза маросимига етиб боргандик. Амир Темурдек жаҳонгир Йилдирим Боязиддек улуғ султоннинг вафоти учун кўз ёши тўкканига шоҳид бўлганман. Сўнгра султоннинг жасадини шу ўғли Меҳмет Челабий пойтахт Бурсадаги отаси қурдирган масжид ёнига элтиб қайта кўмади. Султон вафотидан кейин тахтга валиаҳд шаҳзода Сулаймон ўтиради. Бироқ Сулаймонни қардоши Мусо Челабий қатл эттиради. Шундан сўнг тирик қолган икки шаҳзода Мусо ва Меҳмет ўртасида омонсиз кураш бошланади. Бу қарама-қаршилик Меҳмет Челабийнинг ғалабаси билан якун топади деб эшитдик, онҳазрат.

– Меҳмет Челабий доимо бизга боғлиқлигини таъкидлаб, элчи ва чопарлар юбориб турибди. Биз ҳам ҳар замон бу султоннинг орқасида эканлигимизни қайд этиб келдик, – таъкидлади хоқон.

– Биз ўз ота юртдадирмиз, онҳазрат. Илдизларимиз униб чиққан бир тупроғу макон устидамиз. Бош ёриғи дўппи остида дея кимла қарама-қарши келсак-да, оталаримизу тоғларимизга таяниб, оёқда қолмоқ мужодаласини бериб келдик ва беражакмиз. Бироқ уларнинг иши оғир. Мелодий минг етмиш биринчи йил, Султон Алпарслоннинг Византия қироли Диогенни енгиб, Рум

тупроқларини салжукли туркларга ватан этганидан бери улар бу юртларнинг эски эгаларига қарши савашадилар. Султон Йилдирим Боязид раҳматлининг қизиққонлиги туфайли Чубук овасида Анқара жанги юз берди-ю, усмонли салтанатнинг бели бертилди. Иншооллоҳ, бундан сўнг оёққа туриб кетарлар ул қардошларимиз, – билганича хоқонга маълумот берди амир Барлос.

Нуширвон Барлос сўзини тугатиши билан шиқовул эшиқдан мўралади. Хоқон кўноқларни таклиф этмоққа ишорат этди.

Хонага кўзда ёш билан амир Шайх Рамазон кирди. Хоқон ота қадрдон усмонли амирини кучоқ очиб қарши олди.

Ҳамон Шайх Рамазоннинг кўзларидан ёш қуйилар, ҳаяжондан энтикарди.

– Недан? Билмадим, султоним! Турону Туркистон тупроқларига оёқ босишим билан ич-ичимдан тўлиб-тошиб йиғи келаверади! Сиз азиз аждоду авлодларимни кўрганда эса бу меҳр-муҳаббат чексиз қатланади! – деди амир ўзига таъсис этилган курсига ўтирар экан.

– Бобо юрт, ота тупроқ тортса керак-да муҳтарам отақадрдонимизни, – амирга илтифот кўрсатди хоқон назокат-ла. – Қиблагоҳ ҳам Самарқанд ва Кешга яқинлашишим билан кўнглим тўлиб, кўзимга ёш келаверади, дер эдилар раҳматли! Бу ватан меҳри ва улус муҳаббатидир, улуғ амир ҳазратлари.

– Тўғри суйладингиз, султоним. Янглишмасам тарихчи Ас-Саолибий ҳам айнан сизу бизнинг фикрларимизни қўғозга тўкиб, турклар юртига киришинг билан қалбингни тасаввур этмаганинг юксак, беғубор ва олижаноб туйғулар эгаллайди. Бу тупроқлардан чиқиб кетаркансан, юрагу вужудингни ўша бетакрор ҳислар

тарк этади, дея ёзган. Бу муқаддас тупроқлар, бу юк-сак тоғлар, бу тўлиб-тошган биллур сувли дарёлару чек-чегарасиз дашту саҳролар, яйлоғу ўтлоқларда бир илоҳий гўзаллик ва сиру синоат бор, султоним! Ота юрт бағрида туғилиб, ўсиб-униб ватанда яшай билмоқ саодатидан баҳраманд кишилар ўзларининг не қадар бахтли ва омадли эканликларини англамаслар балки! Бироқ тупроқни севмоқ ва уни азиз тута билмоқ учун биз бечора ғурбатчилар каби ундан узоқда, ҳасратда яшамоқ керак эмасдир! – чексиз ҳаяжон-ла қўнишарди амир Шайх Рамазон.

– Қани энди ҳар бир ватандош, билхосса элга ақл бўлмоқ даъвосидаги амиру маъмурларимизнинг қалби сиз ҳис этган эътиқодларга тўла бўлса, – суҳбатга қўшилди амир Нуширвон Барлос.

– Бу илоҳий эътиқод ҳар бир қалбу имонда ҳам кўкариб, униб илдиэ отмайди, амир жаноблари! Пайғамбаримиз ҳазратлари ватанни севмоқ имондандир деганларида ҳам шуни назарда тутганлар. Авваламбор ота юртингиз ва она тупроғингизга хуш келдингиз, устоз! – дея самимият ила амир Рамазонга мурожаат этди хоқон. – Ул юртларимиздаги қардошларимиз соғ-омонмилар? Султон Меҳмет Челабий авлодимиз эсон-омон, бағри бутундирлар, иншооллоҳ?

– Тангрига шукурлар бўлсин, хоқоним. Султонимизнинг зоти олийларига ҳурмату эҳтиромлари, эътимоду эътиқодлари чексиздир ва ҳар доимо улуғ темурийлар давлатига садоқату боғлиқликда қусур этмасликларини таъкидлайдилар. Султонимиз рум элининг ноёб ашё ва молларининг энг сараларини совға ўлароқ юбордиларки, оз бўлса-да кўп ўрнида кўргайсиз, – деди ўрнидан туриб таъзим этаркан амир Шайх Рамазон.

– Лутфан ўтиринг. Роҳатсизланманг. Сиз отақадрдон улуг амиримизнинг сидқу садоқатлари олдида ҳамиша бурчлимиз, – деди Шохруҳ султон усмонли бегини ўтирмоққа даъват этаркан. – Ижозатингиз ила шом ибодатимизни қилгач, ошлоқ устида суҳбатимизни давом эттирсак, – дея биргалиқда ибодат учун қўзғалдилар.

– Бундан бир йил чамаси бурун бизга мудом садоқат сақлаб келган Қаҳрамонўғли беги Меҳметнинг элчилари саройимизга ташриф буюргандилар. Шунда элчи Меҳмет Челабий ила Қаҳрамон ўғиллари орасида амир Сулаймонга қарши бир дўстлик англашмаси тузилганини сўйламиш эди. Улар ҳам бизнинг шаҳзодаларимизга ўхшаб инсон каби англаша олмай бир-бирларини еб би-тирибдилар-да? – сўради хоқон амир Шайх Рамазондан.

– Бу ёруғ очунда бой-бадавлат, бахт-саодатли яшамок, уззу-кун унга интилган киши учун у қадар қийин эмас, султоним. Бироқ оддий, ҳақиқий инсоний яшай билмоқ мушкулдир. Одам боласи юксак мақому манзилларни кўзлаб, содда, барча баробар яшаб ўтмоқ имконини бой беради ва умри сўнгини армону ҳасратда ўтказди. Бир бош бало бош, икки бошга қозон ос деганларидек, шаҳзодалигу тожу тахт даъвосида туғилмоқ ва яшамок эса қилич тиғида юрмоқ демақдир. Султон Йилдирим Боязид ўғиллари тақдирида ҳам шу қисматга шоҳид бўлдик. Меҳмет Челабийнинг одамлари қардоши Иса Челабийни ҳаммомда бўғиб ўлдирдилар. Амир Сулаймонни эса Муса Челабий қатл этди. Ота тахти учун сўнгги омонсиз мужодала Муса ва Меҳмет Челабийлар орасида кечди, хоқоним.

– Муса Босфорис бўғозининг ғарбий тарафида, Меҳмет эса шарқий томонида салтанат суриб келмоқдалар, дея эшитгандик. Бизга ҳар икки шаҳзодадан ҳам элчилар келиб турди. Улар шу тарзда ота салтанатларини



юритсалар бўлмасмиди? Иккиси бир-бирини егунча бирлашиб умумий душманларига қарши курашсалар маъқул эмасмиди?

– Ғоят тўғри савол бердингиз, хоқоним. Ҳаёт дегани шундай бир тақдиру тажриба, синову сабоқ эканки, аждодлар йўл қўйган хатоларни авлодлар такрорлаб, оталар ўтган янглиш сўқоқлардан фарзандлар ҳам юраверар экан. Ҳар икки шаҳзода ҳам отаси султон Йилдирим Боязид каби мағрур ва ўз кучига ортиқча баҳо бермоқ зехниятидан бенасиб эмасликларини кўрсатдилар. Улар орасида давом этган қарийб ўн бир йиллик қарама-қаршилиқ ва қонли тўқнашувлар моҳиятан олиб қарасангиз хоқон Темур ва султон Йилдирим Боязидни Анқара фожиасига олиб келган тарихга ўхшайди. Ака-ука орасидаги сўнгги, ҳал қилувчи жанг Чомурли деган манзилда юз берди, султоним. Муса Челабийнинг етти минглик ўрдуси кўпсонли Меҳмет Челабий қўшинидан енгилади.

– Унинг ўлими ҳақида ҳам турли тафсилотларни туйдик. Қай бири тўғрилигини ҳам ҳеч ким аниқ айта олмади? – сўради амир Нуширвон Барлос.

– Одатда бир тахт даъвогари қардошими, бегонами иккинчи бир даъвогарни маҳв этса, доимо бу воқеанинг асл ҳолатини ошкор этмайди, амир жаноблари. Халқ ҳақиқатни билмаслиги учун одамлари орқали турли-туман уйдирмаларни тарқатадилар. Муса Челабийнинг ўлими ҳам илгариги қардошлариники каби турлича талқин этилди, амирим. Кўрганлардан бирининг айтишига кўра, енгилгач отига миниб қочаркан, Боязид пошшо, Миҳалўғли ва Бароқ бейлар уни ёқалаб, қўлларини боғлайдилар ва амир Болта ўғли “Амир Сулаймонни қандай ўлдиртирган бўлсанг, сени ҳам худди шундай қатл этамиз” дея чопиб ташлайди. Яна бир кишининг

сўйлашича шаҳзодани ярадор ҳолатда Меҳмет Челабийнинг ҳузурига келтирадилар ва укасининг чодиридида бўғдирилади. Шаҳзоданинг жасадини Бурсага элтиб отасининг ёнига дафн этишни султон Меҳмет Челабий менга амр этдилар. Жасадни минг бир азоб билан Булгаристоннинг Чомурли овасидан Бурсага келтириб, тупроққа бердик, хоқоним. Яратган ҳеч бир сулоланинг бошига бундай мусибатли кунларни солмасин! – дея сўзини мухтасар этди усмонли амири Шайх Рамазон.

– Бизнинг сулола ҳам бундан кам бўлмаган фожиаларни бошдан кечирди ва кечирмоқда, амир жаноблари. Кунни кеча биз ҳам бир исёнчи шаҳзодани ҳажга, иккисини эса сургунга юбордик. Жўнатдигу, ҳамон кўнглимиз тинч эмас. Амир Барлос амакимиз уларни энг олий жазога маҳкум этмоқ керак дейдилар. Мен ҳам ичимда бу фикрга қўшиламан. Бироқ қиблагоҳ ҳазратлари жуда ҳаддидан ошмаса ва уч бора хиёнат этмаса яқин кишиларни ўлимга ҳукм этмасликни васият қилганлар. Бу фикрга сиз қандай қарайсиз, амир жаноблари? – кўноқ беқдан сўради султон.

– Улуғ хоқон ҳазрати олийлари учдан ҳам кўп бора кечиришларини биламиз. Сабаби ким бўлмасин етти иқлимда ул улуғ зотга қарши туражак кишининг ўзи йўқ эди. Бўлса-да, элидан ҳеч бир иш келмасди. Бугунги Турону Хуросон мулкидаги вазият эса айбдорларни қаттиқ жазолашни тақозо этади. Бу кўнуда амир Нуширвон Барлос устознинг фикрларида жон борлигини қайд этмоқ турумидаман, – султоннинг сўровини жавоблантирди амир Рамазон.

– Тажриба тажриба-да. Баҳслашдигимиз кўп масалаларда амир жаноблари ҳақ бўлиб чиқадилар, – деди хоқон тан олиб.

– Бу нарсани сиз онҳазратнинг раҳм-шафқат бобида

беназир эканлигингиз ила изоҳ этмоқ керақдир, султоним, – дея масалага ойдинлик киритди амир Барлос.

Хоқон ва икки амир азонни эшитиб, хуфтон намози учун йўналдилар.

### ЕТТИНЧИ БОБ

*Юракда ўт, мияда муз бўлсин.*

**Отасўзи**

Қандаҳордан келажак нохуш хабар Ҳирот саройини узоқ беклатмади. Қандаҳордаги одамларидан хабарлар олиб, ўзи Балхда турган Қулмон Қиёт жўнатган мактуб ташвишли эди.

“Мирзо Қайдунинг мулозимларига қўшиб ўз кишимни ҳам юбормоқдамен. Шаҳзода Қайдунинг амир ул-умароси Баҳлул Барлос яраси ёрилди. Мулки давлат мастлиги оқибатида туз ҳақини унутган амир вафодорлик ва инсонийлик ахлоқи мезонларига қўл силтаб, бебоклик этагини маҳкам тутган кўринади. Итоаткорлик ёқасидан бош тортган амир Ҳасан ахточи, Луқмон Қаро ва Усмон Алилар билан тил бириктириб, мирзо Қайдуни тахтдан ағдариб, ўрнига иниси мирзо Санжарни ўтирғизмоқ ниятида эканлиги ошкор бўлиб қолди. Амирзода Қайдулардан узоқлашиб, жон сақлаш учун бошкентдан чекинмоқ мажбуриятида қолдилар. Атрофларидаги сўнги амиру мулозимлари ҳамда навкарлари билан онҳазратнинг амри фармонларини бекламоқдалар”.

– Узингиз бош бўлиб Қандаҳор томонга бормасангиз бўлмайдиганга ўхшайди, амаки, – деди хоқон амир Нуширвон Барлосга мактубни узатаркан. – Чора-тадбирини кўрмасак, мирзо Қайдуни ҳам отаси валиаҳд Пирмуҳаммад каби бўғизлайдилар. Оёғи қолиб оғзи би-

лан юргувчи жоҳил оломон эса ҳеч нарсадан хабари йўқ улар ўлимида бизни, давлату ҳукуматни айблайверади.

– Қайду мирзо атворида ҳам кибру манманликка мойиллик бордир, султоним. Сархуш ҳолда бир-икки бор бобом бу мулки давлатни менинг қиблагоҳимга қолдирган. Темурийлар салтанатининг асил эгаси бизмиз, деган гапларни қилган. Кўнглингизни алағда қилмаслик учун сизга бу ҳақда оғиз очмаган эдим. Мавруди келгани боис айтмасам бўлмас. Мирзомиз ҳам кайфу-сафо, маишат боис тахти бахтини қайб этган отаси қисматига шерик бўлмасин деган андишада эдим. Ўйлаганинг бошинга келар, дегани кўп ҳолда тўғри чиқади. Биз катта кўшин билан бориб, уни яна қайта тахтига ўтқазиб, душманларини жазолаймиз. Бироқ ҳукмдор бўлиб туғилган бу энаси байталлар шундан ҳам хулоса чиқариб, миннатдор бўлмайдилар. Меҳнату заҳматимизни қадрламайдилар. Шуларни фикр қилиб, гоҳида кишининг дили хуфтон бўлади, – кўнглидагини сўйлади амир Нуширвон Барлос.

– Ҳақсиз, амаки. Бу ғозларимизнинг ўзлари чўлда бўлса ҳам, кўзлари буюк кўллардадир. Аждодларни танлай олмаганимиздек, авлодларни ҳам кўнглимиздагидек чиқмаслиги биз ожиз бандаларига боғлиқ эмас экан, амаки. Жияну, амакиваччаларни кўя турунг, эртага ўз ўғилу набираларимиздан не каромату садоқат кўрамыз, бу ҳам тек Яратганга маълумдир. Шундай экан, болта келгунча кунда дам олибди қабалида иш юритиб, Қайду мирзо муаммосини ҳал этиб қайтинг. Бунинг учун Ҳамза Тархонни ёнингизга олинг. Бир гуруҳ қавчинларимиз бу ишда сизга кўмакчи бўлсинлар. Ўн минг сараланган суворий етар, – дея таълимот берди хоқон амакиси амир Барлосга. – Ҳирот кўшинининг Қандаҳор томон юзланиши вазиятнинг тубдан ўзгаришига сабаб

бўлар, иншооллоҳ! Ишни имкон қадар сўғишу савашсиз битирмоқ жадда бўлинг.

Хоқон билан хайрлашган Нуширвон Барлос подшоҳ амри фармони жойларга етказувчи ва бажарилишини назорат этувчи қавчинлар гуруҳи билан йўлга чиқди.

Исёнчиларнинг ўтакасини ёрмоқ учун Балх, Қандаҳор, Қобул каби шаҳарларга катта қўшиннинг кетаётгани ҳақида хабар етказувчи жарчилар жўнатилди.

Бу тадбир самарасини берди. Валиаҳд Пирмуҳаммаднинг қарши тарафга ўтган навкарлари Ҳирот сипоҳи овозасини эшитиб, ўз валинеъматлари Пирмуҳаммаднинг ўғли Қайду мирзога мойиллик билдириб, Баҳлул Барлос черигини тарк эта бошлашди. Ота суворийлари билан қувватланган мирзо Қайду ўрдуси қилич яланғочлаганча исёнчилар устига юрди.

Уч фитначи бек бошчилигидаги черик ёруғликдан чўчиган суварак каби тарқалиб кетди. Амир Усмон Али Бадахшон томон қочди. Баҳлул Барлос билан Ҳасан аҳточи амир Нуширвон Барлоснинг чодирига етиб келди.

– Не ўтса, биздан ўтди, улуғ амир жаноблари. Қайду мирзонинг номаъқулчиликлари ҳақида айни дамда сўйламоғим ўринли кўринмас. Боиси, оғзи қийшиқ бўлса-да, улар сўйлайдилар ва уларнинг сўзи тингланади. Биздан эса эшак ўғриси ясалади, – деди ернинг остида илон қимирласа сезадиган тажрибали амир Баҳлул Барлос. – Мен мирзо Қайдунинг ўзи онҳазрат зоти олийларига қарши исён кўтарганда сизларга салом бераман. Ҳозир эса биз гуноҳқормиз. Бироқ кимсанинг қонини тўкмадик ва молига эга чиқмадик. Шуни назарда тутиб, орага тушинг ва шафе ўтиб, Шоҳруҳ хоқон ҳазратларидан гуноҳимизни сўраб беринг, – дея амир Нуширвондан рижа этди Баҳлул Барлос.

– Мен сендан бир неча кўйлакни кўп йиртганман, Баҳлул, – деди амир Нуширвон кўноқни ўтирмоққа даъват этаркан. – Сен ҳам мен каби қавми барлоссан. Ўз қавмимиздан Кермон волийси, Идику Барлоснинг ўғли Султон Увайс Барлос шундай ишга кўл уриб, биздан қочиб юрибди. Иккинчи бўлиб сен шундай қилдинг. Ўзагимизни узувчилар ўзимиздан чиқмоқда. Ана шундан сўнг онҳазрат ва биз кулларининг аҳволини ўйлаб кўравер. Усиз ҳам яғийу нохайрихоҳлар етиб ортиб ётганлигини мендан кам билмайсан. Шунинг учун давлатпаноҳимиз сендан астойдил хафа бўлдилар. Ҳар ҳолда зоти олийлари гуноҳларинг устига афв чизигини тортарлар. Бироқ ким томонидан кўтарилмасин, исён исендир. Уни бугун кўнгиллардан, эртага эса тарих саҳифаларидан ўчириб бўлмайди.

Амир Нуширвон Барлос Қайду мирзони тахтига қайта ўтқазиб, Баҳлул Барлос билан Ҳасан ахточини ёнига олиб, Ҳиротга қайтди.

– Буюк қардошим Умаршайх мирзо барлослар ҳақида салбий битик битган обитурклик шоир Туроб Туронийнинг кўлини боғлатиб, қиблагоҳ ҳузурларига олиб келадилар. Шоир кишини бандга солгани учун эса падари бузруквордан оладиганини олганлар, – деди хоқон Шоҳруҳ ўрмалаб келиб палос ўпган Баҳлул Барлосга. – Ўшанда қиблагоҳ Туронийни ҳибсга олган акам Умаршайх мирзога мулозим этиб тайинлагандилар. Биз барлослар султон соҳибқирон замоналарида ҳаддимиздан ошиб, бошқа элу элатларга жабру ситам ўтказишдан ўзимизни тия олмадик. Бутун олам тақдири бизга қолгандек тутдик ўзимизни. Илгари ўзга аймоқларга кун бермаган бўлсак, бугунги кунга келиб Идику Барлос, Султон Увайс Барлос ва сиз, муҳтарам Баҳлул Барлос каби ақраболаримиз

ҳаддингиздан ошиб, илдизимизга болта урмоққа киришдингиз. Ишлар шу тахлиту тариқада кетадиган бўлса, билмадим, биз барлосларнинг тожу тахти, мулки давлатининг тақдири не кечади? – Баҳлул Барлосдан астойдил хафа бўлган эди хоқон.

– Бир қошиқ қонимиздан кечинг, хоқони саид ҳазратлари! Олсангиз-да, чопсангиз-да бошимиз оёғингиз остидадур! – деди суяги бутун, зуваласи пишиқ амир Баҳлул Барлос ер-ла баробар бўлиб.

– Қани энди ишлар осишу чопиш билан юришиб, битиб кетганида эди, амир Баҳлул. Бошқа чораю тадбирга бош урмаган бўлурдик. Ҳукмдорларнинг қону жон, банду зиндон ила олган қарорлари ҳақ бўлсалар-да, халқ томонидан хуш қаршиланмайди. Шундай яғийларимиз борки, ўз мақсаду манфаатлари учун қотилдан фаришта, малак каби кишидан хачир ўғриси ясайдилар. Улуснинг асил, ҳалол ва ватансевар шахсиятлари қолиб кетиб, дордан қочган муттаҳамлардан кўлбола амиру вазир, баҳодиру қаҳрамон яратадилар. Гина этгандан умид эт нақлига амал қилган ҳолда сиз ёши улуғ беғимизга бу каби маломатли жумлаларни сўйламоқдаман. Умид қиламанки, сўзларим ҳавога кетмас, – деди хоқон амирга кудурат оҳангида.

– Раҳми шафқатда карамингиз кенглиги барчага ошиёндир, султоним. Бир содиқ қулингиз ўлароқ хизматингизда қусур этсак, гуноҳимиз бўйнимиздадир! – деди амир Баҳлул Барлос кўзи жиққа ёшга тўлиб.

– Эгилган бошни қилич кесмас! Энг муҳими, хатолардан хулоса чиқара билмоқдир. Акс ҳолда, дордан омон қолган бош кундага етади! – деди султон тиз чўкиб турган икки бекка зимдан боқиб.

– Биз ҳам хато қилиб, оёғи чалишиб юрган барлос-

## *Шайтон шамшири*

лардан биримиз, онҳазрат. Ҳофизангизда бўлса ўша обитурклик битикчининг шеърини айтиб берсангиз? – деди амир Нуширвон Барлос шеър ёзмаса-да ўқишни ва ёд олишни хуш кўрадиган подшоҳга.

– Хотирамда бормикан? Ўша пайтда бу битик ҳам-манинг оғзида эди. Қани, эслай-чи.

Ўйга толган султон оҳиста шеър ўқиди:

*Етмиш фарсах йўл юриб,  
Етмиш етти эл кўрдим.  
Тоғлар ошиб, дашт кездим,  
Довон, водий, бел кўрдим.*

*Элбоши чиққан элат,  
Ўзга элга кун бермас.  
Энди кунда барлослар,  
Ўзга элга ун бермас.*

*Ўру қирда ҳаллослар,  
Уйинг куйгур барлослар.  
Турон юртин танг қилсанг,  
Сени-да ғафлат босар.*

*От бўлмагай қулунинг  
Эшшаклар отдан ўзар.  
Ҳаллосларо, ҳаллослар,  
Уйинг куйсин барлослар.*

*Умид нурин битказма,  
Дилдан шафқат кетказмас.  
Бошинг кўкка етса ҳам,  
Элга зуғум ўтказма.*



Жаҳон шоҳи бўлсанг-да,  
Замон келар ов юрмас.  
Овинг обдон юрса-да,  
Омад кетди, дов юрмас.

Элбоши бўлмиш элат,  
Улус ғамин есин-да.  
Ҳар аймақни танг кўриб,  
Бовуримсан, десин-да.

Йуқса бир кун юрт тўзар,  
Эшшаклар отдан ўзар...

– Қувваи ҳофизангизга балли-е, султоним! Биз томи кетганлар эса сабоҳ нонуштасида не тановул этганимизни эслай олмаймиз! – деди шеърдан завқланиб амир Нуширвон Барлос.

– Хотиранинг кучлилиги истеъдоддан дарақдир! – гап қўшди амир Баҳлул Барлос.

– Сиз муҳтарам улуғ амирларимизнинг миллату салтанат олдидаги вазифаларингиз шундан иборатки, оёғи ердан узилган, ўпкасини қўлтиқлаган, ҳовлиқма барлосваччаларимизга асл ҳаёт ҳақиқатини англа-тиб, ўтирар жойлари ва юражак йўлларини кўрсатиб қўймоқликдир. Бул саводсизу жоҳилларга бир шиша сиёҳ бир кулча олтиндан афзал эканлигини англа-моқдир. Биз табиатан уйимизни ёв таласа қўшилиб талайдиган қавмимиз. Душман топилмаса бир-биримиз билан ёқалашамиз. Охир-оқибатда аксар ишимиз – ул боқдим ўланга кетди, қиз боқдим қиронга кетди, қабилида бўлиб чиқади. Ура билмаган узун косов кўтарар деганларидек, қўлда қамчи тутишни билмаганлар тахту салтанат даъ-

восини қиладилар. Бу нобакорларга сизлар тур демасангиз ким сўйлайди?! – сўзлари оғир эди хоқоннинг.

– Мутлақ ҳақсиз, онҳазрат, – деди амир Нуширвон Барлос подшоҳнинг тошбосар сўзларидан таъсирланиб. – Ўғли бор ўғирликка, қизи бор ғарликка кулмасин, нақлидан келиб чиқиб, авлодлар бугундан эрта бошимизга не ташвишлар келтиражагини билмаймиз. Бироқ, қай томондан боқмайлик, ақлнинг йўли, адлу адолатнинг мезони бирдир. Сиз зоти олийларига Оллоҳдан сабру тоқат, авлодларимизга имону инсоф тилаймиз, – деди амир Барлос гуноҳкорларга шафе ўтмоқликни ниҳоясига етказар экан.

Эртаси куни подшоҳ Деҳли султони Хизрхоннинг элчисини қабул қилди. Ҳинд элчиси билан бирга Деҳлига Ироқ ва Форс фатҳи хабарини олиб кетган Ҳирот чопари ҳам қайтган эди.

– Хизрхон ҳазратлари ҳар доимгидек оёқларини итоат узангисида тутароқ, бир муаммони хоқони саид ҳазратларига етказишимизни рижо этдилар, – деди элчи қора терга тушиб.

– Сўйланг, не муаммо экан? – сергак тортди султон.

– Қайду мирзонинг сўнг бора Деҳлига ташриф буюрган элчиси Ҳиндистон мамлакатларида ўзининг номи билан хутба ўқитиб, пул зарб қилишни амр этганини етказди, онҳазрат. Хон зоти олийлари бу амрни олий эътиборларига етказиб, ишоратларини беклаяжакларини қайд этдилар, – деди элчи бу нохуш хабарни етказганлигидан ўзи ҳам хижолат чекиб. – Султонимиз зоти олийларининг изнларисиз бу ишга журъат этмаяжакларини мирзога маълум қилдилар.

Хоқон Шоҳруҳ беихтиёр Нуширвон Барлосга қаради. Амир Барлос маъноли бош ирғади.

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Бу ишнинг янглишлиги очиқ кўзу ёпиқ кўз ҳар инсонга маълумдир! Ўз ўрнини билмаган кишига ким бўлмасин ўтиражак ери кўрсатилажак! Шунингдек, Қайду мирзога ҳам! Хутбада аввало хоқони саид Шоҳруҳ ҳазратларининг муборак лақаблари тилга олинади, сўнгра эса Хизрхонни ёдласинлар! – хоқон ўрнига жавоб берди Нуширвон Барлос.

Қўлларига хоқон фармонини олган элчи Деҳли йўлига тушди.

– Қайта тахтига ўтқазган Қайдумиз Исфаҳонни танг қилган амирзодамиз изидан бормоқда-ку? – деди эртаси куни саломга келган амакиси Нуширвон Барлосга хоқон хона бўйлаб асабий юраркан.

– Унинг йўлидан юрса қисмату қадарига ҳам шерик бўлади-да, онҳазрат, – жавоб қилди амир тик турганча султонни тингларкан.

– Таъқибни кучайтиринг, Хизрхонга йўллаган буйруғимиздан сўнг хато ишидан хулоса чиқариб, узмаъносида бизга бирор мактуб битади. Ёки аксинча яғийлиги қатланиб, душманлик йўлига кириши мумкин. Ҳар икки ҳолатни ҳисобга олиб ҳаракат этмоққа тўғри келади.

– Янглиш қилмишидан чўчиб, биздан қочиши ҳам аҳтимолдан холи эрмас, султоним. Искандар мирзо ўз номини хутбада ўқитиб, ақча зарб этмоққа киришган эди. Бу гал ўзбошимчаликнинг олдини олмоққа улгурдик. Амирзоданинг гуноҳи чуқурлашмади, – фикрини баён этди амир. – Буларнинг нодонлиги балапон бошига, турумтой тўшигадан нари ўтмайди, султоним. Қушнинг учирма бўлган жўжасини палапон ҳам дейдилар. Турумтой эса энг кичик ов қушидир. Балапон учишни билмаса-да, уясидан ўзини ташлаб ҳалок этади. Ту-

румтой эса кучи етмаган қушни тўши билан уриб, ўзига шикаст етказади ёки нобуд бўлади. Буларнинг аҳмоқона тирикчиликлари ҳам шу қабилдадир.

– Ишу кучимизни балапону турумтойларга сарф этар эканмиз-да? Биз не ташвишу меҳнат ила оворамиз, улар эса не қайғудалар. Буларга ҳеч бир ўлиму фожиа, ғалабаю мағлубият сабоқ бўлмас экан. Элчилар фармонни Хизрхонга етказадилар, Хон эса ўз навбатида мирзога бу ҳақда билги беради. Биз эса амирзоданинг хатосини кўриб кўрмаганга, билиб билмаганга олиб турамиз. Мирзо ҳам бундан хулоса чиқариб, тўғри йўлда юрмоқда давом этса хўши хўш. Янглиш ҳаракат этса шунга яраша чора тадбири кўрилади. Эндиги ишимиз Чин элчиларини муносиб қаршилаб, кузатиб қўймоқдир. Юринг, кўча ва бозорларни бир айланиб келайлик, – дея амакисини сарой ҳовлисига бошлади хоқон. – Улуғбек мирзо ҳам яқин кунларда етиб келар экан. Маликалар ва амирзодаларимизга таълимот бердим, шаҳардан чиқиб қаршилайдилар, – йўл-йўлакай гапириб борарди султон.

Сарой ҳовлисидан пиёда чиққан хоқон кун ботиш томондаги маҳаллалар томон юрди.

Султон сарой атрофидаги маҳаллаларни пиёда айланишга қарор қилган кўринади, хаёлидан ўтди амир Нуширвон Барлоснинг.

– Эътибор берган бўлсангиз гоҳи-гоҳида шу тарафдан сарой ҳовлиси ва хоналарга мол-ҳолнинг ҳиди келади. Камбағал, фақир-фуқаро одам битта сигири ёки иккита қўй-эчкиси бўлса-да, тагини тозалаб, қуруқлаб боқади. Назаримда шу маҳаллада амалдору бойларимиздан кимдир бўрдоқи боқади. Қани кўрайлик-чи, кимлар экан Ҳирот ҳавосини бузаётган бу ватандошларимиз, – қўлини орқага қилганча кўча бўйлаб кетарди хоқон.

– Қўланса қўқилар қуюқлашди. Яқинлашдик чоғи, – деди амир Барлос ҳансираганча султонга етиб юришга уринаркан.

Кўча бўйида суҳбатлашиб турган икки киши султон ва амирни таниб, бош эгганча салом бериб, таъзим қилди.

– Ваалайкум ассалом! Ассалому алайкум! – деди хоқон улар қаршисига тўхтаб. – Аҳволлар нечук? Тирикчилик ўтмоқдами? – ҳол сўради хоқон маҳалла сокинларидан.

– Оллоҳга шукур, ҳазрати олийлари! Бир нави! Маҳалламизга хуш келибсиз! – шошганча жавоб қилди тузукроқ кийинган, қирқ ёшлар чамасидаги, ҳунарманд либосидаги киши.

– Димоқларингизга ёқимсиз ҳид урилмоқдами? – сўради хоқон улардан.

– Ҳа, зоти олийлари! Кечаю кундуз, ҳатто намозларимизда ҳам шу ҳидни ҳидламоқ мажбуриятидамиз! – жавоб қилди ўша киши.

– Нега? Бу қўқи кимнинг уйидан келмоқда ва недан кириб айтмайсиз? – яна сўради султон.

– Бири зоти олийларининг ёнида хизмат этувчи амир Саъдулла Орифийдур, иккинчиси эса номдор тужжор Ўрманғит Раҳматдур, зоти олийлари. Кимса уларга юрак ютиб, оғиз очиб бир нима дея олмайди. Иккиси ҳам қўниқўшниларига шаҳар четидан ер олиб бердилар. Уйлари сотиб олиб, қўйхонаю молхонага айлантиришди. Сизни бизга худо етказди. Дардимизни кимга айтишни билмай юргандик.

– Бу ҳидлар султон саройигача боради дейишади, – гап қўшди иккинчи киши.

– Ҳа, гоҳида боради, – тасдиқлади амир Нуширвон Барлос.

– Маҳалла кадхудоси ҳам улардан қўрқади. Одам

---

лар арз қилиб боришди. Яқинига йўлатмайди, – деди биринчи сокин.

– Қани юринг-чи. Бир бориб кўрайлик. Амир жаноблари, йўл бошланг, – амакисини ўнгга ўтказди хоқон.

Улар дастлаб амир Орифийнинг хонадонига кирдилар. Уйда хизматчи ва қоровуллардан бошқа кимса йўқ эди. Хоқон мол қаровчилар билан қўра ва қўтонларни айланди.

– Амирга сўйлангиз, – таълимот берди султон кутилмаган ташрифдан ўзини йўқотиб қўйган хизматчиларга самимий оҳангда. – Шаҳар ичидаги маҳаллаларда соғиб ичмоқ учун бир-иккита сигир, эчки ёки қўй боқмоқ мумкиндир. Шунда ҳам боқилган молнинг жойини алмаштириб, қуритиб турмоқ жоиз бўлади. Бироқ кўплаб қўю сигирни бўрдоқига боқиб бўлмайди. Инсоннинг инсон каби яшамоғи учун энг аввало тоза ҳаво ва тоза сув керакдир. Амир жаноблари одамлар олаётган тамиз ҳавони булғаб, гуноҳга ботмоқда эканлар. Қўшни ҳовлисини эпкин ва қуёш нуридан тўсмоқ ҳам худди шундай гуноҳдир.

Султон сўзини тугатар-тугатмас ҳаллослаганча амир Орифий етиб келди. Хоқон оёғига йиқилиб, пешонасини тираганча ер ўпди. Султон ташрифининг маъносини англаб, ер-ла баробар бўлиб узр тилади.

– Бир қошиқ қонимдан кечинг, онҳазрат! Ўлиб қолибман! Бугуноқ барча молу ҳолни қуритаман! – деди бошини кўтармай амир Орифий.

– Маъқулдир. Зотан, шундай қилмоғингиз ижоб этади. Халойиққа бош бўлиб, уларга йўл кўрсатиши керак бўлганбек ҳавою атроф-муҳитни булғаб ўтирса, оддий халққа худо тўзим берсин, амир жаноблари. Қўра ва қўтонларни текислаб ҳовлингизни гулзорга айлантрасиз. Гулзор ўртасига бир кўшк қурингим, биз кўча-

дан ўтганимизда кириб, бироз ўтириб, истироҳат этиб, юртдошларимиз билан суҳбатлашайлик, – таълимот берди хоқон. – бу ишда сиз ила рақобатлашаётган тужжор Раҳматийга ҳам буйруғимизни еткуринг! Эртага бу кўчадан уч юз от ила пойтахтимизга келаётган чинлик кўноқлар ўтади. Бу хидларни туйиб, улусимизнинг фаҳми фаросатига баҳо берадилар, – овозини баландлатди хоқон. – Бу гал кечирдик. Мулозимларингизга айтинг, амир жаноблари! Бу ишнинг бошида туриб, эрталабгача битирсинлар! – амир Барлосга буюрди подшоҳ кўча томон юраркан.

Чин подшоҳи Дой-Мингнинг элчилари рабиъ ал-аввал ойида (18. IV. 1417) Ҳиротга етиб келишди. Элчилардан ўн саккиз кун сўнгра Маҳди улё Гавҳаршодбегим бошлиқ маликалар, Фиёсиддин мирзо Бойсунғур, Муҳаммад Жаҳонгир ва Жуғий мирзолар бошлиқ шаҳзодалар, нўёну улуғ амирлар Ҳиротдан тўрт фарсанг чиқиб, Туркистону Мовароуннаҳр подшоҳи Улуғбекни қарши олдилар.

Валиаҳд шарафига бошланган подшоҳона тўй ва хусравона базму зиёфатлар бир неча кун давом этди. Улуғбек мирзо қатор давлат ва ҳукумат кенгашларида, қабул маросимларида қатнашди. Қиблагоҳи Чин элчиларини қабул этганда ҳам у ўнг томонда биринчи бўлиб ўтирарди.

Чин элчиларининг бошлиқлари Би-Бочин, Ту-Бочин, Жот-Бочин ва Татқ-Бочинлар уч юз отлиқ билан пойтахтга етиб келганди. Хоқон чинлик мусофирларни илиқ қаршилаб, дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш борасида фикр билдирди. Сарой одати бўйича тобуғ расмини бажо келтирган элчилар шунқорлар, атлас ва кимхоб тарғу ва чинни асбоблардан иборат сон-саноксиз ҳадяларни тахладилар. Маликалар ва шаҳзодалар учун ҳам алоҳида-алоҳида тортиқлар келтирилганди.

Буюк элчи таъзим-ла султонга подшоҳининг мактубини узатди. Хоқон хатни ўқимоқ учун элчиларни қабулга олиб келган Шарофиддин Дизакийга узатди. Мактубга кўз югуртирган Дизакий маъно таржимасини қилди.

“Ҳар икки томондан ҳам ғайрилик ва бегоналик пардаси даф қилинмоғи, мувофиқатчилик, бирдамлик эшиги очилмоғи лозимдир, токи раиятлар ва савдогарлар ўз истак-ихтиёрлари билан бориб келсинлар, йўллар беҳавотир бўлсин”.

– Мана бу сурат ҳам подшоҳимизнинг Шоҳруҳ хоқонга ҳадяларидир, – деди буюк элчи Би-Бочин кичикроқ хонтахта ҳажмидаги суратни Дизакийга узатар экан.

Дизакий Би-Бочиннинг сўзларини таржима қилди.

– Бу қандай сурат экан? – сўради хоқон.

– Биздан илгари пойтахтингизга Қа Соё минглигидан Ду-Жихун-Бой бошчилигида элчилар ташриф буюрган эдилар. Шунда Шоҳруҳ султоннинг улуғ амирларидан Саййид Аҳмад Тархон подшоҳимизга бир асл тўриқ тулпор ҳадя этган эканлар. От подшоҳимизга ғоят маъқул келди. Подшоҳимиз от эвазига амир Саййид Аҳмадга кўп туҳфалар юбордилар ва зоти олийларига ўша отнинг жловини икки ахтачи икки тарафдан тутиб турган ҳолдаги рассомларимиз чизган суратни юбордилар, – дея расмга изоҳ бериб тақдим этди буюк элчи.

– Дой-Минг подшоҳга самимий саломлари ва қимматбаҳо туҳфалари учун чексиз миннатдорчилик ва ташаккурларимизни етказинг! Биз дину эътиқодидан қатъи назар барча халқлар билан дўстона муносабатлар ўрнатиш тарафдоримиз! Подшоҳ зоти олийлари мактубларида алоҳида қайд этганларидек, янгиликлар ва тараққиётни бир мамлакатдан иккинчисига элтувчи тужжорлар ишига каттаю кичик ҳеч бир давлатда тўсиқ бўлмаслиги керак! Бизнинг салом ва ҳадяларимизни



подшоҳ ҳазратларига еткуринг! Ардашер товачи бошлиқ элчиларимиз ҳам сиз ила бирга Чин юртига боражаклар. Сиз ҳурматли меҳмонларимизга оқ йўл тилаймиз! – дея элчиларга юртига қайтмоққа изн берди хоқон.

Овчи қушлар, савсару қундуз, суру қорақўл терилар, арслон ва қоплонлар, Самарқанду Шероз шойиси, Табризу Бағдод адрасини тўп-тўп қилиб туя ва хачирларга ортган Ардашер товачи бошлиқ темурий элчилар ҳам Чин сари йўл олдилар.

### САККИЗИНЧИ БОБ

*Қаноти синиқ мусича ҳам баланд уя орзусида.*

#### Отасўзи

Соҳибхабар Қулмон Қиётдан келаётган билгилар эмну омонлик, сулҳу хайриятлиғдан дарак бермас эди.

– Мана бу мактубни ўқинг, амаки. Мирзо Бойқаро атрофига одам йиғиб энди амирзода Қайдуга қарши исён бошлабди! – деди хоқон қўлидаги хатни амир Нуширвон Барлосга узатар экан. – Сизнинг сўзингизга қулоқ солиб, унинг тақдирини ҳам мирзо Рустамга топшириб келмоқ керак экан аслида, – асабийлашган эди султон.

Мактубни олган амир уни диққат билан ўқиди.

– Мирзо Бойқарога қўшиб Балхда Пир Али Тоз зиндонга ташлаган шоир Матлаб Машрабийни ҳам ҳибсга олибди-ку?

– Машрабий мирзо Бойқаронинг улфати экан. Улфат – кулфат демак. Улар мирзо Қайдуни тахтдан ағдариб, ўрнига амирзода Бойқарони ўтқазмоқ режасини тузган эмишлар. Машрабий Қайду мирзони ерга уриб шеърлар

битганмиш. Мингбоши у ёзган шеърлардан бирини юборибди. Ана, хонтахтанинг устида.

– Отаси ғарнинг бири ғар, онаси ғарнинг бари ғар дегандек, жорияю тамғалардан туғилган бу энаси байталларнинг барчаси бир гўр. Энию бўйига қадар ўйлабу ўлчаб қарасангиз-да ҳеч бири пичоққа соп бўлмади. Бойқаронинг Қайдуга бош кўтаргани жуда хатарлидир, онҳазрат. Қайду мирзо буни биздан кўриши, ўзини тахтдан улоқтириб, Бойқарони қўймоқ учун уни ўзи томонга юборишган, дея фикр қилиши мумкин. Айниқса, хутбани ўз номига ўқитиш ва танга зарб эттириш фитнаси барбод бўлгандан сўнг биздан шубҳаю гумони янада ортиши турган гап, султоним, – салмоқлаб гапирарди амир Нуширвон Барлос.

– Биз унга мирзо Бойқарони Ҳиндистон томон ўтказиб юбор ва у ўша тарафда манзил тутсин, дея таълимот бергандик. Ўзинга қасд қилмоғи учун бағрингда олиб ўтир демаган эдик. Неки амри фармон берсак ғайирликла ўзбошимча ҳаракат этмоқда. Бу аҳволда улар билан ҳам сўнгги оҳангда қўнишмоққа тўғри келади, чамамда.

– Қинғир қилич қинига тўғри бўлади, онҳазрат. Оқ ит, қора ит, барибир ит. Улар аслида шайтонлиқда бир-бирларига сабоқ бермоқчи бўлганлар. Бироқ ўзларининг тажрибасиз, нонни нанна деб юрган шайтонвачча эканликларини англаб етмаганлар ва ҳали-бери етмайдилар. Қизни эркига қўйсанг, ўйинчига тегар дегандек, осмондан тушган тожу тахт, мулки давлат ишини чавгон ўйини-ю, канизакларнинг маст этгувчи жилваси, дея заҳн этмоқдалар. Иккисининг ҳам танобини тортиб, хинд сори ҳайдаб юбормоқ керак.

– Айни дамда астойдил ўзидан кетмагунига қадар Қайду мирзога тегмаганимиз маъқул. Қиблагоҳ ҳаз-

ратлари кўп такрорлаганларидек, қўрқувдан Қуръонни қўлга олган бу қаландарлар бирлашиб ҳар қандай номаъқулчиликка қўл уришлари эҳтимолдан холи эрмас.

– Тўғри айтасиз, хоқоним. Бу шапқўрлар кечаю кундуз демай топишишлари мумкин.

– Бугуноқ Қайду мирзога шундай фармон юборсак? Мирзо Бойқарони Синд сувидан ўтказиб юборсин, токи у Ҳинд мулкида қайси жойни истаса, ўша ерда истиқомат этсин! Шоир Матлаб Машрабий зудлик-ла зиндондан озод этилсин!

– Маъқулдир, онҳазрат!

– Амирзода Қайдунинг бу фармонга муносабати ҳам аҳамиятлидир. Унинг кимлиги не қадар эътиборга молик бўлса, ким билан эканлиги ҳам ғоят муҳимдир. Шунга кўра муносабат ва ҳаракатимиз усул ва услубини белгилашга тўғри келади.

Ел оёқ тулпорга ўтирган хос чопар хоқон фармонини олиб, Қандаҳор томон учди.

Бир ҳафтадан сўнг Қандаҳордан келган хабар янада ташвишли эди. Қайду мирзога боғлиқ мамлакат вилоятларида волийлик қилаётган Сайфал Қандаҳорийнинг ўғли Султон Боязид бошқа бир волий Малик Муҳаммад билан низолашгани, бу исёну тўқнашувлар оқибатида раият азоб-уқубатда қолганлиги хабари Ҳирот саройини роҳатсиз этди.

Вазиру амирлари билан маслаҳатлашган хоқон қўшини билан Ҳасан Сўфи тархонни Қандаҳорга юборишга қарор қилди.

Амир Ҳасан Сўфи тархон Қандаҳор вилоятига етиб бориши билан у ҳудудда содир бўлаётган воқеалар тафсилотини ўрганиб, пойтахтга етказди.

Ҳасан Сўфининг чопари Султон товачининг ўғли

Шоҳ Увайс Ғазнани қамал қилиб турганлиги, Сайфал Қандаҳорийнинг ўғли Султон Боязид эса Гармсерга бос-тириб киргани, пуштун галаларининг Қандаҳор атрофи-да ва Синд наҳри бўйларидаги аймақларининг додини бераётганлиги арзи ҳолини етказди.

– У томонга юриб, қишни ўша ёқда ўтказамиз шекилли, амаки, – деди хоқон хона бўйлаб оҳиста юраркан. – Олган хабаримизга кўра мирзо Қайду фармонни бажармай, мирзо Бойқарони Ҳинд тарафга жўнатмай турибди экан. Уларни бир-бирларидан тамоман ажратмасак бўлмас. Ҳасан Сўфи тархоннинг чопари мирзо Қайдуга амирзода Бойқарони ҳузуримизга етказиш ҳақидаги амримизни етказсин? Ўзимиз эса йўлга чиқамиз.

Эшиккача бориб қайтган хоқоннинг кўзи хонтахта устида турган қоғозга тушди. Бу ўша – Матлаб Машрабийнинг зиндонга тушганда мирзо Қайдуга атаб ёзган битиги эди.

– Бу шеърни эшитинг, амир жаноблари, – деди султон овоз чиқариб битикни ўқир экан.

*Улус уфқи оқармас,  
Кўзлар мудом нам ўлса.  
Имонсиз имом ўтиб,  
Доно боши хам ўлса.*

*Манзиллар муқаррардир,  
Элат меҳри том ўлса.  
Ҳар дақиқа ғанимат,  
Дамларки, бир дам ўлса.*

*Егани ичга тушмас,  
Киши кўнгли кам ўлса.  
Асил ботирлар қолиб,  
Номард оти ном ўлса.*

Қасри сарой буюрмас,  
Эл кулбаси ём ўлса.  
Ҳақ қаҳри муқаррардир,  
Аждод Нўҳу Сом ўлса.

Минг бир ривоят исроф,  
Тиллар кесик, лом ўлса.  
Бошда фаришта ниқоб,  
Хоин, муттаҳам ўлса.

– Бемалол зиндонга отса бўладиган шеър ёзган экан-да, Машрабий, – деди амир Барлос ҳайратдан қошини чимириб.

– Бошқа бир ҳукмдор бўлганида бошини танасидан жудо этарди. Мирзомиз инсоф-ла ёндашибди ва фармонимиздан сўнг уни маҳбуслиқдан озод этибди.

– Шоир зоти ҳам ўзини барчадан ақлли санаб, оғзига келганини саннаб, бошига бало орттириб юради-да, онҳазрат! Ерда, барча баробар оёқ босиб юрса шоир бўлмайди-да!

– Ҳа, шоирлик фавқулудда ғайритабиий бир қисмату қадардир. Демак, қишлоғни ўтказиш шарти билан йўлга чиқамиз. Узоқ мамлакат ва вилоятларга тегмаймиз. Ҳирот атрофидаги ноҳияларимиздан тўпланажак кўшин бизга етади.

Ҳиротдан залвор-ла қўзғалган ўрду кунда бир ярим манзил илгариларди. Хоқондан буйруқ олган чопар Қандаҳорга, Қайду мирзо ҳузурига учди. Мактубда шу сўзлар битилган эди. “Модомики, мирзо Бойқарони Ҳинд томонга жўнатмаган экансиз, энди уни бизнинг қароргоҳимизга жўнатилинг!”

Ўздан чиққан балога, қайга борай даъвога деб тур-

ган мирзо Қайду қутулганига минг бора қуллуқ қилганча амирзода Бойқарони хоқон амакиси ҳузурига йўллади. Жаҳон Учқаро орқали зудлик ила бу ҳақда хабар ҳам берди.

– Ҳазоралар исёнини даъф этмоқ учун биз Қайду мирзо ҳудуди томон юрмоқдамиз. Шул боис, қўшинимиз ҳаракатидан амирзодамиз дохил кимса роҳатсиз бўлмаслиги лозим. Хотирига ҳеч бир ёмон фикр келмаслигини алоҳида урғулаганимизни авлодимизга еткуражаксиз, – деди хоқон Қайду мирзонинг чопари Жаҳон Учқарога.

Пули Молон боғида олимлар, зоҳидлар ва машойихлар билан учрашиб суҳбатлашган подшоҳ қўноқларни саломлаб уларни тингламоқ учун келганлигини таъкидлади. Йиғилганлар ўз фикр-мулоҳазаларини изҳор этдилар.

Мусофирлар орасида Бойқаро мирзо билан бирга Қандаҳор зиндонининг тупроғини ялаган шоир Матлаб Машрабий ҳам бор эди.

– Аҳволлар нечук, шоирбек ҳазратлари? Кўзингиз ойдин. Битикчи учун ғоят маъно ва мантиқли саналмиш зиндон таълимини ҳам олиб чиқибсиз! Бу янглиш иш учун биз ҳам айбдормиз аслида. Сизни бандга солмоқ амрини берган ҳукмдор тахтга бизнинг фармонимиз билан ўтирганлар. Масалага инсофу адолат нуқтаи назаридан боқажак бўлсак, ул кишимнинг барча яхши-ёмон, хайрли ва хайрсиз ишу қилмишларига баробар жавобгармиз. Узримизни қабул этинг ва дуч келган қарғаю қузғунга кўзингизни чўқитиб, шахсингизни ерга уришларига имкон берманг. Оллоҳ ҳам сақланганни сақлайман деган, – дея Машрабийдан кўнгил сўраган бўлди хоқон.

– Зиндонлар пайғамбарлар ювасидир дейдилар, сул-

тоним! Бу юванинг кўқисини кўқиламоқ бизга ҳам насиб этган экан, бундан шараф ва мутлилик туймоқдин ўзга чорамиз йўқдир!

– Кимки кимга ноҳақ неники раво кўрса, дами дақиқаси етиб, айнан ўзи шундай жазога мустаҳиқ бўлгувсидир, биродарим! Қолаверса, ҳақсизлик оташида тобланган одилу оқил кишилар ҳақ танимоқ бобида ҳассос шахсиятларга айланадилар. Мен билган шундай улуғ сиймолардан бири ҳазрат Мир Саид Халилулоҳ ҳазратларидир. Ойқорнинг Боғмозор Барлос манзилида ватанга айланган табаррук зотни рўёларимда кўп кўраман. Ва доимо тушга яхши, хайрли кирадилар. Иншооллоҳ, насиб этса зиёратларига борурмиз. Шунда сизларни ҳам олиб кетсам. Бизнинг ота-бобо юртларни ҳам бир кўриб келасиз.

– Бош устига, султоним! Бухорою Самарқандни кўрмоқ барчамизнинг орзуйимиздир.

– Султон соҳибқирон ҳазратлари сийлаган Шоҳи Қаландар устознинг ҳам элларини ўпмоқ ниятимиз ҳам бор эди, – хоқоннинг таклифидан мамнун бўлди Матлаб Машрабий.

Машойихлар суҳбати якунланиши билан қопучи мирзо Бойқаро етиб келганлигини маълум қилди.

Амирзода Бойқаро этана бўлганича йиғламсираб келиб, хоқон амакиси элини ўпди. Пешонасини ерга тираганча яна гуноҳидан ўтишни сўради.

– Мен Қайду мирзога қарши ҳеч бир ҳаракатда бўлмадим! Аксинча у сизга муҳолифларча гап-сўз қилганда оғзига уриб, эътироз билдирдим! Қўрққан олдин мушт кўтарар қабилида иш тутиб, исёнкор сўзларини сиз зоти олийларига етказишимдан чўчиб, мени эшак ўғрисига айлантириб ўтирибди! Мақсади мени сургун қилиб эмас,

бошимни кундага етказиб қутулмоқдир, султоним! Сиздан фақат бир нарсани, адолат этмоқни рижо этаман! – кўзидан ёш қуйиларди амирзоданинг.

– Биз адолат қилиб, жиноятга яраша жазо тайин этилишига йўл қўйиб берганимизда эди, дорулмулк Шерозда яғийларингиз хун талаб этгандаёқ, тана тупроғингизни она тупроққа топширмоққа тўғри келарди, амирзодам. Тўғри сўйладингиз. Адолат – мулки давлат, инсофу имоннинг тамалидир. Бироқ у ҳеч қачон жазо ва ясоқнинг, жабру зулмининг қуроли бўлмаслиги керак. Ҳар қандай қурбонталаб, қону жон эвазига тикланган адолат улус кўнгли ва хотирасида доғ бўлиб қолади. Ҳар қандай ҳақу ҳақиқат, адлу адолат, раҳм-шафқат, тангри яратган яратикларга бўлган меҳр-муҳаббатдан сўнг келмоғи керак деган фикрдамен. Биз, сиз олийшаън авлодимизга нисбатан шундай муносабатда бўлиб, барча қилмишларингиз устига афв рақамини тортган эрдик. Мен мирзо Қайдуга сизни Синд дарёсидан ўтказиб, ўша тарафда манзил тутишингизни тайинлагандим. Бироқ бу амримизга ҳар иккингиз ҳам уймадингиз ва ўз билганингиздан қолмадингиз. Мирзо Қайду неки хато ва янглиш ишга кўл урган бўлса, жавоб беражак. Сиз, муҳтарам амирзодамизни эса ёнингизга Хизрхожа Оқчани мулозим этиб, Самарқандга юбормоққа қарор қилдик. Одил ва улуғ амирзодамиз Муҳаммад Тарағай Улуғбек Кўрагон ҳузурларида сокин бир ҳаёт кечирасиз деган умиддамиз! – дея сўзини мухтасар этди хоқон.

Мирзо Бойқаро лаб-лунжини йиғиштириб, даъфи жавоб қайтара олмади.

– Афвингизга сиғингайман! – деди тисланганча султон саропардасидан чиқаркан.

Амир Нуширвон Барлос Хизрхожани четга олиб, тегишли йўл-йўриқларни берарди.



## Нурали ҚОБУЛ

---

– Хоқон ҳазратлари у билан ади-бади айтишиб ўтирмадилар. Бунга лузум ҳам йўқ эди. Қанчалик кўп кўнишсангиз, булардан шу қадар айниган кўлмак кўқиси келади. Йўлда кетаркан, мирзонинг қулоғига кўрғошин каби қуйинг. Қуму Шероз, сўнгида Қандаҳордаги ўйинларини Самарқандда ҳам такрорласа бошига Султон Хусайннинг қисмати тушиши тайин. Бу сўзларимни амирзода Улуғбекка ҳам етқурингим, унинг ҳар қандай мухолиф гап-сўзи, хатти-ҳаракати кечирилмайди. Сўзларимни англадингизми, Хизрхожа?

– Англадим, улуғ амир жаноблари!

– Ўзингиз эса ундан бир қадам ҳам узоқлашмайсиз ва бошингиз билан жавобгарсиз, – сўнг таълимотини берди амир Нуширвон Барлос.

Мирзо Бойқарони Самарқандга жўнатиб кўнгли тинчиган хоқон кўшинга Исфизор қасабасидаги Сари Пули Тобон мавзесидан кўчиб, Ҳирманд суви томон юриш амрини берди.

---

Мирзо Бойсунқур ҳам шу манзилда ўрдуга кўшилиб, қиблагоҳи элини ўпиш шарафига ноил бўлган, ота-бола, амакилари Нуширвон Барлос билан гурунглашганча қишлоқ учун мўлжалланган дарё бўйи томон кетиб бордилар.

– Ҳазора исёнини ўз кучимиз билан бартараф эта билурмиз, онҳазрат. Улкан кўшинни кўриб, уларга келиб, жону мол омонлиги тилаб қоларлар балки. Бироқ мирзо Қайдуни синамоқ учун уни ҳам бу юришда қатнашмоққа чорламоқ лозим деган фикрдамен, султоним. Хутбаю сикка, сўнгида мирзо Бойқаро воқеаларидан сўнг уни синов элагидан ўтказиб кўрмоғимиз даркор бўлади, – маслаҳатомуз фикр билдирди амир Нуширвон Барлос.

– Ғоят ўринли фикр. Унда Қандаҳордан етиб келган Ҳасан Сўфининг ёнига тажрибали бекларимиздан бир

---

неchtасини қўшиб, илғор тариқасида ҳазора устига йўллаймиз. Мирзо Қайдуга қарши тарафдан келиб илғорга қўшилишини амр этамиз. Маъқулми? – амакисига маслаҳат солди подшоҳ.

– Бул буйруқни амирзодага етказишга энг муносиб номзод Сатизу қавчиндир. Уни йўлласак бўладир, – хоқонга таклиф берди амир.

Олий ҳукмдор фармонини олган Сатизу қавчин Қайду мирзо қароргоҳи томон йўлга тушди.

– Ҳазоралар устига ҳам илғор юбормоқни тўхтатиб, бирор-бир обрўли қози ёки шайхулисломни юбориб, инсофга чорламоғимиз керакмикан, давлатпаноҳ? Ҳазораларнинг барчаси исёнчи ва бебок бўлишлари мумкин эрмасдир, – ҳазораларни қийратмасдан ишини битириш тарафдори эди амир Барлос.

– Бу фикрингиз ҳам жуда тўғридир, амаки. Ҳазора қардошларимизнинг барчасига ёвуз табиатли дея қарамоқ адолатдан эмас. Исёнчилар ҳаракатига рағбат кўрсатмаётганлари ораларида шубҳасиз бордир. Мен ҳам шу ҳақда ўйлаб турган эдим. Бу вазифа учун энг уйғун номзод садри олий мансабини ўтаб турган мавлоно Садриддин Иброҳимдирлар, – ҳамон амир таклифига рози бўлди хоқон.

– Олий қози жанобларининг ҳазора аймақлари билан алоқалари борлиги ҳам маълумдир, султоним. Бу-да муаммонинг сулҳу амният йўли ила ечилажагига хизмат этар деган умиддамиз, – ишлар силлиқ, сўғишу савашсиз кетганидан мамнун эди амир Нуширвон Барлос.

Хоқондан ҳазора қавмлари калонтарларига панду насиҳат қилиб, олий даргоҳ хизматига олиб келмоқ таълимотини олган олий қози Садриддин Иброҳим бир ўнлик қўримасида йўлга чиқди.

Мирзо Суюрғатмиш қўмондонлигидаги, узангисида Иброҳим Жаҳоншоҳ Барлос ва амир Нуширвон Вастмандийлар турган Бадахшон лашкари ҳам Исфизор манзилига етиб келгач, қўшинга Қандаҳор томон юрмоқ амри берилди.

Малик Қутбиддиннинг Сеистон чериги етиб келиши билан фалаклар доираларидек чексиз сипоҳ ва офтоб зарралари каби ҳисобсиз лашкар саморанг темурий байроқлар соясига йиғилган, суворий тулпорларининг узлуксиз кишнашига туя карвони қўнғироқларининг киши қалбини тўлдириб тўлқинлантиргувчи саси уланиб кетарди.

Ўнлик ва юзликлар тўп-тўп бўлиб, отларини совутиш учун улоқ чопишиб, пойга қилишар, чавгон ўйнашарди.

Қадарига фатҳу зафар ёзиғи битилмиш темурий мавкаб бўрон каби қўзғалиб йўлга тушди ва йигирма иккинчи шаъбонда, яъни ўнинчи ойнинг тўртинчисида Қандаҳор шаҳри қаршисига қўш ташлади.

– Мавлоно Садриддин Иброҳим ҳазратларидан дарак йўқдир. Беклаймизми ёки бирор чора-тадбир кўрамизми? – деди хоқон саропарда тиклаётган юртчилар ишини кузатаркан амир Нуширвон Барлос билан хос маслаҳатчиси Хожа Ғиёсиддин Ҳавофийга.

– Боши юмалоқ бути айри ул яратиклар сулҳу яраш учун элчи юборганимизни андишанинг отини кўрқоққа йўйишлари ҳам мумкин, онҳазрат. Савашса-савашма-са-да ул томонга бир илғор юбормоқ керакким, ҳушлари бошига келиб, қарорлари қатъийлашар, – одатдагидек биринчи бўлиб фикр билдирди амир Барлос.

– Менимча, мавлоно ҳазратларининг қайтишларини кутмоғимиз керак, – эътироз этди Ҳавофий.

– Амир жанобларининг фикрларида жон бор. Жангга кирмаса-да Бойсунқур мирзо бекларини тумонлари

билан илғор этароқ тайин этайлик ва бир неча кун мавлоно ҳазратларини беклайлик, — сўнг қарорини берди подшоҳ.

Олий қароргоҳ Қандаҳор ўланига саропарда тикканидан бир ҳафта ўтгач, мавлоно Садриддин ҳазоралар ҳузуридан қайтиб келди.

— Ҳазора сардорлари улўғ амирлари Феруз, Хожа Ором ва Қадамбекларни ҳоқони саид ҳазратлари ҳузурларига палос ўпиш учун вакил этиб сайладилар ва улар совға-саломлари билан бугун-эрта етиб келадилар, — дея ҳисобот берди олий қози Садриддин Иброҳим.

— Унда ҳамон Бойсунқур мирзо ҳузурларига чопар юборингиз. Ҳазораларга қарши ҳеч бир ҳарбий ҳаракатга киришмасинлар! Янги амримизга қадар черик истироҳат этсун!

Илғор черикнинг истироҳати узоқ давом этмади. Амир Иброҳимдан келган чопар Шурий жамоаси қайсарликла итоат этмаётгани ҳақида хабар олиб келди.

— Шурий жамоаси мирзо Қайдуга боғлиқ эмасми, амаки? — амир Барлосдан сўради хоқон.

— Унга тегишли, онҳазрат. Хос чериги орасида шурийлар анчагина бор, — жавоб қилди амир.

— Демак, бундан шундай хулоса чиқарсак бўладики, ҳазоралар ўз-ўзидан исён кўтармаган. Уларни йўлдан урган бош бузуқи мирзомиз бўлиб чиқади. Шундай эмасми? — Ҳавофийга қаради подшоҳ.

— Мантиқан шундайдир, — тан олди Ҳавофий.

— Унда бу манзилда еб-ичиб ибодат қилиб ўтиришимизда маъно йўқдир. Амирлар Ҳамза ва Нуширвон Вастмандий чериклари шурийлар устига от қўйсинлар. Ул йўлтўсарларнинг хонумонига ғорату тарож оташини

ташлаб, фасод маддасини батамом битирсинлар! — қаҳр отига минганди султон. — Асосий қўшин ҳам юришга ҳозир турсин!

Муборак рамазон ойининг учинчи куни эди. Ғазнин вилояти ва шаҳри ақобирлари қози Хожа Луқмон ҳамда амир Малик бошчилигида олий саропардага етиб келди. Рамазон ойининг эмну омонлик, хайри барақот ойи эканлигини таъкидлаб, бўлиб ўтган нохуш ҳодисаларни унутиб, улусга раҳму марҳамат ила боқмоқни султондан рижо этдилар.

Ғазнин оқсоқоллари ортидан бармул жамоаси ва харшувоний афғонлари калонтарлари ҳам хоқони саид қароргоҳида ер ўпиш шарафига ноил бўлдилар.

Не воқеалар рўй бермасин, Қайду мирзодан хабар йўқ. Амирзода томон юборилган Сатизу Қавчин ҳам сувга тушган тошдек ғойиб бўлганди.

Эшик оғаси чопар Сатизу қайтиб келганлигини маълум қилганда хоқон ҳайрон бўлганча мулозимга тикилиб қараб қолди.

— Элчимизни ҳам мирзомиз билан бирга Синд наҳридан ўтиб, Ҳинд сари қочиб кетдимикан дея фикр қилиб тургандик, — деди қўл ишорати билан чопарни чорлашни буюрар экан.

— Қайду мирзони бир амаллаб топдим. Хаёллари жойида эмасга ўхшайди, султоним. Сўзларимни диққат билан эшитмадилар ҳам. Мени одамларига топшириб, ярим банди сифатида бир муддат сақладилар. Сўнгра қароргоҳда “Подшоҳ Қайду ғойиб бўлибди” деган гап тарқалди. Мулозиму навкарлари ҳам бошлари оққан томонга қараб кета бошладилар. Йўл-йўлакай сўраб суриштирдим. Мирзомизнинг қайдалигини кимса айта олмади, — вазиятни изоҳ этди чопар Сатизу.

— Қўрққан бўлсалар керак-да, — деди хоқон элчининг

ахборотидан ҳайрон бўлиб. – Майли, мирзомизни тақиб этмаймиз. Янглиш фикр ва хато ишларини англаб, ўзлари ёнимизга келиб қоларлар балки, – деди султон турум чигаллашганидан ўйга толиб. – Ишқилиб, бошқа бир вилоятга бориб ўйинбузуқилик қилмаса бўлди.

Қайду мирзонинг хабари Қобулдан чиқди. Хоқон қароргоҳига етиб келган чопар Бахт Мурод Қайду мирзонинг Қобулни тарк этгани ва шаҳар эгасиз қолганини маълум қилди.

– Ҳамон қўшинингиз билан Қобул сари отланинг! – деди хоқон ҳузурига чорлаган амир Иброҳим Жаҳоншоҳ Барлосга. – Агар Қайду мирзо Қобулга қайтиб келиб, сиз билан сулҳ тузса, шаҳарни ва вилоятни унга топшириб ҳузуримизга қайтинг! Ундан ҳеч бир ижобий ҳаракат ва муносабат бўлмас экан, ул мамлакатни забт этиб, ҳокимиятни қўлга олинг!

Қобул шаҳри ва вилояти тасарруфи фармонини олган амир Иброҳим Жаҳоншоҳ жўнаб кетганининг иккинчи куни султон саропардасига амирзода Қайдунинг укаси мирзо Санжар етиб келиб, хоқон амакисининг шоҳона лутфу марҳаматига сазовор бўлди.

Ҳазора жамоаларининг қолган беклари ва калонтарлари ҳам асл тулпорлар юборишиб, молу манол тўлаш мажбуриятини қабул қилдилар.

Ҳазора муаммоси кимсанинг сочидан бир туки тўкилмай ҳал этилганидан тангрига шукрона келтирган султон қўшиннинг Ҳирманд суви ёқасида турган ўғруқ томон қайтишга изн берди.

Олам қисмати қадарини белгилаб турган, тунлари машъалалар ёруғидан кеча ва кундузни ажратиб бўлмас Исфизор қароргоҳи кўз очиб-юмгунча бўшаб, ўчоқ ва ер тандирлар дўппайиб турган яйдоқ далага айланди.

Зафар асар онлардасан ва ё мағлуб дамлардасан, тонг отар, қуёш ботар, кунлар сувдек оқар эди...

### ТУҶҚИЗИНЧИ БОБ

*Қирғийнинг қийқиргани тулкининг ўлгани.*

#### Отасўзи

Сарой аъёнлари қуршовидаги хоқон отамерос Оқбулутнинг олтинчи авлоди саманйўргани минганча ўғруқ томон келарди. Нимадандир чўчиган от бирдан эгасини олиб қочди. Ўқдек учиб бораркан, бута орасидан югуриб чиққан қўш тулкига кўзи тушиб, таққа тўхтади. Жиловни маҳкам тутган султон отилиб кетди. Жиловни тутиб қолганлиги уни оғир асоратдан асради. Боши билан эмас, ўнг қўли ва оёғи билан йиқилди.

Султоннинг ўнг қўли билагидан синган эди. Тахтиравонга ётқизилган хоқонни ўғруқ томон элтдилар. Ҳиротга ел каби учган чопар бошкентдан синиқчи табиб устод Мируни олиб келди. Табиб муолажага киришди ва қисқа фурсатда султон ўз сихатига қовушди.

– Маслаҳатли бир иш бор, амаки, – деди хоқон хасталигидан бери бошида ҳақ деб ўтирган Нуширвон Барлосга. – Шу пайтгача садри аъзам тайин этганимиз икки киши ҳам исёну суиқасд ишига киришиб, хиёнат қопусини қоқди. Шундан бери амир ул-умаро тайинламоққа ҳам чўчиб қолдик, гапнинг рости. Маъқул десангиз улуг хожамиз Хожа Ғиёсиддин Пир Аҳмад ал-Ҳавофийга бош вазирлик мақомини бериб, олий девон ишини юритишни топширсак? – савол назари билан амирга қаради султон.

– Жуда маъқул ва муносиб номзоддир, онҳазрат. Подшоҳларнинг ишлари давлат ва ҳукумат устидан умумий раҳбарликни олиб бормоқдир. Султонлар тахтда ўтира туриб мулки моддият ишлари билан машғул бўлсалар, подшоҳ эмас, вазир ёхуд хазиначи мақомига тушиб қоладилар. Номларини тилга олганингиз биродаримизда Султон Санжарнинг вазири Низомулмулк Тусийнинг сифатлари мужассамдир. Ул кишимга ишонса бўлади, – султоннинг фикрини қувватлади амир Нуширвон Барлос.

– Кейинги бир неча йилда ўз тажрибамдан келиб чиқиб шунга ишонч ҳосил қилдимки, ҳукмдор давлату ҳукуматнинг катта-кичик барча юмушу ташвишларини ўз бўйнига олмаслиги керак экан. Мулки давлатни амиру мулозимлари билан пойлашмоқ лозимдир. Шундагина уларда подшоҳга эътиқод ва ўз кучларига ишонч пайдо бўлиб, азми қарор ила хизмат қиладилар. Қолаверса, салтанат ишининг барча ипу игнасини бир элда тутиб туришнинг иложи ҳам йўқдир.

– Тўғри сўйладингиз, аълоҳазрат. Зоти олийлари қайд этганлари каби яккаҳоқимлик йўлидан борган ҳукмдор ўзи билиб-билмай подшоҳдан қоровулга айланиб қолади. Султон ўз шарифлиги ва шарафи билан майда-чуйда саройу салтанат юмушларидан юксақда турмоғи керак. Вазирлар яхши ишламаганлиги учун шу йили ёзда сиз Ҳирот сўқоқларини тафтиш этиб, амир Саъдулла Орифий ва тужжор Ўрманғит Раҳматларнинг оғилхоналарини буздириб, раиятни бу фаросатсизликдан халос этдингиз. Вазир каби бир вазир бўлмаганлиги, сарой ва мамлакат иши тартибида қусурга йўл қўйилганлиги туфайли шундай қилмоққа мажбур бўлдингиз. Вазир дегани подшоҳнинг қўли, дили, тили, кўзи



ва қулоғи бўлиши шартдир. Султон молу мулк, сарой ишию лашкар борасида, махфий юмушларда ўз муборақ вужуди ва аъзоларига эътимод қўйгани каби вазирга ишониши, ҳеч бир масалада унинг ўзига қарши ёки маъқул келмас қарорга бормаслигига юзда-юз инонмоғи керак.

– Энг муҳими, ҳар даму дақиқада тўғрини сўйламак ва тўғри гап гапирилганда тан олмоқни билган кишидангина ҳақиқий дўст ва асил мулозим чиқади, – амирнинг гапини бўлди хоқон. – Узр, сўзингизни кесдим. Давом эта билурсиз.

– Не демак, онҳазрат. Бир сўз ила ифода этганда Хожа Ҳавофий ҳазратларида тилга олганимиз хислатлар мужассамдир. Қарорингизни самимият-ла қўллаб-қувватлаймиз, – мамнунлигини яширмади амир Нуширвон Барлос.

– Унда хожамизни чорласинлар. Баробар қўнишайлик, – деди подшоҳ қопучига ишорат этаркан.

Хоқон саропардасига мударрисларнинг узун, кулранг яктагини кийган, оқ саллали, ўрта бўйли, буғдойранг юзли Хожа Ҳавофий кириб келди.

– Бул юксак рутбага муносиб ўлмасак-да, кенг феълу кетмас давлатлик-ла лойиқ кўрганликлари учун эгик бошимиз таъзимдадир, султоним! – деди Ҳавофий икки қўлини кўксига қўйиб ўз эҳтиромини билдирар экан. – Зотан, сиз улуғ зот, хоқони саид ҳазратларининг ёнларида бўлмоқликнинг ўзи бир буюк саодатдир, – кибор ва нозик давранарди Хожа Ҳавофий.

– Мен ҳам бу давлату салтанатнинг сизлар каби бир устуниман. Ўтов керагаси ёки қаср бўлсин бир ёки икки устун билан иморат тикланмайди. Кечмиш бош вазирларимизнинг разилу қотилларча қилган сотқинликларидан

хабарингиз бор, хожам. Шундай эркан, не қадар бош қотирмайлик бу юксак мақомга сиздан афзал кишини кўз олдимизга келтира олмадик. Сиз каби комилу фозил, эътиқоди бутун, имони басаломат кишига инончимиз томдир. Кўп атамаларда юксак умиду ишонч билан ўзимизники ёхуд бошқа бир номдор кишини олий рутбага тайин этамиз. Унинг ҳокимият жиловини муносиб равишда тутиб кетишига кўз тикамиз. Бироқ полиз бошига етмай туриб қовуну тарвузни қўшиб туширадилар. Ишлар боз бояги бояги, бой бовомнинг таёғи бўлиб чиқаверади. Ҳар қандай юксак мақом, инсонийлик истеъдодига соҳиб инсонни олтин узукка қимматбаҳо кўз қўйгани каби безайди. Нолойиқ кимсанинг тубан шахсияти эса бу улуғ рутбани ер-ла баробар этиб, қадрини бир хуруш қилади. Масала моҳиятининг яна шундай нозик бир томонлари борки, буни барча баробар англамаслиги мумкин. Шундай жамияту ҳукмдорлар борки, улар замонида унвону рутбага эришмоқ шарафдир. Шундайлари борки, улардан мақому мартаба, мукофоту соврин олмоқ буюк бир ҳақоратдир.

Бир оз ҳаяжонланган султон кўзини юмиб, бошини эгганча тин олди.

– Хабарингиз бор, кечган ҳафта ҳузуримизга қиблагоҳ ҳазратлари тарбияларини олган, Деҳлидаги ҳинд жамоасининг рожаси Рой Зулҳин келди ва ул юртда содир бўлаётган воқеалар ҳикоясини қилди. Гап асносида ноибимиз Хизрхоннинг айрим ғайритабиий ва ғайри инсоний сифатларидан баҳсу арз этди. Мамлакатимизда ҳеч ким ўзини ақлли ва қаҳрамон ҳис эта олмай қолди, деди афсус билан. Хизрхон юртдаги барча машҳур олимуму шоир, ҳофизу мударрисларни эшак ўғрисига айлантириб бўлибди. Шундай кишиларни, ўзини улар фикри-

га кулоқ солгандай бўлиб ёнига чорлаб тинглар экан. Гоҳида бундай суҳбатлар узоқ давом этаркан. Бу доно кишиларнинг истеъдоду қобилиятини тақдирлагандек бўлиб, итга суюк ташлагандай бирор-бир мансаб ҳам бераркан. Сўнгра хоннинг одамлари ўзини доно санаган бу қаҳрамонни чиқарган пиллапояларидан тос тепаси билан ерга улоқтирар эканлар. Ваҳоланки, бир йигит қирқ йилда бино бўлади ва инсоннинг умри икки ўттиз дейдилар. Сиз ҳам Рой Зулҳин билан суҳбатлашдингиз. Балки сўйлагандир. Бундай ҳукмдорларни одамкушлар деса бўладими? Бу каби золимлар одамларни маҳв этиб эмас, тириклайин еб ҳузур қиладилар. Тангри ана шундай шарафсиз ҳукмдорлардан асрасин! Фикрларимга қатилурмисиз, амир жаноблари? Янглиш жумлаларимиз бўлса тузата билурсиз? – дея амир Нуширвон Барлосга жилмайиб боқди султон.

– Ғоят топиб гапирмоқдасиз, онҳазрат. Ичимиздагани топиб айтмоқдасиз. Айтганингиз каби Идику Манғит ҳам Тўхтамишхоннинг феъл-атворидан баҳс этар эди. У ҳам ақли расо одамга кўзи тушса қассобнинг безига айланар экан. Қизни янга бузар, янгани танга бузар деганларидек, хоинлик остонасига оёқ қўйган бош вазиру амирзодаларимиз, волийу ноибларимиз борки, сиз зоти олийларининг сояларида кетларига жир битгач, тутун қайтармоққа бошладилар. Эсимни таниганимдан бери бойиганда ақли салимлик, ақли салимда бойлик кўрмадим, онҳазрат! Сиёсатнинг таомили шундай. Бир мушт хато кетар, бир мушт бота кетар. Иншооллоҳ, бугунги тайинлов фармонингиз хайрларга васила бўлиб, мулки давлат, тахту салтанатимизга саодату шараф келтиргайдир!

– Омин! – деди Хожа Ҳавофий.

– Қутлуғ бўлсин! – дея девон соҳибини муборакбод этди султон.

Хоқон саропардаси Ҳирманд дарёсининг кун ботиш соҳилига тикилган, кун юриш томондаги юксак тоғлар султонга ота Самарқандни ва водий қошига ўсма каби ярашган Туркистон тизмалари Ойқор чўққиларини хотирлатарди.

Улуғбекнинг ишлари не кечди экан, ўйлади ўзича дарё соҳилида вазир Ҳавофий билан оҳиста юрганча. Дашти Қипчоқда давом этаётган тахт талашуви, билхосса Ўрусхону Тўхтамишхон, Тўхтамишхону Идику Манғит ўғилларининг хунталаб қарама-қаршилиги Туркистон юртига таъсир этмай қолмайди.

Енгилган чингиззода борки, кўч-кўронини орқалаб икки дарё оралиғига қараб қочади. Куч тўплаб, ўзини Сарой Беркадан қувган хонни ағдармоқ пайига тушади. Тоғу тахтдан мосуво бўлган ҳукмдор эса хешу ақрабоси билан Туркистон томон отини қамчилайди. Шу тариқа Сайхуннинг ўнгу сўл соҳили, Дашту Қипчоқ қочоғистонга айланади.

Хоқон ҳам ана шу саҳройи ёвузу қочоқларнинг бетайин феъли атвори, тийиқсиз хатти-ҳаракатларидан хавфсираб, салтанат пойтахтини Ҳиротга кўчиришга мажбур бўлди. Ҳирот эса Самарқанд каби серсув, обод ва маъмур эмас. Бунинг устига Хуросону Мозандарон ҳукмдорлари ҳам фитнаю исён борасида мўғул хонзодаларидан қолишмайдилар. Форслар мўғуллардан-да жангари ва қасоскор. Мўғулу арабни ҳадяю ришват бериб йўлга солса бўлади. Бироқ эронлилар хунларини олмагунча тиниб-тинчимайдилар. Шунинг учун ҳам у ўйлаб-ўйлаб, Ҳиротни теурийлар салтанатининг бошкенти эълон этди.

Эндиликда илму маърифат, имону эътиқод пойтахтига айланган бу муқаддас тупроқни тангри балою қазодан асрасин, лаби пичирлаганча дуо этди султон.

Кузнинг охирги ойи бошланган, тоғ этакларида кунлар совуб, сой ва ирмоқлар суви озайиб жилдираб қолган. савалаб ўтадиган ёмғирдан дарё суви лойқаланиб оқар, этакдан тўр тутганча балиқ овлаётган аскарларнинг овози келарди.

– Муҳокама этажак не ишларимиз қолди ва вилоятлардан не ҳаводислар бор? Ҳиротдан хабар келдими? – сўради хоқон тик турганча дафтар қўлтиқлаган вазир хожа Аҳмад Ҳавофийдан.

– Ҳиротдан келган чопар икки хабар етказди, султоним. Мирзо Али ибн мирзо Рустам Исфаҳондан чиқиб элларини ўпмоқ учун ҳузурингизга шошмоқда эканлар. Иккинчи хабар эса бир оз нохушроқдир, онҳазрат. Узоқ ўйлаб зоти олийларига сўйламакка қарор бердим, – тугилиб гапирарди Ҳавофий.

– Не хабар экан? – сергак тортди султон қошлари чимирилиб.

– Ярғучи ва қозилар ҳайъати маҳди ул-ё Гавҳаршодбегим зоти олияларининг надималари, шоира Меҳринисони зиндонбанд этмоқ ҳақида ҳукм чиқарибди.

– Йўғ-е? Недан? Биз бу ҳудудларда Қайду мирзо маҳкум этган Матлаб Машрабийни зиндондан озод этиб юрайлигу, доруссалтанат Ҳиротда шоир эрмас, шоирани зиндонга ташласалар? Бу не гумроҳлик? Гуноҳи шу қадар буюк эканми? – хабардан ҳайрон бўлди султон.

– Бир шеъри учун шундай ҳукм чиқарибдилар, онҳазрат.

– Бош маликамиз кафилликка ўтиб, кўмак этмабдиларми?

– Маҳди ул-ё зоти олиялари “мен ярғучи ва қозилар

ҳукмига қарши бора олмайман. Бундай ваколатга эга эмасман! Хоқони саид ҳазратларигина бу муаммога нуқта қўймоқнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқига соҳибдирлар”, дебдилар.

– Бош маликамиз ҳам тўраю тузук бобида ҳар қандай яроғучию қозига сабоқ берадилар чоғи.

– Шундайга ўхшайдир, онҳазратим! Айбдор ҳам, уни зиндонга маҳкум этганлар ҳам қилмишлари учун ўзлари жавоб берсинлар, дебдилар маликамиз.

– Шеър матни элингиздами?

– Элимда, султоним. Мана, ўқий билурсиз, – дея зарф орасидан бир варақни олиб узатди вазир.

Хоқон диққат ила битикка кўз югуртирди:

*Дунё илмидан айри,  
Сўфию мулла, имом.  
Худо йўқ деган кунинг,  
Очликдан ўлар тамом.*

*Ҳақ йўлдаман дейди-ю,  
Бандасини суёлмас.  
Амирга товоқ ташир,  
Жандалини туёлмас.*

*Лофлар жаннат, дўзахдан,  
Худди бориб келгандай.  
Чуқур кетдингми динда,  
Билки, хунинг тўлгандай.*

*Оллоҳ, билсанг кўкайда,  
Гуноҳинг унга тақма.  
Дину мазҳаб айириб,  
Фасод оташин ёқма.*

– Шоирамизнинг диндорларимизга нисбатан идъомлари оғир экан. Ҳеч бир ислом ўлкасида бу каби битикларни олқишламайдилар. Имомлар даъвогар бўлган эсалар, ярғучу қозилар бу талабни қондирган кўринади. Тек юрса бўлмасмикан надима шоира. Шу пайтгача, Ҳирот салтанат пойтахти эълон этилгандан бери бирор-та ожиза зиндонбанд этилмаган эди. Доруссалтанатдан узоқлашишимиз билан бир шоирани маҳкум этибдилар. Эшитган қулоққа яхши эмас, – ўйга толганди подшоҳ.

– Чопардан бу хусусда бошкентга бирор амрларини юборамизми ёки?..

– Ўйлайлик-чи? Воқе бўлган ишнинг асил манзараси бизга маълум эмас. Бироқ ҳар қандай турумда она, аёл зотини зиндонга отмоқ ҳазм этиб бўлмас ҳолатдир.

– Зиндон ҳибсини хонабандлик ила алмаштирсак-чи, султоним? Пойтахтга қайтгач, сўнг қарорни зоти олийларининг ўзлари беражаклар.

– Маъқул таклиф. Шундай амримизни бошкентга еткази билурсиз, – рози бўлди подшоҳ.

Эртаси куни Ҳирманд саропардасига етиб келган мирзо Али Рустам Умаршайх ўғли қароргоҳда олий мақомда қаршиланди. Исфаҳону Шероз тухфаларини амакисига етказган мирзонинг бир муддат баробар бўлмоқ ва сабоқ олмоқ учун ўғруқда қолишига амр этилди.

Рамазон сўнгида султон саропардаси палосини ўпган амир Иброҳим Жаҳоншоҳ Барлос мирзо Қайдунинг Қобулга қайтганлиги ва олий қароргоҳ томон келаётганлигини арз этди.

– Мирзо Қайдунинг бўйин товлашдан воз кечиб биз томон юзланиши хайри аломатдир. Вазиятнинг юмшанидан келиб чиқиб, мирзо Суюрғатмишни ўз вилояти Хутталонга қайтмоғига изн берамиз! Амир Шайх Луқмон

Барлос ҳазора улуси тўламоққа сўз берган молларни хазинага ундирмоқ учун у тарафга йўл олсин! Ҳазора исёнини бартараф этиб келган амирлар Нуширвон Васмандий, Юсуфхожа ва Ҳамзалар баҳодир эълон этиладилар.

Олий ўрдуда барча ишлар саранжомланиб, лашкар қиш истироҳатига кирган эди. Мол тўловлари билан илгиланаётган солиқчилардан афғон ҳазораларининг ваъда этган маблағни тўламаётгани хабари келди.

– Улар билан сулҳу мунозара этмоқ эшиги ёпилган. Амирлар Муҳаммад Сўфи тархон, Муса ва Бўтабеклар ул жамоат устига юрсинлар! Сўзда турмаслигу иккиюзламачиликнинг жазоси неки бўлса, шуни қўлласинлар! Улар бунёдини қуришиб, тўланмаган хирожни ғанимату ўлжа сифатида қўлга киритсинлар! – жаҳл билан буюрди султон. – Шумо-шумо деса чориғи билан тўрға ўтган бебокларнинг бошқаларга ибрат ўлмоғи учун кўзини очиб қўймоқ керак!

Хуросон ҳудуди ер ўртасининг айлана чизиғи – хатти истивога яқин бўлганлиги учун қиш эрта чиқиб, илк баҳор барвақт кирар, йилнинг биринчи ойи ўрталаридан бойчечагу чучмомалар бош кўтариб, ялангтақир дала-ларга жон кириб, ўт-ўлан, қўйу қўзи тишига илинадиган бўлиб қолар эди.

Қиш ўртасида баҳор нафаси борлиқни ҳаракатга келтирган, илиқ кунлардан истифода этишни мўлжаллаган суворийу сипоҳийлар отлари тақаларини янгилаб, жулу жабдуқларини қайта тикиб, йўл тадоригини кўришга киришгандилар.

Даштлар, тоғ этаклари кўклам рассомининг сеҳрли қаламидан оро топган фараҳбахш кунларда зафар оятли байроқлар доруссалтанат Ҳирот йўлига чиқди.



Бир йил бурун Қайду мирзо идора этиб турган мамлакат ворис ўлароқ унинг кичик биродари амирзода Санжарга топширилди.

Янги подшоҳ узангисига амир Ёдгоршоҳ арлот, амир Алико ва амир Ферузшоҳлар тайин этилди.

– Авлодимиз Қайду мирзо биз ила сичқон-мушук ўйини ўйнамоқда давом этмоқдалар. Сўнг бор амир Иброҳим орқали ҳузуримизга келажагини сўйлаб, охирги бор алдадилар. Ҳар қандай муносабату мунозаранинг хоҳ ижобий, хоҳ салбий бўлсин, чеку чегараси бордир. Қай тарзда бўлмасин, мирзомиз бизга нисбатан муносабатларини белгиласинлар. Ул кишим учун афву марҳамат қопусининг табақалари ҳар замон очикдир. Ҳеч нимадан истиҳола этмай ҳузуримизга кела билурлар. Бу иш билан амирзода Санжар шуғулланмасин! Буюк қардоши бунини янглиш англаб, орада оташ чиқиши мумкин. Мирзо Қайду муаммосини ҳал этмоқни мен сиз, уч тиш қоққан тажрибали бекларимизга топшираман! Уни топиб, яхши сўз, дилхушлик ила ёнингизга эл қилиб Ҳиротга келтирингиз! Сўнг таклифимиздан хулоса чиқариб, келмоққа рози бўлмаса, улуси устига бостириб бориб, ўзини топиб, аъло тахт поясига етқуринг! Амир Ҳисом! Сиз бугундан эътиборан Қандаҳор қалъаси қутволисиз! Амир Абдусамад эса Гармсер идорасига тайин этилади! – оёқ усти сўнг фармонларни эълон этди султон.

Жадал юрган қўшин ўн олти кун деганда бошкент Ҳиротга кириб келди. Хуросон юртининг ақобиру асоғирлари, халифалик пойтахтининг сокинлари, амирзода ва маликалар зафар нишонли ўрдуни зар нисор этмоғу пешкашлар тақдим қилмоқ маросимларини муносиб равишда адо этиб, қарши олдилар.

Мирзо Қайдуни бошкентга олиб келмоқ учун кетган

амирлар узоқ саъйи ҳаракатдан сўнг уни олий тахт поя-сига боришга кўндирдилар.

Хоқони саид амакисининг раҳми марҳаматига астойдил ишонч ҳосил қилган амирзодадоруссалтанат Ҳирот сари юрди ва муҳаррам ойининг охирида подшоҳ амакисининг шафқатли ва баракатли кафтини ўпиш шарафига эришди.

Султон амри билан мирзо Қайду чексиз июнотлар билан сарафроз этилди.

Таъсис қилинган боғ-кўшқда шоҳона шарт-шароитлар муҳайё эди.

– Бундай иззат-ҳурмат, султонона иқлимдан яна ўзидан кетмаса эди, бу муҳтарам авлодимиз? – деди амир Нуширвон Барлос мирзо Қайду шарафига тартиб этилган зиёфатда хоқонга.

– У икки маротаба хоинлик остонасига қадам қўйди. Қиблагоҳ ҳазратлари хешу дарвеш бўлсин, уч бора кечирганлар. Менга ҳам шуни васият қилганлар. Бундан буёнги тақдири авлодимизнинг ўз қўлларида. Қисмат панжаси унинг тадбири тилсимига йўл бериб-бермаслигини вақти замон кўрсатажак! Биз эса яхшилик қилиб, дарёга отамиз! Балиқ билмаса холиқ билар!

Амир Нуширвон Барлос остки лабини тишлаганча маъноли бош соллади.

Султоннинг ўнг томонида биринчи бўлиб ўтирган Қайду мирзонинг кўнглидаги ғубор кўтарилган, ўтирган курсиси унинг Ҳирот саройининг иккинчи шахси эканлигини таъкидлар, қўноқлар хоқондан сўнг унга салом бериб бош эгиб таъзим қилишар, одамлар нигоҳидаги умиду илинж учқунлари унга кечмишда қолиб кетган ўзи хон, кўланкаси майдон кўнларнинг қайтиб келишини башорат этаётгандек эди.

## ЎНИНЧИ БОБ

*Олимларнинг яхшилари – амирларнинг қошига бормаидиганларидир.*

*Амирларнинг яхшилари эса олимларнинг қошига борадиганларидир.*

### Ҳадиси шарифдан

Хоқонни пойтахт остонасида қарши олган сарой кўноқлари орасида қорақўйинлилар улуғ амири Қора Юсуф Туркманнинг элчилари ҳам бор эди.

– Улуғ амир Қора Юсуф ҳазратларининг хос элчилари Ҳожи Кучак жаноблари, – мусофирни султонга тақдим этди шиқовул.

– Хуш келдингиз, Ҳожи Кучакбек қардошимиз! – дея меҳмонни хуш қаршилади подшоҳ. – Улуғ амир жанобларининг салтанат тулпорлари чопиб, эл-улуси роҳат-фароғатдадир, иншооллоҳ?

– Қуллуқ, улуғ хоқон зоти олийлари! Улуғ амири-мизнинг, сиз олийзот хоқонимизга чексиз салому дуолари бордир ва ҳар замону маконда ўз самимий эҳтиромларини изҳор этадилар, – қора терга тушиб сўз бошлади қорақўйинли элчиси. – Улуғ амиримиз ўз қардошлик ва дўстлик эҳтиромларини билдириш баробарида зоти олийларига маълум бўлган бир масала хусусида кўмак этмакларини рижа этдилар.

– Не масала экан? – сўради хоқон қаршисида ўзини йўқотгудек довдираб турган Ҳожи Кучакка зимдан боқиб.

– Хоқони саид ҳазратларига маълумки, бундан бир йил чамаси бурун, улуғ амир ҳазратлари элчи Жониқул Абдулжаббор бошчилигидаги бир гуруҳ кишиларни

---

амирзода Саъд Ваққоснинг кўчини олиб келмоқ учун Озарбайжондан Қумга юборган эдилар. Ўша элчилар гуруҳи Қумда асир олиниб, бошкент Ҳиротга келтирилган. Шундан бери кишиларимиздан дарак йўқ, марҳаматли султоним. Уларнинг оила аъзолари давомли равишда улуғ амир остонасига бош уриб хўжаларини қайтиб келмоғига ёрдам этмоқни сўрайдилар. Биз, сиз дину диёнатли хоқони саид ҳазратлари қалбу имонидаги раҳм-шафқат, адолату марҳамат ҳеч бир ҳукмдорда йўқлигини барчадин яхши биламиз! Шул бечора кишиларнинг юртларига қайтмоқларига изн берсангиз! Оллоҳ сиздан минг бора рози бўлсин! Барчамиз ўла-ўлгунча дуо этгаймиз! – ер-ла баробар бўлиб рижо этди Ҳожи Кучак ялинчоқ овозда.

– Бу элчилар ҳали-ҳануз Ҳиротдаларми? – вазир Ҳавофийдан сўради подшоҳ.

– Улар Ҳиротдалар, султоним, – жавоб қилди вазир.

– Қай турумдалар ва қаерда яшамоқдалар? Биз ҳеч қачон элчиларни банди этмаганмиз?

– Улар зиндонбанд эмаслар. Мусофирлар учун ажратилган бир уйда яшамоқдалар. Зоти олийлари сафарда бўлганликлари муддатда тақдирлари очиқ қолган. Кимса муҳтарам элчимиз каби уларни сўраб келмаган. Ҳеч бир томондан камчиликлари йўқ, султоним, – хонабандлар аҳволини изоҳ этди вазир.

– Аларни озод этиб муҳтарам Ҳожи Кучакбекнинг элига топширинг! Йўл масрафлари учун бир миқдор маблағ ҳам ажратинг! Беихтиёр унутилганликлари учун узр сўранг, – Ҳавофийга таълимот берди подшоҳ.

– Амри фармон хоқонимизнингдир! – дея таъзим этди вазир. – Амир Қора Усмоннинг элчилари ҳам қабулингизни бекламоқдалар, аълоҳазрат?

Ҳар икки элчи билан самимий суҳбатлашган хоқон уларни Ҳиротни кезиб, истироҳат этиб кетишни таклиф этди.

Қора Юсуф ва Озарбайжон ҳукмдори Қора Усмоннинг элчилари тўртинчи ойнинг еттинчи кунда Ҳиротни тарк этдилар.

Саккизинчи куни эса ҳеч бир сабабсиз қиблагоҳи каби инсон, хоқони саид ҳазратларидан юз ўгириб, ўзининг суюрғоли бўлмиш Қум мамлакатини ташлаб Озарбайжон йўлини тутган амирзода Саъд Ваққос йигитлигининг баҳори, ҳаёти чечак очган бир дамда омонат манзилдан охираат подшолигининг абадият саройига кўчди.

Хушхулқ ва покизасурат шаҳзоданинг жудолигидан малулу маҳзун бўлган хоқони саид таъзия маросимини бажо келтирди.

Яна бир темурийзоданинг юлдузи сўнган, ғурбатдаги бу айрилиқ бевафо оламнинг барча бору кори, сарсону саргардонлиги ҳеч эканлигини кўрсатганди.

Подшоҳнинг эрталабки саломида Бадахшон ҳисоботи тафтиш этилиши керак эди.

– Мирзо Қайду бир тўда хайрихоҳлари билан бирга қочиб кетибди, аълоҳазрат! – деди хоқон ҳузурига одатдагидан эрта кирган вазир Ҳавофий ранги қути ўчиб.

– Нега қочади? – ҳайрон бўлиб сўради хоқон.

– Ҳеч ким, ҳеч нарсани билмайди. Фаррошларнинг сўзларига қараганда бир гуруҳ фитначи мулозимлари мирзонинг ақлига салтанат хаёлию шайтон васвасасини жо қилганлар. Ва у кеч кирганда Қобул йўлига тушиб қочган. Кўр-кўрни қоронғуда топганидек кеча уни тахтдан ағдараман, деб юрган амир Баҳлул Барлос шаҳзоданинг қўйинини пуч ёнғоққа тўлдирганга ўхшайди, онҳазрат.

– Уни шундай қўйиб юбориб бўлмайди. Энди у ав-

валгисидан-да хавфлироқдир. Ҳамон Бойсунқур мирзонинг олдига боринг-да; сўйланг, ишончли диловарлари ва тажрибали ботирлари йўлдошлигида елоёқ отларни танлаб, мирзонинг изидан тушсин! У Қобулга Ҳиротруд вилояти орқали ўтади. Амир Ҳасан Сўфи тархон ва амир Фармоншайх ҳам изма-из йўлга чиқсин! Амирзодани сочидан бир тукини тўкмай Ҳирот саройига олиб келсинлар! Ўзим сўроқ қилурман! – асабийлашганча ўрнидан туриб кетди султон.

– Узр, султоним. Яна бир масала юзасидан қарорингизга эҳтиёжимиз бор? – қўлидаги қоғозларни тутганча тик турарди Аҳмад Ҳавофий.

– Сўйланг! Не масала экан? – вазир қаршисида тўхтади подшоҳ.

– Шоира, надима Меҳринисо муаммоси. Аёл бояқиш ҳануз зиндондадир. Афв этилишини сўраб зоти олийлари номларига шеърӣ мактублар битиб ётган эмиш. Қозилар ҳайъати зиндондан хонабандликка ўтказишга рози бўлмаган экан.

– Битикларидан элингизда борми?

– Бор. Мана, – бир неча варақни хоқонга тутди вазир. Подшоҳ надима Меҳринисо шеърларига кўз югуртирди.

*Ерга ер бўлгин, осмондан келмагин,  
Қону жон чеккан маконда кулмагин.  
Эл ўнгида оқни қора демагин,  
Ўзни тани, номард нонин емагин.*

*Ҳайрат сўнган онда, бахт ҳам битажак,  
Фитна жўшган қонда шахт ҳам битажак.  
Отадушман ёнда, сохт ҳам битажак,  
Бир тун ё тонг аҳди тахт ҳам битажак.*

Ўзим ўзди, ўз одами эдим ман,  
Сўзим сўзди, сўз одами эдим ман.  
Изим изди, туз одами эдим ман,  
Юзим юзди, юз одами эдим ман.

Молу мулк эгаси, борлар борича,  
Қани илк эгаси, зорлар зорича.  
Зангин ўз ҳолича, хорлар хорича,  
Оқил узлатдадир, орлар орича.

Буюқларнинг ер бўлганин кўрдим-ей,  
Суюқларнинг шер бўлганин кўрдим-ей.  
Сарчаларнинг сор бўлганин кўрдим-ей,  
Сўнг манзили дор бўлганин кўрдим-ей.

Қадар ҳақдир, ўлмаё одам қолмагай,  
Ажал етгач, олмай тангри қўймагай.  
Авлодини ким бешикка солмагай,  
Йўрғак кўрган, тобут кўрмай қолмагай.

– Балонинг ўқи-ку, бу надима Меҳринисо деганингиз, – дея варақларни вазирга қайтариб узатди подшоҳ. – Ўзи ёш бўлса-да, битиклари умри бир жойга бориб қолган кишиники каби. Ожизани зиндондан озод этсинлар. Билхосса, ўзингиз у билан қўнишиб, иқно этингим, дину диёнатимиз, аҳли динга тил теккизмасин! Агарда шу каби битикларни битмоқда давом этар экан, мен ўзим уни зиндонга ташлатаман! – қаҳри босилмаган эди султоннинг.

– Амри фармон хоқонимизнингдир! – дея тисланди вазир Ҳавофий. – Устод Лутфий ҳазратлари маошини икки баробарга оширдик, султоним.

– Барча имкониятлар қочоқ мирзони таъқиб этиб, тутиб келтиришга сафарбар этилсин! – сўнг амрни берди подшоҳ.

Ярим тун бўлса-да, Турон қарясидан Ҳиротга боргувчи йўл серқатнов эди.

Увбаҳ шаҳрининг доруғаси Бўта ҳисоб бермоқ учун Ҳирот саройига келарди. Қаршидан от қўйган эллик чоғли суворий уни ва тўрт нафар ҳамроҳини тўхтатди.

– Кимсан? Тўхта! – деди юзини қора белбоғ билан боғлаб олган, аслзодаларга хос кийинган киши от устида.

– Увбаҳ доруғаси Бўтадирман! Буюринг, муҳтарам мусофир! Бизга не хизмат? – шошиб қолган эди доруға. – Ўзингиз кимсиз?

– Мени танимадингми? – овозини баландлатди мирзо Қайду.

– Мирзо Қайдуга менгзайсиз. Юзингизни беркитиб олгансиз. Бунинг устига қоронғу. Яна билмадим, – каловланди Бўта.

– Ҳа, мирзо Қайдуман. Бизга отлардан қарашиб турсанг, доруға. Яхшилигинг қолиб кетмаслигини биласан, – буйруқ оҳангида овозини баландлатди шаҳзода.

– Миниб кетаётган отларимиздан бошқа уловимиз йўқ, амирзодам, – жавоб қилди доруға.

– Унда шу отларни берасан! – буюрди Қайду мирзо.

– Ҳирот саройига, вазир Ҳавофий ҳазратлари ҳузурларига етиб бормоғим керак. Отларимни бера олмайман, шаҳзодам! – эътироз билдирди Бўта.

– Бермайсанми?

– Беролмайман, амирзодам!

– Сен билан сўнгра гаплашамиз, муттаҳам доруға! – деди мирзо оти жilовини силтаб йўлида давом этаркан.



## Нурали ҚОБУЛ

Доруға мирзонинг Ҳирот саройини тарк этиб, ўз мамлакати томон қочиб кетаётганини англади. “Шаҳар қутволи ва оқсоқолларини огоҳлантириш керак. Мирзонинг фитнасига учиб ўтиришмасин тағин”, хаёлидан кечди.

– Сен пастки йўл билан Увбаҳ томон уч! Қутволга сўйла, қочоқ мирзони шаҳарга киритиб, бошларига бало орттирмасин. Биз Ҳирот томон от суриб юз берган воқеани вазир ҳазратларига етказамиз! – навқарига амр берди доруға Бўта.

Қайду мирзо Увбаҳга етганида эран-қаран бўлиб, тонг отай деб қолган эди. Дарвоза олдида турган суворийларнинг хатти-ҳаракатидан чўчиган отлиқлар шаҳарга яқинлашмади.

Фурсатни қайб этмоқ, қўлга тушмоқ ила баробарлигини англаган мирзо Қайду шерикларига дам олмасдан юражакларини айтди.

Увбаҳ қутволи мирзо Қайду воқеасини вилоят-зобити Хожа Низомиддин Шерозийга етказди. Хожа Низомиддин бор одамларини йиғиб, амирзоданинг изига тушди.

Шаҳзода Қайду замон-замон оти жиловини орқага буриб увбаҳлик зобитларига қарши қилич сермар, таъқибчи навқарлар Қайду мирзога қарши қурол кўтаришдан чўчиб чекинишарди.

Икки тараф жанг қила-қила Ноб мазрасига етиб келганди. Таъқибчилар кўзидан ғойиб бўлган шаҳзода бир девор панасига ўтиб яширинди. Увбаҳлик зобитлар пис-тирмани пайқамай ўтиб кетишди. Улар ортидан қувган шаҳзоданинг одамлари Хожа Низомиддин Шерозийга қаттиқ жароҳат етказиб, зобитларини тарқатиб юборди.

Сипарз қарясида бироз дам олиб ўзига келмоқчи бўлган амирзодага бу ерда ҳам Малик Қутбиддин бошлиқ

суворийлар қарши чиқди. Жангда мирзо Қайду амир ул-умароликни ваъда қилган амир Баҳлул Барлос ҳалок бўлди.

Қайдуни изма-из қувиб келаётган Бойсунқур мирзо суворийлари чошгоҳ пайтида Увбаҳ қасабасига етдилар. Ноб жангининг ярадорлари инграшиб ётар, Хожа Низомиддин Шерозийнинг жароҳати оғир эди.

Илгарилаб кетган қоровуллардан бири қочоқ мирзонинг тўдаси Сипарз атрофида юз-қўлларини ювиб, тўхтаб турганлигини айтиб келди.

– Суворийларингиз билан улар устига от қўйинг! Мирзога тиғ теккизмасинлар! – амр берди Бойсунқур юзбоши Паҳлавон Маҳмуд Дандонийга.

Бойсунқур мирзони ортидан етиб келишини ўйлаб ҳам кўрмаган амирзода Қайдунинг тарвузи қўлтиғидан тушиб кетди.

Амакиваччасига ҳайкалдек қотганча қараб қолган Қайду жиловни оти бўйнига ташлаб ерга тушди. Ёнига чопиб келган тўрт навқарга қўлини банд учун узатиб, гўрданини камандга тутди. Амир Фармоншайх уни боғлаб мирзо Бойсунқурнинг қошига олиб келди.

Муҳолифларнинг бир қисми асир тушди. Эплагани қочиб улгурди.

– Бу фисқу фасоднинг қўзғатувчилари икки киши эди. Бири, амир Баҳлул Барлос жангда жазосини олибди. Иккинчиси эса мана бу кишидир, – деди Бойсунқур мирзо қўли боғлиқ Садр Жаҳоннинг қаршисига келиб. – Муҳтарам исёнчи оқсоқолимизни ёсога етқуринг! Бошқа ҳеч бир кимсага зиён-заҳмат етказилмасин! – амр этди шаҳзода қиличини қинидан чиқариб қайта соларкан. Шу ёшга кириб ҳам эчкидан қўй, эшакдан той чиқмаслигини билмаган нодону хоин! Фақат эшакларгина ўзлари сув ичадиган булоқни булғайдилар!

Шаҳзода Бойсунқур мирзо Қайдунинг кўзларига бир тикилиб боқди-да, қайтиб бетига қарамади.

– Мирзомизни отга минганларида қўлларини бўшати-  
тинг. Акс ҳолда, бирор киши уни мингаштириб юрмоғига  
тўғри келади, – деди навқари элидан отининг жиловини  
оларкан мирзо Бойсунқур. – Сиз, юзбоши Паҳлавон,  
ҳамон Ҳирот сари от қўйинг-да, қиблагоҳ ҳазратларига  
қочоқ қардошимизни Сипарз манзилида тутганимизни  
ва бошкентга элтаётганимиз хабарини етказинг!

Мирзо Бойсунқур Ҳиротга кириб келганида кеч кириб  
қолган, кузнинг жанубдан эсаётган сарин шамоли этни  
жунжиктирарди. Бир неча кундан бери уйқу нималигини  
билмаган суворийлар от устида кўзлари қизарганча  
шаҳзоданинг амрини беклардилар.

Балх дарвозасидан кирган Бойсунқур мирзо оти жи-  
ловини исёнчи амирзодалар қароргоҳи, дея ном олган  
Сайидхожанинг уйи томон бурди.

– Уни шу қароргоҳга жойлаштириб, икки ўнликни  
қўрима учун қолдиринг. Ўзингиз ҳам шу ерда бўлинг.  
Суворийлар атрофдаги уйларга жойлашсинлар. Бу яра-  
дор илон энди ҳеч нимадан қайтмайди. Тунги бекчилар  
мижжа қоқмасинлар! Гулхан ёқиб, сергак турсинлар! –  
Ҳасан Сўфи тархонга таълимот берди Бойсунқур мирзо.  
– Кеч кириб қолган бўлса-да, мен қиблагоҳ ҳузурларига  
бораман. Ҳойнаҳой, бизни кутиб ўтирган бўлсалар ке-  
рак, – дея оти жиловини сарой томон бурди амирзода.

Мирзонинг хос юзлиги ортидан эргашди.

– Хоқони саид ҳузурларида олий қози Садриддин  
Иброҳим, вазир Аҳмад Ҳавофий ва амир Нуширвон  
Барлослар ўтиришибди. Бир неча бор сиз олийшаън  
шаҳзодамизнинг етиб келган-келмаганингизни сўрди-  
лар, – деди қопучи шаҳзодани таъзим-ла қаршилаб. –  
Кира билурсиз.

Бойсункур мирзо қиблагоҳи қаршисида тиз чўкиб, ўнг элини ўпди.

– Амрингиз адо этилди, қиблагоҳим! Исёнчи амирзодани Саййидхожа қароргоҳига банди этиб, фармонингизни беклагаймиз! – дея ҳисоб берди мирзо Бойсункур.

– Оллоҳ сиздан рози бўлсин, авлодим! Темурийлар салтанатини буюк бир хавфу хатардан халос этдингиз! Ўзингдан чиққан балога, қайга борасан даъвога дегани шу экан, – ўғлига ўнг томонига ўтирмоққа ишорат этароқ мулозимларига мурожаат этди хоқон вазмин ва хафахон овозда. – Лутфан сўйлангиз, бул авлодимиз қисматини не тарзда ҳал этсак адолатдан бўлур?

Бундай нозик ва оғир қарорлар бериладиган машваратларда барча беихтиёр амир Нуширвон Барлоснинг оғзига қарар эди.

Вужудида темурий қон оқаётган бир шаҳзоданинг қисматини ҳал этмоққа фақат шу сулола ва салтанатга дахлдор кишиларгина қарор бера билар, бу хавфли. Эрта бир куни ҳисобу хуни сўралажак ҳаёт-мамот ташвишини ҳеч ким бўйнига олишни истамас эди.

Эртага бирор мамлакат тахтига ўтириб қолган ўғли отасини жазолаганларнинг етти пуштини қуритар, аждоду авлодига ёруғ оламини тор этарди.

– Менинг фикрим ўз йўлига, қардошларим, – дея ёнида ўтирганларга бир-бир қараб гап бошлади амир Нуширвон Барлос. – Бироқ масалага давлатимизнинг тўра ва тузуги, шариату тариқат талаблари нуқтаи назаридан ёндашмоқ мақсадга мувофиқ бўлур деган фикрдамен. Шундай экан, дастлаб олий қози ҳазратлари бу жинойтнинг ҳуқуқий томонларини очиклаб, жазо шартлари ҳақида бизни билгилантирмоқлари керак. Шундан сўнг-ра ўртоқ ақл ила бир қарорга келганимиз маъқулдир,

– дея мавлоно Садриддин Иброҳимга қаради амир Нуширвон Барлос.

– Амир жаноблари тўғри сўйладилар, – бек амакисини қувватлади хоқон. – Бизга бу жинойтнинг қонуний жазоси ҳақида маълумот берингим, эл-улус, жумла жаҳон олдида юзимиз шувит бўлмасин ва кимса бизни ҳақсизлигу адолатсизликда айбламасин!

– Оғир қарор қабул этмоқ устида турибмиз, аълоҳазрат! – дея қўл қовуштирганча подшоҳга қараб сўз бошлади мавлоно Садриддин Иброҳим. – Феълан ноқис, инсон дея аталгувчи яратиқ ҳар қандай адолатли ҳукми ҳам олий даражадаги адолатсизликка йўйиб, энг разил, ҳақсиз бир қарорни ҳам ҳаққониятнинг сўнг манзили сифатида тақдим этиши мумкин. Энг муҳими, биз қабул этадиган қарор улус томонидан бугун қандай ҳақ дея қабул этилса, келгуси авлодлар ҳам бизни ноҳақликда ёрғуламасликлари лозимдир. Сиз – азиз қардошларим, билхосса хоқони саид ҳазратларига маълумким, азалий иноят саодат қопуларини юзига очган ва абадий иродат эзгулик суратини мақсуд ойнасида кўрсатган ҳар бир давлатманд ўз қавм-қариндошлари, хешу ақраболарини фарзанду биродарлари каби кўрмоғи, тангри ўзига насиб этган илоҳий марҳаматлардан уларни ҳам баҳраманд қилмоғи жоиздир. Султон соҳибқирон қиблагоҳларининг муқаддас тахтларида адли адолат-ла ўтирган хоқони саид аълоҳазратлари мулки мамлакат соҳиби сифатида юртга эгалик қилиш бобида даъво орқадоллари ва барча хешу ақраболарига мулки давлатни пойлашмоқ, шериклик қопуларини очиб қўйдилар. Ҳар бир теурий-зодага бир вилоят ва мамлакатни тақдим этдилар. Бу лутфу қарам, бағрикенглигу сахийлик эвазига муаззам сулола вакилларида давлат дуосию шукронаси ила

---

машғул бўлмоқ, хисравона лутфу марҳаматини тан олиб қадрига етмоқ, чексиз жидду жаҳд ила миллату уммат хизматида турмоқ, куфрони неъматдан ўзни тиймоқ, итоату ҳожатмандлик мақомида туришдан бошқа нарса талаб этилмади. Имонли одам, шоҳу гадойми, аввало, ўзи учун шуқр этади. Шуқурда қусурга йўл қўйган киши сўзсиз ношуқурлик ирмоғи орқали равон наҳрулҳаёт оқимиға қарши суза бошлайди ва охир-оқибатда бир балоға йўлиқади. Изоҳ этган муқаддимамиздан муддао шулким, муҳокама этаётганимиз муаммонинг кечмиш ва бугуни барчаға кун каби равшандир. Хоқони саид Қайду мирзоға қилган лутфу марҳаматлар, иззату икромлар, асил авлод меҳр-муҳаббатига барчамиз шоҳидмиз. Мирзонинг падари бузруквори валиаҳд Пирмуҳаммадни Пир Али Тоз шаҳид этганда хоқони саид ҳазратлари барча қотилларни қатлга етказдириб, шаҳзоданинг қонини ерда қолдирмадилар. Чек-чегарасиз Балх мамлакатини унга тақдим этдилар. Шаҳзоданинг эл-улуси ортиб, давлату байроғи юксалиб, салтанати оёққа тургач, Гармсёр ва Қандаҳор мамлакатларини, Синд ўлкасининг ҳинд чегараларигача бўлган ҳудудларини ҳам унга топширдилар. Иқтидори қувватланиб, куч-қудрати ошган мирзомиз давлатпаноҳи томонидан қилинган барча икрому иноятларни унутиб, ўзларидан кета бошладилар. Орқаолдиларига қарамай чегарадош ҳинд мамлакатининг волийси Хизрхон ҳузурига киши юбориб, “Ҳинд мулклариде Қаннум шаҳридан тортиб токи Мултон чегараларигача бўлган ҳудудларда менинг номимға пул зарб қилиб, жомеъларда хутба ўқисинлар” демоққа-да журъат этдиларким, хоқони акрам замоналарида ҳеч бир теурийзода бу каби ишға журъат этмағандир. Подшоҳ амакиси кўзи очик, давлат бошида турар экан, бундай

қарорга келмоқ тўра ва тузугимизга кўра энг оғир жиноятдир. Бироқ онҳазрат шундай турумда ҳам босиқлигу бағрикенглик қилиб, унинг бу қилмишларини кўриб-кўрмаганга олдилар. Амир Баҳлул Барлос билан Ҳасан ахточӣ қасд қилиб қувганларида мирзомизнинг ота тахтини ташлаб қочганлари кечагидай хотирамизда. Ҳазрат хоқони саид ўн минг суворийни Балх сари йўллаб, амирзодани ўз шуҳрат мақомига ўтқазиб қўйганларига жумлаю жаҳон гувоҳ.

Хукм изоҳи матнини ўқиётган мавлоно Садриддин Иброҳим хонтахта устида турган косадан сув ичиб, тин олди.

Элидаги эвроқларни тартибга келтириб, сўзида давом этди:

– Бироқ сўнги воқеалар бизга шуни кўрсатдики, амирзодамиз қиблагоҳи каби инсоннинг барча яхшилигу тарбиятлари устига андишасизлик чизифини тортганлар. Қилинган барча лутфу марҳамат, эъзозу эҳсонларни янглиш англаганлар. Зафаршиор Ҳирот ўрдуси Гармсер ва Қандаҳорда қишлаган дамда мирзо Қайду олий саропардада ҳозир ўлароқ, лозим бўлган хизмату ҳожатмандликни кўрсатмадилар. Бунинг ўрнига мамлақати пойтахтини ташлаб кетиб, зиммасидаги шартларни бажаришдан бош тортди. Онҳазрат зоти олийларининг подшоҳона марҳамати мирзони куч билан олиб келмоқ учун бирор бир тўдани юбормоққа йўл қўймади. Қишлоқ манзилидан қайтар эканлар ҳам Қайду мирзо томон юборилган уч амирга у билан лутфу назокат, одамшавандлик юзасидан муомалада бўлиб, самимий давранмоқни амр этдилар. Бу ишончу эътиқодга имон келтирган мирзо ўз оёғи билан олий тахт поясига етишди ва чексиз лутфу марҳаматлар кўрди. Шаҳзодамиз Ҳирот саройи

аъёнлари сафига қўшилиб, іумоюн мажлисни беаганлариди эса унга иноят кўзи ила боқдилар. Ул кишим бир муддат вақти замонларини доруссалтанат Ҳиротда эъзозу эҳтиром билан ўтказдилар. Аммо даври давроннинг терс томи ва азалдан ёзилмиш қаро бахти унинг кўзларини қамаштирди. Оятда “тангрининг ўзи йўлдан оздирган кишига йўл кўрсатувчи йўқдир” дейилгани каби бир гуруҳ фитначи мулозимлари шаҳзоданинг хотирига салтанат хаёли ва шайтон васвасасини ўрнатиб, уни ҳозирги кўриб турганимиз кўйга солдилар. Фикри ожизимча, айна дамда шаҳзодани Ҳирот саройида тутиб бўлмайдди. Ул кишим учун ҳозирча энг хавфсиз ва сабоқ бергувчи манзил Ихтиёриддин қалъасидир, – дея сўзини якунлади олий қози мавлоно Садриддин Иброҳим.

– Тўғри жазо! – деди амир Нуширвон Барлос. – Сўйлаганингиз каби ҳозирча, – қўшиб қўйди иддаоли оҳангда.

– Маъкул тадбир! – қувватлади вазир Аҳмад Ҳавофий.

– Амирзода кўримасини кимга юклагансиз? – ўғли Бойсунқурдан сўради хоқон.

– Амир Ҳасан Сўфи тархонга! – жавоб қилди шаҳзода.

– Сиз мирзонинг ёнига бориб ул кишимнинг Ихтиёриддин қалъасида сақлашга ҳукм этилганлиги ҳақидаги ҳукмни ўқиб эшиттиринг, – буюрди хоқон олий қозига. – Кўримани эса қалъа қутволи билан амир Ҳасан сўфи тархонга топширамиз!

Шаҳарда хуфтон ибодати азони янгради. Барча бирдек намоз учун ўрнидан кўзғалди.

Намоз ниятини узоқ қилган хоқон юзига фотиҳа тортиб, сарой ҳовлисига чиқди. Подшоҳга фақат амир Нуширвон Барлос эргашди.

Улар гап-сўзсиз ҳовли айландилар. Сарой деворининг ташқарисидан тақялари томон қайтаётган



қаландарларнинг саси эшитилди... Султон ва амир тўхтаганча дарвешлар айтувиға қулоқ тутишди.

*Бу не қисмату қадар,  
Кимсан, боланг билмаса.  
Омад келиб кетсаю,  
Ҳеч толеинг кулмаса.*

*Тириклик саодатдир,  
Золим бағринг тилмаса.  
Ёру йўлдош деганинг,  
Қалб яросин силмаса.*

*Ҳаёт – гўзал дам, фурсат,  
Умр бевақт сўлмаса.  
Тухмату ғам-аламдан,  
Ногоҳ хунинг тўлмаса.*

---

Зах, қоронғу зиндондасан, кўшқу сарой, хандондасан, тонг отар, кун ботар, умр елдек ўтар эди...

## **ЎН БИРИНЧИ БОБ**

*Туркистонда мазор бўлиб қолдим мано.*  
**Аҳмад ЯССАВИЙ**

Бомдод намозини ўқиб бўлиб, кутубхона томон йўналган хоқон қўл қовуштириб турган хос мулозим ёнига етганда тўхтади.

– Бош маликамик, маҳди ул-ё зоти олиялари бугун бизни сабоҳ нонушталарига таклиф этган эдилар. Йўлга чиқсак бўлармикан? – сўради хоқон мулозимидан.

– Маҳди ул-ё зоти олиялари емакни Боғи Сафедда

ҳозирлаганлар. От ва тахтиравонлар ҳозир, хоқоним! – жавоб қилди мулозим таъзим-ла.

Султон шахдам одимлар билан сарой ҳовлисига чиқди. Йиқилиб қўлини синдирган отига бир зум тикилиб турди-да, тахтиравонга ўтирди.

– Оқтулпорни бундан сўнг ҳеч ким минмасин. Чавандозлар совутиб чопсинлар ва ундан насл олишда қўлланинг! – буюрди султон бош сайис Ярлақаб Қўштамғалига.

Тахтиравон куз япроқлари рақс тушаётган тош қопламали кўчалардан ўтиб, шаҳар шимолидаги Боғи Сафед томон борарди.

Бош малика Гавҳаршодбегим хоқонни кўшк этагидаги майдонда кутиб турарди.

– Ассалому алайкум, султоним! Хуш келдингиз! – деди малика хўжасини таъзим-ла қаршилар экан.

– Кутаётганлар эрмас, келганлар салом берадилар, муҳтарама маликам! Салом биздан, ваалайкум ассалом! – жавоб қайтарди подшоҳ.

– Қайду мирзомиз ташвишларидан халос бўлдингизми? Умид-ла кўз тиккан амирзодаларимиз ҳам шундай ишларга қўл урсалар-а? – кеча бўлиб ўтган маҳкама ва шаҳзоданинг Ихтиёриддин маҳбуслигидан барча маликалар каби ҳаяжону изтиробда эди Гавҳаршодбегим.

– Ёшлигимизда улуғларимиздан савобнинг таги тешик деган нақлни эшитиб, моҳиятига етмас эдик. Киши ким бўлмасин, ҳар неки иш бошига тушмай, оталар айтиб кетган панду насиҳатларни чуқур англамас экан. Мирзомизни учинчи бора ҳам кечирдик. Билмадик, маликам. Бундан сўнг у ўзини қандай тутар экан, – кўшк тўридаги юмшоқ кўрпага оҳиста ёнбошлади подшоҳ.

– Уни ҳам Амирак Аҳмад мирзо каби ҳажга юбориш керакмиди, султоним? Исёнчи мирзоларимиздан шу

қадар юракларимиз безиллаб қолибдики, алар дастидан на саройда, на ҳарамда роҳат бор, – нолиди малика султоннинг қаршисига назокат-ла тиззаларкан.

– Мирзони Макка сафарига ҳам жўнатиб бўлмайди, назаримда. У йўл-йўлакай форсу ироқ ҳудудларидаги шаҳзодаларимизнинг бошини қотириши мумкин. Энди тинчиган ул юртларда юмрон ўйнатиши эҳтимол деган тараддуддаман! Ёки бўлмаса Саъд Ваққос каби отаяғийларимизга қўшилиб кетиши-да ҳеч гап эмас, – турум хусусида фикрини баён қилди султон.

– Емаклардан олинг, султоним! Сизни суфрага даъват этмай, бошингизни қотирган салтанат ишларидан савол берганимни қаранг! Зоти олийлари бу ишлардан толиққан бўлсалар, – хижолатомуз оҳангда хоқонни емакка таклиф этди малика.

Сабоҳ суфрасида хому пишган қаймоқ, узумнинг бир неча тури, кечки анжир ва шафтолилар хил-хил қилиб товоқларга терилган, ҳиди димоққа урилиб турган иссиқ патирлар ўраб қўйилган эди. Бир оздан сўнг ошчи куртава келтирди.

Хоқон патир билан шафтоли еб, шарбат ҳўплаб ўтирарди.

– Салтанат ишларидан сўрмай дейману, ақлимга яна шу фикрлар келаверади, султоним, – деди малика шарбат қуйиб узатар экан. – Қусурга боқманг.

– Сўрай билурсиз, маликам. Сиз сиёсату иқтисодни бир вазиру амиримиздан кам англамайсиз. Ва ҳеч қачон янглиш ҳамда номақбул маслаҳату тавсиялар бермагансиз, – маликага рағбат кўрсатди подшоҳ.

– Санжар мирзони буюк қардошининг ўрнига тайин этдингиз. Одамлар орасида амирзодани буюк қардошининг одамлари тахтдан ағдаришмаса бўлгани

эди деган гаплар юрибди. Бу хусусда ҳам бирор ўйлаган фикрлари бордир хоқонимнинг? – сўради малика.

– Фикрингизда жон бор, маликам. Кобул, Ғазнин, Қандаҳор вилоятларини, Афғонистон, Ҳинд ва Синднинг мирзо Қайдуга тааллуқли бўлган худудларини Жалолиддин мирзо Суюрғатмишга топшириш ниятидамиз.

– Кўп маъқул иш бўлғай, султоним. Улуғ отамиз султон соҳибқирон ҳазратларидан мерос бу мамлакату шаҳарлар барча темурийзодаларга етиб ортади, – деди малика эрининг фикрини маъқуллаб.

– Нафақат темурийзодаларга, бу давлату мамлакатни барпо этишда меҳнати сингган, қон тўкиб, жон чеккан барча миллату умматимизга етади, маликам. Тўқни тўйдириб бўлмас деганларидек, фақат ўзидан кетган амирзодаларимизу очқўз бекларимизга етмайди. Уларга бир вилоятни берсанг, камлик қилади. Иккинчи ўлкани берсанг, учинчисига кўз тикади.

– Оллоҳ сизга тоқату тўзим, сабру қаноат берсин, султоним! Эгам ҳар ишда ўз раҳмату марҳаматидан дариф тутмасин! – дуо қилди бош малика.

--- – Сўйланг, маликам. Биз ила маслаҳатлашмоқ лозим бўлган яна не муаммолар бор. Буюринг? – деди хоқон яна ёнбошлар экан.

– Зоти олийларининг хабарлари бор. Машҳади муқаддасда, Али ибн Мусо Ризо турбалари ёнида бошлаганимиз жоме масжиди қурилиши битибди ҳисоб. Маликаларимиз ва халойиқ номидан рижо этсагу онҳазрат зоти олийларининг ўзлари илк намозни ўқиб, жомемизни очиб берсалар, – деди маликанинг бу савобли ишдан кўзлари ёниб.

– Қани энди бошқа авлоду ақраболаримиз ҳам сиз каби шундай савобли ишлар учун бизни вилоятлари-

## Нурали ҚОБУЛ

---

мизга таклиф этсалар. Бажонидил борамиз. Маликаларимизга ҳам сўйланг. Улар ҳам борсинлар. Машҳади муқаддасни зиёрат қилсинлар, – самимият-ла рози бўлди хоқон.

– Унда не замон жўнамоққа ҳозир бўлайлик, хоқоним?  
– сўради малика.

– Рамазон бошланмасдан бурун бориб келганимиз маъқул, маликам.

Уфқлар султони шаъбон ойининг бошларида йўлга чиқиб, ихлосу эътиқод ила Машҳади муборакка етиб борди. Ҳазрати имомнинг табаррук мақоми зиёрати шартларини бажо келтириб, муҳтожларга назр-садақалар улашди ва ўзи пок ният билан ишлов бердириб ясаттиргани уч минг мисқол тиллодан ишланган қандилни мақбара гумбазига остирди.

Сўнгра дуою такбирлар эшлигида маҳди ул-ё Гавҳаршодбегим қурдирган жоме масжидига ўтди. Ғоят латиф ва зариф ишланган масжид иншооти хоқонга маъқул бўлди.

---

– Шаҳарнинг соя-салқин шарқ томонида бир бежирим боғ ва сарой тархини чиздирамиз. Бундан сўнг Машҳад зиёратига келсак, шу манзилда қўноқлаймиз. Юртимизга ташриф буюрган ҳурматли мусофиру элчилар ҳам бу боғу саройдан истифода этадилар, – деди хоқон масжиддан чиққач вазири аъзам Ҳавофийга. – Бу иш учун маблағ ва ишчилар масаласини ҳал этиб, бизнинг ортимиздан Тусга етиб боринг!

Султон мўлжаллаганидек рамазон ойининг бошида пойтахт Ҳиротга қайтиб келди.

Тўнғичи мирзо Улуғбек фаолиятини назардан қочирмаган ота Муҳаммад Жўгийни буюк қардошини зиёрат этмоқ учун Самарқандга юборди.

---

Ўғлига Туркистонун Мовароуннаҳрдаги вазиятни чуқур ўрганиб, акаси мирзо Улуғбек билан бирга бошкентга қайтмоқни тайинлади.

Шаҳзода Улуғбекнинг бобо тахтига ўтириши юртда тинчлигу осойишталик ўрнатилиб, неча йилдан буён юз бериб келаётган бошбошдоқликка чек қўйганди.

Халил Султон замонасида Ҳирот дохил тўрт тарафга тарқалиб кетган аҳли илм шаҳзоданинг шарофати билан бобо бошкенти Самарқандга қайтаётган, мактабу мадрасалар жонланиб, олиму ойдинлар яна ўз қадрини топа бошлаган эди.

Сиддиқ баҳодирнинг Кошғардан етиб келган навқари етказган нохуш хабар Кўксарой иқлимига таъсир қилмай қолмади. Шаҳзода Увайс Жата хони Нақши Жаҳонни қатлга етказган, юртда нотинчлик бошланганди.

Яғий ўрдусида келишмовчилик содир бўлган экан, сенинг ўз шамширингни қинидан чиқармоғинга асос йўқдир, нақлига амал қилган мирзо Улуғбек вазиятни билиб келиш учун Хизр қавчинни жата амирлари томон юборди. Самарқанд аркида маҳбус сифатида тутиб турилган бир гуруҳ мўғулларни ҳам озод этиб, юртларига кетишга изн берди.

Худди шу пайтда Муҳаммад Жўгийнинг Самарқандга келаётгани хабарини олиб, вазиру амирлари билан инисини қаршиламоққа отланди.

Дилкушо боғига келиб тушган Муҳаммад Жўгий таҳорат олди-ю, оёғининг тўзи билан буюк соҳибқирон бобоси зиёратига отланди.

Қардошини шоҳона латифликлар, хусравона ҳадялар билан кўнглини олган мирзо Улуғбек биргаликда ота-она зиёрати учун доруссалтанат Ҳирот йўлига тушдилар.

Хоқон отасидан Дашти Қипчоқ ва Мўғулистон хусу-

сидаги тегишли амри фармонларни олган шаҳзода қиш ўртасида Самарқандга қайтди.

Бошкент Ҳиротда яна Чин элчиларини қабул этмоққа ҳозирлик кўриларди.

Икки йил бурун подшоҳ Дон-Минг элчилари билан бирга Чинга кетган темурий элчи Ардашер ҳам янги сафирлар билан Ҳиротга қайтиб келаётган эди.

Чин элчиларидан бурун пойтахтга етиб келган Ардашер мусофирлар ҳайъатини ва сафар тафсилотларини олий арзга етказди. Рамазон ойининг охирида Ҳиротга етиб келган элчилар Пи-Мочин ва Хон-Мочин совға ва тортиқларни султон қаршисига тизиб, подшоҳлари мактубини тақдим этдилар.

Мактубни буюк элчи элидан олган хоқон одатдагидек уни мударрис Шарофиддин Дизакийга узатди.

Чинлиларнинг мактуб битмоқ услублари шу тарзда эди. Хатда подшоҳ номи сатр бошидан ёзилар ва давомида келажак жумлалар бир мунча пастроқдан бошланарди.

Матн орасида ҳудонинг номи тилга олинадиган жойларни бўш қолдирардилар. Оллоҳ таолонинг номи эса янги сатр бошидан ёзиларди. Подшоҳнинг номи зикр этилса ҳам шу тарзда иш тутардилар.

Чин тили мударриси ва таржимон Шарофиддин Дизакий мактубга бир кўз югуртириб чиқди-да, сўзма-сўз таржима эта бошлади.

– Муаззам подшоҳ Дой-Минг нома йўллайди. Шоҳруҳ султонга. Биз ўйлаймизки, у ислом малакатини бошқарсин, дея худованди таоло уни доно, оқил ва етук қилиб яратган. Шу сабабли у мамлакат кишилари давлатманд бўлганлар. Равшан фикрли, закий, етук, билимдон ва барча мусулмонлардан олийроқ султон худованди таолонинг амрига таъзим ва итоатни бажо

келтириб, унинг ишини иззатлаб улуғлади ва бу иш самовий кўмакларга сазовордир. Биз бундан илгарироқ сарой амири Ли-Дони бир гуруҳ элчилар билан юбордик. Улар султон қошига етиб бордилар. Расм-русум одоблари бўйича иззат-икром кўрсатдилар. Ли-До ва барча элчилар қайтиб келдилар ва кўрган-билганларини олий арзга етказдилар. Бизга барча аҳвол равшан ва маълум бўлди. Бег Буқо ва бошқалардан иборат элчилар Ли-До ва унинг барча йўлдошлари билан биргаликда сизлар ҳадя этиб юборганингиз шер, чопқир отлар, қоплонлар ва бошқа ҳар турли ашёларни тўла-тўкис даргоҳимизга етказдилар. Биз барчасини кўздан ўтказдик. Самимийлик ва муҳаббат зоҳир қилган экансиз, биз бундан бағоят миннатдор бўлдик. Ислом мамлакати бўлмиш мағриб диёрида ўтган қадим донолари орасида солиҳ кишилардан ҳеч бири султон Шоҳруҳдан кўра олий бўлмаган бўлса керак. У ўша мамлакат кишиларига омонлик ва осойишталик бағишлашни яхши уддалай олар экан. Бу эса шаъни улғайгур, ҳақ таоло ризосига мувофиқ ишдир. Шундай экан, қандай қилиб худованди таоло ундан рози ва хушнуд бўлмасин?! Мардона кишилар бир-бирлари билан дўстликда бўлганлар. Бинобарин, дил дил учун ойна бўлсин. Орамиздаги масофа йироқ эканлигига қарамай, гўё кўзга кўриниб тургандексан. Ҳиммат ва мурувват ҳамма нарсадан азизроқдир. Лекин буни амалга оширишда ҳадяга юборилган нарса ҳам азиз бўлади. Алалхусус, ҳозир Ли-До ва Жонк-Фулларни бир гуруҳ билан биргаликда Бег Буқо ва бошқа элчиларга қўшиб юборилди. Улар султон Шоҳруҳ ҳузурига совғалар – етмиш бош шунқорни етказдилар. Бу шунқорларни биз ўз қўлимиз билан учирганмиз. Яна кимхоб ва бошқа ашёлардан иборат тухфалар ҳам юборилди. Шунқорлар мамлакатимизда бўлмаса ҳам уни



## Нурали ҚОБУЛ

---

атроф диёрлардан тухфа қилиб узлуксиз келтириб турадилар ва шу сабабли бизда етарли қадар бордир. Сизнинг жойларингизда оз экан, шунинг учун атайлаб юборилди, токи султон Шоҳруҳнинг олий ҳимматига қарамчи (эсдалик) бўлсин. Юборилган нарсалар гарчи арзимас бўлса-да, лекин бизнинг муҳаббатимиз унга мойиллигига далилдир ва султон қабулига етиб боргай. Бундан буён орамизда самимий муҳаббат ортиб бормоғи, элчилар ва савдогарлар узлуксиз бориб келиб турмоғи, алоқа узилиб қолмаслиги лозим, токи барча кишилар давлатда эмну омонлик ва фаровонликда яшасинлар. Ана шунда худованди таоло лутфу марҳаматини, албатта зиёда қилгусидир. Маълум қилганимиз ана шу. Тамом, – дея Чин подшоҳи мактубини ўқиб битирди Шарофиддин Дизакий.

Чин подшоҳининг султон Шоҳруҳга битган мактуби уч зарфдан иборат бўлар эди. Ҳар бир мактуб уч хил имло ва тилда ёзиларди. Биринчи мактуб форсий иборада, иккинчиси, аслида уйғур имлоси бўлмиш мўғул хати билан турк тилида ва учинчиси чин хати билан чин тилида битиларди.

Бу мактубларга илова тарзида битилган яна бир узундан узоқ хат бўлиб, унда ҳадяга юборилган овчи қушлар, тўққиз-тўққизлар ва юборилган неки мол ва ашё бўлса, шунинг рўйхати келтириларди. Бу мактублар ҳам юқорида қайд этилганидек, уч тилда уч хил имло билан бир тарихда битилган бўлар эди. Ой ва йил тарихи эса ўша подшоҳ ҳукмдорлигининг бошланиши вақтидан ҳисоблаб ёзиларди.

– Биз ҳам баҳоли қудрат шавкатли подшоҳ Дой-Мингга чексиз ҳурмат-эҳтиромимизни билдириб, салом ва ҳадяларимизни йўллаймиз, – деди хоқон элчиларни сўл томондан ўтирмоққа ишорат этаркан. – Бу гап сиз ила

---

баробар қудратли подшоҳ дўстимиз ҳузурига элчиларимиз Шодихўжа ва Кўкча борадилар. Асил авлодимиз Бойсунқур ҳам ёнларингизга ўз кишиларини қўшмоққа ният қилмишлар. Самарқанд султони Улуғбек ва Хоразм волийси амир Фиёсиддин Шоҳмалик ҳамда бир қатор мирзоларимиз ҳам ўз элчиларини Чинга юбормоқ орзусида эканлар. Юртингизга дўнаркан, Самарқанд орқали кетинг ва жаҳонгир отамиз Амир Темур барпо этган бошкент ва ул киши таваллуд топган Кеш шаҳрива дунёнинг энг буюк иншооти Оқсаройни кўрингиз, – қўноқларга сафар дастурини тавсия этди султон ўғли Бойсунқурга сўз бергандек боқаркан.

– Оллоҳ сиздан рози бўлсин, қиблагоҳ! – дея ўрнидан турди амирзода эгилиб таъзим қиларкан. – Агар ижозат этсалар мударрис Дизакий устоз етиштирган чин тилини сув қилиб ичиб юборган мулозимимиз Султон Аҳмад ила уста наққошимиз Хожа Фиёсиддин устозни вакилларим ўлароқ ҳурматли мусофирларимизга қўшсам. Фиёсиддин наққош устод чин меъморчилиги ва нақши нигор услубларини ўрганиб, мамлакатимизда бу санъатнинг ривожланишига ҳисса қўшарлар деган умиддамэн, қиблагоҳим. Ва Хожа Фиёсиддин устозга бир рижода бўлундимки, доруссалтанат Ҳиротдан чиққан кундан бошлаб то қайтиб келгунларига қадар ҳар бир шаҳар, кўй, қасаба ва йўлларнинг аҳволи, вилояту иморатларнинг қурилиш тарзи ҳамда сифати, шаҳарларнинг қонун-қоидалари, подшоҳларнинг куч-қудрати ва давлатни бошқаришдаги сиёсий услублари, ўтган шаҳар ва ўлкалардаги ажойиботлар ҳамда номдор шахслару маликларнинг таърифларини кунма-кун ёзиб борсалар.

– Кўп ажойиб фикр, – амирзодани қувватлади султон. – Шу тахлит бир битик битсалар мисли ибн Баттутанинг мағрибдан чиқиб етти иқлимни кезиб ёзгани каби

бир китоб юзага келар балки, – ўғлининг топқирлиги ва мушоҳада уфқининг кенглигидан мамнун эди ота.

Хоқон тавсияси билан Самарқанд сафарига отланган чинлик мусофирлар ўн иккинчи ойнинг тўртинчисида Ҳиротдан чиқиб, йигирма икки кун деганда Балхга етидилар. Қаттиқ ёғингарчилик туфайли юра олмай йигирма кун Балхда қолиб кетдилар. Ниҳоят янги йил иккинчи ойнинг ўн еттисида доруссаодат Самарқанди муаззамга етиб, султон Улуғбекнинг қўноғи ўлароқ муҳташам Кўксаройга ташриф буюрдилар.

– Буюк жаҳонгир бобомиз, етти иқлим хоқони Амир Темур ҳазрати олийлари барпо этган Турон давлатининг бошкентига хуш келибсиз! – дея элчиларга мурожаат этди Кўктош ёнидаги камтарона тахтда ўтирган султон Улуғбек. – Мен ўз элчим Муҳаммад Бахшийни юз эллик навкарим билан чинлик тужжорларга қўшиб шавкатли подшоҳингиз ҳузурига юбордим. Олганим хабарга кўра менинг устозим, Хоразм ҳукмдори амир Шоҳмаликнинг элчиси Ўрдувон, қардошим мирзо Суюрғатмишнинг элчиси Арғудок, Иброҳим Султон карвонига амир Ҳасан ва Бадахшон подшоҳи Шоҳ Баҳоуддиннинг элчилари Самарқандга етиб келиб, сизлар ила баробар кетар эканлар. Хуросону Хоразм элчилари етиб келгунларига қадар сизлар учун ажратилган Боғи Дилкушода истироҳат этиб, шаҳримизни томоша қилингиз. Эл-улу-симиз ила танишингиз. Бугун сизлар қўнган боғда шарафларингизга муҳташам бир зиёфат тартиб этажамиз! – дея қўноқларга илтифот кўрсатди султон.

Чин элчилари йўлдошлигидаги Турон сафирлари иккинчи ойнинг йигирма бешинчисида Самарқанддан чиқиб, Тошканд, Сайрам ва Ашпара орқали икки ой йўл юргач, мўғул эли дея аталгувчи нотинч Уйғуристонга етиб бордилар.

---

Ҳокимиятни қўлга олган Увайсхон Шер Муҳаммад ўғлонни ҳузурига чорлаб, қатлга етказмоқ ниятида эканлигидан хабар топган халқ оёққа турган, бу оёқланмага бир гуруҳ беклар ҳам қўшилган эди.

Мамлакат амир ул-умароси амир Худойдод Турон ва Чин элчилари ҳузурига келиб, Увайсхон ва Шер Муҳаммад ўғлонларнинг яраштиргани ва мамлакатда сулҳу амният қарор топганлигини билдиргач, элчилар қофиласи яна йўлга чиқди.

### ЎН ИККИНЧИ БОБ

*Ислом мамлакати бўлмиш мағриб  
диёрида ўтган қадим донолару солиҳ  
кишилардан ҳеч бири султон Шохруҳдан  
кўра олийроқ бўлмаган бўлса керак.*

**Донг-Минг,  
Чин императори**

– Бош маликамиз, маҳди ул-ё зоти олияларини ҳузуримизга чорланг! Вазир Ҳавофий ва амир Нуширвон Барлос ҳам ташриф буюрсинлар! – дея амр берди хоқон тахтга ўтирар экан, ортдан эргашиб келган эшик оғасига.

Бир коса қимиз ичгулик фурсат кечмади. Малика, амир ва вазир хоқон ҳузурида ҳозир бўлдилар.

– Мўғулистондаги вазият нечук, вазир жаноблари? Шу ҳақда бизга билги бера билурмисиз? – дея Аҳмад Ҳавофийга боқди султон.

– Маълумингизким, онҳазрат, улуғ подшоҳ Шамъи Жаҳон ҳақ даъватини қабул этгач, биродари Муҳаммадхон улус салтанатида қарор топган эди. Шаҳзода Увайсхоннинг тахтни элга кечирмоқ борасида кўтарган

исёни ярашу битим билан ниҳоя топгандек. Мамлакатда хон кўп бўлса ёв кўп бўлар, бек кўп бўлса дов кўп бўлар қабилдаги ишлар содир бўлди. Ҳокимияту иқтидор тузуги шундай: Хон бор ерда қон бор дейдилар. Унинг элчилари зоти олийлари ҳузурларига келиб хоннинг итоат изҳорини етказдилар. Хулласи калом, Мўғулистон масаласида хотирингиз жам бўла билур, аълоҳазрат. Улар ила барча соҳаларда алоқаларимиз яхши, тужжорларимиз хавф-хатарсиз бориб-келмоқдалар.

– Унда аъло! Сиз муҳтарама маликам ва муҳтарам вазиру амир жанобларини бир хайри савоб иш юзасидан даъват этган эрдим. Авлодимиз мирзо Муҳаммад Жўгий ҳам балоғат ёшига етиб, ўн еттига кирдилар. Маъқул десаларингиз амирзодамиз учун ул салтанат хонадонидан ва хонлик сулоласидан бир каримани сўраттирсак? Бул қутлуғ никоҳ ҳам улусларимиз орасидаги дўстлигу қонқардошлик ришталарини янада мустаҳкам боғламоққа хизмат этар деган умиддамен, – дея бош маликага қаради хоқон.

– Узр, султоним! Бир сўровим бор эди, – дея қизарганча хижолат чекиб хоқонга юзланди малика Гавҳаршодбегим. – Ҳозирги мўғул хонлари уруғ ўлароқ туркларга ётадимми ёки мўғул аймағига тегишлими? Шун билмоқчи эдим? – хижолатомуз оҳангда назокатла бош эгди малика.

– Қавму қабилаларнинг келиб чиқиш тарихи ҳақидаги билгиларим муҳтарам амир амакимиз ҳазратлари ва вазир жаноблариникига қараганда озроқдир, маликам. Бу хусусда оқсоқол амакимиз ўз фикрларини айтарлар? – суҳбатдошларига сўз берди султон.

– Ҳозирги кундаги Мўғулистон хонлари уруғи уйғур

туркларининг дуғлат қавмига тааллуқлидир, дея ўйлар эдим. Бироқ ундай эмас экан, онҳазрат, – биринчи бўлиб фикр билдирди амир Нуширвон Барлос. – Улар тўғридан-тўғри Чингизхон авлодидирлар. Бул хусусда билмаган бирор гап бўлса вазир жаноблари сўйларлар балки?

– Фикрингизга қатилурман, улуғ амир жаноблари. Тилга олганингиз чингиззодалар дуғлат амирлари билан қудалашиб анча-мунча турклашганлар ва ислом динида собитлар. Шамъи Жаҳон амир Худойдоднинг бошини тузлаб, Кўксарой остонасига улоқтириш амрини берган дейдилар. Шундай экан, олийшаън шаҳзодамизга бош маликаликка бундан муносиб номзодни топмоқ мушкулдир, – амир Барлоснинг фикрига қўшимча қилди Аҳмад Ҳавофий.

– Бош маликамиз зоти олияларининг қавми мўғул билан алоҳида ҳисоб-китоблари бор, – кулиб завжасига қаради султон. – Буюк қоон Чингизхон қавми найманнинг саксон фоизини қиличдан ўтказишга фармон берган. Шундан бери не қадар апоқ-чапоқ бўлишмасин, бу икки аймақнинг каклиги ҳеч қачон сайрашмайди.

– Бир чингизий маликамиз Хонзодабегимнинг мирзо Мироншоҳ Кўрагон ҳазратлари бошига солган кунларига шоҳид бўлганмиз, аълоҳазрат. Ўғли Халил Султон кўрсатган кароматлар ҳам кечагидек ёдимизда. Шуларни ўйлаб, киши андишага боради-да, султоним, – ўзича ҳақли эди малика. – Яна сиз не десангиз амрингизга уяжакмиз.

– Айни дамда Мўғулистон бизнинг оғзимизга қараган бир мамлакатдир, маликам. Биз яғийдан дўст ярата олсаккина асил инсон ва подшоҳимиз. Эски рақобату гинакудуратларни унутиб, ўнгимизга боқмоғимиз керак. Хон

## Нурали ҚОБУЛ

---

хондан қўрқар, хон хотиндан дегандек бу каби масалаларда хонимлар розилигини олмасак бўлмас, – табасум-ла лашкарга қараб турарди хоқон.

– Мен мингдан минг розиман, султоним! Зотан, аълоҳазратларининг азми қарорларини ҳеч биримиз муҳокама этмоқ ниятида эмасмиз, – жавоб қилди малика тик туриб таъзим бажо келтирганча.

– Йўқ, маликам. Менинг барча амри фармонларим муҳокамаю мушоҳада этилмай тадбиқ этилишига ўзим ҳам қаршиман. Унда мен ўз-ўзидан мустабидга айланиб қоламан. Қусурсиз беайб парвардигордир. Ким бўлмасин, ҳар замон нафақат қабул қилинажак, ҳатто жорий қилинган ҳукму фармонлар хусусида ҳам ўз фикру эътирозларини билдиришлари учун эркин сўзлай билмоқ ҳақ-ҳуқуқи эшигини очиқ тутмоғи керақдир. Бош кесмоқ бор, тил кесмоқ йўқ! Унда Уйғуристонга совчи ўлароқ кимни йўллаймиз? – бош вазир Ҳавофийга боқди султон.

– Ҳазрат соҳибқирон замонларида Мўғулистонга кўп бориб келган тажрибали амир Ҳасанкоддан афзал киши йўқдир, онҳазрат. Элчилигу совчилик мақомини баробар қойиллата билажак бир кишилиқдир амир жаноблари.

– Унда зарур совға-саломларни ҳозирлаб, амирни Кошғар сари йўлланг! Яратган тангри бошлаган хайрли ишимизга раҳмат назари ила боқсин! – дея малика, вазир ҳамда амирга чекинмоққа ижозат этди хоқон.

– Меҳр Нигор оғо Хизрхоннинг набираси, Шамъи Жаҳоннинг қизи, айни дамдаги хон Муҳаммаднинг синглиси эди.

Темурийлар билан қон-қардошлик ришталари боғланганидан мамнун бўлган Муҳаммадхон иззатли ва ифбатли маликалар орасида салтанат сулоласининг

---

кўзу чироғи, хонлик хонадонининг ёруғ нури бўлган, ой каби тўлган, кун каби кулган бокира қиз қардошини бир гуруҳ аркони давлат, малика ва канизаклар билан Ҳирот сари йўллади.

Маликанинг поклик паноҳидаги тахтиравони ўнинчи ойнинг ўн бешида Ҳиротнинг Балх дарвозаси қаршисига етиб келди. Малика ва сарой мулозимлари келин ва янгалари, Кошғар саройининг аъёнларини муносиб қаршилаб кўшк ва мусофирхоналарга ерлаштирдилар.

Маҳди ул-ё Гавҳаршодбегим бошчилигида бир неча кун давом этган тўй бошланди. Бош малика таълимоти билан Боғи Зоғонда жаннат боғи кўринишли бир мажлис Хўтану Чин гулруҳлари ила оройиш топиб барчанинг қалбига суруру шуур бахш этди.

Чодир у соябонлар кўкка бўй чўзиб, ям-яшил майсазор ўртасида фалаксифат, гардун кўринишли Кайвон юлдузи каби улуғ шоҳ чодирини хусравона палослар, олтину кумуш идиш-асбоблар ила безатдилар.

Маликалар, хонимлару келинлар ўз ўрниларини олдилар. Шаҳзодалар, амирлар, давлат аркони ва бошкентга ташриф буюрган элчилар жойи белгиланиб, совға-саломлар ҳозирланди.

Шиқовуллар хорижий кўноқларни назокату зарофат ила қаршилаб, иззат-ла ерларига ўтқазишар, ясовулу қоровуллар тантаналарда миниладиган зар эгар жабдуқли отларда қурол-яроғларини белу елкаларига осиб, саф тортганча меҳмонларни таъзим-ла бош эгиб қаршилар эди.

Энг қутли бир толе ва энг яхши бир даму дақиқада юлдузлар шараф буржидан порлаб, ой савр хуррамлик хонасида иқбол топиб, икки ёшнинг бошини кўшдилар. Жавоҳиру инжулар сочилди икки ойу офтоб устидан.



Бахту саодат зуҳрасини меҳру муҳаббат муштарийси ёнига ўтирғиздилар. Халифалик чаманининг сарви ва хонлик боғининг ғунчасини пайғамбар шариати ва дини қонунларига биноан бир-бирларига қўл ушлатдилар.

Шоҳона тўю базмлар ниҳоясига етгач, маҳди ул-ё Гавҳаршодбегим хоқон амри билан келин бўлмиш маҳди олия тахтиравонига мулозимлик қилиб келган барча кишиларга ҳад-ҳудудсиз инъомлар улашди. Шаҳзодалар, маликалар ва улуғ амирлар, ҳурматли қудалар шарафига бир неча кун тўйлар беришди.

Бир ойдан ошиқ Ҳиротда меҳмон бўлган Муҳаммадхоннинг одамлари султондан ижозат сўраб, юртиларига қайтдилар.

Султон Улуғбек учун бу йил оғир келган эди. Иккинчи ойда кўз очиб кўрган завжаси, валиаҳд Муҳаммад Султоннинг қизи, улуғ бону, шавкатли малика Ўгабегим вафот этди. Маликани отасининг мадрасаси гумбази остига дафн этдилар.

Самарқанд султони “Биз Оллоҳга тегишлимиз ва унинг ўзига қайтгумиздир” ояти каримасига амал қилиб, марҳуманинг руҳини тинчитиш учун муҳтожу фақир-фуқароларга хайри садақалар улашди. Емагу ичмак тортиш ва тангрининг каломини хатм қилиш расм-русмларини бажо келтирди.

Ари чақса-да қўш чақар деганларидек, Кошғар ва Дашти Қипчоқдан олинаётган хабарлар нохуш эди.

Андижондан етиб келган Абул Лайс, Шер Баҳромнинг ўғли Жатадан Кошғарга қочиб келганлигини, уни таъқиб этаётган черик ҳам Кошғарга яқинлашаётганлигини етказди.

Оқ Ўрдадаги вазиятни савдогару хабарчилардан эшитиб турган султон Улуғбекнинг бу мамлактадаги

ишончли ҳамкори, Ўруسخон авлодидан чиққан Бароқхон эди. Жўчихон наслдан бўлмиш Муҳаммадхондан енгилган Бароқхон баҳор кунларининг бирида аждоди Қутлуғ Темур Амир соҳибқирон ҳузурига қочиб келгани каби оти жиловини Самарқанд томон буриб, Кўксаройдан паноҳ истади. Улуғбек мирзога юкуниб, ўз тобелигу садоқатини изҳор этди.

– Менга қурол-яроғ ва аскарлардан кўмак этинг, султоним! Кўзим очиқ эркан, бу яхшиликларингизни унутмагайман ва ўла-ўлгунча хизматингизда бўлғайман! – деди Бароқ ўғлон ер-ла баробар бўлиб.

– Сизнинг ҳолатингизни тушунаман, хонзодам, – деди султон Улуғбек гапни узоқроқдан келтириб. – Буюк бобомиз Султон соҳибқирон ҳазратлари ҳам Тўхтамишхону Идику Манғит бўлсин, барча жўчинажот хонзодаю бекларга сидқидилдан, холисанлиллоҳ кўмак этганлар. Бу яхшиликка хон кўрнамаклик билан жавоб берган бўлса, Идику Манғит думини тугиб кетган. Билмадим, шу тарихий сотқинликлар тажрибасининг соясида сизга қай тарзда кўмак этсам экан?

– Тўхтамишхон ҳам, Идику Манғит ҳам буюк қоон Чингизхонга биз каби яқин қон боғига эга бўлмаган тасодифий кишилардир, султоним! Улуғ қоон ила улуғ амир боболари тошбитикда қайд этган шартларни бузганлар, боболар васиятини оёқ ости қилган нобакорлардир! Дилимда шундай нияту мақсад бўлганида бетимнинг суви беш томиб, остонангизга бош уриб келмаган бўлур эдим. Боражак хону беклар ҳам йўқ эмас эди. Сизга ишонганим учун Самарқанд тупроғини ялаб ўтирибман, султоним! – сўзга чечан эди Бароқ ўғлон.

– Кўксаройда сиз каби жўчинажот ўндан ортиқ ўғлон бор, хонзодам. Барчаси биздан силоху лашкар сўрай-

ди. Барчасининг кўзи Олтин Ўрда, ҳеч бўлмаганда Оқ ўрдаю Кўк ўрдада. Тахтталаб барча шахзодаларни яроғу аскар билан таъминлаб бўлмаслиги ўз-ўзидан аёндыр. Бироқ биз сизга кўмак этамиз. Бир оз саройимизда бўлиб, нафасингизни ростланг. Тангри тўғри йўлга бошқарар, иншооллоҳ, – дея Бароқ ўғлонни умидлантирди султон Улуғбек.

Бир муддат Самарқандда турган хонзода Бароқ султон Улуғбек амри билан шоҳона яроғ-аслаҳага эга бўлиб, Дашти Қипчоқ йўлини тутди. Бароқ ўғлоннинг аскар бобидаги сўровини рад этди.

– Лашкар берсак, сиз бошляжак савашнинг тарафига айланиб қоламиз ва мамлакатларимиз ўртасидаги тинч-тотувликка зиёну заҳмат етказган бўламиз, – деди Улуғбек ўғлонни юртига йўлчи этаркан. – Туркистону Мовароуннаҳр юртидаги қавмдошларингизни тўплаб, иқтидор мужодаласи учун отлана билурсиз. Аммо аскар тўпламоқ учун етарли миқдорда маблағ берамиз.

Султон Улуғбекнинг кўмаги том замонида эди. Бароқ ўғлон кўп ўтмай илк тўқнашувдаёқ Муҳаммадхонни мағлуб этиб, ўзбак улусининг катта қисмини эгаллади.

Мўғулистондан келаётган хабарлар ҳам узук-юлуқ бўлиб, Увайсхон билан Шермуҳаммадхон орасида иқтидор мужодаласи бошланган эди.

– Ўзимиз бориб тинчликни ўрнатмасак, қирғинбарот жанги давом этаверади шекилли, – деди султон қаршисида ўтирган вазири аъзам Носириддин Насруллоҳ Ҳавофийга қараб.

– У мамлакатни эгаллашнинг том замонидир, султоним! Мўғулистонда тинчлигу осойишталикка эришмай туриб, Андижону Туркистонда хотиримиз жам ўтира олмаймиз, – жавоб қилди амир ул-умаро Ҳавофий.

– Мамлакат тахтида Нақши Жаҳон каби бизнинг ода-

мимиз ўтириши керак ёки тасарруфимизга киритмоғимиз лозим, шаҳзодам! – иштаҳаси карнай эди амир Таваккал Барлоснинг.

– Сўзда тасарруфга киритмоқ осон, амир жаноблари! – эътироз билдирди Ҳамза чухра. – Бунинг учун тоғу чўл ошиб юрмоқ, қон кечиб савашмоқ керак бўлади. Хоқони ақрам ҳазратлари сўнгига қадар фатҳ эта олмаган Мўғулистонни сиз билан биз тиз чўктира оламизми? Ўйлаб гапирмоқ керак! Оқ тулпорлари устида қуёш каби порлаб турган султонимиз бошини ғавғага суқиб, енгсак хўп-хўп! Енгилсак-чи? Бу мағлубиятнинг чеки кимга кесилади? Ҳарҳолда сиз билан менга эмас, амир жаноблари! Қолаверса, сўнг сўзни айтгувчи хоқони саид ҳазратлари ҳам борки, ул зоти олий олдиларидан ўтмай туриб, Мўғулистон устига юрмоқ катта хато бўлур! – фикрлари асосли эди Ҳамза чухранинг.

– Сўзсиз, хоқони саид аълоҳазратлари олдиларидан ўтилади. Бироқ шуни унутманг, муҳтарам чухрабек. Нақши Жаҳон ҳам, кеча Кўксарой остонасини ялаб кетган Бароқхон ҳам оч қолиб овга ярамаганида сизнинг айтганингизни қилади. Қорни тўйиб, тахтида мустаҳкам ўтириб олган куни орқа-олдига қарамай бизга ташланади, – сўзини бермас эди Таваккал Барлос.

– Амир жаноблари тўғри сўйлайдилар, – амир Барлосни дастаклади бош вазир Ҳавофий. – Биз учун Мўғулистон ишини ҳал қилмоқнинг айни замонидир. Хоқони саид ҳазратларидан изн олмоқ эса султонимизнинг ваколат доираларига киради. Биз барчамиз онҳазратнинг содиқ қулларимиз ва амри фармонларига сўзсиз итоат этажакмиз!

– Бу масалани мен чўзарман. Сизлар эса қўшинни сафарга ҳозирлашга киришинг. Яқин кунларда волидам

зоти олиялари бобо бошкентимизга ташриф буюрадилар. Баҳс этганимиз қўнуда бирор-бир мужда билан келиб қолсалар ажаб эрмас, – мунозарага якун ясаган бўлди шаҳзода.

Олтинчи ой сўнгида катта қўшин Конибил ва Шерозда жам бўлиб, Мулунғур дарёсини кечиб йўлга чиқди.

Қорабулоққа етгач, саропардасини тиклаган султон Улуғбек уч амир – Исқандар, Ҳорий Малик ва Боязидлардан иборат илғорини юришда давом этишга буюрди.

Бироқ бу юриш ҳам ярим йўлда тўхтади. Мўғулистондан етиб келган Малик Ислом мўғулларнинг султон Улуғбекка давлатхоҳлик ва тобелик изҳор этганлигини билдирди.

– Буларнинг боболари, буюк қоон Чингизхоннинг “Берган сўзимиз уч наҳрни кечгандан сўнг ўз кучини йўқотади” деган гапини унутманг, султоним! Улар бугун бир, эртага иккинчи, индин бошқа бир сўзни айтиб тураверадилар. Етиб бориб, улар ишини битириб қайтмоқ лозимдир, — кутилмаган султондан норози эди садри-аъзам Ҳавофий.

– Улар бир-бирларини еб турган бўлсалар. Биз у ерга бориб ким билан савашамиз? Улуғ бобом ҳазратлари ҳам Болиқ Юлдузга қадар бориб, савашмоқ учун кимсани топмай қайтиб келганлар. Назаримда лашкарни сарсону саргардон этмоққа лузум йўққа ўхшайдур. Илғор ўлароқ кетган уч амиримизга чопар юборинг! Қорабулоққа қайтсинлар! Мўғул хонзодалари ҳузуримизга келаётган эканлар. Қани суҳбатлашайлик-чи, – амир ул-умаросининг сўзини қайтарди мирзо Улуғбек.

Султон Улуғбек бошкентга қайтмоққа тараддудланаркан, саропардаси саҳнида мўғул хонзодалари ҳорғин ва афғор қиёфада ҳозир бўлдилар. Мусофир-

ларни Сариқ ўғлон бошлаб келган, тахтдан азл этилган Шермухаммадхон унинг ёнида сувга тушган мушукдек ғариб бир аҳволда турарди.

– Остонангиздан бошқа нажот қалъаси қолмади, султоним. Марҳаматингизга сиғиниб келдик! – деди Шермухаммадхон тушкун оҳангда.

– Биз ҳам сиз каби бир замонлар улуғ бобомиз наъшларини олиб келиб ота бошкентимизга кира олмай, қахратоннинг қилич қайраган кўчаларида қолиб кетганмиз, мухтарам шаҳзодам. Бундай аянчли дамларни Оллоҳнинг саодатли кунлар олдидан берган синови дея қабул қилинг! Киши оғир дамларда ўзини не қадар мардона ва шарафини сақлаган ҳолда тута олса, мақсаду муддаосига эришган, олтин эгарли от устида турганда бундан-да хушёр ва улусга эътиборли бўлмоғи лозим деб ўйлайман. Иншооллоҳ, ота-бобо тахти сизга қайта насиб этажак! – қудасининг кўнглини кўтарган бўлди мирзо Улуғбек. – Ойнинг ёруғ кунларини беклаб, яратганнинг марҳаматидан умидни кесманг! Ҳар соҳада сизга кўмак этажакмиз! Сизу биз ҳукмдор ўлароқ энг яқин ақраболаримиздан эҳтиёт бўлишимиз керак. Бойси, қариндошда қайғу бўлмас.

– Юриш ҳозир давом эттирилса айни муддао бўлар эди. Кучаймасидан бурун Увайсхоннинг белини синдирмоқ керак, – деди Шермухаммадхон султонни савашга тарғиб этиб.

– Биз сиз ила қон-қариндошмиз, хонзодам. Зафарингиз – зафаримиз, нуқсонингиз – нуқсонимиздир. Сизга англатсам, бугунги кундаги вазият шундайдир. Қиблагаҳ ҳазратлари Озарбайжонга юрган эдилар. Бироқ негадир ул тарафда ҳаяллаб қолдилар. Ўзингизга маълум, Хурсону Ҳиротни ҳам узоқ муддат подшоҳсиз қолдириб бўлмайди. Одам юбориб бошкентдан ҳам хабардор бўлиб

турибман. Эҳтиёж туғилса қўшин юбормоқ мажбурияти ҳам зиммамиздадир. Бунинг устига куни кеча падари бузруквор ҳузурларидан чопар келди. Ўн минг суворий юборишни сўрабдилар. Ўйлаб кўринг. Шундай вазиятда Мўғулистон устига юриш қилиб бўладими? Эзгу ишнинг кечи йўқдир. Бугун бўлмаса, албатта эртага, Озарбайжон муаммоси очилиши билан Мўғулистон масаласини ҳаля этамиз. Ҳозир эса мен-ла баробар Самарқандга юринг. Боғларимиздан бирини сизга таъсис этамиз ва у ерда истироҳат қилиб, ўзингизга келинг. Қиблагоҳ ҳазратлари Ҳирот йўлига тушишлари билан бизнинг қўшин ила ортга отланасиз, – турумни батафсил англатиб, маслаҳат берди Улуғбек мирзо.

Султоннинг мантиқли фикрларидан таскин топган Шермухаммадхон у билан Самарқандга келди.

Саратон чиққан бўлса-да, қуёш тобига олиб қиздирар, далаю дашт қовжираб сомон рангига кирган, Зарафшон ва Қорадарё тўлиб-тошиб оқаётган бир дамда бобоси каби фатҳу зафарларни хаёл қилган мирзо Улуғбек учинчи бор савашмай Кўксаройга қайтиб келган эди.

Қовун пўчоғи ерга тушган, куз шамоли эса бошлаган шаҳар кўчаларида одатдаги ҳаёт давом этарди.

### ЎН УЧИНЧИ БОБ

*Беруний – замона илм ва ақлда унга тенг келадиган бошқа одамни кўрмади.*

**БАЙҲАҚИЙ**

Самарқандга келиб, Чин элчиларини қаршилаган ва уларни муносиб равишда кузатиб қўйган султон Улуғбек Дабусия йўли орқали Бухорога жўнади.

Қай замон Бухоро сафари ҳақида ўйлар экан, туй-

ғулари жунбушга келар, беихтиёр кўз олдига оламда энг улкан жоме масжиди ва Оқсаройни қурдирган буюк аждоди гавдаланар, бобожонининг гап-сўзлари эсига тушиб, кўзи жиққа ёшга тўларди.

Бу ҳис ила Бухоройи шариф томон энтикиб интилишининг боиси бор эди. У улуғ аждоди тахтига ўтирганидан бери илк бор ўзи қурдирган дорулфунун, мадрасани очиб беради. Илмга ташна талабалар, устозу мударрислар билан учрашиб суҳбатлашади. Сўнгра иншоотни тиклаган қурувчи ва наққошларни Самарқандга даъват этади.

Бошкентдаги мадраса иншоотининг тарҳини чиздириб, тамалини қуришини бошлатиб юборади. Мактабу мадраса (университет, олийгоҳ) қурмоқдан улуғ, савобли ва шарафли иш бормикан бу ёруғ дунёда.

Ўнлаб кўйу қасабалар, овулу аймақларда хат ўқийдиган бир нафар саводли киши йўқ. Кўплаб қавму қабилалар фарзанди туғилганда қулоғига азон айтмоқ ёки марҳумга жаноза ўқимоқ учун шаҳарлар, катта кентлардан муллаю имом олиб келишади. Диний илмлар ўлда-жўлда, кишиларнинг жоҳилу мутаассиблигини англаяроқ, дунёвий илмлар ҳақида сўз юритмоқ ва бирор иш қилмоққа уринмоқ, қумга сурат чизганга ўхшаб кўринади. Бу аҳволда унинг болалигида кўргани, Мароғадаги каби Самарқандда ҳам бир муҳташам расадхона қурмоқ орзу-нияти қачон амалга ошади.

Шунинг учун у дастлаб, Бухоро ва Самарқандда мадрасалар қурдириб, расадхонада илмий иш ва изланишлар олиб боришга қодир мутахассисларни тайёрлашга қарор қилди.

Самарқанд мадрасаси битгунга қадар Бухоро мударрису талабалари ҳам етишадилар ва бошкент дорилфу-



нунида сабоқ берадилар. Бу орада ҳар икки ўқув юрти учун ҳам мукамал қўлланмалар ҳозирламоқ лозим.

Сўнгра бу мадрасалар қошида Хорун ар-Рашид ва ал-Маъмурлар даврида Боғдодда “Байт ул-Ҳикма”дек (Ҳикмат уйи) ўқув юрти ташкил этса бўлади.

Бундай илм даргоҳларини Афлотун академия дея атаган. Мусулда таъсис этилган “Дор ул-илм” (Илм уйи) Гурганждаги “Донишмандлар уйи” фаолияти бу ишларга андоза бўлади.

Ишқилиб, мудом шоҳу гадой, миллату умматнинг бошини қотиргувчи ички ва ташқи нотинчликлар бу хайрли ишларига халалу зарар бермаса бўлди.

Ўша, улуғ бобоси ҳақ раҳматига қовушиб, буюк бибиси билан қаҳратонда Шайхзода дарвозаси ва ташландиқ ҳолдаги Алиобод кўши орасида тентираб, иниси Иброҳим Султон билан Бухорода бораркан тунаган Дабусия қалъаси ҳужрасининг шифтига термулганча шулар ҳақида ўйларди Улуғбек.

Бир замонлар даричасидан Қорадарёнинг бўтана суви кўриниб турган бу хонада қочоқ сифатида юрагини ҳовучлаб тунни ўтказган, тонг отар-отмас Бухорога қараб қочган эдилар.

Энди эса Самарқанд тахти соҳиби, қутлуғ Кўктошнинг ворису меросхўри ўлароқ давлату аркони билан кўноқламоқда. Ўшанда хуржунларида икки дона қотган нон ва олмақоқу шафтоли туршаги бор эди. Энди эса... Оллоҳга шукур. Ҳақ – ҳақни топар!..

Бухоро ақобирлари султонни шаҳардан бир фарсаҳ ташқарига чиқиб кутиб олдилар. Иззат-ҳурмат ила қаршиланган Улуғбек Бухоро аркига келиб тушди.

Эртаси куниёқ қурилиши тугалланган мадрасага борди. Куз қуёшининг тафтида олтин рангда товланаётган муҳташам иморатга узоқдан тикилганча туриб қолди.

---

Яна хаяжонланди. Ичидан отилиб келган бир туйғу бўғзига тиқилиб қолгандек эди. Бу мадраса – амир соҳибқирон бобосининг ҳаққа қайтганларидан ўн беш йилдан сўнг куриб битказилган илк янги илм ўчоғи эди. Ўн беш йил давом этган нотинчликлар, мулки давлат, тахту салтанат ғавғоси бу каби хайри саодатли ишларга имкон бермади. Шундай тинч, осуда ва хотиржам кунларнинг келгани рост бўлсин, дея ичида дуо этди султон оҳишта одимлар экан.

– Мадраса дарвезаси пештоқиға бир калима ёзмоқ учун жой қолдирдиқ, султоним. Лутфан бу жумлани олийшаън шаҳзодамиз сўйласалар ва наққошларимиз дорилфунунимиз деворига муҳрласалар, – деди мадраса мудириси этиб тайинланган мударрис устод Муҳаммад Вастмандий назокат ила.

– Сиз, муҳтарам устоз, шу жумлани сўйласангиз бўлмасми? – дея мударрисга юзланди мирзо.

– Мен сизга бағишладим, султоним. Олийнажот шаҳзодамиз жидду жаҳд кўрсатмаганларида бу олиймақом мадраса қад кўтармаган, биз бечора мударрису муаллимларнинг бошимиз кўшилмаган бўлур эрди, – таъзим-ла рижа этди Вастмандий.

– Унда, сиз – азиз устоз маъқулласалар пайғамбаримиз ҳазратларининг “Талабул илма фаризатун ало кулли муслимин ва муслима”, яъни “Илмга интиломқ – ҳар бир муслим ва муслима учун фарз” деган сўзларини ёздирсак, – дея чеҳраси ёришганча устод Вастмандийга қаради Улуғбек мирзо.

– Ғоят аълодир, султоним! Бундан мувофиқ жумлани топиб бўлмас! – мамнун эди мударрис. – Иншооллоҳ, бу муқаддас даргоҳ дунё тургунча туражак.

– Энди ичкарига кириб ўқув ва истироҳат хоналарини

кўрайлик! – деди султон мударрисни йўл бошламоққа даъват этаркан.

– Биринчи қават мутолаа учун, султоним. Иккинчи қат эса талабаларимизнинг яшаш ҳужраларидир. Ҳар бир хонада икки нафар талабамиз қола билур, – ҳужра ва хоналарни кўрсатиб таъриф берарди Ҳавофий.

Мадрасанинг ҳар икки қатини айланиб кўрган султон ҳовли ўртасида йиғилиш учун ҳозирланган жойга келди. Мударрис ва илк талабалар ўз жойларига ўтирдилар.

Талабалар ерга солинган туркман гиламларига тиз чўкишган, муаллимлар учун курсилар ҳозирланган эди.

Мирзо Улуғбек ўзи учун тайёрланган тахтсифат юмшоқ ўтирғичга тикилиб қараб қолди.

– Мен ҳам талабаман, устоз. Аслида сиз каби улуғ устозлар қаршисида мана бу авлодларимиз каби тиз чўкмоғим керак. Бундин сўнг мен учун хос курси ясатмангиз. Модомики, усталаримиз заҳмат чекиб, бу ўтирғични ҳозирлабдилар, унга сиз устозни ўтқазамиз, – дея султон учун ҳозирланган суянчиқли курсичага бош мударрисни таклиф этди.

Талабалар ҳайрон бўлганча шаҳзоданинг бу қарорини олқишлашди.

– Ана энди бундан буёнги ишларимиз хусусида кўнишамиз, – деди Васмандийнинг ўнг томониغا ўтирган мирзо. – Лутфан менга мадрасамизда ўқитилажак фанлар ҳақида маълумот берсангиз, устоз. Қани энди вақти замоним етарли бўлса-ю, шу азиз авлодларимиз сафида туриб, ушбу мухташам даргоҳда таҳсил олсам эди, – дея бош мударрисга сўз берди султон.

– Барчамиз бир умр талабамиз, олийнажот шаҳзодам! – сўз бошлади мударрис Муҳаммад Вастмандий. – Киши не қадар ўқиб-ўргангани сари шу қадар кам билга-

нини ҳис эта боради. Фақат оз ва саёз кўникма соҳиби бўлган кишиларгина илму урфон дарёсининг тубига етдим дея заҳн этадилар. Шундай эркан, пайғамбаримиз ҳазратлари таълим берганларидек, бешиқдан қабрга қадар илм ўрганмоқ ҳар бир мусулмон учун фарздир. Бугун фаолиятини бошлаган мадрасамиз дарсхоналарида илоҳиёт илмларидан Қуръони карим, ҳадис ва тафсир ўқитилади, султоним. Шунингдек, суҳбатларимизда тавсия этганингиз риёзиёт (математика), ҳандаса (геометрия), тиббиёт, тарих, жўғрофия ва илми аруз каби дунёвий илмлар бўйича ҳам энг етук мударрисларни Ҳироту Боғдоддан даъват этдик. Бу фанлар бўйича ўзимизда ҳам тажрибали муаллимлар бордир, – шаҳзода сўровини жавоблантирди бош мударрис.

– Ғоят маъқулдир, устод. Азиз авлодимиз саналмиш талабаларимиз мавжуд ўқув қўлланмалари ёнида шу фанга тааллуқли энг муҳим китобларни албатта ўқимоклари жоиздир. Айниқса, келгусида ўқитувчи, мударрис ва устозлик мақомига кўтарилмоқ ниятида бўлган талабаларимиз учун бу ғоят муҳимдир. Ўз сабоқ тажрибамдан келиб чиқиб сўйласам, биз мадраса таҳсили давомида қатор китобларни ўқидикким, мен уларни кўчиртириб Бухоро мадрасасига етказмоқ таълимотини бердим, – дея Ҳавофийга қаради Улуғбек султон.

– Бу мўътабар китоблар номини сиздан эшитмоқ ва элларидан олмоқ бизу талабаларимиз учун буюк бир шарафдир, – деди назокат-ла бош мударрис.

– Ўз-ўзидан маълумки, Қуръони карим оятлари денгизидан дур олиб чиқмоқ ҳар бир ўқиб-ўрганувчи ёш учун буюк бир саодатдир. Муқаддас китобимиз ёнида, албатта, “Мавоқий ул-калом” (Диний эътиқод фалсафаси)ни ўқишингиз керак, – талабаларга мурожаат этди Улуғбек

мирзо. – Устод Марғинонийнинг “Ҳидоя”си мудом йўлдошингиз бўлмоғи ва шаръий масалаларни билмоқ учун “Нихоя”, яъни “Ҳидоя шарҳи”га тўғри йўл топа билишингиз керак бўлади. Имом Бухорий ҳазратларининг мукаммал ҳадислар жилдлиги “Саҳиҳи Бухорий” ҳар замон масангиз устида бўлмоғи керак. Шунингдек, Абу-бакр Армавирийнинг “Лавом ул-асрор мин матолей ул-анвор” (Фикрларнинг туғилишидан ёш ғунчаларнинг бадиияти) асарининг парда орқаси нуқталарини кўра билмоғингиз лозимдир. “Талвихот ут-тавзиҳ” (Равшанликни ойдинлаштириш ва изоҳлаш) китобидан алоҳида дарс олмоғингиз ижоб этади. “Тақвим ул-мезон фи-ттаъдил ва таржиҳ” (Тарози палласини тенглаштириш ва оғирлигини тўғрилаш) китоби диққат-эътиборингизда бўлмоғи керақдир. “Минҳож ул-вусул ило илм ал-усул” (Имоннинг аслларига етишиш йўллари)ни доимий мутотаа этмоққа тўғри келади. Бу ўқишу изланишлар сизни беихтиёр “Иҳком ул-аҳком мунтахаби мунтаҳил амали вассуол” (Танлаб олинган охирги умид ва тилак ҳукмларини мустаҳкамлаш)га етаклаяжакдир. Бу кўникмаларнинг сўнг манзили ўлароқ “Мафотиҳ абвоб ул-адаб” (Адаб илми эшикларининг калити)ни бемалол таҳсил қила билурсиз ва “Кашшоф”нинг гўзал ибораларию ишончли шарҳлари сизга ўз сирларини очажак. Шунингдек, Ал-Идрисийнинг бундан уч юз йил чамаси бурун яратган олам харитасини ҳам Искандария кутубхонасидан кўчиртириб келиб, ўрганмоғимиз лозим. Мана шу нодир илмлар шодаси ақли зако гавҳарингизда жилланса, сиз уммату миллатнинг кўзини очғувчи ойдин бир шахсият бўлиб етишгайсиз, иншооллоҳ! Ва шундан сўнг олий даргоҳимизни тамомлаган талабаларимизга бош мударрис муҳри ва имзолари билан махсус санад

берилғай, – дея сўзини мухтасар этди султон Улуғбек. – Агарда кимдаки саволу сўровлар бўлса марҳамат.

– Мадраса кутубхонасидаги китоблар жуда оздир, султоним. Шу хусусда кўмак этмоғингизни рижо этамиз! – деди олд қаторда ўтирган талабалардан бири ўрнидан туриб таъзим-ла.

– Улуғ бобом, султон соҳибқирон ҳазратларидан қолган кутубхоналаримизда неки китобу илмий мақолалар бўлса, бир неча нусхадан кўчиртириб юборғайман сизга, – жавоб қилди шаҳзода.

Мудир мамнун қиёфада маъқуллаб бош ирғади.

– Яна кимда сўров бор? – ўтирганларга мурожаат этди султон.

– Емак-ичмақда ҳам кўмак бўладими биз каби камбағал болаларига? – сўради орқа сафдаги талаба.

– Имкони борлар озиқ-овқатларини қаршиласинлар. Имкони чекланганларга эса хазина ва менинг ҳисобимдан ёрдам этилажак. Сўзимизни Бухоро ноибимиз ҳам эшитмоқдалар. Мадраса учун устод Вастандий истаганлари қадар ер ажратиб беринг. Талабалар ўқиш ила баробар меҳнат сабоғини ҳам оладилар ва ўзларининг моддий эҳтиёжларини қондирадилар, – орқасида турган ҳокимга амр берди султон Улуғбек. – Бу мақсадлар учун мадрасага етарли миқдорда вақф ери ажратамиз. Уни ўзларингиз бошқариб, меҳнат қиласиз. Сиз азизу қадрдон биродарларим ҳузурида мана шу мухташам илму маърифат даргоҳини бунёд этган меъмору уста, ганчқору наққош, ишчию бекчиларимизга улусу умматимиз номидан миннатдорчилик билдириб, ташаккур изҳор этаман! Ва бул қўли гул биродарларимиз оила аъзолари билан бир ҳафта ичида Самарқандга кўчиб бормоқлари ва пойдевори қурилган Самарқанд

мадрасаси иншоотини ниҳоясига етказмоқлари лозимдир. Улар учун Самарқандда ҳар неки шароит муҳайё этилгай. Бухоро волиймиз усталаримизнинг кўч-кўрони учун от, туя ва хачирлар ажратиб, уларни муносиб равишда кузатиб қўйсинлар!

– Оллоҳ сиздан рози бўлсин, султоним!

– Яратган бежизга, сиз олийшаън шаҳзодага улуғ бобонгиз Кўктошини насиб этмаган!

– Сиз бошлаган савобли ишлар дунё тургунча тургай! – шаҳзодани олқишларди мударрис ва талабалар.

– Менда ҳам бир савол бор, султоним? – дея ўрнидан турди яна бир китоб қўлтиқлаган талаба.

– Сўйланг, қардошим. Саволдан аввал қўлингиздаги китобни менга бир кўрсатсангиз! Заҳмат бўлмаса лутфан! – дея талабага мурожаат этди мирзо Улуғбек.

Озғин, қорачадан келган, юпун кийимли талаба қўлтиғидаги китобни таъзим-ла султонга узатди.

– “Беруний билан ибн Сино савол-жавоблари” овоз чиқариб китоб номини ўқиди шаҳзода. – Сиз шундай китобларни ўқимоқдасизми? – юзи ёришиб кетди султоннинг.

– Вақтинча бир ғазнинлик тужжордан ўқимоқ учун сўраб олдим, устод.

– У бу китобни қаердан олибди? – ҳайрон бўлиб сўради Улуғбек мирзо.

– Чорсудаги эски китобчилар растасидан харид этибди.

– Нима қилар экан бу китобни? – ҳайрати ошди султоннинг.

– Юртига олиб кетиб тузукроқ нархга сотса керак шеклли, султоним. Бироқ мен унга бу китоб ҳақида ҳеч кимга оғиз очмайман деган эдим. Аммо зоти олийлари сўрагач, айтмоқ мажбуриятида қолдим.

– Мана, азиз бухоролик ойдинлар! Улуснинг миллий ва маънавий сарвати бўлмиш мана шундай бебаҳо элёмалар тижорат воситасига айланиб, мамлакатимиздан чиқиб кетаётир экан. Тўғри, Ғазнин ҳам теурийлар салтанатига боғлиқ шаҳар ва мамлакат. Бироқ бу китобнинг бирор-бир кутубхонага тушишига кимса кафолат бермайди. Мана китобингиз. Уни эгасига қайтариб беринг. Нархини сўраб, сизга сотишларини сўранг. Маблағни устод Вастмандий ҳазратларидан оласиз ва мадраса кутубхонасига топширасиз. Маъқулми? – дея юпун талабанинг кўзларига боқди мирзо.

– Маъқул, султоним! – жавоб қилди талаба чеҳраси ёришиб.

– Энди саволингизни сўрай билурсиз?

– Мендан илгариги қардошимиз кутубхонамизда китоблар озлигини сўйладилар. Тўғри, маълум миқдорда диний китоблар бор. Бароқ Хоразмий, ибн Сино, Фаробий, Замахшарий, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб ва Беруний ҳазратларининг ноёб саналмиш китоблари йўқдир, султоним. Ибн Сино туғилиб ўқиган шаҳарда ўқиб, тилга олганимиз улуғларимиз киндикқони тўкилган юртда яшаб, улар ёзган китобларни ўқимасак, қандай ўқувчи ва одам бўламиз? – ҳаяжондан елкалари титрарди талабанинг. – Модомики, дунёвий сабоқ олар эканмиз, бу китобларсиз дарс ўтиб бўлмас. Мендан олдин савол берган биродарим юрак ютиб бу сўзларни айта олмади. Бир қошиқ қонимдан кечинг, султоним!

– Астағфируллоҳ! Не демак? Ҳар қандай саволни сўраб, мавжуд муаммолар ечими борасида рижода бўлуна билурсизлар. Сизнинг талабингизни ҳам қабул этдик ва қисқа фурсатда ҳал этмоққа сўз берамиз. Қусурга боқманг, сизга яна бир саволим бор? – талабага хуш табассум-ла, завқ-ла боқиб турарди султон.



– Бююринг, султоним! – жавоб қилди талаба қора терга тушиб.

– Устод Беруний ҳазратларининг яна қайси асарларини биласиз?

– Устоз ҳаётлари давомида юз эллик икки нафар асар битганлар, шундан ўттизтачаси бизга етиб келган дейдилар. Ул зотнинг “Қуёш ҳаракатини аниқлаш йўли”, “Геодезия”, “ат-Тафҳим”, “Ҳиндистон”, “ал-Қонун ал-Маъудий” ва “Китоб ас-сайдана фи-т-тиб” асарлари машҳурдир, султоним. Замона илм ва ақлда унга тенг келадиган бошқа одамни кўрмади, дея устоз Берунийга таъриф беради Абул Фазл Байҳақий, – дея султон саволини жавоблантирди талаба.

– Кўп аъло ва мантиқли жавоб. Энди лутфан исмингизни сўйлангким, сиз ила танишайлик, – дея ўрнидан туриб келиб қўл узатди мирзо Улуғбек.

– Исмин Шамсиддин, отамнинг отлари Муҳаммад.

– Қаерликсиз?

– Балхдан ўқимоққа келдим, султоним.

– Демак, Шамсиддин Муҳаммад Балхий! Ёш бўлса-да, кўзи очиқ сиз каби бир зиёли қардошим ила танишмоқдин мамнунман. Сизга ўқишу ҳаётингизда башарлар тилайман ва таътилда Самарқандга даъват этаман, – деди мирзо самимий оҳангда.

– Оллоҳ сиздан минг бора рози бўлсин, султоним! Бошимизни кўкларга етказдингиз! – ўзида йўқ хурсанд эди талаба.

– Менинг ҳисобимдан усти юпун барча талабаларга бир сидра кийим-кечак олдирунг. Маблағни хазина амиримиздан оласиз, – деди Улуғбек мирзо Вастмандийнинг қулоғига шивирлаб.

## ҮН ТҮРТИНЧИ БОБ

*...Трансоксианада Буюк Амир Темурнинг ўрнига тахтга чиққан машҳур Улуғбек Самарқандда биринчи академияга асос солди, ер куррасини ўлчашни буюрди ва астрономик жадвалларни тузишда иштирок этди.*

### ВОЛЬТЕР

– Амир Худойдоднинг қизи эри Шамъи Жаҳонни заҳарлаб ўлдиргани тўғрими? Табиблар буни тафтиш этиб аниқлаганларми? – сўради Шохруҳ султон вазири Аҳмад Ҳавофийдан.

– Бу ҳақда Андижон бегининг чопари султон Абуллайс шаҳзода Улуғбекка келиб айтган. Мирзомизнинг Кошғардаги одамлари ҳам буни тасдиқлаган, хоқоним! – жавоб қилди вазир.

– Жоку Барлос тағойи душманинг бўлмаса хотин ол. Бир душман етмаса яна бир неча хотин ол деган қандайдир халқ термасини хиргойи қилиб юрар эдилар раҳматли. Ана сизга хоним, бунинг устига маликадан келган касофат.

– Чин элчилари ҳам шу қонли ур-йиқитлар пайтида Уйғуристонга етиб борганлар ва бу воқеага гувоҳ бўлганлар, аълоҳазрат.

– Мўғулистону Кошғар муаммоларини шаҳзодамиз Улуғбекнинг теран закосию, одил қарорига ҳавола этайлик! Зотан, Туркистонга катта қўшин билан бориб келавериб ҳам суворию сипоҳийни ҳолдан тойдирдик. Чин ҳудудлари ила боғлиқ масалаларни авлоди-

миз уҳдаларига топшириб, ғарбий синирларимизни мустаҳкамламоқ замони келганга ўхшайди, вазир жаноблари, – деди султон қаршисида ўтирган Аҳмад Ҳавофийга. – Ҳали-ҳануз амир Қора Юсуф бизнинг ота-мерос вилоятларимизда от ўйнатиб юрибдими?

– Зоти олийларига маълумдирки, олижаноб шаҳзодамиз мирзо Иброҳим Султоннинг қутли қадами, адолату марҳамати туфайли Форс мамлакати эски замонлардаги тинч ва фаровон кунларига қовушди. Доруломон Исфаҳон ҳам амирзода Рустамнинг адлу эҳсонидан маъмуру ободдир, онҳазрат! Бироқ Араб Ироқи вилоятлари Ажам Ироқининг баъзи ноҳиялари ва Озарбайжон мамлакатларида қайд этганингиз каби амир Қора Юсуф туркманнинг бебош ва йўлтўсар тўдалари ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини олиб, куппа-кундузи кўй ва қасабаларни таламоқда экан. Ўша вилоятларнинг ҳокиму ноиб, волийу кадхудоларидан келган арзлар бир қопга сиғмай қолди. Жабр кўрганлар бу бедодликлардан фарёду афғон чекиб, муҳтожлик юзини ерга қўйиб, дуо қўлини самога чўзган дейдилар, – хоқонни билгилантирди вазир.

– Унда улус амири Сиддиқбекни амир Қора Юсуф ҳузурига юборайлик. Биз шу пайтгача унинг ҳеч бир сўзини қайтармадик. У бизга тегишли бўлган вилоят-ноҳияларда мана ўн беш йилдирки, кўпқари чопаётир. Хуросону Туркистон, Хоразму Форс ташвишлари билан бўлиб, арқонни узун ташлаб қўйган эдик. Бироқ у буни янглиш англаган кўринади. Амир Сиддиқ унинг қошига бориб сўйласин! Амир Юсуф бизга нисбатан мувофиқатчилик йўлига тушсин ва фисқу фасод кўчасидан тўғрилигу содиқлик шевасига бурилсин! Шунда биз унинг иззатини жойига қўйиб, улуғ амирлик унвонига ҳурмат кўрсатамиз! – буюрди султон қатъий оҳангда.

– Унда рухсат этинг, аълоҳазрат. Амир Сиддиқни Қора Юсуф ҳузурига жўнатайин, – дея ўрнидан кўзгалди вазир Аҳмад Ҳавофий.

Амир Сиддиқ улуғ амир Қора Юсуф туркман қошига жўнаб кетди. Амир жўнаганида ҳумоюн ялов Марвда турар, давлати аркон ёзни ўтказмоқ учун Бодғис яйлови томон отланган эди.

Бодғис ўтлоғида ёз гаштини сурган амиру маъмурлар Ҳиротга қайтганидан бир ҳафта сўнг амир Сиддиқ ҳам Қора Юсуф ҳузуридан дўнди.

Амир Сиддиқни эргаштирган вазир Ҳавофий хоқон қабулига кирди.

– Элчилик вазифамни адога етказдим, хоқоним. Сухбатимиз бошидан сўнгига қадар амир Қора Юсуфнинг гап-сўзию хатти-ҳаракатларида исён унсурлари ва кибр ҳавоси зоҳир бўлиб турдиким, буни юксак эътиборларига етказмоқ элчилик бурчимдир. Унинг фикру хаёлида салтанат даражаларига кўтарилиш савдосию давлат поғоналарига юксалмоқ орзу-умиди сўз-ла ифодалаб бўлмас оҳангда баланддир. У ўзини мустақил қудратли бир султон деб ўйлайди ва бу қароридан таъвиз бермоқ ниятида эмас. Атроф беклари унга мутедирлар ва тасарруфидаги мамлакатларда амри фармонлари кечарлидир. Мустаҳкам қилиб қурдирган ҳисору қалъаларини тиш-тирноғигача қуролланган қорақўйинли суворийлар муҳофаза этадилар. Бироқ ислом шаръий қонунқоидалари бузилган, масжиду мадрасалар қаровсиз, дину диёнатдан путур кетган. Хоқони саид ҳазратларига сўйланг. Бизнинг мулки давлат ишларимизга аралашмасинлар. Биз ҳам сизнинг ишингизга қаришмаймиз. Ҳеч ким Амир Темур бўлмоқликни хаёл этмасин, дея менга дўнмоққа изн этди, султоним! – дея сафар ҳисоботини берди амир Сиддиқ.

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Хуллас, кечмишнинг буюк қочоғи амир жаноблари шундай сўзларни сарф этди денг, Сиддиқбек? – ним та-  
бассумда элчига боқди хоқон.

– Шундай деди, султоним! – тик турганча қўл қо-  
вуштириб жавоб қилди амир.

– Қул қутурса қудуққа қармоқ солар деганлари каби унинг қармоғига бир амирзодамизу бир маликамиз илинган. Ўғри ўртоқ ғар ғалтак қилади деганларидек, сотқин мирзомиз каби яна бошқа амирзодалар ҳам бизнинг зулмимиздан қочиб қошимга келади, дея умид қилаётган бўлса керак. Райга ҳоким этиб тайинлаганимиз Ийжил мирзонинг бевақт вафоти ҳам Султониядаги вазиятни чигаллаштирди ва Қора Юсуф Султония даъвосини бошлади. Қазвинни эгаллади. Биз Султония ва Қазвинни унга топшириб қўйиб, Ҳиротда роҳат-фароғатда яшай олмаймиз, – дея вазир Ҳавофийга қаради подшоҳ.

– Қул қутурса қудуққа туфлар деган гап ҳам бор, султ-  
тоним, – қўшимча қилди Ҳавофий.

– Улуғ амир зоти олийларига эҳтиромимиз борлиги учун мақолнинг юмшоқроғини танлаган эдик-да, вазир жаноблари. Кишида қуйма ақл бўлмаса, туртма ақл ҳеч бўлур дейдилар. Гапнинг очиғи, бу қардошларимизни туртиб эмас, фақат бошига уриб йўлга солиш мумкин. Бошқа йўли йўққа ўхшайди чоғи, – вазирга маслаҳат солди султон.

– Улар-ла муносабат, билхосса, сўғишу савашда фоят диққатли давранмоқ керак, аълоҳазрат. Ким ўйла-  
ган эдики, бахтли султон Муиззуддин мирзо Мироншоҳ Кўрагон шулар қўлида шаҳид кетиб, амирзода Абу Бакр-  
нинг давлату салтанат юлдузи шу жангда сўнади деб. Қопагон ит тишини кўрсатмаганидай улар жангга кирса-  
лар қопагон ит эмас, қутурган йўлбарсга айланадилар.

Эшакнинг этига итнинг тиши деб уларнинг ўз орасидан ўт чиқармоқ энг яхши усулу услубдир, онҳазрат! – кўшиннинг юришига қарши эди вазир Ҳавофий.

– Биз аскармиз, вазир жаноблари. Панада пушиб фитна ила иш юритгувчи қотил эмасмиз. Таклифу истагимизни улуғ амир жанобларига очиқ-ойдин, рўйи рост етказдик. Олдиларидан ўтдик. Биздан эмас, энди ўзларидан домангир бўлсинлар. Усиз ҳам буюк қардошимиз мирзо Мироншоҳнинг шаҳид қонини ерда қолдирмоққа ҳақимиз йўқ. Бунга теурий шараф ва ғуруримиз йўл бермайди. Илоҳий иноят туфайли Чин чегараларидан Араб Ироқи ва Озарбайжонгача, Туроннинг узоқ худудларидан Ҳиндистоннинг поёнига қадар қудратимиз остида қарор топган экан, Араб Ироқи ва Озарбайжон мамлакатларини ҳам байроғимиз остига олишимиз лозимдир.

Хоқон сўзини тугатар-тугатмас тахтидан туриб хона бўйлаб юрди.

– Элингизга қалам олиб ёзинг! Олий фармон матни шундай бўлади, – дея яна юрганча фармон жумлаларини сўйлай-бошлади султон. – Тавочи-бекларимиз эски ва янги лашкарларни кўриқка чақирсинлар! Атроф вилоятларимизнинг суворий ва сипоҳийлари тайинланган муддатда белгиланган мавзеларда тўплансинлар. Лашкар маоши ва таъминоти учун етарли қадар мол ҳамда нақд пул укалко тариқасида тарқатилсин! Жангу жадал олотлари, муҳораба асбоб-ускуналари тартибга келтирилсин! Жийбахонадаги ўттиз минг мукамал жийбага яна ўн минг дона қўшиб муборак юриш муддатига қадар тахт этсинлар! Ҳиндистон, Туркистон, Мовароуннаҳр, Зобул ва Қобул, Сеистон, Кермон, Форс, Хузистон, Исфаҳон, Рай ҳамда Мозандароннинг қай бир вилоятида бўлмасин, ўқу камон, тиғу синон, ханжару си-

## Нурали ҚОБУЛ

---

пар каби сипоҳийлар учун зарур бўлган аслаҳалардан ҳар нимаки мавжуд бўлса, вақт қиймати бўйича давлат моли ҳисобидан сотиб олиб, ҳумоюн лашкаргоҳга етказилсин! Мирзо Улуғбек Мовароуннаҳр, Туркистон ва Мўғулистонни идора этмоққа тайин этилсин! Ул диёр лашкарларидан ўн минг отлиқ суворий емак-ичмак захираси билан ҳумоюн ўрдуда ҳозир бўлсин! Гармсер вилояти, Қандаҳор, Қобул, Ғазнин ва Ҳиндистон ҳудудларини идора этмоқ мирзо Суюрғатмишга топширилсин! Хуросон ҳукуматини бошқариш эса амир Саййид Аҳмад тархон зиммасига юклансин!

Саққизинчи ойнинг йигирма бешида Ҳиротнинг Қипчоқ дарвозаси орқали чиққан султон Кўли Моғон майсазорга етиб келди. Ҳаво ҳарорати юксаклиги учун лашкарга бир муддат шу манзилга туриш амри берилди. Бошқа вилоятларнинг чериклари йиғилиши учун ҳам бирор жойда бекламоқ лозим эди.

Хоқон саропардасида Абу Абдуллоҳ ибн Синонинг “Тиб қонунлари” китобини ўқиб ўтирарди.

Эшик оғаси амир Нуширвон Барлос ва вазир Ҳавофий бир қўноқ билан келганлигини маълум қилди. Подшоҳ ижозат маъносида бош ирғади.

Оққўйинли туркманлар либосидаги эллик ёшлар чамасидаги сипо киши тобуғ расмини бажо келтирди. Султон меҳмон, вазир ва амирни ўтиришга имо этди.

– Қўноғимиз Музаффар Арслон Оққўйинли эканлар, аълоҳазрат. Улуғ амир Қора Юсуфнинг султон ўғли Пирбудоқнинг қароргоҳидан бир амаллаб қочибдилар. Қоровулларимиз олиб келишди. Зоти олийларига айтажак муҳим гапим бор дейдилар, – дея қочқин мусофирни хоқонга танитди вазир Ҳавофий.

– Сўйланг, биродар! Не муҳим гап экан? – меҳмонга қаради подшоҳ.

---

– Мен оққўйинли улуғ амири Қора Юлуқ Усмоннинг хос навқари Музаффар Арслон Оққўйинлидирман, давлатпаноҳ. Эллик суворий ҳамроҳлигида улуғ амримизнинг сиз зоти олийлари номларига битилган мактуб ва совға-саломларни олиб Ҳиротга келаётган эдим. Бир қасабада тунаганимизда қароқчилар босди. Кейин билсак, булар Қора Юсуфнинг одамлари экан. Бизни тўппа-тўғри унинг олдига олиб бордилар. Кийим-кечакларимизни тинтиб мактубни топиб олишди. Суворийларимни қўмондонларига топшириб мени чодирбанд этдилар. Тутқунлигимга бир чамаси ой бўлгач, мени эркин ҳаракат этмоғимга ижозат этишди. Бировдан от қарз олиб ярим кечада қочдим ва теңурийлар тасарруфидаги ҳудудга ўтиб олдим. Зоти олийларининг қошларига бораётганимни эшитган бекчию кадҳудо борки, от-улов, емак-ичмақда кўмак этди, султоним. Тангримиз мулки давлатингизни зиёда этсин!

– Хуш келдингиз, сафо келдингиз, муҳтарам қардошим. Мактубдан сўйланг? Қора Усмон биродаримизнинг мактубларида не маъни битилганди? – муддаога ўтди подшоҳ.

– Хат мазмуни шундай эди, аълоҳазрат. Қора Усмон жаноблари барча Анадўлу беклари, ҳатто Византия ва Трапезунд императорлари, шунингдек, Гуржи кинозлари, Ширвон, Гилон ва Луристон ҳокимлари билан ўзаро маслаҳатлашиб, сизни кутаётганликларини битган эдилар.

– Йўғ-е, ҳатто Византия ва Трапезунд императорлари ҳамми? – ҳайрон бўлди Шоҳруҳ султон.

– Айнан шундай, зоти олийлари. Насронийлар улуғ Темур ҳазратларини ўзларининг халоскорлари деб билдилар. Улуғ хоқон Темур бўлмаганида Константинополис, Шарқий Византия аллақачон қўлдан кетар эди



дейдилар. Темур адолатли подшоҳ эди, вориси Шоҳрух султон ҳам шундай бўлса керак деган фикрдалар. Сизнинг боришингизни кутаётган барча малигу ҳокимлар ота тахтида мустаҳкамланиб олган Меҳмет Челабий ҳамда амир Қора Юсуфдан чўчийдилар ва охир-оқибат иккисидан бири бизни босиб олади деб ўйлайдилар.

– Амир Қора Юсуф мактубни элга кечиргандан сўнг ўзини қандай тутди? – сўроқда давом этди султон.

– Мактубни олиши билан уни энг ишончли кишилар орқали усмонли турклари султони Меҳмет Челабий Йилдирим Боязид ўғлига хабар юборди.

– Ростданми?

– Тепамда худо бор, султоним! Сиз каби хоқони саид ҳазратларига ўтрик сўйласа тилим, хиёнат этса бошим кетсин, давлатпаноҳим! – қора терга тушиб ҳикоя қиларди оққўйинли беги.

– Ана сизга текин томоша! – деди султон амакиси Нуширвон Барлосга қараб. – Бутун бошли насроний оламию салжуқли беклари кутаётган бўлса-ю, биз бу яйловларда қўй боқиб юраверсак! Қорақўйинли Қора Юсуф, бориб турган қаро савдога ўхшайди. Ўн чоғли подшоҳ номимизга ёзган мактубни ҳам қўлга туширган экан, унга қойил қолмай иложимиз йўқ. Рақибинг бўлса ана шундай, ақлли ва ҳисоб-китобли бўлса-да. Ғаразли дўстларимиздан Қора Юсуф каби аразли ва ақлли душман афзал. Сўзингизда давом этинг, қардошим?

– Мактуб қўлига тушгандан сўнг у бекларига Султония ва Қазвинни босиб олмоқ амрини берди.

– Гап бу ёқда денг?

– Шундай, султоним! Амир Қора Юсуфнинг қўлида амиримиз Қаро Усмоннинг ўғли амир Али бир йилдан бери бандилиқда. Унинг оёқ-қўлини кишанлатиб ўзи билан олиб юради. Темурий лашкарнинг Ҳиротдан

чиққанлигини эшитгач, Табризда қатл этмоқчи бўлибди. Унинг энг ақлли амири Қаронинг сўзига қулоқ солиб, бу ишдан воз кечган дейишди.

– Амир Қаро уни қандай иқно этган?

– Кучли бир лашкар бизга қасд қилиб келмоқдадир. Амир Қаро Усмон фарзандининг қатлини туйиши билан бу тарафдан қилич яланғочлаб қаршимизга чиқади. Икки ўт орасида қолмоққа не ҳожат бор, дея Қора Юсуфни аҳдидан қайтаради. Шундан сўнг уни ўзи билан боғлиқ ҳолда олиб юради.

– Тушунарли. Усмонли султони Меҳмет Челабий еткили бекларини бошкентимизга юбориб бизга боғлиқлигини, сидку садоқатда қусур этмаяжани таъкидлаб турибди. Амир Қора Юсуфнинг қутқуларига учмаса керак ҳарҳолда?

– Ҳозирча учмаслиги мумкин, аълоҳазрат. Бироқ кучлангач, силоҳу лашкар билан бўлмаса-да, сўзда дастаклаши эҳтимолдан холи эрмас. Улар Анқара савашидан шундай буюк ва даҳшатли сабоқ олдиларки, Темур ва теурийлар десангиз, оёқ-қўллари қалтираб, сўзларидан адашадилар. Бу турумда Қора Юсуф не қадар гиж-гижламасин, Турон давлатига қарши бормайдилар. Бунга ҳоллари йўқ, қудратлари ҳам етмайдир. Улуғ хоқон Темур ҳазратлари Ойдинўғиллари, Қахрамонўғиллари ва Ментешеўғиллари каби қатор туркман бекларни қайта оёққа турғаздилар. Султон Меҳмет Челабийнинг илк вазифаси ана шу бекликларни яна усмонли турклар давлати тасарруфига киритмоқдир. Осмон узоқ, ер қаттиқ деганларидек, юртлар ошиб теурийларга қарши курашмоқлик рўёсига-да кирмаса керак, – вазиятни батафсил англатарди Музаффар Арслон Оққўйинли. – Айтишларича, Қора Юсуф Султон Меҳметга ёзган мактубида Шохруҳ хоқон Босфорис бўғозигача бўлган

ерларни истило этиб, Болқондан Дашти Қипчоқчага эгаллаб, Дарбанддан Озарбайжонга қайтмоқ ниятида эканлигига ишонтирмоқчи бўлган.

– Ана холос, пишди гилос! – деб юборди оққўйинлининг ҳикоясидан ҳайратланиб ўтирган амир Нуширвон Барлос.

– Ақлимизнинг учига келмаган фикр. Модомики, амир Қора Юсуфнинг миясига келган экан, бу режани амалга оширмоқ учун сиз улуғ амир ҳазратларини тайин этамиз! – деди султон амакисига кулиб боқаркан.

– Амри фармон хоқонимизнингдир! Амр этсалар дунёнинг нариги бурчига бормоққа-да ҳозирмиз, он-ҳазрат! – ҳозиржавоблик-ла сўз қотди амир.

– Ўзидан кетмаса, Қора Юсуф каби ақлига келганнинг кетига уриб, дуч келган юртда юмрон ўйнатмаса, дину эътиқодидан қатъи назар биз ҳеч бир давлату мамлакатга яғийлик мақомида турмаймиз. Ислон, турк ўлкалари ва ҳукмдорларига ўз қардошларимиз каби боқамиз. Буни авлодимиз султон Меҳмет ҳам билсалар керак, – мулоҳазакор оҳангда қўнишарди подшоҳ. – Ҳозирча бизнинг қароргоҳда қолинг, Музаффарбек. Лозим бўлган шарт-шароитни яратамиз ва ҳурматли қўноғимиз бўлинг. Амир Қора Усмонбек ҳам ҳузуримизга келиб қолсалар керак. Шунда иззат-икром ила юртингизга йўлчи этамиз, – мусофирга эҳтиром кўрсатди хоқон. – Лашкарга амримизни етқуринг! Йўлга чиқиб, кун иссиқ бўлишига қарамай юришимиз ва тезроқ Нишопурга етиб бормоғимиз керак!

Нишопурда уч кун истироҳат этиб, ўзини тартибга келтирган қўшин Баҳробод манзили томон юрди.

Ҳиротдан чиққанидаёқ йўл устидаги муқаддас даргоҳлар зиёратини дилига туккан хоқони саид Баҳрободда машойихлар султони, муҳаққиқлар таянчи

Шайх Саъдиддин турбасини зиёрат қилиб, ийди сиём шартларини шу бахтиёр мақомда адо этди.

Ҳарақон майсазорига етаркан, Шайх Абулҳасан Ҳарақоний ҳазратларининг бузругвор мозори зиёратидан кўнгли янада ёришди.

Яздга етгач, орифлар султони Шайх Абу Язид Бистомий зиёратида бўлиб, тангрига илтижо қилиш вазифасини бажо келтирди.

Рамазоннинг охирида Нишопурдан йўлга чиққан хоқон Жавзоҳ ва Барфсон қишлоқларидан ўтиб, Жожарму сарчашма орқали Навобод, сўнгра Мафар қарясига етиб келди.

Абу Язид Бистомий зиёратидан сўнг пайшанба куни Жўриёнга, муборак жума куни Маймондўстга, шанба куни эса Дамғон шаҳри қаршисига етгач, саропарда тиклашни буюрди.

## ЎН БЕШИНЧИ БОБ

*Ҳар бир ишнинг чамаси бор,*

*Ҳар дарёнинг кемаси бор.*

**Отасўзи**

Мозандаронда турган салтанат филлари Дамғонда боқилар эди. Зирҳли ёпиқлар ва бежирим аслаҳалар билан безатилган филларни кўздан кечирган хоқонга Хоразм, Нисо, Бовард, Самалқон, Жармағон, Журжон ва Мозандарон лашкарлари ҳам етиб келганлигини маълум қилдилар.

Дамғондан кўчган олий тахт Шаҳобобод ва Риванд орқали Симнонга етиб келди. Бу манзилда хоқони саид руҳи поклангур Шайх Раббоний Рукниддин Алоуддавла Симнонийнинг сўнг маконини зиёрат этди.

Сеистон, Фароҳ, Кӯҳистон, Гармсер, Қандаҳор, Ҳазор, Хизр, Ғазнин ва Қобул лашкарлари ҳам Симнонда хумоюн ўрдуга келиб қўшилди.

Сурха, Оби Борик ва Деҳинамақдан ўтиб, Арадонга етиб келиб, Боғ манзилига тушдилар. Дароти Намакни кечгач, Рай чегараларига етдилар ва Варомин манзили қароргоҳ эълон этилди. Шу ерда шаҳзода Иброҳим Султоннинг беқиёс форс сипоҳи дорулмулк Шероздан етиб келди.

Мирзо Рустам чериги Исфаҳондан, амир Қаноширин Язддан, амир Чақмоқ Кермондан Рай мулкига кириб, аъло ўрдуга қўшилдилар.

Куз қуёши аксини ўзида жилолантирган, осмонранг теурий байроқ долғаланаётган султон саропардасида машварат давом этарди.

– Шу ҳисобда қўшинимизнинг умумий сони қанчага етди, вазир жаноблари? – сўради хоқон Аҳмад Ҳавофийга боқароқ.

– Тавочи амирларимиз бир неча кун ичида санаб чиқдилар, онҳазрат. Ҳисобда лашкаримиз икки юз мингдан ошди. Элимизга кечган билгиларга кўра амир Қора Юсуфнинг чериги юз мингнинг нари-берисида эмиш. Бу қўшин ҳам бир жойга тўпланиб улгурмаган. Тарқоқ ҳолда дейдилар, – хоқон сўровини жавоблантирди вазир.

– Тўхтамишхон ва Султон Йилдирим Боязид билан бўлган тўқнашувлар олдидан Турон ўрдуси шу сонга етган эди. Қиблагоҳ, амир соҳибқирон ҳазратлари икки юз минглик қўшин билан икки дунёвий салтанатни синдирган эдилар. Биз эса дашту дарада қочиб юрган бир қароқчига қарши мужодала этиб ўтирибмиз. Замоннинг тўзганини, отдан эшакнинг ўзганини кўринг, – дея амир амакисига қаради подшоҳ.

– Бизнинг ўрдумиз ҳам ҳар қандай фатҳу зафарга қодирдир, онҳазрат! Амр берсангиз яна Измиту Анқарага қадар боришимиз мумкин! – дами баланд эди амир Нуширвон Барлоснинг.

– Падари бузруквор Султон Йилдирим Боязид ила ҳеч замон қарши-қаршига келмоқни истамаганлар. Анқара тўқнашувининг ҳам тарихий хато эканлигини таъкидлар эдилар. Шунинг учун биз ҳеч қачон ул қардошу қондошларимиз сари юзланмаймиз. Бироқ туркларнинг кучайиб кетишини истамаган арабу форс ҳукмдорлари бизни бир-биримизга қайрамоқдек эски одатларидан воз кечмайдилар. Биз ишонувчан, содда ва самимий турклар эса уларнинг алдовларига учиб, бир-биримизга чоҳ қазиймиз. Бу тарафда эса суф-рада биз ила чоғир ичиб, саҳрода ёқалашгувчи мўғул қардошларимиз қилғиликларини қўймайдилар. Барчамиз охири бир кун иту битга ташлаб кетадиганимиз мулки давлат, тахту тупроқ учун қон кечиб, жон чекамиз. Ё тавба, астағфируллоҳ!

– Кўп сонли, катта қўшиннинг қудрати шарофати шундан иборатким, султоним, ер юзини қоплаган бу сонсаноксиз ва муҳташам лашкарга кўзи тушган рақибнинг қиличи қўлидан тушиб кетиб, сулҳ таклиф этмоққа тушади ёки қочмоқни ихтиёр этади. Бежизга ота-боболаримиз ит бўл, қуш бўл, кўп бўл демаган. Барча юришларимизда шу тахлит ҳаракат этиб, мақсадимиз ҳосил бўлиб, фатҳу зафарга эришдик. Иншооллоҳ, бу сафар ҳам шундай бўлғувсидир. Отарақибимиз Қора Юсуф худди хоқони акрам замоналаридагидек эски кунларини хотирлаб, савашмасдан тоғу тошларни макон этажак, иншоолоҳ.

– Барчадан ақлли саналган бошлари омон бўлса, ал-

батта! – кўшимча қилди вазир Ҳавофий.. – Киши бугундан эртага қисмати не кечишини билмайди.

– Унда бутун амиру кўмондонларимиз ёсомиший (ишларни тартибга келтириш ва лашкар сафларини ростлаш) ила машғул бўлсинлар. Биз ҳам кўшин сафларини кўриқдан ўтказиб, тафтиш этамиз! – амр берди хоқон.

Подшоҳнинг сўзи тугаши билан Шаҳриёр қалъасидан чиқиб келиши бекланаётган амир Масъум Жогир саропарда саҳнида кўринди.

Қоровуллар Хоразм ҳокими амир Ғиёсиддин Шоҳмаликнинг етиб келганини ҳам маълум қилдилар.

Султон юртчиларга тахт ва курсиларни ташқарига олиб чиқишни буюриб, ўрnidан кўзгалди.

– Орамизда жангу жадаллару сулҳу ярашлар борасида беназир бир киши борким, бу ўлкаларнинг ўру қирини ҳеч ким ул устозчалик билмайдилар. Бул зот Машҳади муқаддасда таваллуд топган, ҳазрат имом ёнларида ўзларига мадраса ва сўнг манзил ҳозирлаган амир Шоҳмалик ҳазратларидир. Мен билганим амиру вазирлар орасида қиблагоҳ зоти олийларининг эҳтирому эътиқодларига сазовор бўлган амир Шоҳмалик каби улуғ шахсиятни билмайман. Қиблагоҳ ҳазратларининг амир жанобларига нисбатан иноятлари шу даражада чексиз эдики, ул зот: “Қайси бир мамлакат фатҳ этилса ва у юртда қайси бир қишлоқни амир Шоҳмалик ихтиёр этса, ўша қишлоқ унинг суюрғоли бўлғай” дея буюрганлар. Қиблагоҳ ҳазратларининг чексиз иноятлари ва амир жанобларининг жидду жаҳдлари туфайли ортиб борган бу суюрғоллардан тушган маблағларга қурилган масжид, мадраса, хонақоҳ, така, работлару ҳовузлардан миллат мамнуният-ла истифода этмоқда, – дея амир Шоҳмаликни илиқ сўзлар-ла шарафлантирди хоқон.

---

– Айни дамда улуғ амирларимиздан бир сўровимиз бўладир. Қиблагоҳ ҳазратлари устод Шоҳмаликнинг пешоналарида бахту омад асарлари ва садоқату бахтиёрлик нурларини кўриб мушоҳада этароқ, фарзандлари каби меҳр-муҳаббат-ла тарбият этганлари каттаю кичик барчага аёну баёндир. Амир жаноблари! Бизга султон соҳибқирон ҳазратлари билан илк учрашувда бўлиб ўтган маълум ва машҳур воқеа хусусида сўзлаб берсангиз, – дея амирга самимият-ла жилмайиб боқди. – Лутфан ўтириб ҳикоя эта билурсиз, – тик турган амирни ўтирмоққа буюрди хоқон.

– У пайтда ҳануз ёш эдим, хоқони саид ҳазратлари. Бироқ улуғ хоқони аъзам, соҳибқирони муаззам зоти олийлари менга шу қадар чексиз иноятлар этадиларки, бу хайри яхшиликларни сўз ила ифодалаб бўлмас. Тилга олганингиз воқеа шундай содир бўлган эди. Султон соҳибқирон мени ёнларига чақириб шивирлаб шундай дедилар. “Амирларимиз фалон подшоҳнинг қонидан ўтишимни сўрадилар. Мен уларнинг сўзларига қулоқ солмадим. Бироқ биласан. Шу пайтгача ҳеч бир подшоҳни ўлимга ҳукм этмадим. Улар подшоҳнинг гуноҳини сўраб яна олий тахт поясига келадилар. Мен уларга бу ишга аралашманг дея дағдаға қиламан. Шунда сен ўрнингдан туриб орқага чекинасану, бироқ яна шу ҳақда сўз очилганда кўрқмай олдинга чиқиб тиз чўкасан ва подшоҳнинг қонидан кечишимни сўрайсан. Мен эса амирларни айтган сўзларига илтифот кўрсатмаган эдим, энди эса бу йигитнинг сўзини эшитмасам, дили оғрийди ва тенгқурлари орасида уялади дея рози бўламан. Англадингми?” дедилар. Шу тариқа бир подшоҳнинг жони сақланиб қолган эди, султоним. Бор гап шу, – дея буюк хоқон билан бўлиб ўтган воқеа тафсилотини сўйлади амир Ғиёсиддин Шоҳмалик.



– Ҳикоя учун ташаккур. Энди эса улуғ амиримизга бир вазифа юкламоққа қарор қилдик. Ўрду ва салтанатимизда амир Қора Юсуф танийдиган ва ҳисоблашадиган бир киши борким, бу ҳам бўлса зоти олийларидир. Маъқул кўрсангиз, бирор-бир амир ёки навкарингизни амир Юсуф қошига юборсангиз. Султония ва Қазвин вилоятларини бизга қайтарсин! Бунинг эвазига биз амирнинг Озарбайжон ва Боғдод мамлакатларини токи Шом ва Рум диёригача бўлган ҳокимиятини тан оламиз. Навкарингиз рақиб қариндошимизга шу таклифу талабимизни еткурсин. Амирнинг жавобига қараб тадоригимизни кўрамиз, дея машваратга яқун ясади султон.

Ҳоқони саид қароргоҳидан масъулиятли вазифани зиммасига олиб чиққан амир Шоҳмалик ёнида келаётган ўнг ва сўл қўллари Поянда мингбоши ва Хурқодоққа маслаҳат солди.

– Улуғ амир Қора Юсуфнинг ҳузурига қай бирингиз юрак ютиб борасиз? – сўради амир чодирига етиб келиб юмшоқ-йўрганга-узанар-экан.

– Мен ҳозирмен, улуғ амирим. Фақат гап-сўзга бир оз нўноқман-да. Ҳаяжонланганда тилим тутилиб қолади. Менга бирортасини тинчитиш бўлса, – шайтоний табасум-ла носдан сарғайиб кетган сўйлоқ тишларини кўрсатиб иржайди Хурқодоқ. – Бундай ишларга, мингбоши жаноблари усталар, – Пояндага ишорат этди.

– Улуғ амиримизнинг амри фармонлари олдида бўйнимиз қилдан инжадир, – деди Поянда яктагини ечиб амир қаршисига тиззалар экан.

– Ҳа, сенинг боришингга тўғри келади, Поянда, – деди амир Шоҳмалик ошчига емак келтиришга ишорат этаркан.

– Қорақўйинли туркманларнинг дами жуда баланд-ку, улуғ амир ҳазратлари. Уларнинг отлари семиз, дам олиб

ётган. Бизнинг отлар эса узоқ йўл юриб келиб толиққан, ориқ. Устига устак қиш ҳам қиличини яланғочлаб келмоқда. Улар ўз ерлари ва қалъаларида мустақкам ўрнашиб олганлар. Улуғ амир Қора Юсуф ҳам жасорату баҳодирликда кимса олдига туша олмаяжак бир буюк шахсиятдир. Билмадим, бу тўқнашувнинг оқибати хайрли тугармикан? – ўз хавотирини очиқ сўйлади Поянда мингбоши.

– Гапни чувалатма, Поянда. Бу сўзларни бизга сўзладинг, бошқаларга оғиз оча кўрма. Лашкар орасида шов-шув бошланади. Хоқоннинг қулоқларига етиб борса, яхши гап бўлмайди. Шу тўқнашувнинг олдини олиб, сулҳга эришиш учун ҳам сени амир Юсуфнинг ҳузурига юбормоқдамиз. Шартларни эшитдинг. Бутун имкону иқтидорингни ишга солиб, ишни тинч йўл билан ҳал этмоқ жаддида бўл. Хоқони саид Озарбайжону Боғдод мамлакатларини Шому Рум диёрига қадар унга топширомоққа рози эканлигини яхшилаб англат. Шоҳруҳ султон тарафларидан улар мустақиллиги тан олиниси фавқулодда буюк бир фурсат эканлигини тушунтир, – Пояндага йўл-йўриқ-берди амир Шоҳмалик.

– Бораман, амир ҳазратлари. Бироқ амир Қора Юсуф деганини яхши биламан. Туркманнинг ҳам том тўнги. Бир йўқ дедими, тамом. Пойтахти Табризга Шерозни қўшиб берсангиз ҳам ўжарлик қилиб оёғини тираб туриб олади.

– Шунини унутмаки, сен амир Юсуфнинг қошига султон Шоҳруҳ отидан эмас, менинг номимдан борасан. Хоқони саиднинг таълимотлари шундай. Гўёки бу сулҳнинг амалга ошишида мен орачи бўлгандек кўринаман. Амир Юсуф Қазвин ва Султонияни ҳеч бир асоссиз босиб олганлиги учун хоқон Шоҳруҳ ҳузурларига афв зиёрати билан келса, олам гулистон. Англадингми, Поянда? –

## Нурали ҚОБУЛ

---

деди амир Шоҳмалик ошчи келтирган қайноқ қайнатма шўрвадан хўплар экан.

– Англадим, улуғ амирим! Унда ижозатингиз билан бориб сафар ҳозирлигини кўрай, – кетмоққа ижозат сўради Поянда.

– Эрталабки мушрдану кечки шўрвадан қайтма дейдилар, мингбоши. Нон билан шўрвани ичиб ол. Улгура сан, – деди амир мулозимига кулимсираб.

– Шўрвани ичинг, мингбоши! Бунақасини фақат улуғ амир ҳазратларининг ошчилари тайёрлай оладилар, – гап қўшди бир кўтаришда косани бўшатган девқомат Хурқадоқ, оғзини тўлдириб экмак чайнарган.

– Хурқадаоқ сенга кўмаклашиб, кузатиб қўяди, – икки мулозимига изн берди амир Шоҳмалик. – Йўл-йўлакай янгилик бўлса, суворийлардан жўнатиб мени хабардор эт.

Хазинадан яхшигина ақча ва керакли чодиру сафар асбобларини олган мингбоши Поянда эллик суворий билан Табриз-томон жўнади.

– Эҳтиёт бўлиб қўнишинг, мингбоши. Амирни ўлгудек қўпол ва қўрс дейдилар. Кўп ақлли бошингизни Султон Аҳмад Жалойирники каби кундага етказмасин тагин, – ҳазиллашди Хурқадоқ мингбоши билан хайрлашар экан.

– Аскар зотида сен ўйлаганчалик ақл бўлмайти, Хурқадоқ. Сен ҳам амир Юсуфдан кам эмассан. У Султон Аҳмаднинг жойини солган бўлса, сен амир Шайх Нуриддинни қора қўчқордек бўғизлагансан. Иштони йўқ иштони йиртиққа кулганидек, амир Юсуфга таъна қилмай қўя қол! – жавоб қилди Поянда мингбоши энсаси қотганча отига қамчи уриб чоптириб кетаркан.

– Сен, мингбоши Табриздан соғ қайтмайсан-ов, – деди Хурқадоқ қошини чимирганча ўз-ўзига. – Ҳар бир

---

ишнинг чамаси бор, ҳар дарёнинг кемаси бор. Янглиш наҳрга қараб кетдинг-ов, мингбоши, – дея оти жиловини Шоҳмаликнинг чодири томон бурди Ҳурқадоқ.

## ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

*Омади юришган йигитнинг ян-гаси олдидан чиқибди.*

**Отасўзи**

Амир Шоҳмалик энди чодир тўридаги ётоғига кириб ечинаётган эди. Қопучи қоровуллардан бири йўталганча яқинлашди. Амир яктагини елкасига ташлаганча ётоғидан чиқди.

– Не гап? Тинчликми? – сўради амир бирор шошилинч хабар борлигини сезиб.

– Мингбоши Поянданинг навкарларидан бири от чоптириб келиб қолди, улуғ амир ҳазратлари. Зоти олийларини кўрмоқ истайдир, – деди бекчи ташвишли оҳангда.

– Чорла! Ишқилиб, тинчлик бўлсин-да, – деди қоровулга қабул бўлмаси томон юаркан:

Амир Шоҳмалик Поянданинг навкарини таниди.

– Мингбошини зиндонга ташладилар. Қора Юсуф унинг сўзига қулоқ ҳам солмади. Суворийларимизнинг оту анжомларини, ҳатто устидаги либослариниям ечдириб, тортиб олишди. Отим дадил бўлгани туфайли фақат мең қочиб қутулдим! – тили бўғзига тикилиб сўзларди навкар.

– Шундай бўлишини кўнглим сезган эди, – деди амир Шоҳмалик суворийнинг абгор аҳволига боқаркан. – Бор дамнинг олиб, ўзингни эпақага келтир. Эрталаб гаплашамиз. Бомдод номозидан сўнг чодир саҳнида бўл, – дея яна ётоғи томон йўналди амир.

Бомдод ибодатидан сўнг сабоҳ емагига қадар хоқон саропарда саҳнини айланар, зарур гапи ва иши бор амиру қўмондонлар ҳовлига келишарди.

Амир Шоҳмалик етиб келганида саропарда саҳнида кимса кўринмас, хос мулозимлар султон тахти ва курсиларини саропарда қаршисига олиб чиқишар эди. Кўп ўтмай тўнини елкасига ташлаган подшоҳ кўринди.

– Хайриятлиғ! Жуда эрта келибдилар, амир жаноблари? – дея салом-алиқдан сўнг улуғ бекни ўтирмаққа ишорат этди хоқон. – Не ҳаводислар бор?

– Табриздан нохуш хабар олдик, онҳазрат! – Амир Қора Юсуф элчимиз Пояндани ҳибсга олиб, мол-мулкини талаттирибди, – дея сўнг билгини подшоҳга етказди амир.

– Тахминимиз тўғри чиқди. Элчимизни ҳибсга олишини эса кутмагандим. Демак, амир Юсуф билан мурося мадора қилиб бўлмайдиган кўринади. Саваш ҳозирлигини кучайтирмоғимиз керакка ўхшайди, – деди султон етиб келган вазиру амирлар саломига алик оларкан. – Олий тахт поясининг мулозими бўлган ҳофизу қориларимиз фатҳ сурасини ўн икки минг маротаба хатм қилсинлар! Амир Юсуфхожа мингта сара суворийси билан Қазвин томон юрсин! Бутун лашкар савашга ҳозир ҳолда турсин! – амир Қора Юсуфнинг қилмишидан қаҳри кўзиган эди султоннинг. – Амир Юсуфхожанинг Қазвинга бориши у худуддаги иқлимни ойдинлаштиради. Қалъа ҳокими Қосим қаршилиқ кўрсатса, қўшимча куч юборамиз. Қочса ёки таслим бўлса, шунга қараб иш тутамиз. – Эҳтиёт шарт сиз, улуғ амир ҳазратлари, – амир Шоҳмаликка юзланди Шоҳруҳ султон. – Юсуфхожа чериги ортидан йўлга тушинг! Илғоримиз ҳаракати ва вазиятидан бизни хабардор этиб турасиз! Биз ҳам фурсат қайб этмай ортингиздан борамиз!

Амир Шоҳмалик ҳам Юсуфхожа ортидан жўнади! Кетма-кет икки номдор амирнинг ўзи томон келаётганини эшитган Қазвин қутволи Қосим шаҳарни ташлаб, улуғ амир Қора Юсуфнинг ўғли Жаҳоншоҳ ҳокимлик қилаётган Султония томон қочди.

Қутволнинг қочганини эшитган Қазвин халқи шаҳар дарвозаларини теурий лашкарга очиб, Шоҳруҳ султон саропардаси томон оқиб кела бошлади.

– Амир Қора Юсуфнинг иши битди, султоним! Кўрасиз қай бир шаҳар, кўйу қасабага бормаилик, сизни улус шундай шоду хуррамлик билан кутиб олади! – деди амир Нуширвон Барлос хоқонга.

– Ҳақ доимо ҳақнинг ёнидадир! – деди овози титраб Шоҳруҳ сўз ила ифодалаб бўлмас бу қаршиловдан тўлқинланиб. – Лашкарга еткуринг, Қазвинга кирмасун ва кимсанинг бир дона ўтин-чўпига қўл теккизмасин! – деди хоқон сўл тарафида турган вазир Аҳмад Ҳавофийга. – Ва зудлик-ла одам юбориб, Султониядаги вазиятни ўрганинг! Қазвинга келган кўшин Султония сари юзлансин!

Эртаси кечга амир Шоҳмаликнинг Султониядан етиб келган чопари у юрт аҳволини хоқонга арз этди.

– Амир Қора Юсуфнинг ўғли Жаҳоншоҳ Қазвин қутволи Қосимни ёнига олиб, Султония қалъасини мустаҳкамлаб, жангга ҳозирлик кўришни бошлади. Қўрғонга емак-ичмак захираларини тўплаб, саваш курол-яроғларини тахлаётир экан. Қалъа атрофидаги одамларнинг сомон, ўтин-чўпини олиб қўйиб, улус норозилигига сабаб бўлмоқда. Қорақўйинли суворийси борки, от ўйнатиб, саройу кўшкларнинг эшиклари, дўконларнинг ёғочу тахталарини кўпориб, фасил девори, қалъа тепаси ва дарвозаларга чопар боғламоқдалар. Имконини топган қалъа ичига кириб яширинган. Раият эса Торамин ва Гилонот томон қочмоқда.

– Биз олий қароргоҳда турамыз. Катта қўшин кирса, Султония талон-тарож бўлади. Маълумотларга кўра шаҳар халқи золимлар тарафида эмас. Амирларимиз Шоҳмалик ва Юсуфхожага еткуринг! Султонияни қамал этсунлар. Мухолиф қорақўйинли лашкаридан бошқа кимсага тиг теккизмасунлар! Давлатимиз ва лашкаримиздан кимса норози бўлмаслиги керак! – дея амир Шоҳмаликнинг чопарини яна ортга қайтарди султон.

Айнан шу чопар икки кундан сўнг яна ўтакаси ёрилгудек бўлиб қайтиб келди. Бу пайтда олий ўрду ҳам Султонияга етиб келган, шоҳона саропардалар шаҳар ва унинг атрофи кўзга ташланиб турадиган юксак тепаликка ўрнатилган эди.

– Амир Қора Юсуф ҳақ раҳматига қовушибди, давлатпаноҳ! – деди чопар ўзини таппа ташлаб, ер ўпаркан.

– Не дединг? Ақли ҳушинг жойидами? Такрорла-чи? – сўради саропарда саҳнида тик турганча хоқон ҳайратга тушиб.

– Амир Қора Юсуф ўлибди, султоним! Ёмон бир касалликка чалиниб, дўзах сари равона бўлибди. Унинг учун дўзахнинг ҳамма эшиклари очилган эмиш, – тиз чўкканча ҳовлиқиб сўзларди чопар.

– Тавба! Бировга дўзахга санад ёзиб бергандек гапирди-я бу навкар! Ким айтди бу муждани сенга?

– Улуғ амир Шоҳмалик ҳазратлари, султоним. Табриздан Султонияга, улуғ амирнинг ўғли Жаҳоншоҳга чопар келибди. Қора Юсуф Ужан атрофида бир неча кун оғриб, омонатини эгасига топширибди!

– Ана сизга қисмату қадарнинг ақлингизга келмас ўйини! Бироқ бугун жонини ҳаққа таслим этган одам кеча бизнинг сулҳ таклифимизни рад этиб, элчимизни зиндонга ташлаган эди! Хом сут эмган одам боласи

---

шундай! Ўлмайдигандек мулки давлат тўплаб, абадул абад ҳукмронлик қиладигандек инсонларга жабр-зулм ўтказади! Билмайдик, охир-оқибат мана шу! Салтанат тахти тобут тахтасига айланади! – деди хабардан хангу манг бўлган хоқон.

Шаҳарни ўраган суворийлар ҳам бу хабарни эшитган, аскарлар от чоптирганча бақришиб, ўзларича бош яғий Қора Юсуфнинг қора кунини қутларди.

– Тавба! Илк бор кўришим одамларнинг бир подшоҳнинг вафотини қутлаганини! – деди султон ёнига етиб келган вазир Ҳавофийга:

– Жабру зуғум-ла одамларнинг жонидан тўйдирганда шундай бўлади, онҳазрат. Оллоҳ кўрисин! – жавоб қилди Ҳавофий.

– Қора Юсуф ўғли ҳам отаси жанозаси учун йўлга тушгандир? Шаҳарда аҳвол нечук? Билгинг борми? – чопардан сўради султон.

– Амир Жаҳоншоҳ ва унинг одамлари бу хабардан саросимага тушиб, симоб каби эриганлар, давлатпаноҳ! Ёвузлар қалъада бўлган неки нафис ва қимматбаҳо буюмларни эплаганлари қадар олиб, Табриз- томон қочганлар! Амир Жаҳоншоҳ ҳам минг бир ҳасрат билан Султонияни тарк этган!

– Ана яна бир чопаримиз, Қазвин томонга кетган кулоқчи-даракчимиз ҳам етиб келди! У ҳам бу хабарни тасдиқласа керак! – деди Ҳавофий юз қадам нарида отдан тушиб ҳаллослаб келаётган навкарни кўрсатиб.

– Қора Юсуф ўлибди! – деди даракчи ҳам тиз чўкиб пешонасини ерга тираб. – Бош яғийдан қутилганимиз рост бўлсин!

– Демак, амирнинг ҳаққа қайтгани тўғри! Лашкарга амр беринг, қалъа қамалини тўхтатсин! – буюрди султон.



## Нурали ҚОБУЛ

---

Олий қароргоҳ Оқхожа манзилида турар, Султония олисдан кафтдек кўриниб турарди.

Шаҳар томондан бир туман отлиқ хоқон саропардаси томон кела бошлади.

– Султония қозиси муртазойи аъзам Саййид Шаҳобиддин Абдуллоҳ ҳазратлари, – деди Ҳавофий отдан тушиб ўзлари томон келаётганларнинг ўнгидаги кишини таниб.

Хоқон ва вазир олий қози истиқболи томон юрдилар.

– Қон тўкилмай, уммату улусга зиёну заҳмат етказилмай муваффақ бўлинган фатҳу зафар муборак, хоқони саид зоти олийлари! – деди Саййид Шаҳобиддин кучоқ очиб келаркан. – Сиз олийнасаб султонимиз, улуғ хоқон авлодларига қовушажак кунга етказган эгамизга шукур! – дея Шоҳруҳ подшоҳни бағрига босди Султония олий қозиси. – Амир Қора Юсуфнинг оламдан ўтганини эшитиб барчамиз ҳайратга тушдик ва хоқони саид ҳазратларининг илоҳий куч-қудрат томонидан қўллаб-қувватланганларига имон келтирдик, – самодан тушган тинчлигу осойишталик, шаҳар озодлигидан мамнун эди олий қози.

– Бунинг барчаси яратган парвардигорнинг чексиз марҳамати, биз қулларига кўрсатган раҳм-шафқатининг мевасидир, олий қози ҳазратлари! Унинг хоҳиш-истагига бўйсунмоқ биз бандаларга вожибдир. Вақти соати етгач, шоҳу гадой, ким бўлмасин, сўнг ҳисобни беражақдир, – олий қозини самимий қаршилади султон.

– Оллоҳ сиздан рози бўлсин, онҳазрат! Лашкарга шаҳарга кирмасликка амр берибсиз! Талон-тарожга йўл қўйилмабди! Туркманлар шаҳару халқни баробар хонавайрон қилиб кетдилар. Лашкарнинг қўлига илингулик ҳеч нарсани қолдиришмади. Буюринг, султоним! Отамерос Султония сизни бекламоқда! Қочиб кетган

---

ёвуз саҳройиларнинг бебошликлари улусу умматнинг бўғзига етган эди, — дея хоқонни шаҳарга даъват этди Саййид Шаҳобиддин.

Оқхожа манзилидан кўчган ҳумоюн ялов Соин қалъаси томон юрди.

— Азиз авлодим! — дея ўнг томонида кетаётган ўғли мирзо Бойсунқурга ўгирилди хоқон. — Сиз зудлик ила дорулмулк Табриз томон йўлга тушинг! Амир вафотидан сўнг шаҳарда бошбошдоқлик юз бериб, раият азоб чекмасин! Етиб бориб, мулки давлат йўнатувини қўлга олинг! Амирнинг аламзада ўғиллари ва беклари халқни яғмолаши эҳтимолдан холи эрмас! Амир Алико Кўкалдош ва Хожа Қутбиддин Симнонийларни жиловингизга тайин этамиз! Сиз эса, амирзодам, — сўл тарафидаги ўғли Иброҳим Султонга қаради подшоҳ, — Форс лашкари билан Сижоз йўли орқали Мароғага юзланинг. Биз Султониянинг кун ботишини лашкаргоҳ этиб белгилаймиз ва бир муддат шу манзилда бўламиз.

— Амир Жаҳоншоҳ Қора Юсуф ўғли шаҳарни тарк этганидан сўнг раият қўрққанидан қалъага кириб яшинган, давлатпаноҳ! — деди қози Саййид Шаҳобиддин хоқонга яқин келиб. — Лашкар тарқамагунча қўрғондан чиқмоққа ҳам чўчишса керак. Шу хусусда бирор амр берсангиз яхши бўлар эди.

— Тўғри сўйладингиз, ҳазрат. Унда халқ лашкарлар ўтиб кетгунга қадар қалъада турсин ва ундан кейин дарвозалардан чиқиб, шаҳар ва бозорларни обод қилмоққа киришсинлар! Лутфан ўзлари бориб буни уларга сўйласинлар! Яна шуни еткурингим, Султония аҳлидан моли омон олинмайди! Амир Мусони Султония қалъасини бошқариш ва раиятни муҳофаза этмоққа тайинлаймиз! Бир муддат шу лашкаргоҳда бўламизу сўнгра Ардабил томон юрамиз.

Султония тақдирини ҳал қилган султон Шоҳруҳ фатҳу зафар сурури ила тўнғич фарзанди, валиаҳд шаҳзода Улуғбек мирзо туғилган шаҳарни обод этишни амир Мусога топшириб, Ардабил йўлига тушди.

Якшанба куни йўлга отланган ҳумоюн ялов кечкурун Сарипулга етиб келди. Душанбада Райҳона, сешанбада Будансий орқали чоршанба куни Сарчамга келиб, жумода Фул Фараҳдан ўтиб, сешанба куни Миёнага етди ва ўн иккинчи ойнинг тўртинчи куни Ардабил остоналарида турарди.

Хоқон давлати аркони билан машойихлар шайхи Шайх Сафиуддин қабрини зиёрат қилди ва Шайх Алоуддин Хожа Алининг суҳбатида бўлди.

– Биз Арс сувидан кечиб қишлоғни ўтказажимиз Арроннинг Қорабоғи томон юрамиз. Оллоҳга минг бора шукурлар бўлсинким, қиблагохимиз тўрт бора қишлаган ва ўзлари ном берган Қорабоғдек жаннатмакон бир манзилда қишни ўтказмоқ бизга ҳам насиб этди. Барча амиру-амирзодаларимиз, волийу-ноибларимиз ҳисоб бермоқ эҳтиёжи туғилса Қорабоғ сари юзлансинлар! – деди хоқон Арс дарёси бўйида ўтказган сўнги машваратида.

Баҳори жаннатий, ёзи салқин, кузи майин, қиши илиқ Озарбайжон тупроқларида ҳаво тоза, иқлим мўътадил эди.

– Ҳеч бир ўлкада бу қадар беғубор ҳаво, чексиз уфқларни кўрмоқ мумкин эрмас, – деди хоқон ёнида кетаётган вазир Ҳавофий ва амир Нуширвон Барлосга.

– Шундай, султоним. Тангри ярлақанган жойлар. Бироқ тоғ ораларида аҳоли манзилларидан олисда ёлғиз яшаган ва улардан узилиб қолган бу атрофдаги қавму қабилалар ёвуз бўладилар, – гап қўшди амир Барлос.

ларингиз, ёру дўст, хеш-ақрабо, ҳатто қон-қардошингиз ҳам сиздан юз ўгирса ҳайрон бўлиб, изтироб чекманг. Мулки давлат иши шундай. Одамлар катта ҳокимият ва катта сармоя элингизда тургандагина амри фармонларингизни сўзсиз бажариб, патаки пайтава бўладилар. Мавқеи мартабангизга шубҳа туғилган даму дақиқадан бошлаб шу қадар тез ўзгарадиларки, бу ҳолатдан ҳайрату афсусдан ёқа ушламоқдан бошқа чорангиз қолмайди. Кўрдингиз-ку, Амир Темурдан сўнг салтанату сулоласи не кўйга тушди. Хоқон ҳаётга кўзларини юмганда ўттиз олти нафар амирзода қолган эди. Шундан ўн чоғлиси бобо изидан боқий дунёга кетди. Буларнинг аксари ўз ажали билан оёқ узатмади. Тожу тахт ишининг таомили шундай, шаҳзодам, Вақтни қайб этмайлик. Қўшинга амр беринг. Йўлга чиқайлик. Босиб келиб йўлни тўссалар, унда аҳволимиз янада оғирлашади.

– Энди отам ўрнига қарор бериб, хоқон Шоҳруҳ билан ярашсам-чи? Булар билан савашиб қайга ҳам борар эдик? – хаёли паришон эди Жаҳоншоҳнинг.

– Аслида энг тўғри фикр ва йўл шу эди, шаҳзодам. Қиблагоҳингиз ҳазратлари хоқон элчисини ҳибсга олмоқ ўрнига сулҳга рози бўлганларида эди, мана шу кунга тушиб ўтирмаган бўлардик. Қазвин ва Султонияни таслим этмоқ эвазига пойтахт Табриз ва улар ваъда этган Озарбайжону Ироқ бизга қолган бўларди. Энди эса бу шаҳару ўлкаларнинг барчаси хавфу хатар остида. Ўлим хабарини эшитгандан сўнг қўшинимизнинг учдан бири қолса ҳам катта гап эди, – барчани бирдек саросимага солган эди бу ногаҳоний ўлим.

– Амиру қўмондонларимизга етказинг! Ужонга бориб, қиблагоҳ наъшларига эгалик қилишимиз керак! Ана шу сабаб туфайли Султонияни тарк этамиз! – саси бўғзига

тиқилиб, титраб чиқди амир Жаҳоншоҳнинг ва бошини қуйи эганча қиличи дастасини сиқиб оти томон юрди.

Ужон томон от сураётган шаҳзодани эллик чоғли энг яқин кишилари ва хос навкарлари ўраб борар, қалъадан чиққанларида буларнинг сони бир неча баробар кўп эди.

Амирзода Жаҳоншоҳ симобдек эриб тарқалиб кетаётган суворийу сипоҳийларни кўрмаслик учун орқага қайрилиб қарамас, қайғули қиёфада оти жиловини силтаб кетиб борарди.

– Буни қара, Қосим, – деди улар ярим фарсаҳ чамаси шаҳардан узоқлашгач. – Оламини тиратган ота бечора саваш чодирода азоб-уқубатда жон чекиб ўлим билан олишиб, омонатини эгасига топширса-ю, ҳар бири бир мамлакатни сўраб турган тўрт нафар подшоҳ ўғлидан бири ҳам бошида бўлмаса. Бу ёвузлар қиблагоҳ қароргоҳини ҳам талон-тарож этгандирлар. Маликалар ҳам қўлга илинган нарсани олиб, дуч келган тарафга қочган бўлса ажаб эмас. Шундай инсоннинг ўлиги кимларнинг қўлига қолди-я?

---

– Бошга тушганни кўз тортади, шаҳзодам. Сиз салтанат тулпори эгарига ўтирганингиздан бери бу каби оғир ва оғриқли мусибатни кўрмаган эдингиз. Ўзингизни қўлга олинг, қаддингизни тик ва мардона тутинг. Ота-она қайтуви меросдир. Ҳар кишининг бошида бордир. Оллоҳ раҳматига олган бўлсин, улуғ амир зоти олийлари ботирлигу баҳодирлик, мардлигу мардоналикда бир жаҳон султони эдилар. Ўтирган жойларида олам ўқини айлантира олардилар. Сиз олийшаън шаҳзодамизнинг асосий муҳим ишлари, бу сўғишу савашдан энг оз талафот билан чиқиб, ота салтанатини тутиб қолмоқдир. Бунинг учун ўзингиз тилга олганингиздек, Шоҳруҳ султон билан тил топишмоқ керак. Хоқонни отаси каби қаттиққўл эмас, тақводор бўлганлиги учун ҳар замон сулҳу ярашга

---

эшиги очиқ дейдилар. Бемалол ҳузурларига боришингиз ҳам мумкин, – жўяли фикрлар сўйларди Қосим қутвол.

– Маъқул сўйлайдурсан, Қосим. Энг муҳими, қорақўйинли туркманлар давлати ва сулоламиз салтанатини сақлаб қолмоқ. Киши мен ёшман, кеч ўламан, сен кексасан эрта ўласан дея ҳукм чиқара олмайди. Бироқ Чингизхон, Темур, жумладан, қиблагоҳимиз каби улуғ шахсиятларнинг ўлими мамлакат ва халқлар тақдирини ўзгартириб юборади. Менга бир нарса алам қилади. Қардошим Шоҳ Муҳаммад Боғдодда, Искандар Каркукда, Исфандиёр Абулжужда, Абу Саид Озарбайжонда, мен эса Султонияда. Дўстни суюнтириб, ғанимни титратган отанинг ўлиги эса эгасиз. Мана сенга қисмату қадарнинг сўнг, аянчли манзили, – оҳидан оташ чиқарди шахзоданинг. – Менга қара, Қосим? Биз тўхтамай юрсак, Ужон яйловига неча кунда етамиз?

– Тўрт кунда етармиз. Балки олти кунда, – жавоб қилди Қосим

– Боргунимизга қадар майитни тупроққа топширадилар-ку? Бунинг устига рақиб лашкари ҳам Ужон ва Табриз томон юрган бўлса керак. Тўғрими?

– Тўғри, шахзодам. Бунинг устига табризликлар бизни хуш қаршиламасликлари эҳтимоли ҳам бор.

– Нега? Нечун?

– Улуғ амир ҳазратлари илгарилари ҳеч қачон келишиб англашилмаганига қарамасдан Табриз вилоятидан аскар талаб қилганлар. Табризликлар бундан норози бўлиб, ўлганларининг кунидан лашкар тўплаб беришган. Энди бу чериклар додимиз худога етиб борди, деб байрам қилишаётган бўлишса керак ва сизу бизни қучоқ очиб қаршиламасликлари турган гап.

– Ҳа, шундай бўлган деб эшитган эдим. Қиблагоҳ ўлсам жасадимни Иржисдаги ота-боболаримиз мазорига

## Нурали ҚОБУЛ

---

қўйинглар, дея васият этгандилар. Майитни Иржисга олиб кетган бўлсалар керак. Отамнинг фақат ака-укалари биладиган бойликлари ҳам Иржис қалъасида сақланарди. Унга ким эга чиқди экан. Яхшиси, иниларим – Шоҳ Муҳаммадми, Исфандиёрми, бирортаси хузурига етиб олиб, бундан буён не тарзда ҳаракат этмоқни маслаҳатлашмоғимиз керак. Отамиз оламдан ўтиши билан Шоҳруҳнинг олдига югуриб борсак ҳам қардошларимизу қавмимиз маломатига қолишимиз мумкин, Қосим. Не дейсан? Фикрим тўғрими? Кишининг бошига иш тушганда калласи ҳам ишламай, тўғри йўлда ҳам адашиб кетар экан.

– Ҳақсиз, шаҳзодам. Иниларингиз ила бамаслаҳат иш тутганингиз маъқул. Акс ҳолда улар сизни хоинга чиқариб, тавқи-лаънат остида қолиб кетишингиз мумкин, – шаҳзоданинг фикрига қўшилди қутвол.

– Улуғ амирнинг бир ўзи Темурундан қолган ўнлаб амирзодага бас келган бўлса, куч-қувватга тўлган, ҳар бири бир катта мамлакатнинг султони бўлмиш беш ўғли бир Шоҳруҳга қарши тура олмайдиларми?

– Тўғри айтасиз, шаҳзодам. Ҳар бирингизда бир Шоҳруҳнинг кучи бор. Модомики, улуғ амир ҳазратлари уларга бўйин эгмаган эканлар, бир гапни билиб қилгандирлар. Ахир, бу мамлакатлару халқларнинг қисмату қадари абадул абад темурийларга қолмаган-вдир, – Жаҳоншоҳнинг авзойига қараб фикрини тегиш-тирди Қосим қутвол.

– Унда бирор хавфсизроқ жойда тўхтаб, дам олайлик-да, сўнгра қай томонга юрмоққа қарор берайлик, – деди Жаҳоншоҳ қаршидаги юксакроқ тепаликка қараб оти жиловини бўш қўяркан.

Тепаликка чиққан амир Жаҳоншоҳ беихтиёр ордидан от чоптириб келаётган йигирма чоғли суворий ва

---

анча орқада қолиб кетган чўғи пасайиб қолган черигига разм солди.

Мулки давлат қўлдан кетдими, аҳвол шу. Елпатак бўлиб юрган яқину бегона, хайрихоҳу тарафдор ими-жимидан юмронун тулкилар инини киралай бошлайди. Каттароқ фидия (бир иш эвазига бериладиган йирик маблағ, гаров пули) эвазига сенинг бошингни узибу тузлаб (кесилиб қарши тарафга жўнатилган бошлар тузланган) яғий подшошига етказадилар. Ҳеч қачон қўлинг калта бўлиб, бу олчоқ ва сотқин жоҳилларга кунинг қолмасин, — хаёлидан кечди амирзоданинг. Ака-укалар тезроқ англашиб, отамерос мулку давлатни сақлаб қолмоқ чора-тадбирини кўрмоқ керак. Ҳар қандай турумда темурийларга таслим бўлмаслик лозим. Уларга ён берилса, ёну жон душманлар — арабу форслар, усмонлию курдлар бош кўтаради.

Кўнгли озиб боши айланаётган шаҳзоданинг бир кундан бери туз тотмагани ёдига тушиб, беихтиёр элини хуржунга тиқиб яримта экмак олди.

Қуёш қонталаш уфқ ортига ботиб борар, амирзодага эргашиб келаётган, борган сари сийраклашаётган кўшин ним қоронғуликда элас-элас кўзга ташланарди.

## **ЎН САККИЗИНЧИ БОБ**

*Қуриган юртга қул оқсоқол.  
Отасўзи*

Темурийзода Мироншоҳ Кўрагонни савашда шаҳид этиб, Абу Бакр мирзонинг салтанат юлдузини сўндирган, сўнгида султон Аҳмад Жалойир Бағдодийнинг бошини кундага етказган улуғ амир Қора Юсуф туркманнинг шон-шуҳрати ошгандан ошиб, Қоҳирадан Дашти Қипчоққа қадар етган эди.



Дўсту душман очиғу пинҳона бир нарсани — хоқон Шохруҳ ва улуғ амир Қора Юсуфнинг тўқнашувини кутарди. Қора Юсуф туркманнинг шон-шухрати султон Шохруҳникидан өртса ортар эдики, кам эмасди.

Бунинг устига туркман жангчилари савашда шер каби бўлиб, ҳар қандай қўшин ҳам уларга юзма-юз бўлиб, қаршисига қилич кўтариб чиқа олмасди.

Бир-икки беклари тўғри маслаҳат берса-да, улуғ амир Қора Юсуф улар сўзини тингламай, ўғли Жаҳоншоҳга Қазвин ва Султонияни босиб олмоқ амрини берди.

Улуғ амир қароргоҳида сулҳу тинчлик тарафдорларига қараганда саваш ёнлиларининг тоши оғир босарди.

Қорақўйинли туркманлар зўр бериб ота мулкининг асосий қисмини қўлга киритиб бўлган, кўпдан бери Қора Юсуфни ўртадан кўтариб ташламоқни дилига туккан Шохруҳ султонга қарши савашга ҳозирлик кўра бошладилар.

Форс мамлакати мисли кўрилмаган даҳшатли уруш олови аланга олиш арафасида турарди.

Жаҳонгир-Амир-Темур ҳам манзилу-маконлар-вайрон, экин-тикинлар кунпаякун бўлмасин дея бу ҳудудлардан катта қўшин билан ўтмас, етти иқлим хоқонининг ўрдуси юз мингдан ошмас, катта-кичик қўшинлар Анқара тўқнашуви каби муҳим жанглар юз беражак манзилларга вилояту мамлакатлардан бирин-кетин етиб борарди.

Улуғ амир Қора Юсуф ҳам Турон хоқонидан кам лашкар жамламаган, от-улов, яроғ-аслаҳа ва лашкарнинг тайёргарлигию жанговарлиги борасида рақибдан ҳатто устун эди.

Табриз саройида машварат ўтказган улуғ амир Қора Юсуф Амир Темурдан кўрган қувғинликлар ва Дамашқ бандилигида ётган икки йил эвазига ўғли Шохруҳдан қасос олмоқ ва ўз кучини кўрсатмоққа пайт пойларди.

Темурдан сўнг кечган ўн беш йилда салтанат тулпори бир маротаба бўлса-да қоқилмади. Каттаю кичик барча жангу жадалларда қўли баланд келди. Шу тариқа фатху зафарларга ўрганиб, ўзининг Темур каби енгилмаслигига ишониб қолди.

Вазиру амирлари билан яғийни қандай қаршилашни муҳокама этиб ўтирар экан, енгилмоқ ҳеч кимнинг хаёлига келмас, сўнгги бир зарба билан темурийларни Хуросон саҳроларига улоқтириб ташламоқ кераклигини баҳслашишарди.

– Озарбайжон, Аррон, Муғон, Диёрбакр, Араб Ироқи қўшинлари етиб келди, улуғ амир ҳазратлари. Шаҳар ташқарисига чиқиб сипоҳни кўриқдан ўтказиб билурсиз, – деди ўрду вазири амир Қора.

– Тамом. Эртага эрталабга бутун лашкар кўриққа ҳозир бўлсин! – буюрди улуғ амир.

Ундаги ҳолсизлик Шоҳруҳнинг ўзи томон бостириб келаётганини эшитган пайтда бошланган эди. Шунда бирдан кайфияти ўзгариб, руҳи тушиб кетди. Боши айланиб, Шоҳруҳ сўзи Темур дегандек туюлди. Неча йиллар тоғу тошларда қочиб-пусиб юрган ўша хавф-хатарли кунлар кўз олдида келиб, дами ичига тушиб кетди. Кўкрагининг чап томонида нимадир чирт этиб узилгандек бўлди. Бироқ ҳеч қандай оғриқ йўқ эди. Ўтирган тахтига ёпишиб қолгандек ҳис этди ўзини. Не қадар тетик кўринмоққа уринмасин, оёқларидан мадор кетиб, иштаҳадан қолди.

Вазиру амир, қўмондону мингбошилар орасида ундан девқомат ва узун бўйли ҳеч ким йўқ эди. Ҳафта, ўн кунда ўз-ўзидан озиб, бақувват гавдасининг териси тортилиб қолди.

Табиблар ҳеч бир касалини аниқлай олмай турли эзиб ичкилар беришди. Бироқ жисмонан бақувват амир хасталикни ҳам унутиб, бўлажак жанг режасини тузар,

кетма-кет машваратлар ўтказар, ўзига тегишли мамлакат ва вилоятларга амри фармонлар жўнаттирарди.

Табризнинг кун ботишидаги лашкаргоҳга чиқиб офтоб зарралари каби сон-саноксиз сипоҳни кўрганда ўзини етти иқлимни фатҳ этган Искандар ва Темур каби ҳис этиб, аъзойи бадани сўз ила ифодалаб бўлмас бир ғуруру ифтихор, ғолиблигу фотиҳлик туйғусидан жимирлаб кетди.

Бошдан-оёқ зирҳ, совут, тиг ва найзалар билан қуролланган, юлдузларни кўзлаган суворийу пиёдаларга кўзи тушганда бутун дунё шундоққина кафтида тургандай туюлди.

Демак, Амир Темурни жаҳонгирлик мақомига етказган илоҳий туйғу шу экан-да, дея фикр қилди ўзини олқишлаган мингликлар олдидан ўнг қўлини кўтарганча саломлаб ўтаркан.

Не қадар ўзини самоларда учиб юргандек ҳис этмасин, ўша, чап кўкрагидан ниманидир узилгандек бўлгани ва ҳолсизланганидаги-туруми-давом-этар, ич-ичидан келаётган бир нидодан руҳи тушиб кетаверарди.

Одамнинг ёши бир манзилга етса, ёстиққа бошини қўйгандан кўзини очгангача туш кўраверар экан. Қай бир воқеа ёки кишини ўйласа, шу нарса рўёсига кирар-вераркан.

Илгари Темур кўп тушига кирар эди. Сўнгра Мироншоҳни кўп кўрадиган бўлди. Кейинги икки йилда эса негадир Султон Аҳмад Жалойир руҳи уни безовта қиларди. Сўнг рўёсида у қўлидаги кетмон билан қабристон кезиб, лаҳад кавламоқ учун бўш жой ахтарарди. Бу билан у нимани ишорат этмоқда?

Унинг қатл этилганига ҳам ўн йилу икки ярим ой кечибди. Сўнги ўн йил улуғ амир учун шон-шухрат, бахту иқбол йиллари бўлди. Озарбайжон ўлкаларида қудратли

ҳокими мутлоқ бўлиб даври даврон сурди. Диёрбакр, Араб Ироқи ва Ажам Ироқининг аксар ҳудудларини эгаллади.

Ўлим ҳақ. Ҳеч ким ундан қочиб қутула олмайди. Етти иқлимни титратган Амир Темур ҳам ҳечам ўлмайдигандек кўринарди. Одамлар анча пайтгача унинг ростдан ҳам ўлганига ишонмай юришди. Бироқ ҳар бир ибтидо-нинг интиҳоси бордир. У ҳам охири бир кун ўша шаробни сипқоражак. Аммо мана шундай, давлату салтанати куч-қудратга тўлган, сулоласи ўзининг юлдузли онларини яшаётган, беш шаҳзода ўғли беш мамлакат жиловини маҳкам тутиб турган бир замонда эмасдир? Яна бу ёғи ёлғиз эгасига маълум! Ё Оллоҳ! Бундай кўргуликлардан ўзинг асра! Салтанат тулпори чўққиларга учиб чиққанда қоқилтирма!

Лашкарни кўриқдан ўтказган улуғ амир Қора Юсуф шу чиққанидан Табризга қайтмади. Амиру вазирлари лашкаргоҳдан тўғри Ужон ўтлоғига юришни ва саваш учун қулай бўлган мавзе ва мавқеларни эгаллаб, яғийни ўша майдонда қарши олишнинг маслаҳат беришди.

Боши айланиб кўзи тинаётган, назарида ичидаги бир нарса сингандек ҳолу аҳволда от устида тебраниб бо-раётган улуғ амир дардини кимсага сўйламас, бетоблиги хабарини эшитганлар уни ўлдига чиқаришар эди.

Атрофида гирдикапалак бўлаётган табибларга ҳам сир бермас, ҳамгин табассумда жилмаяр, ўзини тетик, бардам кўрсатишга уринарди. Ужон яйловига етиб келишлари билан бирдан туруми оғирлашди.

Юртчилар сарой аъёнлари ва лашкар кўзидан узоқроқ шамолпана камарга саропарда тикишди.

Отдан учиб кетишига оз қолган амирни суяб туширган тўрт мулозим уни кўтарганча саропардага олиб кирди.

– Менинг аҳволимни қўшинга билдирманг! Тарқаб кетади! Бошимда сену амир Қора турингиз! Бошқа кимсани киритманг! Куним битганга ўхшайди! – деди амир Юсуф бошида ҳақ деб ўтирган энг севимли хотини Қадам пошога. – Унгламайдиганга ўхшайман. – Наҳотки?..

– Ундай деманг, улуғ амирим! Толиқиш ва асабийлашмоқдан ҳолсизландингиз! Бироз истироҳат этиб, дам олинг! Ўзингизга келиб қоласиз! Дард берган эгам шифосини ҳам беради! – кутилмаган фалокатдан ўзини йўқотиб қўйган эди малика Қадам пошо.

– Йўқ, Қадам! Ичимдаги жон жавоҳири синганга ўхшайди. Кўзимни аранг очмоқдаман! Табибларни чақир! Уларга ҳам хасталигимни кимсага сўйламасликларини тайинла!—

Табриз, Машҳад ва Шероздан келган уч табиб ўзаро маслаҳатлашиб, муолажага киришдилар. Бироқ фойдаси бўлмади. Иккинчи куни гапдан қолган улуғ амир Қора Юсуф учинчи куни жон таслим қилди.

Қиёмат қойим ана шундан сўнг кўпди. Улуғ амирнинг бошида амир Қора билан малика Қадам пошо бир-бирларига тикилганча не қиларини билмай нотавон аҳволда ўтиришар, паришонликдан марҳумнинг жағини ва оёқлари бош бармоқларини боғлашни ҳам унутаётган эдилар.

Анчадан сўнг саропарда эшигидан мўралаган табибларни кўриб қолиб мурдани тартибга келтирдилар.

– Энди нима қиламиз, маликам? Бирорта шаҳзодани отасининг ўрнига тахтга ўтқазиб, подшоҳликка кўтармасак мулки давлат эгасиз қолади ва бу ёввойи туркманларимиз айиқ қувган подадек тарқалиб кетади, – деди амир Қора малика Қадам пошога.

— Амирзодалардан ҳеч бири бу ерда йўқ-ку! — тилига

калима келмас эди маликанинг. – Амирга тегишли мол-мулк, зеб-зийнат ва бойликлар ана у ерда! Кимса унга қўл теккизмасин! Иккимиз ўзаро англашароқ хазинани бу ердан олиб чиқиб кетишимиз керак, – деди малика саропарда тўридаги хос хонага ишора қилиб.

– Ҳозироқ ўз ақраболаримдан бир ўнликни қоровул тайин этаман. Сиз ўша тарафга ўтиб, хазинанинг бошида бўлиб туринг! Майитга табиблар қарашар, мен кўшиндан хабар олиб келай. Вазиятга қараб ҳаракат этамиз, маликам! Хазинани зудлик ила бу ердан олиб кетмасак, талашади. Иложи бўлса сиз уларни бўғчалаб ва тойлаб, хачирларга ортишга тайёрланг! Хазинасиз давлатнинг давлатлиги қолмайди ва кўчадаги эгасиз кўппак ҳам сўзимизга кирмайди! – дея саропарда эшиги томон йўналди амир Қора.

Ташқарида эса тўс-тўполон бошланган, ит эгасига боқмасди. Улуғ амир вафотини эшитган қўмондону аскар борки, юртига қайтмоқ ва эрта-индин теурий ўрду босиши мумкин бўлган мамлакатию бола-чақасини ўйлаб, оти жиловини ортга бурганди.

Амир Қора чиқиши билан саропардага улуғ амирнинг укаси Мисирнинг ўғли амир Ғазон шахд билан кириб келди. Ортидан йигирма чоғли навкар саропардани босди.

Бир неча кун бурун кирганида пешонасини теккизиб таъзим қиладиган шоҳона туркман гиламларни топтаганча тўппа-тўғри хазина турган хос бўлмага ўтди.

Малика Қадам пошо сандиқларни қулфлатиб, бўғчаларни канизакларга тугдирарди.

– Ҳа, маликам, ўликни буроқиб, тутга югурибдиларда! – деди амирзода Ғозон тиши орасидан ўнг қўли билан қиличи дастасини ушлаб сийпалар экан.

– Бирортаси келиб ўғирлаб нетиб кетмасин, дея қўриқлаб ўтирибман-да, амирзодам! Улуғ амир тахтларига ким ўтирса, бу ўшанинг хазинаси. Бир дона тангасида кўзим йўқ! – деди амирзоданинг важоҳатидан қўрқиб кетган малика.

– Ҳа-а, кўзинг йўғ-а, кўзинг йўқ! Уч кундан бери амир Қаро билан амакимни даволатишни эмас, хазинани қандай гумдон қилишнинг режасини тузиб ётганинглари яхши биламан! – ўшқирди амир Ғозон. – Кеч бу ёққа, кеч! Шу пайтгача амакимнинг кўзини ёғини ялаганинг етар! Усиз ҳам етти пуштинггача етажагини ғамлаб олган бўлсанг керак! Энди бу хазинадан мен нима берсам шуни оласан! Ўт бу ёққа! Чақир ана у қанжиқларингни ҳам! Маликани ўз чодирига элтинг! Амир Қарони саропардага киритманг! – навкарларига буюрди амир Ғозон. – Аёллигинга бориб ғиди-биди дейдиган бўлсанг, ўзингдан кўр!

Канизакларини эргаштирган малика Қадам пошо рўмоли учини тишлаганича саропардадан чиқиб кетди.

Устига ёпинчиқ ёпиб қўйилган мурда саропарданинг бир четида турар, унга кимса қайрилиб қарамас, ҳамманинг кўзи навкарлар ағдар-тўнтар қилаётган хос бўлмада эди.

Амир Ғозоннинг ўзи хазина бўлмасига бориб, ашё ва молларни қийматига қараб ажрата бошлади.

– Олтин идишлар, қимматбаҳо тошларни мана бу кичик сандиқларга сол, – буюрди ишбоши ўнбошига. – Олтин сопли қиличу ханжарларни ҳам. Кумуш ашёлар билан гумажларни қолдир! Маликалар бўлиб олишар! Сен эса отларни келтир! Ўнта улов келтирсанг етар. Эҳтиёт шарт захирага беш-олтита от ол! – бошқа бир навкарга амр этди Ғозон.

– Не қилмоқдасиз, амираим? – сўради хос бўлмага

етиб келган амир Қаро Ғозоннинг ишидан ҳайрон бўлиб. – Хазинанинг тақдирини улуғ амир тахтига кечган подшоҳ ҳал этиши керак эмасми? – норози эди амир Қаро.

– Подшоҳ сайланмаса, даъвогарлар тўқсон тўққиз тош нарида бўлса! Унгача дуч келган бир малика ёки бекнинг гумдон қилишини томоша қилиб туришимиз керакми? Улуғ амирнинг тахтларига, балки жияни ўлароқ, мен кечарман! Не демоқчисан? Сўйла мақсадингни! Ана у малика билан шивир-шивир қилиб юрганлигингни лашкаргоҳдаги иту бит ҳам билади!

– Мен масаланинг қонуний ҳал этилиши тарафдориман, амирим! Хазинада не бор, не йўқ, масъул бир ҳайъат ҳатлаб, ким подшоҳ эълон этилса шунга топшириши керак деган фикрдамен! Сиз ҳам шу мақсадда бу ишга бош қўшмоқдасиз деган ўйдаман, – амирнинг бекланмаган ташрифидан шошиб қолган ва режаси бўзилган эди амир Қаронинг.

– Менинг авлод сифатида амаким хазинаси билан илгиланмоққа ҳақ-ҳуқуқим ва ваколатим сендан кўра кўпроқ эканлигини билсанг керак, амир Қаро! Гапни чувалатма! Сен билан маликага хазинанинг бир қисмини қолдираман! Мен олган молларни Авник қалъасига элтиб, сақлайман ва султон Пирбудоқнинг таълимотига кўра ҳаракат этаман. Сен ҳам қолган-қутган нарсаларни малика Қадам билан тинчитишни ақлингдан чиқар-да, хачирларга ортиб, ортимдан Авника етиб бор! Нафси бузуқлик қилиб, ўзингни у ёқ-бу ёққа ташлайдиган бўлсанг, билгинки, эрта кунда ҳисоб беришга тўғри келади! Гап тамом, вассалом! Ишингга боқ!

– Майит нима бўлади? Унга ким эга чиқади? – мунозарадан маъно чиқмаслигини англаган амир Қаро гапни бурди.



– Беш шаҳзодадан бири етиб келиб отасининг ўлигига эга чиқар! Жаҳоншоҳ ҳам Султониядан чиқиб йўлга тушибди! Барча шаҳзодаларга чопар юборилган!

– Улар вақтида етиб кела олмасалар керак, амирим! Унга қадар майитни сақлаб бўлмайди!

– Сақлаб бўлмаса чорасини кўр! Тириклигида амакимга биздан-да яқин эдинг! Канадек тармашиб, кўзини ёғини еб юрардинг! Ўлигига ҳам яқин бўл ва васият этганлари Иржисга элтиб тупроққа бер! Нега қараб турибсан! – иддао билан жавоб қилди амир Ғозон.

– Авлодларидан бири таъзиянинг бошида турмоғи керак эмасми?

– Ҳозир амаким амир Зайнал келади ва биз бу масалани ҳал этамиз! Сен ўз ишинг билан машғул бўл! Менга ҳалақит берма! – жеркиди амир Ғозон.

Ҳафсаласи пир бўлган амир Қаро саропардадан чиқиб малика Қадам пошонинг чодир томон юрди.

– У билан тенглашиб тортишманг! Нима учундир айтишиб, ўз хешини чопиб ташлаган дейдилар. Олганини олсину, даъф бўлсин! Биз қолган-қутган молларни йиғиштириб Алинжақ қалъасига кетамиз! Аёл бошим билан мен мурдани Иржисга олиб боролмайман! Икки амакивачча амир амакисининг майитини не қилсалар ўзлари биладилар! Менинг йиғиб-терганларим ҳам Алинжақда эди. Тезроқ етиб бориб эга чиқмасак, ана у қароқчига ўхшаган бири талаб кетади. Қараб туринг! Кетиши билан унга ўхшаган иккинчиси келиб қолган-қутган хазинани ҳам уриб кетмасин! – деди малика амир билан чодирдан чиқаркан.

Амир Қаро ва малика Қадам пошо чодир саҳнига чиққанида амир Ғозон юк ортилган ўн беш чоғли отни олдига солиб, марҳум амир саропардасидан ярим

чақирим узоқлашганди. Чодирни талаётган навкарлар эса малика ва амирга кўзлари тушиши билан қоча бошлашди.

Амир ва малика керагаю тиргаклари қийшайиб кулаётган саропардага етиб келганларида майитнинг эғнидаги кийимлари ва устидаги ёпқинчиқни ҳам олиб, ўнг қулоғини олтин ҳалқаси билан қўшиб кесиб кетгандилар.

– Мана сизга энг олий даражадаги шармандалик! – деди амир Қаро ҳайратдан қотиб қолган маликага. – Шундай улуғ инсон ва султон шу каби муносабатга муносиб эдиларми? Ёзиқлар бўлсин бу ишни қилган шак-кокларга.

– Бунга ўша, Ғозоннинг одамлари қилган. Амакисини ёмон кўрарди. Улуғ амир ҳам унинг ит феълини яхши билар эди, – деди малика эғнидаги яқтагини ич кийимда қолган майитнинг устига ёпаркан. – Ким бўлмагин, ўлганингдан кейин шу экан-да. Бизга ҳам бирор зиён-заҳмат етказмасларидан бурун бу ердан узоқлашайлик, амирим! Қўрқиб кетяпман! – деди малика пешонасини амир Қаронинг елкасига тираб. – Бу аҳволда амирнинг майитига ким эга чиқади, ақлим етмай қолди? Сиз тезроқ мол-мулкни хачирларга орттиринг! Тезроқ жўнайлик! Акс ҳолда Зайналга ўхшаган яна бири келиб, бизни ўлдириб қолган-қутган хазинани ҳам супуриб кетади.

Амир Қаро Ғозон қувиб юборган навкарларига тўрт тарафда сочилиб ётган ашёларни қайта тўплаб, хачирларга ортишни буюрди.

Малика ва улуғ амирнинг энг еткили амири Қаро ҳам яхши отларга миниб, майитни ўз ҳолига ташлаб, Аланжақ қалъаси томон қочишди.

– Менга қара, ўнбоши! – деди амир Қаро ўнг қўли

саналмиш навқари Гултегинга сўнги таълимотни бээраркан. – Мен маликамиз зоти олияларини хавфсизроқ Алинжақ кўрғониға етказмасам бўлмайдиганга ўхшаб қолди. Сен бу ерда қолиб, улуғ амир майитини муҳофаза этиб тур. Бу аҳволда кечаси ёввойи итлар ёки жондорлар еб кетмасин тагин! Ўғилларими, ақраболарими келиб Иржисга олиб кетишгач, ортимиздан етиб бор. Вазиятни ҳам ўрганиб, сўнги воқеалар тафсилотини бизга етказасан! – ўнбоши Гултегинга сўнги буйруқни берди амир Қаро. – Бизнинг Алинжаққа кетганимизни кимсага сўйлама.

Малика Қадам пошо ва амир Қаро Алинжақ кўрғониға етиб келганларининг тўртинчи кунида ўнбоши Гултегин ҳам қалъа дарвозасида пайдо бўлди.

Амир навқарини маликанинг шоҳона безатилган хонасиға олиб кирди.

– Сўйла, Гултегин? Биз кетгандан сўнг лашқаргоҳда не воқеа ва ҳодисағар юз берди? – сўради малика бу айрилиқни у қадар оғир олмагани юз қиёфаси ва гап сўхангидан сезилиб. – Улуғ амир наъшини Иржисга олиб кетдиларми ёки Табризга?

– Сиз маликам ва амир жаноблари кетган куннинг эртасиға лашқаргоҳға Сейди Аҳмад Кажужоний бошчилигидаги Табриз улуғлари келишди. Уларнинг ёнида улуғ амир Қора Юсуф ҳазратлари ҳибс эттирган Шоҳруҳ султоннинг элчиси Поянда ҳам бор эди. Табриз ақобирлари уни маҳкумлиқдан озод этиб, узрхоҳлик билдирдилар. Улуғ амир жасадини эса Табриз йўли орқали Иржисга қараб олиб кетдилар.

– Улуғ амирнинг наъши Сейди Аҳмадга қолибди-да? – бошини маъноли соллади малика.

– Шундай бўлди, маликам. Хешу ақраболаридан, ҳатто қавмидан ҳам ҳеч ким ёнида қолмади. Бирорта

шаҳзода отасининг майитини эга чиқиб, олиб кетмоқ учун етиб кела олмади.

– Шаҳзодалар бошкентларидан узоқлашсалар, мамлакатлари элларида кетиши мумкин. Отамнинг ўлишини билсам бир элак кепакка алиштирар эдим деганлари шу бўлади, – амир Қарога маъноли қаради малика.

– Бу мақол аслида Туркистонда бир кўппакийга дейилган. Сўнгра кўппакий кепакка айланиб кетган, маликам.

– Қадам пошонинг гапини тўғрилаган бўлди амир Қаро.

– Ана қадарнинг мусибатли ўйини!

– Начора, маликам. Ҳеч бир киши ўзининг қайда ва қай аҳволда жон таслим қилиши, қай бир тупроқ тортишини билмайди. Шундай ўлим толеи тақдирида бор экан-да раҳматли улуғ амирнинг. Энди шаҳзодалар мавқе таллашиб, мулки салтанатни парчалаб хароб этмасалар бўлгани. Ўлган ўлади-кетади, гўрига чим битади. Амирлар лашкаргоҳда қолдиларми ёки улар ҳам тарқалиб кетишдими? – ўнбошидан сўради амир Қаро.

– Улуғ амир раҳматлининг иниси Ёр Алининг ўғли Зайнал Ужон орқали Ардабилга кетди дейишди. Амир Боязид ўз юрти Курдистонга жўнади. Амирлар Муҳаммад Жангий ва Илёсбеклар Диёрбакр йўлини тутдилар. Қолган амиру кўмондонлар ҳам отаси ўрнига ҳокимиятни олади, дея фикр қилган шаҳзодалар томон жўнаган ёки юртларига қайтган, амирим, – жавоб қилди ўнбоши.

– Умр, ҳаёт шу экан-да, маликам. Султон Аҳмад Жалойирнинг қатл қилиниши менга жуда ёмон таъсир этганди. Улуғ амир жаноблари шундай бир султоннинг бошини кундага етказиб, буюк хато ва жиноятга қўл урган эдилар. Улуғ амиримиз султон ҳазратлари қаршисига асроил бўлиб чиққан эдилар. Орадан ўн йил кечиб, асроилнинг ўзи амирнинг қаршисига келди ва азоб бермай жонларини олди. Сизу биз бир кўрғонга қамалиб,

етим кўзига ўхшаб қолдик, – деди амир Қаро маликага суқланиб боқаркан. – Гултегин! Ертўлада Мисрдан келтирилган шароблар бор! Бир кўзасини олиб кел! Ўлар дунё ташвишларини бир куну тун бўлса-да, унутайлик!

Малика Қадам пошо ҳам амирнинг гап-сўзларини диққат билан тинглар, нигоҳидаги хайрихоҳлик аломатлари унинг-да бекка нисбатан бефарқ эмаслигини муждаларди...

Эртаси куни Иржисдан етиб келган амир Юсуфнинг навкари айтган гапдан малика ҳам, бек ҳам лолу ҳайрон бир-бирларига тикилиб қолдилар.

– Иржис кўйиндисининг ёнида Хатирчи (хачир арабчада хатир дейилади. Бизда ўзгариб хачирга айланиб кетган) деган кўй бўлиб, эшак ва хачир бозори бор. Шу бозорга хачир олмоқ учун борган эдим. Иржисга етган Бойсунғур мирзонинг эллик чоғли навкари қабристонга кириб кетишди. Одамлар амир Қора Юсуфнинг бошини кесиб олиб Шоҳруҳ султонга юборишса керак, дея қабристонга оқин этдилар. Биз ҳам бордик. Суворийлар қабрни очиб, жасадни лаҳаддан олиб чиқиб кўрдилар. “Бунақа ҳайбатли одамни кўрмаган эдик” дейишди бир-бирига. Сўнгра қайтариб кўмдилар. Халойиқ уларнинг бу қилмишини маъкул топмай қоралади, – деди Иржисдан етиб келган навкар.

– Қабрида ҳам тинч кўйишмабди-да, улуғ амир ҳазратларини, – деди амир Қаро чуқур хўрсиниб бошини маъноли соллар экан.

Малика Қадам пошо ерга тикилганча фотиҳа сурасини такрорларди.

Қасрда ё қабрдасан, қадрда ё қаҳрдасан, аё шуқри сабрдасан, тонг отар, кун ботар, умр елдек ўтар эди...

УН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Мен бу асарни энг буюк, энг одил,  
энг оқил ва энг машхур олим Султон  
Улуғбек Кўрагоний кутубхонаси учун  
яратдим.

Ғиёсиддин ал-Коший.

“Арифметика калити” асари муаллифи.

1420 йил, Самарқанд

Озарбайжон мулкининг пойтахти Табризни тарк этган қорақўйинли туркман чериклари Турону Хуросон ўрду-сига дуч келмаслик учун тоғу дара йўлларида юриб, шаҳар, кўй ва қасабалардан узоқлашардилар.

Кечмишда темурийлар мулки саналган Табриз халқи улуг шаҳзода мирзо Бойсунқурни хуш қаршилади.

Улуг амир Қора Юсуфнинг сўнгги қароргоҳи Табриз саройида ҳамма ашёлар жой-жойида турар, хона соҳиби кеча чиқиб кетгану, бугун қайтиб келадигандек эди.

Сарой боғидаги хурмо, олма, беҳи ва ўриклар қизғишу, қаҳва рангига кирган япроқларини тўкиб, қиш уйқусига ҳозирлик кўрарди.

Боғ бурчагидаги катта қафаслардаги саъва ва тўтиқушлар тинимсиз сайрашар, оч қолган туяқуш билан зурафолар четан девордан бўйниларини чўзганча елиб-югуришаётган одамлардан емак кутгандек ғалати овоз чиқаришарди.

— Зурафо ва туяқушлар оч қолибди, — деди мирзо Бойсунқур тўғри ҳайвонлар кўрасига келаркан. — Буларнинг қаровчиси қайда?

— Биз кирганда боғда кимса йўқ эди, шаҳзодам, — жавоб қилди хос мулозимлардан бири.

– Ҳамон ўша боқувчини топтиринг! Эски соҳиблари билан қочиб кетмаган бўлса келсин! Ишини давом эттирсин! Табризда улуғ амир раҳматлининг хизматида бўлган ҳеч бир кишига тўқинмаймиз! Улар кеча кимга хизмат этган бўлсалар-да бугун бизнинг раиятимиз, ватандошимиздир! – буюрди амирзода.

Шаҳзода маймун, бургут, қирғий ва қарчиғайларни томоша қилиб боғни айланди.

– Ҳайвон ва қушлар боқувчисини топдим, шаҳзодам! Биздан кўрқиб, маймуннинг кулбасида яшириниб ётган экан! – деди навқарлардан бири зангипутуш, жингалак сочли қирқ ёшлар чамасидаги кишини олдига солиб келар экан.

– Кўрқманг, биродар, – деди Бойсунқур мирзо ҳайвон қаровчисига қизиқсиниб боқаркан. – Инсон зотидан қочиб, маймунлар кулбасига яширинибсиз-да? Тўғри қилгансиз. Ёвузлик пойгасида биз одамларга ҳеч бир яратик етолмайди. Кимсага бизнинг зараримиз тегмайди. Сиз не иш ила машғул эдингиз?

– Ҳайвон ва қушларга қарардим.

– Қанча маош олар эдингиз?

– Маош олмасдим. Ун, ёғ, гуруч, бирда ярим эт ҳам беришарди.

– Бола-чақангиз ҳам борми?

– Бор, хотиним, бир ўғил, бир қизим бор.

– Завжангиз ишлайдими?

– Ишлайди. Сарой фарроши.

– Ойда сизга не қадар озиқ-овқат беришар эди?

– Икки пуд буғдой, чорак пуд махсар ёғи, бир пуд гуруч ва чорак пуд миқдоридagi этни хазина амиридан олар эдим.

– Сизга шу тартибда емак-ичмак олмоқ маъқулми ёки маош тарзида берилгани яхшими?

– Ойлик маош афзал-да, султоним. Истаган озиқ-овқатимни ўзим харид қиламан.

– Англашдик, биродар. Муҳосибачиларимиз сизнинг бир ойлик емак-ичмак ва кийим-кечак масрафларингизни аниқлаб, маош тайин этадилар. Сиз бу жониворларга яхши қаранг. Бир неча кундан бери озиқлантирилмаган кўринади, бечора жониворлар?

– Амир Қора Юсуф ҳазратлари қайтиш қилдилар, деган гап тарқалиши билан хазина амирию омборчилар бир кечада ғойиб бўлишди. Уч кундирки, одамлар нимани олиб келсалар едириб турибман. Сайрчилар ҳам келмай қўйишди. Ҳайвонлар учун кўчага чиқиб тиланчилик ҳам қилдим.

– Кўп олижанобу шафқатли бир киши экансиз. Бул боқувчи қардошимизга бир сидра уст-бош берингиз ва ҳар кунги тушлик емаги сарой ошхонасидан таъмин этилсин! – баковулу боварчига амр берди шаҳзода. – Менинг Чин ҳукмдори ҳадя этган шоҳинларим ҳам бор. Сиздан уларга-да қарашингизни рижо этаман, қардошим, – дея султон ҳайвон боқувчисининг елкасига қоқиб қўйди сарой томон юаркан.

Шайхулислом ва олий қози ҳам шаҳзода ортидан эргашди.

– Собиқ ҳукмдор шариату тариқат ишларига ғайри машру, яъни шариатга зид, тўғри келмайдирган тартибларни киритган деган гапларни эшитган эдик. Шу гап-сўзларда жон борми? – шайхулислом ва олий қозидан сўради Бойсунқур мирзо.

– Тўғридир, шаҳзодам, – жавоб бермоққа киришди шайхулислом. – Улуғ амир Қора Юсуф, билхосса, унинг қорақўйинли қавми ислом дини қонун-қоидалари ва аҳкомларидан анча узоқ эрканлар. Улар жорий этган тартибларни бироз ислоҳ қилмоққа тўғри келади.



## Нурали ҚОБУЛ

---

– Исломгача улар Кўктангрига сиғинганлар, шайхулислом ҳазратлари. Бизнинг боболаримиз ҳам худди исломдаги каби Тангрини тек Оллоҳ қабул этганлар. Якка худолик эътиқоди аслида биз турклардан тарқалган. Барча мусулмонлар дини исломнинг олий талабларига жавоб бера олмайдилар, албатта. Миллату умматни хароб этгувчи киши кўр-кўрона, саводсиз ва илмсиз диндордир. Бундай қавмлар ҳеч қачон юксалиб ривожланмай, тараққиётга эришмай ўтаверадилар. Шариату тариқат ишларини динимизу мазҳабимиз нуқтаи назаридан изга сола билурсиз. Мен бу ишларда сизга йўл кўрсатмоқ ва ақл ўргатмоқ фикридан йироқман. Дин пешволари ҳам ҳар бир ишда давлату сиёсат ишига қаришмасликлари керак. Мадраса ва дорулфунунларимизда дунёвий илмлар ўргатилмоғи лозим. Бу хусусда Чиндан ўрнак олмоқ ва улар тажрибасидан истифода этмоқда фойда бор. Шаръий ишларни сиз интизомга келтиринг! Мулки давлат тўраю тузугини эса биз саранжом этайлик!

Дорулмулк Табризда мулки давлат ишини тартибга солган мирзо Бойсунқур зулҳижжа ойининг охири, яъни биринчи ойнинг бошида қиблагоҳи қўлини ўпмоқ ва ҳисоб бермоқ учун Қорабоғ қишлоғига етиб борди.

Султон Улуғбекнинг олий ўрдуга юборган ўн минглик қўшини ҳеч бир жангу жадалсиз, беталафот Туркистонга қайтди.

Минглик ва юзликларга ўз ўлкаларига кетмоқ амри берилди.

Бухоро мадрасасини очиб, илк маърузани қилган Улуғбек Самарқандга қайтарда Ғиждувонга тўхтади.

Пиру комил Абдухолиқ Ғиждувоний мақбарасини зиёрат қилгач, шаҳарда мадраса қурилажак учун жой танлади.

Энди Мўғулистон ишини ҳал қилса, Шермуҳаммадхонни бобо тахтига ўтқазса бўлади, деган фикрга келди Самарқанд султони амиру вазирлари ила маслаҳатлашиб.

– Истаганингиз қадар аскар ва қурол-аслаҳа олишингиз мумкин, хонзодам. Беклаганингиз фурсат келди. Емак-ичмақдан ҳам кўмак этамиз. Мўғулистон тахтида биз ишонган, салтанатимизга ташвишу таҳлика орттирмайяжак сиз каби бир хонзода ўтирмоғи керак деган фикрдамиз. Шундагина биз Самарқандда тинчу хотиржам ўтира оламиз, – дея Шермуҳаммадхонни Кошғар сари кузатиб қўйди мирзо Улуғбек.

Самарқанддан қанот боғлагандек учиб чиққан Шермуҳаммадхон илк тўқнашувдаёқ Увайсхонни енгиб, Мўғулистон тахтини эгаллади.

Кошғар ва Самарқанд орасида қатнаб турган чопару элчилар султон Улуғбекнинг мактубларини Шермуҳаммадхонга етказар ва хоннинг миннатдорчилик оҳангидаги хатларини олиб қайтар эди.

Шермуҳаммадхон ҳокимиятни қўлга олиб оёққа туриб олгунга қадар султон Улуғбек унга ҳеч бир талаб билан мурожаат этмади.

Иттифоқчисининг кучланганига, мулки давлати хавфхатардан холи бўлганидан сўнг илк истак билан мактуб битди. Битиқда Увайсхон ҳокимиятни эгаллаган даврда ўзидан юз ўгириб Кошғардан қочиб кетган ноиб Пир Али Тикритийнинг ўғли бошлиқ қочқинларни тутиб, Самарқандга қайтаришни сўради.

Бироқ кетига жир битган Шермуҳаммадхон Улуғбекнинг сўровини рад этди.

Кутилмаган муносабатдан ҳайратга тушган Улуғбекнинг авзойи бузилди. Кечаю кундуз Мўғулистонга юриш ва Шермуҳаммадхонни жазолаш ҳақида ўйлай бошлади. Бироқ бу сафар учун Ҳиротдан изн керак эди.

Амир Ҳамзани ҳузурига чорлаган шаҳзода унинг кўлига Шермуҳаммадхон ўғлоннинг барча қилмишлари батафсил баён этилган мактубни тутқазди.

Ҳиротдан йигирма кунда қайтиб келган амир Ҳамзанинг кўйнидаги зарфда: мирзо Улуғбекнинг Мўғулистон юришига изн берилган эди.

– Сафар учун қиблагоҳнинг рухсатларини олдик, – деди улуғ амиру вазирларини машварат учун Кўксаройга чорлаган султон. – Маъқул десангиз кузнинг иккинчи ойи сўнгида йўлга чиқайлик-да, қишлоғни Шоҳруҳия, Саброн ва Андижонда ўтказиб, кўшинни ўша ҳудудларда йиғайлик. Ўрдунинг ўнг қаноти амирлар Ҳарий Малик ва Шайх Абу Саид бошчилигида Андижонда, Султон Увайс Барлос, Хожа Юсуф ва Таваккал Барлосларнинг черикларидан ташкил топажак сўл қанот эса Саброн атрофи ва Қорасомон манзилида қишласин. Мен эса ғул билан Шоҳруҳияда бўламан. Барча вилоят ва навоҳияларимизнинг лашкари ўзлари учун таъсис этилган муқаррар булжорда (Лашкар қисмларининг сафарга чиқиш олдидан тўпланиши-лозим-бўлган жой ва вақт; шу ҳақда келишиб олинган аҳд) муайян мавзеда жам бўлсинлар! – дея амиру вазирларига кетмоққа изн берди Улуғбек. – Ҳузуримизга мавлоно Абуллайсий устозни чорланг.

Мавлоно Абуллайсий кириб келганида асабийлашган Улуғбек бир пайтлар улуғ бобоси кўр тўкиб ўтирган Кўкшошли хонада наридан бери бориб келарди.

– Нечун бу қадар безовтасиз, султоним? – сўради Абуллайсий ҳазин ва самимий оҳангда.

– Юришу сафар, сўғишу савашга ҳечам тоби тоқатим йўқ, устод. Бироқ оқ тулпоримга ўтқазиб, оғзи бурнини олтину кумушга тўлдириб, ота тахтини олиб берганимиз Шермуҳаммадхон султон сифатида кўрмоқ нари тур-

син, бизни одам ўрнида ҳам кўрмасликка қасам ичган кўринади. Назаримда, ҳар қандай шарт-шароитда уни биз ила бу тахлит қўнишмоққа ҳақ-ҳуқуқи йўқлигини кўрсатиб қўймоққа тўғри келади, чамаси. Шу мақсадда Мўғулистонга қарши юрмоққа қарор қилдик, – дея савол назари билан суҳбатдошига боқди шаҳзода.

– Турум моҳият эътибори нуқтаи назаридан тўғри олинмиш қарор, султоним. Султон соҳибқирон замоналарида ҳам Мўғулистон Турон давлатига боғлиқ бўлиб келган. Буюк бобонгиз ҳазратлари ул мамлакатнинг ҳукмдори Хизрхоннинг қизини никоҳларига киритган эдилар. Дўст ва қардош эдик. Янги хоннинг ҳеч ўйламай-нетмай бу мустаҳкам муносабатлар деворини йиқмоққа қалқмаси буюк хатолиғдир. Эшитишимга кўра бу юришга хоқони саид ҳазрати олийлари ҳам рухсат этмишлар. Шундай экан, масаланинг муҳокама этилажак томони йўқдур, султоним. Фақат яратган эгамиздан сиз олийшаън шаҳзодамизга фатҳу зафар тилаймиз! – деди мавлоно Абуллайсий.

– Сўғишу саваш ўз йўли билан. Фатҳу зафар ҳам сулолаю салтанат шаъни шавкати учун керак, албатта. Бироқ бу юриш ва уруш хазинани аждаҳо каби ютиб кетади-ку, устод? Бу аҳволда деярли ҳар куни баҳс этганимиз расадхонани қачон қураимиз? Мен шу ҳақда фикрингизни олмоқ учун сизни даъват этган эдим. Хайриятки, Бухоро ва Самарқанд мадрасасини битирмоққа улгурдик. Орқага сурсак, бу буюк савобли иш ҳам қолиб кетар экан.

– Иншооллоҳ, ҳар нарсанинг вақти замони бордир, султоним. Сизнинг илму урфон, билхосса, илми ҳайъатга бўлган чексиз иқтидору рағбатингиз кўзи очик ойдинларимизнинг барчасига аёнду. Бироқ сиз, олийнасаб шаҳзодам, буюк бобонгизнинг вориси, temuрий-

лар сулоласининг улуғ хоқони Шоҳруҳ султон ҳазрати олийларининг ноиби ўлароқ бобо тахтида ўтирганигини ҳам ҳар бир даму дақиқада ёдда тутмоқ, салтанат сурмоғу давлат юритмоқнинг асосий тамалларига амал қилмоқ мажбуриятдасиз. Эзгу ишнинг кечи йўқдир, шаҳзодам. Оллоҳ йўл бериб насиб этса, келаси йилнинг ёзига қадар Мўғулистондан зафар ила қайтгайсиз. Биз эса расадхона учун ўша бориб кўрганимиз Чўпонота тепалигида ҳозирликларни бошлаймиз, – шаҳзоданинг кўнглига таскин бермоқчи бўларди мавлоно Абуллайсий. – Аини дамда хаёлни бўлмайд, Мўғулистон сафарига диққатни жалб этмоқ лозимдир. Боиси, қаршингизда ўзингиз қўл-қанот бўлиб тахтга ўтқазган, сирингизни озми-кўпми билган хатарли бир ғаним турибди. Жангга кирган ҳеч бир киши енгилмоқчи эмас, ғолиб келмоқни ўйлайди, – сўзлари таъсирли эди мавлононинг.

Юраги сиқилаётган шаҳзода устод Абуллайсийни Кўксарой ҳовлисига кузатиб чиқди. Дарвозагача бирга юриб бориб хайрлашди-да, садақайрағоч остидаги сўрига келиб ўтирди.

...Беихтиёр хотирасига Самарқанд мадрасаси фаолият бошлаган кун келди. Бухоро мадрасасини тиклаган меъморун наққошларни Самарқанд мадрасасига келтирган эди. Камтар ва камсуқум мударрис Шамсиддин Муҳаммад Ҳавофий жулдур кийимда ишчилар билан гишту қум ташиб эртадан кечгача ишларди.

Мадрасанинг очилиши белгиланган куни ҳам у шу аҳволда наққош ва усталар орасида ўтирарди. Мадрасага устоз Қозизода Румий йўлдошлигида етиб келган султон амиру вазирлари билан ҳар икки қатни айланиб кўргач, йиғилганларга мурожаат этди.

– Ушбу мадрасанинг биринчи мударриси ким бўлғай, биродарлар? – йиғилганларга назар ташлади Улуғбек.

– Барча илмларнинг саромади бўлган киши ушбу мадрасага мударрис этиб тайинлангай.

– Бу мартабага мен муносибдурман, шахзодам? – деди Ҳавофий кулиб ўрнидан тураркан.

– Зотан, сиздан бошқа одам бу шарафли вазифани эплай олмаса ҳам керак. Бирорта даъвогар чиқса рақобатлашмоқ учун савол-жавоб қиламизми деган ўйда эдим, – деди Улуғбек мударрисни ёнига чорлар экан. – Унда илк маърузани сиз муҳтарам устоздан тинглаймиз, – дея сўзида давом этди шахзода Қозизода Румийнинг ёнига ўтирар экан.

Шамсиддин Муҳаммад Ҳавофий ғоят теран ва маъноли илк дарсни ўқиди.

– Бош мударрис сабоқларини Ғиёсиддин ал-Коший, сиз ва мендан бошқа кимса тушунмади, султоним. Демак, бу борада қилинажак иш кўпга ўхшайди, – деди устод Румий паст овозда мирзо Улуғбекка.

– Шундай шекилли, устод, – жавоб қилди Улуғбек Румийнинг гапидан ҳайрон бўлиб.

Сўз Ғиёсиддин ал-Кошийга берилди.

– Туркистонун Мовароуннаҳр мамлакатларида бундай мукамал ва муҳташам дорилфунун йўқдир, биродарлар. Шу кунларга етказган тангрига шукрлар, бу қутлуғ ишга бош-қош бўлган султон Улуғбек зоти олийларининг мулки давлатлари зиёда бўлсин, – тилак билдирди ал-Коший. – Менинг “Арифметика калити” асаримни билурсиз. Шу асосда ушбу мадрасанинг очилишига атаб бир қўлланма ёздим. Бу асаримни энг буюк, энг одил, энг оқил ва энг машҳур олим султон Улуғбек Кўрагоний кутубхонаси учун яратдим! Ушбу китобимни сиз олийшаън султонимизга тақдим этмоқдан чексиз бахтиёрман! – дея қўлёзмани мирзо Улуғбекка тақдим этди Ғиёсиддин ал-Коший.

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Оллоҳ сиздан минг карра рози бўлсин, устод! – деди мирзо Улуғбек мударрис ал-Кошийни бағрига босаркан. – Энди рухсатингиз ила янги бош мударрисимиз устод Муҳаммад Ҳавофий ҳазратларидан сўнг сизни эшитсак! Фикри ожизимча, мавлоно Ҳавофий жами илмлар ва фанлар соҳасида шундай кўникма ҳамда миқёсга эгадирларки, агар барча китоб ва рисоаларни дарёга ташласалару бирор илмдан оламда асар қолмаса, устод барча илмларни ҳаётга қайтара олиш салоҳиятига эгадирлар. Бирор илмдан ва фандан нуқта ёки дақиқа нобуд бўлмагай. Лутфан муҳтарам мударрисимиз мадрасамизда дарс бериш ва ўқув ишларини олиб боришнинг тур ва усуллари ҳақида бизга бир маъруза этсалар! Бу хусусда маълум бир тасаввурга эга бўлиб, фикримиз янада ойдинлашар эди! – Муҳаммад Ҳавофийга мурожаат этди султон Улуғбек.

– Бош устига, олийнажот шаҳзодам. Сиз каби жаҳон шаҳзодаси ҳузурларида, мавлоно Румий ва ал-Коший каби улўғ устоз қаршисида маъруза этмоқнинг буюк масъулиятидан шараф туядурмен, – назокат-ла жавоб қилди мударрис Ҳавофий.

– Биз буюк бобом ҳазратларининг машҳур элчилари, Ифранжу Каталония ва Лион подшоликларига бориб келган Хўжа Муҳаммад қози устодни Кешдан Самарқандга чорлаб, Бурсага, усмонли султони Меҳмед Челабий ҳузурларига йўлладик. Устод Қозизода Румий ҳазратларини Самарқандга, мадрасамизда сабоқ бермоқ ва расадхонани тиклашда кўмак этмоқ учун даъват этдик. Иншооллоҳ, ул устоз бундин буён барча хайрли ишларимизда бизга қўлқанот бўладилар. Отаюртга хуш келдингиз, устод! – деди слтон қўлини кўксига қўйиб таъзим этаркан.

– Қул-уқ, султоним! – деди мавлоно Румий ўрнидан туриб тавозе билан.

– Устод Қозизода Румий ҳазратларининг Самарқандга келишлари буюк маънавий ва маърифий воқеадир. Тарихни қавму қабилалар, оломону тўдалар эмас, шахслар яратадилар, улуғ шаҳзодам, – Қозизода Румий ташрифидан мамнун эди ал-Коший. – Мошоллоҳ! Мошоллоҳ! Не қадар хайрли ташриф! Дунё олимларининг яна султон соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари бошкентларига йиғилиши мулки давлатимизнинг садодатли кунларини муждалаяжақдир!

– Унда диққат ва эътибор ила устоз мударрис ҳазратларини тинглаймиз! – дея Муҳаммад Ҳавофийга сўз навбатини берди мирзо Улуғбек.

– Олийнажот, султоним! Муҳтарам устодлар! Мен ҳамкасбларим билан биргаликда Қоҳираю Бағдод, Мадинаю Дамашқ мадрасаларида таълим бериш усуллари тажрибасини синчиклаб ўрганиб шу хулосага келдим. Султонимизнинг муборак номлари ила шарафлантирилган ушбу мадрасада қуйидаги йўналиш бўйича ўқув ишлари ҳамда дарс бериш усулларини йўлга қўямиз. Бироз замонингизни олсам-да, бу усулларни эътиборингизга ҳавола этмоқчиман. Булар қуйидагилардир: усули ҳижония (савийя) – бўғинга бўлиб ўқиш; илми шарҳ – тафсир; илми таҳлил – мунозара, баҳс, муносабат ифодаси; илми мунозара; илми қироат – (оҳанг ва сўз талаффузи орқали қироат); илми фасоҳат (илми балоға) – чиройли, ўринли сўзларни қўллаш; илми баён – нозик маъноларни баён қилиш (риторика); илми ғариба (ғариб) – кам сўз билан кенг маънони ифодалаш, акс эттириш (изоҳ; ал-ибора, шорех, зурафо, урафо, дабир каби атамалар ҳам илми ғариба билан боғлиқдир); илми маоний – баён этиш бўлиб, бирор нарса ёки ҳодисанинг моҳиятини, мазмунини ечиб бергувчи илм; илми наср ва иншо – ёзма иш тури, услуби, мак-



туб, ёзув саводхонлиги; илми муҳозирот – латифагўйлик, ҳозиржавоблик, зукколик, илми муаммо – бадий санъат тури бўлиб, шеъриятдаги масала ва рамзларни ечиш усули; илми мантиқ – сўз маъносидаги мазмун; илми калом – нақлий масалани ақлий далиллаш, исбот этмоқдир, султоним. Ўқитиш усуллари таснифини мана бу жадвалда илова тарзида битганмиз, – дея тасниф жадвалини мударрислар ва талабаларга намойиш этди Муҳаммад Ҳавофий.

Мирзо Улуғбек мударриснинг қўлидан жадвални олиб кўздан кечирди-да, устод ал-Кошийга узатди.

Мударрис Ҳавофий сўзида давом этди:

– Илми адаб дея аталгувчи фанимиз адабиётшунослик ва тилшунослик илмини ўз ичига олади. Илми адаб – Ўн иккита алоҳида илмлар мажмуининг умумий номи бўлиб, луғат, сарф, иштиқоқ, наҳв, баён, маъоний, аруз, қофия (грамматика), размулхой (ҳаттотлик), бадеъ, наср, иншо этиш, таворихлар шунга киради. Зотан, адаб ва тил илми доираси жуда кенг бўлиб, юқорида саналган илмларга илми ахлоқ (эстетика), илми калом, илми муаммо (луғз, чистон), илми тафсир, илми қиёфа каби соҳаларга доир фанларни ҳам қўшиш мумкин. Айниқса, илми иншо ва муаммо шоирларимиз истеъдодини синовчи илм бўлиб, мадрасалар таълимида кенг ўқитилмоғи керак. Бироқ бу мураккаб адабий-назарий илмга доир дарслик ва қўлланмалар оздир, султоним. Бутун куч ва имкониятларимизни сафарбар этиб, барча мадрасаларимиз учун ягона дарсликлар ва қўлланмаларни яратмоғимиз керак. Бухоро мадрасасининг очилишида устод Вастмандий талабалар мутолаа этажак “Қуръони карим” ва Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя”си бошда ўн бир китобни қайд этган эдилар. Биз бу рўйхатга тўрт китобни қўшимча этдикким, булар қуйидагилардир:

---

Биринчи дарслик имом ал-Бухорийнинг “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ”, яъни ҳадисларнинг ишонарли ва тўғри тўпламидир. Шунингдек, ҳанафия мазҳабимиз асосчиси имом Аъзам-Абу Ҳанифа ан-Нўъмон ибн Собит ал-Куфий ҳазратларининг “Китоб ал-фикҳ ал-акбар” асарларидир. Яна икки китобимизни олийнажот султонимиз тавсия этдилар. Булар илми ҳайъатга (астрономия) тааллуқли дарсликлар бўлиб, Носириддин Тусийнинг “Ал-тазкира фил ҳайъат” асаридир. Китобда муаллиф Батлимус (Птоломей)нинг илми ҳайъатга оид қарашлари ҳақида сўз юритган. Иккинчи китоб ҳам осмон илмига оид бўлиб, Қутбиддин Маҳмуд ибн Масъуд Шерозийнинг “Ат-туҳфат уш-шоҳий” асарларидир, – дея маърузасини мухтасар этди бош мударрис Ҳавофий.

– Ташаккур, устод, – дея бош мударрисга миннатдорчилик билдирди султон Улуғбек. – Қайд этганингиз илмий-диний ва дунёвий асарлардан кўриниб турибдики, мадрасайи олиямизда ўқитиладиган қўлланмалар ғоят титизлик ва диққат эътибор билан соҳалар бўйича сараланган. Мазмун моҳиятига кўра асосан фалсафа, мантиқ, ҳандаса (математика), илми ҳайъат (астрономия), ал-жабр, риёзиёт, шеърият назарияси, араб ва форс тиллари бўйича фанларга эътибор берилгани кўзга ташланиб турибди. Улус ва умматнинг кўзи очиқ зиёлиси, ҳақиқий ойдин шахсияти, албатта “Қуръони карим” ва ҳадисларни яхши ўзлаштирмоғи керақдир. Бусиз ислом фалсафаси ва маданияти, маънавияту маърифатини пухта англамоқ мумкин эмас. Шунинг баробарида бошқа самовий динларнинг ҳам муқаддас китобларини ўрганмоқ ва билмоқ керакки, насронийу мусовий, буддийу шомон динига мансуб кишилар билан суҳбату баҳсларда қоқилиб қолмайлик. Энг аввало, мухтарам мударрисларимиз, сўнгда сиз – азиз талабаларимиз

ёруғ дунёга дунёвий кўз ила боқмоқни истасангиз, оламнинг яралиш ва яшаш фалсафасини ақли салимлик ила ўрганмоқни истасангиз, дунёвий фалсафалар ва илмларни чуқур ва мукаммал ўрганмоғингиз керак бўлади. Динимизга оид уч-тўрт дона китобни ўқиб ёдлаш билан буюк ҳадафларга эришиб, халқимиз юкини енгил қилиб, узоғини яқин қила олмаймиз. Хотирангизда бўлса, Миср султонининг элчиси бундан ўн беш йил бурун Жаҳонгир бобомиз ҳазратларига уч турда соат ҳадяга келтирдилар. Бу қуёш, қум ва сув соатлари бўлиб, Кўксаройда турибди. Бориб кўришингиз ва ўрганишингиз мумкин. Кимки ўқиб ўрганмаса, изланиб интилмаса, янгилик яратиб, ўз улусини тараққиёт ва ривож йўлига олиб чиқа олмайди. Дунёбеҳабар бўлиб, чопону яктаги барига ўралашиб, ўтиб кетаверади. Бунинг учун эса албатта фалсафа, мантиқ, фикҳ қонуни, мусиқа, риёзиёт (математика), тиббиёт, ҳандаса (геометрия), тарих, жўғрофия ва илми арузни (поэтика) пухта ўрганмоқ керақдир. Биласизки, улусимиз тарихида Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий ва Аҳмад Яссавий, кейинги даврларда Атоий, Лutfий ва Саккокий каби битикчи ва шоирларимиз етишиб чиқдики, улар ижодини олий мадрасамизда ўқитмоқ миллий ва шараф ишимиздир. Адабиёт ҳар бир эл-улуснинг ўзлигини намоён этгувчи кўзгудир. Бу фаннинг илми бадеъ, илми тасвир, илми аруз, илми қофия ва илми қироат каби бўлимларга бўлиб ўқитилиши ҳам бу илмнинг нақадар муҳимлигидан далолатдир. Бу юксак маънавияту бадииятдан баҳраманд бўлмоқ, асил санъат даражасига кўтарилган нафис оҳанглар, сўз назокату латофатини ҳис эта билмоқ буюк бир саодатдир. Бунинг учун эса ҳар бир шеърият ихлосманди аруз, шеърий ўлчов тизимининг назарий қонун-

қоидалари ва амалий хусусиятларидан етарли қадар хабардор бўлмоғи ижоб этади. Барча олий мадрасаларнинг ўқув қўлланмаларида шеърят ила боғлиқ масалалар, аруз вазнини батафсил ўрганиш воситасида ҳал этилгандир. Сўзимни мухтасар этар эканман, илм наҳрининг бошида турган талабаларимизга бир савол ила мурожаат этмоқни лозим топдим, устозлар! – дея мударрисларга ўгирилди султон Улуғбек.

– Бажонидил. Буюринг, султоним! – деди мударрис Шамсиддин Муҳаммад Ҳавофий таъзим этаркан.

– Аруз сўзининг маъноси ва келиб чиқиш тарихини қай бир талабамиз бизга изоҳ этиб беради? – талабалар томон бир неча қадам ташлади амирзода.

Уч нафар талаба саф олдиға чиқди.

– Учовингизнинг ҳам бу саволға муносиб жавоб беришингизга ишонаман. Орангизда кимнинг ёши улуғ бўлса, ўша сўзласин!

Ўртада турган узун бўйли, қорамағиз талаба сўзламоққа тутинди.

– “Аруз” сўзи арабча бўлиб, арузшунос Халил ибн Аҳмад яшаган манзилға яқин жой оти, яъни водий номини билдиради, устоз, – дея қимтиниб сўз бошлади узун бўйли талаба. – Битикларда “Халил ибн Аҳмад раҳматуллоҳки, бу фаннинг возийидир. Чун араб эрмиш ва анинг яқинида бир водий бормишки, ани Аруз дерлар ва ул водийда аъраб уйларин тикиб, жилва бериб, шунга кўра баҳосини бичар эмишлар. Ва бул уйни араб “байт” дер. Чун байтларни бу фан ила мезон қилиб, мавзунини номавзунидин айтурлар, гўёки қиймат ва баҳоси маълум бўлур. Бу муносабат ила “аруз” дебтурлар” дея қайд этилади, устоз! – дея ҳаяжон тўла овозда амирзода саволини жавоблантирди талаба.

– Мен ҳам сен каби талабамен, қардошим. “Устоз” дея менинг ёнимда ўтирган улуғларимга мурожаат этсанг ўринли бўлур, – талабанинг сўзини тўғрилаган бўлди Мирзо Улуғбек. – Аруз вазни ўлчовида битилган шеърий асарларни ифодали ўқий билмоқ ҳам худди шу, аруз вазни ила боғлиқдир. Шеърда танланган вазн, шоирнинг ундан фойдалана билиш маҳорати бадиий салоҳиятининг мезони саналади. Шунинг учун олий мадрасамизда мударрисларимиз аруз назарияси ва ўқитиш усулларига алоҳида эътибор бермоқлари лозим бўлади. Бу хусусда ҳанузга қадар мукамал бир қўлланма йўқ. Эшитишимизга кўра, аруз илмига оид илк дарсликни Хайх Аҳмад бин Худойдод Тарозий ёзмақда эканлар. Ушбу қимматли асар битиши билан ҳаттот ва мударрисларимиз устоз ҳузурларига бориб, ул кишимни ризо этиб, китобларидан кўчириб келтиришни ташкил этажакмиз. Назму наср билимдонларига маълумки, қай сўзни-қай тарзда талаффуз этмоқни аруз назариясида вазн бошқаради. Мадрасаларимизда аруз вазнининг ўрганилишидан асосий мақсад, матнни беҳато ўқимоққа ўргатиш, мисралар қаторидаги яширин қирралар, сирсиноатлардан воқиф этиш, матн мазмунини шоир назари даражасида англамоққа эришишдан иборатдир. Бунинг учун талаба юздан ортиқ шеърий ўлчовни билиши ҳамда ёд олмоғи лозимдир. Бу жараён ғоят мураккабдир. Бу соҳанинг илмий назариясини мустақил ўрганишнинг имконияти бўлмаганлиги туфайли уни мадрасаларимизда фан ўлароқ ўқитмоғимиз керақдир. Шу ўринда қофия санъатига айрича эътибор бермоқ жоизки, бу илмни чуқур эгаллашни ният этган талаба қофиянинг тузилиши ва турларини, шеърий жанрларнинг қофия хусусиятларини, вазн ва қофия, радиф ва қофия муно-

сабатлари мазмуни ҳамда моҳияти ҳақида кенг билимга эга бўлмоғи шартдир. Мен бугун нечук адабиёт, билхосса, шеърят ҳақида сўйладим? Адабиёт кўзимизни очиб эшитганимиз она алласидан сўнг умримиз давомида баҳраманд бўлажанимиз илоҳий, муқаддас эътиқодким, ундан бебаҳра қолган киши инсонлигу адли адолат, ҳақу ҳақиқатдан айри тушажакдир. Ва ҳатто ўзининг ҳам кимлигини билмай бу ёруғ оламга недан келиб-кетаётганини англамай ўтажакдир.

Туйғуланган Мирзо ҳаяжонини босмоқ учун мадрасанинг кўкка бўй чўзган минорасига тикилганча бир зум тин олди. Сўнгра фикрларини жамлаб, сўзида давом этди:

– Темурийлар давлатининг бош қароргоҳи Кўксаройда улуғ бобомиз, амир соҳибқирон ҳазратларидан мерос қолган буюк бир кутубхона бордир. Мадраса кутубхонасида бўлмаган ноёб асарларни у ердан топа билурсиз. Шундай экан, ҳар замон саройимизга ташриф этиб, истифода эта билурсиз. Адабиёт ва санъатнинг нафосати ва сеҳрини англамаган киши борлиқни, ҳаётни, сўнгида умр маъносини англамайди. Бадиий санъат билимдонлари шу пайтга қадар унинг икки юзга яқин тури мавжуд эканлигини қайд этадилар. Маънавий ва лафзий шаклда ўрганилган бу икки тур ҳар бир даврда тўлдирилиб, бойитилиб, изчил равишда тадқиқ этиб борилган. Бундан буён бу йўлда изланиб барча илмларимизни тараққий эттирмоқ сиз – азиз талабаларимизнинг зиммангизга тушадик, улусу уммат саодати йўлида бундан хайрли ва шарафли хизматни тасаввур этмоқ мумкин эрмас! Барчангизга Оллоҳ ёр, пирлар мададкор бўлсин! – дея маърузасини тугатди султон Улуғбек.

## ЙИГИРМАНЧИ БОБ

*Хон кўп бўлса, ёв кўп бўлар,  
Бек кўп бўлса, дов кўп бўлар.*

**Ота сўзи**

Форсу Озарбайжон ишини бартараф этган султон Шохруҳ амакиси амир Нуширвон Барлос билан гурунглашганча Муғон йўлидан кетиб борарди.

Жума намозини Работда ўқиган хоқон шанба куни Суд шаҳрида тўхтади. Ағарработ ва Балхон орқали сешанба куни Жўён Фуруғийда тунаган олий қўш душанбада Неъматободга етиб келди. Жума куни, саккизинчи зулҳижжада Арс сувини кечган урду тўққизинчи куни Қаробоққа етди.

– Қиблагоҳ саропарда тикиб роҳату фароғат-ла сокин қиш кечаларини ўтказган манзилга етишмоқ ҳам насиб этди-я? – деди хоқон амир Нуширвон Барлосга ҳаяжон тўлиқ оҳангда.

– Қиблагоҳингиз, султон соҳибқирон ҳазратлари оламнинг мана шу, энг юксак ва гўзал манзилида туриб жаҳонгирлик салтанатини сургандилар. Сиз, онҳазрат зоти олийларига ҳам шу шарафли, илоҳий саодат насиб қилди. Уфқлар султони сифатида етти иқлимга ҳукм этмоқ узоқ йиллар насиб этсин! Энди бутун дунёнинг малигу подшоҳлари, волийу ноиблари жаҳонпаноҳ даргоҳларига юз бурадилар, – мамнун кайфиятда жавоб қилди амир. – Ана у, кўзга ташланиб турган сув Наҳри Барлосдир, аълоҳазрат. Хоқони акрам ҳазратларининг ўзлари қадамлаб ўлчаб қаздирганлари канал. Қаранг, сув етган кенгликлар қиш бўлса-да ям-яшил бўлиб, гуллаб-яшнаб турибди.

– Бу ерларнинг ҳавосию табиати шундай экан-да ўзи. Қиш бўлсада баҳорни яшайсиз.

– Тўғри, аълоҳазрат. Бу ерда қишда ҳам ўт-ўланлар барқ уриб кўкариб, қўйи қўзи, моли ҳам бемалол ёйилиб, қорнини қавзантиради. Тўрт қишловда ҳам улуғ хоқон ҳазратлари билан бирга бўлдим. Сиз, султоним ила бешинчи бор келмоқ насиб этди.

– Юртчилар қиблагоҳ ҳазратлари саропарда тиклаган жойни изламоқдалар шекилли. Юринг-чи, борайлик. Саропарда излари тургандир, – дея отини ниқтаб баҳаво тепалиқда ўралашаётган мулозимлар томон юрди хоқон.

– Кечмишда улуғ хоқон ҳазратларининг саропардалари мана шу тепаликка ўрнатилган экан, аълоҳазрат. Султон соҳибқирон зоти олийларининг бош шиқовили бўлмиш Шоқул шиқовулнинг ўғли отаси билан бу манзилда кўп бора бўлган экан. У ҳатто улуғ Амир Темур ҳазратларининг исми шарифлари битилган мана бу кумуш тангани ҳам топиб олди, – дея енгига ишқалаб оқартирган ақчани хоқонга узатди юртчилар бошлиғи Ёвқоч Ёвқора.

– Буям бир хайри аломат, – деди султон тангани айлантириб кўраркан. – Ақчани топган қардошимизга мукофот учун тўққизта кумуш танга ҳадя этилсин! – амр берди подшоҳ. – Бу тангани эса биз хотира ўлароқ сақлаймиз.

Саропарданинг катта чодирини тиклаган юртчилар ҳаммом, таҳоратхона ва масжид бўлмаларини қурмоққа киришдилар. Хоқон юртчилар ишини кузатиб, амир Нуширвон Барлос билан узилиб қолган суҳбатни давом эттирарди.

Кўп ўтмай хоқон ва амир суҳбатига бош бахши (ко-тиб) Фосих Ҳавофий қўшилди.



– Бир гурунгимизда устоз Фосих Ҳавофий ҳазратлари Чигатой улуси хони Баёнқулихоннинг буюк бобомиз, амир Муҳаммад Тарағайга йўллаган мактуби ҳақида баҳс этиб қолдилар. Мактубда бизнинг туркий барлос уруғи ва унинг кўрагон аймағи ҳақида гап кетади. Мен тарихчи олимларимиз билан суҳбатларда “кўрагон” сўзининг келиб чиқиши ва маъноси ҳақида сўраб-суриштирдим. Улар бу хусусда иккига бўлиндилар. Бир гуруҳ билгинларимиз бу сўзнинг “барлосларнинг мўғулларга кувё бўлганлиги” маъносини беради деса, бошқа бирлари “мулки давлат кўрган, ўзига тўқ бекзодалар авлоди” деганидир дея эътироз этдилар. Шу масалага очиқлик киритишни авлодимизнинг энг улуғ оқсоқоли ва беги, сиз – ҳурматли амакимиз ҳамда муҳтарам муншиймиздан рижа этсак, – дея амир амакиси ва Аҳмад Ҳавофийга қаради подшоҳ.

– Қардошим Аҳмадбек илм кишисидир. Китобу битикларга қараб ўз фикрларини сўйларлар. Мен ночиз билimli бир банда эса ота-боболаримиз, аждодларимиздан эшитиб туйганим ҳикояту тарихни айтиб берайин, зоти олийлари. Битикчи дўстимиз бу хусусда қарор бериб, фикрларини ифода этсинлар. Улуғ аталаримизнинг ҳикоя этишларига кўра ҳазрат соҳибқироннинг буюк боболари Қарожар нўённинг укаси Тағожар нўён буюк қоон Чингизхоннинг қизи Бўрта Бекинга уйланган. Шундан бошлаб мўғул хонзода ва зодагонлари Қарожар нўён авлодини “кўрагон” дея атай бошлаганлар. Тағожар нўён эса Чигатойхоннинг набираси, Хара-Хулағунинг ўғли Мутуген билан бирга Бомиён шаҳри қамали пайтида ҳалок бўлган. Чингизхоннинг амри билан икки майитни Чигатой ҳузурига юборадилар. Уларни ёнма-ён дафн этадилар. Бу ўлимдан қаҳрга келган буюк қоон Бомиённинг кулини кўкка совуришни буюради. Шу тариқа барлос

турклари аймағи орасида кўрагон тармоғи вужудга келган дея ҳикоя этардилар яна бир улуғ бобомиз раҳматли Атабек Барлос турк аво. Аълоҳазрат сўровлари ҳақида билганим шудир. Қолганини китоб кўрган Аҳмадбекдан эшитсак, зеҳнимиз ёрқинлашиб, фикримиз ойдинлашар деган умиддамен, – дея Аҳмад Ҳавофийга боқди амир Нуширвон Барлос.

– Сиз ғоят муҳим бир тарихий воқеани сўзладингиз, улуғ амир ҳазратлари. Чиғатой улусида асиллик ва баланд мартабалиқда барлослардан бошқа қабила бўлмагандир. Амир Қарожар эса буюк қоон Чингизхоннинг улуғ, яъни амир ул-умароси бўлганлар. Бомииён қамали вақтида набираси ва куёвининг ҳалок бўлганлигини эшитган Чингизхон “Буларни Чиғатойга кўрсатманг! Агар у йиғласа, барчангнинг бошингни оламан!” дея амр беради. Улуғ амир ҳазратлари қайд этганлари каби буюк бобонгиз Қарожар нўён замоналаридан бери тилга олганлари кўрагон атамаси барлос туркларининг ҳукмрон қавмига нисбатан ишлатиб келинган, аълоҳазрат, – амир Нуширвон фикрини тасдиқлаб, аниқлик киритган бўлди Аҳмад Ҳавофий. – Қолаверса, бу ёруғ очунда қул бўлмаган шоҳ, шоҳ бўлмаган қул авлоди йўқдир.

– Бир эшитган ва бир ўқиб билган кишининг мантиқли жавоблари мени қониқтирди. Шу ўринда катта энамиз Теги́на бегим ила боғлиқ тарихни ҳам яхши билмоғимиз керақдир. У куни Мирзо Бойсунғур буюк энамиз ҳақларида сўраганда ул зоти олиянинг келиб чиқишлари ҳақида саволларига жавоб бермоқда қийналдим. Шу ҳақда ҳам бироз билги олсак дегандим? – дея Аҳмад Ҳавофийга қаради хоқон.

– Ҳикоя тарихини бироз узоқдан, шайх ул олам Сайфиддин Бохарзий замонасидан бошламоқ керак бўлади, онҳазрат. Улуғ энамиз Теги́на бегим эса Сайфиддин

Бохарзийнинг ўнг қўли, садр аз шариъа Убайдуллоҳ Ибн Тож аз шариъа Маҳмуд ибн Аҳмад ал Маҳбубий ал Бухорий ҳазратларининг қизлари бўлганлар. Садр аз шариъалар диний жамоа ва руҳонийлар раҳномоларига берилган унвон бўлиб, ҳукумат ишларида қатнашганлар. Қозилик ҳам қилганлар, вақфларни бошқарганлар. Садр аз шариъа номи билан маълум ва машҳур бўлган бу улуғ зот набиралари Темурбек Муҳаммад Тарағай ўн бир ёшдалигида ҳақнинг раҳматига қовушганлар. Зоти олийлари тилга олган Баёнқулихоннинг амир Муҳаммад Тарағайга мактуби худди мана шу даврга тўғри келади. Баёнқулихон Шаҳрсабз беги, улуғ бобонгизга фармон маъносида мактуб юбориб, Кошғарга бостириб кирган Мўғул Ўғлонга қарши отланишни амр этади. Кошғар сафарига жўнаб кетган амир Муҳаммад Тарағай бир йил мобайнида хон амрини бажо келтириб, юртига қайтади. Жўнаб кетишидан олдин эса хоними Тегина бегим ва ўғли, ўн ёшли Темурбекни Бухорога, қайнотаси садр аз шариъа Убайдуллоҳ хожа ҳазратларининг уйлари-га қўйиб кетадилар. Бир-йил сўнгра қайтиб келсалар, қайин падарлари вафот этган, хонимлари ва фарзандлари йўқ эди. Оиласини ота юртига кетган бўлса керак дея ўйлаган амир Шаҳрсабзга келадилар. Бу ердагилар Тегина бегим ва Темурбекни Бухорога кетганлигини айтишади. Амир Тарағайнинг боши қотади.

– Бу ерда шуни диққатга олмоғимиз лозимки, вазир жаноблари, Амир Муҳаммад Тарағайнинг Сайфиддин Бохарзий ва садр аш-шариа Убайдуллоҳ авлодларига кув ё бўлиши бошқа мўғул хонларига, иккинчи тарафдан амир Қазағонга ҳам маъқул келмас эди. Ислом дини куббаси саналмиш Бухоро ва Мовароуннаҳрнинг маънавий раҳбари ҳисобланган кишиларнинг барлос туркларига яқинлашуви ҳар икки томонни чўчитар ҳамда

барлосларнинг иқтидорга келиши муждасини берар эди, – гап қўшди амир Нуширвон Барлос. – Шу пайтгача амир Муҳаммад Тарағай амакимизнинг ўғил фарзандлари йўқ эди. Авлодимизнинг энг улуғ бегига ворис ва меросхўр, қолаверса, валиаҳд керак эди. Амир Қазағон ҳам, Баёнқулихон ҳам бу қутлуғ никоҳга режали сиёсий битим сифатида қараб, жунбушга келади. Амир Қазағон қаҳри кўзиганидан ўйламай-нетмай амир Тарағайнинг амакиваччаси амир Жоку ибн Муборак Барлосни Қарши ҳокимлигидан четлаштиради. Тилга олганингиз икки катта рақибга амир Тарағай амакимизнинг катта хотини, амир Қазағоннинг қизи Йўқун Хотун ҳам қўшиладики, бу нарса вазиятни янада чигаллаштиради, – куйиб-пишиб ҳикоя қилар эди амир Барлос.

– Амир Тарағайнинг катта хонимлари амир Қазағоннинг қизлари бўлганми? – ҳайрон бўлиб сўради Аҳмад Ҳавофий. – Буни билмас эканман.

– Шундай бўлган, вазирим. Йўқун Хотун Тегина бегимнинг ҳомиладорлигини билиб, талвасага тушади. Бутун кучу имкониятни ишга солиб, она-боладан қутулмоқ ҳаракатига киришади. Эркак қурган уйни аёл буза олади. Бироқ аёл қурган уйни шайтон ҳам буза олмайди, нақлига амал қилган Йўқун Хотун Тегина Бегимга қиблагоҳи Садр аш-Шариа номидан “келмаса, дийдор охиратга қолишини” билдириб, сохта мактуб йўллайди. Амир эри Қошғар сафарига кетган Текина бегимнинг боши қотади. Ниҳоят икки канизагини олиб, Бухоро йўлига тушади. Қотила Йўқун Хотунга ҳам шу керак бўлади. Она-бола ва канизақларни ўлдириш учун ишончли қули Мойдунни улар изидан жўнатади. Қотил икки канизақни тутиб ўлдиради. Тегина Бегим қўрқуву ваҳимада ўзини қудуққа ташлайди. Бегимни қудуққа чўкиб ўлди дея ўйлаган Қойдун Кешга қайтади. Сурувини суғориш

учун қудуққа келган амир Жоку Барлоснинг бир чўпони бегимни қудуқдан чиқариб олади ва улуғ амакимизнинг ҳузурларига элтади.

– Баёнқулихон вазифасидан озод этган амакимиз Жоку Барлос бу пайтда ота мулки Занжирсаройга кетган бўладилар. Шундайми? – сўради хоқон.

– Тўғридир, аълоҳазрат. Амир Жоку Барлос ҳам буюк бобонгиз амир Тарағай каби ўн минг қўйли бойлар сирасига кирганлар ва ота юртларида мол-ҳолига қараб юрганлар. Тегина Бегим вазиятни англагач, уни Кешга юбормай Занжирсаройда олиб қоладилар. Қўрима тайин этадилар. Шу тариқа Жоку Барлос амакимиз улуғ энамиз Тегина бегим ва Темурбекнинг ҳаётларини сақлаб қоладилар.

– Амир Жоку Барлос амакимиз бизга қайси буюк атамизда туташидилар? – яна сўради султон.

– Амир Жоку Барлос бин Муборак бин Тўғон бин Қодон бин Ширға бин Қорачор нўёнди, онҳазрат, – жавоб қилди амир Нуширвон Барлос.

---

Ўйга толган подшоҳ маъноли бош ирғади.

– Баёнқулихон амир Муҳаммад Тарағайни Кошғарга Мўғул Ўғлон билан бўлажак тўқнашувда енгилиб, ҳалок бўлиб кетмоқ учун юборган деган фикр ҳам бордир. Бу ҳақда тарих китобларида бирор бир битик борми? – сўради амир Нуширвон Барлос Аҳмад Ҳавофийдан.

– Бу гапингизда жон бор, улуғ амир ҳазратлари. Ўша пайтда амир Муҳаммад Тарағайга нисбатан икки ёқлама ўйин ўйналган. Барлос туркларининг Туркистонуну Мовароуннаҳрда обрўси ошиб, кучайиб бораётгани, чиғатойлар ва амир Қазағон йўлбошчилигидаги кенас туркларининг бунга ғайирлиги келгани сабаб бўлгандир. Бу пайтда давлату салтанат жилови, номига хонлик тахтига ўтирган Баёнқулихоннинг эмас,

---

улуғ амир Қазағон кенагаснинг элида бўлган. Амир Қазағон иш баҳонасида кучли рақиби Муҳаммад Тарағайдан қутулмоқни мўлжаллаган дейдилар. Боиси, амир Қазағон юз йигирма беш йиллик чингизийлару чигатойлар зулму истибдодига барҳам берган, давлату ҳокимият ерли халқ, кўп ва кучли бўлган кенагас турклари қўлига ўтган эди. Бу пайтда Чигатой улуси хони, буюк маликамиз Сароймулкхонимнинг падари бузрукворлари Қозонхон бўлганлар ва Занжирсаройни қурдириб, пойтахт этганлар. Мўғул ҳукмдорларининг ўзаро англаша олмай қирпичоқ бўлаётганини кўрган турк беклари ҳам ҳаракатга кечадилар. Ўша пайтда бу ишни уддалай биладиган икки қавм ва шахс бўлиб, барлос турклари беги Муҳаммад Тарағай ва кенагас турклари амири Қазағон эдилар. Чигатой улусида ҳокимиятни эгаллашга барлос турклари барча турк уруғларидан яқин эдилар. Буни яхши англаган амир Қозонхон юқорида тилга олганимиз усул-ла Муҳаммад Тарағайбекни йўлдан олиб ташлашга киришади. Бироқ нияти курсоғида қолади. Амир Тарағай Кошғардан соғ-омон ва ғолиб қайтади.

— Қозонхондан олдин Бўзан, Женкеши, Эсун Темур, Али Султон ва Муҳаммад Пўлад каби хонлар Чигатойхон тахтига келиб кетадилар. Охир-оқибатда тожу тахт Ясавур Ўғлоннинг ўғли Қозонхонга кечади. Қазағон амир Қазағон билан бўлган биринчи жангда енгади. Бироқ иккинчи тўқнашувда мағлубу ҳалок бўлади, — Ҳавофийнинг фикрини тўлдирган бўлди амир Нуширвон Барлос. — Амир Қазағон бу ғалабаси билан Туркистону Мовароуннаҳрда Чигатой наслининг ҳукмронлигига чек қўйган. Шу дамдан эътиборан хонлар номигагина тахтга ўтқазилиб, ҳокимият турк эллари қўлига ўтган. Амир Қазағон тахтга Ўқтой авлодидан Дошмандчихонни ўтқзади ва бу билан чигатой насли хонлар

хукмронлигига барҳам беради. Сўнгра эса Қозонхоннинг қизи Сароймулкхонимнинг набираси амир Ҳусайнга олиб беради. Бу билан биз ҳам чингизийларга кўрагонмиз, барлослардан кам эмасмиз демоқчи бўлади амир Қазагон. Бироқ бу кўрагонлик амир Ҳусайнга буюрмайди. Улуғ Туроннинг буюк амирлиги соҳибқирони аъзам Амир Темуру муаззамга насиб этади ва шонли Турон байроғи мудом ишончли, шарафли қўллардадир.

— Яна бир, сўнги масалага ҳам ойдинлик киритиб берсангиз деган эдик, бош мунший жаноблари. Ўша пайтдаги диний вазият қандай бўлган? Шамон дини оқимига мансуб мўғул хукмдорлари мусулмон руҳонийларини олиқ-солиқлардан озод қилган экан. Чингиззодалар қандай мақсад ёки хизмат эвазига бундай мурувватни кўрсатганлар? Айримлар буни дин арбобларининг мўғулларга сотилгани дея баҳоласа, бошқалар Чингизхоннинг халифа ан-Носир билан ўзаро тил бириктируви дея изоҳ этадилар? — Ҳавофийни яна сўроққа тутди хоқон.

---

— Халифа хоинлик йўлига киргач, халафлари ҳам ундан ўрناق оладилар-да, — гап қўшди амир Нуширвон Барлос.

— Турон юртида мўғул яғмосининг бошланиши арабу форс қавмлари, насронийу мусавий динидаги барча эски ҳамда янги рақибларни мамнун этган. Уларнинг барчаси фурсатни бой бермай, ўз роҳибу айғоқчиларини, тужжору карвончиларини юбора бошлаганлар. Бу ишга биринчи бўлиб Рим папаси киришади. Мовароуннаҳр шаҳарларига тарқалган роҳиблар насроний ақидаларини тартиб эта бошлайдилар. Бу тарғибот кўп ўтмай ўз самарасини беради. Бизга маълумки, Чигатойхон насроний бўлган. Чигатой оламдан кўз юмгач, Гуюкхон бошчилигидаги ўн саккиз мўғул хонзодаси насроний динини

---

қабул қилади. Чиғатой улусининг халқи эса мусулмон динида эди. Чиғатой насронийларга рағбат кўрсатиб, марҳамат қилган ҳолда, мусулмонларга нафрат кўзи ила боққан. Чингизхон ясо ва йўсунига кўра қўйни бўғизлаб сўйиш, оқиб турган сувга кириш тақиқланган. Мусулмонлар таҳорат олмоқ ва молларни ҳалоллаб сўймоқ борасида давомли азият чекиб, жазоланганлар. Мўғуллар ўз ясоларига тўғри келмайдиган ҳар қандай урф-одатларни ясоқлаганлар. Шоҳидларнинг ҳикояларига кўра Чиғатойхоннинг ҳузурда бирон-бир мусулмоннинг номи тилга олинадиган бўлса, бу исмга албатта “уйинг куйгур”, “тилинг кесилгур”, “кўр бўлгур” каби ҳақоратли сўзлар қўшиб айтилган. У бирор мусулмоннинг ўлими хабарини келтирган касга ўлган кишининг мавқеига қараб беш юз динордан минг диноргача суюнчи берган, – дея таъзим-ла хоқони саид сўровини жавоблантирди вазир Аҳмад Ҳавофий.

– Сиз элимизнинг, давлату салтанатимизнинг ўтмиши ва бугуни ҳақида бир тарих китоби битсангиз бўлар экан, вазир ҳазратлари. Ҳар бир киши ўз кечмиш тарихини ўрганмоғи ҳамда билмоғи керак. Акс ҳолда тарихини билган ва ўнгини кўра олган буюк миллатларнинг овига айланиб кетади, – деди хоқон саропарда тикланганини кўргач ўрнидан қўзғалар экан.

– Иншооллоҳ, улуғ хоқоним. Зоти олийларининг рағбатлари билан бу қутлуғ ишга қўл ургайман, – жавоб қилди Аҳмад Ҳавофий.

– Юртчиларимизга сўйланг. Бизнинг буюк саропарда атрофида кенг ва очиқ майдон қолдиришсин. Ҳузуримизга келажак малик ва хонимларимиз чодирларини шу ерга тикадилар, – юртчилар бошлиғига буюрди подшоҳ.

Султон Шоҳруҳ қишлоқ манзилига етмасидан бурун



кечмишда Турон ва темурийлар салтанатига боғлиқ бўлган мулкларнинг ҳокиму ноиб, амиру волийлари Қорабоғ йўлини тутган эдилар.

Палос ўпиш учун келган ҳукмдорлар шу қадар кўп эдики, подшоҳ уларни бирма-бир эмас, тўп-тўпи билан қабул этарди.

– Миср султонидан юз ўгирган араб мамлакатлари амирлари номидан амир Тошбек, Ироқ амирлари Ҳожи Мусофир ва Англу, Хизрту туркмонлари амири Ҳусайн ва амир Жунайд Жоберди. Шунингдек, амир Муҳаммад Давоийи ва Учўғлон ўлкасининг икки амири палос ўнмоқ шарафига ноил бўлмоқни истайдилар! – дея мусофирларни султонга тақдим этди шиқовул.

– Айни дамда сиз терслашганингиз Миср султони кимдир ва нечун ораларингизга совуқлик тушди? – сўради хоқон Ироқ амири Ҳожи Мусофирдан. – Малик Носир Фараж Ибн Барқуқ Турон давлатига тобеликни бўйнига олиб, хутбани амир соҳибқирон Темур номларига ўқитиб, тангаларни ҳам Жаҳонғирнинг мубо-  
рак номлари ила зарб эттирганларини яхши биламиз ва бу ақчалар ҳамон ҳар давлатда кечарли эканидан ҳам хабардормиз. Қиблагоҳимиз қайтишларидан сўнг ҳам малик Носир Фараж бизга ҳурмату итоатни қанда қилмаган эрди. Унинг ўрнига тахтга ўтирган Муайяд Шайх Маҳмудийдан ҳам икки бор элчи келди. Сўнг йилларда алоқаларимизда узилиш юз берди. Бизга Мисрдаги турумни, билхосса, у ердаги халифа ва малик ўртасидаги сиёсатга изоҳ берсангиз?

– Бош устига, улуғ хоқон ҳазратлари. Миср малиги ва у ерда ўтирган халифанинг қўш ҳокимиятчилиги давлат ва ҳукумат бошқарувида муаммолар келтириб чиқармоқдаки, бунинг оқибатида биз бир дараю икки орада қолиб кетдик.

---

Аббосий халифа Ал-Муътазид биллоҳ, Абулфатҳ Довуд ибн ал-Мутаваккил билан малик Муайяд Шайх Маҳмудий орасидаги англашилмовчилик ва рақобатнинг қурбони бизу халқ бўлмоқда. Пайғамбар авлодидан дея халифа босқи қилса, султонман деб Шайх Маҳмудий зуғум ўтказади. Охири бир неча амир ўзаро англашароқ султон сиёсатидан ўзимизни тортдик. Дину диёнатимиз нуқтаи назаридан халифа ал-Мутаваккил билан алоқамизни узмадик. Зотан, унинг катта қўшини йўқ. Кимсанинг устига бостириб келиб, зуғум ўтказа олмайди.

– Сизларнинг малик Муайяд Шайх Маҳмудийдан нозиликларингиз боиси недур? Недан муносабатларингиз исён даражасига кўтарилди? – яна сўради Шоҳруҳ султон.

– Зоти олийларига яхши маълумки, айни кундаги Миср маликлари Мамлук ҳукмдорларининг буржийлар сулоласига мансубдир. Булар аслида қипчоқ турклари бўлиб, асиру аскар ўлароқ Қоҳирага келганлар ва амири лашкар рутбасига кўтарилгач, Миср ва Шом ҳукмронлари аюбийлар тахтини эгаллаганлар. Мана шунга ҳам юз етмиш йил бўлди. Сулолалар не қадар узоқ сўлтонат сурсалар, шу қадар золимлишиб, ҳеч ким билан ҳисоблашмайдиган бўлиб қолар экан, аълоҳазрат! Мамлакатда шундай бир вазият вужудга келдики, одил, оқил ва ақли салим бир шахсият бўлмоқ мусибату фалокатга айланиб қолди. Барча олиму уламо, фозилу фузалолар Қоҳира, Дамашқ, Ғазо, Хумм, Ҳалаб ва Қуддус каби буюк шаҳарларни тарк этиб, усмонли турклари султонлари паноҳига сиғинмоқдалар. У қавмимизнинг машҳур ва ақлли кишиларини йўқ қиламан дея қасам ичиб ҳаракат этаётганга ўхшайди.

Етук мударрису мутахассислар мактабу мадрасаларни тарк этишгач, таълим-тарбия ҳавасқору пишиб етил-

маган талабаларга қолар экан. Бунинг оқибатида эса илму урфон, ўқишу ўқитиш ишида ўрнини тўлдириб бўлмас оқсоқлик юзага келаркан. Энг ёмони, кўйу қасаба, ноҳия ва вилоятлардан халқ ҳеч бир талаб, эҳтиёж ёхуд ташаббус билан султонга мурожаат эта олмайди. Бирон бир янги фикр билан ҳузурига чиқсангиз, сен барчадан ақлли бўлиб келдингми, дея от ўғрисию ит ўғрисига айлантиради. Очлигу ночорликдан тиззасига муштлаб норозилик билдирганларни исёнчию бебошлиқда айблаб, қатағонга дучор этади. Зиндонга ташлайди. Бола чақасини очу яланғоч қолдириб, юртни тарк этишга мажбур қилади. Энг ёмони, бошнинг кунда ёки дорга етгани эмас, тириклайин ўлимга маҳкум этилмоқ экан, султоним. Амиру вазирларни мулозиму маъмурлар кўз ўнгида тепкилайди. Чилим билан бошига уради. Ўзига итдек садоқатли кишиларнинг истагани қадар бузуқилик қилишига йўл кўйиб беради. Ҳар қандай номаъқулнинг нонини емоққа фақат унга яқин кишиларгагина рухсат этилади. Бошқаларни эса оч ит ҳолатига тушириб томоша қилишдан роҳатланади. Хуллас, бу каби номақбул сўзларни сиз каби олий зот, хоқони саид ҳазратларига сўйламоқ ҳам айбдир, султоним. Бир қошиқ қонимдан кечинг! – икки букилиб таъзим қилди амир Ҳожи Мусофир. – Жисмоний қатағон не қадар фалокатли бўлса, руҳий ва маънавий қатағон ундан-да даҳшатли экан. Малик ўз қадрини билган, шаъну шарафи, ор-номусини сақлаган, мард ва ғурурли шахсиятларни кўрса ёки сўзини эшитиб қолса, шайтонлаб, қассобнинг безига айланади. Атрофида уни даҳою авлиё деб билган саводсиз, чаласавод, руҳан нуқсонли, мумсик ва пачоқ кимсалар тўпланиб қолган. Боиси, маликнинг ўзи руҳан ва маънан қусурлидир. Хуллас, бошлар оёқ, оёқлар бош бўлган.

---

– Ҳар қандай кишининг, шоҳу гадой, ким бўлмасин, бошқа бир кишини уриб ҳақоратлаши, хусусан, мусулмон бир ҳукмдорнинг ўз раиятига шундай давраниши, бориб турган шайтонликдир. Каъба инсон кўнглидадир. Ана шу муқаддас эътиқодни ҳақорат этиб, синдирмоқ жаддида бўлган киши ким бўлмасин эрта бир куни аввало улус, сўнгра яратганнинг қаҳрига дучор бўлгусидир. Бироқ мамлук султонларининг Ғазода ёвуз мўғул босқинчиларини тўхтатиб қолганликлари, ўттиз йил сўнгра эса салибчиларни мусулмон ҳудудларидан қувиб чиққанлари каби тарихий хизматларини ҳам эътироф этмоғимиз керак, – таъкидлади хоқон.

– Тўғридир, улуғ султон ҳазратлари, сўйлаганингиз тарихларда мусулмон умматига сўз ила ифодалаб бўлмас хизматлар қилган малик Зоҳир Рукниддин Бейбарс ва малик Ашраф Салоҳиддин Халил каби султонларнинг қайд этганингиз хизматлари тақдирга шоёндин, – хоқоннинг бу фикридан шошиб қолган эди амир Мусофир.

– Муҳтарам кўноқларимиз шарафларига шоҳона бир зиёфат тартиб этилиб, муносиб тухфалар тақдим этилсун! – буюрди султон. Биз сиз диндошу имондошларимизнинг бу самимият ва сидқу садоқатингизни табригу тақдир этгаймиз? Сизларнинг оталарингиз бизнинг оталаримизнинг дўстларидир! Ҳар нарсанинг янгиси бироқ дўстнинг эскиси авлодир! – араб амирлари ташрифидан мамнун эди хоқон.

Хоқони саид остонасига юксак эҳтиром ила бош урган малигу амирлар чексиз иноятлар билан тақдирланиб, ўз мулки ва давлатларини бошқармоқ учун янги нишон олиб қайтардилар.

Озарбайжон ҳукмдори Шайх Иброҳимнинг ўғли амир Халилуллоҳнинг Қаробоққа келиши амиру маъмур, аскару навкар учун байрамга айланган эди.

Амир Халилуллоҳ Шайх Иброҳим Қаробог қишлови мусофирлари учун икки сурув қўй-эчки ва икки пода йирик туёқли мол ҳайдатиб келган, барчанинг чўмичу қозони мой, олий қароргоҳда тўйу байрам ҳавоси ҳукмрон эди.

— Биз қиблагоҳингиз, ота қадрдонимиз улуғ амир Шайх Иброҳим ҳазратларини ҳар замон қон-қардош биродаримиз, Турон давлатининг Қофқозия ҳудудларидаги бир сўзли, қатъиятли ва таянч ҳукмдори деб билганмиз. Бу ҳудудларда ота рақибларимиз вақтинча от ўйнатиб, тулпор топар, эшак ер қабилида ўзларидан кетганларида ҳам улуғ амир Шайх Иброҳим буюк қардошимиз биз туроний ва темурийларга бўлган эътиқод, сидқу садоқатларида муқим турдилар. Шундай экан, биз ҳам ул азиз қадрдонимизга бўлган эътибору эъзозда қусур этмагаймиз. Қиблагоҳимиз, султон соҳибқирон даври давронларида бўлгани каби бу мулки мамлакатларнинг бош сўрумлиси ва ҳукмдори улуғ амир Шайх Иброҳим ва ул зоти-олийнинг сиз ҳамда инингиз Қаюмарс, Манучеҳр каби асил авлодларидир. Биз сизга Қофқозиядаги насронийу мусавий, суннийу шиа, дини диёнатини белгиламаган қавми қабилалар бўлсин, барчасининг уволсавобини топшираймиз! Олдигимиз билгиларга кўра насроний гуржилар мусулмонларга нисбатан одил ва адолатли давранмоқда эканлар. Бошқа насроний тўдалар имконини топса Ислом уммати ва миллатини талаб, озор бермоқ жаддида бўлар эмиш. Ана шу дўст ниқобидаги рақиблардан эҳтиёт бўлмоғингиз жоиз. Кўза кунига эмас, кунида синганидек, улар кутилмаган макону замонда оёқ чалишлари мумкин. Биз бир оғочга боқиб, ўрмонни унутмаслигимиз керак. Сиз амир Халилуллоҳ, қардошим, валиаҳд ўлароқ бу бебошлар ҳаракатини кўздан қочирманг. Дину диёнатидан қатъи назар, кимса

---

кимсага жабру зулм этмасин! Кимса кимсанинг ҳақини емасин! Сиз ҳар замону маконда азииз, асил улусимизнинг басиратига ишонароқ ва суянароқ иш тутсангиз янглишмайсиз, мақсадга етасиз.

– Иншоллоҳ, яқин кунларда насроний ва гуржи подшоҳлари Александр биринчи ҳамда Константин иккинчилар палосингизни ўпмоқ шарафига ноил ўлмоқ ниятидалар. Бизнинг ўн гапимизу, олампаҳоқ султони-мизнинг бир оғиз сўзлари. Улар ҳазрат хоқонимизнинг насиҳатларини жон қулоқлари ила тинглайдилар. Султони-миз томонларидан берилган амри фармонлари ерига келтирмоқ, ижросини таъмин этмоқ биз қулларингизнинг бурчидир, – дея ўз сидку садоқатини изҳор этди амир Халилуллоҳ Шайх Иброҳим.

Қаробоққа яна қайтиб келиб, султон Шоҳруҳ хизматида бўлмоқни ният қилган амир Халилуллоҳ изн сўраб юртига қайтди.

Бир ҳафта сўнгра эса унинг кичик қардоши баҳодирлиги билан ном чиқарган амир Манучеҳр хоқон саропардасида ҳозир бўлди. Амир Манучеҳр билан бирга Шакий вилояти ҳокими Сейди Алининг ўғли Сейди Аҳмад ҳам ташриф буюрган, бутун Озарбайжон қайта теурий салтанат ҳимоясига кирган эди.

Улуғ хоқон ҳузурига оқиб келаётган малику подшоҳларнинг кети узилмас эди. Мўғулистон подшоҳи саройидан Ойдуку ярғучи, Гилондан амир Ҳайдаркиё, Диёрбакрдан Қаро Усмон оққўйинлининг хос навқари, Қаҳрамонли беклиги амирлари, чўпонийлар амири Шайх Али, Бидлис беги амир Шамсиддин, Хуй амири Байрамбек, Курд мамлакати подшоҳи малик Иззуддин, Деҳли султони Хизрхоннинг элчилари Ҳиндистондан етиб келиб, хоқон меҳри мурувватига сазовор бўлдилар.

– Подшоҳу султон, амири волийлар сирасида ту-

риб, ҳузурларига кирмоқ ҳам мушкул бўлиб қолди, аълоҳазрат! – деди қучоқ очиб саропардага кириб келган амир Нуширвон Барлос.

– Зап келдингиз-да, амаки. Сиз ила маслаҳатлашажак ишлар бор эди, – жавоб қилди султон амир амакисини хуш қаршилар экан. – Авлодимиз Карима бегим Абу Бакр Мирзо қизининг аҳволи нечук? Лозим бўлган ашё ва шарт-шароитни муҳайё этдиларми?

– Шаҳид аждодимиз Мирзо Мироншоҳ Кўрагоннинг азиз набираларини муносиб қаршиламай бўладими, султоним. Бир маликага неки лозим бўлса ҳозирладилар. Энди бу салтанатимиз гавҳарини муносиб бир шаҳзодага узатмоғимиз лозимки, бахту саодатни топиб, ўз-ўзидан тинчиб кетсин, – марҳум Улуғ амир Қаро Юсуфнинг кенжа маликаси Карима бегим тақдири ҳақида сўз очди амир Нуширвон Барлос.

– Мен ҳам сиз ила шуни маслаҳатлашмоқчи эдим. Улуғ амир Қаро Юсуф ҳам акобирлар одатига амал қилиб, маликани раҳм-шафқат ҳужраси ва риоят соясида тутиб, вояга етгач, никоҳига киритган ҳамда бошқа маликаларидан юксак даражада тутган экан. Ул амирни-да оллоҳ раҳмат этган бўлсин. Менга кўра, маликамизга энг муносиб номзод шаҳзода Халилуллоҳ Шайх Иброҳим ўғлидир. Ул авлодимиз сидқи ният ва соф ақида ила ҳумоюн узангимизда мулозимликда бўлди ва хулқи одоби билан эътиборимизни қозонди. Бу қўнуда сизнинг фикрингиз муҳимдир, амаки.

– Ғоят муносиб номзод, онҳазрат. Бу хусусда шаҳзода Халилуллоҳнинг кичик қардоши амир Манучеҳр ҳам менга оғиз очган эди. Ниятлар тўғри бўлгач, фикрлар бир ердан чиқаверади, султоним.

– Унда қуда тарафга сўйланг. Тўй ҳозирлигини кўрсинлар.

---

## ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

*Сулҳу яраш истасанг, савашга ҳозир тур.*  
**Отасўзи**

Кузнинг иккинчи ойи охирлаб, Самарқандда мезон шамоли эса бошлаган, сўнг баҳор ёмғиридан кунгай марзалару яйловлардаги ўт-ўлан қўзи тишига илиниб қолган эди.

Шу пайтгача бирор-бир жангни қойиллатиб, ғалаба қозонмаган султон Улуғбекнинг фикри зикри Мўғулистон фатҳида эди.

Шермуҳаммадхон, ундан сўнг келиб Кўксарой остонасини ялаган Бароқхонларнинг хоинлиги Самарқанд султонининг ақлини олиб, қаҳрини келтирган эди.

У Кошғар сари юриб, подшоҳ сифатида отаси ва улус олдида ўзини наларга қодир эканлигини кўрсатишни истар, ҳар қандай ёш ҳукмдорнинг орзуси саналмиш жасорату баҳодирлик ила фатҳу зафар қозонмоқни орзу этарди.

Самарқанддан кўтаринки кайфиятда чиққан амиру вазир, мингбошию юзбошилар суворий отлари юриши қулай бўлган даралар ва илиқ куз қуёшида кўкариб қолган адирлар бўйлаб илгарилар эди.

– Сезиб турибман, шарафли султоним. Бу юришимизда мўл-кўл ўлжаларни қўлга киритсак керак, – деди мирзонинг ўнг томонида бораётган амир Таваккал.

– Мен мамлакат хавфсизлиги ва бизга сотқинлик қилган номардларни муносиб равишда жазоламоқни ўйламоқдаман, амир жаноблари, – деди кутилмаган гапдан ҳайрон бўлиб мирзо Улуғбек. – Моддият ва ўлжани кўзда тутиб савашга кирган аскар билан юксак ҳадафу мақсадларга эришмоқ мушкулдир.



## Нурали ҚОБУЛ

– Бўш қоп тик турмас, султоним. Яғий устидан ғалаба қозонмоқ, суворийу сипоҳийнинг оғзини ёпиб рози этажак бир қопқоқ – ўлжадир. Зоти олийларига маълум. Бу қадар лашкарнинг олдига эту суяк ташлаб турмасангиз, қорни очиб усти юпун қолган куни қочоққа айланади. Ортидан айғоқчию амири харос, ҳатто бутун бошли черикни юбориб ҳам топа олмайсиз. Мен қари бўри бошимдан кечган, тажрибадан ўтказганимни сиз олийшаън амирзодамга айтмоқдаман. Бу дунёда бир онанг дўст, бир тананг деганларидек, сиздан томиб турмаган куни кўзингизнинг ёғини ялаб турган яқинингиз ҳам терс бурилиб кетади, – фикрида собит эди амир Таваккал Барлос.

– Ҳа, тўғри сўйлайдурсиз, Таваккал аво, – деди амирзода бекнинг ҳақ сўзларига қулоқ тутаркан. – Ютган хон, ютқазган ўғри деганларидек, ҳар доим ҳам кишининг бир эли ёғда, бир эли болда бўлавермайди. Айниқса, сўғишу саваш замонида. Биз шу пайтга қадар лашкар жўнатган бўлсак-да, тузук-қуруқ бир жангда қатнашмадик. Ўрдумиз тартиби бўйича қўлга тушган ўлжа қандай тақсимланади? Шу савашга кирмаганимизда кўп маблағни сақлаб қолиб, қурилишу ободончилик ишига ишлатган бўлармидик?

– Бу юриш биз учун мажбурият бўлиб қолди, султоним. Бугун Шермуҳаммадхоннинг таноби тортилмас экан, бизни кўрқди деб ўйлаб эрта бир куни мирзо Амирак Аҳмад давридагидек Андижонга, индин Самарқандга от қўйиб келади. Боиси уларнинг ота-боболари бу юртларда тулпор ўйнатиб юрган. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас. Ўнжа ялоғингизни ялаб, сўнгра таламоқчи бўлган хоинларга омонлик бериб бўлмайди. Уларнинг оталари тош устига тош қўймай, фақат лоф устига лоф қўйиб келганлар. Султон соҳибқирон ҳазратлари улар-

га ўтиражак жойларини кўрсатиб кетганларми, тамом. Биз ўша, темурий азму қарор ила ҳаракат этмоғимиз ва илоннинг бошини инида янчмоғимиз керак, – дами баланд эди амирнинг. – Ўлжаларни тақсимлаш масаласига келсак, бу зоти олийларининг хоҳиш-иродаларига боғлиқдир. Мендан сўрасангиз, қўлга тушган мол-мулкнинг бешдан иккисини хазина учун олиб, қолган уч қисмини лашкару қўмондонларга бўлиб берсак бўлади, султоним.

– Бизга мадрасалар ва расадхона қурмоқ учун маблағ керак эди. Бироқ қону жон баҳосига қўлга киритилган мулк ҳисобига расадхона ва мадраса тикламоқ, билмадим, мантиққа тўғри келмас тирикчиликка ўхшайди, амир жаноблари, – деди Улуғбек ўйга толиб.

– Ўлжа молини лашкарга маош сифатида тарқата-сизу, олиқ-солиқдан тушган маблағга қурилишни қилаверасиз, султоним. Пулнинг борлиги эмас, йўқлиги муаммодир. Ақча бор жойда ҳар қандай иш хамирдан қил суғургандек ҳал бўлаверади. Йўқни йўндириб бўлмайди, шаҳзодам, – ҳангама бериб борарди амир Таваккал Барлос.

Самарқанд лашкари Сайхун соҳилларига етиб келган, амирлар подшоҳ ижозати билан қишлоқ манзиллари томон жўнаб кетишарди.

Қишлоқни Шоҳруҳиянинг илиқ-иссиқ қалъасида кечирган султон Улуғбек иккинчи ойнинг сўнгида юришни бошламоқ амрини берди.

Туркистон ва Мўғулистон қўшини Ашпарада юзма-юз келдилар. Қарши тарафнинг амир Иброҳим ва Жаҳоншоҳ қўмондонлигидаги катта қўшини ўз ғалабасига ҳеч шубҳа қилмай ҳужумга ўтди.

Оқсув бўйида, Буам сойи ёқасида бўлиб ўтган қонли тўқнашувда султон Улуғбек лашкари мўғул қўшинини қақшатқич мағлубиятга учратди.

Амир Иброҳим ва икки ўғли жангда ҳалок бўлди. Амир Жаҳоншоҳ эса қолган-қутган аскарлари билан Чўнг кеминга, ундан сўнг Иссиққўл томонга қараб қочди.

– Бу савашимиз узоққа чўзиладиганга ўхшайди, султоним, – деди Жаҳоншоҳ черигини саккиз тош қувиб бориб ортга қайтган амир Таваккал Барлос ҳорғин қиёфада султон саропардасига кириб келаркан. – Бу кетишда худди илк тўқнашув каби бир неча бор жанг қилишимизга тўғри келади чоғи. Назаримда, савашганимиз черик яғий лашкарининг ўндан бири, шекилли. Биз буюк қоон Чингизхон каби катта лашкар билан рақиб устига юрдик. Яғий эса Алоуддин Хоразмшоҳдек улкан қўшинни вилояту ноҳияларга бўлиб юборганга ўхшайди. Юришда давом этар эканмиз, улар қаршимиздан чиқаверади. Лашкарга ҳам оғир бўлади, чамамда, – тараддудини яширмади амир.

– Не қилмоғимиз керак? – сўради Улуғбек тахтдан туриб қўлини орқасига қилганча саропарда бўйлаб юраркан.

– Хатти мудофаа эмас, садди мудофаа бор, султоним. Орқага қайтмоққа йўл йўқ. Юришда давом этмасак бўлмайди. Бундай катта лашкар билан ортга қайтсак, айб бўлади. Илк ғалабадан руҳланган суворийларимизнинг кайфи чоғ, иштаҳалари карнай. Биринчи мағлубиятнинг шов-шуви ортидан Кошғар сари от сурмоғимиз керак. Енилгидан ўтакаси ёрилган яғийни ўзига келмасидан таъқиб этмоғимиз ва таппа босмоғимиз лозим, – маслаҳат берарди амир.

Тиш қоққан қўмондон амир Таваккал Барлоснинг ҳисоб-китоби тутган эди. Чўнг Кемин ва Иссиққўл атрофида юз берган иккинчи ҳамда учинчи тўқнашувлардан сўнг Обиш, Чорин, Арпаёзи, Тошбўйноқ, Қизилсув, Сангтош, Кетмонтепа, Оққуёш, Конағас, Юлдуз ва мўғул

---

хонларининг бош қароргоҳи Қаршидаги жангларда ҳам қўли баланд келган Турон ўрдуси Жете ва Мўғулистон бошкентини эгаллади.

Ўз кундан ортиқ давом этган бу қонли савашдан ҳар икки томон ҳам оғир талафот кўрган, мўғул улуси бошига тушган кулфатнинг ҳад-ҳудуди йўқ эди.

Забт этилган кўйу қасабалар, кенту шаҳарлар бир неча кун мобайнида лашкар яғмосига қўйиб берилди.

– Савашнинг бу қадар узаб кетиши ва вайронагарчиликлар келтиришини билганимизда юришни бошламаган бўлур эрдик, – деди саропардасида амиру қўмондонлари ҳисоботини тинглаётган султон Улуғбек ҳузурига кириб келган амир Таваккал Барлосга ташвишли оҳангда.

– Уруш ўз оти билан урушдир, султоним. Унинг дастуриламали, аниқ бир қонун-қондаси йўқдур. Майдонга тушдингми, тамом. Ўлдирмасанг ўлдирадилар, таламасанг талайдилар, енгмасанг енгадилар. Бел боғлаб курашга тушдикми, беллашув шартини ерига келтирмоққа мукаллафдирмиз. Сиз каби илму урфон султонларининг бул каби қонли тирикчиликларга тоби тоқатингиз йўқлиги табиийдир. Сўғишу савашни биз ари бўриларга қўйиб берингу, масжиду мадраса, ҳаммому расадхоналарни сиз қуринг, султоним! – одатдагидек сергап эди амир Таваккал Барлос.

Ўлжа мўл тушганидан кўтаринки кайфиятда султон саропардасига кириб келган амирни зимдан кузатганча тинглаётган мирзо Улуғбек унинг сўзини маъқуллагандек бош ирғади.

– Вазият хусусида менга билги берсангиз, муҳтарам амир жаноблари. Бу юришу уруш давом этиб, яғийни қувиб кетаверамизми? Бунинг устига орқа томондан ҳам хавотирдаман. Ортада қолган эл-улус ва қочган-

писган черикларни-да назардан қочириб бўлмас. Улар ҳам бирлашиб ҳаракатга кечсалар, бир ташвишимиз икки бўлмаслигига кимса кафолат бера олмайди, – савашдан чарчаган эди султон.

– Орқа тарафдан хавотир олмасангиз ҳам бўлади, султоним. Айиқ ҳужумидан ўтакаси ёрилган пода қайтиб ўша ўтлоққа бормайди. Сўйлаганингиз каби юришни тўхтатмоқ фурсати етди. Буюк бобонгиз, султон соҳибқирон ҳазратлари ҳам худди шу манзил – Улуғ юлдузга қадар келганлар. Қаршимизда қуш учмас ва карвон кечмас саҳро ястаниб ётибди. Лашкарни ҳолдан тойдирамиз. Турум ҳақида маълумот берсам, ўлжа мўлжалдагидан ҳам кўп тушди. Майдаю катта туёқли мол, турли-туман қимматбаҳо ашёю гумаж, аскарару қўмондоннинг бурнидан булоқ, кетидан улоқ бўладиган даражада асирларни айтмайсизми? Бек ва мингбошиларимиз сурувни тақсимлагандек одамларни бўлиб олмоқдалар. Ўлжалар орасида биз амир соҳибқирон ҳазратлари билан улар саройи Қаршини забт этганимизда олиб кетолмаганимиз икки бўлак қимматбаҳо кош (нефрит) тоши ҳам бор экан.

– Бу тошларнинг бир парчаси Самарқандда эмасми? – ҳайрон бўлиб сўради мирзо Улуғбек.

– Айнан шундайдир, султоним. Бу бебаҳо тошни Дува Сеченхон Чинни забт этганда ўша тарафдан келтирган дейдилар.

– Улуғ бобом ҳазратлари қолдирган кишилар бу тошларни олиб кета олмаган, дея эшитганим бор. Шу тўғрими? – яна сўради мирзо.

– Ўша пайтда улуғ хоқон ҳазратлари икки тошни арваларга ортиб бошкентга элтмоқ учун амир Жаҳоншоҳни бир неча минг черик билан қолдирган эдилар. Бироқ улар бу ишнинг уддасидан чиқа олмаганлар, султоним.

— Ҳа, англадим. Улар бу тошларни ортишнинг ҳисоб-китобини тўғри ололмаганлар ва кўтариши мумкин бўлган аравани ясамоқни билмаганлар. Иншооллох, улуғ бобомиз амиру аскарлари эплай олмаган иш бизга насиб этар. Сиз бу ишнинг бошига бир бекни тайинлаб, икки минг чапдаст суворийни жалб этинг. Тангри насиб этса уни тарошлатиб буюк бобом ҳазратларининг сўнг маконлари устига қўйгаймиз.

Султондан таълимот олган амир Таваккал Барлос тисланганча саропардани тарк этди.

Бўлиб ўтган қонли тўқнашувлар, жон талвасасида қичқираётган ярадорларнинг овози кулоғига қуюлиб қолган мирзо Улуғбек кўнгли хижил бўлганча саропарда саҳнига чиқди.

Савашдан сўнги манзара аянчли эди. Бир тўп аскар асир эркакларни сурув каби ҳайдаётган бўлса, яна бир гуруҳ суворий аёлларни қамчилаганча каттакон чодирга қараб юришга мажбур этарди.

— Аёлларни қўриқлаётган юзбошига бориб сўйла! Уларга қамчи ўқталмасин ва мажбурлаб асир этмасинлар! Инон-ихтиёрларини ўзларига қўйиб берсинлар! — буюрди султон орқасида турган хос мулозимига кўз ўнгидаги манзарадан мутаассир бўлиб. — Аёл, она зоти-га ҳам қамчи кўтарадими эркак деган махлуқ! — таъби тирриқ бўлганди шаҳзоданинг.

Султон амрини бажарган амир Таваккал Барлос ҳаллослаганча яна қайтиб келди.

— Фармонларини ҳарфиян ерига келтирдим, султоним! Икки минг суворийни саралаб амр қилганингиз ишга жалб этдик! — ҳисоб берди амир.

— Юринг. Ўзим бориб ёғочлар воситасида катта тошларни аравага ортиб-тушириш ва олиб юришнинг ҳадди ҳисобини уларга тушунтириб берайин. Акс ҳолда,

бу ишнинг ҳадди риёзиётини (математика) билмаган навкар зоти бу қимматбаҳо тошни синдириб, хароб қилиши мумкин, – дея ўрнидан қўзғалди шаҳзода. – Бутун қўшинга еткуринг! Ватанга қайтамиз ва мўғул юртидаги талон-тарожга чек қўйилсин! – йиғилганлар эшитажак оҳангда буюрди султон Улуғбек. – Фатҳнома битиб, қиблагоҳ ҳузурларига чопар юбормоғимиз керақдир.

Сўғишу савашнинг заҳмату машаққати елкасидан тушган Туркистон қўшини қиличу ханжарини қинига солиб, оти жиловини ортга бурди.

Саратон кириб, кунлар қизий бошлаган, Туркистон тизмаларининг киши оёғи етмас чўққиларидаги қорлар эриб, Сангзору Зарафшон, Оқдарё ва Қорадарё тўлиб-тошиб оқажак дамлар бошланган эди.

Олий қароргоҳ Дизакнинг кун юриш тарафидаги Равот манзилидан Илонўти дараси томон шитоб билан келарди.

– Шу дарада султон соҳибқирон ҳазратлари кўп бора тўхтаганлари учун зоти олийларининг муборак номлари ила аталгувчи бир ғор бор, султоним. Шу ғорда бир муддат тўхтаб, руҳларига дуои фотиҳа этсак, – деди амир Таваккал Барлос отини қичаганча султон ёнига етиб келаркан.

– Кўп маъқулдир, амир жаноблари. Бу ғор ҳақида эшитганим бор, – жавоб қилди шаҳзода. – Кўрмоқ орзусида эрдим.

Олий бош қўмондон ва амирлари Тошлоқ дарёси оқиб ўтгувчи дарага етгач, қўш ташладилар. Сув ёқалаб тикилган чодир ва боргоҳлар ёнидаги тош ва ер ўчоқларда пишир-куйдир ҳаракатига тушиб, тушлик истироҳат тараддуди бошланган эди.

– Бу чексиз даралар ва адирлар, тоғу тошларга худди биз каби бир замонлар улуғ бобом ҳазратлари ҳам

боққанлар ва бу йўлларда муборак излари қолгандир. Энди эрса биз бу сўқоқлардан юрмоқдамиз. Тоғу тош эса барчасига шоҳиддек қилт этмай тураверади. Баҳордан яшнаган даралар саратон кирмай сарғайиб қовжирайди. Сувсиз адирлар ялангтақир бўлиб тураверади. Инсон боласи эса қуш умри каби қисқа ҳаётнинг қадрига етмай, биз каби мулки давлат, мавқею мартаба учун кўппак каби талашиб ўтиб кетаверади, – деди мирзо Улуғбек ёнида турган амир Таваккал Барлосга ҳазин оҳангда. – Қани бу ерда мантиқ? Унга интилган сари мантиқсизлик уммонига яқинлашаверасан киши, – ўйга толганди шаҳзода.

– Биз каби эсини танигандан бери қиличу найза тутган навкар зотининг, сиз олийнажот шаҳзодам баҳс этган мавзуларга тишимиз ўтмайди, султоним. Амри фармон қули саналмиш суворий зотига иш буюрингу сўнучини талаб этинг, – жавоб қилди мирзо сўзининг маъносини англаб-англамаган амир Таваккал Барлос.

– Тўғри, амир жаноблари. Ҳар бир киши дунё ва борлиқни ўзи кўргани ва тасаввур этганича қабул қилади. Қаршимиздаги қоянинг текислигига қаранг. Шу жойга бир хотира ёзуви ёзсак бўлар экан. Не дейсиз?

– Хўп ажойиб иш бўлади-да, султоним. Мўғулистондек бир мамлакатни забт этиб қайтмоқдамиз. Бу фатху зафарни улуғ бобонгиз Улуғтоғда битган битиклари каби тошга ўйиб ёздирмоқ керак, – шаҳзодани қувватлади амир.

– Унда матн шундай бўлади, – дея орқасида турган муншийга қаради султон – Улуғ тангрининг қўллаб-қувватлаши билан улуғ султон, барча подшоҳлар ҳукмдори, тангрининг ердаги сояси, ислом динининг туғдори, дин ҳомийси Муъиниддин Улуғбек Кўрагон, тангри унинг салтанатини пойдор қилсун Жете ва



Мўғулистонга юриш вақтида ушбу ердан ўтғон. Ҳижрий 828 йил. (27 июнь, 1425 йил) Тоштарошларимиз ишларига киришсунлар. Биз йўлда давом этамиз ва кечки емакни Сойбўйи қалъасида еб, дам оламиз, – деди шаҳзода бекларига.

Қўшин кўч-кўронини йиғиштириб яна йўлга тушди.

### ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

*Душманиннга қарши курашавериб,  
душманиннга ўхшаб қолма.*

**Отасўзи**

Кеч кириб қолган, толиққан қуёш ҳансираганча Ғўбдин тоғлари ортига ботар, оғочлар япроқларида ўйнаётган қуёш нури ним бўтана дарё юзида жилоланарди.

Кечки шафақ нурида маҳобатли Туркистон тизмалари кўзга ташланар, музликларни ёстиқ, юлдузларни ёпинчиқ қилган Ойқор қоялари бор қадди қомати билан кўкка бўй чўзиб турарди.

Олий қўш Сойбўйи қалъасига етиши билан қоровуллар Ҳиротдан, хоқони сайд ҳузуридан чопар келганлигини маълум қилди.

– Чопар ўнбоши Мунай Меркитдирман, султоним! Арз этамен! – дея палос ўпди шаҳзода ҳузурига кирган қисик кўз, сийрак қошли кўмир каби қоп-қора навкар. – Хоқони сайд ҳазратлари амирлари ва мингбоши Эсиргап Найман таълимоти билан палосингизни ўпмоқ шарафига ноил бўлдим!

– Хуш келдинг, чопар Меркит. Меркит! Демак, сен меркит уруғидансан, шундайми? – сўради султон тиз чўкиб турган чопардан. Недан сизни меркит дерлар? Бу биздаги манғит эмасми?

– Мен мўғулу чин савашидан яқин замонларда қочиб келган меркитларданман, султоним. Насроний ва шаман динида қолганларни худди қалмоқлар каби меркит дея атайдилар. Ислому динига кирганларни манғит дейдилар, – жавоб қилди навкар.

– Англашилди. Сен қайси диндансан?

– Бир йил бўлди, Муҳаммад динига ўтдим, султоним.

– Муборак бўлсин! Сўйла, не ҳаводислар келтирдинг? Қиблагоҳимиз, хоқони саид ҳазратларининг сихатлари жойидадир, иншооллоҳ?

– Оллоҳга минг қатла шукрлар бўлсинким, улуғ султону зоти олийлари соғу саломат, тахту салтанат тулпорлари чопмоқдалар. Сиз олийнажот шаҳзодамизга меҳрмуҳаббатли саломлар йўллаб, Жете ва Мўғулистон сафари тафсилотларини ёзма равишда тақдим этмоғингизни сўрадилар ва Дашту Қипчоқ тарафдин эҳтиёт бўлишингизни тайинладилар. Бу ишда мингбоши Эсиргап Найман ила маслаҳатлашиб иш юритмоқни тавсия этдилар. Мингбошининг сўйлашлари, сиз қурол-яроғ ва оту аскар бериб йўллаганингиз Бароқхон Оқ ўрдани эгаллаб кучайгач, Сарой Берка ва унга боғлиқ барча вилоятларни забт этган. Жўчизодаларнинг қай бири куч-қувватга тўлиб илдизи сувга етса, Туркистон томон кўз тикар эмиш. Мингбошининг Бароқхон ўрдасида бўлган махфийи шундай гапларни туйибди ва зудлик ила хабар жўнатибди, – Ҳирот муждасини мирзо Улуғбекка етказди чопар.

– Мингбоши Эсиргап Найманнинг ўзи қаерда?

– Эрта-индин етиб келадилар. Волидаи муҳтарамангиз, маҳди ул-ё Гавҳаршодбегимнинг сиз олийнасаб шаҳзодамизга ёзажак мактубларини беклаб қолдилар. Мени бир кун бўлса-да, эртароқ бу хабарни етказмоқ учун зоти олийлари ҳузурларига йўладилар.

– Тушунарли. Хоинлик ҳам қўша-қўша денг. Аввал Шермухаммадхон, энди эса Бароқхон. Бир сотқиннинг ишини ҳал этдик. Энди иккинчиси билан курашмоғимизга тўғри келар экан-да? – савол назари билан тикилди шаҳзода қаршисида ўтирган Таваккал Барлосга.

– Улардан бошқа нарсани беклаб бўлмайти, султоним. Аслида бу айиқларнинг ўлмай туриб терисини шилмоқ керак. Шунда ҳам ҳаққингиз кетади. Улуғ хоқон бобонгиз ҳазратлари навбати билан Тўхтамишу Ўрусхон авлоди Темур Қутлуғ ва Идику Манғитгача фисабиллоҳ кўмак этдилар. Тўхтамишхон отам ўрнидасиз дея мактублар ёзарди. Охир-оқибатда таги тешилган савобдан эса барчанинг хабари бордир. Бароқхон Шермухаммадхондан-да хавфли ва кучлидир, султоним, – ўз фикрини билдирди амир Таваккал Барлос. – Улар ёвуз режаларини амалга оширмақ учун куну тун замону макон беклайдилар, султоним. Кеча бўлганидек, бугунми, эртами ёки бир сугунми хавф-хатар сўзсиз шулардан келади. Эртами, кечми Мўғулистон ишини Чиннинг ўзи битиради.

– Шундай деб ўйлайсизми, амир жаноблари? – бекнинг кутилмаган гапларидан ҳайрон бўлган эди Улуғбек.

– Икки юз йилдан бери шундай бўлиб келди, султоним. Улар Чигатой улуси даъвосидан бундан сўнг-да воз кечмайдилар. Тангри дилимга солган сўзларни тилимга келтирмақдаман. Бир қошиқ қонимдан кечинг!

– Не демак, улуғ амир жаноблари. Фикру сўз учун таъқибу қатл этмоқ эрку ҳуррият қотиллигидир. Тўғриминотўғримини, қарашингизни сўйламак ва ҳимоя этмак ҳақ-ҳуқуқига соҳибсиз, – деди шаҳзода амирга бошдан-оёқ тикилиб.

Амир Таваккал Барлос султонимизга маъқул келмас сўзларни сўйлаб қўйдимми дегандек қимтиниб турарди.

– Сен кета билурсан, қардошим, – дея қўл қовуштириб турган чопарга кетмоққа изн берди шаҳзода. – Олий қароргоҳда қолиб, истироҳат эт. Мингбоши Эсиргап Найман етиб келиши билан ҳузуримизга кирсунлар! – буюрди ясовулбоши Ражаб Турдиқорага.

Ҳирот чопари келтирган хабардан мирзо Улуғбекнинг кўнглига ғулғула тушган, ўйга толганча дарё бўйида ёлғиз ўзи наридан-бери бориб келарди.

Наҳотки, қардоши каби кўрган, бор-будини элига тутқазиб Оқ ўрда сари отлантирган хонзода шунчаликка борган бўлса? Икки йил бурун у Оқ ўрда устидан ўз ҳокимиятини ўрнатган эди. Демак, энди Сарой Беркани эгаллаган. Дашту Қипчоқ тахтига ўтиргану ўзини Жўчихону Ботухон ҳис эта бошлаган.

Оқ ўрда тахтига чиққанидан сўнг элчиси Жумадуқ ўғлон Самарқандга унинг катта совға-саломлари билан келган эди. Жўчизода ўғлонга Улуғбек Боғи Дилкушони тайин этиб, шарафига шоҳона зиёфатлар, базми жамшидлар тартиб этганди. Бароқхон учун турли хил тансиқ молларга қўшиб, салмоқли миқдорда маблағ ҳам бериб юборганди. Шу сармоялар кучи билан у аввал Давлатберди, сўнгра Кепекхонларни тахтдан улоқтиришга муваффақ бўлди. У билан ёвлашадиган бўлса, тўқнашув Жете ва Мўғулистон сафари каби осон кечмайди, ўйга толганча дарё бўйлаб юрарди амирзода.

Самарқанд томондан келган ўн чоғли отлиқ қарши соҳилга ўтмоқ учун дарёнинг саёз оқимини излаб соҳил бўйлаб ўрларди.

Тўлиб-тошиб оқаётган дарё қирғоқларини ялаб-юлқаб, емириб оқарди. Дизак ва Самарқандни боғловчи бу муҳим йўлнинг Тошлоқ кечувида бир кўприк қуриш керак экан, хаёлидан кечди султоннинг.

Ниҳоят суворийлар наҳрнинг ёйилиб оққан жойидан кечиб ўтишди. Амирзода беихтиёр улар томон юрди.

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Эсиргап Найман етиб келди, султоним, – деди ясовулбоши Ражаб Турдиқора шаҳзодага ўн қадамча яқинлашиб.

– Ёнида Али Қушчи билан Бобоҳусайн ҳам борга ўхшайди, – жавоб қилди Улуғбек отлиқларни таниб. – Сабрлари чидамай истиқболимизга чиққан кўринадилар. – Ие, орқада Масти Қаландар ҳам ҳаллослаб келаётир.

Юз қадамча нарида отдан тушган суворийлар меҳру муҳаббат, сидку садоқат-ла султон Улуғбек томон талпиндилар. Али Қушчи билан Бобоҳусайн Туркистоний оқаётган кўз ёшларини артиб келишар, мингбоши уларга далда берарди.

Султон Улуғбек мусофирларини бир-бир бағрига босиб кўришди.

– Хуш келдингиз! Шараф бердингиз! Сафолар келтирдингиз! – деди мирзо энг яқин кишиларини меҳр-ла қаршилар экан. – Малик уш-шуаро Масти Қаландар ҳазратларининг ташрифларидан бошимиз кўкка етди, – шоирга илтифот кўрсатди султон.

– Қиблагоҳингиз, хоқони саид ҳазрати олийларининг дуои саломлари ҳамда волидаи муҳтарамангиз маҳди ул-ё Гавҳаршодбегим зоти олияларининг мактубларини келтирдим, султоним! – дея зарфли хатни узатди Эсиргап Найман.

– Қиблагоҳимиз ва волидамиздан Оллоҳ рози бўлсин! Улар бор эканки, биз шундай фатҳу зафарлар қучиб, бобо бошкентига қайтмоқдамиз. Бунинг барчаси ҳақнинг инояти ва ота-онамизнинг ижобат ўлмиш дуоларидир! – учрашувдан мамнун эди амирзода.

– Бизни ҳам ола кетмадингиз, устоз? Сизсиз не қиларимизни билмай гангиб қолдик, – деди Али Қушчи таъзим-ла бош эгиб.

---

– Сиз, қардошим Алибек, ёш олимсиз. Олиму ула-  
молар, мударрису муаллимларни жангу жадалга олиб  
бормайдилар. Улар улуснинг ёш авлодини ўқитиб, тар-  
бият этмоқликлари керак. Бобоҳусайн ҳам мадраса та-  
лабаси ва Кўксаройнинг масъул мулозими. Биз пойтахт-  
да бўлмасак-да, давлату ҳукумат ишламоғи керак-ку,  
ахир. Бу ишда мен сизларга ишонаман ва шунинг учун  
ҳам бошкентда қолдириб кетганман, – жавоб қилди  
шаҳзода.

– Сиз ҳам олимсиз-ку, устоз? – деди самимий нигоҳи-  
ни амирзодага тикиб турган Бобоҳусайн.

– Ана, Бобоҳусайн менинг янглиш ишимни айтди.  
Мен олим бўла туриб, ўз қўшим билан бошқа бир юрт  
ва халқ устига бостириб бордим. Бобоҳусайнбек сўйла-  
гани каби олим эмас, бошқа барча ҳукмдорлар каби бир  
подшоҳ бўлганимда бошқа гап эди. Мен бу ҳаракатим  
билан султонлик васвасасига берилиб, олимликнинг  
одил ва оқил овозига қулоқ тутмадим. Қон тўкилиб,  
жон чекилишига йўл қўйдим. Мана бир неча кундирки,  
шундан изтироб чекмоқдаман. Ўттиз ёшдан ошиб уруш  
деган балонинг бу қадар аянчли ва даҳшатли бўли-  
шини тасаввур этиб кўрмаган эканман. Кўп таассуф-  
даман. Бундан сўнг ўйлаб иш тутмоққа тўғри келади, –  
қадрдонларига дардини ёрди мирзо. – Қани, юринглар.  
Соҳил бўйида тикилган саропардада суҳбатни давом  
эттирамыз, – дея қўноқларни чодир томон бошлади. –  
Сизлар йўлдан келдингиз. Ювиниб-тараниб олингиз.  
Биз мингбошибек ила суҳбатлашиб турамыз, – дея Али  
Қушчи ва Бобоҳусайнга жавоб берди султон.

– Чопар Меркит келтирган хабарда жон борми? –  
сўради Улуғбек мингбошидан ақли ўша нохуш дарак би-  
лан банд экан.

– Афсуслар бўлсинким, рост кўринадир, султоним.

Сарой Беркада бўлаётган машваратларда Бароқхон Сайхун бўйидаги Ўтрор, Сигноқ ва Саброн шаҳарлари бизнинг ота-боболаримизга тегишли бўлган деган ид-даоларни сўйлабди. Саройда бизнинг одамимиз бор. Бўлаётган гап-сўзларни оқизмай-томизмай етказиб турибди. Бароқхонни оти кўндаланг чопадиган, хушига келмаган тўғри гапни ҳам тескари бурадиган шайтон-феъл бир киши дейдилар.

– Тўғри. Агар у бу қадар уста шайтон бўлмаганида ўн тўрт оға-ини бўлмиш Давлатбердихон Тўхтамишхон ўғлини тахтдан ағдара олмаган бўлур эди. Турум шуни кўрсатмоқдаки, у эртага устимизга бостириб келиши ҳеч гап эмас. Шундайми?

– Шундай, султоним. Улар табиатан ҳеч нимадан қайтмайдилар. Қиблагоҳингиз, хоқони саид ҳазратлари вазиятни совуққонлик ила таҳлил этиб, сўнг воқеалар хусусида чопар орқали билги беришингизни буюрдилар. Шунга қараб Ҳиротдан муносиб қўшинга бош бўлиб амирзодалардан бирлари келар эмиш.

– Қаранг-а, биз не ташвишда юрибмизу, қиблагоҳ ҳазратлари ғамимизни ёб, бу қадар изтироб чекиб, ҳаракат этмишлар? Тажрибали мингбошимиз ўлароқ не маслаҳатни лозим кўрасиз? – тик турганча Эсиргап Найман билан суҳбатлашарди мирзо Улуғбек. – Биз мудом ўзимизни ёки бола-чақамизни ўйлаймиз. Подшоҳ бўл-сак-да, қиблагоҳу волидамиз биз учун жон чекадилар.

– Ривоят этишларича, Одам ато билан Момо Ҳавони тангри лойдан ясаганлиги учун ота-она меҳр-муҳаббатидан маҳруму мосуво қолган эканлар. Шулар боис бандалар ўзларининг бино бўлишларига сабабчи бўлган кишиларни эмас, ўзларидан тараганлар ҳақида қайғурад эмишлар, – гап қўшди Эсиргап Найман.

– Бу ривоят ҳаққа ўхшайдур, мингбошибек. Сиз отадўсту бободушман қардошларимизни яхши биласиз.

Улар ила не тилда қўнишмоқ керак? Совға-салом ила элчи юбориб, илгариги каби муносабатларни тикласак бўладими ёки?..

– Ожиз фикримга кўра, ота соқоли оғзига битган ва бошига Ботухон тожини кийган чингиззода борки, бу ҳудудларни бобомерос мулки деб билади, султоним. Бизларга эса қавми мўғулга хизмат этгувчи аскар дея қарайдилар. Бароқхон ҳам берилган кўмакни сидқидил қўллаб-қувватлов эмас, зоти олийлари амал қилиши лозим бўлган мажбурият дея тушунган, чамаси.

– Улар шу қадар чуқур кетишган денг?

– Шундайдир, султоним.

– Иш савашга қадар бориб етиши мумкинми?

– Эҳтимолдан холи эрмас, султоним, – юмшоқроқ оҳангда фикрини изоҳ этди Эсиргап Найман. – У Сиғноқнинг яйловлари қадим замонлардан ота-боболаримга тегишли бўлган. Улуғ отам Ўрусхон Сиғноқда иморатлар қурган, дея бекларини бизга қарши гиж-гиж-лабди.

– Бобоси Сиғноқда иморат қурган бўлса қургандир. Бироқ хоқон Темурнинг дастагини олган Тўхтамишхон, Ўрусхонни янада катта боболари ортидан қора қонини оқизиб жўнатган. Оёқлари ердан узилган хон ҳазратлари кечмишдаги бу тарихни ҳам билсалар керақдир?

– Хом сут эмган инсон, дея аталмиш яратик шу қадар бевафо ва беоқибатки, султоним, коса лаби каж келганда ёту бегонани қўйинг, бола отасини танимайди. Нобакор ва ножинс кимсалар ҳокимият тепасига келдиларми, кўз очиб-юмгунча ўзини шу мартабага эришишига хизмат этган кишиларни ён-веридан четлаштириб, бадарға этади ёхуд йўқ қилади. Хоннинг бу ишидан ҳайрон бўлмай, кўрилажак чора-тадбирлар ҳақида фикр юритмоқда фойда бор, султоним. Одамларимизнинг сўзларига қараганда, улар сизнинг бу йил Шоҳруҳияда



катта қўшин билан қишлаганингиз боис юрмоққа журъат этмаганлар. Келаси йил баҳоридан ҳаракатга кечишлари мумкин эркан. Султон Улуғбек Жете ва Мўғулистон ишини ҳам ярим-ёрти қолдириб ортга қайтган. Бобоси Мўғулистонни сўнгига қадар забт эта олмаган эди. У ҳам аждодининг юришини такрорлади деган гапларни тарқатишмоқда.

– Кўча тўла минг киши, ким билан кимнинг иши деганларидек, инсон зоти борки, ақли етгану оғзига келганини сўйлайди. Эл оғзига элак, хоин бошига челак тутиб бўлмайди, – деди шаҳзода мингбоши билан саропарда томон оҳиста қадам ташлар экан. – Сиз ҳам сафардошларингиз ила бирга саропардага келинг. Суҳбатлашиб, Масти Қаландар ҳазратларидан шеър тинглаймиз. Сўғишу саваш билан бўлиб, куйу қўшиқ, насру назмни унутаёздик.

Мингбоши Эсиргап Найман шериклари томон юрди.

Султон Улуғбек зарфни очиб, волидасидан келган мактубни ўқимоққа тутинди.

*“Азиз ва асил шаҳзодам! Сиз ила Ҳиротда баҳс этганим масала хусусида қўнишиб, ўз фикримни баён этгандим. Ўшандаёқ сўзларимга қулоқ тутмаслигингизни кўнглим сезиб, қалбим қирилган эрди. Сиз катта бир мамлакатнинг подшоси, ақли идрокда ҳар касга ўрнак бўла биларлик бир инсон, ҳукмдорсиз! Шул боис бу хусусда сиз – азиз авлодимизга босқи этмадим ва бундай қилмоғим янглишдир балки. Бироқ вужудимнинг бир парчаси ўлмиш фарзандимга она ўлароқ кўнглимга келган гапни айтмасам ҳаловатимни йўқотаман. Ақлимга келган ва мени роҳатсиз этаётган бу ҳолат ҳақида сўйламасам, виждон азобида қолажакман. Мени афв этинг ва қусурга боқманг. Биламан, завжаи муҳтарамалар борасида ҳаёт йўлингиз кўнглимдагидек кечмади. Илк маликангиз Ўге бегим ва ундан*

туғилган қизингиз Ҳабиба Султонлар ҳаётларининг баҳорларида зар дунёсидан нур дунёсига кўчдилар. Мен бошдаёқ бу никоҳга қарши эдим. Боиси, қанглилилар ва биз найманларда яқин қон-қариндош нари турсин, узоқ хешу ақрабонинг ҳам қуда бўлишини ясоқлайдилар. Бу ғайриинсоний никоҳдан руҳан ва вужудан хаста авлодлар туғилажагини чинлилар аллақачон исботлаганлар. Бироқ буюк бобонгиз раъйларига ҳеч биримиз қарши бора олмас эрдик. Ғавғоли ва тарафлар рози бўлиб бошланмаган ишнинг сўнгги ҳам хайрли бўлмагайдир. Бу ғайритабиий ҳолат давом этмоқдаки, қиблагоҳингиз, хоқони саид ҳазратлари сизнинг улуғ бобонгиз тахти салтанатини оёқ ости қилган Шод Мулкнинг қизи Ҳусни Нигор Хоникани никоҳингизга киритмоққа изн бердилар. Не қадар жонимни жабборга бериб ҳаракат этмайин, бу никоҳга қаршилиқ кўрсата олмадим. Демак, тангрининг хоҳиш-иродаси шу экан, дея тақдирга тан бериб, аралашмадим. Она кўнгли ҳар нарсани сезади. Хоникадан ўғил кўрибсиз ва унга Абдуллатиф дея исм берибсиз. Оллоҳ умри, бахти-тахти билан берган бўлсин. Бу никоҳ билан боғлиқ гап-сўзларни не қадар унутмоққа уринмайин, ҳечам ақлимдан чиқиб кетмаётир. Волидангиз ўлароқ рижойим, бу она-болани ўзингиздан узоқ тутинг ва мулки давлат тирикчилигида эҳтиётли давранинг. Оллоҳга омонат бўлинг! Ҳар ишингизда тангри ёр, пирлар мадакор бўлсин!”

Мактуб ғоят расмий ва совуққонлик ила битилган, хаёлидан ўтди амирзоданинг. Бироқ волидасини юзда-юз ноҳақ деб бўлмайди, чамаси. Унинг никоҳида бир неча маликалар бўлса. Бунинг устига ўнлаб канизақлар. Шулар ичида амакиваччаси Халил Султоннинг бир қизи юрса юрибди-да. Шунга шунчалик ота гўри қозихонами? Волидамга ҳам ҳайронсан.

## **Нурали ҚОБУЛ**

---

Мактубни қўйнига солган шаҳзода Улуғбек кечки базмга ҳозирлик кўраётган баковул ва ошчиларнинг елиб-югуришини кузатганча саропарда томон юрди.

Масти Қаландарнинг атрофини ўраган сипоҳийлар унга битик айттиришарди.

*Тепанга яхши келса,  
Яхшиларга йўл очиқ.  
Золиму қаттол бошда,  
Мудом ҳўлдир қўлсочиқ.*

*Саккиз нобакор гўё,  
Элнинг бешак тўғрисиدير.  
Узлатга чекинган оқил  
Мисли эшак ўғрисиدير.*

– Биз учун ҳам аталгани бордир, малик ул-шуаро! – деди султон Улуғбек Масти Қаландарни ўраган сипоҳийлар тўдасига яқинлашаркан.

– Бор-да, шаъни шавкатли султоним! Султон соҳибқирони аъзамнинг қудратли руҳлари ва сиз олийнасаб шаҳзодамизнинг меҳри шафқатлари, лутфу марҳаматлари олдида кўзим очиқ экан қарздормен! Ижозатингиз ила икки битигимни ўқисам! – дея айтув айтмоққа тутинди Масти Қаландар йиғига ўхшаган сасда.

*Туя эди бир танга,  
Қани ўша бир танга.  
Туя бўлди минг танга,  
Мана сенга минг танга.*

*Бир мушфиқ муҳтож мудом,  
Қани энди бир танга.  
Қимдир зарга беланган,  
Сурув сиғмас қўтонга.*

---

*Сув ҳам қоқ ерда турар,  
Ҳар ёнчиқда минг танга.  
Қуруқ сўз оғиз йиртар,  
Ҳа деган мадад жонга.*

*Аравани тортади,  
Насли нокас ҳар ёнга.  
Ҳар неки қурбон ўлсун,  
Ҳақ қарор топган онга.*

*Эл ғамидан сўйлама,  
Дарди эсдан бутанга.  
Улус қадрига йиғлар,  
Юрт қолса беватанга.*

Ҳаяжонланган дарвеш бир муддат тин олгач, иккинчи битигини ўқиди:

*Қалб қасрининг султони,  
Ҳеч бир кўнгилни тилмас.  
Хайрин-дарёга отар,  
Зулму зуғумни билмас.*

*Элга берару одил,  
Ҳечам миллатдан юлмас.  
Адолат савашаида,  
Қўлда қиличи толмас.*

*Ҳақ-ҳақиқат тоғи тик,  
Мангуга яшнар, сўлмас.  
Ҳур Ватан шаҳидларин,  
Пок қони ерда қолмас.*

*Золим зоти азалдан,  
Фақир ярасин силмас.  
Кечган кунин унутар,  
Халқни назарга илмас.*

*Бошида ботил турган,  
Элнинг иқболи кулмас.  
Даври даврон сурса-да,  
Ажали билан ўлмас.*

– Ташаккур, малик ул-шуаро ҳазрати олийлари! Шеър эмас, манжаниқнинг ўқи бўлибди! – Шоирга лутф этди султон. – Юринг энди, суҳбатни саропардада давом эттирамиз!

### **ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ**

*Худҳуд (попишак) тождор бўлган жойда бургутнинг қуйи тушиши гуноҳ ҳисобланмайди. Ақлли кишилар нодонлар бош бўлганда ўзини четга олиб, бурчакда ўтирганлари маъқул. Қаср минбар жойи бўлса, бундай минбарнинг боридан йўғи авло.*

**Шайх ул-олам Сайфиддин Бохарзийнинг Чингизхон хизматига кирган Қутбиддин Хабаш Амидга йўллаган мактубидан**

Султон Улуғбек қалъанинг буюк солинига кириб тахтига ўтириши билан давлати аркон ҳам ўз жойини эгаллади.

Суфрадаги товоқларга терилган кишмиш ва ҳусайни узумлар, Васманднинг қирмизи олма ва гилоси машъа-

---

лалар ёруғида кўз қамаштириб товланар, ёнғоқ, хандон пистани сояки майизга қўшиб асал билан еяётган беку мулозимлар узоқ давом этган йўлчиликдан сўнг илк бор тўкин-сочин ошлоқ устида ўтиришар, ўлжадан кўнгли тўлганидан барчасининг кайфи чоғ эди.

Соқийлар чоғиру май, қимизу қимронни пешма-пеш қуйишар, ширвоз этининг ҳиди солинни тўлдирган эди.

– Сўғишу саваш ҳам ортда қолди. Энди одам каби еб-ичиб, бир оз истироҳат эта билурсиз, қардошларим, – дея мурожаат этди Улуғбек амиру вазирларига мурожаат этаркан. – Давраимизда сўзу ҳикоят устаси, ясовулбошимиз Ражаб Турдиқора ва шоири замонимиз Масти Қаландарбек ҳам ўтирибдилар. Дастлаб ясовулбошидан бир неча ҳикоят ривоят эшитсак. Сўнгра шоири оламнинг янги битикларидан тингласак. Не дейсиз?

– Маъқул!

– Хўп ажойиб иш бўлади, султоним!

– Эштамиз!

Пойгакроқда ўтирган Ражаб Турдиқора қўл қовуштирганча ўрнидан туриб, сўзламакка киришди.

– Бу ҳикоятни менга Сарандиб оролида қолиб кетганимизда суҳбатлашганимиз Раҳмон маллоқ (кемачи) айтиб берган эди, султоним. Бундан уч минг йил бурун Мисрда Анелимхат деган подшоҳ ҳукмронлик қилган экан. Улар ўша пайтда қонуну қарорлари, мактубу фармонларини папирус деган қоғозга битарканлар. Қоҳираликлар фиръавнлар мазоридан Анелимхатнинг ўғлига ёзган мактубини топиб олишибди. Насиҳат ёзувида шундай жумлалар битилган экан. “Сўзларимга қулоқ тут. Шундагина сенинг бу юрт ва икки қирғоқ устидан ҳукмронлигинг хайрли бўлиб, мамлакат бахту саодатига ҳисса қўшажаксан. Бошимга бир бало келмасин десанг, қора халқдан огоҳ бўл! Ёлғиз ҳолингда элнинг олдига

яқинлашма! Ўз биродарингга ҳам ишонма! Ўз дўстинг билан ҳам муомала қилма! Заруратсиз ҳеч кимни ўз олдинга яқинлаштирма! Мен қашшоқ фақир уфқароларга нон бериб яхшилиқ қилдим! Бироқ бу одамлар вақти келиб менга қўл кўтардилар! Бошингга энг буюк фалокат саройингни тўлдирган амиру вазирлар фитнасидан келади. Ана шу фитналардан огоҳ бўлиб, бу ишга қўл урганларни шафқатсиз жазола! Ўз ҳаётингни уйқунгда ҳам ўзинг сақла! Илло, ёмон кунда ишонган дўст бўлмайди” дея насиҳатини тугаллайди шоҳ, – деб илк ҳикоятини яқунлади ясовулбоши.

Ҳикоядан таъсирланган амиру қўмондонлар емакларини бўғзида қолганча Турдиқоранинг оғзига тикилиб қолишганди.

– Ғоят оғир ва ибратли ривоят сўйладингиз, ясовулбоши. Мулки давлат, тожу тахт деган азобу уқубат бор экан, бу каби ўғиту васиятларнинг тақрорланиши муқаррардир. Султон Жалолиддин Хоразмшоҳ ҳам эҳтиётсизлик қилиб уйқуда бир жоҳил курд кўлида шаҳид кетган. Киши ҳеч қачон ўлик каби ухламаслиги лозим. Ғафлат босдим, тамом. Фалокат кечаю кундуз демай қаршингизга чиқади, – ҳикоятга изоҳ берди султон. – Ташаккур! Давом эта билурсиз.

– Навбатдаги ҳикоямиз қадимги ҳинд битиги “Катхасаритса гара” китобидан бўлиб, бир муттаҳамнинг қандай қилиб бош вазир бўлиб олганлиги ҳақидадир, султоним...

Ясовулбоши сўзини тугатар-тугатмас даврада кулги кўтарилди. Қур тортиб ўтирганлар орасида собиқ икки ва айни дамдаги вазири аъзам ўтиришарди. Улар ҳам суҳбатдошларига қўшилишиб кулишарди. Даврадаги кулги тингач, Турдиқора сўзида давом этди:

– Бир худонинг ҳузуридан саккиз, пайғамбарнинг

олдидан тўққиз қочган товламачи бўлиб, ҳар қандай одамга фириб беришда устаси фаранг экан. Менман деган устоз шайтонга ҳам дарс бераркан. Бир кун у ўз мамлакатининг подшоси, яъни рожаси олдига бориб, “Олампаноҳим, сиз зоти олийларига бир муҳим гапим бор. Фақат хилватда айтишим керак”, дебди. Бирор жиддий гапни айтса керак, дея ўйлаган ҳукмдор рози бўлиб, четроққа чиқибди. “Подшоҳим, агар сиз ҳар куни барчанинг кўз ўнгида мен билан суҳбатлашгандай бўлиб кўринсангиз, бунинг учун ҳар сафар беш юз динор бериб турардим”, дебди устоз товламачи. Беш юз динорнинг осмондан тушиб туришини эшитган ва илк беш юзни олган рожа индамай рози бўлибди. Шу тариқа у ҳар куни ҳукмдор ҳузурига келиб, сарой аъёнлари кўз олдида подшоҳ билан нималарнидир муҳокама этиб гаплашгандай бўларкан ва беш юз динорни узатар экан. Гаплашаркан, нарироқда уларни кузатиб турган бир сарой вазирига қараб-қараб қўйибди. Вазир рожа суҳбатдошининг боқишидан ташвишга тушганча орқасидан эргашибди. “Подшоҳ хазинамни шу совуряпти, дея сендан норози бўлди. Бироқ безовта бўлма, сен ҳақингда ҳукмдоримизга айтиб қўяман” дебди ишонч билан. Бундан чексиз миннатдор бўлган вазир унга минг тилло берибди. Эртаси куни эса иккинчи бир амирни шу тариқа чув тушириб, унинг ҳам икки минг тиллосини олибди. Шу тариқа иш тутган товламачи мамлакатдаги энг бой кишига айланибди. Ниҳоят бир куни тўплаган олтинларини ҳукмдорга олиб борибди. “Эй ҳукмдорим! Қаранг, сизга беш юз динордан бериб, шу қадар бойликка эга бўлдим! Одамлар ватан ва хотин дея елиб-югурадилар. Аслида билмайдиларки, бу икки нарсани элда этмоқ ва тутмоқ учун олтин керак. Не қадар олтин эгаси бўлсангиз, шу қадар жаҳон гўзал-



лари саналмиш маликалар атрофингизни ўраб олади. Бу олтинлардан суворию сипоҳийга маош бериб, мулку мамлакатни ҳам хавф-хатарсиз сақлайсиз. Энди эса менинг сўнг сўзимни эшитинг. Истасангиз, бу олтину динорларнинг ярмини олинг ва эвазига мени бош вазир эълон этинг! Шунда сиз ҳар йили мана шу миқдордаги олтинни мендан санаб олаверасиз!” дебди зангин товламачи. Ҳаётида ҳеч кимдан бу қадар ҳадяю ришват олмаган рожа сирли суҳбатдошининг таклифига рози бўлибди. Фирибгарлар пири эса бош вазирлик мақомига ўтириб, мамлакатдаги энг бой-бадавлат одамга айланибди. Сарвати подшоҳникидан ҳам ошиб кетгач, энди қандай қилиб, рожани ағдариб, тахтига ўтирмоқ режасини пишта бошлабди. Бироқ махфийлар бош вазирнинг ниятини подшоҳга етказибдилар. Гувоҳлар иштирокида сўроқ қилинган садри аъзам айбига иқрор бўлиб, ялиниб-ёлворибди. Подшоҳ уни кечирмоқчи ҳам бўлибди. Бироқ унга ришват беравериб ҳолдан тойган амиру маъмурлар ўлим жазосини талаб қилиб туриб олибдилар. Ниҳоят бош вазирни дорга осибдилар. Унга олтину динор берган жабрланувчилар эса ўз маблағларини қайтариб олибдилар, — дея иккинчи ҳикоясини ҳам тугатди ясовулбоши.

— Ўтники ўтга, сувники сувга, қолди қатиқнинг пули деганлари шу экан-да, — деди султон Улуғбек бу ҳикоядан таъсирланиб. — Бундай ибратли ҳикоятларни ҳар замон ҳам эшитавермаймиз. Бежизга фирибгарга шайтоннинг ҳаваси келар дея нақл қилмайдилар. Лутфан яна бири-ни сўйласангиз, — роҳат қилган эди султон.

— Бош устига, олийнасаб султоним. Сиз каби зукко олим ва адолатли шоҳ ҳузурларида сўз сўйламак мен каби бир қулингиз учун буюк шарафдир, — дея султонга эгилиб таъзим бажо келтирди ясовулбоши. —

Олий раъйлари ва ижозатлари ила Анушервони одил ҳақидаги уч ривоятни бир қилиб, юксак эътиборларига сунмоқчиман. Биринчи ҳикоят қадимги зардуштийларнинг тартибу қоидалари битилган “Ўғитлар китоби”дан бўлиб, ҳукмдор Қубоднинг ўғли Хусравнинг қазойи қадари олдидан яқинларига қилган насиҳати ҳақидадир. Подшоҳ Хусрав ажали етганини англагач, бутун хешу ақраболарини ёнига чорлаб, сўнг сўзини айтади. “Жоним тан қафасини тарк этгач, тобутимни кўзга кўринарли бир тепаликка чиқариб қўйинг! Баланд сасда халойиққа мурожаат этиб, қуйидаги сўзларимни еткуринг! Эй одамлар! Гуноҳ этмоқликдан тийилинг! Савоб ишлар қилишга шошилинг! Бу дунёнинг мол-дунёсига учманг! Кечагина тирик бўлган мана бу тана кибру ҳаво билан ҳеч кимга қўлини ҳам ушлатмас эди! Бугун эса унга бирор-бир киши қўл теккизишга ҳазар қилади! Эй одамлар! Тўғри йўлдан юринг ва бир-бирингизга яхшилик қилинг! Ишларингизда таомил ва ўзаро битимларга амал этингиз! Ҳар доим адолатли ва сахий бўлингиз! Донолар маслаҳатига қулоқ тутинг! Бировнинг мол-мулкига кўз тикманг! Кўриб қўйинг! Киши ёруғ дунёни тарк этар экан, у ўз ҳукмронлигидан, олтину заридан, бу дунёнинг барча неъматларидан маҳрум бўлади!” Бу кечмиш тарихда адолатли ҳукмронлиги билан Анушервони Одил номини олган ҳукмдорнинг сўнги ўғити эди.

Бир зум тин олиб, фикрини жамлаган Турдиқора ўзини тинглаётган кишилар нигоҳидан ҳайрат ва хайрихоҳликдан руҳланганча ҳикоясини давом эттирди:

– Муҳаммад Шариф ал-Бухорий ҳазратлари ўзларининг “Фаводии ҳаққонийа” китобларида шундай нақл қиладилар. Одил ҳукмдорлар вужуди ер учун ҳаромдир. Яъни улар танаси чиримас эмиш. Бу фикр одамлар қулоғига етгач, улар Анушервони Одил қабрини очибди-

лар. Вафотига эса кўп йиллар бўлган экан. Подшоҳнинг мурдаси худди кунни кеча жон таслим қилгани каби турар эди. Пешонасида эса икки битик турганмиш. Мактубнинг биринчисида “Мамлакатининг зиёда бўлишини истаган ҳукмдор ўз даврининг олимларини эъзозлаши керак” деб, иккинчисида эса “Хазинам ортсин деган подшоҳ адолатни маҳкам тутсин” дея қайд этилган экан. Анушервони Одилнинг тўрт узуги ҳақида эшитган чиқарсиз, албатта. Ривоят этишларича, форс шоҳларидан Жамшид ҳам Анушервони Одил каби тўрт узук ясашиб, унга тўрт хил ёзув ёздирган экан. Биринчи узукка “Оҳисталик ва чора” дея ёзилиб, барча ишларни оҳисталик билан, шошилмасдан олиб бормоқ керак дегани экан. Иккинчи узукка “Одиллик ва иморат” битигини битиб, фақат одиллик билан иш юритилсагина салтанат биносини тиклаш мумкинлигини таъкидламоқчи бўлибди. Учинчи узукда эса “Ростлик ва шошилиш” ёзуви ёзилиб, адолат ишларини пайсалга солмай зудлик билан амалга оширишни, кечиккан адолат адолат эмаслигини уқтирмоқчи бўлибди. Сўнгги узукда “Жазо ва инсоф” битиги битилган экан. Жиноятчини жазолаш пайтида, албатта, адлу инсоф билан иш тутмоқ кераклигига ишорат экан, султоним. Сўзимда эксиклик бўлса қусурга боқмагайсиз. Арз этамен, – дея гапини мухтасар этди Ражаб Турдиқора.

– Бағоят ибратли ҳикоятлар билан фикримизни равшанлаттирдингиз, муҳтарам ясовулбеги. Тангри сиздан рози бўлсин! Бундан сўнг сизни янада кўпроқ тингламоғимиз лозим эркан, – ясовулбошига миннатдорчилик билдирди султон. – Энди навбат шоири замонимиз Масти Қаландар устодга, – Турдиқоранинг ёнида қўл қовуштириб турган шоирга қаради-мирзо Улуғбек.

Тузуккина нўш этган Масти Қаландар қизариб-қимтинганча томоғини қириб шеър ўқимоққа тутинди:

*Бир нобакор ортидан,  
Саф тортар беелкалар.  
Орифлар кўнгли ярим,  
Нокас мардни силкилар.*

*Юрт, улус дарди қайда,  
Унут, инсоф, илкалар.  
Зангин чўмичи мойли,  
Сари сомон ўлкалар.*

*Дононинг боши эгик,  
Нодон ҳамон кўлкалар.  
Шаън қучадир шарафсиз,  
Бенаводир улкилар.*

*Ақл шошар бир турум,  
Етим йиғи, кулгилар.  
Оҳую жайрон тўрда,  
Сойга урар тулкилар.*

Масти Қаландар илк битигини ўқиб бўлиб, ҳадиксираганча султонга боқди. Подшоҳ юзидаги ним табассумдан дадиллашган кўйи иккинчи шеърни ўқий бошлади:

*Тентаккаким тел берсанг,  
Мақтар мудом уруғин.  
Тўқайнинг шоҳи тулки,  
Шарафлайди куйруғин.*

*Дунёда ҳар неки иш,  
Бордир йўнтам, йўриғи.  
Ўзин билган ҳеч қачон,  
Қуритмайди чориғин.*

*Гоҳда тулпорлар қолиб,  
Ўзар отнинг ориғи.  
Битигингдан билгили,  
Рангинг оқу сариғи.*

*Равон оқса умрнинг,  
Ҳаёт деган ариғи.  
Дўрадан ҳалво битар,  
Дмби бўлар тариғинг.*

*Олам тўла оломон,  
Ким Рим, Макка йўруғи.  
Ҳосид кўзин кўр қилғай,  
Пешонанинг ёруғи.*

- 
- Офарин! – деди султон Улуғбек юксак сасда.  
– Боракалло!  
– Шоҳи Қаландар ила Масти Қаландарга тенг келажак шоир йўқ-да! – овозлар эшитилди.  
– Ибратли ривоятлар тингладик. Том нишонга ургувчи шеърӣ битиклардан баҳраманд бўлдик. Емак-ичмакда ҳам қусур этилмади. Ошчию баковулларимизга ташаккур этган ҳолда бир оз дарё соҳилини айлансак. Бундай ҳавода хонада ўтириб бўлмас, – аъёнларига мурожаат этди подшоҳ.  
– Маъқул!  
– Том замони! – жавоб қилди беклар.  
Султон солинидан чиқаркан, ўнг қўл ишорати билан Эсиргап Найманни ортидан юрмоққа ишорат этди.
-

Туркистон тизмаларидан бошланадиган туркийда Тошлоқ, форсийда Сангзор аталгучи дарё ҳамон тўлиб-тошиб, қирғоқларга бош уриб оқарди.

Тўлишаётган ой ёруғида зилол сув тагидаги тошлар ўн олти ёшли қиз табассум этганда ярқирагучи садаф тишлари каби товланарди.

– Саратон кириб, юксак қоя ва чўққилардаги музликлар ҳам эрий бошлади-да. Дарёнинг тўлиб оққанини қаранг, мингбоши, – деди султон ўнг томонида келаётган Эсиргап Найманга.

– Сижоқ қаттиқ бўлса, олис чўққилардаги музлар орасидаги қор қуртлари ҳам эриб оқади, султоним, – гап қўшди мингбоши.

– Қаранг-а, мингбошибек. Қор каби шундай тоза ва беғубор модда ҳам қуртлар экан-да-а?

– Шундай, султоним. Бироқ бу қуртларнинг ичи тўла сув бўларкан. Ўзлари ҳам эригач, сувга айланиб кетади.

– Оллоҳ раҳматига олган бўлсин, улуғ бобом раҳматли шу – Сойбўйи қалъасини эскиси ўрнига хўп тиклатган эканлар-да. Мана тўхтаб, сарин наҳр бўйида истироҳат этмоқдамиз. Қанчадан-қанча инсонлар бу қўрғондан истифода этадилар.

– Бу ерда Кушон, Уструшона ва Қангли давлатлари замонларида ҳам қўрғон қад кўтариб турган дейдилар, султоним.

– Тўғридир. Бир ҳукмдор келиб иккинчиси қурган қалъаю шаҳарни бузган. Шу тариқа миллат маданияти ва маърифати кунпаякун бўлиб, халқларимиз ривожланишдан ортда қолиб кетаверган, – дея дарёнинг бурилиб оқаётган соҳилида тўхтади султон.

Қулоққа эса дарёнинг сокин шовуллаши ва яқин атрофда онасидан адашган қўзичоқнинг маъраши эшитиларди.

– Сиз-ла суҳбатлашишдан мақсад шулким, минг-бошибек, Ироқу Озарбайжон сафарлари замонларида қиблагоҳимиз, хоқони саид ҳазрати олийларининг қароргоҳларида бўлдингиз. Бизга қадар узук-юлуқ ҳолда етиб келган айрим воқеа ва ҳодисалар хусусида сиздан билги олмоғим лозимки, вазият бу одамларнинг хатти-ҳаракатларини кўздан қочирмасликни ижоб этади. Улуғ амир Қора Юсуф вафотидан сўнг ўғиллари отаси қасоси учун жангга кирганликларини туйган эдик. Шу тўқнашув тафсилотидан хабарингиз бордир, албатта. Бу жанг қандай кечди? Ва Қора Юсуф ўғиллари шу қадар қудратлими? Келгусида улар ила қай оҳанг ва тилда қўнишмоқ жоиз бўлади?

– Хоқони саид ҳазратлари Қорабоғдан отланиб, те-варак-атроф ҳукмдорларини қабул қилиб, уларга меҳрибончилик кўрсатиб, ов овлаб Табриз томон келар эдилар. Шаҳарга бир неча фарсах қолганда амир Қора Усмоннинг ўғилларидан бири ҳаллослаганча келиб, амир Қора Юсуфнинг ўғиллари амирзода Искандар ва амирзода Исфандиёрлар лак-лак лашкар билан Озарбайжон сари юзланиб Ахлот ва Одилжуз ҳудудига етиб келганликлари хабарини етказди. Усиз ҳам амиру вазирлар орасида токи амир Қора Юсуфнинг тобелари бутунлай йўқотилмас экан, бу ўлкаларда тинчлигу тартиб ўрнатиб бўлмайди ва хосу омнинг кўнгли таскин топмайди деган гап юрар, бундан хоқони саид ҳазратларининг ҳам хабарлари бор эди. Амир Қора Усмон ҳам бу пайтда хоқон қароргоҳларида эди. Бу кўнуда амир Қора Усмоннинг фикрини олган онҳазрат Новшаҳардан Иржис томон қайтмоқни буюриб, амир Илёсхожа ва амир Қора Усмонни манғлой тарзида Одилжуз томон йўлладилар. Турон давлатининг ҳумоюн байроғи эса Иржис узра

хилпирар, султону шоҳлар хоқони саид саропардасига оқиб келардилар.

– Шу орада Саййид Аҳмад Дизак ва Алико Жолиқлар исён кўтарган деб ҳам эшитган эрдик. Шу гап тўғрими? – сўради султон Улуғбек.

– Тўғридир, султоним. Давлатпаноҳимиз бул бекларга қарши отабегингиз, улуғ амир Шоҳмалик ва мирзо Иброҳим Султонларни юборган эдилар. Улуғ амир ва амирзоданинг бирлашган қўшини ҳар икки исёнчи бекни қувғинга учратиб, амир Алико Жолиқнинг ўғлини асир олиб, олий қароргоҳга етказдилар. Бу икки бек ҳам амир Қора Юсуф ўғилларининг тарафдори эди. Ҳар икки амирни тавбасига таянтирган мирзо Иброҳим Султон ва улуғ амир Шоҳмалик яғийни тор-мор этиб, ҳадди-ҳисобсиз ўлжа ва ғаниматлар ила қайтдилар. Бу оради Турон қўшини билан савашмоққа юраги бетламаган амир Қора Юсуф ўғилларидан амир Сулаймон Ҳамза ҳамда Ҳожи Халил курдлар келиб сулҳ тузишни рижо этдилар. Худди шу пайтда Маккаи муаззама волийсининг элчиси Зайниддин Абдулжамил етиб келди ва улуғвор мақом ақобирларининг ихлослари шарҳини арзга етказди ҳамда хоқони саиднинг эҳтиромларига сазовор бўлиб, юртларига қайтдилар. Ниҳоят амир Қора Юсуф ўғилларига қарши кетган манғлой амирларидан илк ғалаба хабари келди. Амир Муҳаммадхожа чўхранинг чериги амирзода Искандарнинг қоровулини енгди ва икки навкарини тутиб хоқони саид ҳузурларига келтирди.

– Амир Қора Юсуф ўғилларининг сулҳ таклифи билан келган амирларига не жавоб берилди? Ёки уларни қароргоҳда тутиб турдиларми?

– Уларга кетмоқ изни берилди, амирзодам. Сулҳ бобида ўйлаб кўрилажаги билдирилди. Бироқ Қора Юсуф



ўғилларининг ўтакаси ёрилиб, устма-уст элчи юбордилар. Хоқон ҳазратлари беклари ила маслаҳатлашиб, яғийга қарши юрмоққа қарор қилдилар ва ҳар куни бирикки манзил йўл босиб, Қорақўрғон мавзеси томон илгариладилар. Оққўйинли туркман лашкари ҳам Олашгирд синирларидаги Олтун Бахший мавзесига қўш ташлаб, хандақ қазий бошлади.

– Туркмон чериги ясама филлар билан савашга кирмишлар деб ҳам эшитдик?

– Бизнинг ўрдудаги филлардан чўчимаслиги учун лойдан филлар ясаб, отларини ўргатганлар, султоним. Бундан ташқари улар бақувват ҳўкизлар устига сомонли қопу қанорларни ортиб, палос ва чўплар ёрдамида филга ўхшатган эдилар. Туркман суворийлари ясама филлар атрофида от чоптириб, уловларини филларга ром қилиб машқ этардилар. Оққўйинли қўшинидан ўн минг чоғли найзачи суворий ўғруқларидан қарийб икки фарсанг масофа илгари чиқиб, саф ростлаб, жангга кирди. Турон лашкари бу найзабозларга қарши тоғ каби турган филлар устидаги тирандозларни қўйди. Камонлар булутидан яғий устига ўқ ёмғири ёға бошлади. Ноғора наъраси, сурнай садоси ва дўмбира овозини туйган суворийу сипоҳий шиддат ила ўрнидан қўзғалди. Рост гапни айтганда туркман чериги сонуну силоҳ, журъату жасоратда биздан кам эмас эди, султоним. Бу ҳолатни кўриб хулоса чиқарган улуғ амир Шоҳмалик худди амир Шайх Нуриддинни тузоққа туширгани каби бир ҳийла ишлатди. Уруш – ҳийладан иборатдир деган ҳадиси шарифга амал қилиб, башорат нағорасини чалдирдида, “амирзода Исфандиёр асир тушди” деган овозани тарқатишга буюрди. Бу хабар рақибнинг чап қўлида парокандалик юз беришига олиб келди. Бундан хабар топган Бойсунқур суворийлари билан яғий устига ташлан-

---

ди. Амирзода Искандар тарқалишга юз тутган черигини тўплаб, қайта ҳужумга ўтишга ёки қаршилиқ кўрсатишга ҳарна уринмасин, эплай олмади. Мағлубиятга учраган рақиб лашкари жонини қутқармоқ савдосига тушди.

– Қиблагоҳ ҳазратлари саваш кетаётган бир пайтда жанг майдонининг ўртасида отларидан тушиб, таҳорат олиб, намоз ўқиган эмишларми?

– Айнан шундай, олийнажот султоним. Душман қўшинининг қўли устун келиб, бир неча уюр йилқи ва туяларни ҳайдаб кетиб, ўзларининг ғалаба нашидасини сурмоққа ҳозирлаётган эдилар. Буни кўриб турган хоқони саид ҳазратлари жанггоҳда таҳоратхона қурмоқни амр этдилар. Саман отларидан тушиб, хотиржамлик билан тўла таҳорат олиб, ҳаётлари давомида амал қилиб келган чошт намозини ўқишга киришдилар. Буткул итоаткорлик, шикастнафслик билан ибодатларини адо этиб, сўнг ҳожатмандлик юзини ихлос ерига қўйдилар ва умид қўлини кўкка очиб, бениёз ҳазратдан фатҳу зафар тиладилар. Дуолари ўқи ижобат мўлжалига етганидан кўнгиллари тўлғач, давлат оёғини саодат узангисига киритиб, қулга қайтдилар. Шундан кўп ўтмай, ғаним сафларида бузғун бошлангани хабари келди. Шу тариқа уфқлар султони, хоқони саид ҳазратларининг бахт офтоби салтанат авжида порлади. Фатҳу зафар байроғининг ойи саодат матлабидан тулуъ қилди. Шонли султонлар ғалабаларининг безаги саналмиш бу зафарни онҳазрат ҳақ таолонинг беғубор инояти деб билдилар. Шукр саждаларини бажо келтириб, Туркистон, Хуросон, Мовароуннаҳр, Зобул ва Қобул, Сеистону Ҳиндистон, Мозандарону Форс, Ироқу Араб диёрларига фатҳномалар юборилди. Камина қулингиз шундай фатҳномалардан бирини олиб Деҳли султони Хизрхон саройига учдим, шаҳзодам. Қўлга тушган ғаниматлардан

лашкар мамнун, хазина эса тўлиб-тошган эди, – дея ҳикоясини нуқталади Эсиргап Найман.

– Кўп муҳим билгиларни бердингиз, мингбошибек. Энди бориб истироҳат эта билурсиз, – дея суҳбатдошига кетмоққа изн берди.

Султон Улуғбек оҳиста шовуллаб оқаётган дарёга тикилганча узоқ туриб қолди. Султон оқимга қарши юрганча яна бир муддат соҳилни кезди.

Қўрималар шовуридан хаёли тўхтама қалиб қалъа томон юрганида тун яримлаб қолган эди.

### **ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ БОБ**

*Ҳийла билан арслон тутилар, куч билан сичқон тутилмас.*

#### **Отасўзи**

Озарбайжон ҳукмдори амирзода Иброҳим Султон сарой боғчасини бироз айланди-да, вазири аъзам қўлтиқлаб турган турли фармонларга имзо чекмоқ учун кўринишхона томон юрди.

Бироқ саройдами, иншоот майдонидами, қайда бўлмасин фикру хаёли бир нарсада эди. Бундан икки йил бурун ҳузурига форс диёрининг машҳур олими, устоз Шарофиддин Али Яздийни чорлади. Ундан улуғ бобоси, Абул Музаффар Амир Темур ҳазратлари барпо этган давлат ва салтанат ҳақида мукамал бир тарих китоби битишни сўради.

Устоз Яздий шаҳзода таклифини мамнунят-ла қабул этди. Бу иш учун давлат хазинаси ва ўз ҳисобидан етарли қадар маблағ ажратди. Воқеалар тафсилотининг тўғри-нотўғрилигини билиб, аниқлаб келмоқ учун от ва чопарлар ажратилди. Ҳирот, Самарқанд, Шероз ва

Табриз саройларидаги кечмиш ҳужжатлари Яздий ихтиёрига берилди.

Тарихчи бугун китобнинг илк нусхасини шаҳзодага тақдим этиши керак. Улуғ хоқоннинг салтанати тарихи ҳақида ёзилган битиклардан кўнгли тўлмаган дейдилар. Шундан сўнг ўзлари билан ўн йилдан бери бирга юрган ва қатор ҳарбий юришларда қатнашган Низомиддин Шомийга содда, ҳалқчил тил билан сарой солномалари асосида темурийлар тарихини ёзмоқни буюрадилар.

Шаҳзода Иброҳим Султон олимлар кулоҳи ва кулранг яхтагини кийган Али Яздийни қопу ўнгида, қучоқ очиб кутиб олди.

– Қутлуғ китобимиз дунёга келиши муборак бўлсин устод! – деди амирзода мусофирни ўтирмаққа таклиф этиб. – ақл бовар қилмас улуғ ишни жуда қисқа фурсатда шараф ила уддаладингиз. Давлату салтанатимиз олдидаги бу чексиз ҳизматингиз тақдирга шоёндин ва авлодлар миннат руҳи ила ёд этажаклар! – ўзида йўқ шод эди Иброҳим Султон.

Олим қаршисидаги курсига ўтирган мирзо Яздийнинг кўлидан китобни олиб, ўпганча тавоф қилди.

– Сиз олий шаън подшоҳимизнинг кунту-иродалари, саъий ҳаракатларисиз бу буюк хайрли ишнинг амалга ошмоғи мушкул эрди. Сўз ила тариф этилмас улуғ тарихий ишга бош-қош бўлдингиз ва шаъни шавкатли жаҳонгир бобонгиз руҳларини беҳад шод этдингиз. Шу кунга қадар эса ҳеч бир темурийзода бундай савобли юмушни амалга ошира олмаган эрди. Шарофатингиз ила биз ҳам бу қутлуғ тарихнинг битикчисига айландик. Шул боис ҳам ушбу китобни сиз олий насаб шаҳзодамызга бағишладим, – назокат ила кўнишарди Али Яздий.

– Тангри сиздан минг карра рози бўлсин, устод. Зотан сизнинг бу ишни муборак исмингизга уйғун тарзда шараф ила бажаражагингизга ишончимиз комил эрди. Ҳақ

таоло бизни маҳжуб этмади ва қутлуғ ниятимиз амалга ошди. Асрлар оша яшаяжак бу қимматли китоб билан не қадар фахрлансак-да арзийдур. Номини айнан устоз Низомиддин Шомийники каби “Зафарнома” дея атаб-сиз?

– “Фатҳнома” деган фикр ҳам ақлимдан кечди, шаҳзодам. Бироқ ўйлаб-ўйлаб шу ном маъқул кўринди. Яна зоти олийлари не десалар, шул бўлғай.

– Розиман, устод. Бу хусусида сиз мутахассис, билгин бир олимсиз. Биз – шаҳзодалар ҳаммадан доно бўлганимиз учун ҳукмдор бўлганмиз дея билиб-билмаган ҳар ишга араллашиб, ақл ўргатаверсак, айб бўлғай. Қўлёманинг бир неча бобини ўқимоқ учун бергандингиз. Менга маъқул бўлган эди, – олим ишидан мамнум эди амирзода.

– Зоти олийларига маълумки, темурийлар давлати ва салтанати тарихига бағишланган илк китобни менинг юртдошим Ғиёсиддин Али ибн Жамол Яздий ёзганлар. Устод Яздий “Ҳиндустоннинг ғазовоти рўзномаси”ни тўрт йил мобайнида битиб, мелодий минг тўрт юз учинчи йилда амир соҳибқирон ҳазратларига тақдим этганлар. Тарихий битик воқеаларнинг тасвиру тавсиф этилиши нуқтаи назаридан тўғри ва ҳаққоний бўлса-да, ҳаддан зиёда мақтову хушомад оҳангида ёзилгани боис улуғ хоқон зоти олийларига маъқул келмаган. Аммо устод Шомий каби мен ҳам бу қимматли асардан фойдаландим, шаҳзодам. Шундан сўнг улуғ султон ҳазратлари Низомиддин Шомий устодга темурийлар тарихини битмоқ вазифасини юклаганлар. Мен ушбу китобни ёзар эканман, улуғ хоқон ҳазратларининг сарой кундаликлари ва бошқа манбалар асосида сиз – олийшаън амирзодам битган асардан ҳам истифода этдим.

– Бу улуғ ишга зарра қадар ҳисса қўшган эканман, улуғ бобом руҳлари олдидаги қарзимизни оз бўлса-да

узган бўламиз. Демак, китобимиз айна замонда бир нусха. Шундайми? – асарни қўлига олиб иштиёқ ила варақлади шаҳзода.

– Шундай, амирзодам. Буни ўз элим ила кўчириб, сиз – азиз амирзодам учун ҳозирладим, – жавоб қилди Яздий.

– Қуллуқ, устод. Маъқул десангиз хаттотларимизга яна уч нусха кўчиртирсак. Бири қиблагоҳимиз, хоқони саид ҳазратларига, яна бири эса илму урфонда беназир буюк қардошим Мирзо Улуғбекка. Сиз устознинг элларида ҳам бу китобдан бир нусха бўлиши керак. Хазина амирига таълимот бераман, қоғоз ва хаттотлар учун лозим бўлган масрафни ажратади. Дастлабки икки нусха ҳозир бўлиши билан саройимизда турган падари бузрукворимизнинг хос мулозимлари Қулмон Қиёт орқали Ҳирот ва Самарқандга жўнатамиз.

– Амри фармон шаҳзодаминингдир! – дея тисланганча солинни тарк этди Али Яздий.

Шаҳзода Иброҳим Султоннинг элидан икки нусха “Зафарнома”ни олган Қулмон Қиёт Ҳирот, ундан сўнг Самарқанд йўлини тутди.

Султон Улуғбек Кўксаройдаги Кўктош турган буюк солиндаги тахтида ўтирганча иниси Иброҳим Султон юборган “Зафарнома”ни ўқиб ўтирарди.

Қопу бекчиси Туркистон ҳокими Арслонхожадан чопар келганлигини маълум қилди.

– Бароқхоннинг юзбошилари вилоятимиз ҳудудида от ўйнатиб, кўпкари чопиб юрибдилар, султоним. Дуч келган кўйу қасабани талаб, сурув-сурув қўй эчки ва уюр-уюр йилқиларимизни ҳайдаб кетмоқдалар, – деди юзбоши либосидаги навкар.

– Уларга қаршилиқ кўрсатмадингизми? – сўради султон.

– Амир Арслонхожа жаноблари улар кўпчиликка ўх-

шайдилар. Қаршилик кўрсатсак, шуни баҳона этиб, мамлакатнинг ичкараси томон йўналадилар, дея савашга кирмоқ амрини бермадилар.

– Амир Арслонхўжа тўғри фикр юритган, – деди Мирзо Улуғбек ўйга толиб.

– Айтишларига қараганда, эрта-индин Бароқхоннинг ўзи Сифноққа етиб келиб, ҳоким саройига жойлашар эмиш. Ўзи билан бирга беш минг уйлик саҳройиларини ҳам кўчириб олиб келаётган экан. Сиз зоти олийлари юборган элчиларни ҳам, амир Арслонхўжанинг одамларини-да итдан беҳурмат этиб қайтариб юборибди.

– Сиз ҳамон амир ҳузурига қайтинг. Шахсан Арслонхоннинг ўзи Сифноққа, Бароқхоннинг ҳузурига борсин. Хоннинг бу хатарли, қонли йўлдан қайтишга иқно этишга сўнг бора уриниб кўрсин. Биз эса бугуноқ Ҳиротга чопар юбориб, қиблагоҳ ҳазратларининг олдиларидан ўтамиз. Ёрдам сўраймиз. Яхши сўз билан инсофга келмаса, келган далаю даштига улоқтирмақ мажбуриятида қоламиз, – таъби тирриқ бўлган эди шаҳзоданинг. – Чекина билурсиз.

Юраги сиқилган шаҳзода ёнига олиқ-солиқ амрини олиб Кўксаройдан чиқди. Йўл-йўлакай эғнидаги шоҳона тўнини аскар жуббасига, бошидаги тожни бўрқка алмаштирди. Оёғига чўпонларнинг тагчарми қалин чориғини илди. Ясовуллари Ражаб Турдиқора билан Бобоҳусайн Туркистонийга ҳам деҳқон либосини киймоқни буюрди.

– Шаҳар айланамиз, раиятнинг аҳволини ўрганамиз. Биз сарою қасрларда айш-ишрат қилиб ётибмиз. Фақиру фуқаро, ғарибу ғурабо, деҳқону чўпон не еб, не ичганидан хабаримиз йўқ, ясовулбоши, – деди Турдиқорага қараб. – Менга етган хабарга кўра солиқчиларимиз раиятдан ортиқча хирож олмоқда

---

экан. Ҳозир эса улуғ бобом ҳазратлари мақбараларига борамиз. Меъмор ва қурувчиларни чорлаган эрдим.

Улар Кўксаройдан чиқиб пиёда Буюк Темур турбаси томон йўналдилар.

Бош меъморлар Зайниддин Бухорий ва Али Насафий бошлиқ бир гуруҳ наққош ҳамда қурувчилар дарвоза саҳнида султонни беклашарди.

Кутиб турган меъморлар билан самимий саломлашган султон мақбара томон юрди. Ҳовлига киргач, тўхташди.

– Сизга англатганим иншоот режаси хусусида билги бера билурмисиз, устод? – деди шаҳзода ўнг тарафидан турган Зайниддин Бухорийга. – Элингиздаги чизмага кўра бино тарҳи ҳозирга ўхшайдир?

– Ҳамкасбларимиз билан маслаҳатлашиб, таълимотингиз асосида мана шу чизмани ҳозирладик, султоним. Ижозатингиз ила изоҳлаб берсам?

– Сўйланг, устод.

– Зоти олийлари айтган эшик мақбаранинг кунчиқиш томонидан очилади ва қапудан мақбарага қадар гумбазли ёпиқ айвон тикланади. Турба қопусининг пештоқи ва тепа қисми, ён тарафлари ва ёпиқ айвонни наққошларимиз нақшин рангу бўёқлар билан безайдилар.

– Яхши, – деди султон меъмор ёзиб турган чизмага боқаркан. – Иншоот тарҳи кўнглимиздагидек бўлибди. Бугундан ишни бошланг. Не замон тугата билурсиз?

– Иншооллоҳ, бир ойда битиргаймиз, султоним.

– Аъло, устод. Ёзнинг илиқ-иссиқ кунларида тугаллангани маъқулдир. Бошқа қурилишларимизда аҳвол нечук?

– Мадрасанинг жануб томонидаги хонақоҳ ва муқаттаъ масжидини қуриб битказдик, шаҳзодам. Ре-



гистондаги Мирзойи ҳаммомининг ҳам сўнги безак ва нақш ишлари қолди. Расадхона қурилиши эса маблағ етишмовчилигидан тўхтаб турибди, султоним, — ҳисоб берди меъмор Зайниддин Бухорий.

— Ташаккур, устод. Сизлар бу ерда ишни давом эттиринг. Биз ҳаммом ва масжид қурилишини кўриб, Чорсу бозорини айланамиз. Ҳар куни қурилишнинг боришини кўрмоқ учун келиб тураман. Тангри на-сиб этса эртага бир қўй сўйиб, шайхулисломнинг дуои фотиҳаларини оламиз. Халойиққа хайри садақа қилиб, тушликда баробар бўламиз, — дея қурувчилар билан хайрлашди амирзода.

Султон хос мулозимлари билан Чорсу майдони то-мон юраркан, ҳаллослаганча вазири аъзам Носируд-дин Ҳавофий етиб келди. Султон ва атрофидагилар кийган одми кийимларга кўзи тушган амир ул-умаро шошиб қолди.

— Зарчопону шоҳона хилқатлар билан шаҳар ай-ланмоқни лозим топмадик, вазири аъзам ҳазратлари. Сиз ҳам албисангизни алмаштира билурсиз, — деди Улуғбек пиёда йўлда давом этаркан.

Бош вазир Ҳавофий йўл бўйидаги дўконлардан би-рига кириб, тўн ва салласини ечиб, тужжор танишининг яктагини олиб, салласини ўради. Чорсу дарвозасида султонга етишди.

Кишилар аскар, деҳқон ва тужжор либосидаги тўдага эътибор бермас, ҳамма ўз иши билан овора эди.

Ясовулбоши Ражаб Турдиқора олдинда кетиб борар, султон ишорати билан дўконлар орасидаги йўлакларни танлаб юрарди. Улар гумаж ва тайёр кийим-кечак рас-тасидан кетиб боришарди. Дўконларни тўлдирган пар-ча, тарқу, кирбос, бахмал, банорас, фата, атлас, тарғу, дибо, залуча, турли бўз ва қалами матолари пештахта-

ларда қалашиб ётар, бу матолардан тикилган ҳозир либослар дўкон деворларига осиб қўйилган эди. Султон адрас дўкони қаршисида тўхтади.

– Аҳволлар нечук, қардошим? Тижорат тузук кетаётирми? – сўради Улуғбек оддий харидор каби.

– Тузук десаям, демасаям бўлади. Дардимизни айтганимиз билан даргоҳга етиб борармиди? Қуруқ гапнинг ўрнига бирор нима харид қилинг, қардошим. Беш-ўн чақа ишлайлик, – деди дўкончи суҳбатлашишни истамамай.

– Ҳам зиёрат, ҳам тижорат дейдилар, биродар. Харидор сиздан бирор нарса оладими, йўқми, яхши қаршилашингиз, самимий муносабатда бўлишингиз керак. Табиийки, адрасингиздан оламиз. Акс ҳолда бозор кезиб юрмаган бўлур эрдик.

– Ёрдам берсангиз-бермасангиз аҳволимизни сўраганингиз учун раҳмат, биродар, – чеҳраси ёришди тужжорнинг. – Биз давлат томонидан белгиланган барча солиқу хирожларни ўз вақтида тўлаймиз. Бироқ дўкони яхши ишлаб турган тужжорларга яна бир солиқ солинган. Бу ўша мутаҳҳам Аргуншоҳ ва Бобо Тармиш замонидан қолиб кетган. Норасмий солиқ бўлгани учун уни ҳеч ким ибдол этмади.

– Не солиқ эркан? – ҳайрон бўлиб сўради Улуғбек.

– Навбат билан ҳар куни ҳоким ва бош ёрғучининг дафтарида (қабулхонаси) суфра тузаймиз. Пистабодомдан тортиб, сояки майизу ҳусайни узумгача. Албатта, қўйнинг бир сонию ошлик ёхуд шўрвалик масаллиқлар, биродар. Билмадим, улар ҳар кун ташиган пистаю бодомни қандай еб улгуришар экан? Бундай харажатни бозор мудури хонаси учун ҳам қилдиришади. Сўнгра унинг шотири келиб тафтишчининг овозини ўчиришу супурувчи пули дея оғзига келган ақчани ай-

тиб, ёнчиғимизни қоқиштиради. Додимизни сўйлаяжак додхоҳ йўқ, қардошим. Қайси адрасдан қанча берайин? Тағин менинг гапимни тепадагиларга етказиб юрманг. Бу куним ҳам кўплик қилиб қолмасин. Амалдорман деганга кетган харажатимиз майли-я, канизагу жория, ўйнашу тамғасига ҳам бозор-ўчар қилдиришади. Гоҳда бу хонимчалар келиб, отасининг мулкидек бир неча кийимлик қимматбаҳо гумажларни олиб кетишади. Бирор нима деб оғзимизни очсак, улус душманию сиёсатга қарши киши деб арк зиндонига ташлайдилар. Қазини кўрганда қозилигини унутгувчи ярғучию ҳокимлар эса дардингизга қулоқ солиб ҳам ўтирмайдилар. Пошшомиз ҳам мўғулу жўчи яғийлари билан бўлиб, раиятнинг аҳволидан беҳабарлар чамамда. Ўзларига гап тегишидан кўрққан амиру вазирлари эса эл орасидаги бор гапни султонга етказмайди. Гап халтам очилиб кетди, биродар. Қусурга боқманг. Қанча адрас берайин?

– Мана бунисидан бир кийимлик, бундан эса икки кийимлик, – деди мирзо пештахта устига тахлаб қўйилган матоларни кафти билан босиб кўрсатар экан.

– Бир оғиз сўзингиз, биродар, – қулочи билан алчинлаб гумажларни ўлчаб кетди тужжор. (Алчин – узунлик ўлчови бирлиги бўлиб, кишининг бармоғи учидан кекирдагигача бўлган узунлик)

– Оллоҳга омонат бўлинг, биродар. Иншоолоҳ, яратган мушқулнингизни осон этар, – деди Улуғбек дўкончидан харид этилган молни олиб Бобо Ҳусайнга узатар экан.

– Сизнинг ҳам ёнчиғингизга барака берсин! – деди савдогар харидор узатган кўппакийларни санаб чўнтагига соларкан. – Келиб турунг. Дард бору дармон йўқ деганларидек, ичимиз тўла ҳасрату, бироқ айтажак арбобимиз йўқ. Ҳеч бўлмаса сизга айтиб енгил тортдим-

ку! Илоҳим, димоққинангиз чоғ бўлсину, чўнтакқинангиз қоқ бўлмасин!

– Сиз эл-улусни ўйловчи адолатли тужжор экансиз. Танишиб кўяйлик, мен мадраса мударриси Камолиддинман. Ўзларининг исми шарифлари?

– Мени Сайфуллоҳ Дўнғалакбош дейдилар. Барлос қавмининг дўнғалакбош уруғиданмиз. Сайфулло ад-расчи десангиз мени чорсунинг дайди итидан тортиб, хонаки мушугига қадар танийди, биродар. Мударрис бўлсангиз султонимиз билан ҳам кўришиб турсангиз керак? Қўшнимнинг мадрасада таълим олаётган ўғлининг айтишича, султон Улуғбек ҳам келиб талабаларга сабоқ берармишлар.

– Ҳа, ул зоти олийлари ҳафтада бир неча бор ташриф буюриб, дарс ўтадилар. Биз – мударрислар билан суҳбатлашадилар.

– Унда менинг гапларимни султонимизга сўйлаб қўйманг, биродар. Бошим балога қолмасин. – Қапалаги учиб, кўз косаси каттарди тужжорнинг.

– Нега энди? Қайтамга мушкулингиз осонлашиб, текинтомоқлардан кутуласиз-ку?

– Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан дегандек, биз хизмат қилаётган одамларнинг пошшомиз билан тили бир бўлса. Унда бу куним ҳам кўплик қилиб қоладими дейман-да?

– Фикри ожизимча, султонимиз сиз айтган кимсалар билан ҳамтовоқлик қилгувчи киши эмаслар.

– Билмадим, биродар. Амиру маъмур зотига ишониб бўлмайди. Болалигимда дарвешлардан эшитганим бир айтув қулоғимга қуюлиб қолган. Шундан бери катталарни кўрсам оёқ-қўлим қалтираб, аъзойи баданним титрайди. Айниқса, зобитаю миршабни кўрсам.

– Қандай айтув эркан, биз ҳам эшитайлик. Биласиз,

мударрислар ота сўзларию ибратли айтувларни йиғиб юришади, – суҳбатдан чеҳраси ёришди Улуғбекнинг.

*– Кимки хизмат қилса шоҳга улус уни суймайди,  
Кимки халққа хизмат қилса шоҳлар уни қўймайди.  
Илло, шоҳу халқ ораси доим тўсу тўполон,  
Икковига хизмат қилган ҳеч ерда топилмайди.*

– Ана аччиқ ҳақиқат, – деди мирзо Улуғбек ёнида турган ясовулбоши Ражаб Турдиқорага маъноли қараб. – Юрибмиз биз ҳам мударрисман дея талабаларга ваъз айтиб. Чорсуга ўзимиз келиб, сабоқни Сайфуллоҳ қардошимиздан олмоғимиз лозим эркан.

– Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! Мен бир қуймақулоқ одамман, биродар. Шоҳу Қаландару Масти Қаландар битикларини дарвешлардан эшитдимми, тамом, хотирамда нақшланади. Ёзув-чизувни билсам-да, каллам ҳисоб-китобдан бошқасига яхши ишламайди, биродар, – ўзини оқламоққа тушди тужжор.

– Савдогар бўлсангиз-да, шеър ёд билганингиз ва уни муштарийларингизга айтиб беришингиз, зиёли, ойдин бир кишининг ишидир, қардошим. Одамлар бор, ота-онасига туйган меҳру муҳаббатини асп фарзандлик оҳангида айта олмайдилар. Сиз эса бизга ҳар ким ҳам билиб, англаб айта олмайдиган битикларни сўйладингиз. Қуймақулоқман деганингизга қараганда бундай ажойиб айтувларни кўп биласиз чоғи? Қани, яна бир тўртлик эшитайлик-чи?

Тужжор мирзо бошлиқ харидорлари билан қуюқ суҳбатлашар, дўкон олдида тўпланганини кўрган бозорчилар адрасчи томон оқиб келарди.

– Қадамнингиз ёқди, мударрисбек биродар. Харидорим кўпайди, Раҳимберди! Муштарийларга қара! – шогирди-

га иш буюрди тужжор. – Мен бироз гурунглашай. Сизлар каби суҳбатдошларни бу бозорда топиб бўлармиди? Тез-тез келиб турунглари-е! Гумаж харид қилмасангиз ҳам майли, – мақтовдан яйраб кетган эди дўкондор. – Айтсам, айтдим-да! Мендан нима кетди!

*Ким кўрибди қарға оппоқ учганин,  
Илон ювош, хотин камгап юрганин.  
Бичилган қул марду, қиморбоз – ҳақгўй,  
Жоҳил – доно, шоҳ эса дўст бўлганин.*

\* \* \*

*Билдинги, шараф шоҳдир,  
Озорни ечиб тахт тур.*

Тужжорга тикилиб қолган Улуғбек қошини чимирганча маъноли бош соллади.

– Яна сизнинг зиёратингизга келиб, суҳбатлашмоқ иштиёқида хайр-хўшлашамиз, қардошим. Харидимиз бир ёқлик бўлди-ю, суҳбатлашиб, айтув тинглаганимиз айрича бўлди. Қани энди барча тужжору дўкондорлар сиз каби суҳбати соз кишилар бўлса, – ҳамсуҳбатининг кўнглини кўтарароқ видолашди Улуғбек.

– Суҳбати соз, жаҳонда оз, биродар. Сиз ҳам Оллоҳга омонат бўлинг. Тоғ тоғ билан учрашмайди, одам одам билан учрашади, дейдилар. Яна кўришиб қолармиз. Катта ўғлим мадраса ёшига етганда олдингизга олиб бораман. Кўмак этасиз-да?

– Бош устига! Ҳар замон кела билурсиз, – дея таъзим-ла тужжор билан хайрлашди мирзо.

Улар ширинликлар ва қандолатчилар растаси ора-лаб юришарди.

– Бу дўкондор ғоят ғаройиб одам экан, султоним!

– деди ясовулбоши паст овозда. – Ўқиган битиклари ҳиндуларнинг қадимги “Панчаатра” деган китобидан. Ҳиндистондаги мусулмон дарвешлари орқали бизгача етиб келган.

– Зотан, сиздан бу тўртликларнинг манбаини сўрамоқчи эдим. “Панчататра” форсий ёки туркийга таржима қилинмаган. Шундайми?

– Тўғри, султоним. Улуғ хоқон ҳазратларининг Ҳиндистон сафарларида бошқа китоблар қатори олиб келинган. Кўксарой кутубхонасида турибди.

– Зудлик ила таржима қилмоқ керак экан. Эпласангиз ўзингиз бу иш ила жиддий илгиланинг. Бугундан эътиборан сизни ясовулбошилиқдан озод этиб, қиссахон ўлароқ тайин этамиз. Ўрнингизга эса Бобоҳусайн Туркистоний ясовулбоши этиб тайинланади.

– Ҳар неки вазифа биз учун шараф ишидир! Шу баҳонада янада кўпроқ мутолаа қилиб, ўз устимда ишламоқ имкони туғилади, султоним!

— Мирзо Улуғбек Турдиқоранинг фикрини бош ирғаб маъқуллаганча йўлида давом этди. Улар новвоту парварда, ҳолваю пашмак, тутмайизу қуруқ мевалар, ёнғоқу писта уюмларини томоша қилганча экмак бозори томон боришарди.

Обинон, пўлотий, ширмойи, седана пайванд, нони заргарон, нони осийи экмаклари растаси тугаган жойда бир васмандлик туркпатирини сотиб ўтирарди.

– Нега экмакни пештахта устида эмас, ерда сотиб ўтирибсиз? – сўради мирзо патир сотаётган эллик ёшлар чамасидаги киши қаршисига тўхтаб.

– Бу тозиклар бизга пештахта беришармиди, оғайни?! Шу ерга қўйганларига ҳам қуллуқ қиламиз. Бозорни шулар эгаллаб олишган. Нарх-навони ҳам улар белгилашади. Чоресунинг мудирини ҳам шулардан.

Пошшомизнинг хотинлари ҳам шулардан дейишади. Шу боис кимса буларнинг мушугини пишт дея олмас эмиш, – қўлини пахса қилганча гапира кетди экмакчи.

– Қанча патирингиз қолди, қардошим? – сўради мирзо.

– Ўн иккита қолибди, оғайни, – жавоб қилди патирчи.

– Ҳаммасини оламиз. Анча бўлди туркпатир емаганимизга. Нонхалтангизни ҳам бизга сотинг.

– Унда нонни нимада келтираман, оғайни? – ҳайрон бўлди новвой.

– Сиз бизнинг мадрасага бориб, ўша ерда патир пиширасиз. Неки шароит лозим бўлса яратиб берамиз. Бул қардошимизнинг манзилларини ва исм-шарифларини ўрганиб, эртага мадрасамизга даъват этиб, ошчиларимиз билан таништиринг! – паст овозда Бобоҳусайнга тайинлади султон.

– Атам пиширган туркпатирни Амир Темур ҳазратлари ҳам еганлар. Йигитлигимда ўзим ҳам ўша пошшомизга патир пиширганман, – кутилмаган муштарий ва таклифдан ҳайрон эди новвой. – Юришларинг мударрису мулаваччага эмас, сарой амирларига ўхшайди. Тангри мени қўллади-ёв. Мен содда туркниям ошиғим олчи туншадиган кун келар эканми-я? – довдираб қолган эди патирчи Норқул новвой.

Улар бўёқ расталари орқали саҳҳоф ва ҳаттотлар, наққошу лаввоҳлар растасига ўтишганди. Муқовасозлар китобларни турли нақшлар билан безаб муқовалашар, ҳаттотлар китоб варақларига тилло суви югуртиришарди. Ёндаги растада Оби раҳмат ариғи бўйига қурилган қоғоз жувозларидан келтирилган бежирим Самарқанд қоғози сотиларди.

Улуғбек ҳамроҳлари билан Чорсуга туташ зироат бозорига ўтди. Сўғон (пиёз) ва ҳовуч (сабзи) сотаётган ўрта ёшли аёл қаршисида тўхташди.



## Нурали ҚОБУЛ

---

– Савдо-сотик қалай, опа? Деҳқончилик ишлари кўнгилдагидек кетмоқдами? Сўғон ва ҳовуч қанчадан бўлди? – сўради амирзода.

– Сўғону ҳовучнинг нархи бир. Челаги бир кўпакийдан. Деҳқончилигимизни айтсак кўмак берармидингиз? – қаршисидаги кишиларга тикилди сотувчи.

– Ҳар минг кишидан бири хизр дейдилар. Айтинг-чи, элимиздан келса ёрдам этамиз. Келмаса кўнглингизни сўраган бўламиз, – майин жилмайди шаҳзода.

– Унда айтайин, иним. Бозордаги олди-бердига чида-са бўлар. Бироқ буларда ҳам инсоф йўқ. Фақат бозорда санқиб юрган дайди кўппақдан ақча талаб қилмайдилар. Аммо даламиздаги солиқчилар кўк пулию ғўза пули деб ҳоли-жонимизга қўйишмайди. Ақчамизнинг ҳам қадри тушиб кетди. Шуларни пошшомиз билармикан?

– Биз олиқ-солиқ ишларини ўрганиб юрибмиз. Сўзларингизни олий девонга етказамиз. Опамиздан мол харид қилайлик, – Турдиқорага қаради Улуғбек. – Қорин ҳам очди. Бироз тамадди қилмасак бўлмайди. Эрталаб-ки нонуштада иштаҳа йўқ эди.

– Шу яқин атрофда бир киши биқин шўрва пиширади. Борса бўлади, – жавоб қилди Турдиқора.

Тўртовлон бир сўрини эгаллашди.

– Пошшойи биқин шўрва! Ичган дармонда, ичмаган армонда! – бор овозда чақирарди ошчи.

– Бизга тўртта келтир, биқин шўрвачи! – деди Турдиқора баланд овозда терлаб-пишиб шўрва сузаётган ошчига.

– Отим Шербек! Отимни айтиб чақир, биродар!

– Бўпти! Шербек шўрвачи, тўртта биқин шўрва келтир!

– Яна шўрвачи дейди-я! – чўмичини қозонга тикиб ўқрайди ошпаз.

– Шўрвачини шўрвачи, этиқдўзни этиқдўз дейди! Мана мен этиқдўзман! Шунинг учун ҳам катта-кичик билан мулоқотда тиззадан юқорига чиқмайман. Отинг Шербек, Шерали, Шерзод бўлиши мумкин. Бироқ касбинг шўрвачи!

– Бўпти-е, одам қуриб, келиб-келиб сен этиқдўз билан тортишаманми? Ярлақаб! Ана у этиқдўзларга тўртта шўрва, нон элтиб бер!

– Шербек қардошимизнинг биқин шўрваси ҳақиқатан ҳам рисоладагидек экан, – деди Улуғбек Турдиқорага қараб. – Бизга қараб ўшқирганида жон бор экан. Одатда ўз ишининг усталари ва чўнтагига тўрт-беш чақа тушган оми кишилар ўзларини шундай тутадилар, – сўзида давом этди мирзо шундоққина ёнларига яктагини тўшаб, қотган экмак еб, сув ичиб ўтирган олтмиш ёшлардаги оқсоқолни кузатаркан.

Қария иштаҳа билан шўрвага юмшоқ нонни ботириб еяётган кишиларга термилиб қарар, бошини қуйи солганча нон чайнади.

– Яна бир коса шўрва сўранг! – буюрди мирзо Турдиқорага қарияни ишора этиб.

Ражаб ўрнидан туриб қозон бошига борди. Битта кулча билан бир толкоса шўрвани олиб келиб кексанинг олдига қўйди.

– Пойлашганни тангри суяди, отахон! Олинг! Офият бўлсин! – деди чап қўлини кўксига қўйиб Турдиқора.

Чол индамади. Кўзи жиққа ёшга тўлди. Дуо қилди. Улуғбекнинг бўғзига ҳам нимадир тиқилгандек бўлди. Шундан сўнг бу манзара, кексанинг ожиз, нажотталаб нигоҳи анчагача кўз ўнгидан кетмади.

– Олиқ-солиқ маъмурлари, муставфий ал-мамоликларимиз яхши ишламай қўйишибди. Бошлиқларини ва-зифаларидан озод қиламиз! – деди султон улар шўрва-

ни ичиб, Кўксаройга қайтишар экан. – Давлат ишини юритувида ўзгаришлар қилмасак бўлмайдиган кўринадир. Саройга етишимиз билан кутубхонага кириг. Анча бурун ўқиганим уч китобни топиб, келтириг. Янглишмасам булар Ҳиндушоҳ Нахчивонийнинг “Дастур ал-котиб фи таъйин ал-маротиб” (“Мансабдорларнинг мартабаларини белгилашда котибларга қўлланма”), Абдулла ибн Муҳаммад Мозандаронийнинг “Рисолайи фалакия” ва Носириддин Тусийнинг Хулагухон ҳамда элхонийларнинг молия ишлари ҳақидаги асаридир. Молия ишларини чуқур ўрганиб чиқиб, янги пул бирлигини истеъмолга киритмасак бўлмайди. Олиқ-солиқ ишларини ҳам тафтиш этиб, айримларидан воз кечмоқ вақти етганга ўхшайди? – гапириб кетарди шаҳзода.

– Улуғ соҳибқирон ҳазратлари замоналаридаги амалда бўлган солиқларни бекор қилиб бўлмаса керак, султаним. Тамғани ҳам сақламоқ керак. Фақат қайд этганингиз каби омилу закотчилар ишини тартибга солиб, тафтишу назоратни кучайтирмоқ, раиятга ортиқча солиқ солган маъмурларни жазоламоқ керакмикан?! – фикр билдирди Ражаб Турдиқора. – Бироқ хирож ва ушрнинг миқдорини озайтирса бўлади. Яна сўнг сўз зоти олийларинингдир, – юмшоқ оҳангда қўнишарди Кўксаройнинг тандирдан янги узилган қиссахони.

– Тилга олганимиз китобларни сарой аъёнларимиз ила бироз мутолаа этайлик. Сиз ҳам диққат-ла ўрганиг. Бу орада янги ақчани жорий этмоқ хусусида алоҳида бош қотирмоққа тўғри келади. Бу ишлар билан бошда муҳтарам отабегим улуғ амир Шоҳмалик ҳазратлари машғул бўлганликлари учун кўнгилларига бирор гап келмасин дея аралашмас эдим. Хато қилган эканман. Давомли равишда маҳалла ва гузарлар аҳволидан хабардор бўлиб, бозору мазорни эътиборда тутмоқ лозим эркан.

---

– Ҳақ сўйладингиз, султоним! – деди бўлиб ўтган воқеалардан таъби тирриқ бўлганча сўз сўзламай келаётган садри аъзам Ҳавофий ниҳоят тилга кириб. – Мозорга тегсанг обод, бозорга тегсанг хароб бўлади дегандек, бозорларимизни тартибга солмоқ борасида эътиборсизликка йўл қўйибмиз. Озодалик ва тартиб-интизом ҳам ҳавас қиларлик даражада эрмас, – ўз айбини бўйнига олган оҳангда қўнишарди Ҳавофий.

– Бу менинг айбимдир, вазири аъзам ҳазратлари. Маъмурлар амирлари неники талаб қилсалар, шунга кўра ҳаракат этадилар. Вазиру амирларимизга нисбатан талабчанликни бўшаштириб юборган эканман. Бозор кезар эканмиз, раиятнинг ўз ҳукмдоридан норози эканлигига гувоҳ бўлдик. Бу хайри аломат эрмасдир. Тезда улус кўнглини олиб, ишончига сазовор бўлмоқ, барчамизнинг ор-номус ва шараф ишимиздир. Бутун бозорларнинг мутасаддиларини вазифасидан озод этинг. Кимларни мудир этиб тайинламоқни раият билан маслаҳатлашиб ҳал қилинг! – овозини баландлатди султон. – Муставфийлар (молиявий қирим-чиқим ишлари бўйича жойлардаги вакиллар) фаолиятини чуқур таҳлил этиб, ҳаддидан ошганларини жазоланг!

– Султонимизнинг амр-фармонлари вожибдир! – жавоб қилди Ҳавофий қора терга тушганча шаҳзодага етиб юришга ҳаракат қиларкан.

Султоннинг Чорсу сафаридан кўп ўтмади. Ҳукмдорнинг вилоятларга юборган фармонида хирож ва ушрнинг ҳажми озайтирилди. Тўрт харвор ғалла етиштириши мумкин бўлган бир жариб (ер ўлчови: 958 квадрат метрдан иборат майдонни англатади) ердан олинадиган хирожнинг миқдори тўрт дон фулусий миқдорида белгиланди. Халқ “фулуси адлия” дея атай бошлаган янги пул ўзга мамлакатларда ҳам донг қозонди.

## ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ

*Номард киши ва қавмларгина ўз кечмиш тарихини қоралаб, ундан юз ўгирадилар.*

**Тошоҳур битигидан**

Қировли кунларни ортда қолдирган Самарқандда баҳор эпкини эсар, Оқдарё ва Қорадарёнинг суви илк кўклам ёмғири билан лойқаланиб, кўпириб оқарди.

Султон Улуғбек амри билан Чўпонота адирида Наврўз байрамини кутиб олишга ҳозирлик кўрилар эди. Подшоҳ даъватига кўра Кўксарой ҳовлисида тўпланган давлати аркон, дин пешволари, олиму шоирлар шаҳар ташқарисига отландилар.

Султоннинг ўнг томонида садри аъзам Носириддин Ҳавофий, улуғ амир Таваккал Барлос бошлиқ вазиру беklar боришарди.

Сўл тарафда эса шайхулислом мавлоно Исомиддин йулбошчилигидаги Хожа Жалолиддин Фазлуллоҳ Абуллайс, мавлоно Муъиниддин Кошифий, Фиёсиддин Жамшид Кошоний, Қозизода Румий, Хожа Абдулмўмин, мавлоно Бадахший, шоирлар Хожа Исмаат Бухорий, Саккокий ва Масти Қаландарлар кетишарди.

Шаҳар аҳли одатдагидек баҳорнинг илк кунини кутиб олмоқ учун Чўпонота тепалиги, Оби раҳмат ва Қорадарё бўйи томон оқарди.

Турону Эрон халқлари йилбоши замони ҳисобланган Наврўз кириши билан далага чиқар, қўтон ва қўраларини тарк этган чўпон-чўлиқ ҳам сурувини яйлов томон ҳайдар эди.

Милодий йил учинчи ойининг йигирма биринчи ва йигирма иккинчи кунларига тўғри келадиган ҳамал ойи-

нинг биринчи куни, фавардин ойининг ҳам илк кунига тўғри келар, бу сана шарқда янги йилнинг кириб келиши сифатида нишонланарди.

Атрофи оқ бўз билан ўралган ошхоналарда ҳаёт қайнар, шўрва ва ҳалим пишаётган қирқ қулоқли қозонлардан кўтарилаётган ҳовур саррин ҳавога сингиб кетарди. Жиловдорлар қўноқларни кутиб олинажак, отлар боғланадиган жойдан султон ва сарой аъёнлари ўтиражак танабийга (чодир, атрофи девор, панжара билан тўсилган махсус жой) қадар қирмизи пояндоз тўшалган эди.

Султон бошлиқ юксак мартабали мусофирлар ўзлари учун белгиланган ёнғоқ оғочига нақш бериб ишланган сўрилардан жой олишди.

Давлат аркони бир сўрига, шайхулиспом, олий қози, олиму уламолар иккинчи, шоиру битикчилар учинчи сўрига ўтирдилар. Ҳарир парда билан ўралган тўртинчи сўрида малика ва канизаклар Оқ Султон хоника, канизаклар Ҳусни Нигор хоника, Рокия Султон хотун, Мехр Султон, Давлатбахт Саодат ва Давлат Султон хотунлар ўтиришарди.

Сой бўйида тупроқ ва чимдан кўтарилган ерсупадан созларини созлаб, машшоқу созандалар жой олишганди. Сарой дастасига биби Чаманно ва қизи биби Таманно бош-қош эди.

Наврўз муносабати билан суҳбат ҳам шу мавзуда кетди.

– Устод Берунийнинг “Осор ул-боқия” китобларида наврўз байрамининг тарихи ва келиб чиқиши хусусида баҳс этилади, хожа ҳазратлари, – Хожа Фазлиддин Кешийга мурожаат этди султон Улуғбек. – Ўтган куни мадрасамизда наврўз ҳақида ажойиб бир маъруза қилибсиз

дея эшитдик. Бизнинг фикрларимизни ҳам шу хусусда бир оз ёрқинлаштирсангиз мамнун бўлардик, устод.

– Бош устига, олийшаън султоним. Устод Беруний ҳазратлари “Осор ул-боқия”дан бошқа яна бир китоблари “Ахлоқ ул-мулук” асарида ҳам янги кун ҳақида фикр юритадилар. Наврӯз Турону Эрон юртларида жуда қадим замонлардан бери нишонланиб келинган. Билхосса, Тахмурос, Жамшид ва Афросиёб ҳукмронлиги даврларида расман байрам этилгандир. Айнан шу куни табиатда уйғониш бошланиб, биткилар ғунчалайди ва шунинг учун ҳам бу кун янги йил ҳамда ҳаётнинг бошланиши дея қабул қилинган. Зоти олийлари тилга олганлари “Осор ул-боқия”да устод Беруний ушбул кунни наврӯз дея аташининг сабаби шулким, собийлар Тахмурос даврида юзага чиққанлар. Жамшид подшоҳ бўлгач, ул мажусийлар динини янгиледи ва ўшал кун наврӯз, яъни янги кун дея аталди. Бу кун Жамшиддан илгари ҳам ҳурмат қилинган бўлса-да, Жамшиддан бошлаб ҳайитга айлантирилди, дея ёзадилар.

---

Суҳбатга томоғини қирганча қиреат билан сўзловчи Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий кўшилди.

– Наврӯз ҳақида яна бир ривоят борким, унда диққатларингизга ҳавола этмакда фойда бордир, улуғларим. Кечмиш замонларда наврӯз кирмасдан бир ой бурун барча бошкент ва буюк шаҳарларда пишиқ кирпичдан (кирпич – туркча тандирга кир пиш дегани, ғишт – аслида хишт бўлиб форсчадир, руслар ҳам бу сўзни туркчадан олган) у қадар юксак бўлмаган ўн икки стун кўтаришар эркан. Бу ҳар ҳолда йилнинг ўн икки ойига ишорат бўлса керак. Стунлар бежирим, ранг-баранг мато ва гумажлар билан безалиб, атрофига буғдой, арпа, тарик, кунжут, зиғир, шоли, лўбиё, нўхат, масхар ва мош каби экинлар экилган. Бу биткилар Наврӯз кунига қадар униб

---

чиққан. Унган бу ўсимликларни ўша ўн икки стун устига чиқариб қўярканлар. Яна Наврўздан қирқ кун олдин идишларга буғдой экилиб ундириллар ва унга ун ва ёғ қўшилиб дошқозонларда сумалаклар пиширилган. Фарвардин, яъни Наврўзнинг биринчи куни халойиқ ана шу ўн икки стун атрофига жам бўлишиб, байрам қилишган. Шу куни тарқатилган ширинликни фарвардин тотлиси деб аташган ва бу биз ҳозир тановул этиб ўтирганимиз парвардадир.

– Умар Хайёмнинг “Наврўзнома” ва Жалолий табиб ҳамда мавлоно Лутфийнинг “Гул ва Наврўз” дostonларида ҳам баҳор байрамига ғоят гўзал таъриф берилди, – Наврўз мавзусида ёзилган асарлар мавзусига яқун ясаган бўлди султон Улуғбек.

Мирзо Улуғбек куйироқда ўтирган, анчадан бери ҳукмдордан амр беклаётган ҳофиз ва созандалар даврасига қаради.

– Бир оз мусиқа тинглаб, қўшиқ эшитмоқ вақти ҳам келди, шекилли. Қани марҳамат. Созу сўзсиз байрам бўлармиди, – ишорат этди султон.

Абдулқодир Мароғий басталаган куйлардан бир жуфт ижро этган созандалар мавлоно Лутфий ғазали билан айтиладиган ғазал мусиқасини чалмоққа бошладилар.

*Жоним чиқадур дард ила, жанонима айтинг,  
Мен хаста гадо ҳолини султонима айтинг.*

*Ўртанмангу кўз ёшию ўлмактурур ишим,  
Бу қиссани ул шамъи шабистонима айтинг.*

*Қат-қат юрагим боғлади қон, ғунча менгизлик,  
Бу дарди дилимни гули хандонима айтинг.*



## Нурали ҚОБУЛ

---

Қон ёшим эрур юз уза юлдуз киби сонсиз,  
Ул кўзлари чўлпон, моҳи тобонима айтинг.

Лутфийи дил афғор тилар ҳажр элидин дод,  
Аҳволини ул беғу хонима айтинг.

- Жуфт бўлсин!
  - Отангизга раҳмат! – даврадан саслар эшитилди.
- Ҳофизлар қўшиқ айтмоқда давом этдилар:

Эй парирухсорлар, бизга нигоҳ айлаб ўтунг,  
Бир назар бирла гадони подшоҳ айлаб ўтунг.

Гарчи ўтганда кирарсиз кўп кишининг қонина,  
Бу гадо кўнгли учун мунча гуноҳ айлаб ўтунг.

Хорлиқ ҳаддин ошурманг, чунки иззат йўлдадур,  
Отингиз наълинда бизни ҳоки роҳ айлаб ўтунг.

---

Ҳар қачон жон берсам ул қадду оғиз ёди била,  
Эй муҳиблар, турбатим устинда оҳ айлаб ўтунг.

Ҳар нечаким сизга заҳматтур, закоти ҳусн учун,  
Илтифоте Лутфи сори гоҳ-гоҳ айлаб ўтунг.

- Офарин!
  - Ташаккурлар!
  - Овозингизга барака!
- Давраимизда устод Саккокий ва қардошимиз, муҳтарам Масти Қаландарбек ҳам қаламларини қайраб, сасларини тоблаб ўтирибдилар. Мушоирани устод Саккокий бошлаб берсалар. Не дейсиз? – даврадошларига мурожаат этди подшоҳ.

– Устоз Саккокий ва Масти Қаландарсиз давралар тўкис бўлмаски!

– Эшитамиз!

Султон бошини эгиб, Саккокийга шеър ўқимоққа ишорат этди.

Давлат аркони ўтирган сўрига яқин келган Саккокий бўғиқ овозда шеър айта бошлади:

*Кўриб гултек кўзунг рангини кўздин юз чаман бўлди,  
Ақиқ эрнингни кўргали кўзум холи яман бўлди.*

*Тун оқшом тўлғану сунбул бикин зулфингдан оҳ урдим,  
Ҳавони ғолия тутди жаҳон мушки хўтан бўлди.*

*Қилиб раъно қаддинг ёдин саҳарда анча йиғлади,  
Кўзимнинг жўбори ичра сарви норвон бўлди.*

Саккокийнинг саси бўғиқлигидан шамоллаганини фаҳмлаган султон ва даврадагилар ундан яна шеър ўқимоқни сўрашмади.

Навбат Масти Қаландарга келган эди. Ўнг эли билан чап билагини тутган Масти Қаландар айтув айтмоққа бошлади:

*Ҳақингни ҳалол этгин,  
Хирмонингким чош бўлур.  
Тўғри йўлни танласанг,  
Ҳазрат Хизр эш бўлур.*

*Ҳақ таниган бир одил,  
Сенга кўзу қош бўлур.  
Ўздан кеча билдингми,  
Улус кори беш бўлур.*

Меъёрдан ошган кунинг,  
Саратон ҳам қиш бўлур.  
Буюрмаган авлодинг,  
Қирқида ҳам ёш бўлур.

Қадардан қочиб бўлмас,  
Ҳар кўргулик, иш бўлур.  
Сабр йўлин тута бил,  
Буломиқ ҳам ош бўлур.

Эзгуликдан сўз очсанг,  
Зўмин бағри тош бўлур.  
Ўз бошин еяр бебок,  
Бошсиз элга бош бўлур.

Даврага таъзим этган Масти Қаландар иккинчи ай-  
тувга ўтди.

---

Хурриятга адолатга,  
Жабру зугум эки ё.  
Беҳабарсан, ғофил золим,  
Улус очми, тўқми ё.

Унутдинг, оёғинг босган,  
Замин ерми, кўкми ё.  
Тупроқ насаб, рутба сўрмас,  
Шоҳу гадоӣ, бекми ё.

Ҳақ номин сотасан тинмай,  
Кўргани сен, текми ё.  
Худонинг ҳам сен разилдан,  
Бошқа иши йўқми ё.

---

Азроилдан келар мужда,  
Дору кунда, ўқми ё.

Амиру вазирлар, машшоқу созандалар Масти Қаландарни олқишлаб, офаринлар айтишарди. Шайхулислом даврасидан эса сас-садо чикмасди.

Султон Улуғбек ҳам мийиғида жилмайганча шоиру созандаларни тинглар эди.

– Олийшаън подшоҳимизга бир сўровим бордир? – деди Масти Қаландар кўлини кўксига қўйиб султон ва даврадагиларга таъзим бажо этаркан.

Мирзо Улуғбек бошини ирғаб ижозат этди.

– Қай бир манзилу маконда суҳбату даврада бўлмайлик, халойиқ бизни чапак чалиб олқишлайди. Мақтайди. Бироқ султонимиз ҳазрати олийларидан ҳеч қачон мақтов сўзларини эшитмадик. Бунинг бирор-бир сабаби борми, султоним? Сўзу овозни ақли зако дея заҳн этгувчи биз – нодонларга буни изоҳ этсангиз бошимиз кўкка етган бўлур эди? – дея яна таъзим бажо этди Масти Қаландар.

– Зотан, муҳтарам Масти Қаландарбекдан шунчаки оддий саволларни кутиб бўлмас. Модомики, қардошимиз иддао ила сўрадилар, жавоб бермоқ мажбуриятидамиз, – деди Улуғбек кутилмаган саволдан ҳайрон бўлмай. – Сўзимда нуқсону қусур бўлса, мана устозларимиз, шайхулислом ва олий қози ҳазратлари тўғрилайдилар. Боиси, мен бу улуғ устодларнинг ярим ёшларидаман. Улар билганларининг ва ўқиганларининг ярмини ҳам билмасман. Бир куни устоз Абу Али ибн Синонинг олдига подшоҳнинг хос мулозимларидан бири ташриф буюрибди. Мутафаккир мартабаги мусофирнинг мақсадини сўрабди. “Султон Маҳмуд сизни мақтадилар. Ўз қулоғим ила эшитдим”, – дебди сарой аъёни бу хабар билан олимни хурсанд этмоқ ниятида. Бу гапни эшитган ибн Сино эллари ила юзини беркитганча хўнграб йиғлаб юборибди. “Нега йиғлайсиз, устод?” дея сўрабди му-

лозим ҳайрон бўлиб. “Сени ҳукмдор мақтаганидан ҳам ёмон бадбахтлик борми, ахир!” дебди ибн Сино фиғони фалакка чиқиб. Мана сизга жавоб, қардошим Шоҳи Қаландарбек ва суҳбату баҳс учун мавзу. Устод ибн Синонинг бу фикрларини жуда ёшлигимда ўқиганман ва ўшандан бери ўзимча мушоҳада этиб келаман. Сиз шоиру замон ҳам ҳар доим теша тегмаган гапларни айтиб, битикларингизда-да фавқулодда фикрларни ўртага ташлайсиз. Қани мана шу воқеага бир изоҳ беринг-чи энди? – Масти Қаландарни саволга тутди султон.

– Бир фақирона савол бериб, сўровнинг каттасига тутилдим, ҳукмдорим. Шуни айтадилар-да, юрган эдим Ойқортоғда қимиз ичиб, нега келдим Самарқандга кетим қичиб деб. Зоти олийларининг саволларига баҳоли кудрат жавоб берайин. Нуқсони бўлса қусурга боқмағайсиз. Устод ибн Сино шу қадар тенгсиз, беназир ва буюк шахсиятки, султон Маҳмуд Ғазнавий ул зоти шарифнинг исмларини тилга олмоқдин бурун етти бор эмас, етмиш бор ўйлаб кўриб мушоҳада этмоғи керак эди, султоним. Донолар олдида тилингни тий, авлиёлар ҳузурида дилингни тий деган нақлдан султоннинг хабари бўлганида эди, валий ва авлиё сифатлари мужассам инсон номини тилга олмоққа ғоят диққат ила ёндашган бўлур эди деган фикрдамен, султоним. Абу Али ибн Сино Туркистон тизмалари каби юксак бир тоғ бўлса, султон Маҳмуд Ғазнавий ул улуг зотнинг олдида Вастманддаги Дунётепа ёхуд Қўрғонтепа кабидир. Устод шунинг учун ҳам кўз ёши тўккан бўлсалар ажаб эрмас-да, – дея изоҳ этди Масти Қаландар.

– Жавоб ҳам саволга яраша бўлди. Сизга сўйладим-ку, шоиру замон қардошимиз сўзу фикр бобида мудом ўқни нишонга урадилар деб. Мана; бунинг исботини барчамиз кўрдик, – дея Масти Қаландарнинг жавобини

тақдир этди Улуғбек. – Дўстимизнинг фикрларига бир-икки қўшимча қилмоқчиман. Ибн Сино ҳазратларининг кўз ёши тўкишларига яна бир сабаб борким, буни кечмиш тарихимиздан хабардор кишилар яхши биладилар. Султон Маҳмуд Ғазнавий синглисини берган куёви, Маъмун ибн Маъмун Хоразмшоҳдан ўз номини хутбаларга қўшиб ўқитишни талаб этади. Султон ва халқ орасида ноқулай аҳволда қолган Хоразмшоҳ Урганч атрофидаги масжидларда Ғазнавий отини хутбага қўшиш амрини беради. Шоҳнинг бу фармонидан норози бўлган амиру диндорлар исён этиб, Маъмунни қатл этадилар. Ўрнига ўғли Масъуд тахтга ўтиради. Куёви ўлимини баҳона этган султон Маҳмуд Хоразмга бостириб келади ва Урганчни вайрон этиб эгаллайди. Устод Абу Райҳон Беруний босқинчилар етиб келмасидан бурун шаҳарни тарк этган эди. Ибн Сино ҳазратлари султон жаллодлари элидан аранг қутулиб қолади ва қочади. Ҳар икки улуғ олимнинг кимлигини англаб етган султон уларни саройига даъват этиб, лутфу марҳамат кўрсатади. Устод Берунийни ўзи билан бирга Ҳиндистон фатҳига олиб кетади ва олим шу сафарлар натижасида ўзининг “Ҳиндистон” асарини яратади. Хоразм ва Урганч босқини ва тўкилган қон Ибн Сино қалбида оғир асорат қолдиради ва у бунинг учун бош жаллод – султонни кечирмайди. Олимнинг ҳукмдор мақтовини ҳақорат ўлароқ қабул этиши ҳам ана шундандир, Қаландарбек қардошим. Ўқимиш тарих китобларим ва улуғ бобом ҳазратларининг ҳаёт тажрибаларидан шуни ўргандимки, подшоҳлар бир инсоннинг хизматини тан олиб тақдирлаши, маърузасида қайд этиб мақташи мумкин. Бироқ бу билан ҳукмдор ўша кишини ўзи билиб-билмай халқдан ажратиб қўяди. Унинг бир душмани ўн бўлади. Подшоҳ тўғрию нотўғри амри фармонларини бажарганлиги, саллани ол деса

каллани олиб келганлиги учун уни кўкларга кўтармоқда дея заҳн этадилар. Руҳиятида зако эксиклиги мавжуд кишилар эса бу мақтовни янглиш англаб ўзларидан кетадилар ва қовуну тарвузни баробар тушириб, охир-оқибат саройу сиёсат ўйинларини буткул тарк этадилар. Бу кўнуда фикрим шундайдир, дўстлар. Муҳтарам шайхулислом ҳазратлари ҳам бирор қўшимча қилсалар нур устига аъло нур бўлғай эрди! – дея ён сўрида ўтирган мавлоно Жамолиддинга қаради султон.

– Бош устига, султоним! – деди шайхулислом назокат билан сўзларкан. Биз шуни унутмаслигимиз керакки, шоиру битикчи, ҳофизу созанда қардошларимиз шону шуҳратга ўчоқ бўладилар. Биз буни англамоғимиз лозимдир. Ҳақиқий олиму уламолар, донишу донишмандлар эса шуҳратнинг офатлигини эрта англайдилар ва зоти олийлари сўйлаганлари каби мақтову олқишлардан узоқроқ турадилар. Зотан, мақтов чорасиз кулфатдир.

– Шуни назарда тутмоқ жоизким, номи турли унвону совринлардан юксак шахсиятларни олқишлаб, мақтаб мадҳ этмоқ, улар шаънини юксалтирмоққа хизмат қилмайди. Бундай улуғ кишиликларнинг муборак исми шарифлари ҳар қандай рутба, мавқе ва мукофотлардан устундир. Ўзини билмаган, ўзлигини топмаган ва англамаганлар эса қадри қийматларини туҳфаю тортиқ, унвону совғалар билан ўлчайдилар, баҳолайдилар. Ўзини билганни ўзингдек бил деган ота сўзининг фарқига етмаган одам, умр ва ҳаётнинг ҳам том моҳиятига етмай ўтади, – баҳсга якун ясаган бўлди султон. – Яна саволингиз борми, муҳтарам шоири замон? – Мاستи Қаландарга кулиб боқди султон Улуғбек.

– Аравакаш тавба қилибди, султоним! Бундан сўнг ўйлаб савол беражак бўлдики! Бир қошиқ қонимдан кечинг! Яхшиси, ҳар бир киши ишини қилиши, мен ваъз айтмай

---

шеър ўқишим, ҳофизларимиз қўшиқларини айтишлари, созандаларимиз созларини чалишлари керак эркан. Хатойимизни англадик, – дея таъзим-ла бир муддат сукут сақлади Масти Қаландар.

– Сўзингизда давом эта билурсиз. Яна нимадир демоқчисиз чоғи. Ёки шеър ўқиб берасизми? – ўша табассумда сўради Улуғбек.

– Улуғ хоқон ҳазратлари устозимиз Шоҳи Қаландар ва камина қулларининг ҳар қандай битигимизни танқидий бўлса-да, мардларча тинглаб, тақдир этар эдилар. Боя берган саволимга сўнгсўз ўлароқ бир битик ўқимоғимга ижозат этсангиз, султоним, – деди Масти Қаландар юзи қизариб.

– Бемалол ўқий билурсиз. Ожиз ва саводсизларгина танқиддан чўчийдилар. Кучлилар эса янада қувватланадилар. Ўқинг, – деди султон қаландарга жиддий боқаркан.

Қора терга тушган Масти Қаландар сўнги битигини ўқиди:

*Улусим демаганни,  
Кўксаройга йўлатманг,  
Бою боён хирожин,  
Фуқарога тўлатманг.*

*Қонли-жонли ишларга,  
Элингизни булатманг.  
Отадушман рақибга,  
Пайвандингиз улатманг.*

*Ҳол-беҳол юрган элни,  
Сувга етмай сулатманг.  
Улуғ хоқон тиклаган,  
Қалб қасрини қулатманг.*



*Бир сўғишу савашга,  
Бошқасини улатманг.  
Ёт яғий етмагандек,  
Ўзникига талатманг.*

– Масала энди ойдинлашди, аҳли мўъмин! – деди Улуғбек сасини бир оз юксалтириб. – Демак, шоири замонимиз ва ул кишимнинг беозор қаландарларига кимдир зулм қилган! Бу даврада ўтирган каттаю кичик, ёшу қари – барча бирдек эшитсун! Масти Қаландарга кимки бирор-бир ножўя сўз сўйлаб ҳаракат этса, қаршисида мени кўражақдир! Шоиру носир, олиму уламо ҳеч қачон уммату миллат манфаатига қарши иш қилмайди! Улар фаолиятида хатою камчиликлар бўлсада, кечирмоғимиз, афв этмоғимиз керақдир! Илм одамлари миллатнинг қоронғуликдан ойдинликка, ёруғ нурли келажакка элтувчи машъалаларидир! Бул ёниб турган чироқларни ўчирмоқ, қоронғуликда зулмат сари юрмоқ демақдир! Бу хусусда сиз не дейсиз, устоз? Биз ҳар замон сиз улуғ устоддан сабоқ олиб маслаҳатларингизга амал қилиб келгандирмиз, – камгап ва кибор Қозизода Румийга қараганча бош эгди подшоҳ.

– Ҳақсиз, султоним! Зотан, илмсиз дин кўр бўлганидек, динсиз илм оқсоқдир деганларидек, илми урфонсиз ҳеч бир қавму қабила, уммату миллат буюк ҳадафлар сари юриб, улуғ манзилларга ета олмайди. Буни англаб етмаган улуслар жоҳилият ботқоғига ботиб, гумроҳлик саҳросида қайб бўладилар. Машҳур қози Абу Юсуф ҳазратлари вафот этаётганларида хушларидан кетиб, кўзларини юмибдилар. Бир муддатдан сўнг кўзларини аранг очиб, бошида турган шогирдларидан бир масалани сўрабдилар. Шогирд эса ҳозир бу масалани ҳал этмоқнинг вақти замони эрмас, бир өз истиреҳат этинг,

устоз, дебди. Нурсизлашаётган нигоҳини шогирдига тиккан Абу Юсуф ҳазратлари бор кучини тўплаб сўнги сўзларини айтибдилар: “Қани эди, яқинлашаётган ажал илм билан машғул бўлганимда келса... У дунёга илм ила машғуллимда кетсам эди...”

– Ташаккур, устоз! – деди Улуғбек Румийга таъзим этаркан. – Сиз улуғ устод бизнинг бобо бошкентимизга ташриф буюрдингиз, илму урфон, маънавияту маърифатимиз осмони янада ёрқин порлай бошлади. Оллоҳ сиздан рози бўлсин! – устозига эҳтиром кўрсатди султон.

– Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! – деди Румий хижолатли оҳангда.

– Шайхулислом ҳазратлари суфраимизга дуо этсалар-да, дарё бўйи ва Чўпонотани бир айлансак. Зотан, Наврўзнинг энг биринчи шарти сайлдир, – дея шайхулисломга мурожаат этди подшоҳ.

Сайрчилар ўрнларидан кўзғалиб, тўп-тўп бўлиб тарқалдилар.

## **ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ**

*...Мирзо Улуғбек яна ушбу мадраса ва хонақоҳга ёвуқ бир яхши ҳаммом солибдур, Мирзойи ҳаммомига машҳурдир, ҳар нав тошлардин фаршлар қилибтур, Хурсону Самарқандда онча ҳаммом маълум эмаским, бўлғай...*

**“Бобурнома”**

Устод Румий, Жамшид Кошоний ва Али Қушчини ёнига олган мирзо Улуғбек расадхона қурилиши учун текисланиб, ҳозирланаётган Чўпонота адирини томон юрди.

– Расадхона учун бундин қулай ва муносиб ер топмоқ

мумкин эрмас, – деди устод Румий кафтдек текисланган майдонга ҳавас билан тикилар экан.

– Ер танлаш учун илк бор бу манзилга келиб, кечаси юлдуз санаганимизни эслайсизми, устоз? – деди Улуғбек Румийнинг елкасидан меҳр-ла кучаркан. – Ра-садхона бино этмоқ нияти, етти ёшлигимда, Мароға ра-садхонаси харобаларини кўриб, дилим вайрон бўлган кундан бери ақлимни банд этгандир. Шундан буён у рўёларимга кириб чиқади, – ҳаяжонда эди султон.

– Ҳақ ва тўғри иш ҳар замону маконда тангрининг қўллови билан ўзига йўл очади, султоним. Бироқ ай-рим диндор уламоларимиз очиқ-ойдин бу ишга рағбат кўрсатмадилар. Улус орасида турли-туман фисқу фа-сод, иғвою бўҳтонларни тарқатдилар. Уларга бу иш-нинг жаҳон илму фанида буюк бир инқилоб эканлигини англатмоқ учун эна сутимиз оғзимизга келди. Зоҳиран дамлари ичига тушиб, розидек кўринсалар-да, ботинан бу ишдан ризо эрмаслар. Ҳар замону давронда алардин эҳтиёт бўлмоқ ижоб этади, султоним, – гумонинисўйла-ди Қозизода Румий.

– Мен ҳам алар билан яккама-якка, мажлислар тар-тиб этиб ҳам узоқ кўнишиб, англатдим, устоз. Илоҳиётчи олимларнинг энг буюк фожиалари дунёвий илмлардан айро тушганликларидир. Барча динлар ва улар йўнал-тирган ҳамда бошқарган инсоният неча минг асрларки, ҳамма нарсани худо яратган, дея кўкка илтижою нидо қилиб келди. Тангри инсонга кунингни кўр ва ҳаётингни қур дея ақл-идрок, қобилияту салоҳият бергандир. Бу имконияту иқтидорни фақат қўй боқишу кетмон чопиш, тўти каби бир жумлани такрорлаб, кечаю кундуз ибо-дат учун сарфла демагандир, албатта. Уларга ана шуни англатмоқ кечмишда не қадар қийин бўлган бўлса, бугун ҳам мушкуллигича қолмоқда.

– Тўғри сўйлайдурсиз, султоним. Ҳалокухон замонасида Носириддин Тусий қурдирган Мароға расадхонаси ҳам ана шундай жоҳилу гумроҳ, ботилу золим хурофотчиларнинг фатвоси билан кунпаякун этилган дейдилар.

– Дину диёнатнинг янглиш йўлдан кетиши, ҳар замону маконда халқлар бошига мислсиз фалокатлар келтирган. Афсуски, бу нодонлигу жоҳилликларни ҳалибери бартараф этиб бўлмайти, устод. Боиси, ер юзида ўн минглаб, балки юз минглаб жоҳилга бир оқил тўғри келган замонда қимдан нур, адолату оқиллик беклаш мумкин? Кишининг ақли етмайди. Биз ана шу жаҳолат ва қоронғуликни яшин қаби ёрибу ёритиб мана шу ишни бошладик. Ишончим комилки, бу бетакрор инқилобий ишимиз одамларимиз, улусимиз қалбида илм, билим ва келажакка ишонч чироғини ўт олдириб, зако кўзини очмоққа хизмат этгувсидир.

– Иншооллоҳ! Иншооллоҳ! – деди Қозизода Румий йиғига ўхшаган овозда.

Султон Улуғбек ва Қозизода Румий бошчилигида олимларнинг иншоот майдонига етиб келганлигини кўрган бош меъмор уста Исмоил етакчилигидаги қурувчилар ҳам тўпланишиб ҳурматли кўноқларни қаршиладилар.

– Қани, ҳисоб беринг-чи, муҳтарам устабоши? Ишлар қалай кетмоқда? – сўради султон уста Исмоил билан самимий кўришиб сўрашар экан.

– Ерни текислаб бўлдик, султоним. Бутун майдонни муҳандисларимиз ўлчаб, хатт нисф ан-наҳорни ҳам аниқладилар. Бу ишнинг бошида мавлоно Ғиёсиддин Жамшид устоз туриб, бизга йўл-йўриқ кўрсатдилар. Мана бу эса расадхонамиз учун ҳозирланган илк асбоб, – дея тўрт тарафи тўрт газлик учбурчак асбобни султонга кўрсатди уста Исмоил.

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Аъло! Ишларнинг бошланиши чакки эрмас. Бизни шод этдингиз, устабоши. Тангри сиздан рози бўлсин! – устанинг сўзларидан хурсанд бўлган эди султон. – Барчангиздин миннатдормиз. Иншоот майдони яхши ҳозирланибдур. Теграси ҳам тўғри ўлчанган бўлиши керак, албатта. Бироқ эътибор берган бўлсангиз ҳаво булутли. Бундай об-ҳаво шароитида қуёшнинг ҳаракат йўлини тўғри аниқлаб бўлмайди. Ўлчовда янглишиш мумкин. Бир оз беклайлик. Булутлар мағриб томон сузмоқда. Кун ёришиб кетса ажаб эмас. Қуёш иртифо нисф ан-наҳорга кўтарилгач, яна бир ўлчаб кўрмак лозим бўлади, – Ғиёсиддин Жамшидга қаради подшоҳ.

– Тўғри сўйладингиз, султоним. Ер тархи ва майдоннинг тўғри текисланганини ҳаво очиқ пайтда яна бир ўлчаб кўрмоғимиз керак, – Улуғбекнинг фикрига қўшилди Ғиёсиддин Жамшид.

– Барчамиз ўқувчи ва ўрганувчимиз, қардошим Ғиёсиддинбек. Кошондан келиб мадрасамизда фидоқорлик ила илми толибларга сабоқ бериб, расадхона лойиҳасини тузиш ишига салмоқли ҳисса қўшдингиз. Сиз – азиз дўстимизга рижойимиз бўлади. Эшитишимизча, ота юртингиз Кошонда яна бир улуғ фалакиёт олими Муъиниддин ҳазратлари фаолият кўрсатмоқда эканлар. Неки кўмак ва шароит лозим бўлса муҳайё этайлик. Ватандошингизни Самарқандга олиб келмоқ ишига бош-қош бўлинг.

– Амри фармон султонимизнингдир! Мавлоно Муъиниддин ҳазратларининг таклифингиздан бошлари кўкка етажак деган ниятдаман! – жавоб қилди Ғиёсиддин Жамшид.

– Унда бир оз беклайлик-да, қуёш энг тепага кўтарилиб, тиккага келганда сўнг бор ўлчайлик. Ана шундан сўнг ишни бошласак бўлади, – маслаҳат берди Улуғбек.

---

Охирги ўлчов амалга оширилганда Улуғбек ҳақ бўлиб чиқди. Сўнгра расадхона учун ҳозирланажак асбобларни яшаш ва келтириш ҳамда ер ҳаракатини муҳокама этмоққа бошладилар.

Олимлар даврасига мударрис Саййид Имомиддин, шарҳчи ва тиб илми билимдони Бурҳониддин Нафис ибн Аваз Кермоний, шоирлар мавлоно Хиёлий, Исма тулло Бухорий, Камол Бадахшоний, адабиёт ва тилшунос Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсийлар келиб қўшилдилар.

– Хуш келдингиз, устозлар. Биз муҳим бир мавзуни муҳокама этмоқчи бўлиб тургандик, – олиму шоирларни даврага таклиф этди Улуғбек. – Мана бир ярим минг йилдирки, Афлотундан бошлаб фалакиёт олимлари ернинг ўз ўқи атрофида айланиши ҳақида баҳслашадилар. Илк бор бу қарашни Афлотун билдирган. Устод Абу Али ибн Сино ҳазратлари ҳам шундай фикрда бўлганлар. Абу Райҳон Беруний ҳам ернинг ўз ўқи атрофида айланиши мантиққа зид эмас дея таъкидлайдилар, – мунозарани бошлаб берди Улуғбек.

– Пири Туркистон Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратларининг “Ҳикмат”ларида ҳам бу фикрга ишора бор, султоним, – суҳбатга қўшилди Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий. – Эшитиб кўринг-а?

*Холиқимни излармен тун-кун жаҳон ичинда,  
Тўрт ёнимдан йўл энди кавну макон ичинда.  
Тўртдан еттига етдим, тўққизни узар эттим,  
Андин иккига келдим чархи кайвон ичинда.*

Ушбу назмий битикдаги “кавну макон” ва “чархи кайвон” атамалари бевосита фалакиёт илмига алоқадор тушунчалардир. Кавну макон – олам, бутун борлиқни англатади. Кайвон эса шарқ фалакиёт илмида Сатурн

сайёрасидир. Айни кун адабиёти ва фалакиётида “чархи кайвон” ибораси бутун коинотни ҳам англатади. Чунки Кайвон ою юлдузлар тизимидаги энг узоқда жойлашган сайёра бўлиб, маълум маънода етти қават осмонни, яъни оламнинг энг чеккасини ҳам билдирган. Бу фикр билан ҳазрат Яссавий коинотнинг, яъни фалакнинг, бутун борлиқнинг чарх ҳолатида айланишига ишора этиб, осмоннинг ер атрофида айланиши ғояси тарафдори эканлигини билдиради, – фикрини асосли изҳор этди олим.

– Тўғридир, қардошим, – қўшилди Қозизода Румий Абуллайсийни диққат билан тинглар экан. – Сўйлаганингиз ғоя қадим юнон фалакиётчиси Птоломейнинг ғарбда геоцентрик дея аталгучи назариясидир.

– Чархфалак ибора ва мавзуси Аҳмад ал-Фарғонийнинг “Фалакиёт асослари”, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” ва Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билли” асарларида ҳам таъкидланади, – қўшимча қилди Абуллайсий. – Билхосса, ушбу шеърий мисраларда

---

оламнинг бир неча хил шаклларига ҳам ўқувчи эътибори тортилади. Мисол учун, “Тўрт ёнимда йўл энди кавну макон ичинда”. Бу оламнинг тўрт тарафи, яъни оламнинг тўртлик шаклидир. Яна диққат этсак, “Тўртдан еттига етдим, тўққизни узар эттим”. Бу эса оламнинг тўрт тарафидан йўл қилиб, унинг етти ва тўққизинчи қаватларида бўлдим каби самовий фикрлар талқинида оламнинг тўртлик ва тўққизлик шакллари қайд этилади. “Андин иккига келдим чархи кайвон ичинда” байтида эса борлиқ ва йўқлик оламларидан ташкил топган дунёнинг иккилик шаклига, борлиқ ва йўқлик, ошкор ва яширин, оқ ва қора кабиларга ишорадир. Яссавий ҳазратлари оламини англаш жараёнида унинг бир неча тур, табиий ёки мавҳум шаклларини тасаввур этмоққа ҳаракат қилган ҳамда

---

ошкору яширин оламлар барча оламларнинг асосини ташкил этади деган мантиқий хулосага боради.

– Бу ерда “етти қат осмон” иборасига эътибор бермоқ лозим, – баҳсга қўшилди Исматуллоҳ Бухорий. – Бу атама “чарх фалак” ибораси билан бирга келади. Мана бу жумлаларга эътибор беринг-а?

*Ошиқларни ишқ дўкони борса кўруб,  
Ёшин сочиб, кўксин очиб, юзин суруб.  
Иншооллоҳ, дўзах қочгай андин кўрқуб,  
Етти осмон тоқат қилмай қучар, дўстлар.*

*Ошиқларнинг етти кўкка етар оҳи,  
Оллоҳ деса яксон бўлар ҳар гуноҳи.  
Ошиқларнинг раҳмон эгам такягоҳи,  
Азиз ёши халойиқни назри бўлғай.*

– Ушбу битикларда “етти осмон” ва “етти кўк” атамаларига эътибор берилган бўлса-да, бирорта ою юлдуз каби ёритгувчи жисмнинг номи тилга олинмаган, – масалага ойдинлик киритмоқчи эди устод Румий. – Фалакиёт илми тарихидан маълумки, бу атамаларнинг аталиши ҳамда келиб чиқиши қадимги юнон фалакиёт илми билан боғлиқдир. Кечмишда Юнонистонда бу тушунчалар Клавдий Птоломей тарафидан, Ой, Меркурий, Венера, Қуёш, Марс, Юпитер ва Сатурн кўринишида асосланган ҳамда минг йилга яқиндирки, бу фикр ҳукмрон мавқеини сақламоқда. Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратларининг осмон тузилиши ҳақидаги тушунчалари ана шу – юнон фалакиёт илмига бориб тақалади. Зотан, Шарқда ҳам бу фикр ва ғоя маълумдир.

– Бизга фалакнинг айланиши, яъни чархфалак ва етти қат осмон тушунчалари ҳақида жуда яхши билгилар



## Нурали ҚОБУЛ

---

бердингиз, устоз, – дея Абуллайсийга қаради Улуғбек. – Энди тўққиз қат осмон, етти иқлим ва ўн саккиз минг олам тушунчалари ҳақида ҳам фикрларимизни ойдинлатсангиз, мамнун бўлар эдик. Сиз мукамал билганингиз пири Туркистоний ҳазратлари битикларида бу ҳақда ёзилган. Бироқ буни барча бирдек англайвермайди.

– Бир оғиз сўзлари, султоним, – дея таъзим-ла сўзини давом эттирди Фазлуллоҳ Абуллайсий, – унда изоҳимизни тўққиз қат осмон иборасидан бошласак. Яссавий ҳазратлари битикларида бундай тасвир этадилар:

*Муҳаббатдин хабар билган ошиқларни,  
Аллоҳ деса тўққиз осмон куяр эмиш.  
Арш устида наъра тортса содиқлари,  
Фаришталар азиз жондан тўяр эмиш.*

*Фармонини маҳкам тутиб тезроқ учгай,  
Тўққиз осмон ваҳми бирла қўрқиб қочгай.  
Қабр ичинда хуру ғилмон суюб қучгай,  
Мунда йиғлаб охиратда кулмасмусан.*

Фалакиёт тарихида тўққиз қат тушунчаси азалдан маълумдир. Афлотун олам тузилишини дастлаб анча содда, тўрт унсурга асосланган, бир-бирининг ичига жойлашган умумий марказга эга бўлган ҳамма нуқталари бир марказдан баробар узоқликда жойлашган сирт, яъни шар сирти (концентрик сфералар) тарзида ташкил топган шаклини баён этган. Унинг фикрича, олам ўз навбатида ер, сув, ҳаво ва олов шар сиртларидан ташкил топган. Буни ғарбда сфера дейдилар. Сўнградан Афлотун олам шаклининг бошқа хилини изоҳлайди. Бунга кўра ёритқичлар – Ой, Қуёш, Венера, Меркурий,

---

Марс, Юпитер, Сатурн ва саккизинчи юлдузлар сфераси устма-уст жойлашган. Ҳар бир олдинги ички сферани кейинги ташқи сфера ҳаракатга келтирган. Тўққизинчи юлдузлар сферасини ҳаракатга келтирувчи “Бош ҳаракатлантирувчи” номоддий сферавий сирт саналгандир. Шу тариқа қадим Юнонистонда устма-уст жойлашган осмон сфераларининг сони тўққизтага етган. Бу фикр юнон фанидан шарқ фалакиёт илмига ўтди ва мусулмонлар осмоннинг энг юқорисини Арш деб атай бошладилар. Бу араб тилида осмон демақдир. Қадимий тасаввурларга кўра арш тўққизинчи кўқдадир. Яссавий ҳазратларининг тўққиз қават осмон тушунчалари ҳам юқорида қайд этганимиз илмий хулосаларга тўғри келади.

– Адабиёт барча фанларнинг алифбеси ва асосидир, устоз, – дея Румийга қаради Улуғбек. – Муҳтарам Фазлуллоҳ хожамиз улуғ адабиётшуносликлари баробарида фалакиёт илмининг билимдони каби сўзламоқдалар. Тан бермай иложимиз йўқ, – олим фикридан мамнун эди подшоҳ.

– Қуллуқ, султоним: Азиз устозлар ва сиз зоти олийларига сўзимиз манзур келганидан шараф туядурман. Ижозатлари ила навбатдаги – ўн саккиз минг олам тушунчаси ҳақидаги билгиларимни ҳам сўйласам. Оламнинг чегараси кишилиқни қадим замонлардан бери ўзига жалб этиб келган ва бу тасаввурий ҳудуд вақту замонлар кечиши билан кенгайиб бораверган. Бухоро мадрасасининг мудирини, дўстимиз Муҳаммад Вастмандий Ойқор тоғи этагида туғилганлар. Болалиқларида осмон шу тоғнинг тепасига туташган ва шу ерда тугайди дея ўйлар эканлар. Киши улғайиб, ўқиб-ўргангани сари тафаккуру тасаввури, зако уфқи, дунёқараши кенгайгани каби боши узра турган осмон ҳам кенгайиб боради.

Ўн саккиз минг олам атамаси шарқ фани ва адабиётида кенг тарқалган ва бу ҳақда турли фикрлар мавжуддир. “Басоир” асарида қайд этилишича, оламнинг ҳар бир чорагида, яъни шарқий ва ғарбий, жанубий ва шимоллий қисмларида тўрт минг беш юз олам бор ва жами ўн саккиз минг оламини ташкил этади. Саййид Али Хамадонийнинг “Хилофат ул-маноқиб” асарида ёзилишича, оламлар ҳаммаси бўлиб, уч юз олтмиш мингтадир; баъзилар етмиш минг, баъзилар ўн саккиз минг олам дейдилар. Бу оламларнинг барчаси зоҳир ва ботин оламдан, яъни ғайб ва шаҳодатдан иборат икки оламда ифодаланган. Бу иборада инсон тафаккури асосида тасаввур қилиши мумкин бўлган бутун олам тушунчаси акс этгандир. Фалакиёт илмида бу тушунчани инсон кузатадиган ва тадқиқ этадиган коинот дея изоҳ берадилар. Яъни бу – инсон тафаккури тасаввур эта оладиган оламнинг чегараси. Бу коинот ва чегарани эса бутун тамали кўйилаётган расадхона каби илмий марказсиз ўрганмоқ-мумкин эмасдир. Ҳазрат Яссавийда бу иборанинг шарҳи шундай келади:

*Ҳикмат бирла ул адамдин бор айлади,  
Ўн саккиз минг қамуғ олам ҳайрон эрур.  
Қолу бало деган қуллар улуш олди,  
Сукут этган қуллар дини вайрон эрур.*

– Фарзандим каби инсон Али Қушчибек илми ҳайъат ҳақида бир рисолани бошлаб кўйганлар. Бу битикларида сиз ҳикоя қилажак оламнинг тўрт ва саккиз тарафлари ҳақида ҳам мунозаралар билдирилган. Сиз устознинг бугунги ҳикоянгиз ҳам ёш олимимизга дастуриламал бўлгувсидир, – деди Улуғбек шогирди Али Қушчининг кўнглини кўтариб.

– Али Қушчибек авлодимизга бу кўнуда элимдан келган кўмакни берурман, султоним. Олам тарафлари кўпчилик учун аниқ ва равшан тушунча бўлганлиги боис баҳсу мулоҳазага эҳтиёж йўқдек туюлади. Хожа Аҳмад Яссавий оламнинг тўрт тарафи тушунчаси олам тузилиши шакллари билан алоқадорлигига ишора этиб, шундай мисраларни битадилар:

*Холиқимни излармен тун-кун жаҳон ичра,  
Тўрт ёнимдан йўл энди, кавну макон ичинда.*

Ушбу шеърий битикда муаллиф борликда тўрт ёнимдан йўл бўлди, демоқда ва бу илмий талқинда, ер юзи, яъни кавну маконда дунёнинг тўрт тарафини англатади: шимол, жануб, ғарб ва шарқ. Оламнинг саккиз тараф тушунчаси эса, асосан хос, мамлакат кишиларигагина аён тушунчадир. Яссавий ҳазратлари:

*Саккизимда саккиз ёндан йўл очилди,  
Ҳикмат айт деб бошларимга нур сочилди.  
Биҳамдуллоҳ, пири муғон май-ичирди,  
Ул сабабдан олтмиш учда кирдим ерга.*

деган мисраларидаги “Саккиз ёндин йўл очилди” атмасининг талқини қуйидагичадир: биз оламнинг тўрт йўналиши мавжудлиги ҳақида юқорида баҳс этдик. Улар орасида яна тўрт йўналиш бор: шимоли-шарқ, шимоли-ғарб, жануби-шарқ, жануби-ғарб. Шу тариқа саккиз йўналиш бўлади. Бу саккиз йўналиш яна бир фалакий талқинга эгадир. Кузатар эканмиз, олис уфқда осмон ер билан туташаётгандек туюлади. Шу манзарадан келиб чиққан ҳолда қадимдан осмон билан ер қуёшнинг ёзги ва турғунлик пайтларида уфқдаги чиқиш ва ботиш

## Нурали ҚОБУЛ

нуқталарида туташади деб ўйлаганлар. Қуёш эса ўзининг йил давомидаги ҳаракатида ушбу нуқталарга етганда, ўз ҳаракат йўналишини ўзгартиради. Оқибатда оламнинг ана шу тўрт йўналиши уфқнинг асосий тўрт йўналиши билан биргаликда саккиз йўналишни ташкил этади. Бу саккиз йўналишнинг уфқдаги нуқталари осмоннинг заминга нисбатан таянч нуқталари ҳисобланган ва шу йўсинда оламнинг саккиз йўналишлик рамзий аломати пайдо бўлган. Оламнинг саккиз тарафи ҳақидаги тушунча ва уни аниқлаш фалакиёт илмида “Ҳинд ҳалқаси” номи билан ҳам маълумдир. Бу ҳақда устоз Абу Райҳон Беруний “Тафҳим” асарларида билги берадилар ва бу тавсия шарқ фалакиёт илмида бизга йўлланма бўлиб келмоқдадир, султоним, – дея сўзини мухтасар этди Фазлуллоҳ Абуллайсий.

– Ташаккур, устод! Барчамиз билганларимизни янада тўлдириб, билмаганларимизни ўрганиб, маърузангиздан чексиз завқ олдик. Оллоҳ раҳматига олган бўлсин, қабрлари нурга-тўлғур-пири Туркистон Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратларининг битикларини тинглаб роҳатландик. Биз не қадар кечмишда ўтган улуғларимизни ёдлаб, ҳақларига дуолар этсак, келгуси авлодларимиз ҳам бизни миннату шукроналар ила ёд этадилар. Тиклаётганимиз мана бу илм даргоҳи – расадхона эрса бизни келажак насллар ила боғлаувчи буюк кўприқдир, – деди султон Абуллайсий ва мажлис аҳлига юзланароқ. – Энди эрса расадхонамиз учун зарур бўлажак асбоб-ускуналар ҳақида бош қотирмоғимиз керакким, иншоот битгунига қадар улар ҳам тайёр бўлсин. Болалигимда харобаларида кезганим Марофа расадхонаси кўз ўнгимда турибди. Биз барпо этажак расадхона ҳам тахминан шу тарзда бўлади. Лойиҳа чизмасини Кўксаройда барчангиз кўр-

дингиз. Бизнинг расадхона Мароғадагидан буюкроқдир. Бу ўз навбатида унда қўлланадиган ашёларнинг ҳажми ҳам каттароқ бўлади демақдир. Дастлабки асбобларни яшаш ҳақида усталарга таълимот бергандик. Буюртма-миз битдимми? – сўради Улуғбек устабоши Исмоилдан.

– Мароға расадхонаси чизмаларига қараб ернинг йиллик ҳаракат йўли ўтадиган катта айлана ва қуёш ҳаракатини ўлчаш (хатти истиво – экватор) учун ишлатиладиган асбобни (эклептика – осмон сферасида қуёш маркази йил давомида силжиб борадиган катта айлана эклептика деб аталади) арк қурхонасидаги мисгарларга сипориш бериб тайёрлатдик, султоним. Юзанинг кўндаланг кесуви (диаметр) олти газдан иборат иккита шундай доира ясаб қуйилди, султоним, – илк асбоб ҳақида билги берди уста Исмоил.

– Ҳисоб-китобимиз шуни кўрсатадики, мингдан ортиқ собита юлдуз ҳолатини бу асбоб билан ўлчаб бўлмас, унинг айланаси камида ўн газдан иборат бўлмоғи даркордир, – дея устози Румийга қаради мирзо.

– Бу асбобни судси фахрий дея атаганлар ва бувайҳийлар султони Азуаддавла замонасида ясаганлар, султоним, – деди Румий. – Мароға расадхонасида қўлланилгандир.

– Расадхонамиз учун зот ул-устурлоб, зот ул-ҳалқа, зот ул-суҳбатайн, зот ул аш-шуъбатайн, шомила ва шул каби асбоб-ускуналар керак бўлади, султоним. Бу асбобларни кўнгилдагидек ҳозирлай билажак моҳир усталарни ҳам аниқладик. Булар Али ибн Исо Устурлобий билан Абу Маҳмуд Хўжандий усталардир. Ускуналар чизмалари ҳозир. Устод Румий ҳазратлари ва зоти олий султонимизнинг нигоҳларидан ўтказсак, устахоналарга элтажакмиз, – деди Фиёсиддин Жамшид. – Қолаверса,

устабошимиз Исмоилбекнинг ҳам бу ишларни етук бир билимдон каби англайдилар. Ўзлари бош-қош бўладилар.

– Англашилди. Энди расадхонамизнинг қурилиш шаклига келсак. Юнонча таъбир билан айтганда, у цилиндр шаклида бўлиб, уч ошиёнли қилиб тикланади. Айланаси олтмиш беш, бўйи эса қирқ газ атрофида бўлади. Расадхона олий биносининг ичига тўққиз фалакнинг хайъат ва тўққиз осмон доиралари шаклларини даражалар, дақиқалар, сониялардин тортиб токи ошираларига қадар чизилади. Айланувчи фалаклар, етти сайёра юлдузлари, собита юлдузлари кўриниши, ер куррасининг хайъати ва етти иқлим сурати, тоғлар, биёбонлар ва ер куррасига нимаки тегишли бўлса, барчаси дилназир нақшлар ва беназир рақамлар ила тасвир этилғайдир. Бу ишга сарой ва чорсу расм усталарини жалб этгаймиз. Бинонинг сирти кошин ва сирли парчалар билан безатилади. Олиму хизматчиларимиз учун катта-кичик хужралар қурамыз. Икки юз минг китобга мўлжалланган кутубхона бўлади. Кўксарой кутубхонасидаги илмий, билхосса, фалакиётга оид китобларни бу ерга келтирамыз. Расадхонамиз қуйисида икки чорбоғ барпо этмоқ ниятимиз ҳам бор. Бирини Боғи майдон, иккинчисини Чиннихона дея атамоққа қарор қилдик. Устоз Исмоил бошлиқ қурувчилар фақат расадхона иншооти билан машғул бўладилар. Қаср ва боғ қурилишига бошқа усталаримизни жалб этамыз. Боғи майдондаги қаср оқ мрамар қопламали бўлади. Чиннихона боғидаги қасрни эрса Чиндан келтирилган чиннилар билан қоплаймыз. Бул мухташам ва улуғ ишларимиз улусимизга хайри саодат келтирсин! – дея сўзини мухтасар этди султон Улуғбек.

Наврӯз тантаналари авжида давом этар, бола-бақра тўпланиб, дарбозу масхарабозлар ўйинини томоша этар, машшоқу созандалар супасидан таралаётган куй ва кўшиқлар дилларга сурур бахш этарди.

Қорадарёнинг кун ботиш томонидаги ялангликда бир тўп чавандоз кўпкари чопар, хўроз уриштирувчию беда-навозлар талашиб-тортишишарди.

Сарой аркони ва уламолар кун қорайиши билан оғзи кўкка тегиб яйраган отларини миниб шаҳарга қайтдилар.

Султон Улуғбек шоир Хожа Исматуллоҳ Бухорий билан гурунглашиб келар эди.

– Сизнинг улуғ бобом ҳазратлари ҳақ раҳматига қовушганларида кўзда ёш ила ёзиб ўқиган марсиянгизни ёдлаган эрдим. Битик ҳамон ҳарфиян ва сўзма-сўз хотирамда. Боғ айланганимда такрорлайман, – деди шаҳзода битикчи меҳнатини тақдир этиб.

– Кучли хотира, кучли истеъдод нишонаси ва тамалидир, султоним. Ижозатингиз ила сизга бир муҳим масала хусусида мурожаат этмоқчи эдим, – отига оҳиста қамчи уриб подшоҳга янада яқинроқ келди. Бухорий.

– Сўйланг, устод. Не муаммо эркан?

– Бухоро ва Самарқанддаги ҳар икки мадрасамизда мумтоз адабиётимизни ўрганмоқ соатлари жуда оз экан. Бош мударрисларга сўйлаган эдим. Ўқув дастурини султонимизнинг ўзлари тасдиқлаганлар. Биз ўзгартириш кирита олмаймиз дейишди. Шу хусусда бир таълимот берсангиз дегандим. Адабиётни яхши билмаган муаллиму мударрис фақат ўз соҳаси доирасида ўралашиб қолган, тор фикрловчи ўқитувчи ва олим бўлиб етишадди, – таклифини тилга келтирди Исматуллоҳ Бухорий.

– Эсимда бор. ҳафтасига уч соатдан эди. Тўғри сўйлайдурсиз. Бу озлик қилади, албатта. Ўн соатга чиқарайлик-да, бу ишда сиз устоз ҳам мударрислари-



мизга кўмак этинг, – Бухорийнинг таклифига рози бўлди Улуғбек. – Сизнинг ғазал вазнларига янгилик киритиш бобидаги хизматларингиз ҳам алоҳида таҳсинга сазовордир, устод. Ғазал учун кашф этганингиз янги вазнларни талабаларимизга ҳам ўргатар эдингиз.

Бухорий ўнг қўлини кўксига қўйганча от устида таъзим қилди.

## ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ

*Фурур ғурбат келтирар,  
Камтарлик ҳурмат.*

**Отасўзи**

Бароқхоннинг Сиғноқни босиб олиши Самарқанднинг сокин ҳаётига таъсир этган, эл орасида турли миш-мишлар болалаб, чорсу ва бозорлардаги жўшқин яшам тарзи хира тортгандек эди.

Султон Улуғбек буюк солинда ўй-босганча-наридан бери кезар, қопу олдида қўл қовуштириб турган ясовулбоши Бобоҳусайн сас-садосиз амр бекларди.

– Кўча-кўй, гузарларда не гап-сўзлар, Бобоҳусайн? Халойиқ Сиғноқ воқеаси ҳақида нелар демоқда? – сўради Улуғбек ясовулбошининг қаршисига тўхтаб.

– Одамлар оғзига келганини гапираверади-да, султоним. Уларнинг сўзларига қулоқ солсангиз, бошингиз гангийди, – жавобдан қочиб гапни айлантирди Бобоҳусайн.

– Сен менга неники эшитган бўлсанг, рўйи рост айтавер. Етказган хабаринг менга ёқадими-ёқмайдими, бунга эътибор берма. Одатда ҳукмдорлар нохуш муждалардан ўзларини олиб қочиб, фақат қулоқларига хуш ёқажак даракларини тинглашни хуш кўрадилар. Оқибатда мамлакатдаги асл ҳолат ва раиятнинг

аҳволидан беҳабар қолади. Бу эса норозилигу исёнга олиб келади. Подшоҳ не қадар кўп ва тўғри маълумот олиб турса, шунчалик мулки давлат иши равон кетади. Тушундингми? – ётиғи билан мақсадини англатди Улуғбек.

– Англадим, султоним. Бундин сўнг айнан шундай қиламан. Кўчада одамлар Бароқхон Туркистону Сиғноқни босиб олсаю, подшоҳимиз бошкентда, бобо саройида ўтираверадими? Эрта ёки индин яғийнинг Самарқандга етиб келмаслигига ким кафолат беради дея баҳслашганларини туйдим, – зўрға тили айланди ясовулбошининг.

– Халойиқ ҳақни сўйламоқда. Ўзимга қолса ҳозироқ Сиғноқ томон отланар эдим. Бироқ бу каби масъулиятли қарорларни қабул қилмоқ олдидан, албатта, қиблагоҳ ҳазратлари олдиларидан ўтмоғимиз ижоб этади. Ҳиротга чопар юбордик. Бугун-эрта қайтмоғи керак, – асабийлашганча яна хона бўйлаб юра бошлади султон. – Эрта эрталабга барча амиру вазирлар ва бошкентдаги қўмондону мингбошиларни машваратга чорлангиз. Сафар тадориғини кўрмасак бўлмайди. Менга айтажак сўзинг борми, Бобоҳусайн? – шогирдининг кўзларига боқди султон.

– Бор, устоз, – яна каловланди ясовулбоши.

– Сўйла. Тортинмай айтавер. Бизнинг қардошлар каби яқинлигимиз ўз йўлига. Давлату салтанат ишида-да ҳар неки иш ва гап-сўз тўғри ҳамда рўйи-рост бўлмоғи лозим. Бундай вазиятларда бирор сиру воқеа яширилса, ундан ёлғон, ёлғондан эса хиёнат урчийди. Менга эшитгану туйганинг, кўргану билганинг ва бу ҳолатлар ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларингни тортинмай айтмоқни ўрган.

– Одамлар аҳвол бу тарзда давом этаверса, Шоҳруҳ хоқон шаҳзодамизни Ҳиротга чақириб олиб, бошқа бир ўғилларини Самарқандга тайин этишлари ҳам мумкин дейишмоқда, устоз, – деди ясовулбоши тили тутилиб.

– Элнинг оғзига элак тутиб бўлмайти, Бобоҳусайн. Ҳар ким ўз фикрлаш даражасидан келиб чиқиб мулоҳазасини баён этади. Бичиб-тўқийдиганлар ҳам оз эмас. Бироқ халойиқ тепада нима бўлаётганини кўрмаса-да, ҳис этиб, воқеалар оқимини туяди. Ҳукмдор бу каби гап-сўзлардан аччиқланмай, совуққонлик ила қабул этмоғи керак. Мен учун тожу тахт ҳаёт-мамот масаласи эмаслигини сиёсатни, илм-фанни англаган кишилар яхши биладилар. Бироқ ҳоқимият элимизда бўлмаса, расадхона ёки шунга ўхшаш иншоотлар учун маблағ ажрата олмаймиз. Шунинг учун ҳам бизнинг бобо тахтига эҳтиёжимиз бор. Улуғ бобом давлати олиялари замонларида Самарқанд илму фан, маърифату маданиятнинг маркази эди. Бу эътиқоду ишончга садоқат сақлаб, олиму ойдинларни Самарқандда тутиб қолмоғимиз керак. Акс ҳолда, улусу умматнинг ривожу тараққиёти ортга кетади. Миллат бурнидан нарини кўрмай, жоҳилияту хурофот ботқоғига ботиб яшайверади. Ҳар доимо сендан бир нарсани сўрайман дейману хотирамдан фаромуш бўлади. Улуғ бобом ҳазратларидан бизга мерос, Кешдан келтирганлари икки авлодимиз бор эди?..

– Абдурахим билан Бобоёр, – хотирлатди Бобоҳусайн.

– Ҳа, айнан шулар. Билишимча, иккиси ҳам мадрасани битирди. Абдурахимни Кеш мадрасасида мударислик қилаётир деб эшитгандим. Бобоёр Самарқандда бўлса керак.

– Ҳа, у бошкентда, султоним. Мадрасада хаттотликдан сабоқ беради.

---

– Уни саройга чорла. Хос мулозимликка тайин этамиз ва сенинг ёнингда бўлади. Абдурахим Абдусамадни эса Кеш қозиси вазифасига тайинлаймиз.

– Амри фармон султонимизнингдир! – дея таъзим қилди Бобохусайн Туркистоний.

– Барчага хабар етказ. Эрта-индин сафарга чиқамиз. Ўзинг ҳам ясовулларинг билан ҳозирлик кўр.

Ясовулбоши тисарилганча хонани тарк этди.

Самарқанд қўшини Илонўти дарасидан ўтиб, Дизак орқали Шоҳруҳия томон кетиб борарди. Қоровуллар Ҳиротга кетган хос чопар Раҳимберди Шерқанглининг етиб келганлиги хабарини билдирдилар.

– Хоқони саид ҳазратларининг олий фармонлари билан мирзо Муҳаммад Жўкий чериги раби ул-охир ойининг ўн еттинчи куни (15.11.1427) Туркистон сари йўлга чиқди. Мен от алмаштириб олти кунда олий қароргоҳга етиб келдим! – дея сўнг маълумотни етказди чопар. – Улуғ султон ҳазратларининг амри фармонлари олийшаън шахзодамизнинг қўлларидадир.

– Сен бир оз истироҳат этгин-да, яна ортга қараб ўч. Кичик қардошим шахзода Муҳаммад Жўкийбекка сўйлаким, биз ул кишимни Шоҳруҳия қалъасида беклагаймиз.

Чопар тисланганча сув бўйидаги кўчма ошхона сари йўналди.

Кўмак кучи келаётганидан дили ёришган султон Улуғбек Зомин этақларидаги кенгликлардан оқиб ўтувчи сой бўйида қўшинга бир кунлик дам олишга амр берди-да, эртаси куни яна йўлга тушди.

Шоҳруҳия доруғаси ва қутволи султонни қалъанинг асосий дарвозасининг икки тарафига икки юз суворийни саф торттирганча, карнай, сурнай ва ноғоралар садоси билан кутиб олди.

Дарвоза яқинида ўйнаб юрган болалар қўлларидаги бойчечакларни узатганча султонни олқишлардилар.

– Бойчечак ҳам чиқибди, – деди Улуғбек ўнг тарафидан бораётган вазири аъзам Ҳавофийга.

– Баҳор не қадар эрта келса, бойчечак ва чучмома шу қадар эрта униб чиқади, султоним, – жавоб қилди бош вазир.

Болаларга завқ билан қараб турган Улуғбек оти жоловини тортди.

– Қоровулларга сўйланг! Болаларни ёнимизга олиб келсинлар! Улар бизга гул тутмоқдалар. Эллари ҳавода муаллақ қолмасин! – дея ясовулбоши Бобоҳусайнга буюриб, отдан тушди подшоҳ. – Биз отдамиз. Одатда отдагилар пиёдаларга салом бермоқликлари керак. Болалар тақдим этган чечакни ҳам от устида олиб бўлмас. Ёнимизга неча нафар бола келса, уларга бошдан-оёқ сарупо беринг! – орқароқда турган хазина амирига таълимот берди. – Ва бу ҳадямиз ҳеч қачон уларнинг ёдидан чиқмайди. Ёши улуғлар яхшилигингизни унутдилар, бироқ болалар ҳеч қачон унутмайдилар.

Одоб билан келган тўққиз нафар бола таъзим бажо этиб, султонга терган бойчечакларини тутишди.

– Мен ҳам сиздек олим бўламан, устод! – деди болалардан бири илиқ қаршиловдан роҳатланиб.

– Сен-чи? – сўради Улуғбек унинг ёнида турган боладан.

– Мен сиз каби подшоҳ бўламан! – жавоб қилди иккинчи бола.

– Тўғри айтасизлар. Икки кеманинг бошини тутиб бўлмас экан. Мен олимлигу шоҳлик қиламан, дея иккисини ҳам аранг уддаламоқдаман. Илм бор жойда бойлик бўлмас деган ҳадис тўғри экан.

---

– Бироқ Шоҳруҳияда мактаб бору, ўқитувчилар оз, ус-тоз. Бизга яхши ўқитувчилар юборишингизни сўрамоқчи эдик, – сўзлари дадил эди биринчи гапирган боланинг. – Мактабни тугатиб, Хўжандга, мадрасага ўқишга борамиз. Самарқандга боришни ҳам орзу этамизу, узоқ дея оталаримиз рухсат беришмайди.

– Оталарингиз билан биз гаплашамиз ва сизлар мактабни битиргач, албатта Самарқанд мадрасасига ўқишга боражаксизлар. Мана, Шоҳруҳия доруғаси Эртўғрул Турон жаноблари ҳам етиб келдилар. Ул кишим бу ишларда сизга кўмак этадилар, – деди оқ кўчқорни етаклаб келаётган доруға бошлиқ бекларга боқаркан. – Бизнинг шундай ғалати одатларимиз бор. Хурматли кўноқларимиз оёқлари остига йўли оқ бўлсин дея оқ кўчқор сўямиз, – мезбонларнинг саломига алиқ олди подшоҳ. – Қўйни оёқ остига эмас, четроққа элтиб сўйинг, – буюрди Улуғбек.

☞ Султон болалар билан суҳбатда давом этди.

– Ўқиш масаласини англашдик. Мактабдан бўш пайтларингизда не иш ила машғулсизлар? Ота-оналарингизга қай юмушларда кўмак этасиз?

– Барчамизнинг уйимизда қўй ва эчки бор. Уларни боқамиз ва ҳар куни пешинда совлиқ қўй ҳамда эчкиларни тушовлаб, соғамиз, – жавоб қилди биринчи бола.

– Аъло! Ҳар қандай меҳнат инсонни асл инсонлик сари етаклайди. Меҳнатнинг моҳиятини англаб етмаган киши, ҳаётнинг, умрнинг маъносини ҳам тушунмай ўтади. Унда сизларга бойчечаклар учун яна бир бор ташаккур билдириб, йўлимизда давом этамиз. Ота-оналарингиз, хешу ақрабо ва ҳамқишлоқларингизга менадан салом сўйланг, – дея болалар билан хайрлашди Улуғбек.

– Сизни ҳам тангри қўлласин!

– Бароқхонни юртимиздан ҳайдаб юборинг!

– Оллоҳ ёр бўлсин сизга! – дуо этди болалар.

– Улусу умматимиз бахтига сизлар ҳам омон бўлингиз! – тилак билдирди султон. – Сиз каби беғубор норасидаларнинг дуолари ижобат бўлғай иншооллоҳ!

Бўғизланажак қўчқорни қўрғонга кириш йўлагининг ўнг тарафига олиб ўтган кишилар сўймоқ учун султондан изн ва фотиҳа беклардилар.

– Худойингизни тангри даргоҳига қабул қилсин! – деди Улуғбек кафтини юзига сийпаб.

Сўнгра Эртўғрул Туронни ёнига олганча дарвоза томон юрди.

– Теварак-атрофда не гап-сўзлар, доруғабек? Устоз амир Боботуркнинг сиҳат-саломатликлари еридами? Олий ўрдуга ўғиллари Бобоҳасан бошчилигида бир минглик юборибдилар, деб эшитдим. Вастманд чериги етиб келдими? – Шоҳруҳия қутволини сўроққа тутди подшоҳ.

– Оллоҳга шукур, султоним! Қалъа ва теграсини бир шаклда идора этмоқдамиз. Устоз Боботурк бир оз чарчаганлар. Ҳар доим сиз олийнажот султонимизни тилдан қўймай дуо этадилар. Зоти олийларидан ҳам рижо этган эканлар. Ҳокимлик вазифаларидан озод этишингизни яна сўрадилар. Ўйлай-ўйлай бугун, сўрганингиз учун айтмоққа қарор қилдим, султоним! – устозининг илтимосини подшоҳга етказди Эртўғрул Турон.

– Ҳаётимда илк бор бир инсон, ҳокимнинг ўз вазифасидан озод этишини сўраганини туйдим. Самарқандга келганларида ҳам сўйлагандилар. Энди жавоб берсак бўлар, балки. Фарзанди аржумандлари Бобоҳасан ҳам етишиб қолди. Ўринларига тайинласак бўладими? – тўхтаб сўради подшоҳ.

– Бўлади, султоним. Жуда ўқимишли ва одобли. Дехлига бориб, волидаси Салима Султон бегимни кўриб келди.

– Ростданми? Нега бизга айтмади? Ёнига одам кўшиб, кўмак этардик.

– Истиҳола этган бўлсалар керак. Усиз ҳам сиз кўрсатган меҳру мурувват, подшоҳлик марҳаматингиз олдида бурчлимиз дейдилар.

– Улуғ устоз Мир Саид Халилуллоҳ ҳазратларининг сабоқларини олганлар орасида қусурли кишини кўрмадим. Умид этамизки, Бобоҳасан ҳам ишончимизни оқлаб, Вастманд музофотини қиблагоҳи каби адли адолат-ла йўнатажак. Унга улус амирлигини ҳам берамиз. Падари бузрукворлари амир Боботурк темурийлар салтанатидаги энг ёш бек бўлганлар. Бу қисмату қадар амир Бобоҳасан Боботуркга ҳам насиб этганидан мамнунман. Ҳар замону маконда улуғ бобом ҳазратларига хизмат қилган бобоқадрдон кишилару авлодларига яхшилик қилмоқ, улар аҳволини сўрамоқдин чексиз бир маънавий ва ахлоқий лаззат туяман, – гапириб борарди султон.

– Тангри зоти олийларидан рози бўлсин ва қўлласин, султоним! Барчамиз сиз улуғ подшоҳимиз, улусу уммат нажоткори бўлмиш темурийлар салтанати учун нафақат бир жонимиз, минг жонимиз бўлса-да беришга тайёрмиз! – меҳрли оҳангда жавоб қилди Шоҳруҳия доруғаси.

– Шоҳу султон, амиру вазир, ким бўлмасин, эл бошида турган кишига улус, ватан ва вазифа масъулияти бирламчидир. Юрту миллатни ризо этмоғи учун ўз вазифасини сидқидил фидокорлик ила ўринлатмоғи керақдир. Ҳеч ким қилаётган ишини, эл фароғати йўлида чеккан меҳнату заҳматни қаҳрамонлик, мен бўлмасам бу юмушлар амалга ошмас эди, дея тушунмасли-



ги лозим. Бобоҳасан етиб келгач, ҳузуримизга чорланг. Сухбатлашамиз. Ҳа, яна бир нарсани сиздан сўрсам. Ёд этганимиз Салима Султон бегим зоти олиялари ватанга қайтмас эканларми?

– Малика Бобоҳасанга васият этмишлар, султоним! Тақдир бизни баробар яшамоққа насиб этмади. Деҳлида менга боғланиб қолган инсонларни ташлаб кета олмайман. Вақти-соати етиб, омонатини Оллоҳга топширсам, мени қиблагоҳинг ила ёнма-ён Қўрғонтепага қўйинглар, дея васият этмишлар.

– Не қадар кучли ва ақлли бир малика Салима Султон бегим. Ҳиндистонга боражак элчию тужжорларимиздан ул зоти олияга менинг номимдан ҳадялар юборайлик. Бу ишга ўзингиз бош-қош бўлинг, бек жаноблари, – амр этди султон. – Зотан, Деҳли султони Хизрхон те мурийлар ва қиблагоҳ ҳазратларига боғлиқлигу сидқи садоқатни билдирмоқда қусур этмаган. Инимиз мирзо Муҳаммад Жўкий ҳам падари бузруквор фармонлари билан ортимиздан келмоқдалар. Ул кишимизни муносиб қаршиламоғимиз лозим. Қалъанинг хос хоналаридан жой ҳозирлатинг!

---

Соғинч-ла талпиниб, бир-бирларини бағрига босган ака-ука лашкар ва отларга дам бермоқ учун бир муддат Шоҳруҳияда қолишга қарор қилдилар.

– Қиблагоҳдан савашга изн чиқдими? – сўради Улуғбек улар бурчагида оташ ёнаётган кенг хонада суҳбатлашишар экан.

– Енга билсаларинг сўғишга киринглар. Акс ҳолда, отилмаган сопқон бошгаю кетга тегади дедилар, – жавоб қилди Муҳаммад Жўкий бошини маъноли ирғаб.

– Улар билан шу қадар ёвлашиб қолдикки, бутун қўшин қасос ўтида қиличини қайраган. Оллоҳнинг изни ила бир ҳамлада тўрғаб ташлаймиз, – Бароқхонга нисбатан нафрати чексиз эди мирзо Улуғбекнинг.

---

– Яғийнинг феъли атворию бу ерларнинг ўру қири сизга маълум, ака. Падари бузрукворимиз қайд этганларидек, албатта, ғанимни енгиб, тупроқларимиздан улоқтиришимиз керак, – тўқнашув олдидан тараддудда эди Муҳаммад Жўкий.

– Улар бу ҳудудларда от ўйнатиб юрса, сиз Ҳиротда, биз эса Самарқандда роҳат-ла ўтира олмаймиз. Тошкентга етган яғий, Самарқанду Бухорога кўз тикади. Сўнгра Термизу Омюя сувини орзу этади. Савашга жиддий ҳозирлик кўрганмиз, – иниси кўнглини тинчитмоқ истарди мирзо.

Шаҳзодаларнинг бирлашган қўшини Шоҳруҳиядан чиқиб, Тошкентга етиб келди. Шаҳарнинг кун чиқишидаги Чирчиқ наҳри бўйида бир кеча тунашгач, жадал юрганча икки кунда Сиғноқнинг Жумғол қишлоғига етдилар.

Эртаси кун эса Бароқхоннинг элчиси келди.

– Хонимиз юз берган бу ҳолдан ғоят таассуфдалар. Ўз узрхоҳликларини билдириб, сулҳга чанқоқ эканликларини билдирадилар! – деди бошидаги тумоқини қўлига олиб ер ўпаркан, ўзини Алмазбек Қорасарт дея танитган элчи.

– Улардан ҳеч қачон одамийликка одамийлик билан жавоб бўлмаган! У нонкўр ва қасамхўр яна найранг қилиб, бирон-бир ўйин кўрсатмоқчи бўлаётгандир! Сўзда ва ўзда тайини йўқлар билан музокарага киришмаймиз ва ҳеч қандай сулҳу битимга имзо чекмаймиз! Босқинчи хоинлар билан жанг майдонида ҳисоб-китоб қилинади. У жўчиваччага бўлган ишончу эътиқодимиз саройи бузилиб, ер-ла яксон этилганига анча бўлган! – хондан астойдил ранжиганидан сўзлари аччиқ эди Улуғбекнинг.

– Сўнг сўзингизми, султоним? Охирги маротаба яна

## Нурали ҚОБУЛ

---

бир бор кечириб, сулҳу музокара қопусини очмайсизми? – ер-ла баробар бўлиб сўради Бароқхоннинг элчиси.

– Сўнг сўзимиз ва сўнг қароримиз! Қайта билурсиз! – деди султон шахтидан тушмай.

Мирзо Муҳаммад Жўкий элчига кўрсатилган такаллуфсиз жавобдан ҳайрон бўлганча буюк қардошига тикилиб қараб қолган эди.

– Ҳеч бўлмаганда уларнинг таклифларини эшитиб кўрсак бўлмасмиди, ака? – сўради Муҳаммад Жўкий қардошининг ўзидан бу қўнуда фикр ҳам сўрамай жавоб берганидан таажубланиб.

– Улар билан музокара олиб бормоққа ҳеч қандай лузум йўқ, иним. Мулоқотга киришдими, шу пайтгача эгаллаб олган ерларининг ярмини, ҳеч бўлмаганда учдан бирини сўрайди. Уларга беражак бир қарич ҳам тупроғимиз йўқ, – укасига-да қатъий жавоб қилди Улуғбек. – Булардан қанча узоқ турсак, шунча тинч яшаш мумкин.

– Сиз Самарқандда, биз Ҳиротда улардан узоқда яшаётган эдик. Бироқ тинч тура олмадик-ку? Фикри ожизимча, қалбимизда не қадар кину нафрат бўлмасин, ҳар қандай душман билан қўнишмоқ ва мулоқотга киришмоқ керак деб ўйлайман. Балки биз учун жуда қулай таклифлар билан келишгандир? – овозида норозилик оҳанги зоҳир эди амирзоданинг.

– Бундай имконият қайтиб келмайди, ука. Қўшинимиз сони улардан кўп ва кучлимиз. Шундай таъзирларини бермоғимиз керакки, қайтиб Туркистон ерларига оёқ босмоқни хаёлларига ҳам келтиришмасин. Бу жавобимиздан сўнг кўч-кўронини йиғиштириб, бир кечада саҳроларига дўнажаклар балки.

– Дўнмасалар-чи? – энсаси қотди амирзода Муҳаммад Жўкийнинг.

---

– Дўнмасалар қилмишларининг жазосини олажакалар! – овозини баландлатди мирзо Улуғбек.

– Жазоларини бера олмасак-чи?

– Ниятни бутун қилинг, амирзодам! Бундай кайфият билан жангга кириб бўлмайди. Иккимизнинг тортишмоғимиздан фойда йўқ. Ҳеч бир амиру вазири-миз уларнинг сулҳ ва яраш таклифини қабул этишга рози эмас!

– Улар Мўғулистон юришидан сўнг мўмай ўлжага ўрганиб қолибдилар, шекилли! Ўзингиз биласиз, ака! Мен фикримни сўйладим. Сўнг қарорни бермоқ сиздан! Олий бош қўмондоннинг сўзларига бир навкар ўлароқ мен ҳам уймоқ мажбуриятидаман! – деди амирзода тушкун оҳангда.

Орадан яна бир кун ўтди. Қўшин охириги ҳужум учун ҳозирлик кўрар, саваш усул ва услуби ҳимоя эмас, ҳужумга кўра режалангани боис ўрдугоҳда ҳандақлар қазилиб, четан деворлар тикланмаган, лашкар бир ҳамла билан ғанимни тўзғитиб, тузуккина ғаниматларни кўлга киритишнинг ҳисоб-китобини қиларди.

Қардош шаҳзодалар оқшом емагини султон Улуғбекнинг шоҳона чодирисида едилар. Ширвоз этини еб, қайнатмасини ичгач, кулчатоӣ тановул этдилар. Ҳусайни ва тоифи узум еб, шубат ичдилар. Сафар ва юриш пайтларида улуғ хоқондан қолган тартиб-интизом бўйича ички ичилмас эди.

Кечки емак тугагач, ака-ука айланмоқ учун чодир саҳнига чиқдилар.

Сигноқ кенгликларида илк баҳор ҳавоси эсар, ўроқ шаклидаги ой ётиқ ҳолда эди. Шимолдан эсаётган совуқ шамол этни жунжиктирар, лашкароғҳ узра ёнаётган гулханлардан самодаги юлдузларни аниқ-тиниқ кўриб бўлмасди.

– Ой ёнбошлабди. Буни ой ўзига тинч, элга нотинч келади дейдилар, – деди Улуғбек ой ўроғини кузатар экан.

– Ой нотинч келган эканки, шундай ноқулай об-ҳавода қон тўкмоқ учун жангу жадалга кирмоқчи бўлиб турибмиз, – жавоб қилди Муҳаммад Жўкий кеча, элчи билан боғлиқ масала бўйича бўлиб ўтган гап-сўздан сўнг дилидаги ғубор тарқамай.

У олим, баҳсу мунозарада кимса олдиға туша олмайдиган буюк қардошини бошқача тасаввур қилар эди. Шоҳу гадой, ким билан бўлмасин, суҳбату мулоқотда оғир, босиқ, ҳар бир сўзни ўйлаб ва салмоқлаб гапирадиган подшоҳ дея захн этарди.

Бироқ кеча унинг Бароқхон элчисини тингламай рад этиши ва мулоқот оҳанги унга ёқмади. Кўра-била туриб, сулҳу яраш турганда ўзини савашга урмоқда.

Биз темурийларнинг бир янглиш тасаввуру таржихимиз бор. Ҳар биримиз ўзимизни улуғ бобомиз султон соҳибқирон ҳазратлари дея ўйлаймиз. Бироқ англаб етмаймизки, бизнинг ақли идрокимиз, фаҳми фаросатимиз ва журъату жасоратимиз буюк аждодимизнинг ёб-рўси, шон-шавкати билан ўлчанмайди. Шунинг фарқиға бормас эканмиз, кўриб тургани каби тўппа-тўғри йўлда ҳам адашаверамиз, хаёлидан кечди амирзоданинг.

– Майли, иним, истироҳат этинг, – деди Улуғбек укасини чодирига қадар кузатиб келар экан. – Яхши тушлар кўринг. Эртаға эрталаб вазиру амирларимиз билан машварат ўтказиб кенгашамиз-да, сўнг қарорни берамиз!

– Сизға ҳам хайрли оқшом, шаҳзодам! – деди Муҳаммад Жўкий ўнг кўлини кўксига қўйиб.

Қароргоҳ узра сокинлик чўкиб, гулханлар алангаси пасайиб, кўшин уйқуга кетди. Фақат лашкаргоҳ четидаги қоровул чодирлари ўнгида ёнаётган оташ элас-элас кўзга ташланарди.

– Қалқинг, султоним! Ёв босди!

Аввалига бу сасни рўёсида эшитдим дея ўйлади. Чўчиб кўзини очганда тепасида машъала кўтарганча ташвишли қиёфада Бобоҳусайн турарди.

– Не гап? Тинчликми? – деди яктагига эл узатаркан султон.

– Яғий тунбосқиси уюштирганга ўхшайди! Лашкаргоҳ четида жанг бошланиб кетган! Аҳвол оғир дейишмоқда! – сўзи бўғзига тикилиб қолганди ясовулбошининг.

Улуғбек сапчиб ўрнидан туриб саваш анжомларини тақиб, дубулғасини кийганча ташқарига отилди.

– Муҳаммад Жўкийга хабар бердингизми?

– Ражаббек қардошимиз ёнларида! – жавоб қилди Бобоҳусайн.

Жиловдорлар отларни келтиришди. Ака-ука сас-садосиз лашкарнинг қалби томон от кўйдилар. Қонли жанг давом этар, ярим яланғоч Самарқанду Ҳирот чериги рақибга муносиб жавоб қайтара олмаётгани илк дақиқаларданоқ сезилган, кўшиннинг ўнг ва сўл қанотлари танг аҳволда қолганлигини эшитган султоннинг тарвузи қўлтиғидан тушган эди.

– Душман ғулга ҳужум бошлади! Қалбдан ҳам пуртур кетди, султоним! Ҳар икки амирзодамизни четроққа олинглар! Яғий шул томон келмоқда! – деди от кўйиб келган амир Таваккал Барлос. – Адирлик томон юрингиз! Этакни душман босди! – ҳамон бақирарди амир.

– Лашкарда қочиш аломатлари кўринмоқда, султоним! Жанг бой берилганга ўхшайди! Сизларни четроққа олиб чиқмасак бўлмайдиган кўринади! Ғаним тўғри биз томон келмоқда! – деди вазиятни ўрганиш учун от чоптириб юрган Ражаб Турдиқора.

Ака-ука икки гуруҳга бўлиниб, кун чиқиш томон-

даги адирлик томон чекинишди. Юз чоғли суворий орқаларидан таъқиб этарди.

Шаҳзодалар бу черикни ўзларини ҳимоя этажак қоровул юзлиги дея захн этгандилар. Қорнғида ўзникию душман лашкарини ажратиб бўлмас эди.

– Ортга қайтиб жанг қиламиз! Яғийга ўхшайди! – ҳайқирди Бобоҳусайн.

Эллик қадамлар чамаси қолганда душман суворийлари отлари жиловини орқага қараб буришди.

Арслонхожа тархоннинг одамлари султон турган жойни аниқлаб кўмакка етиб келган ва рақибнинг орқасидан ҳужумга ўтган эди.

– Тангри сиздан рози бўлсин, хоҷам! Агар вақтида етиб келмаганингизда, худо биларди, ҳолимиз не кечарди, – деди Улуғбек ҳорғин ва тушкун оҳангда амир Арслонхожа тархонга. – Мирзо Жўкий қаерда? Унинг аҳволи не кечди экан? – инисидан ташвишда эди Улуғбек.

– Шаҳзодамизни қиблагоҳингизнинг эски мулозимларидан паҳлавон Маҳмуд Дандоний чериги билан кутқариб қолди! – деди Арслонхожа. – Сизларни бу ерда эканлигингизни ҳам Дандонийдан эшитдик ва от қўйдик.

Орадан бир коса қимиз ичгулик фурсат кечди. Амирзода Муҳаммад Жўкийнинг оти жиловини тутган Дандоний суворийлари билан етиб келди.

– Самарқанд сари чекинайлик, амирзодам! Одамларимиз Янги, Саброн ва Тошкент қалъаси томон қочмоқдалар! Қўриқчи қисм ҳимоясида бошкентга етиб олмоғимиз керак! Улар дуч келгани қиймалаб, молмулкини таламоқдалар.

Султон Улуғбек хос кишилари билан Арслонхожа ва Дандоний ҳимоясида тўхтамай юришда давом этди.

Бароқ ўғлоннинг лашкари ўлжа илинжида султон

қофиласини таъқиб этиб келар, бироқ ҳужум қилмоққа журъат этмасди.

– Уларнинг нияти не? Недан бизга ҳужум этмаётирлар? – сўради султон ёнида кетаётган амир Таваккал Барлосдан.

– Ниятлари кўпроқ майдонни босиб, кўпроқ шаҳар ва қишлоқларни таламоқдир, султоним. Не қадар чексиз кўй ва қасабаларимизни эгалласалар, шунчалик кўп ўлжа тушади, – жавоб қилди амир Барлос. – Бизни Самарқандга қадар таъқиб этадиган кўринадилар.

– Шаҳарга ҳам ҳужум қилишармикан? – капалаги учиб сўради Улуғбек отига оҳиста қамчи уриб.

– Журъат этмасалар керак-ов. Бошкентга тезроқ етиб олишимиз лозим. Самарқандга биздан олдин кирсалар, ишлар қаришиши, янги ғанимлар бош кўтариб, уларга шаҳар дарвозаларини очиб, қўшилишлари мумкин, – ўз тахминини сўйлади амир Таваккал Барлос.

Суҳбатни сукут сақлаганча тинглаб келаётган Муҳаммад Жўкий бир ярим кундирки, акаси билан гаплашмас, Улуғбек ҳам унинг юзига қарай олмасди.

– Қабохат менда, иним. Бу аламли ва шармандали мағлубиятнинг бутун масъулиятини бўйнимга оламан! Сиқилманг, жигарим! – деди Улуғбек отини ниқтаб укасига яқинлашар экан.

– Энди не десак фойдасиздир, ака! Сизга иддао қилиб бирор нима демоқ фикридан йироқман! Фақат икки бирдек азамат шахзоданинг қиблагоҳимиз олдиларида юзимиз шувут бўлди ва бу хатолиғу енилгини ҳеч бир сўзу баҳона ила оқлаб бўлмас! Шуни ўйлаб, изтироб чекмоқдаман! – деди Муҳаммад Жўкий армонли оҳангда.

– Бу фалокатнинг фарқидаман, иним. Демак, сўғишу саваш бобида сиз мендан тажрибалироқ экансиз. Бир



каттанинг, бир кичикнинг сўзига қулоқ сол деганлари тўғри экан. Биз бу ваҳший саҳройиларни юртимизда яйратиб қўймаймиз. Улардан энгилиб, думимизни қисиб кетмаймиз. Шаҳид кетамизми, ғози бўламизми, улар билан орани очиқ қилмоғимиз шарт! Энг ёмони, падари бузруквор ҳузурларида маҳжуб бўлдик. Билмадим, қандай қилиб бу мудҳиш хабарни Ҳиротга етказамиз.

Бекланмаган кўргуликдан саросимага тушган ва ақли шошган мирзо Муҳаммад Жўкийнинг тилига калима келмади. Қора терга тушган, оти жиловини силтаганча акаси ёнида кетиб борарди.

### ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ БОБ

*Ёмонликни омонлик енгар.  
Ота сўзи*

Қочаётган қофила Илонўти дарасига кириб келганди. Сой бўйлаб кетаркан, Улуғбекнинг кўзи қоядаги, бундан икки йил бурун, Мўғулистон фатҳидан қайтаётганда ёздирган тошлавҳага тушди.

Бу шармандали мағлубиятни ҳам ёзиб қолдиринг, мирзо, деган нидо келди ич-ичидан. Энди қай юз билан кимсан жаҳонгир Амир Темурнинг бошкентига кириб борасан? Қай юз билан одамлар, раиятнинг юзига қарайсан? Улар сендай уқувсиз ҳукмдорнинг бизга кераги йўқ! Хоқон Шоҳруҳ бизни ҳимоя эта билажак бошқа бир ўғлини Самарқандга тайин этсин демоққа-да ҳақлидир!

Отларини ниқтаб қамчилаганча ортга ўгрилиб қараётган амиру вазирлар тошбитикка қайрилиб ҳам қарамадилар. Шундай уқувсиз шоҳ ва истеъдодсиз

олим бўлсанг, авлодлар битган битикларингга ҳам боқмайдилар.

Ё оллоҳ! Кечмиш аждодлар руҳи ва келгуси авлодлар назарида юзимизни ёруғ эт!

Самарқанд нотинч эди. Сифноқдаги аянчли мағлубият хабари қочган-писган суворийлар орқали аллақачон бошкентга етиб келган, султоннинг кўп сонли қўшин билан Бароқхондан энгилганидан барча ҳайрон эди.

Шайхулислом Исомиддиннинг олдига келган бир гуруҳ тужжорлар шаҳар дарвозаларини беркитиб, Улуғбекни ҳам, Муҳаммад Жўкийни ҳам бошкентга китритмасликни талаб қилишарди.

– Бул ишларингиз янглишдир, сарроф жаноблари! – деди мавлоно Исомиддин Садриддин Тожиққа бошдан оёқ зимдан боқаркан. – Ёв ёқадан олганда ит этақдан олибди қабилда иш тутсак айб бўлади. Мирзо Улуғбек янглишибми, хато қилибми, лашкари хоинлик қилибми энгилган бўлса, бу мағлубиятнинг қасосини олажак улуғ хоқон Шоҳруҳ султон Ҳиротда ўтирибди. Тулпори тизгинини бир қўйса Амуя сувидан ўтиб, Сифноққа етиб келади. Раиятига озор берган Бароқ ўғлоннинг терисини тириклайин шилади. Унга қўшилиб сизникини ҳам. Сизга шу керакми? Ёки мулки давлатингиз султонникидан ошиб кетдими? Одатда бойлар шундай, ошиб-тошиб кетганларида ҳукмдорларга тутун қайтарадилар, – Садриддин саррофнинг оғзига урди мавлоно Исомиддин.

– Бу бир менинг гапим эмас. Кўчага чиқиб, халойиқдан сўранг, Шайхулислом ҳазратлари! Одамлар эпласа подшоҳлик, бўлмаса қўлидан келажак иш, мударрислигини қилсин демокдалар! – паст келмади сарроф.

– Сабр бўтам! Сабр! Амир Темурдек жаҳонгир ўтирган Кўктош кимга насиб этишини ҳал қилмоқ сену менга қолмагандир! Султон Улуғбек энгилган бўлса энгилган-

дир! Сўғишу савашнинг қонун-қоидаси шундай. Бир тараф енгади, иккинчиси енгилади. Бу – осмон узилиб ерга тушди дегани эмас. Мўғулистонни фатҳ этиб келган подшоҳни икки йил сўнгра ношуду ноқобилга чиқариш инсофдан эмас! Сен халойиқнинг гапини эмас, шаҳзодамизга қарши бўлган, унинг дунёвий сиёсатию расадхона қуришига хайрихоҳ бўлмаган айрим мута-ассибларнинг сўзига кириб тилиннга эрк бермоқдасан. Шуни яхши билгинки, эртага бошинга бир иш тушгудек бўлса, ўша соқоли белига тушган раҳнамоларинг юзинга қайрилиб қарамайди.

– Улар бу шармандали мағлубият ҳақида Ҳиротга ҳам чопар юбордилар, – деди Садриддин сарроф иддаоли оҳангда.

– Бу-да хатолиғдур. Қай бир ақлли амир ёки вазир ўғлининг фалокати ҳақида хабар бериб отасига чопар юборади? Ўзинг ўйлаб кўр. Султон суягини хўрламас, қардошим. Султон таниган ит суяксиз қолмас. Чопарни ҳам Улуғбек мирзонинг ўзлари юборишлари керак. Подшоҳимиз бу ваколатни кимсага бермаганлар. Сенларнинг хатти-ҳаракатларинг янглишдир ва жазосига қатланажаксиз? Сенга сўйлаяжак бошқа сўзим йўқдур!

Садриддин сарроф бежо кўзлари аланглаганча пойинтар-сойинтар қадам ташлаб мавлоно Исомиддиндан узоқлашди.

Шогирдлари ва беихтиёр тўпланиб қолган халойиқнинг олдига тушган шайхулислом султон Улуғбек кириб келиши эҳтимоли юксак Шайхзода дарвозаси томон юрди.

Шом намозига яқин суворийлар тўдаси кўзга ташланди. Бўлиб ўтган гап-сўзлардан беҳабар мирзо Улуғбек мавлоно Исомиддин, устози Қозизода Румий ва садри аъзам Ҳавофийни ёнига олиб Кўксарой йўлини тутди.

---

Мирзо Муҳаммад Жўкий шаҳарга кирмасдан Боғи дилкушода қолган эди.

– Зудлик ила бўлиб ўтган нохуш воқеа хусусида қиблагоҳга хабар етказишимиз керак, – деди суҳбатдошларига бир-бир боқиб шаҳзода. – Кимни юборсак экан?

– Мавлоно Шамсуддинни юборсак яхши бўлади, султоним. Бул донишманд устоз воқеа тафсилотини хоқони саид ҳазратларига ётиғи билан тўғри оҳангда англатадилар, – деди амир ул-умар Ҳавофий.

– Маъқул номзод, – рози бўлди Улуғбек.

– Бошкентдаги айрим нохайриҳоҳпаримиз элдан бурун ноғора чалиб, хоқон зоти олийларига чопар ҳам юборибдилар, султоним. Борган ул одам хоқонимиз ҳазратларига не гапни сўйлайди, буни ҳам ҳисобга олмоқ керак, – гапга қўшилди мавлоно Исомиддин.

– Йўғ-е, ростданми? – ҳайрон бўлиб сўради Улуғбек.

– Шундай, шаҳзодам. Сиз йўқлигингизда бўлиб ўтган воқеаларни сўнгра, батафсил сўзлаб берурман. Ҳозир эса жуда толиққансиз. Истироҳат этинг, – деди шайхулислом Исомиддин султоннинг абгор аҳволига раҳми келиб.

– Маъқулдир. Устоз Румий ва вазири аъзам ҳазратларига рухсат берсак-да, сиз бир неча дақиқага қолсангиз шайхулислом ҳазратлари, – дея ўрнидан турди Улуғбек.

Румий ва Ҳавофий кўринишхонани тарк этдилар.

– Ҳиротга, қиблагоҳ зоти олийларига чопар юбормоққа ким журъат этиши мумкин, ҳазрат? – ҳамон бу гапдан хангу манг эди султон.

– Бу ота-бобо яғийларнинг ишидир, султоним. Ёдингизда бўлсин, сув ухлаши мумкин, бироқғаним ухламай-

ди. Эшитишимга қараганда сизлар ҳам кеча уйқусида, ғафлатда шабихун-тун босқисига маъруз қолибсизлар. Бу ишнинг бошида менинг билишимча икки киши бор. Булар мухтасиб Саид Ошиқ билан сарроф Садриддин тозик. Саид ошиқнинг кимлигини яхши биласиз. Бобоси Абу Исҳоқ бир замонлар Улуғ бобонгиз султон соҳибқирон ҳазратларига суиқасд қилган. Улуғ хоқон зоти олийлари унинг насл-насабини ҳисобга олиб, бир қошиқ қонидан кечиб, Боғдодга сургунга йўллаганлар. Хоқони саид ҳазратларининг саиду шарифларга кўрсатган эътибори ва Самарқандга келганларида унга яхши гапирганларидан ўзидан кетиб қолди бояқиш. Сиз султонимизга ҳам сен мен билан эмас, отанг билан гаплашаман дегандек елка тириштириб юрибди. Садриддин тозикнинг бобоси Сайфиддин тозик ҳам улуғ амир ҳазратларига қарши исён кўтарган ва дорга осилган. Хуллас, бободушман бу икки кўр қоронғуда топишганлар. Ҳатто кимдир уларга ҳар икки шаҳзода жангда ҳалок бўлди деган гапни ҳам етказишган. Ташқи душманларингиз аниқ ва уларга яраша ҳисоб-китобингиз бөрдир, шаҳзодам. Бироқ икки ғанимлар янада хавфлироқдир. Ёт душмандан бир карра эҳтиёт бўлсангиз, ички сотқинларга икки бора диққатли бўлмоқ мажбуриятидасиз. Ётники ёндан, ўзники жондан дейдилар, – вазиятни бафуржа англатди мавлоно Исомиддин.

– Айни дамда уларга қарши не чора кўриб, қай тарзда жазоламоғимиз керак?

– Ҳозирча арқонни узун ташлайсиз, султоним. Ҳеч қачон қизғинлик ва қирғинлик билан жаҳл устида қарор берманг. Масалага жиддий боқадурғон бўлсак, уларнинг хатти-ҳаракатларида жиноят унсури йўқ. Кимсанинг жону молига тажовуз қилишмаган. Ишини ярғучига топширсангиз ҳам шаҳримизни ҳимоя қилмоқ жаддида

бўлиб, ҳаракатга келдик ва Ҳиротга чопар юбордик дея ўзларини оқлайдилар. Керак бўлса шотиру югурдакларини ишга солиб, ўзларидан қахрамон ясайдилар. Алар ила ҳисоблашмоқнинг вақти замони келади. Ўчакишган илон чақмай қолмас дегандек, очиқ-ойдин қаршилиқ кўрсатиб, исён ҳаракатларини намоён этганда чорасига боқса бўлур, – маслаҳат берди шайхулисом.

Мавлоно Исомиддинни диққат билан тинглаган султон Улуғбек ўйга толганча суҳбатдошининг сўзларини маъқуллаб, бош ирғади.

– Унда сиз ҳам истироҳат этинг, ҳазрат. Давлату салтанатимиз боқийлиги йўлида кўрсатилган бу сидқи садоқатингиз тақдирга шоёнدير. Оллоҳ сиздан минг карра рози бўлсин! – деди султон Шайхулисомни Кўксарой ҳовлисигача кузатиб чиқар экан.

– Сизни-да тангри қўлласин, шаҳзодам! Тўғри йўлдан адаштирмасин! Ҳар бир ишингизда Оллоҳ хайрлисини ёзсин!

Шайхулисомни йўлчи этган Улуғбек Сифноқ мағлубиятидан ҳали-ҳануз ўзига келмаган, боши ғовлаганча беихтиёр сарой ҳовлисида кезарди:

Бир кун ёки бир кечада бутун бошли мулки давлат, тожу тахтдан Мосуво бўлиб ўлиб кетмоқ ҳеч гап эмас экан. Бу фалокат ярим тунда, кўз очиб-юмгунча, шу қадар тез содир бўлдики, ҳеч ким ҳеч нарсага улгура олмади. Қўшин бир қисм қурол-яроғи ва от-уловидан ажралди. Йағий уларни Самарқандга қадар таъқиб этди. Қайтарда йўл-йўлакай кўй ва қасабаларни талаб, хонавайрон этса керак. Бунга бош сабабчи ўзи. Сулҳ дея остонасига бош уриб келган обрўли бир бекни итдан беҳурмат қилди. Жавоб ҳам муносабатга яраша бўлди. Сон жиҳатидан рақибдан икки баробар кўп бўлган қўшин

парокандаликка юз тутди. Ўзи ва қардоши аранг жонини кутқариб қолди. Ўздан кетмоқликнинг ҳақли жазоси.

Боши юмалоқ бути айри одам зотига эса ишониб бўлмайди. Куч-қувватда, қудрату иқтидорда бўлсанггина тобуғ расмини бажо келтириб, пешингни ўпади. Сал оёғинг тойдимми, тамом. Тош отади. Бу кишилар, бу қавму қабилаларга ишониб бўлмайди. Қай бир китобда ўқиган эди. Халқнинг кучи тарих берган қудрат ила бирлаша олганда бир эл асил миллатга айланади. Боши бирикади. Бундай кунларга ҳали-бери етиб бўлмаса керак. Йиртиқ бўлса тўним йиртиқ, кўнглим подшодан ортиқ дегандай бир саррофки султонга тутун қайтариб ўтирса. Амиру маъмур, вазиру разиллардан нимани кутиш мумкин? Амир Боботурк каби ўзини ватану миллатга бағишлаган шахсиятлар юз мингдан битта чиқар экан. Лекин бундай асил одамлар ҳам одатда қадр топмайдилар. Ватансизу миллатсиз, дину диёнатсизларнинг қурбонига айланадилар.

Самарқанднинг кўзу қулоғи Ҳиротда эди. Мавлоно Шамсуддиннинг бошкентга кетганига бир ҳафта бўлган, узоғи билан икки ҳафтада қайтиши керак эди. Ниҳоят кетганининг ўн олтинчи кунида, хуфтон намози-га таъқибан Кўксаройга кириб келди.

Ҳорғин ва биткин мавлоно Шамсиддинни қопу ўнгида қаршилаган султон дераза олдидаги курсига таклиф этиб, ўзи ҳам ўтирди.

– Ўйинбузуқилар юборган чопар мендан олти кун бурун етиб борган экан, султoним. Оллоҳ ҳар балою қазолардан асрасин, хоқони саидимиз отлатган буюк фалокатнинг устига етиб борсак бўладими?

– Не кори хол юз бермиш? Қиблагоҳ хасталанибдиларми? – сергак тортиб сўради Улуғбек.

– Сотқинлар ва қотиллар улуғ хоқонимизга суиқасд уюштирибдилар!

– Йўғ-е? Ё Оллоҳим!

– Шунга журъат этибдилар, султоним! Доруссалтанат Ҳиротда ҳамма ҳайрат ёқасини ушлаган, халойиқ кўчаларга чиқиб фитначиларни маҳкамаю сўроқсиз қатл этишни талаб қилмоқда. Хайриятки, хоқонимизга зиён заҳмат етмабди. Уч-тўрт кун ётиб, тузалиб қайтибдилар!

– Худога шукур! Марҳаматини дариғ тутмабди! – деди ҳаяжондан ўрнидан туриб кетган Улуғбек. – Қаранг, меҳнат ҳам, роҳат ҳам қўша-қўша келади деганлари тўғри экан-а? Биз ота юртда бир ҳолу ахволда бўлса-гу, у ёқда падари бузрукворимизга суиқасд этсалар! Ақл бовар қилмайди.

– Ёмонликни омонлик енгар, султоним. Энг муҳими, хоқони саид зоти олийлари ва сиз олийнажот шаҳзодамизнинг азиз бошларингиз омон бўлсин. Замон хасталигининг табиби вақтдир, – шаҳзодага таскин берган бўлди мавлоно Шамсиддин.

– Менга бўлиб ўтган воқеани сўйланг? Кимлар бу ишга бош қўшиб, ким журъат этибди? – ҳаяжони босилмас эди Улуғбекнинг.

– Бу воқеа рабиъ ас-сонийнинг йигирма учинчи куни воқе бўлган, султоним. Хоқони саид ҳазратлари Ҳиротдаги жоме масжидига ибодат учун келадилар. Зоти олийлари намозни тугаллаб, ниятларини қилиб бўлиб, жайнамаздан турадилар. Меҳробдан эшик томон юрар эканлар, мавлоно Фазлуллоҳ Астрободийнинг муридларидан Аҳмад Лур деган намадпўш ўзини шикоят этгувчи киши кўрсатиб, қўлидаги қоғоз билан онҳазратга яқинлашади. Хоқони саид зоти олийлари мулозимларга шикоятчининг тилагини арзга етказишга ишорат этадилар. Қоғозни мулозимга узатган қотил қўйнидан чиқарган пичоқни аълоҳазратнинг қорнига уради. Чухралардан бири Аҳмад Лурни ушламоқ учун ташланади.



Шундан сўнг ясовуллар етиб келиб, унинг бошига қилич соладилар. Бироқ ўлдирмайдилар. Бу воқеадан қаттиқ таъсирланган Манку қавчиннинг ўғли Али Султон хонини қатлга етказишни ўзига топширишни онҳазратдан рижа этади. Хоқони саид ҳазратлари рози бўладилар.

– Уни ўлдириб хато қилибдилар. Бу ишни уюштирганларни топиб, сўнгра қатлга етказмоқ керак эди, – деди Улуғбек овози титраб.

– Тўғри сўзладингиз, султоним. Сухбатимизда шаҳзода Бойсунқур ҳам шундай фикрни айтдилар. Унинг шошилини қатл этилиши, суриштириб асил жиноятчиларни топишни қийинлаштиради дея қайд этдилар.

– Падари бузрукворимиз атрофларидаги амиру вазирлар, соқчию кўрималар қай томонга қарашган? – ҳамон бу воқеанинг юз берганини ақли сиғдира олмасди шаҳзода.

– Одатда ибодат чоғида сарой аъёнлари ва ясовулу қоровуллар хоқон ҳазратларидан узоқроқда турадилар. Қолаверса, уларнинг бу суиқасдни Оллоҳнинг уйида содир этажакларини ким ўйлабди-дейсиз.

– Бундай художўйу тақводорлардан кўра етти карра динсиз осий, худосиз афзалдир. Худо, оллоҳ дейдилару, унинг юзига биринчи бўлиб ўзлари оёқ кўядилар. Узр, сўзингизни бўлдим, мавлоно. Давом этинг, – деди асабийлашганча жойига ўтирар экан шаҳзода.

– Ҳирот саройи тўра ва тузугини биласиз, султоним. Онҳазратнинг отга миниш вақтларида ноғорачилар ноғорани уриб, аста-секин олдинга юрадилар. Хоқондан илгари масжиддан чиққан улуғ амирлар Алоуддин Алика ва Жалолиддин Ферузшоҳларнинг масжиддан чиққанлигини кўрган ноғорачилар ноғораларини чала бошлайдилар. Бироқ ногаҳон ноғора садоси тўхтаб қолади. Масжид ва ташқарисида ғала-ғовур

---

бошланади. Икки улуғ амир жомедан чиқиб отларига миниб, онҳазратни кутиб туришади. Онҳазрат амир Ферузшоҳни чақиртирадилар. Амир изтиробда оти билан масжидга киради. Қонга беланган аълоҳазратни кўриб, ўзини йўқотгудек бўлади. Хоқони саид ҳазратлари тахтравон келтиришни буюрадилар. “Бир амаллаб отга мининг, онҳазрат. Агар тахтравонга ўтирсангиз катта фитна кўтарилиши, худо кўрсатмасин, раият сизнинг тирик-тирикмаслигингиз борасида андишаю тараддудга тушади” дея маслаҳат беради амир Ферузшоҳ. Ярани белбоғлари билан боғлатган аълоҳазрат отга минадилар. Ноғораларини чалдириб, бозор йўли билан Боғи Зоғонга келиб тушадилар. Жарроҳлар лозим бўлган тадбирларни қўллайдилар. Табиблар малҳам қўядилар. Ҳакимларнинг бир неча кунлик муолажалари туфайли ҳазрат хоқони саид тамоман сиҳат топиб, табиат қуввати беморлик гардини ҳумоюн этақдан қоқиб ташлайди.

– Сиз Ҳиротда экан, айбдорларни жазоладиларми?

– Мен жўнарканман, мавлоно Фазлуллоҳнинг қизи тарафидан авлоди саналмиш Аздуddин ва Аҳмад Лур билан тил бириктирган тўрт кишини қатлга етказиш ҳақида қозилар олий ҳайъатининг ҳукми ўқилганлигини эшитдим, султоним.

– Аздуddин деганингиз мавлоно Маждуддин Астрободийнинг ўғли эмасми? Астрободда ҳоким эканман, уларни яхши танирдим.

– Айнан шундайдир, султоним. Уларнинг барчаси ўша, мавлоно Фазлуллоҳ Астрободийнинг мазҳаб ва сулукидандир. Қўйиб берсангиз бу мутаассиблар ўзларини пайғамбар эълон этадилар. Сўров ва сўриштирув пайтида яна бир фитначи гуруҳ ошкор бўлган. Бу тўда ҳам Аҳмад Лур қотиллари каби ўзларича хоқон

ҳазратларига суиқасд режалаганлар. Аҳмад Лур улардан илгарироқ ишга киришган.

– Киши не қадар руҳан қусурли, қалбан ночиз бўлса, олам моҳиятини, ҳаёту умр маъно-мазмуни, мантиғини англамоққа ожизлик қилса, кўзи кўриб турганидан бошқа борлиқни тасаввур эта олмаса, у шу қадар ашаддий мутаассиб, саводсиз ва жоҳил бўлиб, уни ҳар қандай разилликка йўналтирмоқ мумкиндир. Илмсиз ҳар қандай дин кўр ва оқсоқдир, мавлоно ҳазратлари. Қаранг, бундан олти юз йил муқаддам Халифа Маъмун Яҳё ибн Абу Мансурга Бағдод расадхонасини қурдирган эрди оллоҳ раҳмати. Икки юзу эллик йил бурун Ҳалокухон Мароға расадхонасини бино этдирганди. Икки аср аввал Ҳамид ибн Абдулмалик тиклаган Димишқ расадхонаси. Шарқ ва ислом оламининг кимлиги саналмиш бу илму маърифатнинг муқаддас даргоҳлари қани энди? Барчасини қиблагоҳ ҳазратларига суиқасд уюштирган жоҳилу қотиллар каби яратиқлар кунфаякун қилганлар. Бу гумроҳларнинг гумашталари биз тикламоқчи бўлган расадхона қурилишига ҳам тиш-тирноқлари билан қаршилар. Илм ила машғул бўлиб борлиқни ва само-ни ўрганмоқ – Яратганнинг иродасига қарши бормоқ эмиш. Мана, чинга бориб бўлса-да илм ўрган деган пайғамбар умматларининг қилаётган ишлари, буларнинг устига эски янги яғийларимиз. Падари бузруквор ҳазратларининг азиз бошларига шундай ташвиш тушиб турганда бизнинг ҳам оёғимиз тойганини қаранг, – ичи тўлиб кетган эди султоннинг.

– Ҳазрати хоқони саид зоти олийлари Сиғноқ енилгисини туйиб, изтироб чекмадилар, шаҳзодам, ва сиз олийнажот султонимиз ила илгили ҳеч бир нохуш сўз сўйламадилар. Аксинча, авлодимизга айтинг, руҳан тушқунликка тушмасинлар. Узоғи билан бир ярим, икки

---

ойда йўлга чиқамиз ва ота юртимизни оёқ ости қилмоқчи бўлганлардан ҳисоб сўраймиз, дедилар султоним.

– Ё оллоҳ! Ўзингга шукур! Қиблагоҳимизни пушти паноҳингда асра! – дуо қилди Улуғбек кафтини юзига сийпаб. – Падари бузруквор олдиларида юзимиз шувит бўлиб қолди-да! Бетимизнинг суви беш томиб қандай афв сўраймиз?

– Кечмиш хатоларидан хулоса чиқарароқ сабоқ олиб, ўннга боқмоқ керак, султоним. Давлатчилик ишининг таомили шундай. Бир куни ундай, бир куни бундай. Барчасини совуққонлик-ла қабул этиб, теран зако ила мушоҳада қиласиз, – шаҳзодага маслаҳат берарди мавлоно Шамсуддин.

– Оллоҳ сиздан рози бўлсин, мавлоно ҳазратлари. Елкамизни зилдек босиб турган оғир юқдан халос этдингиз. Бугун илк бор кўнгил тинчиб, бошимизни ёстиққа қўядиган бўлдик. Ҳиротда эканингизда волидаи муҳтарамамиз, Маҳди зоти олиялари зиёратларида ҳам бўлгандирсиз? Сиҳат-саломатликлари еридадир, иншооллоҳ! Бошимизга тушган ташвишдан ул кишимиз ҳам изтироб чеккандирлар? – онаси, Гавҳаршодбегимни сўради шаҳзода.

– Бош малика маҳди улё зоти олияларини зиёрат этдик, султоним. Сизга дуою саломларини йўлладилар. Ҳайратланарли бир ҳолат, султоним. Ўша суиқасд содир бўлган куни муҳтарама волидангиз қиблагоҳингиз, хоқони саид ҳазратларини масжидга бормасликларини сўраганлар. Қаранг, кўнгиллари сезган экан, – жавоб қилди мавлоно. – Улуғ маликамиз зоти олиялари фаришта кабидирлар.

– Недан? Қиблагоҳимиз волидамизни тингламабдиларми? – ҳайрон бўлиб сўради шаҳзода.

– Улуғ маликамизнинг айтишларига кўра шу куни ке-

часи бир туш кўрдилар. Рўёларида бир гапа ит саман отли хоқони саид ҳазратларини қувиб келаётган эмиш. Ит – хавфи хатар, от эса давлат, султоним. Хачиру эшак – муроддир.

Эрталаб ҳузурларига кирган малика кўп ёгингарчиликдан деворлар нам тортиб қолганлиги, жоме масжидига бормоқ учун хоқони саид ноқулай жинкўчалардан ўтишларига тўғри келишини айтиб, бормасликни маслаҳат берадилар. Хоқони саид ҳазратларини биласиз. Дину диёнат, тоат-ибодат бобида ҳассослар. Маликани тингламаганлар.

– Ё оллоҳ! Тавба! – деди Улуғбек ёқасини тутиб. – Тангри ҳифзи ҳимоятига олса, ҳар қандай мушкул осон кечар! Иншооллоҳ, қиблагоҳ ҳазрати олийларининг умрлари узоқ, ризқлари фароғ, давлатлари боқий бўлғай!

– Омин! – деди мавлоно Шамсиддин. – Ҳиротда бўлар эканман, улуғ амир Жалолуддин Ферузшоҳнинг ўғли билан Идику Манғит қизининг никоҳ тўйида қатнашдим. Идикубекнинг ўғли синглиси билан Ҳиротга аълоҳазрат палосларини ўпмоқ учун келишган экан. Хоқон ҳазратларининг ўзлари бош бўлиб, никоҳга гувоҳликка ўтиб, икки ёшнинг бошини қўшиб қўйдилар.

– Ҳиротдан хушмуждалар билан келиб, кўнглимизни кўтардингиз, мавлоно. Бул яхшиликларингиз биздан-да, эгамиздан-да қайтар, иншооллоҳ. Энди мен тезроқ Дилкушо боғига бориб, қардошим Муҳаммадбекни суюнтирай. Бироз тоби йўқ эди. Ул кишим ҳам қайтишингизни тўрт кўз-ла беклаётган эди.

Султон Улуғбек ва мавлоно Шамсуддин биргаликда Кўксарой ҳовлисига чиқдилар.

– Бир нарсадан ҳайронман, султоним, – деди улар ташқарига чиққач мавлоно Шамсуддин. – Хоқонлар саиди ва саидлар хоқони бўлмиш, оллоҳнинг ердаги сояси

каби бир инсону олам ҳукмдорига суиқасд уюштириб, қонига ташна бўлганлар ҳам ўзларини одам ва мусулмон санайдилар. Шу ишга ташвиқ этиб йўналтирганлар уларга тангрининг номидан жаннат ваъда қиладилар. Кечаю-кундуз жазавалари тутиб, улар учун саккиз жаннат ҳам очиқ эканлигини таъкидлайдилар. Шуларни ўйлаб изтироб чекаман ва кишиларимизнинг ҳали-бери жоҳилликдан қутулмасликларидан руҳим тушиб кетади.

– Фикрингизга қатилурман, мавлоно, – деди Улуғбек суҳбатдошига ўйчан тикилиб. – Улусу уммат илму ирфонга интилмас экан, жоҳилият ботқоғига ботиб бораверади, – армонли оҳангда жавоб қилди Улуғбек. – Эшитишимча, фатвочилари интиҳорчи қотилларни бу каби қонхўрликларни тайёрлаш жараёнида “сен у дунёда ҳуру малаклар орасида яшайсан, бу дунёдаги жиҳоднинг учун ҳам худди беҳиштдагидек жаннатий ҳаётга муносибсан” дея канизагу жориялар таъсис этиб, шоҳона шарт-шароит яратиб, олтину зарга кўмар эмишлар. Шу гаплар тўғрими, мавлоно?

– Тўғридир, султоним. Шу тариқа улар динимизга иснод келтирадилар, – жавоб қилди мавлоно Шамсиддин. – Мулки давлат, сиёсату салтанат иши шундай. Бу кўпқарига кирган кишининг Соҳибқирон Амир Темурдек етти иқлимда оти чиқади. Ёки бўлмаса оти қоқилиб, ўти чиқади. Қиёмат ўйинида ютқазмасликнинг тек кафолати теран сиёсий зако, совуқ идрок ила салтанат тизгинини қўлда маҳкам тутмоқдир. Устоз шайтон ва шогирд шайтонваччаларнинг қабиху разил режа ва амалларини бар-тараф этмоқнинг яккаю-ягона йўли ҳамда чора-тадбири, эзгу-амаллар, улуғ ва гўзал ишларни рўёбга чиқара билмоқдир, султоним. Шунда улар қалблари каби қопқоронғу зимистонга гумдону зимзиё бўладилар. Эзгулик эътиқоди, ҳақиқат тантанаси ва улус меҳри муҳаббати

нурида азалий маконлари қабоҳат қасрига чекинадилар. Бироқ унутмангки, шаҳзодам, улар ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмайдилар. Куч-қудратларини жамлаб, пайт пойлаб, яна ўша тубан, қотилона қилмишларини давом эттирадилар ва икки дунёда қора ниятларидан воз кечмайдилар. Боиси, уларнинг юракларида адолату нурга жой йўқдир. Ҳақу ҳақиқат, адлу адолатга амал қилганлари даму дақиқада умрлари саробга, ўзлари эса рўёга айланадилар. Аммо улардан сабоқ олган шайтон ворису малайлари ҳалафларининг фиску фасод оғочларини сувламоқни давом эттирадилар. Бу қотил оломон ёшу бегона, қон-қардош қиёфасида бекланмаган ону сонингизда қаршингиздан чиқишлари мумкин. Сув уяр, шайтону душман уймас, султоним. Улар кечаю кундуз қиличларини қўлдан қўймайдилар. Қавми шайтон мудом қўлу ва тилида шамшир билан юрадилар. Охурига солинган арпаю, олдига ташланган суякка қараб дуою-фотиҳа қиладиган ва фатво берадиган мутаассибларга эса инониб бўлмас, – дея қаршисида маъсум термулиб турган шаҳзодани бағрига босди-мавлоно-Шамсуддин.

Султон Улуғбек билан қучоқлашганча хайрлашган мавлоно бошини қуйи эгганча дарвоза томон йўналди.

Ёнига Ражаб қиссахон, ясовулбоши Бобоҳусайн Туркистоний ва шогирди Али Қушчини олган Улуғбек хос қўрима қуршовида қардоши Муҳаммад Жўкий турган Дилкушо боғига қараб оти жilовини бўш қўйганча учиб борарди.

Отаси жонига қилинган суиқасдни эшитган амирзода Муҳаммад Жўкийнинг бир зум ҳайрат ва қўрқувдан ранги оқариб, тили калимага келмади.

– Хуросонда ҳам йағийларимиз Туркистондагидан кам эмас. Уларга қарши ҳар замону маконда чора-тадбиримизни олиб юрмоғимиз жоиз, деди шаҳзода ташвишли

нигоҳини акасига тикиб. — Бу мутаассиб ва жоҳил диндорлардан ҳар балою қазони кутиш мумкин.

— Биз тоғу тахт, мулки давлат даъвосида оддий инсонлар каби яшай олмаймиз, қардошим. Ўтирганимиз тахта тахт, ҳукимимиздаги ҳокимият, амри фармонимиздаги салтанатни бахт-саодат, иқболу имконият деб билламиз. Аслида бахт саодат дегани оддий инсонлар каби бир парча элмагу бир қултум сувга қаноат қилиб, барча баробар яшай билмоқдир! Бироқ бу ҳам осон эмас. Иқтидору салтанат даъвосида эканмиз, қиблагоҳ бошларига келган ташвишу таҳлика бизни-да четлаб ўтмаслигига кимса кафолат бера олмайди. Шундай экан, куну тун, ҳар даму дақиқида ҳушёру уйғоқ, ёнимизга ёндошган ҳар бир ёту бегонага диққат-эътиборли бўлмоғимиз шарт. Фақир-фуқаронинг ғаними ўзига яраша бўлганидек, бизники ҳам сочимизнинг туки қадардир, — босиқ овозда, салмоқли оҳангда фикрини укасига англатарди Улуғбек. — Қассобдан чиққан олиму уламодан кўра, олимдан чиққан қассоб минг баъд хатарлидир.

— Элга эмак эшиги очиқ бўлиши керак, ака. Уни тахтада ким ўтириши қизиқтирмайди. Саройда, теваарак-атрофимизда ўзини давлату салтанатнинг устунни санаб юрган амиру вазирларимиз сиёсатнинг моҳиятига етмайдилару, бечора раияту барииятга худо тўзим берсин. Бироқ бу халойиқ бир нарсани яхши билади. Кучсиз ва ожиз ҳукмдор халқ нари турсин, ўзини ҳам ҳимоя эта олмайди. Шунинг учун тинчлигу осойишталик, сўғишу саваш замонида бўлсин, кучли бўлмоқ мажбуриятидамиз, — деди Муҳаммад Жўкий мулоҳазакор оҳангда.

Ака-ука Сиғноқ воқеасидан сўнг илк бор ёзилиб ўтириб, очилиб суҳбатлашди. Амрга кўра шаҳзода Муҳаммад Жўкий ҳам хоқон отасини Самарқандда кутиши керак эди.



Гурунглашиб, ички ичдилар. Ҳофизу раққосалар ўз санъатларини намоиш этди.

– Сизда не ҳаводислар бор, қиссахон ҳазратлари? – сўради султон май нўш этганча шолғомдай қизариб ўтирган Ражаб Турдиқорадан.

– Масти Қаландар қардошимиз икки воқеага атаб икита битик битиб, шогирдларидан бериб юборибдилар, – жавоб қилди Турдиқора.

– Қандай воқеаларга бағишлаб ёзибдилар?

– Бири Бароқхоннинг юртимизга бостириб келгани ҳақида. Дарвеш қардошимизнинг Мулунғурда ақраболари яшар экан. Босқинчилар уйини талаб, тишга босгулик нарса қолдирмай олиб кетишибди. Иккинчиси, хоқони саид ҳазратларига суиқасд қилган қотилларга аталган экан. Бу ўша, улуғ бобом ҳазратлари битикларини тинглайдиган Масти Қаландарми? – сўради Муҳаммад Жўкий Мирзо.

– Ҳа, ўша қаландар, шаҳзодам. Машҳур Шоҳи Қаландарнинг шогирди.

– Қани ўқинг-чи?

Қиссахон Ражаб Турдиқора Масти Қаландарнинг битикларини ўқимоққа киришди:

*Улус йўлини очар,  
Ипму одоб, ирфондир.  
Сабру шукур этмасанг,  
Бил, неъматини куфрондир.*

*Тирик жонга жон керак,  
Бу-да танҳо жонондир.  
Ишқ ўти ёнар бешак,  
Қайтмас даври даврондир.*

*Золим сўзи сўз экан,  
Ҳар не юмуш гумондир.*

*Парча экмак пешида,  
Ранглар сари самондир.*

*Шоҳ-гадога бир омад,  
Келиб кетар имкондир.  
Ўғри урчиган юртда,  
Қароқчилар қоондир.*

Шаҳзодаларнинг шеърга муносабатини билмоқ учун тўрға боқароқ хиёл бошини эгиб таъзим қилган қиссахон султон ишорати билан иккинчи шеърни ўқий бошлади:

*Оту аврат савдоси  
Эр умрин селимидир.  
Фалак чархи тулпорнинг,  
Солланган ёлимидир.*

*Ҳаёт аталмиш сароб,  
Зўр армон кўлимидир.  
Аё бир ҳурлиқонинг,  
Хипчадек белимидир.*

*Йигит бошидаги дард,  
Эл арзи ҳолимидир.  
Қуш уйқусидек умр,  
Кўпкари солимидир.*

*Тирикликда ўла бил,  
Шарафинг қолимидир.  
Яхшида ёмон ўтар,  
Топажак феълимидир.*

*Ким қилмагай, топмагай,  
Итга ит ўлимидир.*

**АДАБИЁТГА ХИЁНАТ – АДОЛАТГА ХИЁНАТДИР  
ЁХУД ИНСОНИЙЛИК ИСТЕЪДОДИ ВА ВАТАНИЙ  
АХЛОҚ ҲАҚИДА**

**– Нурали Қобул ижодхонаси қандай олам? У асарларини қандай яратади? Ижод жараёнидаги изтироб ва севинч ҳақида сўзлаб берсангиз?**

– Саволни бевосита хона маъносида берган бўлсангиз, бу кутубхона, архив, музей ва картиналардан иборат мўъжаз бир узлату танҳолик бурчаги, яъни ватаннинг бир парчасидир. Чорак асрдирки, мен шу бурчакка чекинганман. Илоҳий ёлғизлик, одамлар ва борлиқни узоқдан кузатиб, англамасдану мушоҳада этмасдан туриб, кўнгилдагидек битик битиб бўлмаслигини тушунмоқ учун ҳам вақту замон керак бўлади. Сиз бу сукунатда тотлию тахир ҳаёт ҳақиқати, борлиқнинг сассиз чексизлиги ҳамда виждонингизнинг кечмиш умрингиз устидан чиқарган сўнг ҳукмига қулоқ тутмоқ, яқуний ҳулоса чиқара билмоқ имкониятига эга бўласиз. Конфуцийдек буюк шахсият олтмишдан сўнг яхши-ёмоннинг фарқига етдим деганда ҳам шуни назарда тутган бўлса ажаб эмас. Ҳар қандай санъат асари уни битган киши қалбидаги инсонларга, инсониятга ва борлиққа бўлган чексиз меҳр-муҳаббат, олий адолат туйғуси, эътиқодидаги асл ватаний ахлоқнинг меваси сифатида дунёга келади. Сиз маҳсулингизни қандай яратган бўлсангиз, ўқувчи ва кўрувчи ҳам худди шундай таъсирланади. “Темурийлар” эпопеясини битар эканман, Буюк Темурнинг тана тупроғини она тупроққа қовушишини қаламга олмоқ, мен учун бу дунёнинг азоби бўлди. Ниҳоят дилим тўкик, қалбим сўкик бир аҳволда саккизинчи “Қадарнинг

ғариб жилваси” жилдида бу уқубатни эплагандай бўлдим. Қирқоёқдан қандай қилиб бунча оёқни бошқара биласан, дея сўраганларида, саволга назарий жавоб бераман, дея юрмоқни унутаёзган экан. Муҳаббат ҳақида уни бошидан кечириш бахтига муяссар бўлмаган, олий ақл ила унинг моҳиятини англаб етмаган киши жўшиб ва қўшиб гапирishi мумкин. Ёзиш жараёни ҳам шундай. Масалан, Фаридиддин Аттор ижод қилмоқ учун маълум муддат оила, бола-чақа ва қариндош-уруғини тарк этган. Навоий ва Паҳлавон Маҳмуд уйланмай қўя қолган. Лев Толстой эса ҳаёти сўнгида яқинларидан қочиб кетган. Отатурк, Ленин ва Сулаймон Демирел каби сиёсатчилар бошни қотирмасин, дея бола-чақа қилишмаган. Мао Цзе Дун эса бир неча хонимлардан туғилган болаларини “Халқ қандай яшаса шундай яшасин”, деб ҳеч қандай шароит яратиб бермаган. Ақлнинг йўли бир деганларидек, одил, тўғри, соғлом ва дунёвий фикрловчи киши ҳамма нарсани кечиради. Бойси, у ҳамма нарсани онгли равишда тўғри тушунади. Масалага бир ғоя, дин ёки фалсафа нуқтаи назаридан бир томонлама боқмай кенг нигоҳ ва теран тафаккур ила ёндашади. Ҳар қандай омаду омадсизликни қисмату қадарнинг синови ўлароқ қабул қилиб, юз берган хоинлигу хусумат, разиллигу шарафсизликларни улуғ ҳадафу мақсадлар йўлидаги синов, босқич деб қарайди. Зотан, куй ҳам куйгандан чиқади. Куйган ерга яхши ўт битади...

– Ёзиш қачон эҳтиёжга айланади? Ёзувчи учун ёзолмай қолиш нима?

– Ёзувчи учун ёза олмай қолиш ижодкор сифатида тугаш демақдир. Бу саволни чуқурроқ таҳлил этажак бўлсак, битикчи маълум бир даврга келиб “ўчдими”, демак, унда сиз назарда тутган ёзувчилик иқтидори

бошданоқ ҳаминқадар бўлган. Ҳақиқий ижодкор эса ёши улғайиб, тажрибаси ошгани сари улуг Лев Толстой каби авлиё сифатига эришиб боради. Чехов юксалган буюклик шоҳсупасига кўтарилади. Шахсиятида ҳақиқий файласуфлик закоси шаклланмаган ижодкорлар одатда эрта сўнадилар. Бу тўсиқдан ўта билганлари эса ҳаққа етмоқ жидду жаҳдида мужодала қилиб, Югнакийу Лутфий, Юсуф Хос Ҳожибу Маҳмуд Кошғарий, Атоийу Яссавий, Навоийу Бобурлар қадам босган даргоҳларга яқинлашадилар. Ёзувчиликка даъвогар – энг аввало саводли бўлиши керак. Ҳақиқий ёзувчидан ҳақиқий ўқувчи камроқ деган гапни туйгандирсиз. Кишининг ёзган сатри ва сўйлаган сўзи орасидан унинг билимлилиги, саводхонлиги ва фаҳму фаросатининг даражаси балқиб туради. Буни фақат асл адабиётни англаган ҳақиқий ўқувчилар тушунадилар. Умуман, адабиётда ёзувчи ва ўқувчилар иккига бўлинади. Биринчиси, адабиёт аталмиш буюк эътиқоднинг туб моҳиятини англаб етиб ёзадиган ёзувчи ва ўқувчилар. Иккинчиси эса адабиёт нелигини англамай туриб ёзадиган маиший битикчилар ва жуда кўпчиликни ташкил этган ўқувчилардир. Боиси, фикрлайдиганларга қараганда фикрламайдиган одамлар чексиз кўпдир. Бундай ўқувчиларнинг жиддий адабиёт ва фалсафий асарларга тишлари ўтмайди. Уларни ҳам айбламоқ фикридан йироқман. Умуман ўқимагандан кўра савиясидан қатъи назар ниманидир ўқиган авло шекилли. Мен бу масалада икки марта ўқишга арзимайдиган китоб бир маротаба ўқимоққа ҳам арзимайди деган фикрга амал қиламан.

**– Адабиётнинг, ижоднинг, илҳомнинг илоҳийлиги борасида фикрингиз қандай? Ёзувчига илҳом қанчалик зарур?**

– Болалигимда Шаҳзода энамдан худо қаерда эканлигини кўп сўраб-суриштирдим. “Тангри кўкаймизда, қош-қовоғимизнинг ўртасида” дер эдилар раҳматли энам. Нафақат ижод аҳлига, эл-улус, миллату ватан ишини ўзининг шаъну шараф, имону эътиқодига айлантира олган ҳар қандай киши сиз айтган илҳомдан Мосуво эмасдир. Муқаддас китобимизда бежизга “Мансаб эгалари – илҳом эгаларидир” дейилмаган. Ҳар ишнинг ўз ҳадди-ҳавоси бўлади. Масалан, шоирлар хаёлан осмоннинг тўққизинчи қатига чиқмасалар шеър ёза олмайдилар. Энг муҳими, қалб, имону виждонда туғилган ана шу илоҳий ҳис-туйғуларни эзгуликка йўналтира билмоқ, кишилар юрагида эзгулик булоқларини очиб, кўзларида ёш, дуоларида тош-ла яшамоққа йўналтира билмоқдир. Ана шунда битикчи ўз муроду мақсадига эришган, улусини келажакнинг тўғри йўли сари бошлай олган бўлади.

– **Инсон нимага қодирлигини ўзи билади ва табиийки, энг тўғри баҳони ўзига-ўзи бера олади, дейишади. Сиз ўзингизни қандай ёзувчиман деб ҳисоблайсиз?**

– Фақат соғлом, одил ва тўғри фикрлаш солиҳлигига эришган кишиларгина ўз имкониятларини теран зако ила адолатли баҳолай биладилар ҳамда кўрпаларига қараб оёқ узатадилар. Энг муҳими, бундай шахсиятлар ҳар қандай муваффақиятга эришмасинлар, ўзларига нисбатан доимо танқидий муносабатда бўладилар. Ақлан ноқис киши эса ўз-ўзидан такаббур ва шахсига ортиқча баҳо бергувчи бўлади. Натижаи оқибатда қусурли тафаккури қазиган чуқурга тос тепаси билан тушади. Халқимизда “Кўпчилик кишилар ўзларининг кимликларини билсалар, ёрилиб ўлардилар” деган нақл борлигини билсангиз керак? Ёзувчининг вазифаси эса ана шун-

дай кишиларга кимликларини англаб етмоқлигига кўмак этмоқ, буни санъаткорона тасвирламоқдир. Муттаҳам ўзини авлиё санаб янглишаётганлигини кўрсатмоқдир (Машхур поляк ёзувчисининг “Муттаҳамнинг парвози” романини эсланг). Ҳеч бўлмаганда, ҳаётининг сўнгги дамларида ўзининг кимлигини билиб кетмоғига имкон яратмоқдир. Бироқ биз не қадар жонимизни жабборга бериб ўзимиздан авлиё яшашга уринмайлик, тирикликдаги баҳо нисбийдур. Ҳақиқий баҳо шоҳу гадой, ким бўлмасин, устига тупроқ тортилгандан сўнг берилади. Гюго айтганидек, кўзимиз очиклигидаги унвону мукофотлар, маътову юбилейлар тирикликда қабримиз устига қўйилган тошдир. Мен ҳар қандай инсоннинг ҳақиқий инсонлиги, унинг одамийлик истеъдоди, адолатга амал қила олиш-эътиқоди; ватаний ахлоқининг даражаси ва кишиларга бўлган меҳр-муҳаббати билан белгиланади, дея заҳн этаман. Адабиётга хиёнат – адолатга хиёнатдир. Адолат ҳақида тасаввурга эга бўлмаган, унга амал қилмаган киши ҳеч қачон ватани ва миллатини, инсонларни сева олмайди. Энг даҳшатлиси, Абдулла Қодирийу Чўлпон, Элбегу Усмон Носир, Мақсуд Шайхзодаю Шукруллоларнинг жойини худди ўзлари каби номдор ҳамкасблари солганлар. Тарихдан сабоқ ва ибрат олинмаса, унинг фожиалари такрорланаверади. Бундай жисмоний ва маънавий қатағон руҳидаги, ижодкор қиёфасидаги “Адабий арбоб”ларнинг роҳат-лақул соллаб юришларидан кишининг юраги орқага тортиб кетади. Қисмату қадар адабиёту санъатимизни бу кўзи ва қалби сўқирлардан асрасин, дея дуо этамиз. Зотан, ижобат ўлмаяжак дуога омин дейилмас... Ана шу эътиқоду оҳангда ёза билган ижодкоргина ҳақиқий ёзувчидир, деб ўйлайман. Қолаверса, фақат яхши

одамдангина яхши ёзувчи чиқади. Киши ҳеч қачон ўз ақли салимлиги, ўз шахсининг даражасидан ошириб ёза олмайди. Инсон шахс сифатида шаклланмадими, сўзсиз, ижодкор ўлароқ ҳам қусурли бўлади. Юксак ва беғубор кўнгиллар мудом юксакликка интиладилар, воқеа ва ҳодисаларни юксак ақли идрок ила таҳлил этадилар. Тубан ва қоронғи фикрлар эса тубанлигу зулматда яшайди. Инсонийлик истеъдоди такомилга етмаган, марҳамат маданиятидан бенасиб киши ўзини бахшида этмоқчи бўлган ҳар қандай ишда рисоладагидек натижага эриша олмайди. Бу иқтидору салоҳият (шу ўринда салоҳият сўзи фақат шахсга нисбатан ишлатилишини ҳам айтиб ўтмоқ керак. Матбуотда ўйланмай қўлланилаётган “Туризм салоҳияти” эмас, “Туризм имконияти” бўлади), айниқса, катта-кичик бўғинда элга бош бўлмоқ орзусидаги кишилар учун ҳаёт-мамонт масаласидир. Югнакийнинг сўзларини эсланг. “Менга битта ҳалол одамни топиб беринг? Қани ўша ҳалол одам?” Бугунги глобал фикрлаш, интернету космик асрида бу саволни қани бир нафар соғлом, тўғри ва одил фикрловчи одам дея бериш мумкин. Киши номдор шоиру носир, рассому бастакор бўлиши мумкин. Бироқ олий адолат тамалларига амал қилган, буюк имону виждон соҳиби бўлмоқ ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Инсонийлик истеъдоди, деб шуни айтадилар. Бутун инсонликнинг бош шарти ҳам ҳар қандай шарту шароит, макону замонда адолатдан бир қадам бўлсин ортга чекинмасликдир. Шунинг учун ҳам ватан ва миллат туйғусидан олдин ҳақу ҳақиқат, адлу адолат туйғуси келади. Фикрлаш даражасидан қатъи назар, объектив ва субъектив сабаблар туйғайли киши турли мақому мавқега эришиши мумкин. Бироқ инсонийлик истеъдоди ва мардлик мартабасига эришмоқ – илоҳий бир неъмат. Инсоният олижанобли-



гининг энг юксак нуқтаси эса меҳру шафқат, марҳамат маданиятига эриша билмоқликдир. Марҳамат маънавияти ва маданиятидан айро тушган, узоқлашган кишилар ва улуслар тошмеҳрлашиб, ёвузлаша бошлайдилар. Одамлар руҳи, қони ва имонида марҳамат маданияти бўлмаган кишининг хайрли ишига ҳам нафрат назари билан қарайдилар. Зако етишмишлиги, дунёвий тафаккур ва тасаввурнинг келишмишлиги бунда белгиловчи мезондир. Инсонийлик истеъдодига соҳиб бўлган шахсиятларгина ҳақиқий шараф шоҳсупасига чиқиб, абад ул-абад ўша юксакликда қоладилар.

*“Китоб дунёси” газетаси,  
июнь, 2017 йил*

### **САЛТАНАТ СИРЛАРИ**

*Атоқли адибимиз Нурали Қобулнинг «Темурийлар»  
эпопеясининг дастлабки уч жилдини ўқиб...*

---

Адабиётда мезон – юксак бадиийлик, халқнинг дарду ҳасрати, ижтимоий адолатсизликлар, турмуш мураккабликлари, инсон хатоси туфайли юз берадиган фожиалар, емирилаётган маданият ва удумлар, тусини йўқотаётган одоб-ахлоқ, тафаккур ҳақида қалам тебратиш. Мисоллар чиройли, гўзал ташбеҳлар кўмагида тақдим қилинса ёки аччиқ, дард тўла сахналар орқали тасвирланса ҳам мақсад ўзгармайди: халқнинг қувончларию ташвишлари бош мавзу бўлиб қолаверади. Шакл ва мазмун мувозанатини ҳамиша сақлай биладиган, ёрқин, ҳавас қиладиган образлар, жирканиш ҳисларини кўзғайдиган салбий қаҳрамонлар орқали ўқувчининг қалбини ларзага келтирган, севинтирган, кунтирган, руҳий ҳолатини осмону фалакларга кўтариб

---

юборган, кези келса йиғлатган, ўйлатган ва ана шу ёндашуви туфайли китобхонлар муҳаббатини қозонган истеъдодли ёзувчилар чидам ва бардош билан ижоднинг азоб ва қийноқларини мардонавор енгиб, бундай салоҳиятдан мосуво кишиларга нисбатан беш, ўн баравар оғир маънавий юк кўтариб ўтмоқдалар. Андижонлик шоир ва созанда, қатағон қурбони Ҳасанхон Ниёзий айтмоқчи, маънавий юкнинг бир қадоғи моддий оғирликдан ўн икки баравар залворли.

Юрган йўлида шеър айтиб юрадиган Аннушкани бу қилиғи учун отаси ёмон кўради: номимни булғама, фамилиямга доғ туширма, дейди. Мен шоира эмас, шоирман деб ҳайқирган Анна онаси томонидан бобоси, турктатарлар хони Аҳматхон номини ўзига фамилия қилиб олади. Мана, ўз шаънини ҳимоя қилишнинг ноёб кўриниши. Бу ерда гап отасига осий бўлишни тарғиб қилишда эмас, оталар ўз фарзандларини таҳқирлашдан ўзларини тутишлари ҳақида. Тенгсиз шоир Анна Ахматова замоннинг таҳқирларига чидаёлмасдан, алалоқибат бу дунё билан видолашди.

Мен қаламининг дами ўткир, тили сеҳрлаб қўядиган даражада мафтункор ва силлиқ, фалсафий ва илмий-назарий қарашлари кучли ва теран оқсоқол ёзувчимиз Нурали Қобулнинг Амир Темур ҳақида ёзган “Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич”, “Етти иқлим хоқони ёхуд аҳд ва тахт”, “Султоннинг сўнги куни ёхуд Амир Соҳибқирон ва Тўхтамишхон”, шунингдек, “Кечиккан турналар” номли китобларини синчиклаб ўқидиму, салкам ярим асрдан бери танийдиган адибни тамомила қайтадан кашф этдим. Гарчи ёзувчи расман романларини томларга бўлиб тақдим қилмаган бўлса-да, ўқувчи уларни ўзининг заковати, хотирасига суяниб, жой-жойига қўйиб мутолаа қилади. Ижодий поғоналарнинг юқори зиналаридан

жилмайганча қўл силтаб турган адибнинг қувваи хоти-расига қойил қолади.

Бадийий романларда ёзувчининг бадийий мушоҳадалар учун эрки кенг. Бироқ, тарихий ҳақиқатлардан узоқлашмаслик, воқеаларни сохталаштирмаслик, бошқа муаллифлар йўл қўйган камчиликлар ҳақида ҳужжатли далил ва исботлар келтириб, ўз қарашларини изҳор этиш энг оқилона йўл. Нурали Қобул хориж муаллифлари қолдирган тарихий манбалардан эринмасдан, танқидий назар, қиёсий таҳлил мезонларига суяниб, моҳирона яратган бу асарлар туркуми хоҳлаймизми, йўқми, XXI асрда ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилинган дурдоналар қаторидан мустаҳкам жой эгаллаб бўлди. Амир бобомизни илоҳийлаштиришни, Улуғ Ҳукмдорга ўзи ўйлаб топган фазилат ва қусурларни ёпиштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўймагани Нурали Қобул тутган тўғри йўл фикримизнинг исботи. Бадийий чекинишларни ҳисобга олмаганда, бутунлик, яхлитлик тўлиқ таъминланган воқеалар-пишиқ-сюжет-режасига монанд-ривожланади ва яқун топади.

Маълумки, истиқлолгача Амир Темур бобомизга эътибор султ бўлгани, у ҳақидаги асарлар заминимизда деярли чоп этилмаган сабабли, халқ чала-чулпа маълумотлар таъсирида бўлган. Баъзи ҳукмдорлар ўзининг шуҳрати йўлида Соҳибқирондан қолган мероснинг анча қисмини йўқотиб юборган. 1889 йилдан кейин ул зотнинг қабри устидаги ўғирлаб кетилган ноёб қопқоқ Челябинскдаги музейдан “топилгани” ҳақида яқиндагина Россия телевидениеси берган хабарни эътиборга олсак, қидирса, сомон ичидаги игна ҳам топилади. Буюк бобомиз ҳақидаги ҳақиқат ва ёлғон чалкашиб, қоришиб кетган тарихий маълумотларнинг оқини – оққа, қорасини

– қорага ажратиш учун Амир Темур институти-ташқил-этиш орзуси пайдо бўлади кўнгилда.

Эски қадрдоним, меҳрибон акам ва устозим профессор Убайдулла Уватов: “Қадимги тарихчилар, айниқса, араблар табиатан муболағага, бўрттиришга мойил. Ибн Арабшоҳнинг Соҳибқирон ҳақидаги “Ажойиб ал – мақдур фи тарих- и Таймур”, Ибн Халдуннинг «Таржимаи ҳоли» (парчалар), Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» сингари Мовароуннаҳр тарихида ёрқин из қолдирган ажойиб ва сермазмун асарларида келтирилган барча маълумотларни ҳам тўғридан-тўғри қабул қилиш ноўрин. Мен 1991–1992 йилларда Ибн Арабшоҳнинг асарини икки қисмдан иборат “Амир Темур тарихи” номи билан араб тилидан таржима қилиш жараёнида бунга амин бўлганман. Маълумки, Амир Темур ўн икки ёшли Ибн Арабшоҳни оиласи билан Самарқандга олиб келади ва тарбия қилади. Темур бобомиз вафотидан кейин бу йигит вояга етиб, саёҳатга чиқиб кетади ва Соҳибқироннинг шахсияти осмон қадар юксак ва мақоми баланд, инсоний фазилатлари ҳаққоний қайд этилган китоб яратади. Бу асарнинг бебаҳолиги ва бошқа китоблардан устун туриши шунда. Гарчи бир вақтлар банди қилганлари учун аламини ичига ютган тарихчи Амир Темур ҳақида бир томонлама салбий баҳолар ҳам бериб кетган бўлса-да, Соҳибқироннинг унга кўрсатган меҳрибонлиги ва илтифотини яширмайди, ўзи ҳар қанча қора ойна ортидан боқса ҳам, унинг даҳоси, лаёқати ва салоҳиятига соя соломмайди”, – деган гапни айтганди.

Гоҳида ғаразли мақсадда тўқиб чиқарилган сохта “ҳужжатлар”, қолаверса, баъзида давлатнинг нуфузли идораларига тегишли бўлгани боис, қоида тариқасида

текширилмайдиган манбалардан эркин фойдаланиш, ўқувчининг, кенг маънода жамиятнинг фикрини тамомила ўзгартириб юбориши мумкин. Номини таҳқирлаш мақсадида Амир Темур ҳақида нималар дейишмади. Биз уларни тилга олиб, маънавий рақибларнинг тегирмонига сув қуйиш ниятимиз йўқ. Зотан, Мустақилликдан сўнг иккинчи умрини яшаётган Соҳибқирон бобокалонимиз ҳақида бутун жаҳонда ижобий фикрлар салмоғи ортиб бораётгани бу зотнинг ўз даврининг энг буюк шахс эканини тўла-тўқис тасдиқлайди.

2012 йилнинг ёзида Ўзбекистон Фанлар Академиясининг вице-президенти Тўра Мирзаев, академиклардан Иброҳимжон Искандаров ва Аҳмадали Асқаров, профессор Ноҳидхон Ниёзов, шайх Абдулазиз Мансур, III даражали Давлат Адлия маслаҳатчиси Азимжон Эргашев сингари илм-фан билимдонлари иштирокида ўтган бир даврада Амир Темурнинг отаси амир Муҳаммад Тарағай барлос улусига мансуб беклардан экани, Мирзо Улуғбек фармонига биноан XV аср ўрталарида Бибихоним маъжиди ҳовлисида ўрнатилган мармар лавҳа: “Султони азим, олий ҳимматли хоқон, дин-диёнат ҳомийси, ҳанафия мазҳабининг посбони, аслзода султон, Амир ул-мўъминин Улуғбек Кўрагон”, – деган сўзлар ўйиб ёзилган ёзув, ундан ташқари, кўпдан-кўп хужжатлар Соҳибқиронни мўғул, қонхўр деб ерга урган кимсаларга қақшатқич зарба берадиган далил эканини яқдиллик билан қўллаб-қувватлашган эди.

Атоқли адиб Нурали Қобул соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг ҳаётини майда-чуйдасигача, қунт билан ўргангани ҳар бир саҳифада ярақлаб кўзга ташланади. Ёзувчининг билимдонлиги сезилиб туради. Сўз қуришдаги ҳам нозик, ҳам қудратли билгиларини, ёзув-

чилик маҳоратини ишга солиб, соҳибқирон ҳақидаги асарларнинг кемтик жойларини тўлдириб, сайқаллаб борган кўринади. Шундай катта китобларда тилга олинган воқеалар кетма-кетлигига эришиб, юзлаб халқ мақоллари, нақллари, маталлар, халқона ибораларни ипга тизилган дурга ўхшаб заргарона қадаб кетавергани ҳам таҳсинга лойиқ. Бирортаси ўринсиз эмас, бари жойида. Шу сабабли муҳташам асардан кўнгил тўлади, қалбда ифтихор туйғулари чечак очади.

“Султоннинг сўнги кун” романини ўқишга киришган одам воқеалар ичига шўнғиб кетади, XIV асрнинг сирли-сеҳрли бағрига учиб кетади. Баҳаво Самарқанднинг ўн икки боғи, шоҳона чодирда мактуб ўқиётган улуғ амир, Бибихоним, шахзодалар, маликалар, тиш-тирноғигача қуролланган саркардалар, беклар, навкарлар бирма-бир кўз ўнгидан ўтди. Буюк рус адиби Лев Толстой “Уруш ва тинчлик” романида рус халқининг босқинчи Наполеон устидан қозонилган ғалабаси йўлидаги инсон асабини зирқиратадиган воқеалар, жанг сахналари, муҳаббат лаззатларию, йўқотишларини акс эттирган ниҳоятда мукаммал, ранг-баранг бадиий тўқима сюжетлар, табиат манзаралари ёдимга келди. Бу икки асар маҳобати билан бир-бирига жуда яқин. Умуман, мустақиллик йилларида Амир Темур ҳақидаги асарлари билан ўзбек ёзувчилари, хоссатан, Нурали Қобул, ўз диёримиз ва узоқ мамлакатларда миллий тимсолимизга эҳтиром ва салом бажо этилиб олқишланаётганида, бобокалонимиз ҳақида мукаммал ва холис фикр шаклланаётганида муносиб улушлари бор десак, тўғри бўлади. Бугун Александр Македонский ва Юлий Цезарь сингари Амир Темур ҳам энг кўп тилга олинadиган саркардалар қаторида жаҳонда машҳур.

Амир Темур тўғрисидаги асосий фикр-хулосалари илмий асосланган унинг асарларида Чингизхон ва Туркон хотун каби ёвуз шахслар, буюк Хоразм давлати ҳукмдори Султон Алоуддин Хоразмшоҳ, унинг ўғли, муғулларга қақшатқич зарба бериб халқимизнинг шаъну шавкатини кўкларга кўтарган ва ачинарли ўлим топган буюк саркарда Султон Жалолоиддин Мангуберди, соҳибқирон Амир Темурга бағишланган жуда бой тарих саҳналари, ўз ичига салкам 200 йиллик даврни олган воқеалар кўз ўнгимизда тирикдек гавдаланади. Уларнинг зафарлари, халқнинг ҳожатини чиқариш мақсадида қилган яхшиликлари, енгилликлари, маъмурчилик-ободончилик амаллари, кучли ва заиф томонлари ҳавас ва афсус туйғуларини уйғотади. Шу ўринда бир мулоҳаза пайдо бўлади. Бир ёнида лашкарбоши ўғли Жалолоиддин Мангуберди, иккинчи томонида Темур Малиқдек моҳир саркардалар турган, Хоразмдек ривожланган ва муҳташам давлат яратган, бироқ қўли баланд келиб Хитойдан бошлаб то Оврупагача ерларни босиб олган Чингизхондан кўрқмасдан унинг қабул қилиб бўлмайдиган шартларини рад этган Султон Алоуддиннинг оғир мағлубиятини изоҳлаш учун рақиблари таҳқирлаш мақсадида тарқатган “Хоразмшоҳ кибр ва ўз хатоси қурбони бўлди, қўшинларни бир ерга тўплаб душманни тор-мор қилмади”, деган маломатининг нечоғлик ўринли экани ҳақида Қуролли Кучлар Академияси мутахассислари XIII аср муғул, хитой, араб ва бошқа ҳолис муаррихлар асарларини танқидий, илмий-назарий жиҳатдан ўрганиб хулоса чиқарсалар, ҳақиқий аҳвол равшан бўлар эди.

Ёзувчи адабиётимизга олиб кирган Амир Боботурк, Алп Туркаш, Ўткун Тегин бахши, Тоҳир тарихчи сингари ёрқин образлар ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

Ўқувчи Бахши образига эътибор қаратади. Зеро, даставвал Бахши образи асарга зўраки, юзаки, ясама тикилган қаҳрамонга ўхшайди. Унинг соҳибқирон билан худди юз йиллик оғайнилардек суҳбатлашишини, бемалол фикр-мулоҳаза билдиришини, давлат ишларида тавсия ва маслаҳатлар беришини ҳазм қилиш қийин кечади. Оддий фуқаронинг қайси бири султонга шундай “бемалолхўжа” бўлиб йўл кўрсатадики, Бахши иккинчиси бўлса? Жонидан умиди бўлган одам хоқонлар билан ўйнашиб эмас, ўйлашиб муомала қилади. Халқ бошида турган шахсга ҳурмат, эҳтиром бажо келтиради. Бу гўзал удумларимиздан ибрат олиш, шукрона қилиш азалдан қон-қонимизга сингиб келаётгани чўпчак эмас, ҳақиқат-ку?! Тахтга кўз олайтириш ва қуллик бошқа нарса! Салтанат қозонида шарақлаб қайнайдиган фитна, иғво, суиқасд, хоинлик, чақув, бевафолик каби балоларга аралашиб қолган, бу ҳам етмагандек, юрагида кин бўлган ҳар қандай амалдор, энг аввало, энг қобилиятли арбобларни чақув йўли билан нобуд қилади. Бир марта бўлса-да, оқни қора деган, виждонини йўлга солган сарой мулозимини мамлакатда қирғин, қиёмат-қойим бўлиши заррача бўлса-да қизиқтирмайди, орини келтирмайди, номусини азобламайди. Аламли ютқазилар ана шунақа газандалар туфайли рўй беради. Қул шу йўлга кирмаса, у озод. У ўзига ўзи подшоҳ! Ўйлаб қаралса, бу образда мажозий маъно ҳам яширинган. Ахир, романни қанчалик тарихий асар демайлик, у биринчи навбатда, бадий асар, ундаги воқеалар, персонажлар ўртасидаги муносабатлар адибнинг тафаккур меваси ўлароқ дунёга келган.

Баъзида буюк Амирнинг айрим гап-сўзлари, буйруқлари, фикр-мулоҳазалари худди бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмагандай, боқий бўлиб кўринади. Ас-



лида ҳам шундай бўлиши керак-да! Баъзи асарларда муаллифнинг ўзининг гап-сўзлари, тор дунёқараши, жаҳон тарихида энг қудратли шахслардан бири бўлиб танилган Соҳибқироннинг тилидан берилгани сунъийлик ва ясамалиқдан дарак берадиган гаплари оқ матодаги қора ямоқдек дилни хира қилади, бош қаҳрамоннинг фикрлаши, қабул қилган фармонлари енгил-елпи, юзакидай тасаввур уйғотади кишида. Энг ёмони, фикрлаш доираси тор муаллиф буюк давлат соҳибини ўзининг даражасига туширгунча тинмайди. Мана шуниси хавфли, мана шуниси ўқувчини чалғитади. Улардан фарқли ўлароқ Нурали аканинг китоблари моҳиятига ўқувчи шундай киришиб кетадики, ўша фармону амрларга фақат Улуғ соҳибқирон муҳр босганига тўла ишонч ҳосил қилади. Фантазия уммони бениҳоя чексиз, тубсиз, гупуриб, тўлқинланиб, дам осмону фалакка, дам уфқлар ортига, дам боғлар ва тоғлар оралаб булутлар устига, юлдузлар маконига моҳирлик билан етаклаб кетадиган адиб ўқувчини ўзининг фалсафий қарашлари, китобхонни ўзига жалб қилувчи ишонарли фикрларини буюк Амир, унинг саркардалари, ўша замоннинг улуғлари тилига моҳирона, узукка кўз каби заргарона ўз ўрнида жойлаб қўйганига шунчалик ишонтирадики, сомъе буни сезмайди ҳам. Аксинча ўқувчи ҳам ўша муҳит ичига тушиб қолади, бобокалонимиз камчиликларини таҳлил қилади, бироқ вужудга келган мушкул аҳволдан чиқиш эшигини барибир, тополмайди. Чинданам хато қилган чоғларда Темур бобога беихтиёр қўл чўзгиси, маслаҳат бергилари кепкетади. Темур бобомиз шунчалик даҳо бўлганки, унинг сингари оламшумул ғалабаларни қўлга киритиш, мамлакатни равнақ топтириш, раъиятни бой-бадавлат қилиш учун ундан кейинги ҳукмдорлар ҳам Соҳибқирон мавқеида бўлиш лозим эди. Афсуски, унинг ўғитлари-

ни бузган, бир-бирини қўлламаган авлоди, улкан, яхлит, мухташам ва буюк давлатнинг парчаланишига омил яратди, ноаҳил уч давлатга бўлиниб кетган унинг ва бизнинг Ватанимизни маккор чор Россияси қонли жангларда устун келиб, босиб олди.

Ўткир Ҳошимов ҳаётда учрайдиган оддий нарсалар устидаги аҳмоқона фикрлар, тентакнамо ҳаракатлар шарпасидан чўчиб қулайми, йиғлайми, дерди. Бундан чорак аср аввал Сирдаё вилояти раҳбаридан давлат маслаҳатчиси Темур бобо ҳақида сўраганда: “Монгол, из людских голов построивший горы”, маънавият ишларининг аҳволи ҳақидаги эътирозига: “Уверяю вас по этому показателю план бесспорно выполним! Мой заместитель вам позвонит”, деб жавоб бергани, ажабки, маънавият ҳақида қилча тушунчаси бўлмаган, рус тилида сўзлашувчи элита “раҳбар” бу муборак сўзни айтишга тили айланмагани ҳақида аччиқ латифалар ҳануз учиб юради. Ўз тарихи ва маданиятининг “билмасвой”лари кўпайса, маънавий жаҳонимизга етказиладиган зарар ҳажми ҳам ортиб бораверади. Улар кавлаган маънавий ўпқонларга қулайдиганлар сони ошавёради.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг фан, адабиёт, санъат аҳлини янада юксак илмий ва бадиий асарлар ва ишланмалар яратишга илҳомлантирадиган суҳбатларини халқимиз гултожлари мутлақо янги, орзулар амалга ошадиган замон бошланди, деб тасвирламоқда. Бугунги стратегик режалар аҳоли кўксига оппоқ нур олиб кирмоқда. Мўътабар ижодлари дунёнинг чор тарафига овоза бўлган шоиру ёзувчи, адабиётшунос ва таржимон, кинорежиссёр, драматург ёки сценаристларни умуммиллий вазифалар атрофида бирлаштириш, салоҳиятига яраша қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, кексалар ва беморлар турмушидан

хабар олиш, бошпанасиз ҳаёт кечираётган, тирикчилик ва рўзгорнинг енгиб бўлмас ташвишлари, моддий юпунлик қийнаётган ижод аҳлининг турмуш шароитини тузатиш юзасидан кўмак бериш, айниқса, адабиётимизнинг эртаси учун эндигина ниш уриб келаётган ғунчаларни бағирга босиш, кўкракларини кўтариш юзасидан ҳар томонлама ўлчанган ушбу дастур кўнгилларда эртага бўлган ишончни мустаҳкамлайди, ҳеч шубҳасиз, ижод аҳлини янгидан янги асарлар яратиш, маънавият йўналишидаги залворли вазифаларни уддалаш, қизғин ижод сари ундайди ва илҳомлантиради.

“Ахборот хуружлари” авж олаётган даврда уларнинг жамиятга фойдали ноёб асарларда кўтарилган ғоялардан кенг аҳоли қатламларини баҳраманд қилиш одамларнинг бадиий оламини бойитади, шахс бўлиб шаклланишида муҳим роль ўйнайди, Ватанга бўлган меҳрини чиниқтиради, ўша маънавий ўпирилишлардан асрайди. Бироқ бир масалада ойдинлик киритиш зарур бўлиб қолди. Турли баҳоналар таъсирида нодир асарларни икки минг, тўрт минг нусхада чоп этилаётгани оқибати баъзи ютқазиларга йўл очиб бермасмикан? Фаол ўқиш ёшидаги тахминан ўн миллион ўзбек ўқувчиси учун бу етарли эмас! Ўша зулмкор шўролар даврида китоблар ҳозиргидан ўн-йигирма баробар кўп ададларда босилар эди. Улар ҳам ўз сиёсатларини илгари суриш учун бу соҳани маблағ билан қўллаб-қувватлашга зўр берарди. “Ўткан кунлар”, “Кеча ва кундуз”, “Меҳробдан чаён”, “Навоий”, “Ўтмишдан эртақлар”, “Уфқ”, “Қоракўзлар”, “Диёнат”, “Баҳор қайтмайди”, “От кишнаган оқшом” каби китоблар, Ғафур Ғуллом, Усмон Носир, Миртемир шеърлари, Шароф Бошбековнинг “Темир хотин” комедия драмаси ўзбек халқининг саводлик даражасини энг юқори кўрсаткичларга кўтарди, маъ-

навий оламини бойитди, нафақат миллий, балки хориж адабиётига меҳр уйғотишда улкан роль ўйнади. У кезларда олий ўқув юртларига билимдон ёшлар имтиҳон топширадилар. Ўша муҳитда олимлик даражасига етган зотларга бугун ҳам таъзим қилишимизнинг туб илди-зида чуқур билим, кенг дунёқараш, илмга жонини фидо қилиш каби жасорат ётибди! Илмга интилганлардан пора олмас эдилар, бу тушунча асло йўқ эди.

Ўзбекистонда Лев Толстой, Достоевский, Гоголь, Чехов, Михаил Шолохов, Жон Стейнбек, Чингиз Айтматов даражасидаги даҳолар йўқ, деганлар, юмшоқ қилиб айтганда, адашадилар. Баракали ижоди билан халқ қалбидан мустаҳкам жой эгаллаган, асарлари ҳамиша қўлма-қўл бўлиб кетадиган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Худойберди Тўхтабоев, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев, Саъдулла Сиёев, Тоғай Мурод, Тоҳир Малик, Эркин Аъзамов сингари носирларнинг, хўш, қандай камчилиги бор? Қайси жиҳати билан машҳур хорижий адибларига етолмаяпти, уларга ютқазиб қўйяпти? Бу “камтаринлик” билан нимага эришмоқдамиз? Ёзувчи ва шоир спортчи эмаски, қобилиятини Олимпиада ўйинларида намойиш қилса?! Унинг майдони қоғоз, китоб! Уларнинг қадрига ўзимиз етмасак, ким етади? Ёзувчи ёки шоирни яқка курашчи билан таққослаганда қизиқ ҳолатга дуч келасиз. Спортчи-га тренерлар, мураббийлар, маслаҳатчилар, ҳакамлар, тиббий ва бошқа мутахассислар ёрдам кўрсатади, бироқ ёзувчи асарини ўзи ёзади, ўзи нашриётга топширади, нашриётдагилар “кўнгилчанлик” қилиб берган қалам ҳақини олади, шу меҳанги билан халқимизнинг маънавий ривожланиши учун беқиёс ҳисса қўшади, ҳатто нашриёт ва босмахоналарга мўмай даромад келтира-

ди. Минглаб китобларнинг муаллифлар ва ҳомийлар маблағи ҳисобига босилаётганини, майли, мисол қилиб кўрсатмайлик, бировларнинг нонига шерик бўлмайлик.

Жаҳонга чиқишнинг бир йўли – бизнинг асарларимизни хориж ўқувчиларига тақдим қилиш. Бу масала ҳали чуқур ўрганилмаган. Малакали таржимонларни жалб этиб, миллий адабиётимизни дунё тилларига ўгириш ва бутун дунёга олиб чиқиш мақсадида Миллий таржима маркази ташкил этиш ҳам бугунги талабларга ҳамоҳанг бўлар эди.

Бундан ўттиз беш йил аввал навқирон ёшдаги Нурали Қобулнинг “Небо твоего детства” (“Тубсиз осмон”) қиссасининг тиражи Россиянинг ўзида ўн миллион нусхадан ошиб кетганди. Ёш Нуралининг рус ёзувчиларнинг кўпига насиб қилмаган М.Горький ва “Юность” мукофотлари билан тақдирланганининг ўзи баъзи саволларга холис жавоб бўлади. Нурали Қобулнинг асарлари, унинг ёзувчилик салоҳияти, тилининг ўткирлиги, равланлиги, нишонга беҳато тегадиган залворли гаплари, ёзувчилик талантига Матёқуб Қўшжонов ва Бахтиёр Назаров каби академиклар, Ўзбекистон Қаҳрамонлари Саид Аҳмад ва Озод Шарофиддинов, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Одил Ёқубов, Раҳмат Файзий, Чингиз Айтматов, Борис Полевой, Андрей Дементьев сингари адабиёт дарғалари, жаҳонда машҳур, таниқли ёзувчилар юксак баҳо бергани кичик воқеами?! Бироқ, қирқ йиллар илгариги томонлар баҳсидан нуқс истаб, катта адибнинг оёғига болта уравериш инсофданми? Фикр эркинлиги қаёқда қолади?

Камина соҳибқирон Амир Темур ҳақида қўша-қўша холис ва муҳташам романлар ёзган, ёши етмишга яқинлашган, олдиндаги саксон ва тўқсонни кўзлаб кетаётган, қолаверса, жаҳоннинг машҳур ёзувчилари

қаторидан мустаҳкам ўрин олган тарихчи ва элшунос олим, йирик файласуф ёзувчи Нурали Қобул ҳақида гап бошлаган эдим. Унинг устунлиги улкан тадқиқоти ва ушбу романлар орқали тарихий ҳақиқатни исботлаганида! Адиб тарихий ва бадиий китоблар ичида қамровининг кенглиги, мушоҳадаларининг чуқурлиги, тарихий ҳақиқатга яқинлиги, умуммиллий қадриятлар, хоссатан, миллий менталитет ва шаън доирасида экани, истилочилар позициясидаги қарашларини тикиштиравериш чарчамаган рақибларимизнинг фикрига муносиб жавоб бўладиган ҳуқуқий, тарихий ва бадиий жиҳатдан ҳар томонлама асосланган, Яссавий, Темурбек, Навоий ва Бобур ҳазратларнинг арвоҳи шод бўладиган баркамол полотно яратибди.

Интернет сабабли аҳолининг китобга бўлган эҳтиёжи камайди, деган бир ёқлама гаплар туфайли оддий одамларнинг маънавиятида пайдо бўлган бўшлиқни нима билан тўлдириш мумкин бўлади? Бас, шундай экан, энг сара китоблар қаторида буюк Соҳибқирон ҳақидаги асарларни республикамиз аҳолиси ўртасида тинмай тарғиб қилиш, уларни чуқур ўрганишни ташкил этиш, ул зотнинг инсоният олдидаги хизматларини халқимизнинг шуурига жойлаштириш зиёлилар ва мутасадди раҳбарларнинг энг муҳим вазифаси бўлиб қолаверади.

Кўнглимдан, қанийди, мана шу асарлар асосида соҳибқирон ҳазратлари ҳақида халқаро аҳамиятдаги ардоқли режиссёр, Ўзбекистон халқ артисти Шухрат Аббосов ҳаётлик даврида тарихий-бадиий сифати баланд, қамрови кенг, мазмун-моҳиятида ҳақиқат, адолат, объективлик, холислик устунлиги билан ажраб турадиган, араб, форс, рус, инглиз тилларига таржима қилинган юз-икки юз серияли муҳташам киноэпопея

яратганда, улуғ ва савобли иш амалга ошган бўлар эди деган армон ўтди. Шубҳа йўқки, улуғ бобокалонимиз Амир Темур ҳазратлари ҳақида Александр Македонский, Чингизхон, Пётр Биринчи, Наполеон, Усмонли турк султонлари ҳақидаги фильмлар сингари, Голливудникидан қолишмайдиган мукамал кинофильм яратилади ва Соҳибқиронни қайтадан оламга танитади, унинг номи бошқатдан етти иқлимга машҳур бўлади, деган ишонч қалбимни тарк этмайди. Бунинг учун маблағ тўплай олишимизга ишонаман. Ўзим ҳам пенсиямдан бир қисмини ажратиб қўйдим. Тома-тома кўл бўлур дегани шу-да! Орзуларни жиловлаб бўлмас экан. Ўз тарихига қизиқувчилар бу бадиий баркамол романларни топиб ўқишлари, ватанпарвар ҳомийлар кўмагида хорижий тилларга таржима қилиб тарқатишларига умид боғлаб қоламиз.

Биз китобни таҳлил қилишни олдимизга мақсад қилиб қўймадик, хўлосаларимизда ана шу аҳдимизга содиқ қолдик.

Дашт иссиғида кечгача чанқаб ҳолдан тойиб кутилмаганда Сардобага дуч келиб, қониб-қониб сув ичган йўловчи сингари Нурали Қобулнинг тарих ва адабиёт уйғунлиги бир бутун бўлиб кетган туркум китобларини ютоқиб, бошни кўтармай ўқийсиз, ундаги воқеаларни ҳазм қилиб борасиз, ўзингизга нималарнидир оласиз. Манзилга етгач ҳам кўнглингиз китоб саҳифалари туғашини асло истамаётганини туясиз. Бу энди китоб ишқи, китоб шайдоларининг олий туйғуси. Ўз ўрнида ўқувчиларининг меҳрини қозонган, олқишларидан илҳоми жўшиб ижод қилаётган катта адабиётимиз намоёнрасидан ҳамиша ёрқин асарлар кутиб қоламиз.

**Муҳиддин ПОЛВОН**  
**(Тошкент, 2017 йил 8 март)**

**МАРД ҚИЙИННИ ЕНГАДИ, НОМАРД  
БҮЙИННИ ЭГАДИ**

**ЁХУД КЎЗДАГИ ЁШ, ДУОДАГИ ТОШ**

*Халқаро Чингиз Айтматов академияси академиги,  
ёзувчи Нурали Қобул билан шоир Баҳром Рўзимухам-  
мад суҳбати*

*Менинг номим назм билан боқий  
қолади. Султон карами билан эмас. Де-  
вон миннатини тортмоқ истамайман.*

**Абулқосим ФИРДАВСИЙ**

*Менга китоб жўнатиш, китоб,  
кўп китоб, зеро қалбим ўлмасин...*

**Фёдор ДОСТОЕВСКИЙНИНГ ўлим  
ҳукми сургун билан алмаштирилган-  
да, Сибирдан оиласига ёзган макту-  
бидан**

– Нурали ака, жамиятни улкан заминга қиёс эт-  
сак, шоиру насрнавислар макон айлаган жой тип-  
тиниқ булоқлар теварагида бўлади. Аммо афсуски,  
кейинги йилларда бу булоқлар лойқаланди. Ада-  
бий муҳитимиздан холислик туйғулари олислашди.  
Ўша аҳволни Сизга муносабатда ҳам кўрдик. Боиси,  
шу пайтгача соҳибқирон Амир Темури барпо этган  
буюк салтанатга бағишланган ўн жилддан иборат  
«Темурийлар» эпопеянгиз чоп этилди ва қўлма-қўл  
ўқилмоқда. Бадиий асарлари ўқилиши ҳамда нашри  
бўйича ҳам пешқадамсиз. Улкан меҳнат самараси  
ҳисобланмиш ва адабиётимиз хазинасига чин маъ-  
нода дурдона бўлиб қўшилган бу асарлар ҳақида  
эса ҳамон адабий жамоатчилик сукутда. Бу жимлик-  
ка муносабатингиз қандай?



– Улусимизда «Ижобат бўлмаяжак дуога омин дейилмас» ёки «Изоҳи аниқ саволга жавоб берилмас» деган нақллар борлигини яхши биласиз. Холислик ва ҳалоллик барчанинг қўлидан келадиган иш эмас. Бунинг учун инсон эътиқодли, виждонли ва энг асосийси, мард бўлмоғи керак! Мардлар эса ҳар куни ҳам туғилавермайди. Ҳар қандай истеъдод эгаси ижодкорликдан олдин шахс, халқ тили билан айтганда, «Инсон каби инсон, одам каби одам» бўлмоғи керак. Комилликка эришмоқ ва ҳаққа етмоққа авлиё Лев Толстой каби жону жаҳдингиз, бутун ақлу идрокингиз, иймону эътиқодингиз билан интилмас экансиз, инсонийлик истеъдоди аталмиш энг юксак мезонлардан, ватаний ахлоқдан бир умр бебаҳра ўтмоғингиз тайин. Кишилиги ғариб, инсон сифатида номукамал ижодкорнинг ҳам ёзгани шахси каби қусурли, ўлчами қаричи каби калта бўлади. Сиз назарда тутган маънавий бўҳронларнинг бош сабаби ҳам чаламуллалик ва саводсизликдир. Жоҳилу саводсиздан ҳар қандай разилликни кутиш мумкин. Ўзингиз тасаввур-этинг-ижод-аҳли-эътиқод қўйган ва кўз тиккан матбуот тизимини иншо тугул, диктант ёза олмайдиган кишилар бошқарса, адабий қулоқлар бошида адабсиз мироблар турса, адабиёту китобат санъатидан қандай самара кутиш мумкин? Сукут ҳақида эса жавобим шундай. Одатда одамлар, билхосса, ҳамкасблар ва адабий жамоатчилик уч ҳолатда сукут сақлайдилар. Биринчиси, бирор юмушни улар фикрининг уфқи етмас тарзда уддалаганингизда. Иккинчиси, бирор бир мансаб ва мақом эгаси эмаслигингизда... Мансабдор битикчиларнинг эса ўртамиёна, ҳатто ундан паст яратиқлари ҳам шу қадар маҳорат ва юксак бадиий талқинлар билан таъриф этиладики, ўқиб, ҳатто, уялиб кетасиз. Учинчиси тепадагиларнинг сизга муносабатига қараб иш тутадилар. Лекин китоб, ҳақиқий маънодаги бадиий асарнинг

тарғиботи ўзи билан бўлади. Уни таърифу тавсиф этмасангиз ҳам ўз ўқувчисини топади. Шу маънода, “Темурийлар” эпопеясининг дастлабки жилдлариёқ, қайта-қайта нашр этилаётгани, қорақалпоқ, турк, инглиз, рус тилларига ўғрилаётгани, инглиз тилида “Амазон” интернет тармоғида ўқишга қўйилгани, энг асосийси, китобхонлардан келаётган ҳаяжон тўла тилак ва истаклар муҳим мен учун. Қолгани эса иккинчи даражали гаплар. Зеро, адабиётга сиёсат ва спортга қараган каби ёндашмаслик керак. Бундан ташқари, ёзувчи узлатга чекинса, ёлғизликнинг илоҳий гаштини сурганича кўнглидагиларни қоғозга бус-бутун тўкади ва энг муҳими, кўзини чўқимоққа шайланган қарғалардан ўзини ҳимоя этади. Адолатсизлик ва ноҳақлик найзасидан жароҳат олмаган бирор катта шахсни биласизми? Шундай экан, ҳар қандай қийинчилик, ҳақсизлик, азоб-уқубатни қисмату қадарнинг синови, шарафли ва саодатли кунларнинг пойдевори дея қарамоқ керак. Чунки келажакнинг буюк ҳадафларини ва олий адолатини ўткинчи, майда-чуйда мақсадларга, маиший ташвишларга қурбон этмоқ ҳақиқий ижодкор учун уволдир. Кечмишдагиларни қўйинг, кечагина ёнма-ён яшаганимиз, бир ҳаводан нафас олиб, бир мақсад йўлида курашганимиз улуғ ижодкор Чингиз Айтматов юртдошлари томонидан яратилган ана шундай шарафсиз иқлиму муҳитдан қочиб, умрининг сўнгини хорижда ўтказиб, ғурбатда ҳаётдан кўз юммадимми?!

Эсингизда бўлса, Мустақиллик Декларацияси қабул қилиниши арафасида тепадан Ёзувчилар уюшмасини парчалаш режаси ўртага ташланди. Ватан, миллатнинг катта мақсадларидан айри тушган қатор шоирларимиз бу ғайримиллат ва ғайриватаний ишга бош-қош бўлдилар. Бу ишга кимсан; Эркин Воҳидовдек шахс ва шоир

ҳам аралашиб қолдилар. У кишини сўзда “Ёзувчилар иттифоқи” деган ташкилотга раис ҳам этиб сайладилар.

Мақсад Ёзувчилар уюшмасини бўлиб, сўнгра халқни бўлмоқ эди. Бироқ соғлом куч ва фикрли ёзувчиларнинг саъйи ҳаракатлари туфайли уюшма бўлинмади. Сохта ва қўлбола “ватанпарвар ва ташкилотчилар”нинг юзи эса қоралигича қолди.

Бир асрдан ошиқдир давом этиб келаётган бир кишининг симпатияси билан етовга ўрганган, кишиликсиз кишилардан сохта қаҳрамону арбоблар, антипатияси билан ҳақиқий ватанпарвар шахсиятлардан (масалан Ҳабиб Абдуллаев каби) халқ душманию хачир ўғрилари ясашдек ғайриинсоний, мустабидона сиёсатга чек қўймоқнинг аллақачон вақти замони етгандир. Бироқ бу разил кучлар ёзувчилар, олимлар ва зиёлилар ва халқни бўлиш, ўзу ўзгага айиришда давом этдилар. Қора рўйхатлар тузилиб, радио, телевидения, газета, журнал ва нашриётларга жўнатиш яъни маънавий қатағон чорак аср мобайнида давом эттирилди. Тепада бу қатағоннинг бош-ижодкорлари-бўлмиш “ҳамкасб”ларимиз ҳануз сўз соҳиби бўлганликлари боис ушбу рўйхатлар ҳали-ҳануз бекор қилинмаган шекилли. Бироқ республикада бошланган реформа ва янгиланишлар бу соҳага ҳам етиб келади деган умидда юрган ижодкорлар жуда кўпчиликни ташкил этади.

Ҳаётнинг ёзилгану ёзилмаган тўра ва тузуклари шундай. Мардлар мудом қийинни енгган. Номардлар эса бўйинни эгганлар.

Сиздек ажойиб шоирнинг носирона саволларига бир назмий битик билан жавоб берсам не дейсиз?

– Сизнинг «Оқ қайин», «Соч эмас бу» ва «Яралган» каби шеърларингизни адабиётни англамаганлар ҳам яхши билишади. Марҳамат. Яхши бўларди.

– Ўзи ҳақиқий шеър ёзилмайди. Содир бўлади.

*Дунёи дун, ҳеч бир қилмиш,  
Изсиз қолиб кетмагай.  
Пайғамбарлар умри битар,  
Дунё иши битмагай.*

*Жаҳонгиру авлиёлар,  
Шоҳу гадоӣ ўтмагай.  
Дам етарки, тулпор толар,  
Қўллар жилов тутмагай.*

*Тундай қаро кунлар ўтар,  
Не-не тонглар отмагай.  
Боқий дунё шаробини,  
Кимса қолмас тотмагай.*

*Юлдуз порлар, ой ҳам боқар,  
Не қуёшлар ботмагай,  
Биз кўзлаган уфқларга,  
Хаёллари етмагай.*

– Бир воқеани айтмоқчиман. Биласиз, таниқли адибимиз Мурод Хидирнинг кўзлари кўрмай қолган. Бир куни Сувон Мели, Рустам Сафо ва яна бошқа дўстларимиз билан зиёратларига борганимизда “Нурали Қобулнинг Амир Темур тўғрисида ёзган асарларининг дискини тинглаб, жуда таъсирландим. Бу асарларни инглизчага таржима эттириб, Нобель мукофотига тавсия қилмоқ керак”, деди. Мурод ака унча-мунча асарни мақтамайдиган, талабчан устоз.

– Мурод Хидир истеъдодли ижодкор ва ҳалол, қалби бола каби беғубор, ҳамиятли инсон. Лекин биз ҳар қандай фикр-мулоҳазаларга очиқ кўз ила ва совуққонлик би-

лан боқишимиз керак. Чунки боболаримиз “Бош кесмоқ бор, тил кесмоқ йўқ” дейишган. Мурод ака тилаган тилак келажакда адабиётимизнинг бирор-бир вакилига насиб этишига шубҳаланмайман. Бироқ ўша онларни биз кўрагимиз-йўқми, бу номаълум. Қолаверса, Нобель унвонини асл адабиётнинг мезони дея қарамоққа-да эҳтиётли ёндашмоғимиз лозим шекилли. Олмон шоираси Нобель совриндори Нелли Закс ёзганидек, бу мукофотни олганларнинг барчаси ҳам даҳо бўлавермайди. Нобель маърузаларини яхшилаб кўздан кечирсангиз, бунга ишонч ҳосил қиласиз.

– Дейлик, “Темурийлар” эпопеясида “Ўзбекистон” каналида парчалар ўқилса ҳам халқ севиб тингларди. Чунки ҳозирги кунда китобингиз тарғиботи суст. Бунга нима дейсиз?

– Бир нарсанинг тўғриси айтмоқ керак. Китоб ўқимоқни не қадар тарғиб этманг, қарору фармойишлар чиқарманг, ўқишни истамаган одам ҳеч қачон ўқимайди. Бойси, ўқигани билан уни тушунмайди. Тушунмагач, табиийки, ўзида китобга рағбат сезмайди. Вазир мақомидаги бир танишим “Китоб ўқисам юрагим сиқилади” деганида ҳайрон бўлганман. Бундай раҳбар, табиийки, атрофига ўзи каби китоб ўқимайдиган чаласаводларни йиғади. Яна бир ҳажвчи танишимдан, бир қанча унвону мукофотлар соҳиби бўлган ва давлат идораларида каттагина мансабларда раҳбар лавозимида ишлаган ижодқордан эса ундан-да аянчлироқ жавобни эшитганман. Ҳамкасблар суҳбат асносида Чехов билан Лев Толстой ҳақида баҳслашиб қолишди ва ўша танишимдан тортишувга муносабат билдиришни сўрадилар. Ҳажвчимиз уялмай-нетмай “Ундай катта ёзувчиларнинг асарларини катта ёзувчилар ўқийди, биз ҳажвчилар

эмас” деган жавобни берди. Мана сизга ёзувчиликни даъво қилиб юрган таниқли ҳажвчининг жавоби. Майли, масхарабозликнинг замирида маънавий қашшоқлик ётади деган гап бор. Бизда режиссёру актёр, қўшиқчию шоирларнинг жуда катта қисми китоб ўқимаслиги маълум, энг фожиалиси раҳбар ва ёзувчиларимиз ҳам ўқимайдилар.

Россияда эса гўлаҳ ҳам китоб ўқийди. Бизда эса филолог олим ҳам ўқиши шарт бўлган китобни қўлига олмайди.

“Яхши ёзувчидан кўра, яхши ўқувчи кам” деган иборани эшитган бўлсангиз керак. Болани ўйинқароқлик даври бошланмасдан ўқишга ўргатмоқ керак. Йўқса, барча сайъи-ҳаракатингиз қумга чизилган сурат каби бесамар бўлиб қолаверади. Шу ўринда яна бир нарсани айтмоқ керак. Илгари республикада “Ўзкитоб” деган тизим бўларди. Боя қайд этганимдек, ўша диктантни ёза олмас арбоблар бу тармоқни йўқ қилдилар. Ҳозир ҳам бу масъул иш билан шуғулланувчи ташкилотлар тепасида китобга алоқаси йўқ, тижоратчи кимсалар кўпчиликни ташкил ётади. Улар учун дўконда китоб сотиладими, картошка сотиладими фарқи йўқ. Тирикчилиги ўтиши керак. Ҳозирда туман ва қишлоқларда китоб дўконлари, кутубхоналар тикланаётгани қувонарли. Чунки қишлоқ кенгашлари мактаблардаги кутубхоналар ҳам имло ўзгариши баҳонаси билан талон-тарож қилинган эди. Ёзувчилар уюшмасининг Дўрмон ижод уйидаги ва Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти кутубхоналари йўқ қилингандан сўнг дардингизни кимга айтасиз?

Бундай олиб қарасангиз, аслида оламни яхши ниқоб кийган, бўлгани каби кўрина олмайдиган ва кўрингани каби ҳам бўла олмайдиган сиёсий масхарабозлар йў-

натадилар. Кечмиш, Чингизхону Амир Темур даврида ҳам шундай бўлган. Ҳозирда ҳам шундай ва бундан кейин ҳам бу ҳолат такрорланаверади. Боиси, дунёнинг барча мамлакатларида юксак сиёсий ахлоқ ва маданиятнинг шаклланишига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Тошу тахт, мулки давлатнинг ҳар кас англаб етмас тўраю тузуклари борки, инсоният бу оҳанграбонинг ортидан ҳаллослаб югурмоқликка маҳкум этилган. Воқеа ва ҳодисаларни кузата туриб, файласуфнинг “аҳмоқнинг нияти тўғри бўлса-да, уни амалга ошириш йўли янглиш бўлади. Жинни эса мудом кимсанинг ақлига келмас хато йўлни танлайди” деган фикри не қадар ҳақлигига имон келтирасан киши.

Энг даҳшатлиси, китоб кўрмаган одамга тарбия ҳам бериб бўлмайди. Чунки таълим тарбия китоб орқали берилади. Бундай кимса ҳар қандай ёвузлик, разиллик ҳатто қотилликдан ҳам ўзини тия олмайди. Шайтоний ҳис-туйғуларга еник тушаверади.

Эътибор беринг. Бу ҳақда Фредрико Гарсиа Лорка нима дейди? Инсон фақат нон билан тирик эмас. Агар худо кўрсатмасин, оч-наҳор қолиб, ночорликдан кўчада тиланчилик қилишга тўғри келганда мен асло нон тиламас эдим. Бир парча экмак ўрнига битта китоб сўраган бўлардим. Кутубхона минбаридан туриб, фақат иқтисодий эҳтиёжлар ҳақида сўзлаб, маданий эҳтиёжларни тилга ҳам олмайдиганларга муносиб жавобим шу:

Халқлар овози борича ҳайқириб сўраётгани аслида китобдир. У ер юзасидаги одамларнинг ҳаммасига тўғри келадиган бирдан-бир егулик! Агар инсоният маънавиятнинг шу мевасидан баҳраманд бўлмаса, у давлат идораларида ишлаётган ҳиссиз манқуртга айланади.

Мен қорни оч одамдан кўра, маънавияти қашшоқларга кўпроқ ачинаман. Чунки оч одамни яримта нон билан тўйдириш мумкин. Аммо маънавиятсиз кимсани тўйдириб бўлмайди. У даҳшатли талвасани бошдан кечириб яшайди.

Буни бизда тўқни тўйдириб бўлмас дейдилар. Бироқ ҳар қандай тўқлик ва ортиқча бойлик тоймоқлик билан тугашлигини эс-ҳуши, ақли идрокини мулки давлат тўплаш йўлига тикканлар англаб етмайдилар.

Сибир тайгасининг қоқ ўртасидаги бетон деворлар орасида изтироб чекаётган даҳо Достоевский нега хешу ақраболаридан парча эту экмак сўрамади?

Қаҳратон қиличини қайраган кечаларда иссиққина танчада ўтиришни ҳам орзуламади? Ташналигини қондириш учун сув ҳам сўрамади.

Лорка таъбири билан айтганда руҳнинг, юракнинг чўққисига чиқиш учун зинапоя – китоб сўрарди. Сабаби вужуднинг очлик, чанқоқ ёки совуқ туфайли жисмоний, биологик ва табиий азобланиш муддати қисқа муддат давом этади. Ҳамда маълум муддатдан сўнг киши буни унутади. Бироқ нурга, эзгуликка қоникмаган юрак, бутунликка интилмаган имон бир умр азият чекади. Ҳаёт ва умрнинг моҳияту мантиғини англамай ўтиб кетади.

Ёқа ушлайдиган томони шундаки, китоб билан боғлиқ давлат, таълим-тарбия ташкилотлари, мутасаддилари; китоб ҳақида эшиттириш тайёрлайдиган радио ва телевидения ходимлари, нашриёт, газета ва журналларнинг раҳбарлари китоб ўқимайдилар. Бироқ экран ва тўлқинларни банд қилиб китоб тўғрисида гапирадилар. Яқинда суҳбатлашганимизда ёш ёзувчи Жавлон Жовлиев “биз бир китоб ёки ёзувчи ҳақида бировдан эшитганларимизни тўтиқуш каби бошқаларга такрорлаб юргувчи ўқувчига айланиб қолдик” деди изтироб билан.



Китобхонлар мусобақасида ғолиб бўлган ўқувчи машина билан мукофотланди. Бу ҳам китобнинг кароматию шарофати. Бу қизимиз аслида китоб ўқигани учун машина ютишни хаёлига келтирмагандир балки. Киши ўз ақли закоти билан ўқиб, изланиб, ойдин бир келажакни яратмоқ учун китоб ўқийди.

Ўқувчини тақдирлар эканмиз, бу китобни ёзган инсон заҳматини ҳам унутмасак яхши бўлар эди.

Кечмиш улуғларимизни шарафлар эканмиз, кўзи тирикларни-да кўрмасликка олмаслигимиз янглиш эканлигини хотирлатмоқ-да фойда бордир. Боиси, ҳақиқий давлату ҳукуматлар аввало тирикларга эга чиқадилар. Тирик инсон нимагадир муҳтож бўлади. Тупроққа айланганлар ҳеч нарсага муҳтож эмаслар...

Агар шундай бўлмаганда Фирдавсийдек буюк даҳо “Шоҳнома” кўлёмаси хуржун ортилган хачирда Тус-Ғазна йўлини чангитиб, сарсонун саргардонликда султон Маҳмуд Ғазнавий саройи дарвозаси қаршисида сарғаймаган, қорахонийлару сомонийлар, араб халифасию эрон шоҳлари орасидан шоиру-адиб-олиму-зиёлиларга рағбат кўрсатувчи ғазнавийларни танламаган бўлур эди.

Шунинг учун ҳам халқимиз бежизга гапни гапир уққанга, жонга жонни суққанга, гапириб не қиласан онаси бевақт туққанга, демаган.

Ижод ақли бир оғиз ширин сўзнинг гадоси, машаққатли меҳнати эътирофидан ва қилган ишини англаган ҳамда қадрига етиб эътироф этилганидан боши кўкка етгучи кўнгил кишилари дир.

Бироқ адолат ва адабиёт қотиллари, жоҳилу чаласаводлар Фирдавсийни ҳукмдордан узоқлаштирадилар. Мазҳабу шариатнинг қотиб қолган ёлғон яшиқларини баҳона қилиб, уни эшак ўғрисига айлантирадилар.

Ниҳоят султон Маҳмуд Ғазнавий омиллар (солиқчи) зулмидан қочиб ҳузурига келган шоирнинг кимлигини англаб етади. Унинг рубоийларини диққат ила тингла- гач:

– Омон бўл, эй Фирдавсий! Мажлисимни Фирдавс боғидек обод қилдинг! Бундан сўнг бул якто шоир- ни Фирдавсий дея улуғласинлар! – дея хитоб этди ва “Шоҳнома”ни назм қилишни буюради ҳамда султон са- ройи ёнидан жой ҳозирлаб беришни буюради.

Султон Маҳмуд Ғазнавий юксак эҳтиромининг рам- зи ўлароқ Фирдавсий дея тахаллус берган шоир олти- миш минг байтли “Шоҳнома”ни ҳукмдорга тақдим эта- ди. Муқаддима мадҳиясида хазина вазири Хожа Ҳасан Маймандийнинг оти йўқ эди. Дўстлари шоирга насиҳат қилиб, муқаддимага Маймандий исмини қўшишни айта- дилар. Муаллиф хайрихоҳлар фикрини қабул қилмай, “менинг номим назм билан боқий қолади. Султон кара- ми билан эмас, девон миннатини тортмайман” дея жа- воб беради. Эътирозчилар бу гапни Маймандийга етка- задилар.

Шу тариқа “Шоҳнома” султон Маҳмуд Ғазнавийнинг қўлига етиб боради.

– Юз минг дирам қизил тиллани Фирдавсийга етку- ринг! Одам Атодин шу кунгача ҳеч ким бунчалик назм айтмаган ва айта олмайди! – дея амр этди султон вазир Хожа Ҳасан Маймандийга.

– Султон ҳиммати ва Фирдавсий битигини қиёс эт- ганда бу инъомни икки бор оширмақ лозим. Шунда ҳам унинг ҳақи кетади. Бироқ бу маблағни унга оз-оздан бе- риб бормоқ лозим, – деди вазир Маймандий гапни ай- лантириб.

– Бу билан не демоқчисан? Нима бу қадар олтину зар менинг хазинамда йўқми? – ғазаби қўзиди султоннинг.

– Бир қошиқ қонимдан кечинг, султоним! Сўйлаганимдан юз чандон ортиқ олтину кумуш хазинангизни тўлдириб турибди. Аммо бу қашшоқ битикчи бундай катта бойлик қаршисида ўзидан кетиб ўлиб қолиши мумкин. Унда бу маблағ ҳам иту битнинг қўлига тушиб ҳайф бўлади, – деди ишончли оҳангда. – Гарчи бу Фирдавсий дегани рофизий ва муътазилий бўлса ҳам, – қўшиб қўйди султоннинг жон жойидан олиб.

– Унда билганингни қил. Иложини топиб уни рози қилиш йўлини топ! – деди вазирнинг бу эътирози султонга салбий таъсир қилиб.

Вазирнинг амри билан олтмиш минг дирамни Фирдавсийга элтдилар. Фирдавсий ҳаммомдан уйига келганда унга пул халтасини бердилар. Ақчани тилла деб ўйлаган шоир очиб кўрса, кумуш экан. Кўриб дили ранжиди. Хазина вазири уни алдаганини сизди. Маблағнинг йигирма минг дирамни ҳаммомчига, яна йигирма минг гини бўзачига ва қолган йигирма минг гини ақчани олиб келган кишига берди.

Маймандийнинг қутқуси билан подшоҳ шоирнинг бу ҳаракатини ўзига нисбатан ҳақорат ва ҳурматсизлик деб билди-да амр берди:

– Фармоним шул туруп! Бул қарматийни фил оёқлари остига ташласинлар!

Фирдавсий султон оёқларига йиқилиб, ўз жонини сақлаб қолди.

Қочиб-пусиб ўз юрти Тусга, ундан Табаристон подшоҳи Шерзод ҳузурига келди ва “Бу китоб сенинг боболаринг ҳақидадир. Уни сенга тақдим этаман” дея топширади. Юз минг олтин танга беради. Подшоҳ Шерзод Фирдавсийни султон шотирлари қаҳри ғазабидан асрамоқ учун Мозандаронга жўнатди. Фирдавсийнинг бу ерда ҳам жон хавфсизлиги йўқ эди. Ниҳоят у Бағдод ҳижратини ихтиёр этди.

Бир инсофли тужжор халифанинг вазирига Фирдавсийнинг Бағдодга келганлигини айтади. Фирдавсий шахсиятини фарқига борган вазир бу ҳақда халифага сўйлайди. Халифа Фирдавсийни ҳузурига чорлаб, олтмиш минг мисқол олтин ва фахрли саруполар билан сийлаб, Бағдодда осуда яшайверишини айтади.

Фирдавсийнинг Бағдоддалиги ва халифанинг шоирга кўрсатган эътибору саховатидан хабар топган султон Маҳмуд Ғазнавий дорулхилофага мактуб ёзиб, чопар юборади. Мактубда “Агар ўша қарматийни менга жўнатмасанг, Бағдодни филлар оёғи остида топтатаман” дейилганди.

Халифа султон Маҳмудга ёзган жавоб мактуби уч сўздан иборат эди: “Бисмиллоҳи раҳмони раҳими алам...”

Боши қотган султон вазиру беклар олиму оқилларни тўплаб, мактуб шарҳини изоҳ этмоқни сўради. Ҳеч бир киши бу жумбоқли жумлани еча олмади.

– Мен бу жумлалар сирини ечсам, – дея бир йигит ўртага чиқди.

– Сўйла! – деди султон изн бериб.

– “Аламтура кайфа набала раббика биасхабилфили” демоқдалар мусулмонлар халифаси, – мактубни шарҳлади йигит Қуръони каримдаги филлар ила боғлиқ оятни тафсир этиб.

Жавобдан қоникқан султон уни тарбиятига олди.

Бу воқеадан кўп ўтмай ғузлар билан уруш бошланди. Ғузларга мактуб ёзиб жўнатишди. Ғузлардан келган мактуб шеърӣ эди. Вазир Хожа Аҳмад Ҳасан уни султонга ўқиб берди:

*Агар на ба коми ман ояд жавоб,  
Ману гурзи майдони Афросиёб.*

– Мардлигу жасорат уфуриб турган бу байт кимники?  
– сўради султон Маҳмуд.

– Бечора Фирдавсийники. “У ўттиз йил ранжу изтироб чекиб, “Шоҳнома” отлиғ китоб ёзди. Аммо ҳеч бир самарасини кўрмади, – деди Фирдавсийнинг меҳнати ва истеъдодини қадрлагани ҳамда уни тақдирлашни орзулаб юрган вазир Ҳасан.

Шундагина султон Маҳмуд Фирдавсийга қилинган адолатсизликни тушуниб етди. Вазири Хожа Аҳмад Ҳасанга юз минг мисқол олтин тангани шахсан ўзи Тусга элтиб, Фирдавсийга топшириб, ундан узрлар сўрашни буюрди.

Умр манзили яқинлашиб қолганини сезган авлиёсифат шахсият Тусга қайтиб келган эди.

Олтин ортилган Ғазна карвони Туснинг Ғудбор дарвозасидан тантанавор кириб борар, салтанат тулпори устидаги вазир Хожа Аҳмад Ҳасан дуч келгандан Фирдавсийнинг уйини сўраб-суриштирарди...

~~Майит солинган тобутни кўтарган азадорлар эса шаҳарнинг Разон дарвозаси томон кетиб боришарди.~~

– Бу қадар кўп халойиқ кимнинг жанозасига тўпланган? – сўради вазир одамларга яқинлашиб.

– Ҳазрат Фирдавсий ҳақ раҳматига қовушдилар, – жавоб қилди кўзидан ёши сел бўлиб оқаётган киши.

Тусга олиб келинган олтин сабил қолган, буюк шоир бевафо дунёдан кўз юмган, мутаассиб руҳонийлар мусулмонлар қўйиндисига кўмишларига изн бермаганлари учун жасади отасидан қолган боғнинг бир четига кўмилган эди.

Эндиликда бу маскан адолат, адабиёт ва шеърининг Каъбаси каби зиёрат этилади.

Бу саволингизга жавобим бироз узунроқ бўлди.

Қусурга боқманг, узр сўрайман. Шоҳу гадой, ким бўлмасин, китоб ўқимаган кишининг қалби сўник ва ўлик бўлади. Бу ибратли ҳикояда мен кўзи очиқ ўқувчимизга шуни англатмоқчи бўлдим. Ҳақиқий бадиий адабиётни англамаган киши ҳақиқату адолатни ҳам англамай ўтади.

– Устоз Чингиз Айтматов соф тарихий мавзуда бирон асар битмаган. Дарвоқе, буюгимиз Абдулла Қодирий қаламига мансуб “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романлари ҳам қисман тарихий асарлардир. Ўша асарларда Қўқон хонлиги ва унинг тасарруфидаги Тошкент беклиги воқеалари акс эттириладики, буни ҳаммамиз биламиз. Қодирий тили, Айтматов тили ўта жозибадор. Алексей Толстой қаламига мансуб “Улуғ Пётр” асарини завқу шавқ ила ўқиганим ёдимда. Кейинги йилларда Амир Темури ҳақида ёзилган қатор асарларда эса ҳамма нарса бору, аммо жозибадор тил йўқ. Ажабтовур жиҳати шундаки, тили ғализ бундай асарларни ҳатто катта доираларда ҳам тилларидан бол томиб мақташди. Бу ҳақда нима дейсиз?

– Чехов асарларининг ўзбекча уч томлик таржимасини ўқиган чиқарсиз, албатта. Таржимада Туркистон туркчасининг энг гўзал қирралари, бутун жозибаяу мафтункорлиги билан намоиш этилган. Ҳатто кўз-кўз қилинган десам ҳам муболаға бўлмас. Таъбир жоиз бўлса, тилимиз бор бўйи баста билан ижобий маънода қурбон қилинган. Асарларни ўқийтуриб, хаёлингиздан беихтиёр, агар буюк Чехов ўзбек бўлганида ўз асарларини бизнинг она тилимизга қилинган таржимадагидек жозибали ёза олармиди, деган фикр ўтади. Қодирийни ёки Айтматовни олмонча ёхуд фарангчага таржима қилишса, муаллифлар тилининг жилоси, турфа маъно-

си ва оҳангини сақлаб қола олишадими? Бу жуда қийин ва машаққатли иш. Мен устоз Айтматовнинг “Болалигим” асарини қирғиз туркчасидан Туркистон туркчасига мослаштирганман. Буни таржима дейишга ҳам уялади киши. Боиси, биз бир тилда, биров фарқли лаҳжаларда қўнишувчи тек миллатмиз. Унинг тили жуда оддий ва табиий. Бугунги кунда баъзи бир ҳамкасбларимиз новаторлик, кашфиётчилик дея баҳоланаётган жимжимадор, узундан-узоқ ва бурама, қуроқ жумлалардан холи. Айтматовнинг буюклиги ва халқчиллиги ҳам шунда. Зеро, буюклик – табиийлик ва оддийликдан бошланиб, шунда тугайди.

Катта давралардаги мақтовлар борасида эса икки буюк шахс – Муҳаммад пайғамбар ва Ҳазрат Навоий сўзлари ила жавоб бермоқни лозим топдим. “Ўзларини ўзгаларга мақтамоққа мажбур этганлар дўзахнинг энг тубидан ўзларига жой ҳозирлайдилар” дейдилар пайғамбаримиз. “Мақтов – чорасиз кулфатдир” дея кўтар-кўтарнинг оқибатидан огоҳ этадилар ҳазрат Навоий. Мақтовнинг туб моҳиятини англамаган кимса учун у ҳамду сано, англаган одам учун эса ўзлигининг кушандасидир.

– Камина бир манбаада, Амир Темур шоирларни ва масхарабозларни ёмон кўрар эди, қабилидаги гапларни ўқиганман. Яна ўша манбаада соҳибқироннинг савол бериб, уламони қай усулда мот этганига далиллар келтирилган. Ойдинлашадики, Амир Темур ўта ақлли, зийрак ва айни пайтда, зиддиятли шахс. Хўш, ўша зиддиятларни асарларингизда қай тариқа ифода этгансиз ёки буларни четлаб ўтдингизми?

– Мутахассислик ўлароқ тарих ўқитувчисиман. Модомики она адабиётимизнинг улкан биносига бирорта ғишт

қўшмоқ илинжида жидду жаҳд этарканмиз, унинг қонун-қоидаларига, ахлоқий мезонларига амал қилмоғимиз шарт. Амир Темур каби бемисл жаҳонгир битта экан, уни биз эмас, дунё эътироф этган. У ҳақдаги асарлар ҳам, киноми, романми – барчаси унинг улуғлиги, буюклиги, саркардалик салоҳияти, шон-шавкати ва шуҳрати қадар юксак даражада бўлмоғи лозим. Шу пайтгача жуда кўплаб битикчилар соҳибқирон ҳақида асарлар ёзишган. Роман жанрида ҳам ўттизга яқин ижодкорнинг асарлари чоп этилган. Бироқ буларнинг аксарияти ислом ва турк яғийлари томонидан битилган. Уларнинг мақсади Темур ва туркий элларни ерга уриш бўлган. Бу асарларнинг кўпи муаллифлар тириклигидаёқ қайта нашр этилмаган. Бизда ҳам Амир Темур ҳақида кўпгина асарлар яратилди ва яратилмоқда. Бу қувонарли ҳол. Лекин Амир Темур ҳақида ёзмоқни орзуламоқ бошқа, уни бадийий жиҳатдан юксак даражада, яъни рисоладагидай қилиб битмоқ бошқа. Амир Темур ҳақида жўн, саёз, фақат тарихий фактларни бежаб-безаб ёзганлар эса буюк Темур ҳақида қандай ёзмаслик кераклигини кўрсатиб бердилар, холос.

Назарда тутганингиз зиддиятларни четлаб ўтганим йўқ. Шоиру тарихчилар, қаландару сўфийлар, уламою фузалолар – барчалари улуғ Амир атрофидаги қахрамонлар. Ўзингизга маълум, тарихий асарларда саксон фоизгача бадийий тўқима ишлатиш мумкин. Лекин тарихий ҳақиқатлардан чекинмаган ҳолда.

– Айрим олимлар Чингизхон ва Темур феномени орасидаги муштарак нуқталар хусусида гапирдилар. Ҳаттоки икки жаҳонгирнинг бир шажарага мансублиги бобидаги ёзувларга кўзимиз тушган. Жаҳид адиблари, жумладан, Абдурауф Фитрат миллатни уйғотиш мақсадида битган сочмаларида Чин-



**гиз ва Темур номини ёнма-ён кўяди. Сизнингча, бу икки шахс қондошми?**

– Адабиётда шундай гап бор: ёзувчи ўз асари ҳақида кўп гапириб, изоҳ бера бошладими, демак, у китобхонга фикрини керакли даражада етказа олмаган. Бу саволларингизга жавобни шу пайтгача чоп этилган ўн жилдда батафсил баён этганман. “Буюк Темурни Чингизхон билан тенглаштирадиганлар икки карра янглишадилар” дейди Вамбери. Мен ҳам тарихчи сифатида ҳар бир тарихий ҳодиса ва воқеага холис ёндашмоққа ҳаракат қилганман. Темурни улуғлаб, Чингизхонни қораламоқ йўлидан бормаганман. Ҳар бир даврга ўша вақт кўзи билан қарамоқ, мазмун-моҳияти ва оқибатини уни келтириб чиқарган сабаблари билан солиштирмамоқ ва бугуннинг адолат тарозиси ила ўлчамоқ лозим. Икки шахснинг қон-қардошлиги, аждодларининг томирдошлиги бизгача етиб келган шажарадан маълум. Бу икки аждод ўртасида тузилган, яъни хонлик мўғулларга, амирлик барлос туркларига тегишли эканлиги–ҳақидаги битим ҳар икки жаҳонгирнинг улуғ боболари имзо чеккан тош битикларда аксини топгани бор ҳақиқат. Ўша замон тарихчиси Шарафиддин Али Яздий эса шундай қайд этади: “...Ва ҳазрат Соҳибқироннинг тўққизинчи атоси Туманохон эрди. Бузинжар наслиданким, қиёт қавмидан эрди, Қиёт-Турк ибн Йофаснинг ўғли эрди. Ва Йофас Нуҳ алайҳиссаломнинг ўғли эрди...” Чингизхоннинг отаси мўғулнинг қиёт, онаси кўнғиротнинг алконут уруғидан бўлган дея қайд этишади ўша замон тарихчилари. Амир Темур мақбарасига борган бўлсангиз, шаҳид Султон Улуғбек қабр тошидаги битикларга кўзингиз тушгандир. Унда Темурийлар шажараси ҳазрати Алида тўхтайди. Амир Темур ҳазратларининг волидалари Текина

бегим Бухоро шайхулисломининг қизлари бўлганлар. Самарқандда эса машҳур Марғилоний аждод-авлодлари шайхулисломлик қилганлар. Ҳар икки шайхулислом шажараси эса ҳазрати пайғамбаримизга бориб тақалади.

Кечмишда тожу тахт учун ака укани, бола отани маҳв этмоқ одатий ҳол саналган. Ўтмишни кўя туринг, бугунги кунда ҳам бу ҳол такрорланаётгани ажабланарли. Саддам Ҳусайн ўз тоғасининг ўғиллари бўлмиш икки куёвини, яъни набираларининг отасини Бағдод майдонида остирди...

– Адабий жараёнимизда турғунлик рўй бераётгандек. Адабий алоқалар суствлигига кўникиб улгурдик. Ана шуларни ўйлаганимизда ҳақиқатпараст адибимиз Шукур Холмирзаевнинг “Адабиёт ўладими?” сарлавҳали мақоласи эсга келади. Бугунги кунда халққа адабиёт керакми ўзи? Ёхуд ёзувчининг буюртма шаклида бирор-бир мавзуда асар ёзишига қандай қарайсиз?

– Адабий алоқалар чиндан ҳам йўқ ҳисоби. Аслида, бу нарса ижодкор учун жуда зарур. Хоҳ журналист, хоҳ шоиру ёзувчи бўлсин, ўз муқаддас тупроғини ва она Ватанини теранроқ англамоғи, қаттиқроқ севмоғи, уни йўқотмоқ қанчалар катта фожиа эканлигини чуқур ҳис этмоғи учун ўзга диёрларни кўрмоғи, ўша элу элатлар билан суҳбатлашмоғи, тарихдан сабоқ олмоғи жуда зарур. Ҳақиқий ватанпарвар ва комил инсон Зокиржон Машрабов томонидан Бобур экспедицияси уюштирилгани ана шундай савоб ишлардан бири бўлган эди. Мен Амир Темур ҳақида ёза бошлаганимда, кўнглимнинг бир чеккасида, буюк фотиҳ босиб ўтган манзилларни, Малактиядаги Султон Жалолоддин Мангуберди мангу манзил

тутган “Номаълум шоҳ” номли зиёратгоҳни кўрмоқ истаги туғилган. Балх шаҳрида шажараси тўғридан-тўғри Амир Темурга бориб тақаладиган беш минг оила яшар экан. Ўша пайтда масъул вазифада ишлаётган Эркин ака Самандаровга бу ҳақда бир неча бор таклиф берганман. Лекин иложи бўлмади шекилли, ижобий жавоб ололмадим. Туркияда бир нечта ёзувчилар уюшмаси бор ва улар давомли равишда бизнинг йигирма-ўттиз нафар ижодкорларимизни ўз юртларига таклиф этишади. Барча масрафларимизни қаршилаб, Туркияни бошдан-оёқ кўрсатмоқни орзу этишади. Лекин ҳалигача бунга эриша олмадик.

Адабиёт – инсониятни инсоният этган олий адолатдир. Фақат унинг сукут сақламоққа ҳаққи йўқ! Менинг “Сукут суиқасди ёки Сталиндан Саддамгача” роман-памлетим ана шу сукут суиқасдига бағишланган. Адолатга юз бурган ҳолда оқни “қора”, қорани “оқ” дейиш ёки “уч маймун” ўйинини ўйнаяроқ сукут сақламоқ – миллатнинг миллат ўлароқ қад ростлашини, бўй кўрсатишини кечиктиради. Унинг шарафини тикламоққа қодир бутун инсонларни синдиради. Барча шахслар ҳам бу босқи ва суиқасдга бардош бера олмаслиги мумкин. Одатда, бундай шароитда янада юксалиб, улус виждонига айланадиган катта шахсларнинг эса йўриғи бошқа...

Буюртма билан мақола, лавҳа, нари борса очерк ёзилиши мумкин. Бадиий жиҳатдан юксак асарлар эса илоҳий неъмат ҳисобланмиш илҳом ва машаққатли меҳнатнинг мевасидир. Қай бир жамиятда, худди шўро замонасидагидек, адабиётни сиёсатга қурбон қилиб, фалон мавзунини фалончи ёзсин, пистон мадҳияни тугунчи битсин дейиш адабиёт аталмиш олий адолатга хиёнат демақдир. Биз ўтмишдан қолган бу каби хасталиқдан қутулмасак, адабиёту санъатга хусусий томорқамизга қарагандек муносабатдан воз кечмасакгина бадиий

жиздан юксак ва жаҳон мезонию тандозасига мос асарлар дунёга келиши мумкин. Адабиёт ва санъат йўналишларида, бошқарилмайди. У қўллаб-қувватланади.

-- Маълумки, адабиётимизда етмишинчи йиллар юксалиши воқеликка кўчган. Алалхусус, ана ўша авжлару мавжларнинг ичида сиз ҳам бўлгансиз. Айтинг-чи, шунга ўхшаш юксалиш яна қачон рўй бериши мумкин? 2020 йиллар ўзбек адабиётини қандай тасаввур этасиз?

-- Шеърятимизда юксалиш бор. Айни дамда, ижоди сиз номларини қайд этганингиз серунвон ва сунъий сертарғиб шоирлардан кам бўлмаган истеъдодлар етарли қадардир. Бироқ ана шу асл шеърятни тингловчи ва англовчи мухлис кам. Одамлар, эски ота сўзи билан айтганда, сотарчининг бўғзига, отарчининг оғзига қараб қолган. Китоб ўқимаган, фикрламайдиган шинавандалар билишмайдики, ёқимли овозга чапак чалиниб, юксак ақл қаршисида бошлар эгилади. Қўшиқ айтган ашулачини бир пасда кўкларга кўтариб, унвону мукофотлар билан сийлаймизу, шеърини ёзган шоирга тузук-қуруқ қалам ҳақи бермаймиз. Бироқ яхши насрий асарлар тақчил. Қуруқ истак ёки бирор бир ташкилотда раҳбарлик лавозимида ишлаш жараёнида ўнлаб саёз, бадийликдан йироқ китобларни "ёзиб" ташлаш билан одам ёзувчи бўлиб қолмайди. Бугунги кунда чоп этилаётган асарларни адабиёт элагига солиб кўриш фурсати етди. Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда, довруғи Тўйтепадан нарига ўтмайдиган "классик"лар яшашга чек қўйиш керак чоғи. Шу ўринда Тўйтепада барпо этилаётган Тошкент вилоятининг янги маркази хусусида бир фикр. Шу манзилдан бир неча километр нарида қадимий Фанокат, сўнгра миллатимизнинг бош қаҳрамони Амир Темурнинг фармони билан қайта қурилган Шохруҳия харобалари бизнинг тарихий зако ва хотирамизга кўз

ёши тўкиб ётибди. Шу шаҳар номини Шоҳруҳия қўйсак қандай ажойиб ватаний иш бўларди. Мен бу ҳақда жуда кўпчилик кўзи очиқ ватандошларимиз билан фикрлашдим. Улар маъқулладилар. Рисоладагидек жумла туза билмоқ ва оғзи бурнини тўғрилаб таҳрир этмоқ – бу ёзувчиман дегани эмас. Юксалиш ҳақида гап кетаркан, ўнлаб шоиру носирлар етишиб чиқиши ҳақида сўзламоқ ғалатидир балки. Чунки адабиёт журъату жасоратли, бошига қилич келганда ҳам ҳақиқатдан тонмайдиган, сўзидан қайтмайдиган мардларнинг ишидир. Бизда ана шундай бир сўзли, олий адолат тамалларига амал қилувчи шахслар етишиб чиқишига ҳар замон кўз тикамиз ва умид қиламиз. Чернишевский дор остига борганида, миқ этмай кузатганча сукут сақлаган оломонга қараб: “Шу оломон учун бошимни кундага қўйиб, дор оғочига келдимми?” деган экан.

Сиз кўзда тутганингиз, 2020 йилларда адабиётимиз кечмиш улуғларимиз Қошғарию Югнакий, Лутфию Атоий, Яссавию Навоий, Бобиру Машраблар бошлаб берган қутлуғ йўлда давом этади. Ўқиганда эзгулик нуридан кўзингизга ёш қалқадиган, разолату қабохатга гувоҳ бўлганингизда дуонгиздан тош тушадиган бадиий битиклар яратилиб, улус қалбини ёритади, қадрини билмоғига хизмат қилади деган умиддаман. Зотан адабиётнинг буюк мақсаду вазифаси ҳам шудир!

*“Фаровон юрт” газетаси.*

*Октябрь, 2017 йил*

## МУНДАРИЖА

Биринчи боб .....	3
Иккинчи боб .....	14
Учинчи боб .....	22
Тўртинчи боб .....	28
Бешинчи боб .....	45
Олтинчи боб .....	56
Еттинчи боб .....	74
Саккизинчи боб .....	88
Тўққизинчи боб .....	102
Ўнинчи боб .....	114
Ўн биринчи боб .....	128
Ўн иккинчи боб .....	139
Ўн учинчи боб .....	150
Ўн тўртинчи боб .....	161
Ўн бешинчи боб .....	171
Ўн олтинчи боб .....	179
Ўн еттинчи боб .....	187
Ўн саккизинчи боб .....	193
Ўн тўққизинчи боб .....	207
Йигирманчи боб .....	224
Йигирма биринчи боб .....	241
Йигирма иккинчи боб .....	250
Йигирма учинчи боб .....	262
Йигирма тўртинчи боб .....	276
Йигирма бешинчи боб .....	294
Йигирма олтинчи боб .....	307
Йигирма еттинчи боб .....	322
Йигирма саккизинчи боб.....	338
Адабиётга хиёнат – адолатга хиёнат... ..	356
Салтанат сирлари .....	362
Мард қийинни енгади, номард бўйинни эгади... ..	377

Адабий-бадиий нашр

*Нурали ҚОБУЛ*

# ШАЙТОН ШАМШИРИ

XIII

*Тарихий роман*

Масъул муҳаррир: *А.Қоржовов*  
Муҳаррир: *О.Қанаев*  
Дизайнер: *Р.Ташматов*  
Мусахҳиҳ: *М.Холиқова*  
Саҳифаловчи: *Г.Курбанбаева*

Нашриёт лицензияси: АГ №27L

Босишга 09.01.2019 йилда берилди. Қоғоз бичими 60x84 1/16

“Arial” гарнитурасида офсет усулда босилди.

Нашр босма табоји 25,0 Адади 3000 Буюртма №74

«IJOD-PRESS» нашриётида нашрга тайёрланди.  
«Dizayn-Print» МЧЖ ЎИЧК босмаҳонасида чоп этилди.  
100054. Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28-а уй.

Телефон: (371) 273-19-51

Факс: (371) 273-19-50

*Email: [book@ijodpress.uz](mailto:book@ijodpress.uz)*

*[www.IjodPress.uz](http://www.IjodPress.uz)*